



БОҲОДИР ЭШОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА
БОШҚАРУВИ ТАРИХИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА
БОШҚАРУВИ ТАРИХИ

Тошкент - 2012



Ушбу дарсликда энг қадимги даврлардан бугунги кунга қадар Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи билан боғлиқ бўлган масалалар – илк давлатчилик ва бошқарувнинг пайдо бўлиш омиллари ва сабаблари, илк давлатлар шакллари ва бошқаруви, илк давлатчилик назариялари, илк шаҳар маданияти, антик ва ўрта асрлар давлатчилик анъаналари, мансаблар ва унвонлар, ер эгаллиги ҳамда солиқ сиёсати, маданий ҳаёт каби масалалар ёритилган. Дарслик ЎзМУнинг “Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув” йўналишдаги магистр талабалари учун тайёрланган бўлишига қарамай ундан “Ўзбекистон тарихи” фанидан таълим олаётган барча бакалавр ва магистрлар, шунингдек тадқиқотчилар ва олимлар, давлатчилик тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар унумли фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир – Тарих фанлари доктори, профессор А.С Сагдуллаев

Такризчилар – Академик А.А Асқаров

т.ф.д. проф .Н.У.Мусаев

т.ф.д. проф. Ш.Ваҳидов

т.ф.д А.Зиё

т.ф.д Ў.Мовлонов

т.ф.н. доц. Н.Полвонов


ю.ф.н.доц. Топилдиев В.Р

Тошкент - 2012




Мундарижа

Кириш	7-10
1-мавзу. Давлат бошқарувининг назарий – методологик асослари.....	11-22
2-мавзу. Ўзбекистонда дастлабки давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари.....	23
1§. Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши жараёнлари.....	23-30
2§. Илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослари. Давлатчилик тушунчаси	30-46
3§. Қадимги Бақтрия, Хоразм ва Суғдиёна давлатлари	47-65
4§. Ўрта Осиёда Аҳамонийлар даврида бошқарув (мил.авв. VI-IV асрлар).....	65-78
5§. Александр Македонский, Салавкийлар, ҳамда Юнон-Бақтрия даврида давлат бошқаруви	78-87
6§. Қанғ давлати.....	87-92
7§. Даван давлати.....	92-96
8§. Кушонлар давлатчилиги	97-102
9§. Антик давр шаҳарсозлик анъаналари	102-120
3-мавзу. “Авесто” – давлатчилик тарихини ўрганишдаги муҳим манба.....	121
1§. Заратуштра ва зардўштийлик	121-125
2§. Авестода ижтимоий тизим ва сиёсий ғоялар	125-129
3§. Авестода ҳуқуқий тартиб.....	129-132
4-мавзу. Илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V-VIII асрлар)	133
1§. Эфталийлар даври давлатчилиги	133-140
2§. Турк хоқонлиги даврида давлат бошқаруви	140-150



3§. Араб халифалиги даврида Мовароуннахр	151-1
5-мавзу. IX-XIII аср бошларида Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги	158
1§. Тоҳирийлар ва Саффорийлар давлати	158-163
2§. Сомонийлар давлати	163-171
3§. Қорахонийлар давлати	171-180
4§. Ғазнавийлар ва Салжуқийлар.....	180-189
5§. Хоразмшоҳлар давлати	189-197
6-мавзу. Чингизийлар давлатининг ташкил топиши. Мовароуннахр Чиғатой улуси таркибида.....	198
1.§. Чингизийлар давлатининг ташкил топиши ва Ўрта Осиёни босиб олиши.....	198-204
2-§. Жалолоддин Мангуберди-юрт ҳимоячиси.....	205-212
3 -§. Чиғатой улуси.....	212-220
7-мавзу. Ўзбекистон давлатчилигининг Амир Темур ва Темурийлар даври босқичи.....	221
1§. Амир Темурнинг ҳокимияти тепасига келиши ва марказлашган давлат тузиши.....	221-225
2-§. Темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросон.....	225-230
3-§. Амир Темур даврида давлат бошқаруви.....	230-234
4-§. Амир Темур ва Темурийлар даври давлатчилигида ички ва ташқи сиёсат.....	234-246
5-§ Амир Темур ва темурийлар даври шаҳар маданияти.....	246-251
8-мавзу. Бухоро, Кўқон ва Хива хонликлари давлатчилиги тарихи.....	252
1 § Шайбонийлар даври давлатчилиги.....	252-271
2-§. Аштархонийлар даври давлатчилиги.....	271-286
3-§. Бухоро амирлиги.....	286-307



4-§. Қўқон хонлиги.....	307-311
5-§. Хива хонлиги.....	332-355
6-§.Сўнги ўрта асрларда қорақалпоқлар (сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт).....	355-362
9-мавзу. Туркистонда Чор Россияси мустанлакачилиги даврида идора усули ва бошқарув.....	363-399
10-мавзу. Туркистонда Советлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Советлар олиб борган мустанбид сиёсат.....	400
1-§. Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.....	400-402
2-§. Туркистон Мухторияти.....	402-405
3-§. Туркистон Автоном Совет Республикаси (Туркистон Республикаси).....	405-413
4-§. Хива хонлигининг ағдарилиши. Хоразм Халқ Совет Республикаси.....	413-419
5-§. Бухоро амирлигининг ағдарилиши.Бухоро Халқ Совет Республикаси.....	419-425
12-мавзу. Мустанқил Ўзбекистон давлатчилиги: давлат қурилиши ва бошқаруви.....	426-447
Глоссарий.....	448-453



Кириш

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб тарихимизга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, совет даврида нотўғри баҳо берилган ёки юзаки кўриб чиқилган масалаларга жиддий илмий ёндашув кучайди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги “ЎзРФА тарих институти фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги” қароридан сўнг ҳаққоний тарихни яратиш, бу жараёнда бирламчи манбаларга асосий эътибор бериш, қўйилган муаммони соҳа мутахассислари томонидан ҳал этилиши, мавжуд муаммолар ечимини илмий асослаш борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан, узоқ ўтмишларга бориб тақалувчи улкан тарихимизда ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Ана шундай фундаментал масалалардан бири – ўзбек халқи давлатчилиги ҳамда давлат бошқаруви тарихидир.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган давлатчилик тарихини тадқиқ этишда ҳозирги кунга келиб жиддий илмий ютуқларга эришилган бўлса-да¹, давлатчиликнинг илк шакллари, бошқарув тизимининг пайдо бўлиши, унвонлар ва мансаблар, илк шахарлар ва улар билан илк давлатлар ўртасидаги диалектик боғлиқлик масалалари тўла ечимини топган деб бўлмайди. Ундан ташқари, давлатчилик тарихи бўйича Олий таълим муассасалари бакалавр ва магистрлари учун ҳозирги кунга қадар бирорта дарслик яратилмаган. Ўзбек халқи давлатчилиги бўйича ҳозирга қадар нашр юзини кўрган турли-туман тадқиқотларни умумлаштириш, қиёсий ўрганиш, муаммо бўйича турли концепцияларни тадқиқ этиш асосида юқоридаги бўшлиқни имкон қадар тўлдиришга ҳаракат қилиш мазкур дарсликнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Дарсликнинг яратишда аввало, тарихчилар, археологлар, қолаверса, манбашунослар, этнографлар, тангашунослар, санъатшунослар, ҳуқуқшунослар, файласуфлар, лингвистлар тадқиқотларидан кенг фойдаланилди.

Шунингдек, жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган қадимги Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви масалаларини ҳар томонлама тадқиқ этиш ҳам мазкур дарсликнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, қадимги Ўзбекистон цивилизацияси ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Ўрта Осиё, умуман, Қадимги Шарқдаги қадимги даврларда бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнлар қарвон йўллари кесишган ҳудудларда жойлашган қадимги Ўзбекистонга ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган. Шунингдек, ўлкамиз ҳудудларида мавжуд бўлган қадимги маданиятлар қўшни ўлкаларга ҳам ўз таъсирини ўтказганлиги шубҳасиздир.

Давлатнинг тарихий илдизларини, у қандай шароитларда пайдо бўлганлиги, қандай ривожланганлигини ва замонавий воқеликда қандай

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Т., 2000; Ртвеладзе 9.В.; Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т. 2001; Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2005; Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат ва бошқарув тарихи. – Т., 2006; Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Академия, 2009; История государственности Узбекистана. Отв.ред. Э.Ртвеладзе, Д.Алимова. – Ташкент: Узбекистан, 2009 ва бошқ.



мазмун касб этганлигини билмасдан туриб давлатни цивилизация ҳодиса сифатида тушуниш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан ҳам мазкур дарсликда ўзбек халқи давлатчилигининг асослари, бу жараёнга таъсир этган ҳамда тезлаштирган омиллар, турли даврларда давлатчилик ривожининг юқори нуқтаси ёки инқирози ва уларнинг сабаблари, давлатчилик турлари ва шакллари, турли даврдаги мансаблар ва унвонлар, маълум сулолалар ва тарихий шахсларнинг давлатчиликдаги ўрни ва аҳамияти, ер эгаллиги ва солиқ тизими масаларига асосий эътибор қаратилди.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам давлатчилик абадий мавжуд бўлмасдан, маҳаллий халқлар тарихий-маданий ривожланишининг маълум босқичида пайдо бўлган воқеликдир. Бу ўринда юртбошимиз И.А.Каримовнинг куйидаги концепциясини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Давлат қурилиши борасида танқидий нуқтаи назарсиз қабул қилинадиган тайёр қолип ва андозалар йўқ. Дунёда айнан бир-бирига ўхшаш иккита инсон бўлмаганидек айнан бир-бирига ўхшаган иккита давлат ҳам йўқ. Бундай бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир давлат – бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маданий тараққиётининг ҳосиласидир, унинг ўзига хос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир”¹.

Шунингдек, ўзбек халқи давлатчилиги тарихини ўрганишнинг нақадар муҳимлиги Республика Президенти томонидан шундай изоҳланади: “Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳам бор... Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу давронинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи-назардан асосланган тарихини яратишдир”².


Шу боис ҳам сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихининг қатор долзарб масалаларини ўрганишда аниқ ва ҳаққоний тарихий ёндошув масаласи муҳим бўлиб бормоқда. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муаммолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади”³. Айниқса, ўзбек халқи давлатчилиги, ва уни бошқарувининг тарихий тараққиёт босқичларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш ҳамда улар натижаларини Олий таълим талабалари учун илмий муомалага киритиш ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мазкур дарсликни тайёрлашда давлатчилик ва бошқарув тарихи билан боғлиқ бўлган турли фанлар

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т., 1999. 6-бет.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.12.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008 – Б.97.



ютуқларидан фойдаланилди. Мисол учун, давлатчилик ва бошқару тарихининг фалсафий фанлар билан боғлиқлиги шунда кўринадики, фалсафа табиат ва жамият ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганади. У жамиятдаги тарихий-маданий ривожланиш жараёнига ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди ҳамда уларни умумий кўринишда ўрганади.


Давлатчилик ва бошқарув тарихининг иқтисодиёт билан боғлиқлиги шундаки, иқтисодий фанлар жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатларини, ишлаб чиқарувчи хўжалик соҳаларининг пайдо бўлиши ва ривожланишини, молия масалаларини, жумладан дехқончилик, хунарманчилик, маҳсулот айирбошлаш, товар пул муносабатлари, солиқлар тизими, савдо-сотик тарихи кабиларни тадқиқ этишда ўта муҳимдир. Шунингдек, давлатчилик ва бошқарув тарихини ўрганишда сиёсатшуносликнинг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Маълум бир давлатнинг тараққиёти ёки таназзули ўша давлатда олиб борилган сиёсатга боғлиқлиги сир эмас. Ундан ташқари, турли даврлардаги норозилик ҳаракатлари, босқинчиликлар, қўзғолонлар ва урушлар тарихи ҳам сиёсат билан бевосита боғлиқдир.

Шунингдек, давлатчилик ва бошқарув тарихини ўрганишда социологик тадқиқотларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Социология фани мавжуд жамиятни бир бутун яхлит ҳолатда, уюшган тизим сифатида тадқиқ этади ҳамда мавжуд жамият аъзоларининг давлатга бўлган турли муносабатларини, уларнинг мавжуд давлат ҳақидаги мулоҳазаларини ўрганади. Хуллас, барча давлатларда бўлгани каби ўзбек халқи давлатчилиги ва бошқаруви тарихини тадқиқ этиш ҳам турли фан соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўқувчилар шунга асосий эътибор беришлари лозимки, турли халқлар жумладан, ўзбек халқи ҳам ўз давлатчилигининг шаклланиш босқичларини ижтимоий, иқтисодий ва тарихий маданий жараёнларга боғлиқ ҳолда турли тарихий даврларда босиб ўтган. Бир умумий географик минтақа – Ўрта Осиёда яшаб келган қўшни халқлар, элатлар ва қабилаларни бир-бирига яқин бўлган маданиятлар, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий жараёнлар, умумий ва маданий этник илдизлар бирлаштириб турган. Шунинг учун ҳам қадимги даврлардан бошлаб Ўрта Осиё халқларининг тарихий тақдири бир-бирига ўзвий боғланган.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Ўрта Осиё минтақасида яшаган қадимги халқлар тарихини “қадимийлаштириш” борасида асоссиз фикр-мулоҳазалар кўпайиб кетди. Ҳатто, энг юқори лавозимларни эгаллаб турган қўшни давлатлар арбоблари ҳам шу масала бўйича “қалам тебратдилар”. **Биринчидан**, “ким қадимгироқ” эканлиги ҳозирги кунда ҳеч нарсани ҳал қилмайди. **Иккинчидан**, маълум халқ менталитетини кўтариш, дунёга кўрсатиш албатта керак. Аммо, бу ҳолат қўшни халқлар тарихини ерга уриш ёки уни бўзиб кўрсатиш эвазига бўлмаслиги лозим. **Учинчидан**, тарихни ўрганишга бундай ёндашув замонавий халқлар ўртасидаги муносабатларга раҳна солиши мумкин¹.

¹ Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Ртвеладзе Э.В., Сағдуллаев А.С. Современные мифы о далёком прошлом народов Центральной Азии. – Ташкент, 2006.



Мазкур дарсликда ўзбек халқи менталитетига алоҳида урғу берилиб, бошқа халқлар тарихига ҳурмат билан қараш руҳида яратилди. Шу ўринда Республика Президенти И.А.Каримовнинг куйидаги фикрлари айтилган: “Тарихимиз каби, қадимги маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини қўшган. Бу табиий ҳол, чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битти миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир”.

Хуллас, Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий давстури” ва “Таълим таўғрисида”ги қонунлари талабларидан келиб чиқиб, бугунги кунда тайёрланаётган янги авлод дарсликларини, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларини яратишдан мақсад ҳам ўқув жараёни сифат ва самарадорлигини оширишга, замонавий педогогик усулларни жорий этишга қаратилган бўлиб, бунинг натижасида қадимги тарихимизни тарғиб этиш, комил инсонни тарбиялаш, ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган тарихчи-мутахассислар тайёрлашдир. Бу жараёнда мазкур дарслик маълум аҳамият касб этади деган умиддамиз.

Мазкур дарсликнинг энг қадимги даврлардан XIII асрнинг бошларига қадар бўлган қисми муаллиф томонидан 2009 йилда чоп этилган эди.¹ Ўша ўқув қўлланмаси қайта ишланиб, қўшимчалар киритилиб, кейинги даврлар давлатчилиги ва бошқарув тарихи билан тўлдирilib, ЎзМУдаги “Давлат бошқаруви ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарув” магистратура мутахассислиги талабалар учун дарслик сифатида нашрга тайёрланди.

Дарсликни тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон тарихининг турли даврлари давлатчилиги ва бошқаруви масалалари бўйича сўнгги йилларда турли тадқиқотлар олиб борган олимларнинг илмий тадқиқотлари – мақолалар, монографиялар, диссертациялар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар, фундаментал китоблардан кенг фойдаланилди. Жумладан, Э.Ртвеладзе, Р.Сулаймонов, А.Асқаров, А.Сагдуллаев, А.Зиё, Ў.Мовлонов, Ш.Воҳидов, Н.Мусаев, Қ.Ражабов, Ж.Исмоилова, Р.Холиқова, Х.Юнусова, Ш.Ўлжаева, Ш.Шайдуллаев, Н.Полвонов, М.Ҳайдаров, С.Тиллабоев, Т.Худойқўлов, У.Шерипов, С.Сабурова, Х.Матёкубов, У.Абдуллаев каби етук ва ёш олимларнинг давлатчилиги ва бошқарув тарихининг турли томонларини ёритган тадқиқотлари мазкур дарслик учун асосий манба бўлиб хизмат қилди.

Ушбу дарсликни нашрга тайёрлаш ишларини жадаллаштиришда ўзларининг қимматли амалий ва илмий ёрдамларини аямаган профессор Р.Х.Муртазаевага, ақадимек А.А.Асқаровга, профессор А.С.Сагдуллаевга муаллиф шахсан миннатдорчилик билдиради. Дарслик юзасидан билдирилган фикр – мулоҳазалар ЎзМУ тарих факультети, “Ўзбекистон тарихи” кафедрасида бажонидил қабул қилинади.

¹ Эшов Б.Ж. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи (қадимги даврлардан XIII аср бошларигача). Тошкент, “Тафаккур”. 2009.




1-мавзу. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Давлат бошқарувининг тарихий илдизлари. Илк давлатчилик тарихи бўйича тадқиқотлар олиб борувчи аксарият олимларнинг эътирофи этишича, Ўрта Осиёда илк давлатчилик асосларини бронза (мил.авв. III-II м.й.) давридаги суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши ва ихтисослашган ҳунармандчилик ҳўжаликлари ташкил этган эди. Шунингдек илк давлатчиликнинг тарихий илдизлари фақат ички сабабларгагина боғлиқ бўлмай, балки қадимги Шарқдаги юксак даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга ҳам боғлиқ бўлган. Археологик тадқиқотлар натижасида топилган юқори сифатли моддий маданият буюмлари ўзаро алоқалардаги мавжуд технологик ва иқтисодий таъсирни кўрсатади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, юзлаб минг йилликларни ўз ичига камраган инсоният тарихида дастлабки давлатларнинг пайдо бўлиши – нисбатан анча кеч юз берган жараён дир. Давлатчилик тарихи инсоният цивилизациясининг сўнгги 5 минг йили билан боғланади. Илк давлатлар ўз ривожланиш босқичларида турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятларига эга бўлиб, илк давлатлар ҳўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари – деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик қаерда олдинроқ ривожланган бўлса, ўша ерда пайдо бўлган. Ҳўжалик ишлаб чиқарувчи шаклларнинг тараққиёти аҳоли жойлашуви, ҳудудларнинг кенгайиши ва ташқи алоқаларнинг ривожланишига олиб келган. Шу тариқа аҳолининг аралаш жойлашуви жараёни бошланиб, бир ҳудудда турли уруғ вакиллари яшайдиган бўлган, яъни қариндош-уруғчилик жамоаси ўрнига ҳудудий қўшничилик жамоалари пайдо бўлган.

Бу жамоалар вакиллари алоҳида қишлоқлар, экинзорлар ва суғориш тармоқлари билан чегараланган бўлиб, улар тўла ўзлаштирилган ва доимий ҳўжалик ҳамда ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиб келинган воҳа-туманларда яшаганлар. Улар ўз ички ва ташқи муносабатларида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишда бирлашишга ҳаракат қилганлар. Жамоалардаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимооти, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, диний урф-одатларни бажариш каби масалалар ижтимоий мансаблар ҳамда бошқарувнинг пайдо бўлишига асос солган.

Олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, милoddан аввалги 1 минг йилликнинг бошлари Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятлари (Бақтрия, Суғд, Хоразм) жамоаларидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучлар бир неча кичик оилалардан ташкил топган уй жамоалари (катта




оила вакиллари)дан иборат бўлган. Ушбу уй жамоаларининг бошқару тартибида катта оилалар бошлиқлар ёки уй эгалари, шунингдек, алоҳида қишлоқ кўрғонларини бошқарувчи жамоалар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бу жараёнда алоҳида уйлар ўртасидаги қариндошчилик муносабатлари каби белгилар иккинчи даражали бўлиб борган. Бу шунда кўринадики, ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошчилик алоқаларига қарамасдан, алоҳида хусусий мулкка, ўз уй-жойига, ишлаб чиқариш куролларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва молларига эга бўлганлар, бир сўз билан айтганда, улар ўзларини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликларни акс эттирганлар.

Ушбу хўжаликларда мансабларни эгаллаш, жамоа ишлаб чиқариш ишлари ва ижтимоий меҳнат тақсимооти билан боғлиқ бўлган. Бошқарув фаолияти зарурати ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ҳамда жамоа маҳсулотини тақсимлаш каби ишлар билан махсус шуғулланувчи айрим шахсларни юзага чиқарган. Шу тариқа ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тараққиёти жамиятда ўз обрў-эътиборига эга бўлган, фақат ижтимоий ишлаб чиқариш билан шуғулланмасдан, ижтимоий ва хўжалик ҳаётини назорат қиладиган ҳамда бошқарадиган шахсларнинг сараланишига олиб келган. Бундай одамлар ўзларининг шахсий ахлоқий хислатлари, амалий билимлари ва нуфузлари билан бошқалардан ажралиб турганлар. Айнан шу асосда ишлаб чиқариш фаолиятидан ташкилий-бошқарув фаолияти ажралиб чиққан.

Қадимги жамоаларда раҳбар – йўлбошчининг нуфузи юқори бўлса-да, ўша даврларда бошқарув ютуқларига асосланган ижтимоий ҳокимият сиёсий давлат мақоми даражасига етмаган ижтимоий ташкилот турини ўзида ифода этган. Моддий бойликларни тақсимлаш ҳамда жамоа маҳсулотидан олинадиган улуш бундай ташкилот бошқарувчиси лавозимидаги шахсларнинг ўрни ва амалига боғлиқ бўлган. Шу тариқа йўлбошчи раҳбарнинг дастлабки ижтимоий фойдали фаолияти касбий бошқарувчиликка айланган.

А.С.Сагдуллаев тадқиқотларига кўра, бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари қуйидагилардан иборат: ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимооти, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурати, жамоадаги мавжуд урф-одатларни бажариш, жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатдан бўлиниши. Олимнинг таъкидлашича, энг қадимги даврлардан бошлаб то бугунги кунгача қуйидаги бошқарув вазифалари устивор бўлиб келмоқда: ташкил қилиш, тартибга солиш, назорат, жамиятнинг ички ва ташқи мураккабликларини бошқариб туриш. Қадимги бошқарув тизимининг биринчи босқичи қуйидаги



функциялар билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган: иқтисодий ва ижтимоий, ҳарбий-сиёсий, ҳудудий.

Иқтисодий функциялар тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимооти муҳим ўрин тутган. Жумладан, деҳқончилик ишлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жамоа ҳўжаликларида ер ва сувни тақсимлаш, қурилиш ва суғориш ирригация ишларини йўлга қўйиш, ҳишлоқ ҳўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, маҳсулот айирбошлаш ҳамда савдо-сотик алоқалари шулар сирасига киради. Ишлаб чиқариш тараққиётининг турли босқичларида режалаштириш, ташкил қилиш, тартибга солиш ва назорат қилиш каби ишларни бажариш вазифалари ҳам юзага келган.

Ижтимоий функциялар қадимги жамоалардаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, мунозарали масалаларни ҳал қилиш, жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқариб туриш заруратига асосланган.

Ҳарбий-сиёсий функциялар ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, ҳарбий қўшинларни ташкил этиш, воҳалар ҳудудларида муҳофаа ишларини амалга ошириш, туман ва воҳалар ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш ҳамда мунозарали масалаларни ҳал қилиш каби вазифалар асосида шаклланиб ривожланган.


Ҳудудий функциялар воҳа, туман, вилоят ҳудудларида жойлашган қишлоқ жамоалари, туман аҳолиси (бир неча қишлоқ жамоалари) ва вилоят (бир неча туман) аҳолисининг муносабатларини назорат қилиш ҳамда бошқариб туриш заруратидан келиб чиққан.

Қадимги давлат бошқарувининг иккинчи босқичи жамоаларда ўзини-ўз бошқарув муассасаларининг йўлбошчи ҳокимиятига тўла бўйсундирилиши билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнда жамоа аъзолари ўртасидаги ички ва ташқи алоқалар, ҳуқуқий тартибот янада такомиллашиб боради. Бу ҳолат эса давлат тизимидаги турли вазифаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва ҳокимиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилишига олиб келади¹.

Давлат бошқаруви тушунчаси ва бошқарув таснифи


Тадқиқотларга кўра, жамиятдаги инсон фаолияти таъсирида рўй берадиган жараёнлар ҳамда воқеа-ҳодисалар бевосита бошқарув фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечади. Бошқарув – бу муайян жамоа ёки ташкилот аъзоларининг фаолият йўналишини таъминлайдиган, бутун ташкилот ва унинг бўлимларини белгиланган мақсад дориасида ушлаб турадиган, фаолият турларига кўра, жамиятнинг барча жабҳаларида

¹ Сағдуллаев А.С., Мавлонов ЎюМ. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Тошкент, Академия, 2006. Б. 24-28, 35.



Ўзига хос тузилмага эга бўлган, муайян раҳбар кадрлар томонидан амалга ошириладиган вазифадир.

Ижтимоий жараёнлар ва бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари



Шунинг учун ҳам латинча “adminis-tratio” атамаси раҳбарлик қилишни (кимгадир, нимагадир), бошқарувни англатади. Бошқарув – тегишли ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мақсадларга эришиш йўлида амалга ошириладиган фаолиятларни ўзида мужассам этади.

Ҳозирги кунда бошқарув нафис санъат, шафқатсиз мусобақа, юксак илм-фан билан баробар бўлиб, соҳа тадқиқотчиларининг фикрича,




замонавий бошқарув вазифалари тизими қуйидагича белгиланиши мумкин:

1. Ташкил этилган ташкилот (жамоа, бирлашма, идора ва ҳ.к.) раҳбари ва етакчиси сифатидаги фаолияти, аъзоларнинг бирлашуви.
2. Ўзаро ҳамкорлик – мулоқотни йўлга қўйиш ва доимий мулоқот.
3. Ахборотни қабул қилиш, саралаш ва тарқатиш.
4. Янги технологияларни мунтазам жорий этиб бориш.
5. Мавжуд захираларни тақсимлаш.
6. Қоида бўзилишларининг олдини олиш ва кадрлар қунимсизлигини бошқариш.
7. Мўзокаралар олиб бориш, шартномалар тузиш.
8. Инновациялар ўтказиш, рақобатбардош лойиҳалар ишлаб чиқиш.
9. Доимий режа асосида иш олиб бориш (режалаштириш).
10. Ходимлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни йўналтириш бўйича мутахассис амалга ошириши мумкин ва лозим бўлган вазифаларнинг барчаси эмас. Булардан ташқари, бошқарувчи реклама ишлари, қўшимча маблағлар ундириш, ташқи алоқалар (турли кўринишларда) ни йўлга қўйиш каби фаолият турлари билан ҳам шуғулланишлари лозим бўлган вазифаларнинг барчаси эмас. Булардан ташқари, бошқарувчи реклама ишлари, қўшимча маблағлар ундириш, ташқи алоқалар (турли кўринишларда) ни йўлга қўйиш каби фаолият турлари билан ҳам шуғулланишлари лозим бўлади.

Тадқиқотчилар инсоннинг ҳаётнинг турли жабҳаларига таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан қуйидаги бошқарув турларини ажратиб кўрсатадилар:

1. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зарур шаклда таъсир кўрсатиш йўлини танлаш билан боғлиқ бўлган **биологик бошқарув**.
2. Технологик жараёнлар, механизмлар ва шунга ўхшаш ҳолатларни бошқариш билан боғлиқ **технологик бошқарув**.
3. Инсоннинг инсонга таъсир қилиш воситаларини шакллантирувчи жамият бошқарувини назарда тутадиган **ижтимоий бошқарув**. Ижтимоий бошқарув ўз хусусиятлари билан қолган иккита бошқарув турларидан ажралиб туради.

Ҳозирги кунда жаҳон халқлари ўртасида интеграция жараёнларининг тобора чуқурлашиб бориши, иқтисодий муносабатлар, ахборот алмашинуви, янги технологияларнинг жадаллик билан кириб келиши ҳар бир тўзум, жамият, ташкилот ёки жамоа олдига ўз фаолиятларини ушбу ҳодисаларнинг бугуни ва келажагини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш вазифасини юкламоқда. Шунга қарамасдан, бошқарув органларининг фаолият юритиши ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди.



Давлатдаги бошқарув органлари мавжуд ерда эса, табиийки раҳбар кадрлар иш олиб боради.

Давлатнинг қонунлар асосида иш юритиши ва меҳнатни самарали ташкил этиши маълум ташкилотлар, жамоалар, идораларнинг яшовчанлигини таъминловчи омиллари сифатида майдонга чиқади. Ушбу омилларга ажралмас даражада боғланиб кетган учинчи омил – бу давлат бошқарувида раҳбарлик фаолиятидир. Ташкилот тараққиёти ва унинг барча муносабатлари, шу жумладан, ташкилотнинг ички муносабатлари ҳам уни бошқараётган раҳбар ёки ташкилот тизимида фаолият кўрсатаётган турли даражадаги раҳбарлар – раҳбариятнинг хатти-ҳаракатлари натижасида амалга ошади. Шунинг учун ҳам ташкилот самарали меҳнат ва уни рағбатлантиришни йўлга қўймаса, раҳбар ташкилотга муносиб фаолият юритмаса, у таназзулга учрайди.

Айнан мана шу сабабларга кўра ҳозир биз яшаётган жамиятда раҳбар кадрлар фаолиятини назорат қилишда амалий иш олиб борувчи тизимлар – **комиссия, ревизия, аттестация** каби тузилмалар мавжуд бўлиб, бу тузилмалар ҳам давлат, ҳам нодавлат ташкилотларга баравар хизмат кўрсатади.


Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви – бу давлат ва нодавлат идораларининг қонунларни ҳамда бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат барпо этиш вазифаларини бажариш йўлида ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган кундалик қонуний ижрочилик ва маъмурий фаолиятидан иборат. Давлат бошқаруви хўжалик, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишга раҳбарлик қилиш жараёнида амалга оширила бориб, қуйидаги масалаларни назарда тутаяди:

1. Маъмурий ижро тизимининг юқоридан пастга, пастдан юқорига қараб ҳаракатланиши.

2. Давлат бошқаруви субъектларининг ҳуқуқий-ҳокимият ваколатларини маъмурий тартибда амалга ошириш.

3. Бошқарув субъектлари ҳуқуқий меъёрларни мустақил ўрната оладиган маъмурий қонун ижодкорлиги имкониятларининг мавжудлиги.

Давлатнинг вазифалари ва бошқарув кўринишлари. Давлатнинг вазифалари – бу давлатнинг миллий ва умумбашарий моҳияти ҳамда ижтимоий вазифасини ақс эттирадиган асосий фаолият йўналишларидан иборат. Бу вазифалар давлат ҳудуди доирасида амалга ошириладиган ички вазифалар ҳамда унинг ҳудудларидан ташқарида амалга ошириладиган ташқи вазифаларга бўлинади. Давлат вазифалари доимий ва муваққат (фавқўлодда ҳолатларда) вазифаларга бўлиниб, бу вазифалар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради.



Бугунги замонавий давлатнинг асосий вазифалари жамиятнинг нормал ҳаёти ва тараққиётини ташкил этиш, шу жамият фуқаролари ва халқининг ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, мамлакатнинг ички ва ташқи зиддиятлари ҳамда қарама-қаршиликларини ҳал этишга қаратилган. Давлат ижтимоий ролининг моҳияти барча фуқароларининг умумий хоҳиш-иродасини ифода этган ҳолда бутун жамиятга маълум мақсадларни назарда тутувчи, ташкиллаштирувчи таъсир ўтказишдан иборат. Шунинг учун давлат томонидан ўзининг ижтимоий вазифаларини бажаришини белгилаб берадиган қуйидаги икки жиҳати ажратилади: 1) давлат фуқароларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари ва хоҳиш-иродасини ўзида қанчалик мужассам этишининг кўрсаткичи; 2) давлатнинг ижтимоий жараёнларни қандай бошқараётгани, жамият тараққиётини таъминлаётганидир.

Бир сўз билан айтганда, давлат жамиятнинг ҳаётий фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича турли вазифаларни бажаради. Уларнинг барчаси маълум даражада бошқарув билан боғлиқ бўлиб, бошқарув тизими ва аппарати орқали амалга оширилади. Жамият ривожланиб боргани сари бу бошқарув, у билан бирга давлат аппарати ҳам мураккаблашиб, такомиллашиб боради.

Давлатнинг бошқарув вазифаси давлатнинг деярли барча вазифаларини қамраб олганлиги боис, давлатнинг вазифалари – бу бошқарув вазифаларининг мажмуаси сифатида изоҳланади. Давлатнинг **асосий бошқарувчилик вазифалари** раҳбарлик, мувофиқлаштириш, ташкил этиш, назорат, социумни сақлаш ва ривожлантириш мақсадида қарорлар қабул қилиш, унинг тузилиши ва фаолиятини тартибга келтириш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳар томонлама фаолият кўрсатиши учун қўлай шароитлар яратишдан иборат.


Давлат ўзининг таркибий тузилиши ва алоқаларига кўра кўптезимлилик хусусиятига эга. Бу тизимда кўплаб давлат идоралари ва бошқа тузилмалар, кўп сонли мансабдор шахслар ва бошқа хизматчилар, миллионлаб кишилар ишга солинади. Давлат бошқарувида қуйидаги тизимлар алоҳида ажратиб кўрсатилади:

1. Бошқарувчи тизим – давлат бошқаруви субъектини белгиловчи сифатида.

2. Бошқариладиган тизим – бутун жамият ва унинг давлат таъсирига тортилган таркибий қисмлари бошқарув объектлари сифатида.

3. Ўзаро ҳамкорлик тизими – давлат ва жамиятнинг алоқаларини амалга оширадиган турли институтлар.

3. Ўзаро ҳамкорлик тизими – давлат ва жамиятнинг алоқаларини амалга оширадиган турли институтлар.




Ҳокимиятнинг марказий идоралари ва минтақаларнинг ўза алоқалари хусусиятларига кўра бошқарувнинг субординацияли ва мувофиқлаштирувчи шакллари фарқланади. **Мувофиқлаштирувчи бошқарув** ҳокимиятнинг ягона марказий идораси билан бирга тўлиқ ёки қисман мустақилликка эга бўлган жойлардаги идоралар ҳам мавжуд бўлган федерация ёки конференция шаклида амалга оширилади. **Субординацияли бошқарув** унитар давлатлар учун хос бўлган жойлардаги ҳокимиятнинг марказга маъмурий бўйсунуши, қуйи бошқарув идораларига таъсир ўтказиш, юқори бошқарув идораларидан келадиган буйруқларга мажбуран бўйсундиришига асосланади. Мулк шаклларида фойдаланиш мезонларига кўра, қуйидаги бошқарув турлари: федерал бошқарув; минтақавий бошқарув; муниципал бошқарув; хусусий (корпоратив) бошқарув каби фарқланади.

Бошқариладиган объектларга таъсир ўтказишга кўра, қуйидаги соҳа (функционал) ва ҳудудлар бошқаруви мавжуд: 1) Соҳа бошқаруви марказдан то корхонагача бўйсунуш бўлишини назарда тутди. Бундай ҳолат тармоқда ягона техникавий сиёсатни жорий этадиган, тармоқ ичидаги ва тармоқлараро мувозанатни таъминлайдиган тармоқ вазирликлари орқали амалга оширилади. 2) Ҳудудий бошқарув ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш, ихтисослашувни чуқурлаштириш ҳамда минтақаларни ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий даражасини тенглаштиришга қаратилади.

Муваққат ҳаракат меъёрларининг миқёсига боғлиқ ҳолда бошқарув стратегик, тактик ва тезкор кўринишларга бўлинади. **Стратегик бошқарув** жамият тараққиёти билан боғлиқ масалалар юзасидан тўлиқ ёки айрим йўналишлар, соҳалар, объектлар, ҳудудлар бўйича узок муддатли мўлжалларни белгилаб беради, жамият ривожининг мақсадлари, вазифалари, стратегияларини аниқлайди ва бошқарувнинг ҳар бир бўғинига фаолият йўналишини беради. **Тактик бошқарув** – белгиланган мақсадларни амалга ошириш бўйича аниқ ҳаракатлардир. Бу қисқа муддатли бошқарув бўлиб, унда мавжуд ахборот негизидаги стратегик мазмунга эга бўлган кўрсаткичлар доимо маълум даврда эришилган натижалар билан қиёсланади. **Тезкор бошқарув** жорий ёки тасодифий чекинишлар натижасида пайдо бўладиган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, бунда аниқ вазифалар қўйилади ҳамда вазиятдан келиб чиқиб, мавжуд шарт-шароит асосида маъқул вариант танлаб олинади.

Бошқарувдаги қонунийлик ва тартиб-интизом. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг демократик кадриятлари ҳукмрон бўлган ҳозирги даврда эркин ва масъулиятли шахсларни камол топтириш учун давлат бошқарувининг ижтимоий муносабатларини тартибга солиш



бошланғич нукта бўлиб хизмат қилади. Давлат томонидан амалга ошириладиган бошқарувга ҳуқуқий ҳодиса сифатида қараш давлат бошқарувининг ижтимоий муносабатларини тартибга солишнинг асосига айланади.

Тадқиқотларга кўра, инсонлар ижтимоий ҳаёти фаолиятининг турли кўринишлари ҳуқуқ ёрдамида уларнинг шахсий, жамоавий ва жамоатчилик алоқаларида тартибга тўшади. Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш амалий ва бунёдкорлик аҳамиятига эга бўлиб, шахсий ва жамоавий, хусусий ва ижтимоий, шахсий ва жамоатчилик манфаатларини ўзаро муросага келтиради. Давлат фуқароликнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ жамият шакли, инсонлар ҳамжамияти сифатида, ҳокимият ва бошқарув вазифаларини амалга ошириш билан банд профессионаллар аппарати сифатида ҳуқуқий мажбурлаш механизмларидан фойдаланган ҳолда ижтимоий муносабатларни нормаллаштириш ва умумий эҳтиёжлар, манфаат ва фаровонликка уйғунлаштириш мақсадида ўзининг бошқарувчилик, ташкил этувчилик ва тартибга солувчилик борасидаги таъсирини ўтказди.

Давлат бошқарувининг ҳуқуқий муносабатлари – бу давлат ва жамият ишларини бошқариш зарурати муносабати билан давлат ҳокимиятини амалга оширадиган, ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардир. Ушбу муносабатлардан ҳуқуқий меъёр шаклланади. Ҳуқуқий меъёр – бу давлат томонидан ўрнатилган, давлат бошқаруви соҳасида вужудга келадиган, ўзгарадиган ва барҳам топадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадларини кўзлайдиган хатти-ҳаракат қоидаларидир. Ҳуқуқий меъёрнинг ўзига хос томони шундаки, субъектларнинг давлат томонидан белгилаб қўйилган хатти-ҳаракат қоидалари маъмурий чоралар ва тартиб-интизом масъулияти билан ҳимоя қилинади. Ҳуқуқий муносабатлар субъектлари – бу маълум ҳаракатлар содир этиш ҳуқуқи ва мажбуриятига эга бўлган шахслардир.

Ўзининг мазмун-моҳиятига кўра ҳуқуқий муносабатлар **моддий** (бошқарув соҳасида пайдо бўладиган) ва **процессуал** (бошқарув жараёнида уни амалга ошириш қоидаларини тартибга солган ҳолда шаклланади) ҳуқуқий муносабатларга бўлинади. Моддий муносабатлар процессуал муносабатлар воситасида тартибга солинади.

Давлат бошқарувида ваколатларни белгилаш ва уларни амалга ошириш учун тегишли шахсларга давлат-ҳокимият ваколатларини бериш – давлат бошқарувини ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. **Ваколатлар** – давлат органи ёки мансабдор шахсларнинг белгилаб қўйилган вазифа-ваколатларини бажариш учун уларга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси.



Вазифа-ваколатлар - давлат органи ёки мансабдор шахснинг Конституция, қонун ёки меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб берилган ваколатлар мажмуи бўлиб, улар ўз фаолияти давомида шундан ташқарига чиқиши мумкин эмас. **Идоравий ваколатлар** – конституциявий тушунча бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг маълум соҳаларида ҳокимият-бошқарув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини билдиради.

Соҳа мутахассисларининг фикрларига кўра, давлат органининг **ҳуқуқий мақоми** қуйидагилардир: давлат органининг давлат аппарати умумий таркибий тузилмасидаги ҳолати ва унинг ҳокимият-бошқарув фаолият турига (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти), махсус ихтисослашган кичик тизимларга (умумий ваколатлар, ҳуқуқ-тартибот, ҳарбий ва ҳ.к.) мансублиги; давлат органи ваколатларининг маълум фаолият соҳасида улар бажарадиган вазифа ва ваколатларнинг ҳуқуқий ифодаси сифатидаги бирлиги; давлат органи фаолиятининг ташкилий тузилмаси, тамойиллари, шакллари, усуллари ва тартиб-қоидалари, маълум масалаларни ҳал этиш тартиби ва бошқалар.

Миллий қонунчиликнинг ҳар қандай соҳаси бошқарув фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланади. Бу ҳуқуқий имкониятлар – буйруқ-кўрсатма, таъқиқлаш ва ижозатдир. Буйруқ-кўрсатма – ижобий мажбурият бўлиб, ҳуқуқий меъёрда кўда тутилган бирор-бир ҳаракатни содир этиш учун тўғридан-тўғри ҳуқуқий мажбурият юклашни билдиради. **Таъқиқлаш** – ҳуқуқий меъёрда кўзда тутилган шароитда бирор-бир ҳаракатни содир этмаслик учун тўғридан-тўғри ҳуқуқий мажбурият юклашни билдиради. **Ижозат** - ҳуқуқий меъёрда кўзда тутилган шароитда муайян ҳаракатларни содир этиш ва ўз ихтиёри билан уларни содир этишдан тийилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-қисм, 16-моддасига биноан, давлат, унинг идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунлар асосида фаолият юритади. Ушбу қонун қуйидаги ҳолатларга кўра, бошқарув соҳасида алоҳида аҳамиятга эга: бошқарув давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг кўпгина соҳаларини қамраб олади; бошқарув субъектлари ўз вазифа ва ваколатларини ҳуқуқ қўлланадиган фаолиятни амалга ошириш орқали бажаради; бошқарув идоралари ўз ваколатлари доирасида Конституция ва қонунларга асосланган ҳолда уларни бажаришга қаратилган қонун ижодкорлиги фаолиятини амалга оширади; ўзини-ўзи бошқариш идоралари фақат қонунда белгилаб қўйилган вазиятларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга олиб келадиган маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш соҳасида кенг ваколатларга эга.



Давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш бу соҳада қонунлар ва қонуний ҳужжатларнинг аниқ ва сўзсиз бажарилиши, қўлланилиши, уларга риоя этилиши бўйича шахс ва ташкилотларнинг биргаликдаги фаолиятдан иборатдир. Бундай фаолият қуйидаги масалаларга қаратилади: ижро ҳокимияти ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида амалдаги қонун ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган талаб ва кўрсатмаларни бўзишга йўл қўймаслик; бундай ҳолатларни ўз вақтида ва тезкор аниқлаш; уларни олдини олиш ва сабабларини аниқлаш; уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш; айбдорларни тегишли жавобгарликка тортиш.

Ўзбекистонда қонунийликни таъминлаш усуллари қуйидагилардан иборат:

1. Ташкилий-таркибий тузилмалар (давлат идоралари ва жамоат бирлашмалари).

2. Ташкилий-ҳуқуқий усуллар (алоҳида фаолият турлари, амалий усул ва воситалар). Бу усуллар кўзатиш ва назоратдан иборат.

Таянч сўзлар

Қариндош-уруғчилик жамоаси, ҳудудий қўшничилик жамоаси, ижтимоий мансаблар, ҳудудий бошқарув, касбий бошқарув, ташкил қилиш, тартибга солиш, назорат, иқтисодий функциялар, ижтимоий функциялар, ҳарбий-сиёсий функциялар, ҳудудий функциялар, давлат бошқаруви, бошқарув таснифи, раҳбарлик, бошқарув вазифалари, биологик бошқарув, технологик бошқарув, ижтимоий бошқарув, давлатнинг вазифалари, бошқарув кўринишлари, давлат аппарати, бошқарувчи тизим, бошқарилувчи тизим, ўзаро ҳамкорлик тизими, мувофиқлаштирувчи бошқарув, субординацияли бошқарув, соҳа бошқаруви, стратегик бошқарув, тактик бошқарув, тезкор бошқарув, бошқарувда қонунийлик, моддий ва процессуал муносабатлар, вазифа-ваколатлар, идоравий ваколатлар, буйруқ-кўрсатма, таъқиқлаш, ижозат, кўзатиш.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар

1. Давлат бошқарувининг тарихий илдизлари ҳақида маълумот беринг.

2. Қадимги бошқарув тизимининг биринчи босқичидаги асосий функциялари нималардан иборат эди?

3. Ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари ҳақида гапириб беринг.

4. Бошқарув тушунчаси ва замонавий бошқарув тизими ҳақида нималарни биласиз?

5. Бошқарув таснифини сўзлаб беринг.



6. Бошқарувнинг қандай турлари мавжуд?
7. Замонавий раҳбар кадр қандай бўлиши керак?
8. Бугунги замонавий давлатнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
9. Давлат аппарати ҳақида маълумот беринг.
10. Давлат бошқарувида қандай тизимлар мавжуд?
11. Бошқарувнинг қандай кўринишларини биласиз?
12. Бошқарувдаги қонунийлик ҳақида гапириб беринг.
13. Давлат ҳокимият ваколатлари ҳақида маълумот беринг.
14. Ҳуқуқий имкониятлар ҳақида нималарни биласиз?

Мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Давлат қурилиши ва бошқаруви. Муаллифлар жамоаси. Тошкент, Академия, 2007.
2. Сагдуллаев А.С., Мавлонов Ў.М. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Тошкент, Академия, 2006.
3. Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. Тошкент, Академия, 2007.
4. Теория государства и права. Курс лекции. Под ред. Н.Матўзова и А.Малько. М., Юрист, 2001.
5. Қуронов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. Тошкент, Маънавият, 2005.
6. Теория управления. Учебник. Коллектив авторов, М., РАГС, 2005.
7. Яхонтова Е.С. Эффективность управленческого лидерства. – М., ТЕИС, 2002.
8. Чиркин В.Е. Государственное управление. Элементарный курс. – М., Юрист, 2001.
9. Обществознание. Пособие для поступающих в вузы. Под ред. М.Марченко. – М., «Зрекало», 2000.



2-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК ДАВЛАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1-§. Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши жараёнлари

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистоннинг бронза даврига оид ёдгорликларни кенг миқёсда тадқиқ этилиши натижасида ушбу ҳудудларнинг қадимги тарихи ва маданияти тўғрисида бой маълумотлар олинди. Турли йилларда жанубий Ўзбекистон ҳудудларида илк, ривожланган ва сўнгги бронза даври илк деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, урбанизация жараёнлари ҳамда илк давлатчилик масалалари, маданий ва иқтисодий алоқалар, ҳунармандчиликнинг тараққий этиши масалалари бўйича А.Асқаров, Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев, Т.Ширинов, Б.Абдуллаев, У.Рахмонов, Э.Сайко, Ш. Шайдуллаев каби олимлар тадқиқот ишлари олиб бордилар. Ушбу тадқиқотлар натижасида бронза ва илк темир даври ўлкамиз жанубий ҳудудларида бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт масалалари ва айниқса, ушбу ҳудудларда илк шаҳарларнинг пайдо бўлиш асослари ва ривожланиш босқичлари, илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши жараёнларига кўплаб аниқликлар киритилди. Ушбу масалалар бўйича жуда кўп янги маълумотлар фанга жорий этилди ва этилмоқда.


Замонавий тарихий маълумотларга кўра Бактрия ерлари бу - Афғонистоннинг шимолий-шарқий қисмини, Жанубий-Ғарбий Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубидаги (Сурхон воҳаси) ерларни ўз ичига олган. Ундан ташқари замонавий тарихий адабиётларнинг барчаси ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти, Тожикистоннинг Кўлоб ва Қўрғонтепа вилоятларини ўз ичига олган ерларни шимолий Бактрия сифатида эътироф этадилар.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, неолит даврига келиб «ҳисорлик» овчилар кичик ва йирик дарёлар воҳаларини, Бойсунтоғ ва Қуҳитанггача бўлган тоғ ва тоғ олди ҳудудларини ўзлаштирадилар. Бронза даврига келиб эса бу ҳудудларда бошқа кўринишга эга бўлган ҳамда ўзига хос хўжалик шаклидаги янги маданиятлар шакллана бошлайди.

Ушбу маданият соҳиблари яшаган масканлардан бири Сополлитепа бўлиб, бу ёдгорлик Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ҳудудида, Қуҳитангтоғдан оқиб тушувчи кичик дарёнинг қадимги ирмоғи бўйида жойлашган. Сополлитепа пайдо бўлган сой маҳаллий аҳоли орасида Ўланбулоқсой деб аталади. Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида ҳозирги кунга қадар аниқ бўлган энг қадимги ўтроқ деҳқончилик жараёнлари, тадқиқотчиларнинг фикрича, қуйидаги бешта асосий босқичга бўлинади:

1. Сополли босқичи -мил. авв. 1700-1500 йй.
2. Жарқўтон босқичи -мил. авв. 1500-1350 йй.
3. Кўзали босқичи -мил. авв. 1350-1200 йй.
4. Молали босқичи - мил. авв. 1200-1050 йй.
5. Бўстон босқичи – мил.авв. 1050-900 йй.

Ушбу босқичларнинг саналари тадқиқотчилар томонидан махсус таҳлил этилиб илмий жиҳатдан асосланган (А.Асқаров).



Тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса чиқаришимиз мумкин. Шимолий Бактриянинг қадимги шаҳарлари узоқ давом этган тарихий жараёнлар ва турли: ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва табиий-географик омилларнинг таъсири натижасида шаклланиб келган. Қадимги Шарқ ва маҳаллий кўринишдаги урбанистик маданиятнинг уйғунлашуви қадимги Бактрия шаҳарсозлигининг асосини ташкил этади. Кейинроқ эса ўзига хос бўлган шаҳар маданияти мустақил равишда ривожланади.


Мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи чорагида Амударёнинг ўнг қирғоғида, аниқроғи, унинг ғарбий қисмида Сополлитепа кўринишидаги дастлабки мустаҳкам қишлоқлар пайдо бўлади. Ушбу қишлоқлар бу ҳудудларда ривожланган бутунлай янги кўринишдаги қишлоқлар бўлиб, неолит даври (Ҳисор маданияти) маконларидан ажаралиб туради.

Сополлитепада узоқ йиллар тадқиқотлар олиб борган А.Аскаронинг фикрича, ёдгорлик мустаҳкам асосда қад кўтарган бўлиб, қуйидаги ажралиб турувчи белгиларга эга: икки қисмли тузилиш - мустаҳкам марказий қисм ва унинг атрофида мустаҳкамланмаган маскан, унча катта бўлмаган майдон, асосий қисмнинг аниқ режавий тузилиши, саккизта кўп хонали турар-жойлар қисмларининг марказлашуви ва уларнинг йўлаклар билан ажралиб туриши, бўлма (отсек)лари бўлган ҳимоя деворлари. Ундан ташқари, кулолчилик ва металлга ишлов бериш ҳунармандчилиги ҳамда деҳқончиликнинг етакчи мавқега эга бўлиши ҳам Сополлитепа учун хосдир.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, Сополлитепа аҳолисининг асосий машғулоти сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончиликдан иборат эди. Қазилмалар пайтида катта хум кўринишидаги идишлардан ва омборхона вазифасини бажарувчи хоналар сатҳидан топилган арпа, буғдой, тарик донлари ҳамда бутун Сополлитепа мажмуида кўплаб учрайдиган дон янчигич, келисоп, кетмон ва ўроқлар айнан деҳқончилик хўжалигидан далолат беради. Ундан ташқари, турар-жой қолдиқлари, қишлоқнинг тузилиши ва умуман археологик топилмаларнинг кўриниши ҳам манзилгоҳ аҳолисининг қадимги деҳқончилик маданиятига хос бўлган ўтроқ турмуш тарзини ифода этади.

Сополлитепа қишлоғи аҳолисининг яна бир муҳим хўжалик тармоғи чорвачилик эди. Қазилмалар пайтида жуда кўплаб топилган уй ва ёввойи ҳайвонларнинг суяклари айнан мана шу жараёндан далолат беради. Умуман олганда, Сополли маданияти соҳиблари хўжалигида сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ва уй чорвачилиги манзилгоҳдаги иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этган. Ундан ташқари ушбу маданиятга хос бўлган кулолчилик ишлаб чиқаришнинг юқори даражаси, металлга ишлов беришнинг жадал ривожланиши, тўқимачилик соҳасининг тараққиёти каби омиллар манзилгоҳнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сополли маданияти ҳукм сурган давр тарихий-маданий жараёнларига назар ташлайдиган бўлсак, мил. авв. II минг йилликда Амударёнинг ўнг ва чап қирғоғида кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича иккита: Сополли маданияти



ва Дашли маданияти ёки Сополли-Дашли маданиятининг икки хил кўриниш кенг тарқалади.


Сополли - Дашли маданиятининг келиб чиқишини таҳлил этар экан А.Асқаров ва Т.Шириновлар Ўрта Осиёнинг жануби, шимоли-шарқий Эрон, шарқий Эрон ва шимолий Афғонистон ҳудудларидаги ўтроқ деҳқончилик шаклидаги археологик мажмуаларни умумий маданий жамоалар сифатида Намозгоҳ тарихий-маданий бирлиги (НИКО - Намазгинская историко-культурная общность) деб аташни таклиф этадилар. Шунингдек улар НИКОда маҳаллий кўринишлар ва ҳатто, алоҳида маданиятлар бўлиши мумкинлигини инкор этмайдилар. Агар маълум ҳудудлардаги тарихий-маданий жараёнларнинг ўзига хослигини, географик жойлашув ва шарт-шароитларни ҳисобга оладиган бўлсак, бу фикрга қўшилиш мумкин.

Амударёнинг ўнг қирғоғида шаклланган Сополлитепа-бронза давридаги дастлабки ўтроқ деҳқончилик қишлоғи ҳисобланади. Аммо, кейинчалик, ўтроқ деҳқончилик жамоалари шимолий чегараларининг кенгайиши муносабати билан Сополлитепа ўзининг илгариги аҳамиятини йўқота бошлайди ва бўшаб қолади ҳамда асосий марказ вазифаси эса, тоғ дарасидан чиқувчи йўл устидаги мустаҳкам қалъа сифатида пайдо бўлган Жарқўтонга ўтади.

Жарқўтон ёдгорлиги Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Шеробод дарёсининг кўҳна ўзани Бўстонсой ёқасида жойлашган. Ушбу ёдгорликда 1973 йилдан бошлаб ўзлуксиз олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бу ҳудудларда рўй берган урбанизация жараёнларига кўплаб аниқликлар киритиш имконияти пайдо бўлди. Хусусан, Жарқўтондаги 100 гектардан кам бўлмаган ҳудуддан арки аъло, шаҳристон, улкан ибодатхона қолдиқлари, металл эритувчи печлар, 20 гектарли қабристон, кўплаб моддий маданият буюмлари топиб ўрганилди. Ундан ташқари Жарқўтон худудида олиб борилган тадқиқотлар кўҳна шаҳарнинг пайдо бўлиб ривожланган санасини аниқлаш ҳамда ушбу ҳудудларда юз берган тарихий-маданий жараёнларни бир неча босқичларга ажратиш ўрганиш имкониятини берди.

Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, Жарқўтондаги қадимги шаҳар ҳаёти дастлаб уч босқичга, яъни, Жарқўтон (мил. авв.1500-1350 йиллар), Кўзали (мил. авв.1350-1200 йиллар) ва Молали (мил. авв. 1200-1000 йиллар) босқичларига бўлинди. Кейинроқ, Жарқўтоннинг қарама-қаршисида, Бўстонсойнинг ўнг соҳилида ўрганилган ёдгорликлардаги тадқиқотлар натижасида Молали босқичини икки фазага, яъни Молали (мил. авв.1200-1000 йиллар) ва Бўстон (мил. авв. 1000-900 йиллар) фазаларига бўлиб ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлилидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб Жарқўтон ўша ҳудудлардаги деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли қабилалари уюшмаларининг мустаҳкам истехкомига айланади. Афтидан, айнан мана шу истехком орқали Ҳисор тоғ олди воҳалари ва жанубий Тожикистоннинг ғарбий ҳудудларига шимолдаги аҳолининг кўчишлари бўлиб ўтади. Айнан



мана шу хуудлардан топилган ёдгорликлар топографияси ва улар даврлаштириш ушбу жараён изчиллик билан бўлиб ўтганлигини кўрсатади. Ундан ташқари яна шу нарса ҳам маълумки, бу жараённинг ривожланиши мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзи кечирувчи аҳоли манзилгоҳларида аҳоли сонининг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти учун ҳам кенг имкониятлар яратди.


Бронза даври Жанубий Ўзбекистон шаҳарлари ҳақида гап кетар экан шуни таъкидлаш жоизки, бу давр ёдгорликлари фақат археологик тадқиқотлар орқалигина ўрганилиб, бу даврдаги сиёсий-маъмурий тузилмалар ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар эса ёзма манбаларсиз, қиёсий таққослаш асосида ўрганилади. Айнан мана шунинг учун ҳам тадқиқотчиларнинг ушбу жараёнлар хусусидаги хулосалари кўп ҳолларда тахминлардан иборат. Масалан, А.Асқаров ва Б.Абдуллаевлар бронза даври ривожланишининг Жарқўтон босқичини (мил. авв. II минг йиллик ўрталари) ибтидоий жамоа тузуми емирилиш даврига, Кўзали ва Молали босқичларини (мил. авв. II минг йилликнинг охири) эса мулкӣ тенгсизлик муносабатлари пайдо бўлиши даврига оид деб ҳисоблайдилар. В.И.Сарианиди эса, аксинча, мил. авв. II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг бошларида давлатчилик муносабатлари шакллана бошлаган Бактриянинг умумий ижтимоий ривожланиш даражасини ошириб юбормасликни таклиф этади.

Т.Ш. Шириновнинг фикрича, Жарқўтонни Месопотамиядаги «чифдом» ва «ном» га ўхшаш кичик давлатнинг маъмурий маркази бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Аммо, Месопотамиядаги давлатлардан фарқли ўлароқ, у беқарор сиёсий бирлашма бўлган. Мил. авв. II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёнинг жанубида бир неча кичик давлат уюшмалари вужудга келган бўлиб Дашли 3, Гонур 1, Тўғолоқ1, Улуғтепа, Намозгоҳдепа, Олтиндепа каби Жарқўтон ҳам улардан бирининг маркази бўлган бўлиши мумкин.

Кўпчилик олимларнинг эътироф этишларича, Ўрта Осиёнинг жанубида илк шаҳарлар ва давлат уюшмаларининг пайдо бўлиш жараёни В.М.Массон томонидан нисбатан аниқроқ изоҳланган. Тадқиқотчи бу жараёнда иккита асосий босқични ажратади: 1) маълум воҳаларда шаҳар-давлатларнинг пайдо бўлиши; 2) улар асосида йирик ижтимоий-сиёсий тизимнинг шаклланиши.

Сўнги йиллардаги тадқиқотлар натижаларини умумлаштирган А.Асқаров Жарқўтонни, умумий майдони 100 гектардан кам бўлмаган шаҳар-давлат сифатида изоҳлайди. Шунингдек, Э.В.Ртвеладзе ўзининг сўнги йиллардаги ишларидан бирида Ўзбекистон хуудидаги илк давлатчилик масалаларига тўхталиб, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми-Ўзбекистон жанубида эмбрионал шаклдаги давлатга ўхшаш тузилма қарор топади, давлатнинг бундай намунаси Жарқўтонда ўз аксини топган дейиш мумкин, деган фикрни илгари суради.

Ўтган асрдаёқ фанда ишлаб чиқилган типологияга асосан, илк давлатларнинг нисбатан қадимги шакли (Месопотамияда) шаҳар-давлатлар,




«номлар» ҳисобланади. Умуман олганда ном давлатлар, шаҳар-давлатлар, жамоалар ва воҳалар марказларини Жарқўтон мисолида қиёсий таҳлил қилиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, Жарқўтон кўринишидаги манзилгоҳлар мажмуини ном давлатлар билан қиёслаш учун етарли қатор умумий белгилар бор. Жумладан, Месопотамиядаги ном давлатлар учун хос бўлган ёзув намуналари Жарқўтондан ҳам топилганлиги катта илмий аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, яқинда Ш.Шайдуллаев Ўзбекистоннинг жанубидан топилган пиктографик белги - ёзувлар ҳақидаги мақоласини матбуотда эълон қилди. Тадқиқотчининг маълумотларига кўра, Жарқўтон ёдгорлигидан сополларга битилган 47 белгидан иборат ёзувнинг топилиши аجدодларимизнинг бронза даврида пиктографик ёзувни яратгани ва ўз фикрини турли белгиларда ифодалганини кўрсатади. Шунингдек, Шерободдаги Ғоз қишлоғи ёнидаги илк темир асрига оид ёдгорликдан тош ўғир (кели) топилган бўлиб унинг сиртида умумий сони 14 та бўлган пиктографик белги-ёзув мавжуд. Тадқиқотчи бу белгини Миср иероглификаси билан солиштириб улардан бири "ҳақиқат", яна бири эса дунёнинг айланиши яъни, "чархпалак" деб ўқилиши мумкинлигини тахмин қилади.

Бронза даври Жанубий Ўзбекистоннинг ўтроқ жамоалари деҳқончилик маданияти ривожининг янги даражасига ўтадилар. Агар Сополлитепада аввалдан ўйланган режа бўйича қурилган шаҳармонанд (протогород)нинг белгилари кўзга ташланса, Жарқўтон эса, Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳар ривожининг бошқачароқ намунасини акс эттиради. Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, Жарқўтон бир нечта қишлоқдан иборат бўлиб, унинг ҳудуди аҳолининг турли гуруҳлари томонидан босқичма-босқич ўзлаштирилган. Олимнинг ҳисоблашича, шаҳар тизимининг ривожини маълум схемада бўлиб ўтган: илк қишлоқ, ёки қишлоқлар гуруҳи – шаҳармонанд.

Юқоридагилардан хулоса ясаб айтиш мумкинки, бронза даври Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида яшаган ўтроқ деҳқончилик жамоалари жамият тараққиётининг юқори поғонасида бўлиб, ибтидоийликнинг сўнгги босқичидан цивилизацияга ўтадилар. Ушбу цивилизациянинг бошланиши шаҳармонанд (протогород) белгиларни ўзида акс эттирган Сополлитепа бўлган бўлса, Жарқўтон Ўзбекистон ҳудудларидаги илк шаҳарларнинг ёрқин мисоли эди. Шеробод воҳасидаги шу даврга оид Жарқўтон мажмуига кирувчи масканлар гуруҳини эса шаҳар-давлат ёки ном давлатлар билан қиёсий солиштириш мумкин. Ёки ҳеч бўлмаганда, мил. авв. II минг йилликнинг сўнгги чорагида Шимолий Бақтрия ҳудудларида йирик ва мустаҳкамланган марказларга эга бўлган, ном ёки воҳа кўринишидаги давлатларнинг бошланиш босқичида бўлган **худудий-сиёсий бирлашмалар** шакллана бошлаган деган ғояни илгари суришимиз мумкин.

Шундай қилиб, Сурхон воҳаси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ҳудудларида илк урбанистик марказлардан бири ҳисобланиб, ушбу ҳудудларда урбанизация жараёнларининг бошланиш санаси 4000 йилдан кам эмас дейишга жиддий илмий асослар бор.



Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, ўзига хос тараққиёт босқичини босиб ўтган илк шаҳарсозлик маданияти занжирига Фарғона водийси ҳам киради¹. Водийдаги ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи (катта майдон, мураккаб тузилиши ва мудофаа тартиби, алоҳида арк, хунармандчилик маркази ва бошқ.) археологик ёдгорликлар ҳақидаги концепция 1973 йилдаёқ Ю.А. Заднепровский томонидан ишлаб чиқилган эди. Шундан сўнг ушбу масала юзасидан айрим мулоҳазалар билдирилган бўлишига қарамай, юқоридаги концепция ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик-палеогеографик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсининг қадимги даврининг инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларига кўпгина аниқликлар киритилди. Фарғоналик қадимги бободехқонлар суғориладиган ерларни ўзлаштира бориб, қатор сифатлари билан, аввало, тупроқ экологик шароитлари билан фарқланиб турадиган ҳудудларда жойлашадилар. Улар табиий ландшафтлардан тўғри ва оқилана фойдаланишлари натижасида ўзларига зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирганлар. Сунъий суғориш ва ерга ишлов бериш билан бирга сув чўкиндилари ҳам ҳосилдорликни ошириб борган.

Фарғона водийсидаги илк шаҳарсозлик маданияти кўхна илдизларга эга бўлиб, бу жараённинг илдизлари қадимги деҳқончилик маданияти заминида кўзатилади. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра водийда қадимги деҳқончилик маданияти мил. авв. II минг йилликнинг охириги чорагидан бошланади. Бу маданият фанда биринчи топиб ўрганилган жой номи билан «Чуст маданияти» деб номланиб ушбу маданият асосан деҳқончилик билан шуғулланган қадимги аҳолига мансубдир. Даврий жиҳатдан Чуст маданияти ёдгорликлари иккига бўлинади ва биринчи босқич - мил. авв. XII-IX асрлар, иккинчи босқич мил.авв. VIII-VII асрлар билан саналанади.

Қадимги Фарғона деҳқонлари кўп ҳолларда сув манбаалари атрофларида ўз маконларини бунёд этганлар. Сўнгги йилларда Фарғонадаги бронза даври аҳолисининг ерни ҳайдаб деҳқончилик қилганликлари ҳақида археологик маълумотлар олинди. Хусусан, Фарғона тоғ тизмаларидаги Соймалитош ва Сўх яқинидаги Янгиариксой қоятош суратларида кўш ҳайдаётган инсон тасвири аниқланган. Қадимги деҳқонлар фақат табиий сув бўйларини ўзлаштирибгина қолмасдан, балки обихаёт чиқариш осон бўлган дарё ва сой бўйларидан кичкина каналлар чиқариш йўли билан ҳам хўжалик юритганлар. Бунинг исботи сифатида Андижон вилоятида жойлашган Далварзинтепа ва Ашқолтепани йирик сув манбаси - Қорадарё хавзасида (3-4 км. масофада) жойлашганлигини келтиришимиз мумкин. Чуст ёдгорлиги эса кичкина сой яқинидаги қадимги булоқ бўйида жойлашган. Умуман олганда Фарғонадаги илк деҳқончилик маданиятининг 80 дан ортиқ ёдгорликлари

¹ Фарғона водийси қадимги шаҳарлари ҳақида ёзишда ФА Археология институти катта илмий ходими т.ф.д. Б.Х.Матбобоевнинг илмий маслаҳатлари ва сўнгги йилларда чоп этилган ишларидан фойдаланганлигимиз боис ҳамкасбимизга чуқур миннатдорчилик билдирамыз.



аниқланган. Улар майдони ва ўлчамларига қараб учга бўлинадилар: йир ёдгорликлар (Далварзин, Ашқолтепа), ўртача катталиқдаги ёдгорликлар (Чуст, Деҳқонтепа, Ўш, Хожамбоғ) ва кичик ёдгорликлар.

Фарғона водийсидаги қадимги зироатчиларнинг маконлари сувга яқин жойлардаги унумдор ерларнинг ўзлаштирилишига қараб алоҳида воҳа ёки гуруҳ тарзида (икки ва ундан ортиқ ёдгорлик) жойлашган. Бунинг исботи сифатида кейинги 50 йил ичида водийда ўрганилган Чуст маданияти ёдгорликлари тартибига кирувчи манзилгоҳларнинг жойлашиш тизимини келтириб ўтиш мумкин. Ана шундай воҳалар Фарғона водийсидаги 15 та географик районда топиб ўрганилган. Булар Ғовасой, Косонсой, Аравансой, Чортоқсой, Мойлисув, Оқбурасой ва бошқалардир. Қадимги деҳқончилик воҳаларини ҳар биридаги ёдгорликлар ўлчамлари ҳамда жойлашишига кўра маълум ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши тадқиқотчилар томонидан аниқланган. Ушбу воҳаларда истиқомат қилган аҳоли ўзига хос деҳқончилик жамоаларини ташкил этган. Ҳар бир воҳа ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳамда уларнинг бирлашувидан деҳқончилик марказлари пайдо бўлган.

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудлари билан қиёсий таҳлил этган Ю.А. Заднепровскийнинг фикрича, қадимги Фарғона деҳқончилик марказлари билан бир вақтда Ўрта Осиёнинг ўнта жойида ҳам ана шундай марказлар пайдо бўлади. Буларга Ёз, Яшилли (Туркменистон), Кучуктепа, Чироқчи, Бурғулук; Чуст (Ўзбекистон), Шахристон (Тожикистон) ва бошқа деҳқончилик марказлари киради. Ушбу бир-бирига ўхшаш деҳқончилик марказлари орасида даврий жиҳатдан нисбатан қадимгиси Чуст ёдгорликлари ҳисобланади.

Чуст маданияти ёдгорликлари таркибига кирувчи асосий катта манзилгоҳлар Далварзинтепа, Чуст, Ашқолтепалар Фарғона водийсидаги ўзида илк шаҳарсозлик белгиларини акс эттирувчи ёдгорликлар ҳисобланади. Айнан Далварзинтепа ва Чустнинг атрофи ҳимоя деворлари билан ўраб олинган бўлиб, уларда ҳукмдор яшайдиган арк ажралиб туради.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, шаҳар маданияти ва давлатчиликнинг пайдо бўлиши доимо тадқиқотчилар баҳс-мунозараларининг диққат марказида турган масалалар ҳисобида туради. Бу жараён асрлар давомида ўзига янги жиҳатлар ва вазифаларни қўшиб, мураккаблашиб ва мукаммаллашиб борган. Шаҳарсозлик маданиятининг ривожланишида ҳимоя иншоотлари асосий омиллардан бири бўлиб, жамиятда кечган урбанизация жараёнларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўрта Осиё минтақасининг турли ҳудудларидаги мудофаа иншоотлари ўзига хос бўлиб, бу йўналиш алоҳида мавзудир.

Фарғона водийси қадимги давридаги барча мудофаа иншоотлари гувала, хом ғишт ва пахсадан қад кўтарган. Ҳимоя иншоотлари тарихий топографиясини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, улар пайдо бўлиши ва ривожланишининг асосий мезони ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳларининг узок вақт мавжуд бўлиши ва уларнинг кўчманчи қабилалар билан қўшничилиги



эди. Бу кўшничлик ҳар доим ҳам тинч-тотувликка асосланмаган бўлиб, айрим ҳолларда ҳарбий тўқнашувлар билан тугар эди.

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, Далварзинтепада яшайдиган аҳоли уни уч қисмдан иборат қилиб қурган. Ҳар бир қисм алоҳида мудофаа деворлари билан ўралган ҳамда уларнинг ўз вазифаси бўлган. Далварзинтепа худудининг 18 гектари турар-жойлар, 5 гектари хавф туғилган пайтда атроф аҳоли жон сақлайдиган бошпана қисм, 2 гектари эса махсус алоҳида ажратилган қисм бўлиб, бу ерда ҳукмдорлар яшаганлар. Кўҳна шаҳарнинг деворлари пахса ва хом ғиштлардан фойдаланиб тикланган. Демак, Далварзинтепа пухта ўйланган режа асосида қурилган аҳоли пункти бўлиб, ушбу ёдгорликда илк шаҳарсозликнинг деярли барча белгилари аниқланган.

Далварзинтепада олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан куйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Далварзинтепанинг майдони катта, яъни 25 гектар бўлиб, бу ўлчам ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижаси ҳисобланади.

2. Кўҳна шаҳарда мураккаб режавий тузилиш, учга бўлинган таркибий қисм ҳамда арк мавжуд эди.

3. Ёдгорликда мукамал мудофаа тартиби мавжуд бўлиб, кўҳна шаҳарнинг ҳар бир қисми алоҳида ҳимояланган эди. Булар орасида аркка алоҳида эътибор берилиб, у анча пухта ўйланган режа асосида мудофаа этилган.


4. Далварзинтепада ҳунармандчиликнинг турли соҳалари-кулолчилик, металл, тош ва суякка ишлов бериш кабилар нисбатан яхши ривожланган.

Юқорида келтириб ўтилган белгиларга кўра, Далварзинтепани илк шаҳар кўринишидаги ёдгорлик деб таърифлаш учун етарли асос бор деб ҳисоблаш мумкин. Бу йўналишда илмий бахслар давом этаётган бўлсада, Далварзинтепа мил. авв. II минг йилликнинг сўнгги чорагидан бошлаб маълум муддат Фарғона водийсининг йирик маданий ва иқтисодий маркази бўлиб хизмат қилган, деган фикрни илгари суриш мумкин. Ундан ташқари, водийда суғорма деҳқончиликнинг жадаллик билан ривожланиши урбанизация жараёнларининг тезлашувига олиб келди ва натижада ўтроқ деҳқончилик маданияти ёйилган чегаралар кенгайиб борди.

Демак, маълум бошқарув тизимига эга бўлган дастлабки шаҳар марказлари – пайдо бўлган даврдан бошлабоқ давлатчилик хусусиятига эга бўлиб, улар илк давлатчиликнинг асосий белгиси ҳамда давлатчилик анъаналари билан ўзвий боғлиқ ҳолда тараққий этади.

2-§. Илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий асослари


Бошқарув жамиятнинг ички жабҳасига хос хусусият ҳисобланади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, инсоният ўз ривожланиш жараёни давомида энг оддий бошқарув шакллари барпо этиб уни ривожлантириб ва такомиллаштириб борганлиги кўзатилади. Дунё тарихидаги дастлабки



давлатлар мил. авв. III минг йилликдаёқ Мисрда (ном давлатларни бирлашуви), Месопотомияда (Аккаднинг кучаюви) пайдо бўлади ва Шарқдаги бошқа худудларга ҳам (Ҳиндистон, Ҳетт давлати, Элам ва бошқ.) ўз таъсирини ўтказиб сифатий янги хусусиятлар касб эта боради.


Давлат бошқаруви деганда биз бош сиёсий ҳокимият ва унга бўйсунувчи бошқарув тизимини тушунамиз. Бошқарув тизими жамиятнинг барча жабҳаларини-сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади. Бинобарин, бошқарув тизимини ҳар томонлама ва жиддий ўрганмасдан туриб жаҳон халқлари тарихий-маданий ривожланиши, уларнинг ўзаро алоқалари ва таъсири, маҳаллий ва умумбашарий маданиятлар интеграциясининг ўзига хос томонлари ва қонуниятларига аниқликлар киритиш мумкин эмас.

Ижтимоий мансаблар ва бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари¹



Давлат бошқарувининг пайдо бўлиши инсоният тарихида муҳим муваффақият ва сифатий янги босқич бўлди. Дунё тарихидаги қадимги

¹ Сағдуллаев А.С. бўйича



давлатларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашувида Ўрта Осиё ва унга қўш худудларда яшаган халқларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Дунё тарихида шаҳарлар, сиёсий бирлашмалар, уюшмалар, кейинроқ эса давлатнинг пайдо бўлиши узоқ давом этган жараён дир. Э.В.Ртвеладзенинг фикрича, бу жараён турли халқларда турли йўллар билан бўлиб ўтган.

Биринчидан, давлатлар пайдо бўлишининг осийча ишлаб чиқариш усулига асосланган "Шарқ йўли" бўлиб, унда иқтисодиётнинг асосини суғорма деҳқончилик ташкил этган; деҳқончилик жамоаси жамиятнинг бирламчи ячейкаси эди; аҳолининг катта қисмини сафарбар этиш зарурияти принципиал бошқарувчилар табақасини тақозо этган.

Ишлаб чиқаришнинг осийча усули милоддан аввалги IV минг йилликдан милодий I асргача йирик дарёлар водийларида жойлашган Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё каби минтақаларда ёйилган.


Давлат тузилмасининг **иккинчи**, «Европа йўли» Европа минтақасида мил.авв.V асрдан бошлаб милодий III асргача қадимги полисларида мавжуд бўлган. Уларда хусусий мулкчилик шаклланиши туфайли келиб чиққан жамиятнинг ижтимоий мулкий табақаланишуви жараёни (синфлар шаклланиш жараёни) асосий омил бўлди.

Маълум бир қабила, элат ва халққа хос ҳамда муайян ҳудуд билан боғлиқ бўлган давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари бошқа халқ ва худудлардаги давлатчилик жараёнларига асло мос тушмайди. Шунга қарамай, Қадимги Шарқдаги илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кўпгина умумий жиҳатларга эга эканлигини таъкидлаш жоиз дир. Айнан мана шунинг учун ҳам Ўрта Осиёда илк давлатларнинг пайдо бўлиши Қадимги Шарқ давлатчилиги тарихи билан ўзвий боғлиқ дир.

Қадимги Шарқ турли ҳудудларидаги табиий шароит ўзига хос бўлиб, кўпинча давлатларнинг пайдо бўлиши ушбу ҳолат билан бевосита боғлиқ эди. Айниқса, йирик дарёлар - Нил, Дажла, Фрот, Ҳинд, Ганга, Хуанхе, Амударё ва Сирдарё Қадимги Шарқ халқлари тарихий тақдирида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий ва ҳудудий бирликнинг асоси ҳисобланган жамоалар мавжудлиги Қадимги Шарқ ижтимоий тузилмасининг муҳим ўзига хос томони эди. Барча Қадимги Шарқ давлатлари (айрим шаҳар-давлатлар бундан мустасно) жуда кўплаб қишлоқ жамоаларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бирида бошқарув тартиби мавжуд эди. Йирик ишлар, айниқса суғориш тартиби билан боғлиқ ишлар амалга оширилганда кўпгина жамоалар бирлашуви давлат ҳокимияти ролининг ошишини таъминлар эди.

Кўп ҳолларда тадқиқотчилар жамоаларнинг бирлашуви натижасида пайдо бўлган давлатчилик тизимини мураккаб суғориш тартиби ташкил этилиши, ерларни сунъий суғорилиши, дарё воҳалари ва тоғ олди ҳудудларининг ўзлаштирилиши ҳамда тўғонларнинг қурилиши билан боғлайдилар. Юқоридаги омилларнинг мавжуд бўлганлиги аниқ. Лекин, фикримизча, уларни ташкил этиш назорат ва бошқарувни, ҳисоб-китобни талаб этар эди. Демак, бунинг учун ёзувчи мирзалар, ҳисоб-китобчилар ва



хукмдорлар зарурати туғилган. Меҳнат қуроллари тайёрлаш учун хунармандлар фаолият кўрсатган. Ушбу мураккаб тизим хавфсизлигини таъминлаш учун қуролли гуруҳлар тузиш, ҳамда маълум ҳудудларни мудофаа иншоотлари билан ўраб олиш керак бўлган. Шу тариқа жамиятда иккита янги тузилма- шаҳар ва давлат пайдо бўла бошлайди.

Давлат ёки шаҳар-давлат маълум ҳудудларни ўз назоратига олиши ва бу ҳудудларни кенгайтириб бориши натижасида чегаралар пайдо бўлган. Ҳудудларнинг кенгайиши ва чегараларнинг ўзгариши натижасида давлатлар ўртасида урушлар келиб чиқади. Чегаралар масаласида таъкидлаш жоизки, қадимги даврларда улар кўп ҳолларда тоғлар ва дашт ҳудудлар орқали, айрим ҳолларда эса дарёлар орқали ўтган. Шунинг учун ҳам тарихий ёндашув шуни талаб этадики, тарихнинг турли даврларида давлатлар чегаралари ўзгариб турган ва ҳозирги чегараларга мутлақо мос тушмайди.

Ўрта Осиё, умуман Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки давлатчиликнинг пайдо бўлиши масалалари тадқиқотчилар орасида ҳамон баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда Бу ўринда ушбу жараёнга асосий туртки бўлиб янада жадаллаштирган омилларни аниқлаш ниҳоятда муҳимдир¹. Бронза давридаёқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик Ўрта Осиё хўжалигининг асосини ташкил этган. Суғорма деҳқончиликнинг юқори унумдор шакллари жамиятда ҳал қилувчи ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, деҳқончилик ривожини натижасида қўшимча маҳсулот ва хусусий мулк кўринишлари пайдо бўлди.

Ўрта Осиёда илк давлат уюшмалари сунъий суғориш бирмунча қўлай бўлган Амударё (юқори, ўрта, қуйи) оқимлари бўйларида, Мурғоб воҳасида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланиб ривожланади. Бундай ҳолатни дунё тарихидаги дастлабки давлатлар – Миср (Нил) ва Месопотамия (Дажла ва Фрот) мисолида ҳам кўзатишимиз мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, дастлабки йирик шаҳар марказларининг пайдо бўлиши муаммолари давлатлар пайдо бўлиши масалалари билан ўзвий боғлиқ муаммо ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, бизга қадар етиб келган ёзма манбалар Ўрта Осиё ҳудудларида илк давлатлар пайдо бўлиши ҳақида нисбатан аниқ маълумотлар бермайди. Бу ўринда археологик маълумотларнинг аҳамияти бекиёсдир.

Жамият ҳаётида металлнинг кенг ёйилиши – дастлабки шаҳарлар ва давлатчиликнинг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб бронза ва илк темир даври ёдгорликларидан (Анов, Сополли, Жарқўтон, Қизилтепа, Кўзалиқир, Афросиёб, Даратепа, Чуст,

¹ Давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига турлича ёндашувлар, назариялар, давлатчилик типлари ва шакллари масалалари бўйича батафсил маълумот олиш учун сўнгги йилларда қиёсий таҳлил этилган қуйидаги ишларга қаранг: Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Институт археология АН РУз, 1993. – С. 132-140; Кашанина Т.В. Происхождение государства и права. Современные трактовки и новые подходы. – М.: Знание, 1999. – С. 51-103, 316-332; Ртвеладзе Э.В. ва бошқ. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент. Адолат, 2001. – 10-58 бб; Сағдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент. Академия, 2000. – 16-43 бб. Шайдуллаев Ш.Б. Илк давлатларнинг археологик белгилари // O'zbekiston tarixi. Тошкент. 2002. №3, 3-10 бб. ва бошқ.




Далварзин ва бошқ.) ишлаб чиқарувчи хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган металл қуруллар топиб ўрганилган. Меҳнат қурулларининг металлдан ишланиши меҳнат унумдорлигининг янада ошишига кенг имкониятлар яратди.

Сўнгги бронза даврига келиб хунармандчиликнинг ихтисослашуви ва алоҳида хўжалик тармоғи сифатида шаклланиб ривожланиши жамиятдаги иқтисодий тараққиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асосини илк шаҳарлар ташкил этган давлатчиликнинг пайдо бўлиши учун муҳим бўлган кўшимча маҳсулот кўпайишига туртки бўлди. Илк давлатларнинг пайдо бўлишида илк шаҳарлардаги ўзаро айирбошлаш, савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Сўнгги бронза даврига келиб шимолдаги кўчманчи чорвадор қабилалар ва жанубдаги ўтроқ дехқончилик аҳолиси ўртасида ўзаро мол айирбошлаш ва маданий алоқалар янада жадаллашади. Жанубий ва шимолий ҳудудлардан топилган топилмаларидаги жуда кўпгина ўхшашликлар бу ҳудудлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалардан, қадимги йўлларнинг тараққий этганлигидан далолат берадики, бу жараёнлар ҳам дастлабки шаҳарлар билан бирга илк давлатчиликнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, турли тарихий вилоятларда жойлашган йирик мустақам масканлар ўрни ва атрофларида (Сополли, Жарқўтон, Намозгоҳ, Далварзин, Қизилтепа, Ерқўрғон, Бандихон, Ўзунқир) дастлабки шаҳар марказлари шаклланиб ривожлана бошлайди. Илк шаҳарлар қишлоқлардан иқтисодий, сиёсий ва маданий мавқеи билан ажралиб турган. Бундай шаҳарлар ўзлари жойлашган воҳаларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, диний ва ҳарбий марказлари вазифаларини бажарган бўлиши шубҳасиздир.

Давлатнинг дастлабки босқичларини ўрганишда Зардўштиларнинг муқаддас диний китоби Авестонинг аҳамияти беқиёсдир. Олимларнинг эътироф этишларича, Авесто Шарқ халқлари қадимги даврини тадқиқ этишда ҳозирча муҳим манба бўлиб, у ўзининг бу аҳамиятини бундан буён ҳам сақлаб қолади. Бу китоб даставвал, эътиқодлар, тиллар ва динлар, бир сўз билан айтганда, маънавий ҳаёт ривожланиши босқичлари ҳақидаги илк тўплам ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, бу жараёнлар давлатчилик ва иқтисодий ривожланишнинг умумий доирасида бўлиб ўтган.

Авесто даври турли қабил ва элатлар, жамоалар эътиқодларининг мукамал жаҳон дини даражасидаги дин билан алмашаётган давр эди. Шунингдек бу давр туб иқтисодий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришда сифатий олға силжишлар даври бўлганлиги билан ҳам изоҳланади-ки, бу ҳолат иерархик тўзумга эга бўлган давлатчилик ҳамда урбанизациянинг янги босқичга кўтарилишига, касбий хунармандчилик, биринчи галда, металлургиянинг ривожланишига кенг имкониятлар яратган эди. Мис, бронза кейинроқ эса темирнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқаришдаги катта ўзгаришларга, жумладан, хунармандчиликнинг махсус тармоқларга ажратилишига ва маҳсулот айирбошлашга олиб келди-ки, бу жараён



шаҳарларнинг шаклланиши ҳамда ривожланишига, деҳқончилик ва чорвад
аҳоли турмуш тарзида туб ўзгаришлар бўлишига имкон яратди.


Авестода илк давлат уюшмалари ҳисобланган бир қатор тарихий-маданий вилоятлар санаб ўтилади. Улар орасида Аръанам Вайжо (орийлар текислиги), Гава Суғда, Моуру, Баҳди, Нисайа кабилар бўлиб, фикримизча, улар Ўрта Осиё, Жанубий Уралолди ва Марказий Қозоғистон ҳудудларида жойлашган. Бу улкан минтақада муҳим полиметаллар маконлари, Амударё ва Сирдарё қуйи оқимларида кенг яйлов ҳудудлар, Бақтра, Мавр, Нисо ва Суғдада урбанизациялашган марказлар мавжуд эди.

Авесто мадҳияларида маълум ижтимоий босқичлардаги изчиллик ва иерархияни кўзатиш мумкин. Шунингдек, Авестода илк шаҳарлар шаклланиши босқичлари Ахурамазда фармони билан дастлабки одам Йима томонидан мустаҳкамланган «вара» бунёд этиши мисолида кўзатилади. Бундай «вара»лардан бири археологлар томонидан Жанубий Урал-Қозоғистон «шаҳарлар ўлкаси»дан топилган бронза даврига оид Аркаим ёдгорлигида бўлиши мумкин. Аркаим ёдгорлиги бир неча мустаҳкамланган манзилгоҳлардан иборат бўлиб, хандақлар ва кўп қаторли мудофаа деворлари билан ўраб олинган, кириш қисми ҳимояланган. Ёдгорлик мураккаб ва аниқ тузилишга эга. Ёдгорлик ҳудудларидан ҳунармандчиликнинг аввало, металл эритиш ва унга ишлов беришнинг излари, бронзадан ясалган буюмлар топилган. Авесто мадҳияларида эслатилган «вара» шаклидаги ҳимояланган иншоотлар бунёд этилиши шаҳар маданияти белгиларини, ижтимоий-маданий тараққиётнинг юқори даражасини, ном давлатлар кўринишидаги шаҳарлар шаклланишини ўзида акс эттиради. Бу жараённинг босқичма-босқич ривожланиши эса Ўрта Осиёнинг жанубий ва марказий ҳудудларида кўзатилади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиёда энг қадимги давлатларнинг шаклланиш жараёни деҳқон-чорвачилик иқтисодиёти, ихтисослашган ҳунармандчилик ва шаҳар марказларининг пайдо бўлиши билан ўзвий боғлиқдир. Ҳозирги кунга қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари бу ҳудудларда илк темир давридаги ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг айрим муҳим масалаларини янги асосда изоҳлашга имконият яратади. Аммо, шунга қарамасдан бу масала тўлиқ ечимини топмаган бўлиб, хусусан, Ўрта Осиё энг қадимги давлатлари типологияси ва хронологияси, давлатчилик тараққиётида илк шаҳарларнинг аҳамияти муаммоси шулар жумласидандир.

XIX асрнинг охирларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар олиб борилган Авесто маълумотлари (вилоятларнинг Арёшаёна бўйича бирлашиши), Геродот ва Гекатей асарлари («Катта Хоразм»), шунингдек, Ктесийнинг Қадимги Бақтрия подшолиги ҳақидаги маълумотлари ва ниҳоят, археологик тадқиқотлар натижалари Ўрта Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотчилар Ўрта Осиёда илк давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини ахамонийларгача бўлган даврда деб ҳисоблайдилар



ва милоддан аввалги IX-VII асрлар билан белгилайдилар ҳамда бу жараён шаҳарларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайдилар. (М.Дункер, В.Томашек, Ф.Альтхайм, С.П.Толстов, М.М. Дьяконов, И.М.Дьяконов, В.М.Массон, М.Дандамаев, Б.Ғ.Ғофуров, Б.А.Литвинский, А.А. Асқаров, Э.В.Ртвеладзе, М.В.Пьянков, А.С.Сагдуллаев, Т.Ш. Ширинов ва бошқалар).


Сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб аҳоли сони ва зичлигининг ўсиб бориши, ҳосилдор ер майдонларининг ўзлаштирилиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадаллик билан ривожланиши аҳоли жойлашувининг ҳаётий зарур ҳудудларга бўлиниб кетишига олиб келади. Бундай шароитда чорвадор аҳолининг маълум қисми хўжаликнинг ярим ўтроқ ва чорвачилик шаклига ўтишга мажбур бўладилар. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги милоддан аввалги VI-IV асрларга оид кўчманчилар ёдгорликлари ўтроқ аҳоли ҳудудлари чегараларида (Оролбўйи, шимолий Туркменистон, Зарафшоннинг куйи оқими, Помир ва бошқ.) жойлашганлиги тасодифий ҳол эмас.

А.Сагдуллаевнинг фикрича, Арёшаёна каби вилоятлар уюшмаси вақтинчалик ва қолоқ бўлиб, Қадимги Бактрия каби нисбатан йирик сиёсий уюшмаларнинг пайдо бўлишига Ўрта Осиё ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги доимий сиёсий қарама-қаршилиқлар сабаб бўлади.

Аҳоли аралаш жойлашуви ҳудудларида ўтроқ вилоятлар сиёсий уюшмаларининг шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири – Ўрта Осиёнинг жанубидаги дашт ҳудудларда жойлашган кўчманчи қабилалар хужуми хавфи эди. Милоддан аввалги VII-VI асрларга келиб бундай хужумлар тез-тез бўлиши муқаррар эди. Чунки, Ўрта Осиёнинг кўпгина тоғ ва дашт ҳудудларида йилкичилик ва чорвачиликнинг кенг тарқалиб, кўчманчиларнинг ўзлари эса жанговар қурулганида катта муваффақиятларга эришиб, жиддий ҳарбий хавф туғдира бошлайдилар.

Милоддан олдинги VIII асрнинг охири – VII асрга келиб Ўрта Осиёнинг жанубидаги қишлоқлар ривожланишида жадаллик билан ўзгаришлар бошланиб Бактрия ва Суғдиёна ҳудудларида ўзида шаҳарсозлик белгиларини (мустаҳкам деворлар, саройлар, буржлар, хандақлар, деворлардаги ўқ отиш йўлаклари ва бошқ.) акс эттирувчи манзилгоҳлар пайдо бўлади. Илк темир даврига оид бундай манзилгоҳларнинг сони Бактрия, Марғиёна ва Суғдиёнада 20 тадан зиёдроқ. Асосий манзилгоҳлар эса (майдони 5 гектардан кам) қишлоқ қўрғонлари, унча катта бўлмаган алоҳида қалъалар ва деҳқончилик қишлоқларидан иборат. Шаҳарлар турига киритиш мумкин бўлган, каттагина қўрғонли мустаҳкамланган манзилгоҳлар айрим қадимги деҳқончилик вилоятларида (Сурхон, Қашқадарё, Зарафшон ҳавзалари ва бошқ.) битта ёки иккитадан кўп бўлмаган.

Белгилари унчалик тўлиқ бўлмаганлиги учун ҳам Ўрта Осиёдаги барча йирик қишлоқларни шаҳарлар сафига киритиб бўлмайди. Фақатгина шуни қайд этиш мумкинки, уларнинг барчаси ҳарбий тўқнашувлар пайтида қалъа-қўрғон вазифасини ўтаган. А.М.Белиницкийнинг фикрича, ҳарбий-маъмурий марказлар сифатида пайдо бўлган қадимги шаҳарлар савдо-хунармандчилик марказларига айланиб боради.



Илк темир даври Ўрта Осиёнинг жанубида хусусан Суғдиёнада, алоҳи ҳудудий тартиб гуруҳида бўлиб, марказий вазифани бажарган бир неча манзилгоҳлар турлари мавжуд эди. Булар майдони 5 гектардан 15 гектаргача бўлиб, туман-воҳа маркази вазифасини бажарувчи Даратепа, Конимех, Чордара кабилардир. Майдони 20 гектардан 80 гектаргача бўлган вилоят марказлари вазифасини бажариши мумкин бўлган Ўзунқир, Ерқўрғон, Хўжа Бўстон кабилар ҳамда бир неча вилоятлар маркази вазифасини бажарувчи ва майдони 100 гектардан зиёд бўлган Афросиёб, Бухоро шулар жумласидандир.


Археологик маълумотларга қараганда, ҳунармандчилик муассасалари йирик манзилгоҳлар ичида марказлашиб қолмасдан, уларнинг атрофида ҳам тўпланиб боради. Бу манзарани Афросиёб топилмалари тасдиқлайди. Бундай манзилгоҳлар аста-секинлик билан ҳунармандчилик, савдо ва маданий марказларга айланиб борадики, бу жараёнда қадимги йўллар ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Афросиёб, Ўзунқир, Ерқўрғон каби қўҳна шаҳарлар Ўрта Осиёнинг қадимги йўллари устида жойлашган.

Археологик манбаларнинг маълумот беришича милоддан аввалги VII-VI асрларга келиб Ўрта Осиёнинг жанубида ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар анчагина мураккаблашади. Бу ўринда Қадимги Бактрия маълумотларини келтириб ўтиш жоиздир. Ёзма манбаларда Бактрия Ўрта Шарқдаги муҳим вилоят – «ўлка» (Ктесийда) сифатида Оссурия подшоси Ниннинг ва Кир II нинг (Геродотда) ҳарбий режаларига қарши чиққанлиги ҳамда Александр Македонский қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатганлиги таъкидланади.

Кир II нинг Ўрта Осиёга юриши – Аҳамонийларнинг Бактрия ва сак-массагет уюшмаси каби жиддий рақиблари мавжуд бўлганлигининг далилидир. Форслар Ўрта Осиё жанубий вилоятларини босиб олганларидан кейингина милоддан аввалги 530 йилда сак-массагетлар устига юриш бошлайдилар. Демак, бу пайтга келиб Бактрия ҳарбий-сиёсий уюшмаси таркибида Бактриядан ташқари Марғиёна ва Суғдиёна ҳам мавжуд эди.

Бизнинг назаримизда, Ўрта Осиё ҳудудларида илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлишида илк шаҳарлар ва ҳарбий-сиёсий омиллардан ташқари ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳам катта аҳамиятга эга эди. Чунки, сиёсий жиҳатдан шаклланган давлат ёки уюшма бошқарув тартиби ва иқтисодиётсиз тараққиёт босқичига кўтарила олмайди.

Бизга маълум тарихий манбалар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида энг қадимги сиёсий уюшмалардан бўлган «**Катта Хоразм**» ҳақида маълумот берсада, археологик тадқиқотлар натижалари бошқачароқ хулосалар чиқариш имконини беради. Хусусан, милоддан аввалги IX-VII асрларга оид Бактрия, Марғиёна ва Суғдиёна топилмалари (қишлоқлар, қўҳна шаҳарлар қолдиқлари, моддий маданият буюмлари ва ҳок.) жанубий ҳудудларда ривожланиш жараёни бирмунча илгарироқ рўй берганидан далолат беради. Энг сўнгги археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этар эканмиз, Кучуктепа, Қизилтепа (Сурхондарё), Ёзтепа (Туркменистон), Ўзунқир, Ерқўрғон



(Қашқадарё), Афросиёб, Кўктепа (Самарқанд) каби кўхна шаҳар манзилгоҳлар сопол буюмлари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш эканлигининг гувоҳи бўламиз. Демак, юқорида эслатилган ҳудудлар ўртасида ҳеч бўлмаганда, тарихий-маданий бирлик мавжуд эди.


Юқоридагилардан хулоса чиқарадиган бўлсак, тарихий-маданий бирликдан ташқари, бир-бирига ўхшаш моддий маданият буюмларини бир гуруҳ усталар, ҳеч бўлмаса, уларнинг шогирдлари тайёрлаши мумкинку, деган савол туғилиши табиий ҳол. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, бир гуруҳ усталарнинг бир ердан иккинчи ерга кўчиб юриб ишлаши учун албатта, катта ҳудудда мустаҳкам ва ягона давлат бўлиши керак эди. Ерқўрғон, Кучуктепа, Қизилтепа, Ёзтепа, Лолазор буюмларига ўхшаш буюмларнинг Бухоро воҳаси, айниқса, Хоразмда шу пайтга қадар топилмаган.

М.Х.Исомиддиновнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотларига кўра, мил. авв. VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёнинг жанубида мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган йирик аҳоли пунктлари шакллана бошлайди. Айнан мана шу жараёнлар Марғиёна ва Суғд ҳудудларида ҳам кўзатилади. Олимнинг фикрича, бу ҳудудлар Бақтрия билан ўзвий боғлиқ эди. Кейинги даврларда бу умумийликка Хоразм ҳам қўшилади. Бақтрия маданиятининг кучли таъсири даставвал юқори даражада ривожланган шаҳар маданиятида кўзатилади.

Юқоридаги фикрга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, бир-бирига жуда ўхшаш буюмларнинг топилиши фақат усталарга, эмас балки, савдо-сотик муносабатлари, ўзаро алмашинув ва қадимги савдо-транзит йўлларига ҳам боғлиқ эди. Мавжуд ёзма ва археологик маълумотларни таҳлил қилиб шундай хулоса чиқариш мумкинки, Бухоро воҳаси ва Хоразм ҳудудидаги қадимги йўллар илк темир даврида воҳа ичидаги ички ёки иккинчи даражадаги йўллар вазифасини ўтар эди. Асосий савдо йўллари эса Бақтриядан Жанубий Суғд (Қашқадарё) ва Марказий Суғд (Самарқанд) орқали Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсига ўтиб кетарди. Ундан ташқари Геродотда Бақтрия халқи Миср ва Бобил каби йирик давлатлар қаторида тилга олинади. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, Қадимги Бақтрия қудратлилиги жиҳатдан қўшни вилоятлардан анча устун бўлиб, улар орасида алоҳида мавқега эга эди. Бақтриянинг табиий бойликлари ундан ташқари ҳудудда ҳам Олд Осиёга қадар машҳур эди. Айниқса, Бадахшон ложуварди (лазурит), лаъли жуда қадрланган.

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқодлар натижасида очилган манзилгоҳлар, кўхна шаҳарлар ва улардан топилган топилмалар ҳамда ушбу маълумотларни ёзма манбалар билан солиштириш натижасида Ўрта Осиё илк давлатчилиги пайдо бўлиши муаммоларига бироз аниқликлар киритилди. Бу ўринда Суғдиёна давлатчилиги масалаларига бағишланган Ш.Одиловнинг сўнгги илмий тадқиқодлари айниқса диққатга сазовордир.

Тадқиқотчи Суғдиёнада, хусусан Бухоро ва Зарафшон воҳаларида топиб текширилган илк темир даврига оид археологик маълумотларни бошқа ҳудудлар билан солиштириб чуқур таҳлил этади. Бухоро ҳудудларидан



топилган «ахамонийлар даври» ёдгорликлари унча катта бўлмаган ҳудудларга жойлашган бўлиб, бу ерларни кенг ҳудудларга ёйилган этно-маданий вилоят таркибига киритиш лозимки, илк темир даврида бу ҳудудларда ташқи кўриниши бир хил бўлган деҳқончилик маданияти шаклланади. Бу этно-маданий вилоят даставвал Амударё воҳаси (Хоразм, Марғиёна, Бактрия-Тохаристон), Жанубий Суғд, Марказий Суғднинг бир қисми, Бухоро Суғдининг шимоли-ғарбий ва шимоли-шарқий ҳудудлари, шунингдек, Уструшана каби тарихий вилоятларни ўз ичига олган.

Қадимги Бактрия ҳудудларидан кўчиб бориш бевосита Амударё, Сирдарё, Қашқадарё сув ҳавзалари ва уларнинг ирмоқлари орқали бўлиб ўтган. Сўнгги бронза давридаёқ Қашқадарё юқори оқимларида мавжуд бўлган маданият соҳиблари тоғлар орқали Марказий Суғд (Самарқанд) ҳудудларига етиб келадилар. Зарафшон воҳасига келсак, Ш.Одиловнинг фикрича, Марказий Суғднинг каттагина қисми (бир томондан Афросиёб кўҳна шаҳри атрофлари ва Кўктепадан, иккинчи томондан, Сармишсой ва Конимех ёдгорликларигача) сўнгги бронза ва «ахамонийлар даври»да (милоддан аввалги IV асрнинг бошларигача) умуман ўзлаштирилмаган эди. Аммо, бизнинг фикримизча, айнан мана шу даврда Жанубий Суғднинг каттагина қисми ўтроқ деҳқончилик аҳолиси томонидан ўзлаштирилиб дарё воҳалари ва текисликларда суғорма деҳқончилик ва ихтисослашган ҳунармандчилик гуркираб ривожланаётган эди. Қўшни Қадимги Бактриянинг каттагина ҳудудларида ҳам айнан мана шу ҳолатни кўзатишимиз мумкин.

М.Х.Исомиддиновнинг сўнгги йиллардаги хулосаларига кўра, мил. авв. VIII-VII асрларга оид Самарқанд ва жанубий Суғд археологик материаллари Бактрия материаллари билан яқин ўхшашлик топади. Бундай ўхшашлик Бухоро Суғдида ҳозирча аниқланмаган. Суғд ҳудудларида давлат уюшмаси бу ҳудудлар Ахамонийлар давлати таркибига киргунга қадар фақат Жанубий ва Самарқанд Суғдида мавжуд бўлган. Чунки Суғд ҳудудларидаги жамият тараққиёти даражаси бу ҳудудлардаги йирик кўҳна шаҳарлар - Ерқўрғон, Афросиёб, Кўктепа ва Ўзунқир қабиларнинг ташкил топиши ва давлатчилик ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган эди.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, суғорма деҳқончилиكنинг ривожланиши ва ихтисослашган ҳунармандчилик натижасида бронза давридаёқ Ўрта Осиё ҳудудларида ижтимоий табақаланиш ва мулкый тенгсизлик пайдо бўлади. Жанубий ҳудудлардаги бу жараён фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмай, Яқин Шарқдаги юқори даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга ҳам боғлиқ эди. Ҳар бир жамоанинг ривожланиши унинг ички қонуниятларидан келиб чиқса ҳам, дастлабки марказлардан келиб чиққан ташқи таъсир четдаги вилоятларнинг тақдирида катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди.

Хуллас, сўнгги 15-20 йил ичида Бактрия, Суғдиёна ва Марғиёна шаҳарларига доир олинган янги археологик маълумотлар шаҳарларнинг илк давлат уюшмалари пайдо бўлишидаги аҳамиятини янада кенгроқ изоҳлаш имконини яратади. Бу маълумотларга қараганда, илк темир даври умумий



жамоаларидаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оила иборат уй жамоалари ташкил этган. Шаҳарлар ва манзилгоҳлар жойлашувининг ташқи белгилариёқ катта оилали уй жамоалари анча йирик уюшмаларга кирганлигидан далолат беради. Бошқарув тартибида катта оилалар жамоаси бошлиқлари ёки уй хўжайинлари, шунингдек, алоҳида кишлоқ кўрғонларини бошқарувчи эски жамоалар катта ўрин тутган. Ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошлик алоқаларига қарамасдан алоҳида уйга, ишлаб чиқариш буюмларига эга бўлишган, ўзининг кишлоқ хўжалик маҳсулотлари заҳиралари ва чорвалари бўлган ёки ўзини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликни акс эттирган.

Турли маълумотларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида мил.авв. I минг йилликнинг бошлари ва ўрталари Ўрта Осиё тарихида қуйидаги ўзгаришлар бўлиб ўтганлиги кўзатилади:

– қалъалари бўлган йирик кишлоқларнинг (фундамент) асос устида ривожланиш анъаналари Жанубий Туркменистонда (Ёздепа, Аравалидепа) кўзатилади, аммо, бундай кишлоқлар ўзлуксиз, бир текис ҳимоя деворларига эга эмас эди. Бу белгиларига кўра, бундай режа маълум маънода бронза даврига бориб тақалади;

– мил.авв. I минг йиллик Бактрия ва Суғдда ўлчамлари жиҳатдан унча катта бўлмаган кишлоқлар бунёд этилади, шу билан биргаликда, Жанубий Суғддаги Сангиртепанинг ташқи айланма девори 10 метр қалинликка эга. Ёдгорликнинг ўзи эса 3 гектар майдондан иборат;

– мил.авв. I минг йилликнинг бошлари Бактриядаги археологик вазиятнинг кўрсатишича, бу даврда шаҳар типидagi йирик кишлоқлар кўзатилмайди. Унчалик катта бўлмаган кишлоқлар, афтидан, уй-кўрғонлар кўпчиликни ташкил этади. Мил.авв. X-IX асрлар Бактрия аҳолисининг бир қисми (А.С. Сагдуллаев фикрича), Амударёнинг ўрта оқими ерларида, Хоразм ва Қашқадарё воҳасигача жойлашади;

– мил.авв. VIII-VII асрлар Марғиёна, Бактрия ва Суғд шаҳарлари тарихида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтиб, қалъалари бўлган, мустақамланган, йирик марказлар шаклланади. Демак, Ўзунқирда қалъа кўҳна шаҳарнинг ичида, ибодатхона эса, ундан ташқарида, 650 метр жанубда, Сангиртепада жойлашган. Бу ўринда, маълум маънода бронза даври анъаналари кўзатилади.

Яқинда И.В.Пьянков томонидан мил.авв. VIII аср Шарқий Мадия қалъасининг Осурия тасвири нашр этилди. “Археологик тадқиқотларга кўра, – ёзади тадқиқотчи, – мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярми Ўрта Осиё қалъалари ҳам тахминан ана шундай кўринишда бўлган бўлиши мумкин”. Ўзунқирнинг қалъа девори айнан шундай кўринишга эга. Ундан илгарироқ А.С.Сагдуллаев, Ўзунқирнинг ҳимоя иншоотлари тизими Ўрта Осиёда ўхшаши йўқлигини, аммо, мил. авв. VII-VI асрлар Месопотамия шаҳарлари, хусусан, Бобил ҳимоя тизими билан ўхшашлик топишини таъкидлаган эди.

Демак, илк темир даври Ўрта Осиё шаҳарсозлигида илгариги даврга нисбатан янги анъаналар пайдо бўлган бўлса-да, айрим ҳолларда бронза



даври шаҳар қурилиши анъаналари давом эттирилганлиги ва Қадимги Шаҳар шаҳарсозлиги жиҳатлари билан ўзаро ўхшашлик кўзатилади. Ўз навбатида бу жараён давлатчилик анъаналарига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Юқоридагилардан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, қадимги давлатлар ўз ривожланиш босқичларида турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятларга эга бўлган. Дастлабки давлатлар хўжаликнинг ишлаб чиқарувчи шакллари-деҳқончилик ва чорвачилик қаерда олдинроқ ривожланган бўлса, ўша ҳудудларда пайдо бўлган. Давлатчилик жаҳон тарихида миллоддан аввалги IV минг йилликнинг охирида вужудга келган бўлиб, инсоният цивилизациясининг сўнгги 5 минг йили билан боғланади.

Давлат тушунчасига таъриф беришда қуйидаги умумлашган ёндашув аини ҳақиқатдир: **давлат бу муайян олий ҳокимиятни амалга оширувчи, махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга бўлган, жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий гуруҳларнинг манфатини ифода этувчи, уларни бирлаштириб ва мувофиқлаштириб турадиган сиёсий ташкилотдир.** Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг ҳудудий асосга кўра бирлашганлиги
2. Миллий суверенитетга эгаллиги (ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишдаги мустақиллик)
3. Махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратининг мавжудлиги
4. Ҳуқуқ тизимининг мавжудлиги
5. Солиқ тизимига эгаллиги

Давлатларни типларга ажратишда формацион ва цивилизацион ёндашувлар мавжуд. **Формацион ёндашув**-давлатларни ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражасини, базис ва устқурмаси, синфий моҳияти, мақсади, вазифалари ҳамда функциялари мезонига кўра типларга ажратишдир. **Цивилизацион ёндашув**-давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми ва функциялари билан бир қаторда кўпроқ уларнинг тарихий-маданий тараққиёти, маънавий, ахлоқий ва маданий ривожланиш даражасига қараб типларга ажратишдир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда давлатчилик масалалари билан шуғулланаётган тадқиқотчиларнинг аксарияти цивилизацион ёндашувни қўллаб-қуватлайдилар. А.С.Сағдуллаев қадимги бошқарув тизими кўйидаги функциялар билан боғлиқ ҳолда амалга оширганлигини таъкидлайди: иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий.

Давлатнинг жамият тараққиёти ва унинг сиёсий тизимида тутган ўрни қуйидагича изоҳланади.

1. Маълум ҳудудлардаги давлат ўз ҳудуди доирасида яшовчи тилидан, динидан, миллатидан қаътий назар, барча аҳолига ҳокимият таъсири ўтказадиган ягона сиёсий ташкилотдир.




2. Давлат ўз ичида ва ташқи алоқаларда йўлга қўйиладиган муносабатларда бошқа ижтимоий-сиёсий ташкилотлардан фарқ қилган ҳолда, олий ҳокимиятга, тўла суверенитетга эгадир.
3. Давлат жамият ҳаёти тараққиётининг турли соҳалари ва йўналишларини мувофаклаштириб туради.

Илк давлатларнинг асосий белгилари¹

Ижтимоий-иқтисодий белгилар	Археологик белгилар
Аҳоли сонинг ошиши ва ижтимоий табақаланишни кўрсатувчи белгилар	Турар жой манзилгоҳларининг ошиши, манзилгоҳларнинг ҳудудий кенгайиши, қабрлар ва уларда учрайдиган топилмаларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари
Илк давлат маркази-шаҳарнинг мавжудлиги	Шаҳарларнинг пайдо бўлиши, шаҳар атрофида қишлоқ-манзилгоҳларнинг жамланиш жараёни
Хунармандчиликнинг ривожланиши	Хунармандчилик соҳаларининг марказлашиш жараёни, хунармандчилик маҳсулотлари турларининг ошиши, сифатий ўзгаришлар
Деҳқончиликнинг ривожланиши	Меҳнат қуролларининг такомиллашуви, сунъий суғориш шаҳобчалари ва каналларнинг пайдо бўлиши, экин турлари сонининг ошиши
Чорвачиликнинг ривожланиши	Уй ҳайвонлари суяклари сонининг ошиши
Ҳарбий ишларнинг такомиллашуви	Ҳарбий истехкомлар мавжудлиги, қуролларнинг такомиллашуви, Мудофа иншоатлар, буржлар
Кишиларни рухий бирлаштирувчи марказлашган дин	оила алтарларининг мавжудлиги, Монументал ибодатхоналар
Савдо ва маданий алоқалар	Бошқа маданиятларга хос бўлган моддий маданият наъмуналари, қадимги алоқа йўлларининг такомиллашуви
Хусусий мулк, сиёсий бирлашма белгиси	Мухр
Жамиятнинг цивилизация даражаси	Ёзув

¹ Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг..., Б.15



Давлатчилик пайдо бўлишидаги айрим назариялар ва уларга қисқача таъриф¹

Теология назарияси. Тарафдорлари: XIII аср, Фома Аквинский, XIX аср Жозеф Местр, ислом мафкуриси ва католик черкови.

Бу назария давлатлар келиб чиқишини илоҳийлик билан боғлайди. Қадимги даврдаёқ пайдо бўлган бу назария илк давлатларнинг диний бошқарув шакллари (теократик) қаттиқ туриб ҳимоя қилади.

Патриархал назария. Бу назария дастлаб Аристотел асарларида асосланиб, XIII асрда Р.Фильмер томонидан ривожлантирилди.

Бу назария тарафдорлари дастлабки давлат бевосита оиладан ўсиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Унга кўра давлат ҳокимияти отанинг оила аъзолари устидан ҳокимлигини белгилаб беради.

Патрёмониал назария. XIX асрда яшаган француз олими А.Галлер томонидан ишлаб чиқилган.

Бу назария тарафдорлари давлат ерга мулкчилик ҳуқуқидан келиб чиққан (патримонимум) деб ҳисоблашади. Яъни, ҳокимият, ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан бевосита у ерда яшовчи одамларга ёйилади.

Шартномавий назария. XVII-XVIII асрларда кенг ёйилган бу назария тарафдорлари А.Горций, Ж.Локк, Т.Гобс, Ж.Руссо, Д.Дидро, Ш.Монтескье кабилар эди.

Бу назарияга кўра давлат-одамлар ўртасида тузилган шартнома асосида одамларнинг онгли равишда бирлашишидир. Одамлар шартноманинг кучи билан ўз эркинлиги, ўз ҳокимиятининг бир қисмини давлатга берадилар.

Зўравонлик назарияси. Тарафдорлари: Е.Дюринг, Л.Гумилович, К.Каутский.

Бу назария тарафдорлари давлат кучсиз ва ҳимоясиз қабилаларнинг кучли ва уюшган қабилалар томонидан босиб олиниши йўли билан зўравонлик ёки куч ишлатиш йўли билан пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар.

Ирригация назарияси. Немис олими К.Виттфогель томонидан ишлаб чиқилган. Бу назарияга кўра, давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг бирламчи деспотик шакллари шарқий аграр вилоятларда улкан ирригация иншоотлари қурилиши билан боғланади.

Психология назарияси. Тарафдорлари: Л.Петражитский, З.Фрейд, Г.Тард.

Бу назария тарафдорлари давлатнинг пайдо бўлишини инсон психологияси, шахснинг жамоада яшашга эҳтиёжи, обрўли кишиларни излаши, буйруқ бериш ва итоат этиш истаги билан изоҳлайдилар.


Синфий назария. Тарафдорлари: К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин, Г.Плеханов.


Бу назарияга кўра, давлат ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ўзгариши натижаси, синфлар пайдо бўлиши ва улар ўртасида синфий кураш кескинлашувининг якунидир. Давлат бир синфнинг бошқа синф устидан ҳукмронлик қуролидир.

¹Қаранг: Ртвеладзе Э.В. ва бошқ. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т., 2001. – 31-43 бб.; Сабуров Н. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2005. – 10-б.



Жамият тараққиётининг цивилизацион кўриниши





Қадимги Шарқ давлатчилиги пайдо бўлиши ва ривожланиши¹. Миср

Миллоддан аввалги IV минг йилликнинг 2-ярми. Ном-давлатларининг пайдо бўлиши	Миллоддан аввалги III минг йилликнинг 1-3 чораги. Қадиги подшолик	Миллоддан аввалги III минг йиллик сўнгги чораги-II минг йиллик биринчи чораги. Ўрта подшолик.
Миллоддан аввалги II минг йиллик ўрталари ва охирлари. Янги подшолик.	Миллоддан аввалги X-VIII асрлар. Мисрда Ливия династияси.	Миллоддан аввалги IX асрнинг охири. Карфагеннинг пайдо бўлиши.
Миллоддан аввалги VII аср ўрталари. Мисрда Оссурия хукмронлиги ўрнатилиши.	Миллоддан аввалги VI асрнинг сўнгги чораги. Мисрда Ахамонийлар хукмронлигининг ўрнатилиши	Миллоддан аввалги V-III асрлар. Карфагеннинг гуллаб-яшнаши.

Месопотамия

Миллоддан аввалги IV минг йилликнинг охири-III минг йиллик боши. Дастлабки Шумер шаҳарларининг пайдо бўлиши.	Миллоддан аввалги III минг йилликнинг 1-чораги ва ўрталари. Шумерда илк сулолавий давр.	Миллоддан аввалги III минг йилликнинг сўнгги чораги. Месопотамиянинг бирлашуви.
Миллоддан аввалги XVIII аср. Бобилда Хамураппи хукмронлиги.	Миллоддан аввалги XVI-XIV асрлар. Митанннинг юксалиши.	Миллоддан аввалги XVI-XII асрлар. Бобилда Касситлар сулоласи.
Миллоддан аввалги XVI-XI асрлар. Оссурияда ўрта подшолик.	Миллоддан аввалги XVI-VII асрлар. Янги Оссурия даври. Буюк давлатнинг ташкил топиши.	Миллоддан аввалги VII-VI асрлар. Янги Бобил подшолиги
	Миллоддан аввалги VI аср ўрталари. Бобилнинг Ахамонийлар томонидан босиб олиниши.	

¹ В.И. Кузицин, С.С.Соловёва, В.М. Массон, М.В.Кирюковлар бўйича.



Кичик Осиё

Миллоддан аввалги
II минг йиллик
бошлари. Кичик
Осиёнинг шарқий
қисмида савдо
калониялари

Миллоддан аввалги
XVIII-XVI асрлар.
Қадимги Хетт
подшолиги.

Миллоддан аввалги XV
аср. Хетт
подшолигининг
заифлашуви.

Миллоддан аввалги
XIV- XIII асрлар.
Хетт подшолиги.
Кучли давлатнинг
ташқил топиши

Миллоддан аввалги
X-VIII асрлар. Фригия
подшолигининг
гуллаб-яшнаши.

Миллоддан аввалги
VII-VI асрлар. Ливия
подшолигининг гуллаб
яшнаши.

Хитой

Миллоддан аввалги
XVII-XI асрлар.
Шан-Инь даври.
Давлатчиликнинг
пайдо бўлиши.

Миллоддан аввалги
XIV аср. Давлатнинг
пойтахти бўлган Шан
шаҳрига асос
солиниши.

Миллоддан аввалги XI-
VII асрлар Ғарбий
Чжоу даври.

Миллоддан аввалги
VII-III асрлар.
Шарқий Чжоу
сулоласи даври

Миллоддан аввалги
VI-V асрлар. Темир
қурулларнинг кенг
ёпилиши. Конфуций

Миллоддан аввалги IX
IV-III асрлар. Чжанго
даври.

Ҳиндистон

Миллоддан аввалги
III минг
йилликнинг-II минг
йиллик бошлари.
Ҳинд
цивилизацияси

Миллоддан аввалги
XIII-X асрлар. Илк
Ригведа даври

Миллоддан аввалги IX -
VII асрлар. Сўнгги
Ригведа даври
Шимолий Ҳиндистонда
давлат пайдо бўлиши.

Миллоддан аввалги
VI-V асрлар. Темир
қурулларининг кенг
ёйилиши. Шаҳарлар
қурилиши.

Миллоддан аввалги
IV-II асрлар. Маурия
давлати.



3 - §. Қадимги Бактрия, Хоразм ва Суғдиёна давлатлари.

1. Қадимги Бактрия подшолиги.

Ҳозирги Афғонистоннинг шимоли-шарқи, Ўзбекистоннинг жануби ва Тожикистоннинг жануби-ғарбида жойлашган худудлар турли ёзма манбаларда Баҳди, Бактриш, Бактриёна, Бактрия, Бахли, Бахлика, Тухоло каби номлар билан эслатиб ўтилади. Замоनावий адабиётларда уни Бактрия деб аташ эътироф этилган (“Шоҳнома”да Бахтар замин, қадимги туркийларда Баҳодирлар юрти).


Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, миллоддан аввалги II минг йиллик ўрталарига келиб Сурхон воҳасида қадимги деҳқончилик маданиятининг жадаллик билан ривожланиши асосида илк давлатчиликка ўтиш жараёни бошланади. Бу жараён босқичма-босқич ривожланишнинг ўзига хос хусусият ва қонунларига эга эди. Агар давлатчилик асосини шаҳар маданияти ташкил этилишини ҳисобга олдиغان бўлсак, бу жараён Ўзбекистоннинг жанубида, Бактрия худудида миллоддан аввалги II минг йиллик биринчи ярмидаёқ шаҳармонанд қишлоқ Сополлитепа мисолида бошланган эди. А.Асқаровнинг фикрича, агар Сополлитепа ўзининг қадимги шаҳарсозлик маданиятига хос барча аломатлари билан протошаҳар, яъни, Авестода тилга олинган “вара” иншоотини эслатса, Жарқўтон ёдгорлиги Ўзбекистон худудида биринчи бор шаклланган том маънодаги шаҳар эди. Жарқўтон қадимги Шарқ шаҳарларидан таркибий жиҳатидан фарқ қилмайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Жарқўтон кўринишидаги кўхна шаҳарларни қадимги Шарқдаги ном-давлатлар шакллари билан қиёслаш учун далиллар етарли. Аммо, Месопатамия ном-давлатларининг асосий белгиларидан бўлган ёзув Жарқўтонда мавжудлиги ҳозирча баҳсларга сабаб бўлмоқда. Умуман олганда, миллоддан аввалги II минг йилликнинг сўнгги чорагига келиб қадимги Бактрия худудларида давлатчиликнинг ном ёки воҳа типидagi сиёсий уюшмалари шакллана бошлаганлигига илмий асослар бор.

Миллоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярми Бактрия худудларида кўпгина тарихий-маданий ўзгаришлар бўлиб ўтади. Бу ўзгаришлар қуйидаги жараёнлар билан боғлиқ эди:

1. Темир буюмларнинг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши.
2. Қалъалари бўлган қишлоқларнинг пайдо бўлиши ва кейин уларнинг шаҳарларга айланиш.
3. Моддий маданиятнинг сезиларли даражада ўзгариши.
4. Шарқий Эрон қабилаларининг миграцияси.

Археологик нуқтаи назардан, юқоридаги давр Марғиёна типидagi Ёз I маданияти мавжуд бўлган даврга тўғри келади. Тадқиқотчилар Ёз I маданияти даврини миллоддан аввалги II-I минг йиллик бўсағаси – VIII-VII асрлар билан белгилайдилар. Сурхон воҳасидан айнан мана шу маданиятга ўхшаш ёдгорликлар кўплаб очиб ўрганилган. Бу даврда Бактриянинг тўртта-Улонбулоқсой, Бўстонсой, Ургул ва Ҳалқажар воҳалари ўзлаштирилган бўлиб, археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Кучуктепа, Жарқўтон, Бандихон ва Қизилтепа уларнинг мараказлари эди. Юқоридаги воҳалар ўтрок



зироаткорлар ва чорвадор-састарлар ҳарбий бошлиқларининг мулклар марказлар эса уларнинг қароргоҳлари бўлган бўлиши мумкин.


Миллоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмида Қадимги Бақтрия давлати таркибига Марғиёна ва Суғдиёна ҳам кирганлиги тахмин қилинади. Бу ҳақда турли хал маълумотлар мавжуд бўлиб, қадимги форс подшоси Доро I Марғиёнада бўлиб ўтган Фрада бошчилигидаги кўзғолонни (миллоддан аввалги 521 йил) бостиргани ҳақидаги Бехистун ёзувларини “мана мен нималарни қилдим Бақтрияда” деб, хулосалайди. Доро III даврида Бақтрия ва Суғдиёна бирлаштирилган ўлка бўлиб, унда Бесс номли сатрап ҳокимлик қилган даврда Бақтрия, Марғиёна ҳамда Суғдиёна аҳолисининг урф-одатлари ва маданияти бир-бирига анча ўхшаш бўлган.

Тарихнинг отаси Геродотнинг “Тарих” асарида Бақтрия халқи Миср ва Бобил каби йирик давлатлар қаторида тилга олади. Юнон тарихчиси Ктесий Книдский Бақтрия ҳақида қимматли маълумотлар беради. Тарихчи давлатдаги кўплаб шаҳарлар, мустақам пойтахт шаҳар Бақтра (Балх), Бақтрия подшоси Оксиарт, унинг битмас-туганмас бойликлари ҳақида ҳикоя қилади. Тадқиқотчиларнинг фикрларга қараганда Қадимги Бақтрия подшолиги қудратлилиги жиҳатдан қўшни вилоятлардан анча устун бўлиб, улар орасида алоҳида мавқега эга бўлган. Бақтриянинг табиий бойликлари ундан ташқари ҳудудда ҳам Олд Осиёга қадар машҳур эди. Айниқса, Бадахшон ложуарди (лазурит) ва лаъли жуда қадрланган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, миллоддан аввалги VIII-VI асрнинг ўрталари қадимги Бақтрия давлатининг (айнан Бақтрия, Марғиёна ва Суғдиёна вилоятларининг маълум қисмлари сифатида тахмин қилинади) ривожланган даври бўлиб, бу йирик давлатнинг ҳудудий чегаралари: Мурғоб воҳаси, Ҳиндиқуш тизмаси, Бадахшон, Нурота тизмаси ва Бухоро ҳудудларига тақалган бўлиши мумкин. Бу даврда Бақтрия вилоятларига қадимги Хоразм давлати ва сак-масагетларнинг ҳарбий-сиёсий уюшмасига тегишли ўлкалар чегарадош бўлган.

Авестонинг эски қисмларида Ахурамазда яратган “энг яхши ўлкалар ва мамлакатлар орасида тўртинчи бўлиб гўзал ва байроқлари баланд кўтарилган **Баҳди** мамлакати” атамаси учрайди. Айрим олимларнинг фикрича бу “бахтар” атамасига мос келса керак. Бақтрия ҳақидаги кейинги қадимги маълумотлар Ахамонийлар подшоларининг миҳхатларида ва бўртма тасвирларида учрайди. Мисол учун, Ахамонийлар подшоларининг марказларидан бири Персепол шаҳридаги сарой деворларида бўртма расмларда бақтрияликлар идишлар кўтарган ва икки урқачли Бақтрия туялари билан тасвирланади. Демак, Бақтрия мустақил сатраплик сифатида Ахамонийлар давлатининг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

А.Сағдуллаевнинг тадқиқотларига кўра, Бақтрия ҳақидаги турли маълумотлар қадимги юнон тарихчилари-Геродот, Ктесий, Арриан, Страбон, Курций Руф, Диадор, Плиний кабиларнинг асарларида ҳам мавжуд бўлиб, улар бу подшоликнинг қадимийлиги ва юксак маданияти ҳақида маълумотлар



беради. Хусусан, Ктесий Книдский Оссурия подшоси Нин Белидни Бақтрияга қилган юриши, унинг бақтриялик аёл Семирамидага уйланганлиги, Бақтрия подшоси Оксарт ва унинг бой хазинаси ҳақида маълумот беради. Ктесийнинг Бақтрия чегаралари ҳақидаги маълумотлари ҳам қизиқарлидир. Унинг хабар беришича: ғарб томондан Бақтрия текислигига борадиган йўлни тоғлар тўсиб турадилар, улардан фақат довонлар орқали ўтиб бориш мумкин. Бақтрия Танаисдан Ҳинд дарёсига чўзилган бўлиб, Танаис уни Европадан, Ҳинд дарёси эса Ҳиндистондан ажратиб туради.


Геродот ўзининг “Тарих” асарида Бақтрия ва бақтрияликларни 45 марта тилга олади. “Бақтрия” атамаси Эсхилнинг миллоддан аввалги V асрда сахнага қўйилган “Форс”лар трагедиясида ҳам учрайди. Яна бир қадимги тарихчи Страбон Бақтрияни “орийлар ўлкасининг жавоҳири” сифатида таърифлайди.

Ёзма манбалар маълумотлари кўп ҳолларда археологик маълумотлар билан тасдиқланади. Археология маълумотларининг гувоҳлик беришича, миллоддан аввалги VII-VI асрларда Бақтрияда шаҳарлар шаклланиб бўлган эди. Олтиндилёртепа (Аорн), Бақтрия (Болои Ҳисор) ва Қизилтепа каби кўхна шаҳарлар мустаҳкам ҳимоя деворлар билан ўраб олинадики, улар бу ҳудудларда давлатчилик ривожланишининг асоси эди.

Бақтриянинг Аҳамонийлар давлати таркибига кирганлиги ҳақида ёзма ва археологик маълумотлар нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Археология маълумотларига кўра, миллоддан аввалги I минг йилликнинг ўрталарига келиб, Амударёдан кечув жойида ва дарё ёқалаб йўллар бўйида қалъалар (Шўртепа, Талашқон, Термиз, Хирмонтепа) бунёд этилади. Бу ҳолатни олимлар Аҳамонийлар маъмуриятининг Бақтириядан Суғдга ўтувчи йўлларни қаттиқ назоратда тутган бўлиши мумкинлиги билан изоҳлайдилар. Бу даврга келиб Бақтрия аҳолиси жойлашувида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Бронза даврида ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари асосан Бақтриянинг шимоли-ғарбида марказлашган бўлса, кейинроқ бу кўлам кенгайиб шимоли-шарқий қисмларни ҳам камраб олади. Тоғ олди ҳудудларидаги воҳаларда аҳоли турмуш тарзи янада қизғинлашиб борган бўлса, Сурхондарё, Конфирниҳон, Вахш, Явансув атрофларда янги воҳалар ўзлаштирилади.

Э.В.Ртвеладзе Бақтриядаги бу даврга оид тадқиқотларни умумлаштириб, ушбу ҳудудлардаги аҳоли жойлашувининг қуйидаги ўнта воҳасини ажратади:


1. Уланбулоқсой-Амударёнинг ирмоғи бўлган Уланбулоқсой воҳасини эгаллаган бўлиб, унинг ҳудудларида Кучуктепа ва Дабилқўрғон жойлашган.
2. Шеробод-Амударёнинг ирмоғи бўлган Шерободдарёнинг ўрта оқимида жойлашган. Бронза даврида ўнг қирғоқ Шерободдарёда манзилгоҳлар пайдо бўлади ва кейинчалик чап қирғоқ ҳудудлари ўзлаштирилиб воҳанинг чегараси Ангоргача чўзилади.



3. Ургул (Бандихон)-Бандихонсойнинг ўрта оқимида жойлашган Илгариги ўнг қирғоқдаги Бандихон I ва II инқирозга учраб, чап қирғоқда янги манзилгоҳ – Ғозимулластепа I пайдо бўлади.
4. Ҳалқажар-Сурхондарёнинг ўнг ирмоғи Ҳалқажар воҳаси ҳудудларини эгаллайди. Бронза даврида бу ердаги ирмоқлар ҳавзалари ўзлаштирилган бўлса, миллоддан аввалги VII асрдан бошлаб дарёнинг чап қирғоғида манзилгоҳлар пайдо бўлади. Бу воҳадаги энг йирик ёдгорлик Қизилтепа кўҳна шаҳри ҳисобланади.
5. Юқори Сурхон-Сурхондарёнинг ўрта оқими ҳавзасида жойлашган бўлиб бу воҳада ҳам иккита манзилгоҳ аниқланган. Улардан бири Шерободсойнинг ўнг қирғоғида, иккинчиси эса Дашнободсойнинг ўрта оқимида жойлашаган.
6. Ўрта Сурхон-Сурхондарёнинг ўрта оқими ҳавзасида жойлашган бўлиб, бу воҳадан ҳам иккита манзилгоҳ-Ҳайитободтепа ва Бандихонсойнинг Сурхондарёга қуйилиши жойида жойлашган Номсизтепа аниқланган.
7. Амударё-Термиздан Болдиргача бўлган Амударёнинг ўрта оқими ҳавзасида жойлашаган. Бу воҳада Термизнинг пастки қатламлари ва Кампиртепадаги 0,5 км. ғарбда жойлашган Номсизтепа миллоддан аввалги I минг йиллик ўрталарига оиддир.
8. Вахш – Яван – Вахш ва Явансув дарёларининг ўрта оқимида жойлашаган. Бу воҳадан учта манзилгоҳ – Томошатепа, Болдайтепа ва Шўрчи яқинидан Номсизтепа аниқланган.
9. Қуйи Кофирниҳон – Кофирниҳон дарёсининг қуйи оқимларини эгаллайди. Бу воҳадан учта – Қалаимир, Мунчоқтепа ва Хирмонтепа манзилгоҳлари аниқланган.
10. Бойтудашт-Панж воҳасининг юқори қисмидаги Бойтудашт мавзесида жойлашган. Бу воҳадан унчалик катта бўлмаган саккизта манзилгоҳ аниқланган.

Шундай қилиб, миллоддан аввалги I минг йиликнинг ўрталарига келиб қадимги Ўзбекистоннинг жанубида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ кўплаб ўзгаришлар бўлиб ўтади. Юқоридаги санаб ўтилган воҳаларнинг ҳар бири маълум ҳудудий-сиёсий бирлашмани ташкил этган бўлиб, ўз номига, маъмурий марказларига, йирик шаҳарларига эга бўлган бўлиши мумкин эди. Мисол учун, Сурхондарёдаги Қизилтепа кўҳна шаҳри атрофида тўртбурчак шаклда қурилган қадимги уй-кўрғонлари (Қизилча) 3-4 та қўшни уйлардан иборат бўлиб, алоҳида жойлашган қишлоқ жамоасини ташкил этганлар. Ҳар бир катта оила жамоасини маълум уй-жой, чорва ва ерга эгалик қилиб, маълум даражада иқтисодий мустақил бўлган. Қишлоқ жамоаларининг ҳудудий, иқтисодий ва ижтимоий бирлашуви, ибтидоий даврларга оид уруғ-қабилавий бирлашувдан тубдан фарқ қилиб, илк давлатчилик шакллари пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Миллоддан аввалги VII-VI асрлар Бақтрия жамиятида ҳудудий бўлиниш шаклланиб, алоҳининг ўтроқлашув жараёнлари янада кучаяди. Кўҳна



шаҳарлар қишлоқ хўжалик атрофларига эга бўлиб, қалъалар пайдо бўлади. Муҳим савдо йўллари бўйларида таянч истехкомлар барпо этилади. Турли бинолар бунёд этишда мудофаа иншоотларининг аҳамияти етакчи ўрин эгаллайди.

Қадимги Бактрия деҳқончилик районларининг тузилиши табиий-географик жойлашув ва шарт-шароитларга қараб турлича бўлган. Манзилгоҳларнинг сони ва ўзлаштирилган ерларнинг умумий майдонига қараб маданий-хўжалик воҳалар бир нечта гуруҳларига бўлинган. Воҳаларнинг чегаралари суғорма деҳқончилик худудлари ва суғориш тармоқларнинг чегаралари билан ўзвий боғлиқ эди.

Тарихий таҳлил шуни кўрсатадики, давлатчилик жамиятнинг ичида, ўз ички қонуниятлари асосида пайдо бўлади ва ривожланади. Шакллана бошлагани 3,5 минг йилдан кам эмаслиги илмий жиҳатдан асосланган Бактрия давлатчилиги бунинг ёрқин мисолидир.

2. Қадимги Хоразм давлати

Ўрта Осиёдаги яна бир йирик давлат уюшмаси-Қадимги Хоразм давлати ҳисобланади. “Катта Хоразм” ва “Қадимги Хоразм” масаласи бўйича ўзбекистонлик ва хорижлик кўплаб олимлар турли-туман тадқиқотлар олиб борган бўлсаларда бу масалалар ҳамон тадқиқотчиларнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлиб келмоқда. Авесто ва юнон-рим тарихчилари маълумотлари бу мунозараларнинг асосини ташкил этади. Ундан ташқари, ўтган асрнинг 50-60 - йилларидан бошлаб бугунга қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари ҳам Хоразм давлатчилиги тарихи бўйича бой материаллар берди.

Авалло сўнги йиллардаги ибтидоий давр ёдгорликларининг қиёсий тадқиқотларидан (Х.Матякубов) хулоса чиқарадиган бўлсак, Хоразм мил.авв IV-III м.й. даёқ Ўрта Шарқнинг қадимги цивилизациялар олами билан узоқ Шимолни бевосита боғловчи халқа ролини ўтай бошлаган. Бронза даври Сувёрган ва Тозабоғёб маданиятлари қадимги Хоразм ерларини ўзлаштириб бир-бири билан қизғин алоқада бўлган, Шимол ва Жанубдан таъсир қабул қилиб, янги тараққиёт босқичига кўтарилган қабилалар маданияти эди.

Уларнинг уруғ жамоалари ярим ертўла уй -жойларда истиқомат қилиб мотиға деҳқончилиги ва чорвачилик билан шуғулланиб, ибтидоий ишлаб чиқариш хўжалиги сари илк қадам ташлаганлар. Аммо, уларнинг моддий хўжалик тараққиёти даражаси Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари (Бактрия, Марғиёна) даги қабилаларга нисбатан анча орқада эди.

Амиробод маданияти (мил.авв IX-VIII асрлар) даврида Амударё қуйи ҳавзасида яшовчи аҳоли ҳали давлатчиликдан беҳабар бўлиб, ирригация хусусияти ибтидоий уруғ-қабилачилик анъаналарини сақлаб қолган аҳоли жамиятига хос эди. Ўрта Осиёнинг Жанубий минтақаларига қараганда Хоразм воҳаси аҳолиси узоқ вақт беқарор сув оқими шароитида, ноқўлай табиат инжиқликлари гирдобида қолиб келган. Қадимги ёзма манбалар маълумотлари ва мавжуд археологик ёдгорликларнинг қиёсий таҳлилига кўра, Хоразмда давлатчилик илдизларининг пайдо бўлишига асос бўлган илк




шаҳарсозлик маданияти соҳиблари-Хоразмийлар кўчиб келгач таркиб топ ва ривожланди.

“Хоразм” атамасининг келиб чиқиши ҳақида кўплаб фикрлар мавжуд. Олимларнинг катта гуруҳи “Хоразм” атамасининг иккинчи компоненти – zmi, - zamни ҳинд-европа тилларига мансуб – zemo – ер, ўлка, мамлакат маъносини беради деган хулосага келганлар. Сўзнинг биринчи компонентига келганда олимлар фикрларидаги яқдиллик йўқолади ва у турлича – “Озуқага бой мамлакат”, “Унумдор ер” (Е.Бюрнуф, Э.Захау, У.Гейгер, У.Томашек), “Гўзал мамлакат” (Ф.Юсти), “Унумсиз, ёмон ер” (Ф.Шпигель), “Пастлик ер” (П.Лерх, Н.Веселовский, Х.Клиперт), “Куюшли ёки Шарқий ўлка” (С.Толстов, П.Савельев, Ф.Сулаймонова), “Шарқий замин”, “Кунчиқар мамалакат” (И.Мўминов) тарзида талқин этилади.

Яна бир гуруҳ олимлар “Хоразм” атамаси уч лексима асосида (Uvarizami, u – “яхши”+ vara – “қалъа”, “кўрғон”+zimi-“ер”) пайдо бўлган деб ҳисоблаб, мазкур тарихий атаманинг маъносини “яхши кўрали ер”, “Ажойиб қалъали ўлка” ёки “Мустаҳкам кўрғонли диёр”(Боголюбов, А.Мухаммаджонов) таржима қиладилар. Сўнги тадқиқодларда “Хоразм” атамасининг ўзаги қадимги туркий асосларга эга бўлиши мумкин деган фикрлар илгари сурилиб (“Хуар” (“Сувар”) – “сув”(“ху”) – сув, “Ар”-ер, одам, “м”- биринчи шахс кўшимчаси) ва у “Сув(дарё) одамлари” ёки “сув эгалари” (М.Закиев, Ш.Камолиддин, Ў.Носиров) деб таржима қилинган.

Олимларнинг таъкидлашича, Авестода тилга олинган Арёшаёна ёки Арянам Вайчах шу манбада эслатилган Кави Виштаспнинг подшолиги бўлиб, миллоддан аввалги IX-VIII асрларда Дранғиёна, Сатагадия, Ария, Марғёна ва Амударёнинг ўрта оқимидаги вилоятларни бирлаштирган. Фарб тадқиқотчилари В.Хеннинг ва И.Гершевичлар Авестодаги Кави Виштапснинг давлати Марв ва Хирот атрофида жойлашган “Катта Хоразм” деб ҳисоблайдилар. “Катта Хоразм” муаммоси Геродот маълумотларидан бошланган. У “Тарих” асарининг учинчи китобида қуйидагича маълумот беради: “Осиёда бир водий бор. Унинг барча томони тоғ билан ўралган, тоғни эса бешта дара кесиб туради. Бир вақтлар бу водий хорасмийларга тегишли бўлиб, хорасмийлар, парфияликлар, саранглар ва таманейларга чегарадош ерларда жойлашган. Водийни ўраб турган тоғдан Акес номли йирик дарё бошланади”.

Геродотдан сал олдинроқ яшаб ўтган Гекатей парфияликларнинг шарқий томонида жойлашган “Хорасмия”ни, “бир қисми текисликларда, бир қисми тоғларда яшовчи хоразмликларни” эслатиб ўтади. Тадқиқотчи В.А.Лившиц ҳам бу “Катта Хоразм”ни Марв ва Хиротнинг тўртта районида жойлаштиради. Агар “Катта Хоразм” давлати Марв ва Хирот атрофларида жойлашган тахмин рост бўлса, А.С.Сагдуллаевнинг фикрича, бу давлат форслар подшоси Кир II тамонидан бўйсундирилганидан сўнг хорасмийлар Қуйи Амударёнинг Хоразм худудларига кўчиб борганлар деб фараз қилинади. Ушбу назарияга кўра, миллоддан аввалги VI аср қадимги форслар хорасмийларни жанубдан қуйи Амударё ерларига сиқиб чиқарган.



С.П.Толстов ва Я.Фуломовлар бу назарияга қарши бўлиб, хоразмликлар Ўрта Осиёнинг жанубидан кўчиб келмаганлар балки, Хоразм давлати Қуйи Амударёда қадимги замонлардаёқ вужудга келган деб хулоса қилганлар. Аммо бу давлатнинг чегаралари ҳозирги Хоразм вилояти ҳудудларидан анча кенг бўлган.

Ўрта Осиёнинг тарихий географияси билан шуғулланувчи олим И.Н.Хлопин “Катта Хоразм”нинг йирик сиёсий бирлашма сифатида Аҳамонийлардан олдинги даврда мавжуд бўлганлиги ва Акеснинг Тажан-Херируд дарёси билан бир эканлиги ҳақидаги фикрларни асосиз деб ҳисоблайди. Олимнинг таъкидлашича, “Аҳамонийлардан олдинги даврда Ўрта Осиё ҳудудида халқларнинг хоразмийлар бошчилигида ҳеч қандай илк давлат бирлашмалари йўқ эди”. Шу билан бирга у Аҳамонийлардан олдинги даврда Ўрта Осиёнинг жанубида, “бир неча унча катта бўлмаган марказлар” мавжуд бўлган бўлиши мумкинлигини эътироф этади.

Ўрта Осиё жанубидаги деҳқончилик маданияти ва илк шаҳарлар бўйича мутахассис ҳисобланган А.А.Асқаров сўнгги йилларда Қадимги Хоразм масалаларига ўз эътиборини қаратди. Олимнинг эътироф этишича, Хоразм воҳасининг қадимги даври ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ҳудудий кенглик Амударёнинг қуйи ҳавзаси ҳисобланиб, Ўрта Осиёнинг бу йирик дарёси бир неча юз йиллар давомида юқори оқимлардан қуйига унумдор лойқа оқизиб келиб, жанубий Орол бўйларида суғорма деҳқончилик маданиятининг ривожланиши учун замин яратган. Аммо, бу замин энг қадимги даврларда аجدодларимиз томонидан ўзлаштирилиб, суғорма деҳқончилик маданиятининг Марғиёна ва Бактрия сингари макони бўла олмади.

Археологик манбаларнинг маълумот беришича, илк темир даврига келиб Хоразм ҳудудларида пайдо бўлган Амиробод маданияти даврида жанубий Хоразм аҳолиси Амударё қуйи ҳавзасининг ўзанлари бўйлаб барпо этилган кенг ва саёз каналлар ёрдамида зироатчиликка қўлай жойларда деҳқончилик қила бошлайдилар ҳамда ўтроқ ҳаёт аста-секин уларнинг турмуш тарзига айлана бошлайди. Аммо, Амударёнинг қуйи ҳавзалари, унинг тўқайзор ва қамишзор кенг майдонлари, серунум яйловлари чорвачилик хўжалигининг тараққий этиши учун жуда қўлай эди. Шунинг учун ҳам қадимги Хоразмда Қуйи Сирдарё сак-чорвадорларнинг Қуйисой маданияти кенг ривожланган.

Юнон географи Страбон хоразмийларнинг аجدодлари массагетларга бориб тақалиши ҳақида маълумотлар беради. С.П.Толстовнинг фикрича, Хоразм тарихининг массагетларгача бўлган даврида бу заминда Сувёрган ва Тозабоғёб маданиятлари аралашувидан таркиб топган Қовунчи (Қаунди) қабилалари яшар эдилар. Улар миллоддан аввалги II минг йилликнинг сўнгги чорагида қадимги Хоразмнинг массагет номи остида юритилган кўчманчи қабилаларининг асосини ташкил этган.

Археологик маълумотлар, ёзма манбалар ва уларни этногеографик таҳлилларидан хулоса чиқарган А.А.Асқаров, хоразмийларнинг дастлабки ватани Бактриядан жунубда, ҳозирги Ҳирот водийсида бўлганлигини эътироф



этади. Олимнинг таъкидлашича, Ахамоний подшолари тазйиқ ўтказиш орқа шарқий Эрон қабилаларидан йилига катта бож олиш мақсадида Ҳилменд тоғ дараларидан оқиб чиқадиган сойларга тўғонлар қурдириб, сув йўлларини қадимги Ҳилменд, ҳозирги Ҳирот водийсига-хоразимийлар юртига буриб юборганлар. Натижада, водийда кўл ҳосил бўлиб, хорасмийлар ноиложликдан ватанларини тарк этиб, Амударёнинг қуйи ҳавзаларига кўчишга мажбур бўлганлар. А.Асқаровнинг хулосаларига кўра, Амударёнинг қуйи ҳавзаларида узок асрлар давомида Аму сувлари оқизиб келган лойқа ётқизиклари туфайли ҳосил бўлган деҳқончиликка қўлай, текис ва унумдор ерлар ҳамда ҳавза ирмоқлари сувларидан деҳқончиликда фойдаланишнинг қўлайлиги, зироатчиликда бой тажрибага эга бўлган хорасмий қабилаларининг янги жойга мослашишини тезлаштирган.


Қадимги Хоразм хўжалик тартибининг тузилиши жанубий ҳудудлардаги суғориш тизимини эслатса-да, ўлчамлари жиҳатдан анча кичик. М.А.Итинанинг фикрича, бу даврда уруғдошларнинг қишлоқлари бўлиши мумкин бўлган манзилгоҳларнинг майдонлари кенгайганлиги кўзатилади. Бу манзилгоҳларда катта оилалар яшаган бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида хўжалик вазифалари, жумладан, суғориш тармоқларини сақлаш ва ривожлантириш билан шуғулланганлар.

Сўнги бронза даврида ҳам қадимги Хоразм хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири чорвачилик хўжалиги эди. Бу даврга оид маконлардан жуда кўплаб турли ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топиб ўрганилган. Чорвачилик хўжалигида от асосий ўринда бўлиб улардан юк ташиш ва сафарга чиқишда фойдаланилган. Айрим манзилгоҳлардан от анжомларининг топилиши шу жараёндан далолат беради. Бу ўринда таъкидлаш жоизки, олимлар орасида массагет қабилалари тотемларида от култи марказий ўринда туриши ҳақидаги фикрлар ҳам бор.

Ўтроқ деҳқончилик қабилаларининг чорвачилиги уй чорвачилиги хусусиятига эга эди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб Орол бўйидаги хўжалиги асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган қабилалар ўртасида фарқлар шакллана бошлайди. Мил. авв. VII-VI асрларга келиб эса, улар маданияти ўртасидаги фарқланиш яққол кўзга ташланади.

Фикримизча, айнан мана шу даврдан бошлаб, Шарқий Орол бўйида ярим кўчманчи чорвадор хўжалик маданий шакли устунлик қилган бўлса, Амударёнинг жанубий ўзанларида эса юқори даражадаги сунъий суғоришга асосланган ўтроқ деҳқончилик хўжаликларининг аҳамияти ортиб боради. Мил. авв. I минг йилликнинг иккинчи чорагига келиб Орол бўйида хунармандчилик ажралиб чиқишининг дастлабки белгилари кўзатилади. Ортиқча маҳсулотнинг кўпайиши эса мулкӣ ва ижтимоий табақаланиш учун имкониятлар яратади.

Мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарига келиб қадимги Хоразм ҳудудларида суғорма деҳқончиликнинг тараққий этиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши натижасида ибтидоий жамоа муносабатлари ўрнига




давлатчилик тизими шакллана бошлайди. Ушбу тизимнинг шаклланиши қадимги шаҳарларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, қадимги Хоразм шаҳарларининг режавий услублари – ички ва ташқи тузилиши, ҳимоя иншоотлари, табиий жойлашуви нуктаи назаридан кўп ҳолларда бир-бири билан ўхшашлик топади.

Тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган Хоразмнинг энг қадимги шаҳар-қалъаларидан бири бўлган Кўзалиқирнинг қуйи маданий қатламларини С.П.Толстов мил.авв VII-VI асрлар билан, В. Массон эса мил. авв. V-IV асрлар бошлари билан белгиллаган эди. Сўнги тадқиқотларда эса Кўзалиқирда ҳаёт бутун мил.авв VI ва V асрнинг биринчи ярмида мавжуд булган деган хулосалар устунлик қилмоқда.

Кўзалиқир кўҳна шаҳри илгари тахмин қилинганидек, “Катта хоразм” давлатининг пойтахти эмас, балки, янги тадқиқотларга кўра, мил авв VI асрда Чирманёб деҳқончилик марказини ҳосил қилган кичик воҳанинг бош шаҳри сифатида ушбу ҳудудларнинг сиёсий-маъмурий ва диний маркази вазифасини ўтаган. Фанда Хоразм цивилизацияси ва шаҳарсозлик маданияти айнан Кўзалиқирдан бошланган, деган хулоса устунлик қилар эди. Аммо, сўнги йиллардаги тадқиқотлар воҳанинг бошланиш қисмида жойлашган Хазорасп шаҳри ҳам Кўзалиқирга замондош ёдгорлик деб ҳисоблашган асос бўлмоқда. Хусусан, Хазорасп яқинида мил. авв VI асрга оид сопол ишлаб чиқариш маркази Хумбўзтепанинг мавжудлиги кўҳна шаҳарнинг қадимийлигидан далолат беради.

Кўзалиқир қадимги Хоразмдаги дастлабки тузилиши анча аниқ бўлган, ҳимоя деворлари билан ўраб олиниб диний-топиниш хусусиятига эга бўлган меъморий ёдгорликни ўзида акс эттиради. Унинг атрофларидаги кенг майдон, афтидан кейинги қурилишларга мўлжалланган бўлиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, мил. авв. VI-V асрларга келиб Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданиятида ибодатхоналар қурилиши муҳим бўлиб, асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кўзалиқир Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби воҳанинг мустаҳкамланган ҳарбий-сиёсий ва маъмурий маркази ҳисобланиб, ривожланган суғорма деҳқончилик билан таъминланган эди.

Кўзалиқир ҳақида янада батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, ушбу ёдгорликда ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм экспедицияси кўплаб тадқиқот ишлари олиб борган. Оролбўйи воҳасидаги қадимги Чирманёб каналининг бирининг яқинида жойлашган ушбу ёдгорлик топилмалари мил. авв. VII асрдан V-IV асрларгача саналанган. Қадимги Хоразм тадқиқотчилари «кўҳна шаҳар» ва «қалъа» деб таърифлаган ушбу ёдгорликдаги турар жойлар асосан пахса ва хом ғиштдан қад кўтарган. Тадқиқотлар натижаларига кўра, қалъа иккита қурилиш даврини бошдан ўтказган. Мил. авв. VI-V асрларга оид пастки қатламлардаги ғиштларнинг ўлчамлари мил. авв. V-IV асрларга оид юқори қатлам ғиштлиридан фарқланади. Ундан ташқари сополларнинг хусусияти ва бронза ўқ учларининг ясалишида ҳам айрим фарқларни кўзатиш мумкин.




Кўзалиқирнинг марказидан йирик бино қолдиқлари очилган бўлиб, ерда ярим метрга яқин маданий қатлам сақланган. Ҳар иккала қурилиш даврида мавжуд бўлган ушбу бино 285 кв.метрни эгаллайди. Қатъий режавий тузилиш ва бинонинг қатъий майдони бутун мажмуага салобат бахш этган. Марказий бинонинг шимол томонидан учта миноранинг қолдиғи қазиб ўрганилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, улар диний маросимлар билан боғлиқ иншоотлардир.

Кўзалиқир тадқиқотчилар томонидан Аҳамонийларгача бўлган давр билан саналанишига қараганда Оролбўйи ҳудудларида пайдо бўлган биринчи шаҳар бўлиши мумкин. Ўрта Осиё ўтроқ аҳоли воҳаларининг Аҳамонийлар давлати таркибига киритилиши билан ҳудудларнинг ички сиёсати сатрапликлар марказларида жамланган эди. Сатрапликлар марказлари мустамлакачилик ва бошқарувнинг асоси бўлиб, бу ўринда урбанистик марказларнинг мудофааси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб боради. Эскилари таъмирланиб, янгилари шаклланаётган ушбу мил. авв. VI-IV асрларга оид шаҳарлар мудофаасига алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқотлар таҳлилига кўра, Кўзалиқир ҳам айнан шу тоифага кирувчи кўхна шаҳарлардан бири эди. Бошқача қилиб айтганда, мил. авв. I минг йилликнинг ўрталаридаги шаҳарларнинг шаклланишида сиёсий-ҳарбий омил асосий ҳисобланган. Бутун қадимги дунёда бўлганидек, Хоразмда ҳам шаҳарлар иқтисодий, сиёсий ва диний-мафкуравий марказлар ҳисобланган. Ўз вақтида С.П.Толстов таъкидлаганидек, агар Хоразмнинг энг қадимги шаҳарлари марказларида жамоат-диний иншоотлар жойлашган бўлса, милоднинг бошларига келиб шаҳарларнинг марказий қисмини қалъа эгаллайди.

Қизилқум чўлларининг ичкарасида, Жонидарё қадимги ирмоғининг ўрта оқимида Чириқработ кўхна шаҳри харобалари жойлашган. Ёдгорлик 1946 йилда С.П.Толстов томонидан очилиб, 1948-49 йилларда унда тадқиқот ишлари олиб борилган. 1957-58 йиллардаги Ю.А.Рапопорт ва С.А.Трудновскаяларнинг тадқиқотлари туфайли ёдгорлик ҳақидаги тасаввурларнинг илмий асослаш имкониятлари янада кенгайди.

Қизилқумдаги ярим кўчманчи апасиак қабилалар иттифоқининг пойтахт шаҳри деб тахмин этилган Чириқработ кўхна шаҳри баландлиги 15 метрли тепа устида бунёд этилган. Кўхна шаҳар ҳудудидан турли даврларда барпо этилган ҳимоя иншоотларининг излари аниқланган. Тарҳий тузилиши тухумсимон – (овал) бўлган кўхна шаҳар икки қатор ҳимоя деворлари билан ўраб олинган (42,6 гектар). Кўхна шаҳар марказида (12,4 гектар) қалъа жойлашган. Кўхна шаҳар энлиги 40 метр, чуқурлиги 4,5 метр бўлган хандақ билан ўраб олинганлиги мудофаа ишларига алоҳида эътибор берилганлигидан далолат беради. Чириқработдан бир нечта мозор-қўрғонлар очиб тадқиқ этилган бўлиб улардаги топилмалар мил. авв. V-IV асрларга оиддир.

Хоразмдаги архаик давр маданиятининг келиб чиқиши ва ашёларининг ёшини аниқлаш мақсадида тадқиқотчи Б.И.Вайнберг махсус тадқиқотлар олиб бориб бу ҳудудлардаги дастлабки тўртбурчак шаклдаги хом ғиштларнинг тарқалиши ва сополлар кўринишидаги ўзгаришлар Ўзбой ирмоғи ва Каспий



орқали тўғридан тўғри Эрон билан алоқалар туфайли юз берган бўлиб, мил. авв. IV асрнинг иккинчи чораги ёки ўрталаридан Эрон моддий маданиятининг баъзи кўринишлари ёйилишига олиб келди деган хулоса чиқаради.

Фанда маълум бўлган “Катта Хоразм” масаласи бугунги кунда ўз ечимини топган деб бўлмайди. Аввало, ўтган асрнинг бошларида мавжуд ёзма манбаларнинг қисқа маълумотларига таянган И.Маркварт томонидан ушбу масала кўтарилган эди. У Авестодаги “Арьянам Вайжо”ни Хоразм деб ҳисоблаб, Аҳамонийларга қадар Шимолий –Шарқий Эрон қабилаларининг хорасмийлар бошчилигидаги катта давлат бирлашмаси “Катта Хоразм”, деган тахминни илгари сурган эди. Мазкур ғоя В.Бартольд, В.Тарнлар томонидан қабул қилиниб, С.Толстов, В.Хеннинг, Ф.Альтхайм ва И.Гершевичлар томонидан ривожлантирилди.

С.Толстов Амударёнинг қуйи ҳавзалари “Катта Хоразм” таркибига кирганлиги ҳақидаги концепцияни илгари суриб, Хоразмда мил.авв VIII-VII асрларда дастлаб қабилаларнинг ҳарбий конфедерацияси пайдо бўлиб, ундан давлат уюшмаси ўсиб чиқди деган фикрга келган бўлса, В.Массон бу фикрга қарши чиқиб, археологик материаллар таҳлили Хоразмда Аҳамонийларга қадар марказлашган давлат ташкил топганлигини тасдиқламайди, деган фикрга келди.

Археологик тадқиқотлар натижаларига таянган В.Т.Воробьева, ўтган асрнинг 70-йилларида “Катта Хоразм”нинг жанубий чегараси Амударёнинг ўрта ҳавзалари (Қўшқалъа, Одойтепа атрофлари)дан ўтган ва унинг шимолий чегаралари Амударёнинг қуйи ҳавзаларини қамраб олганлиги ҳамда қадимги Хоразм давлати “Катта Хоразм” давлат конфедерациясининг таркибига кирганлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Б.Вайнберг ва С.Баратовлар ҳам В.Воробьева ғояларига яқин фикр билдирганлар.

Р.Фрай “Катта Хоразм” давлатининг ҳудуди Марв – Ҳирот атрофларини қамраб олиб, Аҳамонийлар босқинидан сўнг бу ҳудуд аҳолиси Окс (Амударё)нинг шимолига кўчганлиги ҳақида фикр билдирган бўлса, И.Хлопин ва И.Пьянковлар Хоразмдаги аҳамонийларгача бўлган давлатчиликни инкор этадилар. А.Асқаров эса, хорасмийларнинг Тажан (герируд) ва Хильменд дарёлари ҳавзаларидан шимолга, қуйи Амударё ҳавзаларига кўчиши мил.авв VI асрда рўй берган бўлиб, “Катта Хоразм” давлати конфедерациясининг шимолий чегараси Амударёнинг ўрта чегарасигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олганлиги ҳақидаги фикрларни илгари суради.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, аҳамонийларгача мавжуд бўлган Хоразм давлатининг пойтахти масаласи фанда аниқ ечимини топмаган. Х.Матякубовнинг фикрича, қадимги Хоразм давлатининг пойтахтини аниқлаш борасидаги изланишлар ўтган асрнинг 80-йилларида ўз самарасини бера бошлади ва **Ақчахонқалъа** қадимги Хоразм давлатининг пойтахти бўлиши мумкинлиги ҳақидаги илк фикрлар айтилди. Тадқиқотларга кўра, умумий майдони 50 дан зиёд бўлган Ақчахонқалъа ички ва ташқи қалъадан иборат тўғри тўртбурчак шаклга эга. Улар алоҳида химоя деворлари билан



ўраб олинган. Сўнги тадқиқотларга кўра, ушбу кўхна шаҳарда сар маросимлари ва диний эътиқодлар билан боғлиқ деворий расмларнинг қайд этилиши, улар орасида шоҳона кийимда бошига тож кийган хукмдор суратининг мавжудлиги, шоҳ бошига илоҳий куш (Ҳумо) куниб турганлиги Акчахонқалъа қадимги Хоразм давлатининг пойтахт шаҳри эканлигининг рамзий белгиси сифатида эътироф этилди.


Фикримизча, Хоразм қадимги шаҳар маданияти ва давлатчилигининг шаклланишида бутун Ўрта Осиё ҳудудларида бўлгани каби ташқи таъсир ва маданий алоқаларни инкор этмаган ҳолда, бу ҳудудларда ўтроқ деҳқончиликка ўтиш, суғориш тартибининг шаклланиши, ўтроқ аҳоли хўжаликларининг тараққий этиши кейинги даврлардаги давлатчилик анъаналари шаклланиши учун асос бўлганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бутун Ўрта Осиё минтақасида бўлгани каби қадимги Хоразм шаҳар маданияти ва давлатчилиги асослари ҳисобланган илғор хўжалик тизими юритиш, суғориш тармоқларини сақлаш ва ривожлантириш, ҳунармандчилик ва савдо-сотик кабилар – ўзаро тарихий-маданий алоқалар билан боғлиқ эди. Бу жараёнлар айниқса, мил.авв.VI-V асрларда анча тараққий этган бўлиб, бу ҳолат Хоразм давлатчилигининг ўзига хос хусусиятларида ҳам намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мил.авв. V-IV асрларда Хоразм ва унга қўшни бўлган ҳудудларни урбанизация жараёнлари қамраб олган эди. Натижада бу ҳудудларда тарихий-маданий деҳқончилик воҳалари пайдо бўлади ва улар илк давлатчиликнинг асоси эди. Мил.авв. VI асрдан бошлаб эса ҳозирги Хоразм воҳасида давлатчилик шаклланиб у қадимги Шарқ цивилизацияси марказларидан бирга айланиб борди.

3. Қадимги Суғдиёна

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиёда энг қадимги давлатнинг шаклланиш жараёни деҳқон-чорвачилик иқтисодиёти, ихтисослашган ҳунармандчилик ва шаҳар марказларининг пайдо бўлиши билан ўзвий боғлиқдир. Ҳозирги кунга қадар олиб борилган археологик тадқиқотлар натижалари бу ҳудудларда илк темир давридаги ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг айрим муҳим масалаларини янгича ёндашув асосида изоҳлашга имконият яратади. Аммо, шунга қарамасдан бу масала тўлиқ ечимини топмаган бўлиб, хусусан, Ўрта Осиёдаги энг қадимги давлатлар шакллари ва санаси билан боғлиқ бўлган мавзулар шулар жумласидандир.

Илк темир даври Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган Суғдиёна ўлкаси турли қадимги манбаларда Суғда, Суғуда, Суғдиёна номлари остида эслатиб ўтилади. Бу номларнинг келиб чиқиши ва уларнинг маъноси ҳақида ҳозирчи аниқ фикр йўқ. Айрим тадқиқотчилар (В.Томашек) бу номни эронча “SUS” – “ёнмоқ, ялтирамоқ, нур таратмоқ” сўзидан олинган деса, айримлари (О.Смирнова) бу “Гава суғуда” атамаси “ҳосилдор воҳалар ўлкаси” деган маънони беради деб ҳисоблайдилар. Авестонинг Яшт китобида тилга олинган “Суғд макони Гава”



– Суғдиёнанинг энг қадимги вилояти бўлган бўлиши мумкин. Баян маълумотларга кўра (А.Сагдуллаев), Гава (Гау) – “буқа”, “пода”, Қашқадарё воҳаси билан боғланади. Бу сўз вилоятнинг жуда кўп географик номларида такрорланиб сақланган (Гавдара, Гаухона, Гаумурда, тоғлар Гау, чўкки Гау ва бошқалар).


Ҳозирги Қашқадарё ва Зарафшон воҳаларини (Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқардарё вилоятлари, Тожикистоннинг Панжикент атрофлари) ўз ичига олувчи Қадимги Суғдиёна ва Суғдийлар ҳақида илк ёзма манбаларда маълумотлар деярли кам. Авестода вилоятларнинг номи икки хилда кўрсатилган – Гава Суғда ва алоҳида Суғда. Геродот эса Суғдийларни икки мартаба – Ахамонийлар давлатининг XVI сатрап ўлкасидаги халқларни санаб ўтганда ва форсларнинг қўшинлари сафида жангчи – суғдийларнинг ўрнини кўрсатиб берганда тилган олган. Аммо тарихчи Суғд шаҳарлари, дарёлари, тоғлари, ҳудудий чегаралари ҳақида бизга ҳеч қандай маълумотлар қолдирмаган. Ахамонийлар миҳхатлари Суғдиёна ҳақида асосан расмий даражада эълон қиладилар ва турли хил тарихий муаммоларни ўрганишда улардан фойдаланиш оғир кечади. Гекатей, Ктесий ва Ксенофонт асарларида Суғдийлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Александр Македонский даври ва сўнгги юнон-рим тарихшунослари асарларида тарихий-географик маълумотлар анча кенг берилган. Суғдиёнадаги алоҳида жойларда, вилоятлар, қалъалар – Наутака, Ксениппа, Мароқанда, Баги, Басилейа – “подшо шаҳри”, Политемет-Зарафшон, “Оксиарт, Суғд қояси” ва бошқа хабарлар шулар жумласидандир.

Бу маълумотлар асосида турли фикрларга эга бўлиш мумкин. Даставвал, милл. авв. IV асрга келиб, суғдийларнинг ҳудудий жойлашуви, уларнинг яшаш учун фойдаланган асосий ерларининг чегаралари, дарё воҳалари ва вилоятлари аниқроқ кўринадди. Аммо, бу жараённинг тарихий анъаналари – суғдийларнинг ёйилиши, ўтроқ воҳаларининг пайдо бўлиши ва шу жойларда йирик шаҳар марказларига асос солиниши янада қадимги даврларга бориб тақалади.

Қадимги вилоятларнинг жойлашув ҳудудлари анчагина муаммоли масала бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларига (жумладан, Суғдиёнага ҳам) кўчманчиларнинг хужуми-бу ҳудудларда давлат уюшмалари пайдо бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин эди.

Археологик топилмаларнинг маълумот беришича, Қашқадарё ҳавзаси, Сурхон воҳаси ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида мил. авв. X-VIII асрларга оид унча катта бўлмаган ва мустаҳкамланган ўтроқ деҳқончилик манзилгоҳлари ҳақиқатдан ҳам кўчманчиларнинг отлиқ камончилари хужумларига дош беролмас эдилар. Аммо, бундай манзилгоҳлардан кучли ҳарбий тўқнашувлар ва сиёсий қарама-қаршиликлардан далолат берувчи ёнғин ҳамда вайронгарчилик излари аниқланмаган. Ундан ташқари, бу ҳудудларда янги ерлар жадаллик билан ўзлаштирилган ва ўтроқ аҳоли билан



чорвадор кўчманчи аҳоли кўшничилиқда яшашган (Зарафшон ва Қашқадарь қуйи оқимлари).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳоли сони ва зичлигининг ўсиб бориши, ҳосилдор ер майдонларининг ўзлаштирилиши ва ўтроқ манзилгоҳлар сонининг ошиб бориши натижасида яйловлар қисқариб, чорва емишига талаб ортиб боради. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг жадаллик билан ривожланиши аҳоли жойлашувининг ҳаётий зарур ҳудудларга бўлиниб кетишига олиб келади. Бундай шароитда чорвадор аҳолининг маълум қисми хўжалиқнинг ярим ўтроқ ва ҳайдама чорвачилиқ шаклига ўтишга мажбур бўладилар. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёдаги милл. авв. VI-IV асрларга оид кўчманчилар ёдгорликлари ўтроқ аҳоли ҳудудлари чегараларида (Оролбўйи, шимолий Туркменистон, Зарафшоннинг қуйи оқими, Помир ва бошқа) жойлашганлиги тасодифий ҳол эмас. А.Сағдуллаевнинг фикрича, нисбатан йирик сиёсий уюшмаларнинг пайдо бўлишига Ўрта Осиё ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси ўртасидаги доимий сиёсий қарама-қаршилиқлар сабаб бўлади.

Аҳоли аралаш жойлашуви ҳудудларида ўтроқ вилоятлар сиёсий уюшмаларининг шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири, Ўзбекистон жанубидаги дашт ҳудудларда жойлашган кўчманчи қабилалар ҳужуми хавфи эди. Мил. авв. VII-VI асрларга келиб бундай ҳужумлар тез-тез бўлиши муқаррар эди. Чунки, Ўрта Осиёнинг кўпгина тоғ ва дашт ҳудудларида йилқичилиқ ва чорвачилиқ кенг тарқалиб, кўчманчиларнинг ўзлари эса жанговар қуролланишда катта муваффақиятларга эришиб, жиддий ҳарбий хавф туғдира бошлайдилар.

Ўрта Осиёдаги энг қадимги давлат уюшмалари ҳақида сўз борар экан, энг қадимги шаҳарларни ифодаловчи мустаҳкамланган марказларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки, энг қадимги шаҳарлар дастлабки давлатларнинг марказлари сифатида шаклланади ва бу масала кўпгина тадқиқотчилар томонидан махсус кўриб чиқилган, ҳамда ривожланиш тараққиётининг турли даврлари билан белгиланган.

Ҳозирги кунга келиб олинган янги маълумотлар асосида бу масалага бирмунча аниқликлар киритилди. Хусусан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қадимги Бақтрия ва Суғдиёна ҳудудларида I минг йилликнинг бошларига оид энг қадимги ривожланган шаҳар ҳаробалари учрамайди, илк темир даври шаҳарларининг ривожланиши эса мил. авв. VII-II асрларга оиддир.

Мил. авв. VIII асрнинг охири – VII асрга келиб қадимги Ўзбекистон ҳудудидаги манзилгоҳлар ривожланишида жадаллик билан ўзгаришлар бошланиб, Бақтрия, Марғиёна ва Суғдиёна ҳудудларида ўзида шаҳарсозлик белгиларини (мустаҳкам деворлар, саройлар, буржлар, хандақлар, деворлардаги ўқ отиш йўлақлари ва бошқа) акс эттирувчи манзилгоҳларнинг сони 20 тадан зиёдроқ. Асосий манзилгоҳлар эса (майдони 5 гектардан кам) қишлоқ кўрғонлари, унча катта бўлмаган алоҳида қалъалар ва деҳқончилик қишлоқларидан иборат. Шаҳарлар турига киритиш мумкин бўлган, каттагина кўрғонли мустаҳкамланган манзилгоҳлар айрим қадимги деҳқончилик



воҳаларида (Сурхон, Қашқадарё, Зарафшон ҳавзалари ва бошқа) битта икктадан кўп бўлмаган.


Илк темир даври Суғдиёнада, алоҳида ҳудудий тартиб гуруҳида бўлиб марказ вазифасини бажарган бир неча манзилгоҳлар турлари мавжуд эди. Булар майдони 5 гектардан 15 гектаргача бўлиб, туман – воҳа маркази вазифасини бажарувчи марказлар – Даратепа, Конимех, Чордара; майдони 20 гектардан 80 гектаргача бўлган вилоят марказлари вазифасини бажариши мумкин бўлган шаҳарлар – Ўзунқир, Ерқурғон, Хўжа Бўстон; бир неча вилоятлар маркази вазифасини бажарувчи шаҳарлар – Афросиёб (Мароқанда) ва Бухоро кабилардир.

Археологик маълумотларга қараганда, ҳунармандчилик муассасалари йирик манзилгоҳлар ичида марказлашиб боради. Бу манзарани Афросиёб топилмалари тасдиқлайди. Бундай манзилгоҳлар аста – секинлик билан ҳунармандчилик, савдо ва маданий марказларга айланиб боради. Бу жараёнда қадимги йўллар ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиздир. Афросиёб, Ўзунқир, Ерқурғон каби кўҳна шаҳарлар Ўрта Осиё шимолий дашт ҳудудлардан келувчи йўллар устида жойлашган.

Тадқиқотчи Ш.Одилов Суғдиёнада, хусусан Бухоро ва Зарафшон воҳаларида топиб текширилган илк темир даврига оид археологик маълумотларни бошқа ҳудудлар билан солиштириб чуқур таҳлили этади. Бухоро ҳудудларидан топилган “аҳамонийлар даври” ёдгорликлари унча катта бўлмаган ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу ерларнинг кенг ҳудудларга ёйилган этно-маданий вилоят таркибига киритиш лозимки, илк темир даврида бу ҳудудларда ташқи кўриниши бир хил бўлган деҳқончилик маданияти шаклланади. Бу этно-маданий вилоят даставвал Амударё воҳаси (Хоразм, Марғиёна, Бактрия), Жанубий Суғд, марказий Суғднинг бир қисми, Бухоро Суғдининг шимоли – ғарбий ва шимолий – шарқий ҳудудлари, шунингдек, Уструшона каби тарихий вилоятларини ўз ичига олган.

Қадимги Бактрия ҳудудларидан кўчиб бориш бевосита Амударё, Сурхон, Қашқадарё сув ҳавзалари ва уларнинг ирмоқлари орқали бўлиб ўтган. Сўнгги бронза давридаёқ Қашқадарё юқори оқимларида мавжуд бўлган маданият соҳиблари тоғлар орқали Марказий Суғд (Самарқанд) ҳудудларига етиб келадилар. Зарафшон воҳасига келсак, Ш.Одиловнинг фикрича, Марказий Суғднинг каттагина, қисми (бир томондан Афросиёб қўҳна шаҳри атрофлари ва Кўктепа, иккинчи томондан, Сармишсой ва Конимех ёдгорликларигача) сўнгги бронза ва “аҳамонийлар даври”да (мил. авв. IV асрнинг бошларигача) умуман ўзлаштирилмаган эди. Аммо, бизнинг фикримизча, айнан мана шу даврда Жанубий Суғднинг каттагина қисми ўтроқ деҳқончилик аҳолиси томонидан эгалланиб, дарё воҳалари ва текисликлар ҳайдама деҳқончилик аҳолиси томонидан ўзлаштирилиб, бу ҳудудлар ҳайдама деҳқончиликка ихтисослашган эди. Қўшни Қадимги Бактриянинг каттагина ҳудудларида ҳам айнан мана шу жараённи кўзатишимиз мумкин.

Ш.Одилов, Ғарбий Суғдда мил. авв. VI-V асрлардаги қишлоқлар пайдо бўлишини Ўрта Амударё томонидан аҳолининг кириб келиши билан



боғлайди. Кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиёда давлатчилик тарихини бошланиши жанубий худудларда бошланиб марказий ва шимолий худудларга ёйилган деб ҳисобланади.

Археологик манбаларнинг маълумот беришича, мил. авв. VII-VI асрларга келиб Ўрта Осиёнинг жанубида ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар анчагина мураккаблашади. Бу ўринда Қадимги Бактрия маълумотларини келтириб ўтиш жоиздир.

Агар Мидия салтанатининг шарқий чегаралари Шимолий Парфия ва Арияни ўз ичига олганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мидияликларнинг Бактрияга ҳарбий хавф туғдириши аниқ эди ва яна бир ҳарбий хужум ҳавфи шимолдаги кўчманчи қабилалар бўлиб, бу ҳолат Бактрия давлат уюшмаси пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин эди. Кир II нинг Ўрта Осиёга юриши-Ахамонийларнинг Бактрия ва сак-массагет уюшмаси каби жиддий рақиблари мавжуд бўлганлигининг далилидир. Форслар Ўрта Осиё жанубий влоятларини босиб олганларидан кейингина, яъни, мил.авв. 530 йилда сак – массагетлар устига юриш бошлайдилар. Демак, бу пайтга келиб Бактрия ҳарбий – сиёсий уюшмаси таркибига Бактриядан ташқари Марғиёна ва Суғдиёна ҳам кирган эди.

Бизнинг фикримизча, Ўрта Осиё худудларида илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлишида ҳарбий-сиёсий омиллардан ташқари ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳам катта аҳамиятга эга эди. Чунки, сиёсий жиҳатдан шаклланган давлат ёки уюшма иқтисодиётсиз тараққиёт босқичига кўтарила олмайди.

Энг сўнгги археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этар эканмиз, Қизилтепа (Сурхондарё), Ёзтепа (Туркменистон), Ўзунқир, Ерқўрғон (Қашқадарё), Афросиёб, Кўктепа (Самарқанд) каби кўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар сопол буюмлари ва қурилиш усуллари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш эканлигининг гувоҳи бўламиз. Аммо, Ерқўрғон, Кучуктепа, Қизилтепа, Ёзтепадан топилган мил. авв. IX-VII асрларга оид буюмларга ўхшаш буюмлар Хоразм худудларидан шу пайтга қадар топилмаган.

Демак, қурилиш усуллари ва моддий маданиятдаги ўзаро ўхшашлик, мил. авв. I минг йилликнинг бошлари Бактрия, Марғиёна ва Суғдиёна худудлари ўртасида ҳеч бўлмаганда этник тарихий – маданий бирлик мавжуд бўлганлигидан далолат бериб, бу ўхшашлик савдо-сотик муносабатлари, ўзаро алмашинув ва қадимги савдо-транзит йўлларига ҳам боғлиқ эди. Мил. авв. VI асрга келиб эса, Хоразм мустақил давлат сифатида ташкил топади. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, ўзаро алмашинувда муҳим аҳамиятга эга бўлган Хоразмдаги илк темир даври савдо-транзит йўллари воҳа ичидаги ички ёки иккинчи даражадаги йўллар вазифасини ўтар эди. Асосий савдо йўллари эса Бактриядан Жанубий Суғд (Қашқадарё), Марказий Суғд (Самарқанд) орқали Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсига ўтиб кетарди.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, суғорма деҳқончилиқнинг ривожланиши ва ихтисослашган хунармандчилик натижасида бронза давридаёқ Ўрта Осиё худудларида ижтимоий табақаланиш ва мулкый



тенгсизлик пайдо бўлади. Бу жараён фақат ички сабабларга боғлиқ бўлмади. Яқин Шарқдаги юқори даражада ривожланган анъанавий тарихий-маданий алоқаларга ҳам боғлиқ эди. Ҳар бир жамоанинг ривожланиши унинг ички қонуниятларидан келиб чиқса ҳам, дастлабки марказлардан бўладиган ташқи таъсир четдаги вилоятларнинг тақдирида катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин эди.

Ўзбекистон ҳудудларидан янги археологик маълумотлар илк давлат уюшмалари пайдо бўлишини янади кенгроқ изоҳлаш имконини яратади. Бу маълумотларга қараганда, илк темир даври умумий жамоалардаги асосий ишлаб чиқарувчи кучларни бир неча кичик оиладан иборат уй жамоалари ташкил этган. Манзилгоҳлар жойлашувининг ташқи белгилариёқ катта оилали уй жамоалари анча йирик уюшмаларга кирганлигидан далолат беради. Бошқарув тартибида катта оилалар жамоаси бошлиқлари ёки уй ҳужайинлари, шунингдек, алоҳида қишлоқ кўрғонларини бошқарувчи эски жамоалар катта ўрин тутган. Ҳар бир катта оила мумкин бўлган қариндошлик алоқаларига қарамасдан алоҳида уйга, ишлаб чиқариш буюмларига эга бўлишган, ўзининг қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари захиралари ва чорвалари бўлган ёки ўзининг иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган хўжаликни акс эттирган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларини солиштириб ва умумлаштириб шундай хулосага келиш мумкинки, Суғдиёна ҳудудларига одамлар энг қадимги даврлардаёқ кириб келиб, тоғолди ҳудудлари, дарё воҳалари, кейинчалик эса, дашт ҳудудларига тарқаладилар. Бу ҳудудларда мавжуд бўлган қўлай табиий шароит – ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган.

Турли қадимги манбаларда Суғдиёна номи тилга олинса ҳам, алоҳида давлат сифатида эслатилмайди. Бу ҳол тадқиқотчиларнинг турли баҳсларига сабаб бўлишига қарамасдан, археологик тадқиқотлар бу масалага кўпгина аниқликлар киритади. Дарслик муаллифи бу тадқиқотларни таҳлил қилиб ва бошқа маълумотларни умумлаштириб шундай хулоса чиқаради.:

- Мил. авв. I минг йилликнинг бошларига оид тарихий – маданий ёдгорликлар Суғдиёна ҳудудларида давлатчилик тарихи айнан мана шу даврдан бошланганлигидан далолат беради;
- Суғдиёна давлатчилиги тарихида нафақат четдан бўлган ташқи таъсир, балки, ички омиллар имкониятларининг ҳам аҳамияти катта бўлди;
- Мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Суғдиёна Бактрия давлати доирасида нафақат сиёсий, балки этник-маданий бирликни ташкил этарди. Қурилиш усуллари, меъморчилик санъати ва моддий маданиятдаги ўхшашлик фикримиз далилидир. Зеро, бундай ўхшашлик иқтисодий, маданий муносабатлар ҳамда сиёсий бирлик асосида пайдо бўлиши мумкин эди;
- Македониялик Александр юришларидан кейинги даврларда Суғдиёна мустақил давлат сифатида мавжуд бўлиб, қўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларни янади ривожлантиради.



Қадимги Суғд шаҳар ва қишлоқлари (мил.авв. VII-IV асрлар)

Номи	Санаси	Майдони	Қаерда жойлашган?
Афросиёб I, II	мил.авв. VII-IV асрлар	219 гектар	Самарқанд Суғди
Ерқўрғон I, II	мил.авв. VIII-V асрлар	40 гектар	Қашқадарё Суғди
Ўзунқир	мил.авв. VIII-VI асрлар	68 гектар	Қашқадарё Суғди
Сангиртепа	мил.авв. IX-VI асрлар	4 гектар	Қашқадарё Суғди
Даратепа	мил.авв. VII-VI асрлар	10 гектар	Қашқадарё Суғди
Саройтепа, Тўртбурчактепа, Сомонтепа	мил.авв. VII-IV асрлар	0,2 дан 1 гектаргача	Қашқадарё Суғди
Қумрабод, Арабон, Чордара, Хўжа Бўстон	мил.авв. VI-IV асрлар	0,2 дан 1 гектаргача	Бухоро Суғди
Ўратепа	мил.авв. IV аср	0,3 гектар	Бухоро Суғди
Кўктепа	мил.авв. VII-VI асрлар	20 гектар	Самарқанд Суғди
Лайлақўйтепа	мил.авв. IV аср	2 гектар	Самарқанд Суғди
Қўрғонча	мил.авв. IV-III асрлар	–	Қашқадарё Суғди




Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатлар пайдо бўлиши ва ривожланишининг даврларга бўлиниши¹.

1-давр Мил.авв. II минг йилликнинг 2-ярми	Ўзбекистоннинг жанубида эмбрионал шаклдаги давлатга ўхшаш тузилманинг қарор топиши. Давлатнинг бундай намунасини Жарқўтон мисолида кўриш мумкин
2-давр Мил.авв. I минг йиллик боши – мил.авв. 539 йил.	Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар ва кўчманчи қабилаларнинг турли конфедерациялари. Бу сиёсий уюшмаларда сиёсий ҳокимият тизимининг илк шакллари мавжуд эди
3-давр Мил.авв. 539-330 йй.	Аҳамонийлар босқини туфайли қадимги Ўзбекистон ҳудудларининг Аҳамонийлар давлати таркибига кириши ҳамда Аҳамонийлар давлат бошқарувининг жорий этилиши
4-давр Мил.авв. IV аср охири – мил.авв. II асрнинг иккинчи ярми	IV асрнинг охириги чорагида Хоразмда подшолик пайдо бўлади. Бухорода, Даванда, Суғда алоҳида мулклар шаклланади. Қанғ давлати қарор топади
5-давр Мил.авв. II асрнинг иккинчи ярми – мил. I асри боши	Маҳаллий давлатлар – Қанғ, Хоразм подшолиги, Бухоро, Суғд, Даван мулкларининг мустаққамланиши ва янада ривожланиши, Юэчжи давлатининг қарор топиши
6-давр I асрнинг боши – III асрнинг биринчи ярми	Антик даврда маҳаллий давлатчиликнинг ривожланиши. Ўзбекистоннинг жанубида Кушон давлати, Чоч ҳудудларида янги мулкчилик, Хоразмда Африғийлар давлатлари

4-§. Ўрта Осиёда Аҳамонийлар даври бошқарув (мил.авв. VI-IV асрлар)

Мил.авв. VI асрнинг ўрталарига келиб шафқатсиз курашлар натижасида Мидия подшолиги ўрнида Аҳамонийлар давлати ташкил топади. Кўпчилик илмий – тарихий адабиётларда Кир II Аҳамонийлар давлатининг асосчиси сифатида эътироф этилади. Аҳамонийларнинг Кир II, Камбиз, Доро I, Ксеркс каби ҳукмдорлари қадимги Шарқдаги жуда кўплаб мамлакатлар устидан ўз ҳокимиятини ўрнатишни режалаштирилганлар ва шундай сиёсат олиб борганлар. Қадимги дунё муаллифлари Геродот, Ксенофонт, Ктесий, Юстин кабиларнинг маълумотларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Кир II мил.авв. 545-539 йилларда Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё вилоятларини босиб олади. Доро I даврида (мил.авв. 522-486 йй.) Аҳамонийлар сулоласи Ҳинд

¹ Ртвеладзе Э.В. ва бошқ. Қадимги Ўзбекистон..., 48-52 бб.; Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. и др. История государственности Узбекистана. – Ташкент: Узбекистон, 2009. – с. 48-54.



водийсидан Ўрта Ер денгизига қадар бўлган кенг ҳудудга ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Жуда кўп сонли давлатлар, вилоятлар, шаҳарлар ва халқларни бирлаштирган Аҳамонийлар салтанати тарихда биринчи йирик дунё давлати ҳисобланади.

Аҳамонийлар ҳукмдорларининг Ўрта Осий вилоятларини босиб олиши илмий-тарихий адабиётларда кенг ёритилган ва алоҳида мавзу ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу бўлимда давлатчилик тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган Аҳамонийлар давлатининг тузилиши, бошқарув тартиби, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт, бу давр шаҳарлари масалаларига батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Марказий бошқарув органлари. Аҳамонийлар давлатининг олий ҳокимияти тепасида **шоҳлар шоҳи-шаҳаншоҳ** турган. Ҳокимият иерархиясида форс зодагонларининг оила бошлиқлари, асосий ўрин эгаллаганлар. Шаҳаншоҳ саройида Кенгаш мавжуд бўлиб, бу кенгашга форс зодагонларининг оила бошлиқлари, юқори мартабали амалдорлар, ноиблар, сарой амалдорлари кирганлар. Давлат аҳамиятига молик бўлган барча масалалар ушбу кенгашда кўриб чиқилсада, ҳал қилувчи қарорни шаҳаншоҳ қабул қилган.


Шоҳлар шоҳидан кейинги ўриндаги иккинчи шахс **хазарпат (мингбоши)** деб аталган. У подшо гвардияси ва давлат бошқарувида шаҳаншоҳнинг асосий ёрдамчиси ҳисобланган.

Аҳамонийлар давлатининг бош маъмурий маркази Сўза шаҳри эди. Бу ерда шоҳ девонхонаси мавжуд бўлиб, унда барча давлат ҳужжатлари-шаҳаншоҳ фармонлари, номалар, фармойишлар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётга доир ҳужжатлар сақланган. Шоҳ девонхонаси бошлиғи **дапирпант (мирзо боши)** деб аталаган. Унинг қўл остидаги девонхонада бош хазиначилар, ҳисобчилар, ҳуқуқшунослар, мирзалар кабилар хизмат қилганлар.

Ҳудудий бўлиниш. Мил.авв VI асрларнинг ўрталарида ташкил топган улкан аҳамонийлар давлати таркибига ҳозирги Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шимолий Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Кичик Осиё, Миср каби ҳудудлар кирган эди. Бу улкан давлат маъмурий-қарам ўлкалар-сатрапияларга бўлинган эди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бу анъана Мидия давлатидан қабул қилинган бўлиб, Доро I даврида маъмурий бошқарувда ислоҳатлар ўтказилиб, бутун давлат 20 та маъмурий-қарам сатрапияларга бўлинади. Уларни **сатраплар** (шаҳаншоҳ ноиблари) бошқарган. Сатрапиялар анча йирик бўлиб, айрим ҳолларди бир неча ўлка ва вилоятларни бирлаштирган. Мисол учун, Парфия, Гиркания, Орийлар ўлкаси, Хоразм ва Суғдиёна битта сатрапия ҳисобланган.

Сатрапияларнинг чегаралари доимий ўзгариб турган. Таъкидлаш лозимки, сатрапиялар ҳудудлардаги халқларнинг этник келиб чиқишига қараб эмас, балки ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятига қараб ташкил этилган. Сатраплар асосан форслардан шаҳаншоҳ томонидан тайинланган.

Сатрапнинг саройи ва бошқарув аппарати қисқартирилган кўринишда шаҳаншоҳ саройи ва марказий бошқарув аппаратини такрорлаган. Сатрапнинг



иккита ёрдамчиси, девонхонаси ва мирзалари бўлган. Сатрап ўзига берилган худудларнинг бош қозиси ҳам ҳисобланган. Сатрапларнинг фаолияти доимий равишда марказдан назорат қилиб турилган.


Қўшинлар. Ахамонийларда асосини 10 минг қўшиндан иборат полк ташкил этувчи мунтазам “ўлмас” армия мавжуд бўлган. Армиянинг олий бош қўмондони шаҳаншоҳ ҳисобланган. Ундан кийинги ўринда хазарпат-мингбоши турган, Қўшинлар қуйидаги қисмлардан иборат бўлган: 1-“ўлмас” полк; 2- пиёда қўшинлар; 3-отлиқ суворийлар; 4-сатрапиялар қўшинлари; 5-юнон ёлланма қўшинлари; 6-кўнгиллилар қўшинлари. Қўшинлар 10,100, 1000 ва 10000 кишилик қисмларга бўлинган бўлиб, ҳар бир қисмнинг ўз бошлиғи бўлган. Шаҳаншоҳнинг шахсан ўзи ҳар йили бир марта қўшинларни кўриқдан ўтказиб турган.

Бутун давлат ҳудуди 4 та ҳарбий округга бўлинган. Ҳар бир округнинг ҳарбий бошлиғи бўлиб, у бевосита шаҳаншоҳга бўйсунган. Бўйсундирилган ўлкалар ва чегара туманларида ҳарбий гарнизонлар жойлаштирилган. Ҳарбий бошлиқларнинг деярли барчаси форслардан тайинланган.

Солиқлар ва мажбуриятлар. Геродот маълумотларига кўра, улкан Ахамонийлар салтанати алоҳида вилоятлар (ўлкалар) – сатрапияларга бўлинган бўлиб, уларнинг сони 20 та эди. Ҳар бир сатрапия ҳар йили маълум миқдорда солиқ тўлаб туриши шарт эди. Солиқларнинг миқдори кўп ҳолларда кумуш талант (талант – пул бирлиги, бир талант 30 кг кумушга тенг бўлган) билан белгиланган. Солиқлар келиб тушишини тизимга солиш учун Доро I ягона танга тартибини жорий этади. Бу тартибнинг асосини оғирлиги 8,4 г келадиган олтин дарик ташкил этарди. Олтин дарикни бир донасини оғирлиги 5,6 г бўлган 20 та кумуш тангага алмаштириш мумкин бўлган. Олтин дарик фақат подшо томонидан, кумуш тангалар эса айрим вилоятлар ҳукмдорлари томонидан зарб этилган.

Қарам ўлкалар пул солиғидан ташқари маҳсулот билан ҳам солиқлар тўлаганлар. Ушбу солиқлар ҳисобидан Персеполда, Сўзада ва Эқбатанда форс подшоларининг ҳашаматли саройлари қад кўтарган. Мисол учун, Сўзадаги саройни қуриш ҳақида Доро I ёзувларида шундай хабар берилади: «Бу ерда ишлатилган олтин Лидия ва Бақтридан келтирилган. Кўк тош «капа-утака» (ложувард) ва «синкабруш» (ярим қимматбаҳо тош-сердолик) Суғддан келтирилган. «Ахшайна» тоши (ферўза) Хоразмдан келтирилган». Шунингдек, Геродот Ахамонийлар давридаги яна бир солиқ тури – сунъий кўллардан далалар учун олинадиган сув пули ҳақида ҳам маълумот беради. Тарихчининг таъкидлашича, кўлларнинг тўғонини очгани учун форс подшоси «одатдаги солиқдан ташқари катта пул олади».

Ахамонийлар давлатида мажбурий ҳарбий хизмат ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Элефантин оролидаги (Мисрнинг жанубий чегаралари яқинида) гарнизон архивидан маълумки, бу ерда мил.авв. V аср охирида хоразмлик жангчи Даргамон хизмат қилган. Сак жангчилари ҳайкалчаларининг топилиши Мисрдаги йирик ҳарбий базалардан бири бўлган форсларнинг Мемфис гарнизони таркибида сак отлиқлари ҳам бўлганлигидан гувоҳлик



беради. ларга қарши чиққан Ксеркс қўшинлари таркибини санаб ўтар Э. Геродот, бактрийлар, сак-аморглар, парфиёнлар, хоразмийлар, Суғдийлар ва сакларни ҳам тилга олади.


Дехқончилик. Сунъий суғориш. Жуда кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиёнинг ўтроқ воҳаларидаги суғориш тартибида мил.авв. VI-IV асрларда сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтганлигини эътироф этадилар. Бу даврда кўп жойлардаги тўпланиб қолган сувлардан фойдаланиладиган мавсумий табиий суғориш ўрнини кенг ҳудудларни суғориш имкониятини берувчи йирик магистрал каналлар тартиби эгаллайди. Бундай ўзгаришлар натижасида нисбатан кенгроқ ҳудудларни ўзлаштириш имкониятлари пайдо бўлади. Ўрта Осиёнинг деярли барча тарихий-маданий вилоятларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ўтроқ аҳоли томонидан янги ерларнинг ўзлаштирилганлиги кўзатилади.

Шимолий Бактрия ҳудудларида бу даврда Сурхон ва Кобадийён воҳалари кенг миқёсда ўзлаштирилиб, ўнг қирғоқ Амударё ирмоқларидан магистрал каналлар ўтказилади. Вахш воҳасида Болдай канали казилиб, унинг атрофларида мил.авв. V-IV асрларга оид манзилгоҳ аниқланган. Хоразм ҳудудларида, чап қирғоқ Амударёдаги Сарикамиш ҳавзасида жойлашган Кўзалиқир яқинида Аҳамонийлар даврига оид йирик деҳқончилик воҳаси аниқланган. Бу ердан ўша даврга оид бир нечта каналлар аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, Аҳамоний подшолари ва сатраплари қишлоқ хўжалигининг ривожланишига, аввало, деҳқончиликка катта эътибор бериб турганлар. Ксенофонтнинг хабар беришича, «подшо ўз мамлакатининг айрим қисмларини ўзи айланиб чиқади, айрим қисмларига ўз ишончли одамини юборади. Агар ҳокимлар ўзлаштирилиб обод этилган, боғ-роғлар барпо этилиб экинлар экилган ерларни кўрсатсалар уларга яна янги ерлар қўшиб берилиб, турли мукофотлар инъом этилади». Ўрта Осиёдаги дастлабки коризлар ер ости суғориш каналлари ҳам Аҳамонийлар даврида пайдо бўлади. Полибий салавкийлар ҳукмдори Антиох III нинг Парфия даштлари орқали юришини таърифлар экан, бу ерда суғориш ишлари қудуқлари бўлган бир нечта ер ости каналлари орқали амалга оширилиб улар «форслар даврида» бунёд этилгани ҳақида маълумот беради.

Мил.авв. VI-IV асрлар суғориш иншоотлари такомиллашуви билан бирга Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигида деҳқончилик тараққиётига сезиларли туртки берган темир буюмлардан фойдаланиш ҳам кенг тарқалади. Шимолий Бактриядаги Қизилча 6, Хоразмдаги Динғилжа ва Кўзалиқир, Суғдиёнадаги Афросиёб ва Даратепа ҳамда бошқалардан топилган темир буюмлар шу жараёндан далолат беради.

Бу даврда Ўрта Осиё ўтроқ тарихий-маданий вилоятлари хўжалиги доирасида чорвачилик ҳам тараққий этади. Хўжаликнинг бу тури катта ва кичик дарёлар ҳавзалари ҳудудларида, тоғ ва тоғ олдиларида, дашт чегара ҳудудларида айниқса жадаллик билан ривожланади. Қадимги Хоразмдаги Кўзалиқирдан мил.авв. VI-IV асрларга оид ҳайвонлар суяқларининг топиб тадқиқ этилиши бу ерда хўжаликнинг асосини чорвачилик ташкил




этганлигидан далолат беради. Персепол тасвирларида ҳам кўпгина Ўрта Осиё халқлари форс подшоларига солиқ сифатида турли ҳайвонларни етаклаб келаётганлигининг тасвирланиши ҳам тасодифий ҳол эмас.

Хунармандчилик. Мил.авв. VI-IV асрлар Ўрта Осиё вилоятларида хунармандчилик ишлаб чиқариш, хусусан, сопол хунармандчилиги юқори даражада ривожланади. Кулолчилик чарҳида тайёрланиб махсус хумдонларда пиширилган сопол идишлар кўпчилик Ўрта Осиё вилоятларига хос шаклларга эга эди. Бу ўринда цилиндрсимон ва цилиндр конуссимон идишларнинг кенг тарқалганлигини таъкидлаш жоиздир. Бундай кўринишдаги идишлар Бактриядаги Балх, Кобадийён, Болдайтепа, Талашкан, Қизилтепа, Суғдиёнадиги Афросиёб, Хўжа Бўстон, Ўзунқир, Сармиш, Хоразмдаги Кўзалиқир, Қалъалиқир, Динғилжа, Марғиёдаги Ёздепа ва Говурқалъалардан топиб ўрганилган. Металларни бадийий жиҳатдан қайта ишлаш услублари юқори даражада бўлганлиги ҳақида Амударё хазинаси буюмлари ҳамда «ёввойи скиф услуби» га оид ёдгорликлар қимматли маълумотлар беради. Кам сонли бўлса-да, хунармандчиликнинг бошқа турлари – тўқимачилик, тошга ишлов бериш, суякни қайта ишлашга оид бўлган топилмалар топиб ўрганилган.

Ўтроқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвадор турмуш тарзининг ёнма-ён ёки биргаликда кечиши билан боғлиқ мил.авв. I минг йиллик Ўрта Осиё учун хос бўлган меҳнат тақсимооти – савдо-сотикнинг ривожланишига олиб келган ҳамда маҳсулот хусусиятига эга бўлган хунармандчилик ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўртки бўлди. Кўпгина давлатларнинг улкан Аҳамонийлар салтанати таркибига кириши, аввало, ташқи савдонинг тараққиётига таъсир кўрсатди. Аммо, Аҳамонийлар даври Ўрта Осиёга келтирилган ёки бу ҳудудлардан олиб чиқилган маҳсулотлар ҳақида жуда кам маълумотлар сақланган. Шунга қарамасдан, Кичик Осиёдаги Эфес шаҳридан Бактрияга, ундан Ҳиндистонга кетувчи йўл ҳақидаги маълумотлар Ўрта Осиёнинг Аҳамонийлар давлатининг ғарбий вилоятлари билан савдо алоқалари олиб борганлиги тасдиқлайди. Суғдиёнадан ва айниқса Бактриядан топилган тангаларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, мил.авв. VI-IV асрлар Ўрта Осиёга нафақат марказий аҳамонийлар ҳокимияти ҳукмдорлари зарб этган тангалар балки, Кичик Осиё ва юнон тангалари ҳам муомалада бўлган.

Манзилгоҳлар ва меъморчилик. Ўтган асрнинг 30-йилларида Аҳамонийлар даври маданий қатламлари фақат Жанубий Тожикистон ҳудудларидагина маълум эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мил.авв. VI-IV асрларга оид ёдгорликлар кўпгина ҳудудларда аниқланиб, тадқиқотлар кўлами кенгайди. Ҳозирги кунда бу даврга оид манзилгоҳлар нафақат Жанубий Туркманистон, балки Шимолий ва Жанубий Бактриядан, Суғдиёнадан, Парфия ва Марғиёнадан, Хоразмдан топиб ўрганилган бўлса, Фарғонадан, Олойдан, Шарқий Помирдан ҳамда Оролбўйидан кўмиш маросимига оид ёдгорликлар топиб текширилган.

Бу даврга оид манзилгоҳ ва кўҳна шаҳарлар меъморчилиги Жанубий Туркманистонда нисбатан кўпроқ ўрганилган. Бу ҳудудлардаги энг йирик



кўҳна шаҳар Марвдаги Говурқалъа ҳисобланади. Говурқала ўлчамларини йиғиндиси 7,5 км. га тенг. Аҳамонийлар даври Марвнинг маркази Говурқала шимолий томонининг марказида жойлашган Эркқалъа истехкоми бўлган. Мил.авв. I минг йиллик ўрталарида ушбу истехком баланд лой девор билан ўраб олинади. Эркқалъанинг марказида йирик меъморий иншоотлар – хукмдор саройи ва диний мажмуа қад кўтаради. Истехком хом ғиштдан бунёд этилган мустаҳкам пойдевор устига қурилиб, ягона дарвозаси шаҳар томонга қаратилган.


Марв воҳасининг қадимги марказида Аҳамонийлар даврига оид Ёздепа манзилгоҳи очиб ўрганилган. Ёздепа бирмунча илгарироқ даврда пайдо бўлган бўлиб, мил.авв. I минг йиллик ўрталарида ўзининг аввалги ҳарбий-маъмурий аҳамиятини йўқота бошлайди. Аммо, Ёздепа манзилгоҳи бутунлай йўқолиб кетмайди ва қазилмалар натижасида бу ердан тўғри бурчакли ғиштлардан қад кўтарган деворлар, иншоотлар қолдиқлари аниқланган.

Копетдоғнинг тоғ олди худудларидан мил.авв. VI-IV асрларга оид йирик кўҳна шаҳар Елкендепе харобалари очиб ўрганилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Елкендепе Шимолий Парфиянинг ҳарбий-маъмурий маркази бўлиб, бу ерга Аҳамонийлар подшолари келиб турган. Кўҳна шаҳар нотўғри айлана шаклида бунёд этилган бўлиб, ўзунлиги 500 метр, эни 300 метрга яқин. Шаҳар ўрнидаги дастлабки манзилгоҳ тўғри бурчакли йирик ғиштлардан қад кўтарган мустаҳкам девор билан ўраб олинган. Марказда истехком қад кўтарган.

Хоразм экспедициясининг сайъи-ҳаракатлари туфайли қадимги Хоразм худудларида ҳам Аҳамонийлар даври ёдгорликлари аниқланган. Улардан бири – сатрапнинг қуриб битказилмаган саройи Қалъалиқир I ҳисобланади. Яна бир бу даврга оид кўҳна шаҳар Амударёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Кўзалиқир бўлиб, у табиий тепалик устида жойлашган. Унинг максимал ўзунлиги 1000 метр, эни эса 500 метрдан зиёдрокдир. Қазилмалар натижаларига кўра, кўҳна шаҳар икки қатор девор билан ўраб олиниб, ташқи девор миноралар билан мустаҳкамланган. Ички девор эса турли қурилишларга туташиб турган.

Ўнг қирғоқ Хоразмдаги Аҳамонийлар даврига оид яна бир ёдгорлик Динғилжа яқинидаги манзилгоҳ ҳисобланади. Қазилмалар натижасида бу ердан 2600 кв. м. майдонга эга бўлган кўп хонали катта бино очиб ўрганилган. Бинодан турар-жой, хўжалик ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган 17 та хона аниқланган. Девор тўғри бурчакли ва тўртбурчак йирик ғиштлардан бунёд этилган. Бино қурилишлари мил.авв. V аср охири - IV асрнинг биринчи ярми билан саналанган.

Суғдиёнанинг йирик маданий маркази ва пойтахти бўлган Афросиёб кўҳна шаҳри бу даврд айниқса гуллаб-яшнади. Бу даврга келиб умумий майдони 219 гектар бўлган Афросиёб марказий ва йирик шаҳар сифатида анча ривожланиб, бу ерда шаҳар ҳаётининг ривожланиши Суғдиёна ва бутун Ўрта Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий ҳайтнинг юксалиши ҳамда инқирози билан мувофиқ тарзда кечган. Аҳамонийлар даридаги Самарқанд Суғди хўжалик ҳаёти ва маданий тараққиёти ҳақида Лолазор, Лайлақўйтепа, Кўктепа,




Тўрткўлтепа каби ёдгорликлардан топилган топилмалар ҳам қиммат маълумотлар беради. Бу топилмаларга қараб (жанговар ва меҳнат куроллари, уй-рўзғор буюмлари, тақинчоқлар, қурилиш услуги ва ҳоказо) Самарқанд ва унинг атрофларидаги ҳудудларда мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида яшаган аҳоли хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик, уй хунармандчилиги ва ихтисослашган хунармандчилик турларини анчагина ривожлантирганлар деган хулоса чиқариш мумкин.

Бухоро воҳасидаги Хўжа Бўстон, Конимех, Қумрабод, Арабон, Чордара, Қўзмонтепа каби ўнлаб кўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар аҳамонийлар даврига оиддир. Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, улар йирик этно-маданий вилоятнинг унча катта бўлмаган туманлари бўлиб, бу ҳудудларда мил.авв. VI-IV асрларда умумий кўриниши бир хил бўлган деҳқончилик маданияти шаклланади. Топилган топилмаларнинг ниҳоятда ўхшашлиги шундан далолат беради.

Кейинги йилларда Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида кўпгина археологик тадқиқотлар олиб борилди. Бу тадқиқотлар натижаларига қараганда, мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида Зарафшоннинг йирик бир ирмоғи Бухоро шаҳари ҳудудларидан оқиб ўтиб, унинг ўнг ва чап қирғоқида шаҳарга асос солинади. Яна шу нарса ҳам аниқландики, бу даврда арк ҳудуди пахса девор билан ўраб олинади. Бухоро атрофларидан эса бу даврга оид қалъалар ва кўрғонлар ҳам очилганки, улар атроф қишлоқларни ташкил этган. Тадқиқотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Бухоро – воҳадаги урбанистик жараёнларнинг маркази бўлибгина қолмасдан, географик нуқтаи назардан ҳам воҳанинг марказида жойлашиб, вилоят маркази васифасини бажарган.

Қашқадарё воҳаси мил.авв. VI-IV асрлар ёдгорликлари Суғдиённинг бошқа ҳудудларига нисбатан яхшироқ ўрганилган. Воҳадаги кўҳна шаҳарлардан бири Ерқўрғон мил.авв. VIII-VII асрларда шаклланади ва Аҳамонийлар даврига келганда ҳудудлари анча кенгайиб, тўртбурчак шаклда деворлар билан ўраб олинади. Ундан ташқари бу даврга келиб кўҳна шаҳар атрофида алоҳида қишлоқ манзилгоҳлари пайдо бўлади. Бу даврда деҳқончилик воҳалари атрофларининг ўзлаштирилиши шаҳарлар билан боғлиқ бўлиб, ўзлаштирилган ҳудудлар шаҳарларга воситачи ёки таянч вазифани бажарган. Бундай кичик қишлоқларнинг бир қисми шаҳар аҳолисининг шаҳар ташқарисидаги ерлари бўлган бўлиши ҳам мумкин. Мил.авв. VI-V асрлар воҳа ва шаҳар ягона жамоадан иборат бўлиб яхлит Суғд ўлка – сатрапияси ташкил этган бўлиши мумкин.

Тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқариб Аҳамонийлар даврига оид Жанубий Суғддаги қуйидаги иншоотлар шакллари белгилаш мумкин: режавий тузилиши тўғри бурчакли ва икки қатор девор билан мустақамланиб майдони 3 гектар бўлган алоҳида қалъа кўрғон (Сангиртепа); қишлоқ хўжалик воҳаси аҳолиси учун ҳарбий бошпана вазифасини бажарувчи ва мадони 34-70 гектар бўлган йирик қалъалар (Ерқўрғон, Ўзунқир); пахса – хом ғишлари бўлмаган ҳамда майдони 2 гектаргача бўлган ярим ертўла ва ертўлалардан




иборат қалъалар (Кўрғонтепа, Сомонтепа, Кўзатепа, Тўртбурчактепа бошқалар); табиий-географик қурилишларга асосланиб, алоҳида турар-жойларга эга бўлган манзилгоҳлар (Даратепа, Қоровултепа); кишлоқ уй-қўрғонлари (Саройтепа, Шўроб, Чоштепа). Воҳадаги энг йирик ёдгорликлардан бири бўлган Ўзунқир кўҳна шаҳри Ахамонийлар даврида ўзида барча ҳимояланиш белгиларини акс эттирувчи мустаҳкам девор билан ўраб олинади. Ўзунқир ва унинг атрофларидаги меъморчилик ва ҳимоя иншоотлари (70 гектарга яқин) юқори даражадаги шаҳарсозлик маданиятидан далолат беради.

Ҳозирги кунда Тожикистон қадимияти билан шуғулланувчи олимлар томонидан Сирдарё ўрта оқимининг чап қирғоғи ҳудудларидаги Хўжанд ва унинг ва трофларидан (ўрта асрлардаги Уструшона) мил.авв. VI-IV асрларга оид ёдгорликлар очиб ўрганилган. Хўжанд шаҳрини ўрганган тадқиқотчилар кўҳна шаҳар истехкомининг пастки қатламларини, хусусан, умумий майдони 20 гектарга яқин бўлган (шундан истехком 1 гектарга яқин) тўртбурчак шаклидаги шаҳар майдонини ўраб турган қалъа девори қолдиқларини мил.авв. VI-IV асрларга оид деб ҳисоблайдилар. Бу давр маданий қатламлари Ширин, Муғтепа (Ўратепа шаҳрида) ва Нуртепа (Ўратепа шаҳридан шимолроқда) кўҳна шаҳарлардан ҳам аниқланган.

Нуртепа кўҳна шаҳри баланд тоғ тепалигида жойлашган. Н. Негматов ва бошқаларнинг фикрича, кўҳна шаҳар ўрнидаги манзилгоҳ мил.авв. VII асрда пайдо бўлган. Мил.авв. VI-IV асрларда эса Нуртепа умумий майдони 18 гектар бўлган пахса ва хом ғишт деворлардан қад кўтарган қалъа ҳамда ҳимоя деворлари бўлган шаҳар ҳисобланар эди. Бу ердан топилган кўплаб топилмаларга қараб шундай хулоса чиқариш мумкинки, Нуртепа аҳолиси асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Хўжанд ва Нуртепа кўҳна шаҳарлари македониялик Искандар юришлари даврида таянч нуқталар бўлган бўлиши мумкин.

Мил.авв. VII-VI асрларда Бактрия ҳудудларида ҳимоя деворлари билан ўраб олинган шаҳарлар шакллана бошлайди. Олтиндирёр (Аорн), Бақтра, Қизилтепа қабилар бу ҳудудлардаги йирик шаҳарлар эди. Ахамонийлар даври Шимолий Бактрия ҳақида тўғридан тўғри ёзма манбаларда маълумотлар берилмаса ҳам археологик тадқиқотлар бу масалага кўпгина аниқликлар киритади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Бактрия Кир II нинг мил.авв. 539-530 ёки 547-539 йиллардаги юришларидан сўнг Ахамонийлар давлатига бўйсунтирилади. Айрим тадқиқотчилар бу даврда Бактриянинг шимоли-ғарбий чегераларидаги Темир дарвоза атрофларида Сисимифр қалъаси бўлган деб ҳисоблайдилар. И. В. Пьянковнинг фикрича, бу ерда Бактрия ва Суғдиёна ўртасидаги чегарани белгилайдиган ҳамда катта йўлни назорат қилиб турадиган пункт жойлашган бўлиши мумкин. Аммо, бу тахминлар археологик тадқиқотлар билан тасдиқланмайди. Шу билан бирга Амударёдан кечув жойида ва бу кечувга келувчи йўллар устида мил.авв. I минг йиллик ўрталарида қалъалар (Шўртепа, Талашкан I, Термиз, Хирмонтепа) бунёд



этилади. Бу жараён Ахамонийларнинг Бактриядан Суғдиёнага ўтувчи бар йўлларни катъий назорат остига олганларидан далолат беради.

Ахамонийлар даврига елиб Бактрия шаҳарсозлигида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Кўплаб ривожланиш жараёнлари: темир курулларнинг кенг ёйилиши, суғорма деҳқончилик ва хунармандчиликнинг такомиллашуви, манзилгоҳлар сонининг ортиши, улар майдонининг кенгайиши, янги белгилар қўшилган ҳолда тузилишининг мураккаблашуви айнан мана шу давр учун хосдир. Шунингдек, бу даврга келиб аҳоли пунктларининг турли шакллари: ўтроқ деҳқончилик зодагонларининг мустаҳкамланган кўрғонлари (Қизилча), йирик манзилгоҳлар (Бандихон II), мураккаб мудофаа-режавий тузилишга эга кўрғонли шаҳарлар (Қизилтепа) пайдо бўлади.

Бандихон II қалъа ва қалъанинг шимоли-шарқий томонида жойлашган мустаҳкамланмаган манзилгоҳдан иборат. Манзилгоҳнинг жануби-шарқий бурчагида жойлашган қалъа (110x100 м) ҳамма томонидан хандақ ва пахса девор билан ўраб олинган бўлиб, бурчаклари ён томондан ҳимоя қилинган ва ярим айлана шаклидаги миноралари ҳамда учбурчак шинаклари мавжуд. Қалъа ичидаги маданий қатлам турли суяклар, гўнг, сопол парчалари, қурилиш излари бўлмаган кул қатламларидан иборатки, тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ер ҳарбий хавф туғилган пайтда аҳоли ва чорва учун бошпана вазифасини бажарган. Бандихон II учун режанинг маълум зичлиги, ҳимоя тартибининг мураккаблиги (минорали деворлар, хандақлар), манзилгоҳ барча қисмларининг бир вақтда шаклланиши ва ривожланиши хосдир. Қандайдир вазифани бажариши нуқтаи назаридан бу манзилгоҳ унча катта бўлмаган деҳқончилик воҳасининг маъмурий маркази бўлган бўлиши мумкин. Бандихон II ҳимоя иншоотлари мураккаблашган тартиби ва қалъасининг ички тузилиши билан фарқланган ҳолда, бронза даври Сополлитепа анъаналарини (икки қисмли тузилиш) такрорлайди.

Бу даврга келиб манзилгоҳларнинг илгаридан кўплаб белгилари билан фарқланувчи Қизилтепа кўринишидаги янги шаҳарсозлик шакли ҳам пайдо бўлади, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Қизилтепа: қалъа, шаҳар, «шаҳар олди», ва атроф ҳудудлар қисмларидан иборат. Майдони 2 гектар, баландлиги 14-15 метр тепалик устига жойлашган қалъанинг ғарбий ярими баланд сунъий пойдевор устига қад кўтарган ҳокимнинг саройи бўлган катта қурилишлардан иборат. Қалъанинг шарқий ярими ғарбий қисмидан катта ҳовли ёки майдон билан ажратилган бўлиб, бу ерда хўжалик – турар-жой мажмуаси жойлашган ва бу мажмуа кўплаб турли даврларга оид хоналардан иборат.

А.Сагдуллаевнинг Қизилтепада олиб борган стратиграфик тадқиқотлари натижасида кўхна шаҳар ўзлаштирилишининг учта асосий даври (Қизил I, II, III) аниқланган. Қизил III даври айнан Ахамонийлар даврига (мил.авв. V-IV асрлар) оид бўлиб, бу даврда кўхна шаҳарнинг жануби-шарқ томонида шаҳар олди шаклланади. Унинг ичида ва қалъада айрим участкалар қайта қурилиб, айрим янгилари пайдо бўлади. Бу даврнинг охирларига келиб шаҳар



инқирозга учрай бошлайди. Ҳимоя деворларида чиқинди тўпламлари пайдо бўлади ва қалъанинг юқори хоналари хўжалик чиқиндиларининг қалин қатлами билан қопланади.


Тадқиқотлар натижаларига кўра, илгариги даврдаги барча манзилгоҳларга нисбатан Қизилтепада мутлақо янги тузилиш ва режавий белгилар пайдо бўлади. Хусусан, кўпқисмлилик, вазифавий фарқ ва ҳар бир қисмнинг алоҳидалиги, кўрғоннинг қалъага айланиши, мустаҳкамланмаган қисмнинг қишлоққа айланиши, шаҳар олди ва атроф ҳудудларнинг ажралиши каби белгилар Қизилтепа учун хосдир. Шунингдек, Қизилтепанинг ҳимоя иншоотлари ҳам илгариги манзилгоҳлардан сезиларли фарқланади. Ҳимоя деворлари икки тартибли бўлиб, улар ўртасида йўлак қолдирилган. Кенг ва чуқур хандақлар кўхна шаҳарни ўраб турган. Деворларда камончилар тик туриб ва тиззалаб отишлари учун махсус шинаклар ўрнатилган.

Антик давр муаллифлари Аҳамонийлар даври Бақтриясини кўп сонли катта шаҳарлари бўлган ўлка сифатида таърифлайдилар. Улар орасида нисбатан йириклари Бақтра-Зариасп, Аорн, Драпсак ёки Дараспа-Адраспа ва Кариатид бўлган. Бақтрада жуда баландликда қалъа қурилиб пастда шаҳарни қалин девор ўраб турган. Шунингдек қалъа, акрополда ҳам мавжуд эди. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Аҳамонийлар даврида Бақтра Боло Ҳисор ҳудудларини (120 гектар) ва унинг жануби ғарбидаги пастки шаҳарнинг бир қисмини эгаллаган. Аорн эса Балхдан 35 км шимолда жойлашган Олтиндилёртепага қиёс қилинади. Хуллас, мил.авв. I минг йилликнинг ўрталари Бақтрияда тўрт қисмли кўришидан иборат турли типдаги шаҳарлар мавжуд эди. Бу тузилиш – қалъа, шаҳарнинг ўзи, шаҳаролди ҳудуди қишлоқлари ва алоҳида кўрғонлардан иборат шаҳар атрофи қисмлари эди. Бақтриянинг бу давр шаҳарлари маҳаллий анъаналар асосида шаклланган бўлиб бу жараённинг илдизлари бевосита бронза даври билан боғланади.

Мил.авв. VI-IV асрлар Фарғона ва Чирчиқ-Ангрен воҳаларининг Аҳамонийлар давлати таркибига кирганлиги ҳақида маълумотлар сақланмаган. Ушбу ҳудудлардаги бу даврга оид ёдгорликларнинг маданий анъаналари бошқа ҳудудларга нисбатан бошқачароқ кечган. Бу даврга келиб Чирчиқ-Ангрен воҳасидаги Бургулик маданияти инқирозга учрайди. Бу маданият манзилгоҳлари ярим ертўла ва хом ғишт қурилишлар билан изоҳланади. Айрим тадқиқотчилар Жўнариқ бўйидаги Шоштепани мил.авв. VI-IV асрларга оид деб ҳисоблаб, Бургулик маданиятининг сўнгги босқичига хос деган фикрни билдирадилар. Агар бу фикр тўғри бўлса, Шоштепа ушбу ҳудудлардаги дастлабки қадимги деҳқончилик манзилгоҳидир.

Мил.авв. VI-IV асрларга оид ёдгорликлар Фарғона водийсидан нисбатан кўпроқ аниқлаган бўлиб, улар манзилгоҳлар ва мозор-кўрғонлардан иборат. Улар орасида нисбатан яхши ўрганилганлари Эйлтон кўхна шаҳри, Октом, Кунгай ва Ниёзботир ҳисобланади.

Эйлтон кўхна шаҳри харобалари Андижон вилояти, Избоскан туманидаги Илотон қишлоғи ёнида жойлашган. Маҳаллий аҳоли орасида бу




кўхна шаҳар Шаҳри Хайбер номи билан машҳурдир. Мил.авв. VI-IV асрлар оид¹ бу кўхна шаҳар нисбатан яхшироқ ўрганилган бўлиб, Эйлатон маданияти ёдгорликлари водийнинг деярли барча худудларидан аниқланган. Эйлатон кўхна шаҳри икки қисмдан иборат. Ички қисм деворлар билан ўралган, 20 гектардан иборат, лекин истехкоми йўқ. Ташқи қисм, 200 гектардан иборат бўлиб бу худудда қурилишлар қурилмаган. Бу қисм ҳам уюм-деворлар билан ўраб олинган. Қазилмалар натижасида доимий турар-жойлар, хўжалик хоналари, сопол идишлар, меҳнат ва жанговар қуроллар, тақинчоқлар топиб ўрганилган. Ушбу топилмаларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, фақат Фарғонанинг ўзида Эйлатондан топилган ашъвий далилларга давр жиҳатдан яқин ёдгорликлар Шўрабашот, Симтепа ва Озгор II лардир. Шўрабашотдан олинган археологик ашъларнинг асосий хусусияти бу ерда оч рангли сопол идишларнинг қизил рангли сопол идишлар билан бир мажмуада учраши ҳисобланади. Шунингдек, Шўрабашотда кўза ва қадахлар ҳам учрайди. Ундан ташқари Шўрабашот кўхна шаҳри тузилиши ҳам Эйлатон кўхна шаҳари тузилишига ўхшайди. Шундан хулоса чиқарган С. Қудратов Шўрабашот кўхна шаҳрининг бир қисмини мил.авв. III-II асрлар билан белгилаш лозим деган таклифни илгари суради.

Бу давр водийдаги деҳқончилик маданияти мазор-қўрғонлар топилмалари билан бевосита боғлиқдир. Шундай қўрғонлардан бири Октом Фарғонадан 9 км жанубда жойлашган. Бу ердан 31 та қабр очиб ўрганилган. Топилган топишмаларга қараб Октом қабилаларининг катта кўпчилиги деҳқончилик билан шуғулланган деган фикрлар ҳам билдирилган. Октом қабилаларининг деҳқончилик билан шуғулланишга ўтиши куйидаги жараёнларга асос бўлган бўлиши мумкин: Фарғона шароитида доимий манзилгоҳлар қурилиши ва бу манзилгоҳларда собиқ чорвадорларнинг хом ғишт меъморчилиги; ўтроқ деҳқончилик аҳолиси устидан сак-чорвадор аҳолисининг сиёсий устунлик қилиши; Фарғонада дастлабки давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши ва маъмурий марказларнинг шаклланиши ҳамда буларда ҳам сиёсий устунлик. Шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар пайтида асир олинган қўлларнинг мавжудлиги кўп сонли одамларни, жумладан, тажрибали мутахассисларни йирик қурилиш ишларига жалб этиш имконини берган.

Ушбу жараёнларнинг барчаси Фарғонада Эйлатонга ўхшаш манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши учун замин яратган бўлиши мумкин. Кейинроқ эса, ўтроқ деҳқончилик туманлари чегарасида жойлашган бундай маъмурий марказлар аста-секинлик билан хунармандчилик ва савдо марказига айланади. Улар ичида турли қурилишлар ривожланиб (Марҳамат кўхна шаҳри мисолида) шаҳарларга айланиб боради. Г. Ивановнинг фикрича, балки, зодагонлар ва бошқарув маъмурияти хизматкор аҳлининг кўпайиши асосида пайдо бўлади.

¹ Айрим тадқиқотчилар Эйлатон маданиятини мил.авв. VII-VI асрларга оид деб ҳисоблайдилар. Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. 1962, № 118; Литвинский Б.А. Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы. М., 1978.



Хуллас, Эйлтон-Оқтом топидаги манзилгоҳлар ва мазор-қўрғонларда топилмалардан хулоса чиқарадиган бўлсак, мил.авв. VI-IV асрлар Фарғонада Чочда бўлгани каби ўтроқ деҳқончилик аҳолиси яшаган. Аммо, бу аҳолининг маданий анъаналари Бактрия, Суғд, Марғиёна ва Хоразмниқига нисбатан бошқароқ эди. Ушбу маданиятнинг илдизлари мил.авв. II-I минг йиллик бошлари бронза даври маҳаллий Фарғона маданиятига бориб тақалади. Мил.авв. VI-IV асрлар Фарғона ёдгорликлари эса қадимги Фарғона маҳаллий маданиятининг янги босқичи ҳисобланади.


Тасвирий санъат. Мил.авв. VI-IV асрлар Ўрта Осиё санъати ҳақида ҳозирги кунда «Амударё хазинаси» (ёки «Окс хазинаси») даги айрим буюмлар, Тахтисангин кўҳна шаҳри (Окс ибодатхонаси) баъзи топилмалари, Помир ва Оролбўйи саклари мазор-қўрғонларидаги бронза буюмлар ҳамда Фарғона сополларидаги ўзига хос нақшларга қараб фикр юритишимиз мумкин.

1877 йилда Тожикистоннинг Кобадийён беклигидаги аҳоли канал қозиш пайтида тилла ва кумуш буюмлардан иборат хазина топиб олади. Ушбу хазина дастлаб бухоролик савдогарларга, кейин Ҳиндистонга, сўнгра эса Лондондаги Британ мўзейига бориб тўшади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Англиядаги ушбу хазинанинг асосий қисмини ҳақиқатан ҳам Шимолий Бактриядан топилган топилмалар ташкил этади. Ундан ташқари, И. Р. Пичикян тадқиқотларига кўра, «Амударё хазинаси» Панж дарёсининг Вахш дарёсига қўйилиш жойида жойлашган Тахтисангин кўҳна шаҳридаги Окс ибодатхонаси (мил.авв. IV аср) хазинасининг бир қисмидир.

«Амударё хазинаси» буюмлари орасида Аҳамонийларгача бўлган давр Фарбий Эрон усталари маҳсулоти бўлган буюмлар, Аҳамонийлар подшолари ва сатрапларига тегишли буюмлар ва тангалар, македониялик Искандар юришларига қадар Кичик Осиёда тайёрланган буюмлар бор. Шу билан бирга тадқиқотчилар айнан маҳаллий Бактрия ва скиф-сибир қабилалари усталарининг асарлари ҳам борлигини эътироф этадилар.

Бактрия санъатини изоҳлаш учун олтин пластинкаларга ўйиб нақш солинган тасвирлар айниқса қизиқарлидир. Худди шундай пластинкалар «Амударё хазинаси» дан 50 дан зиёд, Тахтисангиндан эса 3 та топилган. Уларда қоҳинлар, ҳарбийлар, сават кўтарагн совғачилар, гуллар ва қуроллар шунингдек, от ва туялар тасвири туширилган. Пластинкалардаги тасвирлар турлича. Тажрибали усталар томонидан юқори сифатда тайёрланган пластинкалар билан бир қаторда тасвирлар ёмон туширилган ва паст сифатли асарлар ҳам учрайди.

Етарли маълумоталар бўлмаганлиги туфайли Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги амалий санъат ҳақида фикр юритиш қийинроқ. Мил.авв. VI-IV арлар Суғдда бадий санъат асарлари намуналари ҳозирча топилмаган. Қадимги Чоч ҳудудларидан фақат битта амалий санъат намунаси – дастаси қуш бошининг нақшли тасвири билан безатилган қуйма бронза пичоқ топилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича бу тасвир «скиф-сибир услуби» ёдгорликлари доирасига қиради. Ушбу услубдаги асарлар чорвадор қабилалар




яшаган Ўрта Осиёнинг шарқий ва шимолий вилоятларида ва уларга тўғра бўлган деҳқончилик туманларида тарқалган эди. Булар Помир ва Оролбўйи мазор-қўрғонлари қазилмалари пайтида топилган от-улов анжомлари, қўйма бронза қозонлардаги тасвирилар, ханжар дастасидаги турли тасвирилар кабилардан иборат. Ушбу топилмалар Ўрта Осиё халқларининг илгариги даврлардаги маданий анъаналарини ривожлантириб, мил.авв. VI-IV асрларда амалий санъат борасида катта ютуқларни қўлга киритганликларидан далолат беради. Бу жараёнда ўзбек халқи аجدодларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Хуллас, мил.авв. VI-IV асрлар Ўрта Осиё вилоятларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ривожланади. Бу даврда Бактрия йирик давлат бўлиб, форс подшоларининг Шарқдаги йирик марказларидан бири эди. Сўнгги йилларда Ўрта Осиёнинг жанубида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Қадимги Бактрия ҳудудидан ўттиздан зиёд Аҳамонийлар даврига оид ёдгорликлар очилган. Уларнинг ҳар бирида ўзлаштирилган майдонлар ва суғориш тартибидан ташқари турар жойлар ва хўжалик, меҳнат ва ҳарбий қуроллар, кулолчилик буюмларининг қолдиқлари мавжуддир. Бу давр Бактрия аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик эди. Қалаимир, Кучуктепа, Қизилча, Бандихон каби ўнлаб ёдгорликлардан деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қуроллари – ўроқлар, кетмонлар, ёрғучоқ ва деҳқончилик маҳсулотлари қолдиқларининг топилиши деҳқончиликдан далолат бериб, деҳқончилик сунъий суғоришга асосланганлигини кўрсатса, меъморчилик маданияти шаҳарсозликнинг юқори даражасини ифода этади.

Мил.авв. VI-IV асрларда Суғдиёна ҳудудларида кўплаб шаҳар ва қишлоқлар бўлиб, улар форс подшоларига катта-катта солиқлар тўлаб турар эдилар. Археологик тадқиқотлар натижасида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидан бу даврга оид Ўзунқир, Ерқўрғон, Даратеп, Сангиртепа, Лолазор, Афросиёб, Хўжа Бўстон каби 50дан зиёд кўҳна шаҳар ва манзилгоҳлар очиб ўрганилган. Суғдиёна ҳаётида деҳқончилик катта аҳамиятга эга эди. Шуниси муҳимки, деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган бўлиб, бу ҳақда ёзма манбалар ҳам маълумотлар беради.

Мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида Хоразм ҳам ривожланиш жараёнини бошдан кечиради. Хоразм тадқиқотлари натижаларига қараганда VI-IV асрларда бу ҳудудда йирик-йирик манзилгоҳлар мавжуд эди. Бу давр Хоразм иншоотлари қурилишида хом ғишт ва пахса ишлатилган. Манзилгоҳлар ва турар-жойлардан топилган топилмаларнинг бой ва қашшоқлиги бу ерда мавжуд бўлган ижтимоий ва мулкӣ тенгсизликдан далолат беради. Шаҳарлар аҳолисининг асосий машғулоти ҳунармандчилик бўлган. Кўплаб топилган сопол, бронза ва темир буюмлар фикримиз далилидир. Хоразмда бу даврда маҳаллий ўтроқ аҳолидан ташқари кўчманчи чорвадорлар ҳам яшаган бўлиб, улар ўртасида доимий ҳарбий тўқнашувлар, иқтисодий ва маданий муносабатлар бўлиб турган.

Ўрта Осиё халқлари Аҳамонийлар маданият ёдгорликлари бунёд этилишида катта ҳисса қўшдилар. Бу даврда Ўрта Осиё халқлари илк марта зарб қилинган танга пуллар билан танишдилар ва муомала қилдилар. Ўрта



Осиё худудидан Аҳамонийлар пул тартибига оид олтин дариклар ва бош тангалар топилган. Аҳамонийлар даврида кўпгина шарқ халқларининг сиёсий бирлиги – бутун жаҳон тарихида, иқтисодий ва маданий ривожланишида муҳим давр бўлиб қолди. Бу ўринда Ўрта Осиё худудидаги халқлар ва қабилаларнинг ҳам ҳиссаси ниҳоятда катта бўлди.

5-§. Александр Македонский, Салавкийлар, Юнон-Бактрия даврида давлат бошқаруви.


1. Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари ва унга қарши кураш. Давлат бошқаруви.

Улкан Аҳамонийлар салтанати ўзининг ғарбга қилган экспансияси натижасида юнон давлатлари билан тўқнашади ва бунинг натижасида мил.авв. V асрнинг биринчи чорагида юнон-форс урушлари бошланади. Мил.авв. V аср давомида бетиним урушлар, саройдаги фитналар, босиб олинган халқларнинг озодлик учун курашлари Аҳамонийлар давлатини анча заифлаштириб қўйган эди. Мил.авв. IV асрнинг ўрталаридан бошлаб эса, Болқон ярим оролидаги шаҳар-давлатлар кучая бошлайди. Бу даврда Македония подшоси Филипп II Болқон ярим оролида ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиб Аҳамонийларга қарши курашга тайёргарлик кўра бошлайди.

Филипп II ўз даврига мос ҳарбий ислохотлар ўтказиб тартибли ва яхши қуролланган кўшин тузишга муваффақ бўлди. Мил.авв. 336 йилда Аҳамонийлар давлатига қарши кураш бошланди. Аммо, Филипп II нинг ўлдирилиши туфайли бу кураш тўхтаб қолди. Ўша йили тахтга Филипп II нинг ўғли 20 ёшли Александр ўтирди. У Аҳамонийларга қарши урушга жиддий киришиб Кичик Осиёдан Парменион бошлиқ кўшинларни чақиртирди. Ҳарбий кенгаш тўзиб қуруқликда ва сувда ҳаракат қилаётган кўшинлар олдида аниқ вазифалар қўйди.

Мил.авв. 334 йил майида (Граник дарёси ёнида), 333 йил октябрида (Гавгамела, Шимоли-шарқий Месопотамияда) бўлган жангларда форс кўшинлари тўла мағлубиятга учради. Шундан сўнг Александр учун Аҳамонийлар давлатининг марказларига йўл очилган эди. Александр даставвал Бобилни, сўнгра Сўза, Персепо, Пасаргада шаҳарларини эгаллаб форс подшоларининг хазиналарини қўлга киритди. Сўнгги Аҳамоний ҳукмдори Доро III аввал Мидияга, кейин эса Бактрияда қочиб кетди. Курций Руфнинг маълумотларига кўра Бактрияга Доро III га қарши фитна уюштирилиб у ўлдирилади ва фитнага бошчилик қилган Бесс ўзини Аҳамонийлар подшоси деб эълон қилади. Аммо, Бесс Александрга ҳарбий кўшинларни қарши қўя олмади.

Мил.авв. 329 йилнинг баҳорига қадар Александр Ария, Дранғиёна, Арахосия каби вилоятларни эгаллаб Окс-Амударё бўйларига чиқиб келади. Арриан ва Курций маълумотларига кўра бу пайтда дарё жуда серсув бўлиб, тўлиб оқарди. Амударёдан кечув жойини тадқиқотчилар Келиф атрофлари,



Чушқагўзар, Термез атрофлари ва Шўроб деб ҳисоблайдилар. Нима бўлган ҳам, Александр кўшинлари қопларга сомон-хашак тўлдириб, улар орқали беш кун давомида Амударёдан кечиб ўтганлиги ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар сақланган.


Александр кўшинлари дарёдан ўтгач Бессни таъкиб этиб «Суғд вилояти Навтакага» йўл оладилар (Аввал Птоломей Лаг бошчилигидаги илғор қисм, кейин асосий кучлар). Суғд ерларида Спитаман бошлиқ маҳаллий саркардалар Александрни тўхтатиб қолиш мақсадида Бессни асир олиб унга топширадилар. Аммо, Александрда ҳарбий юришларни тўхтатиш нияти йўқ эди. Навтакадан сўнг юнон-македон кўшинлари Суғдиёнанинг пойтахти Смаракандага юриш қилиб уни эгаллайдилар. Курций Руф маълумотларига кўра юнон-македонлар «шаҳарда ўзларининг кичик горнизонларини қолдириб, яқин атрофдаги қишлоқларни ёндириб ва вайрон этиб», шимоли-шарққа томон ҳаракат қила бошлайдилар. Жиззах ва Ўратепа оралиғидаги тоғли ҳудудларда юнон-македон кўшинлари қаттиқ талофат кўрадилар. Александрнинг ўзи ҳам оғир ярадор бўлади. Шунга қарамасдан тоғли ҳудуд аҳолисини қийинчилик билан мағлуб этган юнон-македонлар дашт кўчманчилари саклар ва Суғдийлар ўртасида чегара бўлган Яксарт-Сирдарёга томон ҳаракат қиладилар.

Юнон-македонлар Яксарт бўйида тўхтаб бу ердаги шаҳарларга ўз ҳарбий қисмларини жойлаштира бошладилар. Кўп ўтмай бу шаҳарлар аҳолиси Александрга қарши кўзғолон кўтардилар. Дарёнинг ўнг қирғоғидаги саклар ҳам ўз кўшинларини бир ерга тўплай бошлайдилар. Худди шу пайтда Бактрия ва Суғдиёна ҳудудларида ҳам Александрга қарши кўзғолонлар бошланиб кетади.

Александр дастлаб Яксарт бўйида ўз мавқеини мустаҳкамлашга қарор қилиб, бу ердаги кўзғолонларни бостирди. Суғдиёнада мил.авв. 329 йил кўзида Спитаман бошчилигидаги кўзғолонни (Мароқандда) бостириш учун саркарда Фарнух бошчилигидаги кўшинларни жўнатди. Ўзи асосий кучлар билан саклар устига юриш қилди. Аммо, бу юриш муваффақиятсиз тугади.

Фарнух бошчилигидаги Мароқандага жўнатилган кўшинлар Спитаман томонидан мағлубиятга учради. Александрнинг ўзи асосий кучлари билан Суғдиёнага қайтишга мажбур бўлди. Ўрта Осиё ҳудудларида кўтарилган кўзғолонлар юнон-македон зулмидан озод бўлишга қаратилган бўлиб, Александрнинг «варвар» ларни осонликча босиб олмоқчи бўлган режаларини пучга чиқарди.

Суғдиёнанинг тоғли ҳудудларидаги босқинчилар қадами етмаган жойларда кўзғолончилар яшириниб олган эдилар. Суғдиёнанинг деярли барча аҳолиси Спитаман томонида бўлиб, унинг ғалабаларига катта умид боғлаган эдилар. Александр эса, мил.авв. 329-28 йиллар қишловини Бактрияда (баъзи манбаларда Навтакада дейилади) ўтказар экан вақтни беҳуда кетказмади. У бу ерда Хоразм ҳукмдори Фарасман билан мўзокаралар олиб борди. Натижада Александрнинг Хоразмга юриш режаси тўхтатилди.




Мил.авв. 328 йилнинг баҳоридан юнон-македонларга қарши кураш л авж олди. Маҳаллий аҳоли йирик шаҳарлар, қалъалар, тоғли худудларда курашни давом эттирдилар. Аҳвол жиддийлашганидан хавотирга тушган Александр 30 минг қўшинини 5 гуруҳга бўлиб, бу гуруҳларга ишончли саркардалар – Гестеион, Птолемей Лаг, Пердикка, Кен ва Артабозларни бошлиқ этиб тайинлади.

Юнон-македонларнинг шафқатсиз урушлари натижасида кўпгина маҳаллий аҳоли қирилиб кетди. Қолганлари ҳам тоғли худудларда курашни давом эттирдилар. Бу ўринда Спитаманнинг жасорати ҳақида тўхталиш жоиздир. У доимо рақибларининг заиф жойларини излар ва уларга айнан ўша жойлардан зарбалар берар эди. Спитаман Суғдий ва бактриялик зодагонлар, ҳамда саклар билан иттифоқликда душманга қарши курашишга ҳаракат қилди. Манбаларнинг маълумот беришича мил.авв. 328 йилнинг охирида Спитаман ўз ватандошлари хиёнатининг қурбони бўлади. Спитаман тажрибали давлат арбоби ва саркарда бўлиб, у босқинчиларни Она – юртидан ҳайдаб чиқариши учун имконияти бўлган барча тадбирни кўрди, чоралардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди. У моҳир саркарда бўлиб душманнинг кичик ҳатосидан ҳам унумли фойдаланар ва унинг заиф томонларини топишга ҳаракат қиларди. Аммо, Александр харбий куч-қудрати жиҳатдан Спитамандан устун эди.

Спитаман ҳалок бўлганидан сўнг асосан тоғ қалъалари кўзғолон ўчоқларига айланади. Ёзма манбаларда эслатилган «Суғд қояси» (ёки «Аримаз қояси»), «Хориен қояси» шулар жумласидандир.

Александр Македонский маҳаллий аҳолини куч билан енгилди ниҳоятда оғир эканлигини англаб етганидан сўнг турли йўллар билан уларга яқинлашишга қарор қилди. Маҳаллий халқ вакилларига нисбатан сиёсатини тубдан ўзгартирди. Хусусан, зардуштий қоҳинларига бирмунча эркинликлар бериб ўзи ҳам бу динни қабул қилди. Кўзғолон бошлиқлари Оксарт, Сисимитр, Хориен кабиларни авф этиб, мол-мулкларини қайтариб берди. Ҳатто, кўзғолонга қатнашганларга мукофотлар тарқата бошлади. Маҳаллий аҳоли билан қариндошлик муносабатларини ўрнатиб Оксартнинг қизи гўзал Роксанага (Роҳшанак) уйланди. Натижада маҳаллий зодагонларнинг деярли барчаси Александр ҳокимиятини тан олиб унинг хизматига ўтиб кетдилар. Мил.авв. 327 йилнинг охирида Суғдиёнадаги кўзғолоннинг сўнгги ўчоқлари ҳам бостирилди.

Юнон-македон босқинчиларига қарши уч йил давомида кураш олиб борар экан, Ўрта Осиё халқлари мислсиз жасорат намуналарини кўрсатдилар. Улар юнонлар ўйлаганидек, «варварлар» ва маданиятдан орқага қолган эмас, балки ўз даврининг юксак харбий санъати ва маданиятига эга эканликларини намойиш этдилар. Александр қўшинлари бутун Шарқ давлатларини ўзларига бўйсундирганларида Суғдиёна ва Бактриядаги каби қаттиқ қаршиликка учрамаган эдилар. Бу ҳолни Александр тарихини ёзган кўпгина қадимги давр тарихчилари ҳам эътироф этадилар.



Ўзбекистон ҳудудларида яшаган маҳаллий аҳоли ўз озодлиги мустақиллиги йўлида бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилганлар. Аммо, кучлар нисбати ва ҳарбий техниканинг тенг эмаслиги кўп ҳолларда босқинчилар устунлигини таъминлаган. Шунга қарамасдан бундай ҳолатлар давлатчилик тарихида муҳим из қолдирган.

Шундай қилиб Хоразм, Чоч (Тошкент воҳаси), Фарғона ва саклар юрти Александрдан мустақил бўлиб қолади. Суғдиёна, Бактрия, Марғиёна ва Парфия Александрнинг давлатига қўшилиб, кейинчалик уларнинг ҳудудида айрим юнон-македон давлатлари вужудга келади.


Александр босиб олган ҳудудларда унинг **бошқарув фаолияти** дастлаб Грециянинг айрим демократик анъаналарига (ҳарбий йўдбошчилар кенгаши, қўшинлар йиғини) асосланган эди. Қўшинлар йиғинида суд ишлари кўриб чиқилиб, жиноят ва жазо масалалари қатъий муҳокама қилинган. Жиноят турлари ичида энг оғирлари-подшога қарши фитна, хиёнат, исёнга даъват этиш ҳисобланиб, ушбу ҳаркатлар учун ягона жазо – ўлим жазоси белгиланган. Қатл этиш ҳақидаги қарор қўшинлар йиғинида қабул қилинган. Шарққа қилган юришлари тугаганидан сўнг Александр бу ҳудудларда барпо этган ўз салтанатида Аҳамонийлар давлат бошқарувидаги идора-тартиб усуллари ўзгартирмаган. Яъни, сатраплик бошқаруви ва солиқлар йиғиб олиш тизими ўзининг илгариги аҳамиятини сақлаб қолган.

Ўрта Осиёда истило этилган вилоятлар ва шаҳарларни бошқариш учун юнон-македон саркардалари билан бирга маҳаллий ҳокимлар ҳам жалб этилган. Ёзма манбаларнинг маълумот беришича, Александр даврида маҳаллий аҳоли вакилларидан Фратафарн-Гирканияда, Артабоз-Бактрияда, Оксиарт ва Хориен-Суғдиёна вилоятларига ҳокимлик қилганлар. Мил.авв. 325 йилда Оксиарт қўл остига Паропамис-Ҳиндикуш вилояти топширилади.

Мил.авв. 325-324 йилларда македонлар яроқ-аслаҳалари билан куролланган маҳаллий аҳоли қўшинлари юнон-македон армияси сафига жалб этилади. Александр маҳаллий ҳокимият вакилларига нисбатан мақсадли сиёсат олиб борган. Мил. авв 324 йилда Сўза шаҳрида ўн мингта юнон-македон аскарлари маҳаллий аёлларга уйланадилар. Александрнинг ўзи ва саркарда Гефестион Доро III нинг қизларини ҳамда саркарда Салавка Спитаманнинг қизи Апамани хотинликка оладилар.

А. Сагдуллаевнинг фикрича, бундай ёндошув аниқ сиёсий мақсад – янги давлатчилик барпо этиш ғояси билан боғланган эди. Бу давлат нафақат турли халқларнинг сиёсий бирлашмаси бўлибгина қолмай, балки унинг келажакда македонлар ва Шарқ зодагонлари қон-қариндошлиги ворислигига таянган давлатга айланиши режалаштирилган эди.

Кўплаб халқлар ва мамлакатларни бирлаштириб ягона давлат барпо этиш ғояси, инсонларни умумий онг ва ягона тафаккурга бўйсундириш ғояси янгилик эмас эди. Бундай ғояни қадимги форс подшолари ҳам ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар ва оқибатда мил.авв. 490 йилда юнон-форс урушлари бошланган.



Александрнинг ҳарбий юришлари Шарқ ва Ғарб ўртасидаги кенг сабаб сотиқ ва маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгариши натижасида маҳаллий ва юнон маданиятининг қўшилиш жараёни бошланади. Бу жараённинг таъсирини моддий маданиятнинг ривожланишида, қурилиш ва меъморчилик, кулолчилик ва тасвирий санъат, янги ёзувларнинг тарқалиши, тангашунослик ҳамда диний эътиқодларда кўриш мумкин. Юнонлар ўз навбатида қадимги Шарқнинг жуда кўплаб маданий ютуқларини қабул қиладилар ҳамда маҳаллий аҳоли маданиятига ҳам таъсир ўтказадилар. Александр давридан бошлаб, бир неча асрлар давомида, Шарқнинг сиёсий тарихи (давлат тизими, бошқарув усуллари, қонунлар ва ҳуқуқ) да турли анъаналарнинг қўшилиб ривожланганлигини кўзатишимиз мумкин.


2. Салавкийлар давлати.

Мил.авв. 323 йилда Александр Бобилда тўсатдан вафот этди. Унинг вафот этиши биланоқ давлатдаги марказдан қочувчи кучларнинг ҳаракатлари фаоллашуви натижасида Александр тўзган давлат парчаланиб унинг ўрнига нисбатан барқарорроқ бўлган давлат уюшмалари пайдо бўлади. Таъкидлаш лозимки, Александр давлатининг парчаланиши ва унинг харобаларида янги давлатлар тизимининг пайдо бўлиши тинчлик йўли билан эмас балки, Александрнинг Македонскийнинг яқин саркардалари – диадохлар ўртасидаги тинимсиз урушлар туфайли бўлиб ўтди. Диадохлар ўртасида 40 йилдан зиёдроқ давом этган жангу-жадаллар натижасида Александр мулклари бўлиб олинади.

Александр Македонский мулкларига эгалик қилиш шу билан яқунландики, мил.авв. 306 йилда нисбатан кучли бўлган диадохлар – Антигон Биркўзли (Одноглазый), Деметрий Полиоркет, Птоломей Лаг, Лазимах, Салавка, Кассандрлар ўзларини подшо деб эълон қилдилар ҳамда бу билан Александр давлати харобаларида ўз давлатларини барпо этишни маълум қилдилар. Шу тариқа тарих сахнасида Ғарб ва Шарқ анъаналарини уйғунлаштирган эллинистик давлатлар пайдо бўлди. Ана шундай йирик давлатлардан бири-Салавкийлар давлати эди.

Ўзининг энг гуллаб – яшнаган даврида бу давлат илгари Александр салтанатига кирган катта ҳудудларни эгаллаб, ғарбда Эгей денгизидан Шарқда Ҳинд субконтинентигача чўзилган ҳамда Кичик Осиёнинг жанубий қисмини, Сурия, Шимолий Месопотамия, Бобил, Эрон, Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари ва Афғонистоннинг катта қисмини ўз ичига олган эди. Бу улкан давлатнинг асосчиси – даставвал Александрнинг тансоқчиси, кейинроқ йирик саркардаси бўлган Салавка эди.

Юнон тарихчиси Помпей Трогнинг ёзишича, «Салавка баъзи бир ўлкаларни мўзокаралар йўли билан эгаллади, аммо Бақтрия, Парфия, Суғд ерларида у қаттиқ қаршиликка учради ва оғир жанглар олиб боришига тўғри келди». Бу маълумотни қадимги тарихчи Арриан ҳам тасдиқлайди. Яъни у шундай хабар беради: «Салавка I бақтрияликлар, Суғдийлар, парфияликлар ва



гирканияликлар билан кўп урушлар олиб боргач, улар ерларига ҳукмронлик қила бошлади». Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиё ерларининг Салавка томонидан босиб олинishi мил.авв. 306-301 йилларга тўғри келади.


Мил.авв. 293 йилда Салавка ўғли Антиох I ни Шарқий сатрапларга яъни, Ўрта Осиё вилоятларига ўзининг ноиби этиб тайинлайди. Салавка I ва Антиох I (мил.авв. 281-261 йиллар мустақил) ҳукмронлиги даврида Салавкийлар давлати сиёсатининг асосий йўналишлари шаклланади. Салавкийлар учта минтақада – Жанубий Сурия, Кичик Осиё ва Шарқда фаол ташқи сиёсат олиб боришга мажбур бўлган эдилар. Жанубий Сурия ва Кичик Осиё учун Птолемейлар (Птоломей Лаг асос солган Ўрта ер денгизининг шарқидаги давлат сулоласи) билан тинимсиз урушлар бўлиб турган. Чунки бу ҳудудларда муҳим савдо йўллари тугаб, гуллаб-яшнаган порт-шаҳарлар мавжуд эди. Кичик Осиёнинг юнон шаҳарлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

Шарқий вилоятларда хусусан, Ўрта Осиёдаги аҳвол бирмунча мураккаброқ вазиятда эди. Биринчидан, бу ҳудуд бошқарув марказларидан анча узокда жойлашган бўлиб, бу вилоятлар билан алоқа қилишда қийинчиликлар мавжуд эди. Иккинчидан, Салавкийлар давлатининг чегараларида жойлашган кўчманчиларнинг доимий хавфи мавжуд эди. Мил.авв. III асрдан бошлаб кўчманчиларнинг кўчишлари бошланиши натижасида чегаралардаги бу хавф янада кучаяди.

Салавкийлар давлатида ички **сиёсий бошқарув** масалалари ҳам анча мураккаб эди. Катта ҳудудларни қамраб олган бу давлатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва жамият сиёсий ташкилоти турлича бўлган кўплаб вилоятлар мавжуд бўлиб, бу ҳолат ушбу кучларни ягона давлатга бирлаштириб туришни анча қийинлаштирар эди. Бу давлатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири у фақат ҳарбий юришлар натижасида, куч ишлатиш йўли билан пайдо бўлган эди. Шунинг учун ҳам давлатнинг асосий вазифаларидан бири қарам этилган халқларни зўравонлик билан ушлаб туриш ёки бирлаштириб туриш эди. Шарқ халқлари маҳаллий зодагонларидан бир қисми ёки айримлари бошқарув тизимига жалб этилган бўлса-да, асосий бошқарувчилар македонлар ва юнонлардан иборат бўлган.

Салавкийлар сулоласида давлат бошлиғи **подшо** бўлиб, унинг ҳокимияти мутлақ эди. Подшо бир вақтнинг ўзида фуқаролар маъмурияти олий бошлиғи, кўшинларнинг бош кўмондони, олий судья ва ҳатто, бош қонун чиқарувчи вазифаларини бажарган. Манбаларнинг маълумот беришича, сулола асосчиси Салавка I, «Подшо томонидан буюрилган барча нарсалар доимо адолатлидир», деган тамойилга қатъий амал қилган. Салавкийлар сулоласи подшолари кўйидаги иккита ҳуқуқий асосга эга эдилар: 1. Босиб олиш ҳуқуқи. 2. Ҳокимиятни отадан болага мерос қолдириш ҳуқуқи. Кўп ҳолларда салавкийлар подшолари илоҳийлаштирилган. Масалан, тангашунослик маълумотлари Сотер-Қутқарувчи, Дикайос-Адолатпарвар, Эвергет-Эзгулик каби подшолар бўлганлигини тасдиқлайди.

Давлатнинг ниҳоятда катта ҳудудларни қамраб олганлиги айрим ҳолларда маъмурий назоратнинг сусайиб кетишига олиб келган.



Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бир нечта маҳаллий сиёсий уюшмалар (алоҳида қабилалар, юнон полислари, ибодатхона жамоалари, маҳаллий сулолалар) ички ишларда мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилганлар.

Манбаларнинг маълумот беришича, Салавка I Птоломейлар билан ҳокимият таллашиб Шарқий ҳудудлар ва Кичик Осиё учун кураш олиб бориш жараёнидаёқ ўз ҳокимиятида бошқарув тартибини жорий эта бошлаган эди. У Александр анъаналарига содиқ қолганлигини кўрсатиш мақсадида сатрапияларни йирик вилоят уюшмалари сифатида сақлаб қолди. Тангашунослик маълумотларига қараганда, Салавка I давлати Аҳамонийлар ва Александр давлатига нисбатан анча кичик бўлиб, ҳокимият 27-28 та сатрапияга бўлинган.

Салавкийлар давлат бошқаруви



Ҳар қайси сатрапияни подшо томонидан тайинланиб қўйилган **сатрап** ёки **стратег** мансабидаги шахс бошқарган. Форс сатрапларидан фарқ қилган ҳолда улар ҳам маъмурий, ҳам ҳарбий бошқарувни қўлга олганлар. Сатрап-стратег маъмурий бошқарувда энг яқин одамларидан ўзига ёрдамчи танлаган. Бу ёрдамчи солиқ йиғувчилар фаолияти, ички ва ташқи савдо, хўжалик ҳаётини назорат қилиб борган.



Тарихий манбаларда салавкийлар сатрап-стратеглари юнонча ном (Стратоник, Александр, Гиеракс, Антиох ва бошқалар) тилга олинади. Демак, салавкийлар ҳукмдорлари асосан юнонлардан ва айрим ҳолларда эллинишган маҳаллий зодагонлардан тайинланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўрта Осиёда юнон ҳокимлари ва улар атрофида тўпланган юнон зодагонлари билан бирга маҳаллий зодагонлар ҳам ҳокимлик қилар эдилар. Салавкийлар ҳокимияти Ўрта Осиёдаги ҳарбий пунктларда (катойкиядар) жойлашган ҳарбий кучларга таянган эди.

Салавкийлар даври Бақтрия, Марғиёна, Суғдиёна ва Парфия ҳудудларида кўп аҳолили шаҳарлар кўп эди. Мароқанд, Бақтра, Нисо каби кўплаб қадимги шаҳар харобаларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида топилган топилмалар бу ҳудудларда хунармандчилик, савдотик ва хўжалик ишлари ривожланганлигидан далолат беради.


Салавкийлар давлати маълум бир халқ ёки элатлардан иборат бўлмай, кўпдан кўп этник гуруҳларни ҳарбий йўл билан бирлаштиришдан ташкил топган уюшма эди. Давлат бошқарувининг барча сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий йўналишлари подшо саройи билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат давлат бошқарувида катта аҳамиятга эга бўлган. Ахамонийлар давлатида бўлгани каби салавкийлар давлатида ҳам кўпгина давлат ишларини олиб борувчи девонхона мавжуд бўлган. Айрим манбалар салавкийлар саройидаги хат-хужжат ишларининг бошлиғи лавозими ҳақида маълумотлар беради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, салавкийлар даврида анчагина муракаб солиқ тартиби жорий қилинган бўлиб, салавкийлар ҳукмдорлари ўзларигача мавжуд бўлган солиқ тартибини ўзлаштирган ҳолда унга ўзгартиришлар киритиб, мукамаллаштирганлар. Деҳқонлардан ер солиғини йиғиб олиш сатрап-стратегларнинг вазифаси бўлган. Бундай солиқларнинг миқдори аниқ белгиланган бўлиб, вилоятлардан келадиган солиқларнинг умумий миқдори қишлоқ жамоаларидан тўшадиган солиқларга боғлиқ бўлган.

Мил.авв. III асрнинг 60-50-йилларига келиб Кичик Осиё ва Болқон ярим оролида Салавкий ҳукмдорлари ўртасида ҳокимият учун курашлар авж олди. Натижада салавкийлар давлатининг шарқий вилоятларида сиёсий вазият ўзгариб марказдан қочувчи кучларнинг ҳаракатлари фаоллашади. Мил.авв. 250 йилда келиб дастлаб Парфия, кейин эса Юнон-Бақтрия давлатлари салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиб ўзларини мустақил деб эълон қиладилар.

3. Юнон-Бақтрия давлати.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, Юнон-Бақтрия давлатининг салавкийлардан ажралиб чиқиши юнон зодагонларининг кўзғолони хусусиятига эга бўлиб, унга Бақтрия аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланган Диодот бошчилик қилади. Тадқиқотчилар Юнон-Бақтрия давлати пайдо бўлган турли саналарни белгилайдилар (мил.авв. 256, 250, 248 ва 246-145 йй). Бу давлатнинг асоси Бақтрия бўлиб, баъзи ҳукмдорлар



даврида (Евтидем, Деметрий, Евкратид) Ҳиндистоннинг шимоли-ғаро қисми, Амударё ва Сирдарё ўртасидаги катта ерлар қўшиб олинади.

Бақтриянинг салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиши хусусида римлик тарихчилар Помпей Трог ва Юстинда ўзуқ-юлуқ маълумотлар сақланган бўлса-да бу ҳақда батафсил маълумотлар учрамайди. Шунга қарамасдан мавжуд тангашунослик, айрим хўжалик ҳужжатлари, санъат ёдгорликлари, суғориш иншоотлари ва иморатлар қолдиқлари берган маълумотлар асосида бу давлатдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Аммо, Юнон-Бақтрия давлатининг сиёсий тарихи кўп ҳолларда қиёсий солиштириш ва тахминларга асосланади.


Юнон-Бақтрияда давлат подшо томонидан бошқарилган бўлиб, тангашунослик маълумотлари Диодот I,II,III, Евтидем I,II, Деметрий, Гелиокл, Платон каби подшолари ҳақида хабар беради. Салавкийлар каби Юнон-Бақтрия подшолари ҳам давлатни сатрапликларга бўлиб идора этганлар.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Юнон-Бақтрия мулкларининг чегаралар доимий мустаҳкам бўлмасдан, ҳарбий-сиёсий вазиятдан келиб чиқиб ўзгариб турган. Мил.авв. III асрнинг охирлари Ўрта Осиё жанубидаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳақида Полибий маълумотлар беради. Унинг ёзишича, салавкийлар томонидан Бақтрада қамал қилинган Евтидем уларнинг ҳукмдори Антиох III га «чегарада кўчманчи қабилалар турганлиги ва улар чегарадан ўтадиган бўлса ҳар иккала томоннинг ҳам аҳволи оғир бўлиши мумкинлигини» билдиради. Полибий маълумот берган ушбу кўчманчилар мил.авв. III асрнинг охирларида Зарафшон дарёсига қадар деярли бутун Суғдни эгаллаган бўлиб, бу ҳудудлар Юнон-Бақтрия давлатининг вақтинчалик шимолий чегараси бўлиб қолади. Шунингдек, ғарбий Ҳисор тоғлари ҳам шимолий чегаралар бўлган бўлиши мумкин.

Юнон-Бақтрия давлатининг гуллаб яшнаган даври III асрнинг иккинчи ярми ва мил.авв. II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Жанубий ҳудудлардан бу даврга оид Жондавлаттепа, Далварзин (пастки қатламлар), Ойхоним, Қорабоғтепа каби ёдгорликлардан ҳокимлар саройлари, ибодатхоналар, турар-жойлар, меҳнат ва жанговар қурооллар, турли хунармандчилик буюмлари ҳамда кўплаб танга пулларнинг топилиши бу ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ривожланиш жараёнларидан далолат беради.

Юнон-Бақтрия марказлашган давлат бўлиб, ҳокимиятни подшо бошқарар эди. Давлат бир нечта вилоят (сатрапия) ларга бўлинган бўлиб, бу вилоятлар бошқарувчилари ёки ҳокимлари подшога бўйсунар эдилар. Аммо, бу даврда давлат нечта сатрапиялар бўлганлиги ва улар қандай номланганлиги маълум эмас. Страбон маълумотларига кўра, сатрапияларга ноиб сатрапларни тайинлашда қариндошчилик аъналарига амал қилинган бўлиши мумкин.

Юнон-Бақтрия подшолиги давлат тузилишининг муҳим томони – қўшин ва уни ташкил этиш эди. Аввало, таъкидлаш лозимки, юнон-бақтрия қўшинларининг катта қисмини бақтрияликлар ва бошқа маҳаллий аҳоли ташкил этган. Қўшиннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари отлик-



суворийлардан иборат бўлган. Қўшинлар таркибида ҳарбий филлар бўлган.


Ўз вақтида В. В. Григорьев Бақтриядаги юнон ҳокимияти ягона монархия томонидан амалга оширилмай давлатлар уюшмаси (иттифоқи) томонидан амалга оширилгани даставвал, нисбатан кучлилар, улар орасидан «бақтрияликлар», кейин эса «уларга тобе бўлганлар» ҳақидаги концепцияни илгари сурган эди. Ҳозирги вақтда кўпчилик тадқиқотчилар Юнон-Бақтрия подшоларининг бошқарган ҳудудлари Шимолий Афғонистон, Жанубий Ўзбекистон ва Ҳиндикушдан жанубдаги айрим вилоятлар бўлганлигини эътироф этадилар. Бу ҳудудлардаги марказлашагн давлатда Диодот I, кейин эса Евтидем I (яъни, мил.авв. III асрнинг иккинчи ярми) даврларида кучли подшо ҳокимияти мавжуд эди. Мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Юнон-Бақтрия подшолигининг инқирозига қадар давлатда мутлақ бирлик ва барқарорлик бўлмаган.

Сўнги йилларда олиб борилган қазिशмалар натижасида топилган жуда кўплаб археологик топилмалар Амударё ўрта оқимининг ўнг ва чап қирғоғи аҳолисининг мил.авв. III-II асрлардаги ўзаро алоқаларидан дарак берибгина қолмай, бу ерларни Юнон-Бақтрия давлати таркибига кирганлигидан далолат беради. Э.В.Ртвеладзининг фикрича, мил.авв. 250-140/130 йиллар давомида Юнон-Бақтрия давлати мустақил давлат сифатида мавжуд бўлиб, бу даврда Диодот, Евтидем, Евкратид, Гелиокл каби подшолар ҳокимиятни бошқарганлар. Мил.авв. II асрнинг иккинчи ярмига келиб кўчманчилар зарбалари ва ўзаро тахт учун курашлар натижасида Юнон-Бақтрия давлати инқирозга учради.

6-§. Қанғ давлати.

Антик давр Ўзбекистон ҳудудларида тарққий этган давлатлардан бири – Қанғ давлатидир. Қадимги Хитой манбаларида Қанғ давлати мавжуд бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар мил.авв. III аср охири – II аср бошларига тўғри келади. Аммо, Қанғ давлати ва қанғарлар тарихининг машҳур билимдони К. Ш. Шониёзовнинг фикрича, бу давлат мил. авв III асрнинг бошларида пайдо бўлади. Кейинроқ эса, Юнон-Бақтрия давлати ва қўшни кўчманчи қабилалар билан бўлган курашлар натижасида Қанғ давлати янада мустақамланади ҳамда манбаларда Ўрта Осиёдаги йирик давлатлардан бири сифатида тилга олинади.

Қанғ давлати асосини ташкил этган қабилалар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида истиқомат қилганлар. Давлат ташкил топган дастлабки даврда унинг ҳудудий асосини Тошкент воҳаси ташкил этган. Ташқи ҳарбий хужумлар туфайли Қанғ давлати нафақат мустақамланиб олади, балки ўз чегараларини ҳам кенгайтириб боради. Яъни, мил.авв. II ва милодий I асрда Қанғ давлатининг ҳудуди анча кенгайиб Тошкент воҳаси, Ўрта Сирдарё ерлари, Талас водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқимидаги ерларни ўз ичига олар эди.




Қанғ давлати ҳақида бизгача етиб келган манбаларда бу давлат ҳокимияти қандай идора қилингани, бошқарув тартиби ва шакллари ҳақида аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Катта Хан сулоласи тарихида (мил.авв. 202-мил. 25 йй) Қанғ подшоси ўз **оқсоқоллари** билан маслаҳатлашиб иш тутганлиги ҳақида маълумот берилади. Бундан хулоса чиқарган тадқиқотчилар ўша даврда ташкил топган Қанғ давлатида **кенгаш** муҳим рол ўйнаганлигини, давлат кенгашида қабила бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол қатнашганликларини ҳамда уларнинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайдилар. Демак, ўша даврларда подшо саройи қошида кенгаш мавжуд бўлиб, подшонинг ички ҳамда ташқи сиёсати ва бошқа барча давлат ишлари ва бошқаруви билан боғлиқ масалалар ана шу кенгаш йиғилишида ҳал қилинган.

Қанғ давлатига қарашли ерлар бир нечта вилоятларга (ёки мулкларга) бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирини **жобғу** ёки **ёбғу** (қад. Хитой манбаларида – чжаову) деб номланган ҳокимлар бошқарган. Жобғулар мамлакат бошқарувида Қанғ подшоларининг асосий таянчи ҳисобланган. Жобғулар подшоларга яқин кишилардан, уларнинг қариндошларидан, йирик уруғ-қабила бошлиқларидан тайинланган.

М.И. Филановичнинг фикрича, сиёсий тузилма сифатида Қанғ, эҳтимол, мил. авв II асргача шаклланган кўчманчи ва ярим ўтроқ қабилаларнинг Қанғ йўлбошчилари кўл остида бирлаштирилган турли-туман иттифоқларидан иборат бўлган. Дастлаб у унча катта бўлмаган қабилалар иттифоқидан иборат бўлиб, жанубда юечжилар ҳокимиятига бўйсунса, шарқда хуннларга қарам эди. Аммо, мил.авв. II-мил. II асрда аста-секинлик билан у қудратли давлатга айланади. Бу даврда Қанғ давлати манбаларда 120 минг деб кўрсатилувчи кучли кўшинга эга бўлган ва кўшни Хитойга нисбатан ғоятда мустақил сиёсат олиб борган.

Археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қанғ кўшинларидаги отлиқ суворийлар юечжи суворийлари каби юбка шаклидаги бурмали совут, кўкракка тақиладиган қалқон кийишган. Баланд пўлат ёқалар уларнинг бўйнини ҳимоя қилса, дубулғалар бошни омон сақлаган. Қуроллардан қиличлар, найзалар, жанговар болталар, камон ва ўқлар кенг тарқалган эди. Ҳар бир бўлинма аждар шаклидаги ўзининг махсус туғига эга бўлган. Демак, Қанғ давлати кўшинларида қуролланиш ва ҳарбий санъатга алоҳида эътибор берилган.

Катта Хан сулоласи тарихида «қанғлилар мамлакати подшосининг турар жойи Лоюенидаги Битян шаҳрида» деб маълумот берилади. Бошқа тарихий манбаларда Лоюени номи учрамайди. Бинобарин, унинг қаерда жойлашганлиги аниқланмаган. К. Шониёзов Битян шаҳрини Тошкент воҳасида жойлашган деб ҳисоблайди. Чунки тарихий манбаларда айтилишича, Яксарт-Сирдарё бўйида қадимги Канха – Канка шаҳри харобалари жойлашган. Ю.Буряков узоқ йиллик археологик тадқиқотлар олиб бориш натижасида Канха шаҳри мил.авв. III-II асрларда пайдо бўлганлигини аниқлади. Демак, манбаларда эслатилган Битяннинг ташкил топган вақти



Канка шаҳри пайдо бўлган даврга мос келади. Бу номлар битта шаҳарни икки хил номланишидир. Ушбу шаҳар Сирдарёнинг ўнг ирмоқларидан бири Оҳангароннинг қуйи оқимида (ҳозирги Тошкент вил. Оққўрғон тумани ҳудудида) жойлашган.


Канка ҳақида дастлабки маълумотлар Авестонинг энг эски қисмлари бўлган Яштларда Турон қабилаларининг турар-жойлари сифатида эслатилади. Сосонийлар даври (224-651 йй.) манбаларида бу шаҳар «Қандеш» ёки «Қандиз» шаклида тилга олинади. Шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида ҳам Канка шаҳри бир нечта марта тилга олинади. Ундан ташқари ўрта асрлар географлари асарларида бу кўҳна шаҳар «Кенкрак», «Харашкент», «Тарбанд» номлари билан эслатиб ўтилади.

Юқорида эслатилган Катта Хан сулоласи тарихида «Қанғ подшосининг ёзги қароргоҳи Лоюенидан етти кун йўл юриб бориладиган ерда жойлашган» деган маълумот берилади. Ши-гу солномаларида таъкидланишича «Қанғ ҳокими қишда (совуқда), ёзда (иссиқ пайтларда) бир ерда яшамас эди». Бу билан бу фаслларда уларнинг турар-жойлари бошқа –бошқа ерда бўлиши ўқитиб ўтилади. К. Шониёзовнинг фикрича, келтирилган ахборотдан Қанғ давлати ўша даврларда (мил.авв. III-I, мил. I-Vасрлар) асосан ярим ўтроқ қабилалар давлати эканлигини тушуниб олиш қийин эмас. Ўтроқ аҳолидан ташқари Қанғ давлатининг чегарасида бир қанча қабилалар мавжуд бўлиб, улар деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик билан ҳам шуғулланиб келганлар. Улар баҳор ва ёз ойларида ўз чорвалари билан кўчиб ёзги яйловларда яшаганлар. Қишда эса анъанавий қишлоқ жойларига кўчганлар.

Антик даврда Қанғ подшоларининг ёзги қароргоҳлари анъанавий қишлоқ жойларидан шимолда ўрта асрлардаги Ўтрор шаҳри ўрнида ҳозирги Қозоғистоннинг Арис ва Туркистон шаҳарлари ўртасида жойлашган. Кейинроқ, яъни, илк ўрта асрлар даврига келиб ярим мустақил Чоч хукмдорлари Ўтрорни ўз қўлларида сақлаб қолганлар. Бу шаҳар уларнинг ёзги қароргоҳи ҳисобланган.

Мил.авв. II-I асрларга келиб Қанғ давлати кучайиши натижасида бир қанча вилоятлар унга тобе этилади. Н. Я. Бичурин, Хитой солномаларида қанғлиларга тегишли қўйидаги бешта вилоятлар ҳақида маълумотлар борлигини таъкидлайди: Сусе (Сусйе), Фуму, Юни, Ги, Юегянь. Ушбу вилоятларнинг қайси ҳудудларда жойлашганлиги ҳақида тадқиқотчилар орасида ягона фикр йўқ. Айрим тадқиқотчилар (В. В. Бартольд, М. Е. Масон, С. П. Толстов) Сусени-Кеш (Шахрисабз), Фумуни-Зарафшондаги Кушония, Юнини-Тошкент, Гини-Бухоро, Юегянни-Урганч ва унинг атрофлари билан айнан бир деб ҳисоблайдилар. Аммо, Қанғга тобе вилоятларнинг бундай жойлаштириш тўла ҳолда илмий асосланмаган бўлиб, мунозарали ҳисобланади.

Қанғ давлатининг этник таркиби хилма-хил бўлиб, унинг анчагина катта ҳудудларида Суғдиёна, Хоразм ва Тошкент воҳасида яшовчи деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотик билан шуғулланиб келган ўтроқ аҳоли билан биргаликда кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадар қабилалар (сақлар,



массагетлар, тоҳарлар, аланлар ва бошқалар) истиқомат қилганлар. Сирдарёнинг ўрта оқимида яшаган қанғлилар Қанғ давлати ташкил топишида асосий ўринни эгаллаган бўлиб, Қанғ подшолари асосан қанғлилар бўлган.

Мил.авв. II - мил. II асрларда Қанғ давлати ўз ривожланишининг юқори чўққисига кўтарилади. Қанғ подшоларига бўйсунувчи ярим мустақил вилоятларни бирлаштирган бу давлат ўз вақтида анчагина кучли бўлиб, ўзбек давлатчилиги тарихида ўз ўрнига эгадир. Агарда антик даврда Ўрта Осиёнинг жанубида шаклланган Кушон ва Парфия давлатлари Аҳамонийлар, Александр Македонский, Салавкийлар асос солган давлатлар анъаналарини ўзлаштириб тараққий этган бўлса, Қанғ давлати тараққиётида кўчманчилар давлатчилиги белгилари борлиги билан ажралиб туради.

Бизга қадар етиб келган ёзма манбалар ва бугунга қадар олинган археологик маълумотларга асосланган тадқиқотчилар Қанғ давлати, унинг таркиби, сиёсий, маданий ва иқтисодий тарихини ёритишга, мазкур сиёсий бирлашмада давлатчилик бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиши хусусида ўз муносабатларини билдирадилар.

Манбалар Қанғ подшоларининг номлари ҳақида маълумотлар бермайди. Фақат шу нарса маълумки, улар ўз номлари билан биргаликда уруғ номини ҳам қўллаганлар ва «Қанғ хонадони ҳукмдори» деб аталганлар. Қанғда сайланган ҳукмдорнинг ҳокимияти оқсоқоллар кенгашига таянгани ва айна пайтда кенгаш томонидан чеклаб қўйилганини кўзатиш мумкин. Қанғ ҳукмдорларининг қандай унвон билан аталганлиги маълум. Аммо, кенгашдаги зодагонлар вакиллари қандай аталганлиги турли баҳсларга сабаб бўлган. Антик даврдаги усунлар, юечжилар ва қанғларнинг ҳукмдорлари **ябғу** унвони билан аталган.

Қанғ давлати олиб борган ташқи сиёсат қўшни давлатлар билан савдо-сотик алоқаларини ўрнатиш, кескинлашган вазиятнинг олдини олиш ва ўз чегарасида осойишталик ўрнатишга қаратилган эди. Шу билан биргаликда, пайти келганда атрофдаги кучсизланиб қолган қабилаларга, воҳаларга, вилоятлар устига ҳужум қилиб, уларни ўзига қарам қилиш айрим ҳолларда ташқи сиёсатни белгилаб берар эди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, қанғлиларнинг энг ашаддий душманларидан бири – усунлар эди. Қанғ давлати ҳокимият бошлиқлари усунларнинг босқинчилик сиёсатини чеклаш мақсадида хуннлар билан яқинлашиб, улар билан дўстона муносабатлар ўрнатадилар. Мил. авв II-I ва мил. I асрда усунлар Хитой ҳукмдорлари билан яқин муносабатлар ўрнатиб хуннлар ва қанғлиларга қарши кураш олиб борадилар. Ўз навбатида Хитой императорлари кўчманчиларнинг ўзаро курашларидан фойдаланиб, ўз ерларини кенгайтириш мақсадида Қашғар, Ёркент ва Даван ерларига ҳужумлар уюштирадилар. Қанғлилар хитойликларнинг ҳарбий ва сиёсий мақсадларини тушуниб, уларни ўз чегараларига яқинлаштирмасликка ҳаракат қиладилар. Чунончи, Хитой қўшинлари мил.авв. 104,102,65 йиллар ва мил.одий I асрда Даван, Ёркент ва Қашғар вилоятларига босқинчилик



юришлари уюштирган вақтларда қанғлилар ёрдамга келиб хитойликларни босқинчилик юришларини бартараф этишда фаол иштирок этадилар.

Қанғ давлатининг жанубдаги қўшниси – антик даврдаги улкан ва қудратли салтанатлардан бири Кушон давлати эди. Қанғлилар бу давлат билан дўстона муносабат ўрнатишга ҳаракат қилишларига қарамасдан мил. I асрда кушонлар қанғлиларнинг мулклари ҳисобланган айрим вилоятларни ўз чегараларига қўшиб оладилар.


Қанғ давлатининг асосий аҳолиси ўтроқ ва ярим ўтроқ турмуш тарзи кечирганлар ва уларнинг атрофида кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли яшаган. Ўтроқ аҳоли асосан водийда, дарё воҳаларида яшаб, деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Қанғлилар деҳқончилигида арпа, буғдой, тарик, нўхот, шоли ва бошқа донли маҳсулотлар етиштириш асосий ўринда турган.

Мил. авв IX-III асрларда, яъни, Бурғулик (Бурканлик) маданияти ривожланган даврда меҳнат қуролларининг барчаси асосан тош ва бронзадан ясалган бўлса, қанғлилар даврига келиб темир буюмлар кенг тарқалади. Мил.авв. II-мил. - VI асрларда Тошкент воҳасида чорва қўшиб, омоч билан ер ҳайдаш кенг ривожланган эди. Шунингдек, бу даврда ерни сунъий суғориб экин экиш, катта ва кичик каналлар қазийш, сув иншоотларини бунёд этиш ҳам тарққий топади.

Воҳаларда яшовчи ўтроқ аҳоли деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар. Ёзма манбаларда бу аҳолининг сут-қатиклари ва зотдор отлари борлиги ҳақида маълумотлар берилади. Чорва молларининг кўпчилиги қисми кўчманчи ва ярим ўтроқ аҳоли ихтиёрида бўлган. Кўп сонли чорва молларини эса мавсумга қараб, бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаб боққанлар. Қанғ подшолари ва уларга яқин бўлган кишилар ниҳоятда бой чорвадорлар бўлганлар. Улар баҳор келиши билан яқинлари, қариндош уруғлари билан биргаликда ёзги қароргоҳда, яъни Ўтрорга бориб ёзни ўтказганлар. Кўзда эса қишлоқни ўтказиш учун Канкага қайтиб кетганлар.

Тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, қанғлиларнинг кўпчилиги шаҳарларда ва катта-кичик қишлоқларда яшаганлар. Шаҳарлар мустаҳкам ҳимоя иншоотлари билан ўраб олиниб, уларда қалъалар ҳам мавжуд бўлган. Кўпчилик шаҳарларнинг аввалдан ўйланган режавий тўзум асосида қурилганлиги Қанғ давлатида шаҳарсозлик маданияти ривожланганлигидан далолат беради.

Мустаҳкам ҳимоя иншоотлари ва қалъаларга эга бўлган шаҳарларда ҳамда йирик қишлоқ ва қўрғонларда йирик қабила бошлиқлари, уруғ ёки жамоа оқсоқоллари, бой-бадавлат оилалар ва қисман ҳунармандлар яшаганлар. Турар-жойлар асосан пахса ва хом ғиштдан қад кўтарган. Қанғ давлати аҳолисининг кўпчилиги қисми тарқоқ ҳолда кичик-кичик қишлоқларда, ертўлаларда, қапа уйларда ва ўтовларда яшаб, ярим ўтроқ ва кўчманчи турмуш тарзи юритганлар.



Шаҳар ва қишлоқларда ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари кулолчилик, темирчилик, терига ишлов бериш, заргарлик, тоштарошлик, тўқимачилик каби ўнлаб турлари ривожланган эди. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, йирик шаҳарларда ҳунармандчиликнинг маълум соҳасига ихтисослашган усталарнинг маҳаллалари мавжуд бўлган. Тадқиқотлар натижасида топилган рангдор сопол идишлар, турли матолар қолдиқлари, чарм буюмлар, от-улов анжомлари ҳамда турли зеб-зийнатлар Қанғ давлати маданияти ниҳоятда ривожланганлигидан далолат беради. Шунингдек, Канка ҳаробаларидан, Жўнариқ атрофларидаги тепаликлардан, Қовунчитепа, Чоштепа ва Тошкент воҳасининг кўпгина ҳудудларидан мил.авв. III – милодий V асрга оид археологик топилмалар ҳам Қанғ маданияти ривожининг намунаси дир.

Қанғ тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича, бу давлат маданиятининг юқори даражаси тасодифий ҳол эмас. Яксарт-Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи қанғлиларнинг Суғдиёна, Фарғона ҳамда дарёнинг қуйи оқимида яшовчи кўплаб халқлар билан ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари Қанғ давлати маданияти тараққиётига асос бўлган эди. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда улар маданиятидаги умумийлик кўзга ташланади. Ундан ташқари Қанғ давлати ҳудудларидан Буюк ипак йўли тармоқларининг ўтганлиги ҳам давлатнинг иқтисодий ва маданий ривожига, қўшни давлатлар билан сиёсий ва дипломатик алоқаларнинг тараққий этиши учун омил бўлиб хизмат қилган эди.

7-§. Даван давлати.

Ўрта Осиёнинг Шарқда, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида жойлашган қадимги Фарғона антик давр ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Фарғона ҳақида юнон-рим муаллифлари маълумотлар бермайдилар. Бу давлат ҳақидаги ёзма маълумотлар асосан Хитой манбаларида – Чжан Цян маълумотларида, Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар», Бан Гуннинг «Биринчи хан сулоласи тарихи» асарларида берилади. Бу манбаларда ушбу давлат «Даюан» ёки «Да-ван» номи остида эслатилади. Фарғона сўзи Суғд манбаларида «Фрагоник» шаклида ёзилиб «тоғлар орасидаги водий, атрофи берк сойлик» маъносини беради. Хитой манбаларидаги Дайюан ҳам «тоғлар орасидаги водий» маъносини беради.

Даван давлати тарихи бўйича узоқ йиллардан буён тадқиқот ишлари олиб борилиб, сўнгги йилларда ўзбек олимларидан А.Асқаров, А.Хўжаев, Б.Матбобоев, А.Анорбоев, С.Кудратов, Б.Абулғозиева, Б.Абдуллаев, Абдуҳолик Абдурасул ўғли қабилар археологик маълумотларни ёзма манбалар билан қиёсий ўрганиш асосида самарали ишлар олиб бораётган бўлишларига қарамай, бу йўналишда ҳали кўпгина масалалар ўз ечимини топмаган. Даван давлати шаҳарларининг аниқ жойлашуви, давлат тизими ва бошқаруви, давлатнинг чегаралари, қўшни давлатлар билан муносабатлар, маҳаллий маданиятнинг қўшни маданиятлар билан муносабатлари масалалари шулар жумласидандир.



Қадимги Фарғона аҳолиси бронза давридаёқ булок сувла бирлашувидан пайдо бўлган Қорадарё тармоқлари ҳавзаларида ўзига хос суғорма деҳқончилик маданиятини яратадилар. Аввало ўтроқ деҳқончилик, кейинчалик илк шаҳарсозлик ва ниҳоят илк давлатчиликка асос бўлган бу маданият фанда «Чуст маданияти» номи билан машҳур бўлиб, қадимги Фарғонанинг шимоли-шарқий ҳудудларидан бу маданиятга оид 80 дан ортиқ ёдгорликлар мажмуи аниқланиб ўрганилган. Улардан илк шаҳар маданияти белгилари Далварзинтепада (Андижон вилояти) ва Буонамозорда (Наманган вилояти) аниқланган. Ундан ташқари Чуст маданиятини Шўрабашот ва Эйлатон маданиятлари давом эттиради.


Илк темир ва антик даврга келиб Фарғонада маҳаллий маданиятлар анъаналари асосида тараққий этаётган қадимги деҳқончилик маданиятлари бутун водийни қамраб олади ва аҳолининг ўтроқ ҳаёт тарзи жамият иқтисодий асосини ташкил этади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил.авв. III асрдан бошлаб бутун Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданияти кенг ёйилади. Айнан мана шу даврда Фарғона водийси орқали ўтган Буюк ипак йўли тармоқлари бўйлаб Ахсикент, Марҳамат, Кубо, Марғилон, Боб (Поп) каби кўхна шаҳарлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам мил.авв. II асрга оид Хитой манбалари Фарғонада 70 та катта-кичик шаҳарлар борлиги ҳақида маълумот беради.

Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар» асарида Даваннинг иккита пойтахти – Эрши ва Ючен бўлганлиги ҳақида хабар берилади. Бу шаҳарларнинг жойлашуви масаласида олимлар орасида ягона фикр йўқ. Улар Ўзган, Мингтепа (Марҳамат), Қўқон, Косон, Ахсикент, Ўратепа ёки Жиззах ўрнида жойлаштирилади.

Энг қадимги ёзма манбалар Ўрта Осиёдаги айрим илк давлат уюшмалари ҳақида маълумотлар берсада, Фарғона ҳақида бундай маълумотлар учрамайди. Шунга қарамасдан Ю.А.Заднепровский Қадимги Фарғона (Даван) подшолигининг мавжуд бўлганлигининг тахмин қилади. А. Асқаровнинг фикрича, мил.авв. I минг йилликнинг ўрталаридан олдинги даврдаги Фарғона ҳақида сўз юритилганда одатда фақат «чифдом» (воҳа) шаклидаги қадимги давлат асосларининг пайдо бўлиши англашилади. Олимнинг фикрича, мана шу ҳолатни ҳисобга олиб Фарғонада давлатчилик, афтидан, мил. авв V-IV асрларда пайдо бўлган бўлиши мумкин.

Б.Матбобоевнинг фикрича, А. Асқаровнинг бу хулосаси иккита тарихий далилга асосланган. Биринчиси, айнан мана шу даврга оид археологик топилмалар (Шўрабашот маданияти) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги (маҳсулот ишлаб чиқариш ва савдо сотиқнинг ўсиши) ҳақидаги тахминларни илгари суриш имконини беради. Иккинчиси, мил.авв. II асрдаёқ Фарғонада кўп сонли шаҳарлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор.

Мил. авв II асрдан бошлаб Қашғардан Даванга шимолий йўлдан карвон йўли ҳаракати бошланади. Бу йўлдан ипак ва бошқа маҳсулотларнинг халқаро транзит савдоси амалга оша бошлайди. Бу пайтга келиб Даван аҳолиси кўпая



бошлайди ва кўплаб мустаҳкамланган аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлади. Савдо йўлида Даван муҳим аҳамиятга эга бўлиб боради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ясса ва Қорадарё воҳаларида кўпгина қалъалар савдо йўлини кўриқлаш мақсадида барпо этилади.

Мил.авв. 125 йилда Даванга келган Хитой элчиси Чжан Цян бу ерда қишлоқ ва шаҳарлари обод, суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчилик хўжаликлари юксак ривожланган, кучли ҳарбий кучларга эга давлатни кўради. Чжан Цян Даваннинг қишлоқ хўжалиги ҳақида маълумот бериб, шундай ёзади: «Ўтроқ аҳоли ер ҳайдайди, ғалла ва шоли экади, уларда мусаллас навли ўзум, жуда кўплаб яхши отлар бор. Даваннинг барча жойларида ўзум виноси тайёрлайдилар. Бой хонадонлар уни катта миқдорда тайёрлайди, бу ичимлик хумларда бир неча ўн йилларда ҳам бўзилмай сақланади». Шунингдек бу элчи, бу давлат аҳолиси жуда хушмуомала, меҳмондўст, кўнгли очиқ одамлар эканлиги ҳақида маълумот беради.

Хитой манбалари қадимги Фарғонада деҳқончилик маданияти юқори даражада ривожланганлигини исботлайди. Хитойликларни айниқса, ўзлари учун нотаниш бўлган беда ва ўзум ҳайратга солган. Манбаларда яна шундай маълумот бор: «Хитой элчиси уруғ келтирди, шунда осмон фарзанди(Хитой императори) унумдор ерга беда ва ўзум экди». Даванликларнинг боғларида ўзумдан ташқари анор, ўрик ва бошқа мевали дарахтлар кўп бўлган. Хитой тарихчилари бу меваларнинг Хитойда пайдо бўлишини Даван билан боғлайдилар.

Хитой манбалари, шунингдек, қадимги Фарғона чорвачилигининг ўзига хос томони бўлган йилқичиликнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар беради. Даван давлати антик даврда машҳур зотдор отлари билан шуҳрат қозонган эди. Манбалардан маълум бўлишича, уларни етиштириш билан ўтроқ аҳоли шуғулланган. «Даванда яхши отлар бўлиб, улар Эрши шаҳридадир, отларни яширадилар ва Хан элчисига беришга рози бўлмайдилар». Даваннинг машҳур «самовий отлари» тасвирлари туширилган қоятош суратлари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган.

Хусусан, Ўшдан 8 км узоқликдаги Айримчатовнинг қоя адирларида 30та чиройли зотдор отларнинг тасвирлари бор. Худди шунга ўхшаш тасвирлар Марҳамат яқинидаги Аравон қоясидан, Навқат воҳаси ва Обиширсойдан ҳам топилган. Бу тасвирлар Даван ўзининг самовий отлари билан қадимдан машҳур бўлганлигини тасдиқлабгина қолмай, фарғоналикларнинг юксак санъат соҳиблари бўлганликларидан ҳам далолат беради. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, кўшни давлатлар, хусусан, Хитой императорлари Даван отларини ниҳоятда қадрлаганлар.

Даван давлати маълум бир сиёсий уюшмани ташкил этган бўлиб, давлатни бошқарувчи ҳукмдор манбаларда «Ван» (подшо) унвони билан иш юритгани эслатилади. Манбаларда «Ван» унвонига эга бўлган Моцай, Чань Финь, Муғуа, Яньлю каби ҳукмдорларнинг номлари сақланиб қолган. Ягона ҳукмдор бўлган подшо, яъни, «Ван» давлат аҳамиятига молик бўлган ишларни оқсоқоллар кенгашига суянган ҳолда олиб борган. Манбаларнинг



маълумот беришича, подшога яқин кишилар (одатда унинг қариндошлари) орасидан ёрдамчилар – бита катта ёрдамчи (Фу ван) ва битта кичик ёрдамчи (Фу-го-ван), тайинланган. Давлат ҳукмдори ёки подшо мамлакатнинг сиёсий ва диний ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Бу жараёнда оқсоқоллар кенгашининг ҳам аҳамияти кам бўлмаган. Оқсоқоллар уруш ва сулҳ тузиш масалаларини ҳал этишда иштирок этганлар, баъзан улар ҳукмдорнинг тақдирини ҳам ҳал қилганлар. Мисол учун, манбаларда қайд этилишича, урушда мағлубиятга учраганлиги учун ҳукмдор Ван Моцай оқсоқоллар кенгашидаги умумий овоз беришда айбдор деб топилган ва қатл қилинган.

Даван давлати ҳудудлари шаҳарлар ва воҳаларга бўлинган ҳолда идора этилган бўлиши мумкин. Чунки манбаларнинг маълумот беришича, Ючен шаҳрининг ҳокими Хитой қўшинига озик-овқат етказиб беришдан бош тортган. Тадқиқотчи Н. Горбунова ҳар бир шаҳарнинг, эҳтимол, воҳанинг ўз ҳокими бўлганлиги ҳақидаги тахминни илгари суради. Олиманинг фикрича, айнан мана шу ҳокимлар оқсоқоллар кенгаши таркибига кирган ва унда ҳал қилувчи мавкега эга бўлган. А. Асқаровнинг фикрича, оқсоқоллар кенгаши олдида подшо-ҳукмдорнинг ҳуқуқлари чекланган эди. Айниқса, уруш ва тинчлик, дипломатик масалаларда ҳал этувчи куч ва ҳуқуқ оқсоқоллар кенгаши қўлида эди.

Сўнги йилларда Даван давлати тарихи бўйича самарали иш олиб бораётган Б.Х.Матбобоевнинг ёзишича, ички тартибни сақлаш ва мамлакатни ташқи душмандан ҳимоя қилиш учун Даван давлатида асосан пиёда аскарлар ва отлик суворийлардан иборат бўлган 60 минг кишилик қўшин мавжуд эди. Манбаларнинг маълумот беришича, даванликлар «отда кетаётиб ўқ отишда моҳир бўлганлар». Жангчиларнинг қуроллари ўқ-ёй ва найзадан иборат бўлган. Даван қўшинлари очик жангга киришга ҳам, узок муддатли мудофаа урушлари олиб боришга ҳам қодир бўлган.

Даваннинг «самовий отлари» ва давлатнинг серунум ерлари учун мил. авв II асрнинг охирларида Хитой ва Даван ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтади. Чжан Цян ва Сима Цянларнинг берган маълумотларига кўра, Хитой императорлари Даванга икки марта юриш қиладилар. Биринчи юриш мил.авв. 104 йилда уюштирилиб, хитойликлар Даваннинг маркази Эршига етиб кела олмай Лобнорда каттик қаршиликка учрайдилар. Ундан ташқари Ўзганда катта талофат кўрган Хитой қўшинлари ўз юртиларига қайтиб кетишга мажбур бўладилар. Аммо, қанғлилардан ёрдам келаётганини эшитган император қўшинлари даванликлардан 3 мингта «самовий тулпор» ни олиб Хитойга қайтишга мажбур бўладилар. Шундай қилиб Даван давлати хитойликлардан ўз мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўлган.

Ўзининг бутун тарихи давомида Даван давлати йирик императорлар ва кучли давлатлар таъсири остига тушмасдан ўз сиёсий эркинлигини сақлаб қолган. Археологик топилмалар ҳам қадимги Даваннинг ўзига хос ривожланиш йўлига эга бўлганлигидан далолат беради. Мисол учун, Фарғона водийси мил.авв. VI-IV асрларда Эрон Аҳамонийлари ва Александр Македонский босқинларидан четга қолган. Александр фақат Хўжанд



шаҳригача келганлиги тахмин қилинади. Салавкийларнинг ҳам Фарғона водийсига кириб борганлари ҳақида маълумотлар йўқ.

Милоднинг I-II асрларига келиб қадимги Фарғона аҳолисининг ўтроқ деҳқончилик маданияти юқори даражага кўтарилади. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Фарғона водийсида бу даврга оид кўп сонли аҳоли манзилгоҳлари, қалъалар, кўрғонлар, кўхна шаҳарлар харобалари аниқланган. Аҳоли манзилгоҳларини водийнинг турли ҳудудларида кенг ёйилиш суғорма деҳқончилик ва ирригация ишларининг юқори даражада ривожланиши натижаси эди. Давлатнинг сиёсий ва маданий ривожланишида хунармандчиликнинг маркази бўлган қадимги шаҳарлар айниқса катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу даврга оид археологик топилмалар деҳқончиликдан ихтисослашган хунармандчиликнинг ажралиб чиққанлигидан далолат беради. Бу жараён ўз навбатида хунармандчилик ва тоғ-кон саноатининг (турли маъданлар қазиб олиш) янада ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Хитой манбаларида Даванда кўрғошин, олтин, темир рудалари қазиб олинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Кўрғошин Ҳайдаркондан, темир, кумуш ва зумрад эса Фарғонанинг жанубидан, шимолидан ва шимоли-ғарбидан қазиб олинган. Ушбу ҳудудлардан кўплаб аниқланган қадимги қонлар қолдиқлари ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Хунармандчиликнинг ривожланиши ва қадимги йўлларнинг мавжудлиги туфайли Фарғона водийсида Шарқий Туркистон билан олиб борилган ташқи савдо билан бир қаторда, атрофдаги тоғ водийларда яшовчи чорвадор – кўчманчи аҳоли билан ҳам ўзаро алмашинув ривожланади. Антик давр Фарғона ёдгорликларининг айримларида Хитой тангалари (у-ши) учраса ҳам маҳаллий тангалар учрамайди. Бу ҳол натурал хўжалик (маҳсулот айирбошлаш) устунлик қилганлигидан далолат беради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Даван давлати мил.авв. III – милодий III асрларда мавжуд бўлган бўлиб, бошқарув тизимига кўра подшолик ҳисобланган. Аҳолининг кўпчилиги шаҳарларда истиқомат қилган. Буюк Ипак йўлининг пайдо бўлиши ҳам ушбу давлатнинг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади. Хитойдан Ўрта ер денгизигача чўзилган бу йўлдаги қитъалараро савдода шарқий Суғдиёна чегараларидан то Тан давридаги Хитой империясигача бўлган йўлнинг хавсизлигини таъминлашда, озиқ-овқат, йўл кўрсатувчилар ва таржимонлар етказиб беришда Даван давлати асосий рол ўйнаган.

Демак, подшолик бошқарув тизими ва оқсоқоллар кенгашига асосланган Даван давлати – ўз даврида қадимги ўзбек халқи давлатчилиги тараққиёти анъаналарини давом эттирган давлат бўлиб, давлатчилигимиз тарихида алоҳида аҳамият касб этади. Кейинги олиб борилажак тадқиқотлар Даван давлати тарихи муаммолари билан боғлиқ кўпгина масалаларга аниқлик киритиши шубҳасиздир.



8-§. Кушонлар давлатчилиги.


Тарихий манбалар Юнон-Бақтрия давлати кўчманчи қабилалар томонидан тор-мор этилганлиги ҳақида маълумот беради. Страбон маълумотларига кўра, Бақтрияни ассиёлар, пассианлар, тохарлар, саклар қабилалари босиб оладилар. Помпей Трог хабар беришича, – “Бақтрия ва Суғдиёнанинг скиф қабилалари сараукалар ва ассианлар босиб оладилар”. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар иккала тарихчи битта қабила ҳақида маълумот берган.

Қадимги Хитой манбалари Бақтрияни юечжи қабилалари босиб олганлиги ҳақида маълумот беради. Мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагида (тадқиқотчилар бу санани мил.авв. 172-161 йиллар оралиғида деб белгилайдилар) юечжилар хунлардан мағлубиятга учраганидан сўнг Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларида кўчиб юрадилар. Бу қабилалар Хитой манбаларида “Да-юечжи” – “Буюк” ёки “Катта юечжи” деб эслатилади. Чжан Цзян маълумотларига кўра, юечжилар хунн қабилаларидан мағлубиятга учрагач Ўрта Осиёнинг жанубига томон ҳаракат қилиб, Дахя (Бақтрия)ни босиб оладилар ва Гуйшуй (Амударё)нинг шимолий томонида жойлашадилар. Катта Хан уйи тарихида ҳам юечжилар Гуйшуй дарёсининг шимолий томонидан ўз пойтахтларига асос солганликлари таъкидланади.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, юечжилар мил.авв. 140-130 йиллар оралиғида Бақтрияга бостириб кирганлар. Орадан кўп ўтмай Бақтрияда Катта юечжи давлати ташкил топади. Кичик Хан уйи тарихи маълумотларига кўра, Катта юечжи ҳукмдорлари қўл остида бешта ҳокимлик (Хи-хэу) бор бўлиб, улар Хюми, Шаунми, Гуйшуан, Хисе ва Думилардан иборат эди. Хитой манбаларидан хулоса чиқарган кўпчилик тадқиқотчилар Бақтрия тарихидаги бутун юечжи даврини уч босқичга бўладилар:

1. Мил.авв. 139-125 йиллар – Катта юечжи Дахя вилоятини босиб олади, аммо уларнинг асосий мулклари Амударёдан шимол томонда эди.
2. Мил.авв. 25 йилга қадар – Катта юечжи давлатининг шаклланиши ва кейинги ривожланиши. Давлатнинг пойтахти Амударёдан шимол томонда бўлиб, жанубий чегараси Гибин атрофларида (Кашмир ёки Қандаҳор) эди. Юечжилар бўйсундирган ҳудудлар Хисе, Шаунми, Гуйшуан, Хюми, Думи мулкларидан иборат бўлиб, улар хи-хоу (ябғу) томонидан бирлаштирилган.
3. Мил.авв. 25 йилдан кейин Катта юечжи давлатининг инкирози ва юқорида эслатилган мулкларнинг мустақил бўлиши. Кушон (Гуйшуан) ябғуси Киоцзюкю (Кужула Кадфиз) қолган тўртта мулкни бирлаштириб Кушон давлатига асос солди.

Таъкидлаш лозимки, маданий ва ижтимоий-иқтисодий тарихга нисбатан Кушон давлатининг сиёсий тарихи кам ўрганилган масала ҳисобланади. Кушонларнинг ҳокимият тепасига келиш санаси, ушбу давлат тарихини даврлаштириш айрим кушон ёзувлари, тангашунослик маълумотлари, қисман Хитой манбалари, буддавий маълумотлар ва илк ўрта асрлар манбаларига



асосланади. Тадқиқотчилар Кушон давлати тарихини қуйидаги учта босқичга ажратадилар:


1. Юнон-Бақтрия подшолари ҳукмронлигининг тугатилиши ҳамда Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистон худудларида бир нечта алоҳида давлат уюшмаларининг ташкил топиши (мил.авв. II асрнинг охири – I аср).
2. Буюк Кушон давлатининг пайдо бўлиши ва гуллаб яшнаши (милодий I-III асрлар).
3. Кўчманчиларнинг тинимсиз урушлари натижасида Кушон давлатининг инқироzi ва қўлаши (III аср охири – IV аср).

Кушон давлатининг пайдо бўлиши ҳақида кўпроқ Хитой манбалари ва тангашунослик маълумотлари хабар беради. Умуман, Кушонлар салтанатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши узоқ вақт тадқиқотчилар орасида баҳсларга сабаб бўлган бўлсада, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу масалага жуда кўплаб аниқликлар киритиш имконини берган тадқиқотлар олиб борилди. Айниқса, 1961 йил Лондонда ўтказилган халқаро симпозиум, 1968 йил Дўшанбеда ЮНЕСКОнинг конференцияси, 1970 йил Қобулдаги халқаро анжуман Кушон давлати масалаларига бағишланган бўлиб, ундан кейин ҳам бу масала бўйича кўплаб халқаро анжуманлар бўлиб ўтди.

Мил.авв. I асрнинг охири – мил. I асрнинг бошларига келиб, Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю барча мулкларни бирлаштириб Қобулистон ва Қандаҳорни забт этади. Натижада бу даврга келиб дастлабки пойтахти Сурхон воҳасидаги Далварзин кўҳна шаҳри ҳаробалари бўлган Кушон давлати ўз аҳамиятига кўра антик давр Хитойдаги Хан давлати, Парфия подшолиги, Рим салтанати билан рақобатлаша оладиган қадимги дунёнинг энг қудратли ва забардаст давлатларидан бири сифатида ташкил топди. Хитой манбаларидаги **“Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю”**, илк Кушон даврига оид топилма тангалар акс эттирилган **“Кушон подшоси Кужула Кадфиз”**га айнан мос тўшади.

Тангашунослик маълумотларига таянган тадқиқотчиларнинг фикрича, Кужула Кадфиз ёки Кадфиз I 80 йилдан зиёдроқ умр кўриб 50-60 йил давлатни бошқариб, тахминан милодий 35 йилда вафот этади. Ўзининг ҳукмронлиги даврида Кадфиз I Бақтриядаги унча катта бўлмаган юечжи мулклари ҳукмдоридан Бақтриядан ташқари Ғарбий ва Жанубий Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистонни ўз таркибига олган қудратли давлатнинг подшоси даражасига кўтарилади. Аммо, манбаларнинг гувоҳлик беришича Кадфиз I даврида Кушон давлати тўла шаклланиб бўлмаган эди. Ҳар ҳолда, бу даврда Кушонлар ўз тангаларига эга бўлмай, Кадфиз I Рим императорларига (Август ва Тиберийга) тақлид қилиб танга зарб эттирган.

Манбаларнинг далолат беришича, Кужуладан кейин тахтга унинг ўғли Вима (Гима) Кадфиз (Кадфиз II) ўтиради. Хитой муаллифлари Кадфиз II тахтга ўтирганидан сўнг **“Тянчжу (Марказий Ҳиндистон)ни забт этди ва у ерга ўз саркардаларидан бирини бошқариш учун қолдирди. Шу даврдан бошлаб юечжи кучли ва бой давлатга айланди”**, деб хабар берадилар. Бу




хабарни тангашунослик маълумотлари ҳам таъкидлайди. Кадфиз II зарб эттирган тангаларнинг ўнг қирғоқ Бактриядан, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий туманларидан топилиши бу ҳудудларнинг Кушон давлати таркибига кирганлигидан далолат беради. Тангашуносларнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотларига кўра, Кадфиз II зарб эттирган **“Шоҳлар шоҳи – буюк халоскор”** деган ёзув бор тангалар Ҳиндистон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Бундай тангалар Ашхобод, Хоразм, Тошкент воҳаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Панжикент ҳудудларидан ҳам топилган. Кадфиз II нинг Рим салтанати билан алоқалар ўрнатганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Кушон подшолари ичида энг машҳури Канишка ҳисобланади. Унинг ҳукмронлиги даврида Кушонлар салтанати гуллаб-яшнашининг юқори чўққисига кўтарилади. Канишка даврида Панжоб, Кашмир вилоятлари мамлакатга кўшиб олинади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, давлатнинг пойтахти Далварзиндан Пешовар (Афғонистон) атрофларига кўчирилади. Бу даврда (мил. II аср) мамлакатнинг ҳудуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шарқий Туркменистондан иборат эди. Сюань Цзяннинг ёзишича, “Канишка подшолик қилган даврда унинг шон шухрати кўшни мамлакатларга ёйилди. Мамлакатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик томонидан тан олинди. Хитойнинг ғарб томонидагилар ҳам Канишканинг ҳокимиятини тан олиб, унга ўз гаровга қўйган одамларини юборар эдилар”.

Кушонлар сулоласи ёзма манбалар асосида ва тангашунослик тадқиқотлари орқали ўрганилган. Кушонлар даврида чиқарилган илк тангаларнинг бир томонида Юнон-Бактриянинг сўнгги подшоси Гермей тасвири, иккинчи томонида эса “кушонлар ябғуси Кужула Кадфиз” деган сўзлар бор. Демак, дастлаб Кушон ҳокимлари ўз номларини “подшо”, “шоҳ” тушунчалари билан боғламаганлар. Аммо, Кушон давлати ҳудудининг кенгайиши ва сиёсий-ҳарбий аҳамиятининг ортиб бориши билан бирга танга пулларда “шоҳ”, “шоҳлар шоҳи” атамаси кўплаб учрайди. Бундай ўзгаришлар Хитой муаллифи берган маълумотларни яъни, давлатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик мамлакатлар томонидан тан олинганлигини исботлайди.

Подшо Канишка I ўзидан олдинги давлат бошқаруви анъаналарини сақлаб қолди ва давом эттирди. Маълум вилоятлар ва шаҳарлар давлат тепасида турувчи олий ҳукмдор ноиблари томонидан бошқарилар эди. Бундай ноиблар подшо томонидан тайинланиб, унинг энг яқин ва ишончли вакиллари ҳисобланган. Улар олий ҳукмдорга, яъни, подшога сўзсиз итоат этиб, доимий равишда давлат хазинасига ўлпонлар тулаб турганлар. Кушонлар даврида маҳаллий аҳолидан йиғиладиган солиқ тартиби ҳақида маълумотлар бизгача сақланмаган бўлса-да, бундай тартиб мавжуд бўлганлиги аниқ.

Кушон подшолиги руҳонийлар кўлидаги давлат бўлиб бу давлатда подшо ҳокимиятини бошқариш билан бирга бош қоҳин ҳам ҳисобланган. Подшолик сатрапияларга бўлинган бўлиб, уларнинг ноиблари подшо томонидан тайинланган. Кушон подшолиги марказлашган давлат ҳисобланиб, давлатда қишлоқ жамоаларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган.




Сўнгги йилларда олиб борилган кўплаб археологик тадқиқотлар Кушон даври Ўрта Осиё халқларининг моддий маданиятини ўрганиш бўйича бой материаллар бериб, кенг имкониятлар яратди. Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, мил.авв. I минг йилликнинг охири-милоднинг дастлабки асрлари Ўрта Осиёда хўжалик ва маданий ҳаёт даражасининг кўтарилган даври бўлди. Жанубий Туркманистон ва Хоразм, Бухоро ва Самарқанд, Сурхон воҳаси, Вахш, Қашқадарё ва Фарғона водийсидан топилган шу даврга оид археологик топилмалар суғорма деҳқончиликнинг анчагина ривожланганлигидан далолат беради. Деҳқончиликнинг ривожини туфайли кенг ҳудудлар ўтроқ аҳоли томонидан жадаллик билан ривожланади. Мисол учун, Э.В.Ртвеладзенинг тадқиқотларига кўра, фақатгина Шимолий Бақтрияда (Сурхон воҳаси) 120 дан зиёд кушон даврига оид аҳоли шаҳар ва қишлоқлари аниқланган. Бу даврда деҳқончилик нафақат текисликларда балки тоғли ҳудудларга ёйилади. Зарафшон ва Қашқадарёнинг юқори оқимидаги тоғли ҳудудлардан деҳқончилик манзилгоҳлари топиб ўрганилган. Бу даврда шунингдек, Хоразмда, Зарафшонда, Сурхон воҳасида илгариги даврдигина нисбатан анчагина мураккаблашган суғориш иншоотлари барпо этилади. Деҳқончилик қуролларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Самарқанд яқинидаги Талибарзу ёдкорлигидан II-III асрларга оид ер ҳайдайдиган омочнинг темир учи топилган.

Бу даврда Ўрта Осиё шаҳарлари ҳам юқори даражада ривож топади. Кушон даври кўпгина вилоятлар ва воҳаларда ўтган даврларга нисбатан йирик шаҳар марказлари, кичик шаҳарчалар ва шаҳар типига манзилгоҳлар сонинг анча кўпайганлиги кўзатилади. Кушон даври шаҳарлари вилоятлар, айрим воҳалар ва туманларнинг маъмурий-сиёсий марказлари ҳисобланиб, уларнинг сақланиб қолган харобаларида қалъалар алоҳида ажалиб туради. Бундай қалъалар Самарқанддаги Афросиёбда, Марвдаги Говурқалъада, Қарши воҳасидаги Ерқурғонда, Эски Термизда, Далварзинтепа ва бошқаларда яққол кўзга ташланади.

Шунингдек, Кушон даври шаҳарлари диний-мафкуравий марказлар вазифасини ҳам бажариб, уларда йирик-йирик топиниш жойлари ва диний маросимлар ўтказиладиган иншоотлар жойлашган. Хоразмдаги Тупроққалъа, Балхдаги будда мажмуаси, Термиздаги будда ибодатхоналари, Қувадаги будда саройи шулар жумласидандир.

Кушон даври шаҳарлари хунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ҳам маркази эди. Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларидан жуда кўп сонли хунармандчилик буюмлари, сополчилик хумдонлари, метални қайта ишлашнинг излари, заргарлик буюмлари, ҳарбий ва хўжалик қурол-яроғлари топиб ўрганилган.

Кушон давлатида ташқи ва ички савдо ҳам тараққий этади. Кушонлар буюк ипак йўлининг шарқий қисми назоратини ўз қўлларига олган эдилар. Четдан келтирилган ипак, мўйна, бронза кўзгулар, муҳрлар, шиша идишлар, ҳайкалчалар ташқи савдо тараққиётидан далолат берса, кўплаб




хунармандчилик буюмлари ҳамда кумуш ва бронза тетрадрахмлар (тангалар) ички савдо ривожланганлигини исботлайди.

Ўз гуллаб-яшнаган даврида Кушон давлати кўплаб халқлар ва элатлар яшаб турган ҳудудларни эгаллаган эди. Ушбу халқлар ва элатлар турли тилларда гаплашганлар, ёзувнинг турли тартибидан фойдаланганлар ҳамда турли диний эътиқодларда бўлганлар. Моддий маданият буюмларида ҳам айрим фарқлар кўзатилади. Шунга қарамасдан Кушонлар даври маданиятига кўпгина умумийлик сезилади. Аммо, бутун Кушон давлатида ягона маданият ҳукм сурганлиги ҳақида фикр айтиб бўлмайди. Бу улкан давлатнинг ҳар бир вилояти қайсидир томонлари билан ўзига хос бўлган маданиятга эга бўлган.

Авваламбор, Шимолий Бақтрия (Сурхон воҳаси) ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу вилоят Кушон давлатининг энг йирик вилоятларидан бири бўлиб, маданияти юксак даражада ривожланган эди. Таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиёда буддизмнинг ёйилиши милоднинг биринчи асридан бошлаб айнан Бақтрия-Тохаристон ҳудудларидан бошланган. Ҳозирги кунда бу ҳудудлардан ундан зиёд будда ибодатхоналари, юздан ортиқ будда ҳайкаллари аниқланиб ўрганилган. Улардан энг машҳурлари Термиз яқинидаги Қоратепа ибодатхоналари, Зартепа ва Айритом топилмалари, Далварзинтепа ибодатхоналари ҳисобланади. Шимолий Бақтриянинг ўзига хос маданияти меъморчилик санаътида (бинолар устунлари ва пештоқларининг безатилиши), шаҳарсозлик маданиятида, кулолчилик ва заргарлик буюмларида ҳам ўз аксини топади.

Кушон даври Хоразм маданияти ҳам ўзига хос эди. Бу ҳудудларда буддизмнинг излари аниқ кўзатилмасда, аёл худоларга сиғиниш аниқланган ва кўплаб терракота ҳайкалчалар топилган. Кушон даврига оид Хоразмдаги нафақат меъморчилик, балки моддий ва бадий маданият намунаси машҳур Тупроққалъа ҳисобланади. Бу ерда иккита йирик сарой мажмуаси, сиғиниш, ҳарбийлар ва подшоҳлар заллари ҳамда кўплаб моддий маданият буюмлари очиб ўрганилган. Хоразм кулолчилик буюмларида ҳам кўпгина ўзига хосликлар аниқланган. Кушонлар даврида Суғд кичик мулкларга бўлинган эди. Маданий жиҳатдан бу вилоятни уч қисмга – Самарқанд Суғди (Зарафшоннинг юқори ва ўрта оқими), Бухоро Суғди (Зарафшоннинг қуйи оқими) ва Қашқадарё Суғди (Қашқадарё воҳаси)га ажратилади. Бу ҳудудлардаги диний иншоотлар Сангзор дарёси воҳасидан, Киндикли тепа ва Ерқўрғондан, Сеталк I (Бухоро)дан, Самарқанд яқинидаги Қўрғонтепадан топиб тадқиқ этилган.

Умуман, Кушонлар даврида маданий ҳаётнинг янада юксалганлиги яққол кўзга ташланади. Хусусан, Канишка даврида Ҳиндистондан тарқалган будда дини давлат динига айланди. Оромий ва юнон ёзувлари асосида кушон ёзуви мавжуд бўлган. Шунингдек, бу даврда Суғдча ва хоразмийча ёзувлар ҳам бор эди. Ушбу ёзувлар ёдгорликларида ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни акс эттирувчи айрим маълумотлар сақланиб қолган. Шунингдек, Кушонлар даврида Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётининг қурувчилик, ҳайкалтарошлик, рассомлик, наққошлик каби соҳаларида ҳам



катта ютуқларга эришилган. Хоразм, Суғдиёна, Бактрия, Фарғона, Шарқий Туркистон ва Шимолий Ҳиндистондан очилган кўплаб маданий ёдгорликлар юқоридаги хуदाдлардаги маданий ҳаёт ўзининг юқори чўққисига чиққанлигидан далолат беради.

Кушонлар даврида бинокорлик ва меъморчилик ҳам шаклан ҳам мазмунан ривож топганлиги кўзатилади. Чунки, бу даврдаги маъмурий, диний, ишлаб чиқариш, турар-жой, мудофаа иншоотлари, Шарқ меъморчилиги билан айрим ўхшашликлар топсада, ўзига ҳос томонлари устунлик қилади. Меъморчиликнинг ўзига ҳос намуналари Далварзин, Холчаён, Эски Термиз, Кампиртепа, Фаёттепа, Қоратепа кабилардан ўрганилган бўлиб, улар жаҳон миқёсида машҳур бўлган обидалардир.


Кушон давлатининг инқирозга учраши Герк-Бактрия ва Рим салтанати тарихий тақдирига анча ўхшаб кетади. Бу давлатларнинг барчаси қўлаш арафасида тинимсиз юришлар олиб боришга мажбур бўлганлар. Ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш учун ички ва ташқи сабабларга кўра, заифлашган йирик давлатларда етарли ҳарбий имконият топилмади. Милодий IV асрга келиб Кушон подшолиги ўзининг асосий ҳудудларидан маҳрум бўлди. Бу подшоликнинг айрим мулклари Шимолий Ҳиндистонда сақланиб қолди.

Шундай қилиб, Кушон подшолиги ўз таркибига кўпгина ҳудудлар ва кўплаб халқлар ва элатларни бирлаштирган бўлсада, унинг тарихи ўзбек халқи давлатчилиги тарихи билан ўзвий боғлиқ бўлган. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Кушон даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва айниқса, маданий ҳаёт ва ташқи алоқалар соҳасида улкан ютуқларга эришилган давр бўлиб кирди.

9-§. Антик давр шаҳарсозлик анъаналари

Ўтган асрнинг 40-50 йилларидан бошлаб мил.авв. IV – милодий IV асрлар даври Ўрта Осиё тарихини ўрганиш жараёнида «антик», «антик давр» жумлалари муомалага кирган эди. Айрим тадқиқотчилар бу жумлаларни фақат Греция ва Рим тарихига нисбатан ишлатиш лозим деган ғояни илгари сурган бўлишларига қарамай, Ўрта Осиё қадимги даври билан шуғулланувчи тадқиқотчи олимлар-археологлар, тарихчилар, антропологлар, санъатшунослар кабиларнинг кўпчилиги бу атамани Ўрта Осиё тарихига нисбатан ҳам ишлатиш мумкин деган нуқтаи назар тарафдори бўлдилар.

Мил. авв. IV асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг асосий деҳқончилик воҳалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг батамом янги, фаол йўлига ўтдики, бу ривожланиш милодий III-IV асрларда инқирозга учрай бошлайди. Шаҳарсозлик маданияти ва суғориш тартиби, ёзув ва пул муомаласи, моддий ва бадиий маданиятга оид кўп сонли ва турли-туман ёдгорликлар айнан мана шу ривожланиш жараёнидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, бу давр - қадимги дунё кўпгина давлатлари жамияти тараққиётининг ижтимоий-иқтисодий ва умуммаданий жабҳаларида намоён бўлган янги босқичи билан изоҳланади. Бу янги босқич турли давлатларда ўзига хослиги билан ажралиб



туради. Ундан ташқари, бу давр бутун Қадимги дунё давлатларини қамраб оlingan жаҳон тарихидаги ҳодисаларнинг баъзи белги ва хусусиятлари жиҳатдан бир-бирига ўхшашлиги жараёнларидан бири эди. «Антик» жумласи европа тилларида “antiquite”, “antiquity, antique” кабилида ишлатилиб, «узок ўтмиш», «ўтмиш қадимият», «қадимги» деб таржима қилиниши мумкин. Биз ушбу дарсликда кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган «антик» жумласини қўллашни лозим топдик.

Мил. авв. IV асрдан бошлаб Ўрта Осиё цивилизацияси ривожланишида сифатий янгиланиш даври бошланади. Бу давр маданияти тараққиётининг муҳим кўринишлари жамиятнинг доимий ривожланишида ўз аксини топади. Мил. авв. IV асрнинг ўрталаридан бошлаб сўнгги Ахамонийлар ўртасидаги ўзаро кураш ва кейинроқ македониялик Александрнинг босқинчилик юришлари ҳам бу ривожланишни батамом тўхтата олмади. Ушбу ривожланишнинг энг кўзга кўринган томони турли режавий тузилишга эга бўлган йирик шаҳарлар бўлиб, улар сонининг ортиб бориши жамият тараққиётида шаҳарсозлик ишларига алоҳида эътибор қаратилганидан далолат беради. Бу ҳолат Шарқдаги Урук, Шаҳри Сўхта, Хараппа, Мундигак, Олтиндепа, Сополлитепа, Жарқўтон каби шаҳармонанд ёки илк шаҳарлар шаклланишидан тубдан фарқланиб ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Антик давр урбанизацияси ўзининг ривожланиш босқичида иккита катта даврни босиб ўтди. Булар: мил. авв. IV-I асрлар ва милодий I-IV асрлардир. Ушбу даврлар ижтимоий муносабатлар ва маҳаллий кўринишдаги давлатчилик ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, уларга хос сиёсий ва мафкуравий томонлари билан ажралиб туради. Антик давр давлатчилигида бутун маданий ҳаётда бўлгани каби шаҳарлар ҳаётининг ўзига хос томонлари маҳаллий ва эллинистик, айрим ҳолларда Ҳинд шаҳарсозлик анъаналарининг ўзаро уйғунлашуви билан изоҳланади. Бу ҳолат маълум маънода сиёсий воқеалар билан ҳам боғлиқ эди. Чунончи, Александр Македонскийнинг юришлари, Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшоликларининг пайдо бўлиши кейинроқ Қанғ, Даван ва Кушонлар давлати ҳам шаҳарлар тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди.

Яқин ва Ўрта Шарқнинг турли давлатлари, жумладан Ўрта Осиё ҳудудларида катта хронологик давр юнон-македон сулолалари сиёсий ҳукмронлиги даври сифатида изоҳланиб фанда бу давр – эллинизм даври деб аталади. Эллинизм – (Болқон ярим оролидаги Эллада шаҳри номи билан боғлиқ) бу аниқ тарихий мавжудлик бўлиб, иқтисодий ҳаётда, ижтимоий ва сиёсий тўзумда, мафкура ва маданиятда эллин (юнон) ҳамда Шарқ анъаналарининг ўзаро уйғунлашуви ифодасидир.

Қадимги (антик) даврда эллин дунёси Юнонистондан Ҳинд дарёси водийсигача бўлган улкан ҳудудни қамраб олган эди. Тадқиқотчилар, эллинлашув даражасига қараб бу ҳудудни учта минтақага бўладилар. 1. Эллада; 2. Кичик Осиё, Сурия ва Миср; 3. Ефрат дарёсининг шарқидаги вилоятлар. Бу ҳудудлар тарихий адабиётларда «Эллинлашган Шарқ» тушунчасида акс этган бўлиб, унинг таркибига Месопотамия, Эрон, Ўрта



Осиёнинг жанубий вилоятлари, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонни Александр босиб олган худудлари кирган.


Александр Македонский юришлари натижасида кенг миқёсда бошланган эллинизм маданиятининг кириб келиши Бактрия, Парфия ва Суғдиёна шаҳарлари, ҳунармандчилиги ва бадий-амалий санъатига катта таъсир кўрсатди. Ёзма манбалар Александр номи билан боғлиқ учта шаҳар: Александрия Оксиана (Окс бўйидаги Александрия), Александрия Марғиёна (Марғиёна Александрияси), Александрия Эсхата (Узоқ ёки Чеккадаги Александрия) ҳақида маълумотлар беради. Улардан ташқари ”катойкиялар” деб номланган юнон ҳарбийлари манзилгоҳлари ҳам мавжуд эди.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Ўрта Осиёнинг жанубий худудларидан эллинизм маданияти билан боғлиқ бўлган турар-жойлар, моддий-маънавий маданият буюмлари, танга пулларнинг топилиши бу худудлардаги маҳаллий маданиятга эллин анъаналари (шаҳарсозлик, ҳайкалтарошлик, бадий-амалий санъат, алифбо ва бошқ.) кучли таъсир этганидан далолат беради. Шу билан биргаликда бу топилмалар маҳаллий маданиятдаги ривожланиш қадимги (антик) давр Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро уйғунлашуви натижасида ўзига хос маданият даражасига кўтарилишининг ҳам гувоҳидир.

Александр Македонский даврида асос солинган шаҳарлар. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, Александрнинг шаҳарсозлик фаолияти катта аҳамиятга эгадир. Плутарх берган маълумотларга кўра у 70 дан зиёд шаҳарларга асос солган. Археологик тадқиқотлар натижалари эса бошқачароқ хулосалар беради. Шунинг учун ҳам Александрнинг шаҳарсозлик фаолияти хусусидаги илмий баҳслар ҳанўзгача давом этмоқда.

Жумладан, В.Тарн, А.Шофман ва баъзи бир бошқа олимлар бу рақамга шубҳа билан қарайдилар ва у анча ошириб кўрсатилган деган фикрни илгари сурадилар. В.Тарннинг ҳисоб-китобларига қараганда, Александр ўнтадан ортиқ, аниқроғи, 13 та шаҳарга асос солган. Бу жараёнда у Тигр дарёсининг шарқий томонида шаҳарлар асос солишга алоҳида эътибор берган. «История таджикского народа» китобининг биринчи нашрида ҳам мазкур масала худди шундай талқин қилинган.

Аммо, Г.А.Кошеленко томонидан амалга оширилган ёзма, археологик ва эпиграфик маълумотларни қиёсий таҳлил асосида ўрганиш В.Тарн ва унинг тарафдорлари хато қилганликларини кўрсатди. Археологлар ҳали юнон-македон шаҳарларининг ҳаммасини кашф этмаганликлари, кўпгина худудлар археологик жиҳатдан яхши ўрганилмаганини эътиборга олсак, келгусида антик анъаналарни тасдиқловчи қўшимча маълумотлар олиш мумкин. Г.А.Кошеленко шундай хулосага келади: «умуман олганда, юнон-македон истилосининг кўламига нисбатан антик анъанани қабул қилиш мумкин. У анча катта бўлган ва бу ерда асос солинган шаҳарлар сони бир неча ўнтага етган».



Страбоннинг маълумотларига кўра, Александр Бактрия ва Суғдиёнада та шаҳарга, Юстиннинг маълумотларига қараганда эса 12 та шаҳарга асос солган. Аммо, бу маълумотлар археологик тадқиқотлар маълумотлари билан тасдиқланмаган ва кўпгина илмий мунозараларга сабаб бўлганки, бу алоҳида мавзу ҳисобланади.


Биз Ўрта Осиё ҳудудларида Александр Македонский учта: Окс Александрияси, Александрия Эската (Чеккадаги Александрия) ва Марғиёнадаги Александрия шаҳарларига асос солганлиги ҳақида маълум маълумотларга эгамиз. Бу маълумотларни қисқача таҳлил этамиз.

Тадқиқотлар натижаларига кўра Окс (Амударё) бўйидаги Александрия турли шароитларни ҳисобга олиб бунёд этилган. Ушбу кўхна шаҳар Шарқий Бактриянинг муҳим марказларидан бири бўлиши лозим эди. Шаҳар бир томондан, бу ҳудудлардаги юнон-македон ҳокимиятининг таянч нуқтаси бўлиб, серҳосил Бактрия текислигини Бадахшондаги тоғликлардан (шарқий йўналишда) ҳимоя қилса, иккинчидан, тоғли воҳалар орқали шимоли-шарқдан келувчи кўчманчилардан ҳимоя қилган. Ундан ташқари, Оксдаги Александрия фойдали қазилмаларга ниҳоятда бой бўлган (темир, мис, олтин, ложувард ва б.) Бадахшонга кетувчи йўлни ҳам назорат қилиб турган.

Шаҳарга асос солиниши учун иккита дарёнинг қўшилиш (Амударё ва Кўкча) жойи бўлган қўлай жой танланган. Бу жойда баланд табиий тепаликнинг борлиги ҳам муҳим бўлиб, унинг устига шаҳар акрополини қуриш имконияти бор эди. Шунингдек, шаҳарнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб турувчи жуда катта серҳосил текислик (10.000 гектарга яқин)ка тутшиб кетганлиги ҳам иқтисодий тараққиётни таъминлар эди.

Кўхна шаҳар текисликда ҳам, дарё бўйлаб ҳам мустаҳкам девор билан ўраб олинган. Акропол (юқори шаҳарда)да турар-жойлар йўқ. Бу ерда афтидан ўлчамлари жиҳатдан унча катта бўлмаган 2 та қалъа, гарнизон ҳарбийлари учун кичик ва оддий бинолар ва эронийларга хос алтар жойлашган. Барча турар-жойлар ва жамоат иншоотлари пастки шаҳар ҳудудида жойлашган. Тадқиқотчилар шаҳар қиёфасини белгилаб берувчи кўйидаги омилларни ажратадилар: шаҳар пайдо бўлишининг «мустамлакачилик» хусусияти, чунки шаҳар юнон-македонлар Бактрияни босиб олиши натижасида пайдо бўлган эди; унда подшо қароргоҳининг мавжудлиги; шаҳарнинг йирик вилоят маркази сифатидаги ўрни. Умуман олганда, кўхна шаҳар тузилиши ва сарой меъморчилиги юнон услубларини элсатсада, аслида унинг тузилишида қадимги Шарқ анъаналари устунлик қилади.

Қадимги Фарғона ва Уструшона чегараларида, Сирдарё бўйида, ҳозирги Хўжанд ҳудудларида мил. авв. VI-V асрларда манзилгоҳ пайдо бўлади. Бу ердан ҳимоя деворлари ва шаҳар қурилишининг қолдиқлари очиб ўрганилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, кейинчалик бу шаҳар Александр томонидан босиб олинади ва унинг ўрнига Чеккадаги Александрия бунёд этилади.




Кўхна шаҳарнинг қалъаси пахсадан қад кўтарган алоҳида девор билан ўраб олинган. Кўхна шаҳар антик давр анъаналари асосида қад кўтарган. Шаҳарнинг пастки қатламларида қурилиш излари яхши сақланмаган. Мил. авв. IV-III асрлар қатламларида турар-жойлар, хўжалик хоналари, ҳарбийлар бошпаналари очиб ўрганилган. Бу шаҳар Александрнинг Сирдарё бўйларидаги таянч нуқтаси бўлган бўлиши мумкин.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Ахамонийлар давридаёқ «Марғиёна шаҳри» мавжуд эди. Бу даврда Марв воҳасидаги Эркқалъа майдони 1800х500 метр бўлган шаҳар типидagi ёдгорлик бўлган. Говурқалъа худудлари ҳам айнан мана шу даврда ўзлаштирилади.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, бу ёдгорлик ўша даврдаёқ шаҳар хусусиятига эга бўлиб, бутун воҳанинг маркази эди. Давр охирларига келиб кўхна шаҳардаги ҳаётнинг фаоллиги кучаяди. Говурқалъа кўхна шаҳри худудининг шимоли-шарқий ва марказий қисмларидаги маданий қатламлар жадаллик билан тўлиб боради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, айнан мана шу аҳоли пункти македониялик Александр юришлари даврида юнон-македон кўшинлари томонидан эгалланади. Курций Руфнинг Александр, «Ох ва Окс дарёсидан ўтиб Марғиёна шаҳрига келди», деган хабари айнан мана шу аҳоли пунктига таалуқли деб ҳисобланади. Археологик маълумотлар натижаларига кўра, ушбу шаҳарнинг бўйсундирилиши тинчлик хусусиятига эга бўлиб, урбанизация жараёнларига таъсир этмаган. Айнан мана шу шаҳар қайта номланиб Александрия номини олган.

Тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Александр томонидан асос солинган пунктлар – шаҳарлар ёки мустаҳкамланган қалъалар бўлган. Александр шаҳар манзилгоҳларида аҳолини аралаштириш сиёсатини изчил амалга оширган. Улар айрим ҳолларда полис тузилишига эга бўлсада – шаҳарни гипарх яккабошчилик асосида бошқарган. Уни подшонинг ўзи тайинлаган ва амалдан туширган. Умуман олганда бу кўхна шаҳарлар Ўрта Осиё урбанизация жараёнининг ривожланишига катта туртки берганлигини эътироф этган ҳолда, Александр юришларига қадар ҳам бу худудларда юксак шаҳарсозлик маданияти мавжуд бўлганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Салавкийлар даври шаҳарсозлиги. Ўз даврида Салавкий ҳукмдорлари кенг истилочилик сиёсатини амалга ошириш мақсадида шаҳарсозлик билан ҳам фаол шуғуланганлар. Улар кейинчалик «Селевкия» деб номланган шаҳар марказларига асос солганлар. Бунёд этилган манзилгоҳ сулола вакиллари билан бирининг номи билан номланган ҳолларда унга полис ҳуқуқи берилган. Таъкидлаш жоизки, Салавкийлар даврида ўзи асос солган шаҳарларда турли этник гуруҳлар (юнонлар, македонлар, маҳаллий аҳоли)нинг чатишишини қўллаган ҳукмдорларнинг Александрнинг шаҳарсозлик сиёсатидан тўлиқ четлашиши содир бўлади. Салавкийлар даврида янги шаҳарлар полислар кўринишида ташкил этилиб, илгари ташкил этилган шаҳарларга ҳам полис мақоми берилган. Бунда «полисларда фуқаролар жамоаси фақат юнонлар ва македонияликлардан таркиб топди».




Бу шаҳарларда юнон аҳолиси жамланиши лозим эди. Чунон Марғиёнага оид маълумотларга қараганда, мазкур шаҳарнинг юнон аҳолиси орасида суриялик юнонлар катта ўрин тутиши лозим бўлган. Плиний Марғиёна ҳақида шундай маълумот беради: «Унда Александр Александрияга асос солди, аммо варварлар бу шаҳарни вайрон қилдилар. Селевкнинг ўғли Антиох бу шаҳарни худди шу жойда қайта тиклади. ... У шаҳарга ўз номини беришни лозим топди». Бундай хабар Страбонда ҳам учрайди. Ушбу ёзма манбалар маълумотларини археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Таъкидлаш жоизки, Салавкийлар подшолигида шаҳарга тобе қишлоқлар, ўзининг жамоа тузилишини сақлаб қолган, уларнинг тобелиги жамоавий хусусиятга эга бўлган ва улар полис ҳудудига киритилмаган.

Салавкийлар даврида Ўрта Осиё шаҳарларининг ҳолати ва ички тузилиши ҳақида маълумотлар етарли эмас. Салавкийлар давлатининг шарқида кўпгина маҳаллий шаҳарлар маълум даражада мустақилликка эга бўлганлар. Одатда Салавкийлар подшоси босиб олган шаҳарга унинг мақоми белгиланган картия берган. Баъзан бундай картия шаҳарнинг мавжуд мақомини тасдиқлаган. Шунингдек мустақил шаҳарлар ҳам бўлган. Аммо, бундай сиёсат Ўрта Осиёда ҳам маълум даражада олиб борилган, деган фикрни тасдиқловчи маълумотлар ҳозирча йўқ.

Афтидан, Ўрта Осиёда юнон ҳарбий манзилгоҳлари – катойкиялар ҳам қурилган. Кўчириб келтирилган юнонлар Салавкийлар ҳокимиятининг асосий таянчини ташкил этган. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Салавкийлар ўз шаҳарсозлик фаолиятини шарқда ҳам, ғарбда ҳам амалга оширганлар. Шунингдек, бу даврда Ўрта Осиёга жуда кўп юнонлар кўчириб келтирилган, деган қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, Х.Бенгстон Юнон-Бақтриянинг ҳарбий қудрати манбалари ҳақида фикр юритар экан, бунинг сабабларини Салавкийлар Бақтрияда асос солган ҳарбий колонияларда кўради. Мазкур масалани ҳал қилишда Ўрта Осиёда юнон-македонлар истилосидан анча олдин ҳам жуда кўп маҳаллий шаҳарлар ва ривожланган шаҳар ҳаёти мавжуд бўлганини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Юнон-Бақтрия шаҳарлари. Ўтган асрнинг ўрталарида айрим тадқиқотчилар Бақтрияда илк шаҳарларга айнан Александр Македонский асос солган, деган фикрни илгари сурган эдилар. Александр Македонский мил. авв. 330-327 йилларда Бақтрия ва Суғдиёнани босиб олганда нималарга дуч келган эди, деган саволга жавоб топиш юқоридаги фикрни инкор этишга асос бўлди.

Қадимги муаллифлар Бақтриянинг пойтахти Бақтра-Зариаспани бир неча марта тилга олганлар. Бақтра Мозори Шариф шаҳридан 21 км ғарбда, дарё (Бақтр, Зариаспа) бўйидаги воҳада жойлашган. Француз археологлари бу ердаги Боло Хисор тепаликларидан деворлар билан ўралган, миноралар кўтарилган, хандақлар қазилиб, сув билан тўлдирилган айланасимон қалъани топдилар. Шаҳарнинг бир қисми шаҳар деворларидан ташқарида, Боло Хисорнинг жануби-шарқида, Тепаи Заргаронда жойлашган. Умумий майдони 120-150 метр бўлган бу шаҳарнинг олдинги давр қатламларидаги ер ости



сизот сувлари Аҳамонийлар ва Салавкийлар давридаги ҳаётнинг мадан даражасини тўлиқ ўрганиш имконини бермади.


Шаҳар марказидан атрофга тарқалган кўчалар девор ташқарисида магистрал йўлларга: шимоли-ғарбда Калиф, шарқда Мозори Шариф, жануби-ғарбда Оксу, жанубда Ҳожи Пийад йўлларига туташган. Ўрта ер денгизидаги йирик Эфес портидан Балхга томон Аҳамоний подшоларининг хизмат кўрсатувчи бўлган йўли чўзилиб кетган. Ўз даврининг маданий ва иқтисодий маркази, савдо йўллари кесишган жойда жойлашганлиги сабабли антик давр муаллифлари Бақтрани «энг катта шаҳар» деб атаганлар.

Бу даврдаги йирик шаҳарлардан яна бири Мароқанда (Самарқанд) бўлиб бу ердаги мустаҳкам қалъага Аҳамонийлар давридан (Афросиёб) олдинроқ асос солинган. Аҳамонийлар ва эллин даврида Афросиёб мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўраб олинади. Бу деворлар Александр Македонский камалига ҳам дош берган эди. Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра Афросиёбнинг умумий майдони 219 гектар бўлиб, Курций Руф Мароқанданинг мудофаа деворлари ўзунлигини 70 стадий (тахм. 12 км.) деб маълумот беради. Бу Ўрта ер денгизи ва Қора денгиз қирғоқларидаги оддий юнон шаҳарларининг ўртача катталигидан икки-тўрт баравар каттадир. Мустаҳкам қалъага эга ва мудофаа деворлари билан ўралган шаҳар ҳудудларидаги мил. авв. IV-III асрларга оид маданий қатламлардан кўплаб топилмалар, жумладан, эллин сопол идишлари топиб ўрганилган.

Юнон – Бактрия даврида гуллаб-яшнаган шаҳарлардан яна бири Кир асос солган ва манбаларда Кирэсхата, Куру[ш]када, Киропол деб эслатилувчи шаҳардир. Кўпчилик тадқиқотчилар бу шаҳарни Ўратепа ўрнида десалар, айримлари Нуртепа ўрнида жойлашган бўлиши ҳам мумкин деган фикрни илгари сурадилар.

Қадимги Хўжанд ва унинг атрофларида олиб борилган археологик қазиш ишлари маълум натижалар берди. Хўжанд қалъасидаги кўп сонли шурфлардан бирида мил. авв. IV асрга оид пахса девор қолдиқлари топилган. Ушбу девор йирик тўртбурчак ғиштлардан қад кўтарган. Кўхна шаҳардаги асосий маданий қатламлар мил. авв. IV-II асрларга оиддир. Сирдарё бўйларида амалга оширилган кўп йиллик қидирув ва қазиш ишлари натижасида Александр Македонский даврига мансуб бошқа шаҳар марказлари топилмаганлиги туфайли, тадқиқотчилар бундай шаҳар марказлари фақат ҳозирги Хўжанд шаҳри ўрнида бўлиши мумкин, деган хулосага келдилар.

Марғиёнанинг пойтахти Марв шаҳридаги кўпгина маданий қатламлар ҳам юнон-бактрия даврига оиддир. Александр Марв мудофаасини бир-бирига яқин масофада жойлашган олтита чегара қалъалари билан мустаҳкамлаган. Айрим тадқиқотчилар, тепаликларда жойлашган бу қалъалар Александр даврида қурилмаган, балки мустаҳкамланган бўлса керак, деган фикрни билдирадилар. Марвнинг мудофаа қудрати Селевка I ва Антиох I даврида мустаҳкамланади. Александрга ўхшаб, улар ҳам эски деворларни мустаҳкамлаганлар, янги мустаҳкам деворлар барпо этганлар ва Марвни ўз номлари билан номлаганлар.



Антиох I шаҳарни ҳам ўз ичига олган бутун Марв воҳасини ўзун деб билан ўраган. Аҳамонийларнинг айнан қайси - қалъаси – Эрқалъами ёки Говурқалъами, Александрнинг номи билан номлангани аниқланмаган. Нима бўлганда ҳам, Селевка I ва Антиох I даврларда Марв воҳаси тўлиқ девор билан ўралганлиги аниқ. Бу деворнинг қолдиқлари ҳозиргача қисман сақланган. Таъкидлаш жоизки, ўз вақтида С.А.Вязигин ҳам бу ерда жуда катта мудофаа тизими барпо этилганини таърифлаган эди.

Тадқиқотлар натижасида ўнг қирғоқ Амударё ҳудудларида жойлашган бир қатор шаҳар манзилгоҳларидан эллин даври қатламлари ва алоҳида қурилишлар топилган. Улар орасида Дўшанбе, Ойхоним, Термиз, Саксонохур қабиаларни алоҳида қайд этиш лозимдир.


Тожикистоннинг пойтахтида, Дўшанбе дарёсидан шаҳар марказига қараб кетган йўлнинг шимолида жойлашган Дўшанбе кўҳна шаҳрида сўнгги йилларда амалга оширилган қазилар ишлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозимдир.

Кўҳна шаҳар ҳудудида бугунги кунда деярли тўлиқ замонавий қурилишлар қурилган бўлиб, шаҳар қалъасининг бир қисми сақланиб қолган. 1989 йилда бу ердан, Юнон-Бактрия даврига, мил. авв. IV-II асрларга оид маданий қатлам аниқланган. Қазилар натижасида 30 та хона очилган бўлиб, хоналарнинг тузилишига қараганда, улар ягона меъморчилик режаси асосида қурилган маҳобатли иншоотнинг қисмларидир. Вақт ўтиши билан вайрон бўлган иншоотнинг фақат ғарбий ярми сақланиб қолган. Олинган материаллар мажмуи Юнон-Бактрия даврида Дўшанбе кўҳна шаҳри Ҳисор водийсидаги йирик шаҳар марказларидан бири бўлганлигини кўрсатади.

Юнон-Бактрия даврига оид Ойхоним кўҳна шаҳри 1965-1978 йилларда Франциянинг Афғонистонда иш олиб борган П.Бернар бошчилигидаги археологик миссияси томонидан қазиб очилган. Қазилар ишлари охирига етказилмаган бўлсада, француз археологлари жамоат, ибодат, мудофаа иншоотлари ва уй-жойларнинг тарихи, шаҳарсозлик анъаналари, санъат асарлари, ёзув маданияти ёдгорликлари ва қадимги шаҳарнинг турмуш тарзини аниқлашга муваффақ бўлдилар.

Ойхоним Бактриянинг шарқида, Панж ва Кўкча дарёлари туташган ерда, Панжнинг чап қирғоғида, тупроғи серҳосил кичкина (10x35 км) воҳада жойлашган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, кўҳна шаҳар, биринчидан, ерлари юнон истилочиларининг қўлига ўтган қадимги суғориладиган воҳани назорат қилиш учун қурилган, иккинчидан, у минерал ресурсларга бой вилоятнинг пойтахтига айланган. Кўҳна шаҳарнинг мана шу қишлоқ хўжалик ва қончилик салоҳияти истилочилар ҳаётини ва ҳатто фаровонлигини таъминлаш учун ҳам етарли бўлган. Учинчидан, кўҳна шаҳар муҳим ғарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган. Зотан у, Бактрияни шарқ томондан қўриқлаган ҳамда Бактрия шарқидаги ички ва ташқи чегараларини назорат қилган.

Маъмурий бинолар жойлашган кўҳна шаҳарнинг марказий қисми унча зич қурилмаган. Энг катта ҳовли-майдон сарой саҳнида жойлашган. Сарой кутубхонаси ҳамда гимнасий Ойхоним кўҳна шаҳридаги юксак маданий




хаётдан далолат беради. Бу ерда гимнасий асосий таълим маркази ҳисобланган. У кўҳна шаҳарнинг шимолий қисмида, уч қисмдан иборат катта бинода жойлашган. Бу мажмуа тўртала томонидан хоналар билан ўралган.

Юнон-Бақтрия даврининг мустаҳкам кўҳна шаҳарларидан бўлган Ойхонимда меъморчилик ва амалий санъат ҳам тараққий этган. Шаҳар майдонларида, гимнасийда ва ибодатхоналарда ўрнатилган ҳайкаллар Ойхоним меъморчилигини тўлдириб, юқори санъат даражасидан далолат беради. Таъкидлаш лозимки, Ойхоним ҳозирча Ўрта Осиёда бутунлай юнон анъаналарига асосланиб қурилган ягона кўҳна шаҳар ҳисобланади.

Бу даврга оид кўҳна шаҳарлардан яна бири Тахтисангин (Ўтарқалъа, Мели, Тахтиқубод) Кобадийнинг жанубида, Афғонистон билан Тожикистоннинг чегарасидаги Тахтиқубод дарасида жойлашган. Кўҳна шаҳарнинг муҳофаа деворлари 75 гектар майдонни эгаллайди. Баландлиги 600 метрга етадиган Тешиктош тоғ тизмаси Тахтисангинни Кобадий воҳасининг бугунги кунда аҳоли яшайдиган қисмидан ажратиб туради. Б.А.Литвинский бошчилигидаги Жанубий Тожикистон экспедицияси 1976 йилдан бошлаб амалга оширган қазилар ишлари натижасида Тахтисангин қалъасининг ички тузилиши аниқланди. Қалъанинг ичида асосан ибодатхона, унга шарқ томондан туташган, хом ғиштдан кўтарилган девор билан ўралган ҳовли жойлашган. Қалъа муҳофаа деворларининг ички йўналиши бўйлаб жойлашган қурилмалар омбор, устахона ва ибодатхона қошидаги хужралар вазифасини бажарган бўлиши мумкин.

Тахтисангин кўҳна шаҳрида амалга оширилган қазилар ишлари натижасида Бақтрия санъатининг турли давлари ҳақидаги илмий қарашларни тасдиқловчи муҳим маълумотлар олинди. Шунингдек, Бақтрия санъати дурдоналарининг топилиши Окс хазинаси сирини очиш имконини берди. Тадқиқотлар натижаларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, Ўрта Осиё ёки Марказий Осиёдагина эмас, балки Аҳамонийлар Эрони ҳудудидаги оташ ибодатхоналари орасида ҳам Окс ибодатхонаси энг тўлиқ ва яхлит ибодатхонадир. Ёдгорликнинг яхши сақланганлиги – оташ ибодатхонасининг ичидаги ҳар бир хонанинг вазифавий фойдаланилишини аниқлаш ҳамда уларда амалга оширилган диний ва ижтимоий маросимлар жараёнини тиклаш имконини беради.

Антик даврга келиб Ўрта Осиё кўҳна шаҳарларида маданий ҳаёт нисбатан ривожланган эди. Таъкидлаш жоизки юнон-бақтрия даврига келиб бадий маданиятнинг турли жабҳаларида эллинизмнинг таъсирини кўзатишимиз мумкин. Мисол учун, эллинлаштириш давридан бошлаб Бақтрияда коро пластика ҳунармандчилиги пайдо бўлади. Бу санъат намуналари доираси юнон оламига нисбатан кенгрок бўлиб, ҳунармандлар эллин мифологияси билан боғлиқ бўлган терракоталардан ташқари маҳаллий анъаналар билан боғлиқ бўлган санъат намуналарини ҳам яратадилар. Юечжи-кушон ва Кушон даврига келиб Ўрта Осиёнинг кўплаб кўҳна шаҳарларида бадий маданиятнинг кўпгина турлари тараққий этганлигини кўзатишимиз мумкин. Саройлар, ибодатхоналар ва бой турар-жойлардаги



деворий суратлар, манзаралар ҳамда ҳайкаллар бизнинг кунларимизга намунавий ҳолатида бўлса-да сақланиб қолган.

Умуман олганда, антик давр Ўрта Осиё кўҳна шаҳарларининг маданияти ва санъати турли омиллар таъсирида тараққий қилади. Бу жараёнга ўлкадаги сиёсий ҳаёт, ўлканинг турли уюшма ва давлатлар таъсирида бўлиши, диний эътиқодлар, иқтисодий аҳвол, халқаро савдонинг ривожини, турли халқлар маданиятининг ўлка халқлари маданияти билан уйғунлашуви, бой қадимий анъаналар, маҳаллий ўзига хослик ва бошқа кўплаб омиллар ўзлуксиз таъсир қилиб турган. Ана шу омиллар таъсирида Ўрта Осиё антик давр маданияти ва санъатининг ривожини шаҳарсозликда, ҳайкалтарошликда, бадиий тасвирда, мусиқа санъатида, зеб-зийнат буюмларида, аҳолининг ҳўжалиги билан боғлиқ ашёларда ва бошқаларда кўзатишимиз мумкин.

Антик давр Ўрта Осиё шаҳар маданияти ривожланишининг энг ёрқин хусусиятлари – тасвирий санъат билан пул зарб этилиши натижасида маданият ва молия-иқтисод ишларининг тараққий этишидир. Таъкидлаш жоизки, ўлкамиз ҳудудларида товар-пул муносабатларининг қандайдир кўриниши Салавкийлар давридаёқ пайдо бўлади. Мисол учун, Э.Ртвеладзе тадқиқотларига кўра, Тахти Сангиндан 4 та, Термиздан 3 та, Кампиртепадан 2 та, Марвдан 6 та, Самарқанд атрофларидан 5 та Атиох I даврига оид (мил. авв. 280-268 йй.) тангалар топилган. Нисбатан кўпроқ топилма тангалар юнон-бактрия даврига оид бўлиб, улар Диодот, Евтидем, Деметрий, Антимах, Гелиокл даврларида зарб этилган.

Умуман олганда антик даврга келиб Ўрта Осиёда танга пулларга асосланган товар-пул муносабатлари ривожландики, бу ҳолат антик давр давлатчилиги ва шаҳарлари тараққиётини белгиловчи асосий белги ҳисобланади, Юнон-македон даврида йирик шаҳарлар товар-пул муносабатларига тортилган бўлса, кушонлар даврига келиб бу жараёнга қишлоқлар ҳам иштирок эта бошлайди. Бу ҳолат эса ўз навбатида, иқтисодий ва маданий тараққиётнинг юксалиб бораётганидан далолат беради.

Хуллас, антик давр Ўзбекистон давлатчилиги тараққиётида шаҳарларнинг аҳамияти улкан бўлди. Тадқиқотларнинг қиёсий таҳлилидан хулоса чиқарадиган бўлсак, элдин дунёсида шаҳар маълум вазифаларни (маъмурий, сиёсий ва диний марказ, савдогарлар ва хунармандлар фаолият кўрсатадиган жой, маданий ва ҳарбий марказ ва бошқ.) бажарувчи мустақамланган пунктгина эмас, балки жамоа ўзини ўзи бошқариш органлари, замонавий мулкдорларнинг алоҳида шаклини ўзида жамлаган, эркин фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини назарда тутувчи ижтимоий тузилманинг муҳим бўғини ҳам бўлган дейиш мумкин. Бундай шаҳарлар (балки шаҳар-полислар ёки шаҳар –давлатлар) элдин маданияти таъсирида бўлган Шарқда ҳам кенг тарқалган.

Таъкидлаш жоизки, бу ҳудудларда кучли подшо ҳокимиятига эга (Салавкийлар ёки Юнон-Бактрия каби) катта давлатларда бундай шаҳарлар ҳукм суриши учун Греция ёки Римдагидан батамом ўзгача шарт-шароитлар мавжуд эди. Антик давр Ўрта Осиё шаҳарларининг мустақиллиги тўлиқ




бўлмасдан, уни подшонинг олий ҳокимияти чеклаб турган. Ҳарқалай археологик маълумотлар (агар бу мустақиллик ҳуқуқини бериш тўғридан тўғри айтилган битиклар ёки бошқа ёзувлар бўлмаса) шаҳарлар бундай алоҳида мақомга эга эканлиги ҳақида далиллар бера олмайди. Бу ўринда хитойлик сайёҳ Цжан Цяннинг Юнон-Бақтрия шаҳарларининг маълум даражада мустақиллиги ҳақидаги хабарни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. У Дахя-Бақтрия ҳақида шундай маълумот беради: «улар (яъни, Бақтрия шаҳарлари – Э.Б.) олий подшо ёки ҳокимга эга эмас, аммо ўзларининг девор билан ўралган барча шаҳарлари ва манзилгоҳларида улар кичик ҳокимларни тайинлайдилар».

Антик давр ҳар қандай Ўрта Осиё шаҳарининг бир муҳим таркибий қисми-шаҳар атрофидаги қишлоқларнинг мавжудлиги эди. Ўрта Осиёда шаҳарларнинг умумий муаммоларига ва шаҳарларнинг мақомига жиддий эътибор берилиши натижасида шаҳар билан унинг атрофидаги қишлоқларнинг ўзаро муносабатлари масаласи тадқиқотчилар эътиборидан бирмунча четда қолди. Тадқиқотчилар олдида турган шаҳарлар тарихи билан боғлиқ долзарб масалалардан бири ҳам айнан шу муаммо ҳисобланади.

Кушон даври Шимолий Бақтрия шаҳарлари. Мил. авв. I- милодий III асрлар Шимолий Бақтрия шаҳарларининг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Айнан мана шу даврда типологик жиҳатдан турлича бўлган, турли вазифаларни бажарган шаҳарлар пайдо бўлади. Бақтриядаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, айниқса, бу ҳудудларнинг Кушон давлати таркибига кириши бу жараёнга имконият яратган эди. Бақтриянинг кўпгина шаҳарлари муҳим карвон йўллари бўйларида, дарёдан ўтиш жойларида, савдо йўллари чорраҳаларида пайдо бўлади. Таъкидлаш жоизки, уларнинг шаклланиши турли йўللар билан бўлиб ўтган. В.М.Массоннинг фикрича, Шимолий Бақтриянинг кушон даври шаҳарлари икки хил йўл билан пайдо бўлган. Уларнинг айримлари аҳолининг аста-секин кўпайиши натижасида ўз-ўзидан пайдо бўлган бўлса, айримлари эса доимий режа асосида марказий ҳокимиятнинг марказга интилиш сиёсати натижасида пайдо бўлган.

Кушон даври Шимолий Бақтрия шаҳарларининг шаклланиш жараёни, уларнинг тарҳи ва тузилиши кўп ҳолларда унинг асосига, илгари аҳоли яшаган манзилгоҳга боғлиқ бўлган. Бу ҳолатни археологик маълумотлар асосида ўрганган. Э.В.Ртвеладзе ўз асослари билан фарқланувчи шаҳарларнинг қуйидаги учта гуруҳини ажратади:

1. Аҳамонийлар даврига бориб тақаладиган, қадимги асосга эга бўлган кўп қатламли шаҳарлар (Жондавлаттепа, Қалаимир, Ҳайитободтепа ва балки Термиз);
2. Юнон-Бақтрия ёки Салавкийлар даврига бориб тақаладиган шаҳарлар (Далварзинтепа, Кайқубодшоҳ, Саксонохур, Термиз, Шаҳринав(?), Холчаён);
3. Юечжи ёки Кушон даврида пайдо бўлган шаҳарлар (кичкина шаҳарларнинг асосий қисми ва Будрач, Зартепа, Ғаров-қалъа (Яван), Калламинор (Денов ёнида), Шохтепа ва бошқ.).




Кушон даври шаҳарларининг келиб чиқиши ва шаклланиш жараёни Далварзинтепа нисбатан яхши акс эттиради. Унинг дастлабки асоси мил. авв. III асрда кўхна шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида, икки томондан қадимги ирмоқ ўтиб турган балан тепаликда пайдо бўлади. Бу ирмоқлардан хандак сифатида фойдаланилган. Кейинроқ, юнон-бактрия даврида бу бўлак 2 метрдан ошиқ қалинликдаги пахса девор билан ўраб олинади ва майдони 3 гектардан зиёд қалъага айланади. Унинг шимолида эса тарқоқ режага эга мустаҳкамланмаган қишлоқ пайдо бўлади.

Афтидан, мил. авв. I асрнинг иккинчи ярми ёки милодий I аср бошларида дастлабки марказ ўрнида қалинлиги 7 метрли девор ва хандак билан ўраб олинган мустаҳкам қалъа шаклланади. Мустаҳкамланмаган манзилгоҳ шаҳарга айланади. Бу шаҳар аниқ тўғри бурчакли режаси ва шу режа асосидаги деворлари билан ажралиб туради. Унинг ичида жадаллик билан қурилишлар олиб борилади. Шу даврдан бошлаб Далварзинтепа тарихида янги давр – шаҳар даври бошланади. Далварзиннинг кейинги ривожланиши Кушон даврига тўғри келади. Яъни, ҳашаматли турар-жой иншоотлари, ибодатхоналар, ишлаб чиқариш маҳаллари барпо этилиб, деворлар мустаҳкамланади. Шунингдек, бир томонида диний ва дафн маросимларига оид иншоотлар, иккинчи томонига қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ мулклар марказлашган каттагина шаҳар олди қисми шаклланади. Далварзинтепа умумий ҳудудининг 34 фоизини мудофаа иншоотлари, 41 фоизини асосий истиқомат қисми, 7 фоизини майдонлар ва кўчалар, 18 фоизини бошқа бинолар эгаллаган деб тахмин қилинади. Бу ердан ибодатхоналар, шаҳар аҳолисининг уйлари, ишлаб чиқариш устахоналари, шаҳар майдонлари ва ҳовўзлар, сув тармоқлари тизими, кўча тармоқлари казиб очилган ва ўрганилган.

Қиёсий таҳлил учун солиштириб кўрадиган бўлсак, С.П.Толстовнинг ёзишича, Ўрта Осиё шаҳарлари ўсиб чиқадиган бошланғич асос бир томондан – refugium (лотинча, мустаҳкамланмаган, хавф туғилган пайтида аҳоли панагоҳи – Э.Б.) ва иккинчи томондан – бозор ҳисобланади. Е.Е.Неразикнинг таъкидлашича, қалъа атрофида шаҳарларнинг шаклланиши Хоразм учун ривожланишнинг энг тарқалган усулларида бири эди. Парфия ва Марғиёнанинг ҳам кўпгина шаҳарлари асосини мустаҳкам қисм - қалъа ташкил этган.

Жанубий Суғдиёнанинг антик даврга оид қатор кўхна шаҳарлари - Қалъаи Заҳоки Марон, Шуллуктепа, Кўхна Фазли, Киндиклитепа кабиларнинг ҳам дастлабки асосини мустаҳкамланган қалъа ва миноралар ташкил этган.

Демак, Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби, Шимолий Бактрияда ҳам шаҳарларнинг шаклланиши асосан қалъадан бошланган. Шунинг учун ҳам, кушон даври барча шаҳарларда илгариги мустаҳкамланган манзилгоҳ асоси бўлган қалъалар мавжудлиги тасодифий ҳол эмас, деб хулоса чиқариш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат қурилиш услубларидаги маҳаллий анъаналар антик даврда ҳам давом этганлигидан далолат беради.




Антик даврда Шимолий Бактрияда тархий тузилиши аниқ тўғри бурчакли ва тўрт қисмли (қалъа, шаҳарнинг ўзи, шаҳар олди ва атроф) шаҳар ва шаҳарчалар кўп тарқалган. Ташқи режавий тузилиши нотекис бўлган шаҳарлар кам учрайди. Тўғри бурчакли шаҳарлар негизини ягона шаҳарсозлик анъаналари ҳамда қайсидир маънода, кушон даври ижтимоий ва маданий меъёрлари ташкил этган бўлса, нотўғри режа асосидаги шаҳарлар мустақкам қалъалар ёнида, ўз-ўзидан, аҳоли ўсиши натижасида пайдо бўлиб, уларнинг соҳиблари мавжуд чегараларга мослашганлар.

Кўплаб кушон қалъалари олдинги давр билан генетик боғлиқ бўлган. Улар мустақкамланган кўрғон-марказ ўрнида шаклланиб улардан ташқи кўринишини ҳам мерос қилиб олган (Далварзинтепа, Термиз, Кампиртепа). Уларнинг айримлари (Будрачдаги Оқмозортепа, Зартепа, Хайрободтепа) аввал бошдаёқ қалъа сифатида шаклланган бўлиши ҳам мумкин. Бу қалъалар бир-бирларидан ўлчамлари ва шаҳар қурилиши тартибида жойлашуви билан фарқланади. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қалъаларнинг аҳамияти шаҳарларнинг вазифалари ва ўлчамлари билан белгиланиб, бир қатор омиллар, хусусан, табиий шароитлар ҳам ҳисобга олинган. Кўпчилик қалъалар шаҳарнинг бир бурчагига жойлашиб, тўлиқ шаҳар қурилиши тизимига кирган. Айрим ҳолларда қалъа кўҳна шаҳарнинг бир бурчагида жойлашиб шаҳар деворлари чегарасидан чиқиб турган (Далварзин, Арпапоятепа). Баъзи қалъалар кўҳна шаҳарнинг марказида (Ялангтўштепа, Ғаровқалъа, Дилбаржин), айримлари эса шаҳарнинг асосий қисмидан алоҳида ёки дарё бўйида жойлашган (Термиз, Кампиртепа).

Кўҳна шаҳарларнинг қалъалари ўлчамлари ва режавий тузилиши жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқланган. Мисол учун тўғри бурчакли (Кампиртепа, Термиз), тўрт бурчакли (Зартепа, Оқмозотепа, Хайрободтепа), кўпбурчакли (Далварзинтепа). Шаҳарларнинг маъмурий-худудий жойлашувига қараб улардаги кўрғонлар турли вазифаларни бажарганлар. Таъкидлаш жоизки, кўпгина қалъалар ҳарбий-мудофаа хусусиятига эга бўлган.

Ўрта Осиёнинг бошқа кўҳна шаҳарлари қалъалари билан қиёсий таҳлил қилсак, улар кушон даврида бошқачароқ тузилишига эга бўлган. Мисол учун, Тупроққалъанинг сўнгги антик давр қалъасида сарой, оташкада ва ҳарбийлар билан боғлиқ бир неча иншоотлар бўлган. Қадимий Марвнинг қалъаси Эркқалъада эса, шоҳ саройи, хизматчилар хоналари ва маъмурий иншоотлар жойлашган. Г.А.Пугаченкованинг тахминларига кўра, Ўрта Осиё антик давр шаҳарларининг қалъалари маъмурий бинолар марказлашган жой бўлиб бу ерда ҳукмдор ҳузуридаги хизматкорлар, омборхоналар, гарнизон иншоотлари жойлашган. Хуллас, Ўрта Осиёнинг антик давр катта кўпчилик кўҳна шаҳарларида қалъа асосий аҳамиятга эга бўлган бўлсада, Хоразмнинг бу давр айрим шаҳарлари қалъасиз бўлган. Аммо, антик давр Бактриясининг қалъалари кўҳна шаҳарларнинг, кўрғонларнинг ва ҳатто қишлоқ манзилгоҳларининг ажралмас қисми эди.



Антик давр Шимолий Бақтрия шаҳарлари ҳаётида шаҳристонлар муҳим аҳамиятга эга эди. Антик давр шаҳристонларининг илдизлари бронза даври манзилгоҳларининг мустаҳкамланмаган қисми ва аҳамоний-бақтрия даврининг илк шаҳарлари асосий турар-жойларини деворлар билан ўраб олинган даврга бориб тақалади. Илдизлари жиҳатдан улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқлиги аниқ. Аммо, бажарган вазифаси нуқтаи назаридан улар турлича бўлган. Хусусан, дастлабки давр шаҳарлари шаҳристони фақат турар-жой қисми ва эҳтимол ибодатхонадан иборат бўлган бўлса, кейинчалик, яъни, Кушон даврига келиб турар-жойлар, хунармандчилик ишлаб чиқариш, мафкуравий ва савдо-сотик бир ерга тўпланган жойга айланади.

Шаҳристонларнинг шакли тўғри бўрчакли, айрим ҳолларда тўртбурчак ёки кўпбурчаклидир. Кушон даврида пайдо бўлган ёки қайта қурилган шаҳарларнинг шаҳристонлари қатъий геометрик режа асосда қурилган. Чунки, улар жойлардаги табиий шароит ҳисобга олинган ҳолда олдиндан режалаштирилиб бунёд этилган. Уларнинг қалъаларга нисбатан жойлашувида ҳам турли: географик, ҳарбий ва иқтисодий омиллар ҳисобга олинган. Кушон даврида шаҳристонлар асосан қалъадан шимол ва шимоли-шарқ томонда, айрим ҳолларда жануби-шарқ томонда жойлашиб, чуқур ва кенг хандақлар ва минорали мустаҳкам деворлар билан ўраб олинган.

Далварзинтепа шаҳристонини мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, кўҳна шаҳар маркази кенг кўча билан икки асосий қисмга бўлинган. Бу кўча шаҳар дарвозасидан бошланиб, унчалик катта бўлмаган майдонга чиққан. Майдон эса бой ва ҳашаматли бинолар билан қуршалган. Марказий кўчадан икки томонга кўча ва тор кўчалар ўтган. Аммо, уларнинг тузилишида мунтазамлик йўқ. Далварзинтепа маҳаллалари табақачилик асосида бунёд этилган бўлиши мумкин. Аммо, улар нечта уйлардан иборат бўлганлиги номаълум.

Хуллас, кўҳна шаҳарлар шаҳристонларининг маҳаллаларга бўлиниши антик даврда ҳам давом этади. Кўҳна шаҳарлар кўп ҳолларда аниқ режа асосида, бир неча қисмдан иборат бунёд этилган бўлиб, ҳар бир қисмнинг муайян вазифаси бор эди. Ушбу қисмлар шаҳарлар ҳудудларида жойлашиб, улар жойлашувида табиий-географик ва ҳарбий-сиёсий вазиятлар ҳамда шарт-шароитлар ҳисобга олинган.

Антик давр Шимолий Бақтрия шаҳарлари маъмурий, ҳарбий-сиёсий ва мафкуравий марказ бўлибгина қолмасдан савдо-сотик ва хунармандчилик марказлашган ҳудуд ҳам ҳисобланган. Чжан Цзяннинг мил. авв. II асрнинг ўрталарига оид маълумотларига кўра, Дахя (Бақтрия) аҳолиси савдо-сотикда ниҳоятда моҳир, мамлакатнинг пойтахтида эса ҳар хил маҳсулотларга бой бўлган бозор мавжуд эди.

Ўрта ер денгизи мамлакатларини Узоқ Шарқ билан боғловчи Буюк ипак йўлининг ушбу ҳудудлардан ўтиши халқаро савдонинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратган эди. Птоломей тасвирлаган бу йўлнинг бир тармоғи Бақтрадан шимолга, Амударё орқали Тармиадан ўтиб шимоли-шарққа қайрилган ва Сурхон воҳаси бўйлаб бориб Қоратоғ орқали комадлар ўлкаси




бўйлаб Қоратегин томонга кетган. Бу йўлнинг бошқа бир тармоғи Тармида сўнг Шерободдарё водийсидан ўтган ва Темир дарвоза орқали Суғдга олиб чиққан. Бу йўл Ўрта Осиё ва Шимолий Бақтриянинг марказий ва шимолий вилоятларини Ҳиндистон билан боғлаб турган. Шимолий Бақтрияни Парфия ва Хоразм билан боғловчи дарё йўлидан ҳам фойдаланилган. Чжан Цзянинг маълумотларига кўра, Чуй Шуй (Амударё) бўйида савдогарлар ва сотувчилар яшаганлар. Улар ўз молларини курукликдаги йўлда ҳам сув йўлида ҳам қўшни давлатларга сотганлар.

Шимолий Бақтриянинг айрим ҳудудларини бирлаштириб турган ва ички савдода муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа йўллар ҳам мавжуд бўлган. Улардан бири Амударё воҳаси бўйлаб ўтиб Шимолий Бақтриянинг шарқий ва ғарбий ҳудудларини боғлаган. Амударё бўйларида жойлашган айрим манзилгоҳлар (Кампиртепа, Хотинрабод, Айвож) савдо марказлари ва балки, ўзига хос божхона маскани вазифасини бажарган бўлиши мумкин.

Вилоятдаги халқаро савдо алоқаларининг йўналишлари ва тараққиёти ҳақида баъзи археологик топилмалар гувоҳлик беради. Булар Ҳиндистондан келтирилган – тароқ, шахмат доналари, фол очадиган суяк, тилла буюмларнинг бўлаклари, фил суягидан ясалган нарсалар (Далварзинтепа); Римдан – шиша (Холчаён), мрамор бош (Илонтёпа), маскарон (махсус кийфани ўзгартирувчи буюм, меъморчиликда ишлатилган, Шахригулгул), Нерон тангаси (сестерций, Хайрободтепа); Мисрдан – тақинчоқлар ва туморлар, улар Шимолий Бақтриянинг қабристонларидан топилган (Бойсун, Бандихон, Кампиртепа, Тўпхона), папирус (Кампиртепа); Хитойдан- ипак матолар парчалари (Кампиртепа, Холчаён), ойналар (Айритом, Бараттепа, Жанубий Тожикистон қабристонлари); Парфиядан – тангалар; Хоразмдан – айлана нақш солиб ишланган идиш (Кампиртепа) кабилардир.

Ҳунармандчилик ишлаб чиқариши савдо-сотикнинг, хусусан ички савдонинг жадаллик билан тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Антик даврда Шимолий Бақтриянинг кўҳна шаҳарларида кулолчиликка ихтисослашган маҳаллалар мавжуд бўлиб, уларда бир вақтнинг ўзида бир нечта хумдонлар ишлаб турган. Улардаги идишларни пишириш хоналарида бир пиширишда юздан ортиқ идишлар сиғдирилган. Кулолчилик хумдонларининг қишлоқларда бўлмаганлиги ёки камлиги шундан далолат берадики, кулоллар ўз маҳсулотлари билан нафақат шаҳар, балки, қишлоқ аҳолисининг ҳам талаб-эҳтиёжларини қондирган. Кўҳна шаҳарларда темирни қайта ишлайдиган ҳунармандчилик устахоналари ҳам бўлган. Улар темирдан ҳар хил буюмлар тайёрлаганлар. Термиздан темирчилар маҳалласи аниқланган. Темир ва мисни қайта ишлаш ҳунармандчилигининг қолдиқлари Шўртепадан ҳам аниқланган.

Шимолий Бақтрия шаҳарларида қурилиш ишлари ва меъморчиликнинг юқори даражаси бу ҳудудларда ўз касбининг устаси бўлган қурувчилар ва меъморлар бўлганлигидан далолат беради. Қурилишда хом ғишт ва пахса билан бир қаторда Кушон даврида пишиқ ғишт ҳам ишлатилган. Ђишт пиширадиган хумдонлар Далварзинтепада аниқланган. Айрим ғиштлардан



шахсий мухрлар излари қайд этилган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ғишт пиширувчи устахоналар буюртма бўйича ишлашган.

Шимолий Бақтриянинг шаҳар ва қишлоқларида тўқимачилик хунармандчилиги ҳам кенг тарқалган. Қазिशмалар пайтида жуда кўплаб урчуқ учлари топилганки, улар гилам, шолча ва мато тайёрлашда ишлатилган. Тўқимачиликнинг кенг ривожланиши шундан далолат берадики, ихтисосликнинг бу тури фақат майда, уй хунармандчилиги бўлиб қолмасдан, кўхна шаҳарларда йирик тўқимачилик устахоналари бўлиб улар халқаро ва ички бозор учун маҳсулот чиқарганлар. Тўқимачи усталар бўлганлигини Далварзинтепа ва Кампиртепадан топилган шахсий мухрлар яна бир марта исботлайди. Кўхна шаҳар ва қишлоқларда хунармандчиликнинг бошқа кўринишлари – заргарлик, тошга ишлов бериш, тегирмончилик (ун тортиш) ишлари ҳам ривожланган. Кўпгина шаҳарлардан танга пулларнинг топилиши пул зарб этиш яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.

Хуллас, антик давр Шимолий Бақтрия шаҳарлари ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилган эди. Ёзма манбаларда Бақтрия ҳақида «минг шаҳарлар ўлкаси», деб эслатиб ўтилиши ҳамда кўп сонли археологик маълумотлар ушбу фикримизнинг далилидир. Антик даврда бу ҳудудлардаги шаҳарлар тараққиёти учун кўпгина имкониятлар (ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, географик ва бошқ.) мавжуд эди. Шаҳарлар кўп ҳолларда илгаридан белгилаб қўйилган қатъий режа асосда қурилиб бир неча қисмдан иборат бўлган. Ҳар бир қисмнинг муайян бажарадиган вазифаси мавжуд эди. Шаҳарларнинг ўзи эса ижтимоий-иқтисодий ва маданий марказ ҳисобланиб, сиёсий ҳаётда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Тараққиёт қонуниятларига кўра, аввалги даврларда бўлгани каби, антик давр шаҳарлари давлатчилик тараққиётининг асосий омили бўлиб қолаверди.

Таянч сўзлар

Бошқарув, ном давлатлар, сиёсий ҳокимият, маҳаллий ва умумбашарий маданиятлар, Осиёча ишлаб чиқариш усули, Шарқ йўли, жамиятнинг бирламчи ячейкаси, принципиал бошқарувлар табақаси, Европа йўли, полислари, ижтимоий ва ҳудудий бирлик, қишлоқ жамоалари, ишлаб чиқарувчи хўжалик, кўшимча маҳсулот, қадимги давлатлар типологияси, аҳоли сони ва зичлигининг ўсиши, давлатчилик тушунчаси, давлатнинг асосий белгилари, давлатнинг типлари, формацион ёндошув, цивилизацион ёндошув, Қадимги Шарқ давлатчилиги, Бронза даври маданиятлари, Намозгоҳ, Дашли, Олтинтепа, Гонур, Сополлитепа, Жарқўтон, тарихий-маданий жараёнлар, меҳнатнинг биринчи йирик тақсимооти, ибтидоий муносабатлар инкирози, архаик элементлар, район-воҳа, районлашув, район-марказ, археологик мажмуалар, Намозгоҳ тарихий-маданий бирлиги, “маҳаллий маданий жамоа”, Бақтрия-Марғиёна археологик мажмуалари, “Окс цивилизацияси”, Чуст маданияти, қадимги аҳолининг деҳқончилик маданияти, деҳқончилик марказлари.



2-мавзу бўйича савол ва топшириқлар

1. Давлат нима? Давлат тушунчасига изоҳ беринг.
2. Илк давлатларнинг типологияси ва хронологияси ҳақида гапириб беринг.
3. Илк давлатлар пайдо бўлишининг ижтимоий-иқтисодий омиллари нималарда деб ҳисоблайсиз?
4. Бақтрия подшолиги ҳақида гапириб беринг.
5. Қадимги Хоразм давлати ҳақида нималарни биласиз?
6. Суғдиёна давлати ҳақида фикр билдириңг.
7. Аҳамонийлар даври давлатчилиги ҳақида маълумот беринг.
8. Македониялик Александр ва унинг ворислари даври давлатчилиги ҳақида маълумот беринг.
9. Даван давлати ҳақида нималарни биласиз?
10. Қанғ давлати ва қанғлилар ҳақида маълумот беринг.
11. Ўзбек давлатчилиги тарихида Кушон давлатининг тутган ўрнини қандай изоҳлайсиз?
12. Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё давлатчилиги ривождаги ўзига хослик ва умумийлик ҳақида гапириб беринг.
13. Антик давр шаҳарсозлиги ва давлатчилик тараққиёти ҳақида нималарни биласиз?

2-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар рўйхати.


1. Абдуллаев Ў. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Академия, 2009.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврлардан Россия босқинига қадар. – Тошкент: Шарқ, 2000.
3. Асқаров А.А Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Ўзбекистана. – Ташкент: Фан, 1997.
4. Асқаров А.А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Фан, 2001.
5. Асқаров А.А., Ширинов Т. Ранняя городская культура юга Средней Азии в эпоху бронзы. – Самарқанд, 1993.
6. Асқаров А. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Қадимги Фарғона // Фарғона кеча, бугун ва келажакда. – Фарғона, 2003.
7. Асқаров А. Қадимги Хоразм тарихига оид баъзи бир масалалар // Ўзбекистон этнологияси: янги қарашлар ва ёндашувлар. – Тошкент, 2004.
8. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2004.
9. Авеста. Избранные гимны. Пер. с Авест. И комментарий И.М.Стеблин-Каминского. – Дўшанбе, 1990.
10. Бикерман Э. Государство Селевкидов. – М., 1985.
11. Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М., 1980.



12. Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. М., 1985.
13. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Отв.ред. Г.А.Кошеленко. – М., 1985.
14. Жўраев Н., Азизов А. Ижтимоийёт асослари. Цивилизациялар – ижтимоий-маданий жараён. – Тошкент: Фан, 2003.
15. Захидов П. Государство Кангюй. – Ташкент, 2009.
16. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып. 118. – М.,1. 1962.
17. Исамиддинов М.Х., Сулайманов Р.Х. Еркурган (стратиграфия и периодизация). – Т., 1984.
18. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – Т., 2002.
19. История Древнего Востока. Под. ред. В.И. Кўзищина. – М., 1988.
20. История таджикского народа. Под ред. Б.А. Литвинского и Б.А. Ранова. – Дўшанбе, 1998.
21. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989.
22. Массон В.М. Культурогенез Деревней Центральной Азии. – СПб.: Из-во С.Петербург. Ун-та, 2006.
23. Массон В.М. Страна тысячи городов. – М., 1966. – С.6.
24. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. – Л., 1976.
25. Матбобаев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк боскичларида Фарғона. //Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона. Маъруза матнлари. – Наманган, 2001. – 23-40 бб.
26. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Средняя Бактрия-Тохаристан. Древность и средневековье. – Ташкент: Фан, 1990
27. Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис к пути развития. – Киев, 1989.
28. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.
29. Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. и др. История государственности Ўзбекистана. Т.1. – Ташкент: Ўзбекистан, 2009.
30. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Адолат, 2001.
31. Сагдуллаев А.С. Культура юга Средней Азии VII-IV вв. до н.э. (Бактрия, Маргиана, Согд). – Т., 1987.
32. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Т., 1996.
33. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004.
34. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006.



35. Сагдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият таракқиёти. – Т., 2000.
36. Сайко Э.В. Становление города как производственного центра. – Дўшанбе, 1973.
37. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Ўзбекистана VII в до н.э. - VII в н.э. – Т., 2000.
38. Тойнби А.Дж. Постигание истории – М.: Айрис Пресс, 2004.
39. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлар. – Тошкент, 1995.
40. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар: Д.Алимова, Э.Ртвеладзе. – Тошкент: Шарқ, 2001.
41. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2003.
42. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. – Тошкент: Фан ва технология, 2008.
43. Эшов Б. Суғдиёна тарихидан лавҳалар. – Т., 2002.
44. Эшов Б. Цивилизация тизимида илк шаҳарлар. – Т., 2004.
45. Қудратов С.С. Марказий Осиё худудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон, 1998.
46. Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Тошкент: ЎзССР ФА, 1959.
47. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (Бақтрия мисолида). Докт. Дисс. Автореф. Самарқанд.2009.
48. Матёкубов Х.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичида қадимги Хоразм. Ном.дисс. автореф.Тошкент. 2012.
49. Голамреза Джавади. История государственного управления в Иране и Средней Азии в древности. Автореф. дисс. канд. ист.наук. Дўшанбе. 2004.



3-мавзу. «Авесто»-давлатчилик тарихини ўрганишдаги муҳим манба


1-§. Заратуштра ва зардуштийлик

Ўрта Осиёдаги турли халқларнинг қадимги даврлардаги диний қарашлари ва эътиқодлари, пайғамбарлари ва улар таълимотларининг ёйилиши масалалари узоқ йиллардан буён тадқиқ этилаётган бўлса-да, ҳамон кўпгина олимлар орасида илмий мунозараларга сабаб бўлаётган масаладир. Маълумки, ахамонийлар давридан бошлаб (балки ундан ҳам олдинроқ) араб босқинига қадар Ўрта Осиё халқлари орасида кенг ёйилган ва асосий дин – зардуштийлик дини эди. Бу диннинг асосчиси Заратуштра ва унинг фаолияти, бу диннинг муқаддас китоби «Авесто» ва у пайдо бўлган ҳудуд ҳақидаги масалалар ҳам ҳозирги кунда кўпчилик тадқиқотчиларнинг диққат марказида турибди.

Жуда кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, Заратуштра афсонавий бўлмасдан, тарихий шахс ҳисобланади. У грек-рим манбаларида Зороастр, қадимги форс тилида Зардушт, ўрта форс тилида Заратуштра номи билан эслатилади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, у Спитама авлодидан (Сугдийча Спитаман деган исм ҳам шундан келиб чиққан) бўлиб, отасини Поурўшасп, онасини Дугдова деб аташган. Унинг номи «олтин туяли», «олтин туя етаклаган одам» маъносини беради. Заратуштранинг отаси қоҳинлар табақасига мансуб бўлиб, у туғилган мамлакат бизга номаълум. Буларнинг барчаси Заратуштра ҳаёти тарихи, унинг туғилган жойи ва санаси, зардуштийликнинг ватани ҳамда дастлабки ёйилган ҳудудлари ҳақида тўла маълумот бера олмайди. Аммо, Авестонинг махсус боблари Заратуштрани тарихий шахс сифатида ёритади.

Заратуштранинг қайси йилда туғилганлигини ҳақида аниқ маълумот йўқ. Тадқиқотчилар фикрларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, унинг туғилган йили кенг тарихий саналар билан боғланади (мил. авв. 1500-1000йиллардан бошлаб, мил. авв. VII-VI асрларгача). Грек-рим тарихчилари ҳам Заратуштра қачон туғилганлиги ҳақида аниқ маълумот бермайдилар. Фақатгина, лидиялик Ксанф (мил. авв. II аср) Заратуштранинг фаолиятини Ксерксдан 600 йил аввал эди, деб маълумот беради. Бошқа грек муаллифларининг хабарлари бундан ҳам ишончсиз. Сосонийлар даври (III-VII аср) зардуштийлар анъаналарига эътибор берадиган бўлсак, Заратуштранинг ҳаёти мил. авв. VII асрнинг охири – VI асрнинг бошларига тўғри келади.

Абу Райхон Беруний Заратуштранинг туғилган йилини Александр Македонскийдан 258 йил олдин эди, деб белгилайди. Айрим тадқиқотчилар бу санани тўғри деса, баъзилари нотўғри деб ҳисоблайдилар. 330 йилда ахамонийларнинг сўнги вакили бўлган Доро III вафот этади. Ҳокимият Александрнинг қўлига ўтади. Агар Беруний маълумотларидан хулоса чиқарадиган бўлсак ($330+258=588$), Заратуштра мил. авв. 588 йилда туғилган. В.И. Абаев ва И.М.Дьяконов хулосаларига кўра, Заратуштра яшаб ўтган вақт-бу мил. авв. VII-VI асрлардир. Олимлар фикрига кўра, Заратуштра мил. авв. 553-541 йиллар атрофида 77 ёшида вафот этган. Бу сана ҳисобидан



Заратуштра 630-553 йиллар ёки 618-541 йиллар давомида яшаб, фаоли кўрсатган.

Заратуштранинг туғилган жойи ҳақида ҳозиргача ҳам баҳслар давом этаётган бўлишига қарамасдан, бу муаммога тўла аниқликлар киритилмаган. У ҳақида турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар Заратуштрани ҳозирги Озарбайжон худудида туғилган деб ҳисоблайдилар. Бу гуруҳ олимлар, Авестода келтирилган Арьянам Вайжа (Эрон текислиги) вилоятини ўзларига асос қилиб оладилар. Яна бир гуруҳ олимлар Заратуштрани Бактрияда туғилган деб ҳисоблайдилар. Бу гуруҳ олимлар грек тарихчиси Ктесий маълумотларига асосландилар. Шунингдек, бу гуруҳ олимлар Авестонинг энг қадимги қисмлари Бактрияда ёзилганлигини таъкидлайдилар. Яна бошқа бир олимлар гуруҳи Заратуштранинг ватани – қадимги Хоразм деб ҳисоблайдилар. Олимлар орасида Заратуштра ва Авестонинг ватани Суғдиёна деган фикрлар ҳам бор. Авесто матнларида эса Заратуштра туғилган жой ва унинг ватани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Авестода келтирилган географик худудларни ўрганишдан хулоса чиқарган кўпчилик ҳозирги тадқиқотчилар Заратуштранинг Ўрта Осиё вилоятларидан бирида, ҳеч бўлмаганда бу худудга кўшни бўлган шимоли-ғарбий Эрон худудида туғилганлигини эътироф этадилар. Умуман олганда, Заратуштранинг ватани Ўрта Осиё – Хоразм ёки Бактрия деб ҳисобловчи олимлар кўпчилиكنи ташкил этади.

Заратуштранинг диний ислоҳотлари ўз ватанида тарафдорларини топмаганлиги боис, пайғамбар ўз юртидан кетишга мажбур бўлган. Заратуштра эътиқодини қабул қилган биринчи тарафдорлари – бу қадимги Бактрия подшоси Кави Виштасп, малика Хутаоса ва уларнинг яқин қариндошларидир. Заратуштра ўз ғояларида қонли қурбонлик (мил. авв. VII асргача бўлган динларда одамлар ва ҳайвонлар худодларга қурбонлик қилинган) қилишни қатъиян қоралайди. Заратуштра яна шуни таъкидлайдики, одамзод яшашга ҳақли бўлиб, бу ҳуқуқдан уни маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Заратуштра ўз ғояларини тарғиб қила бошлаган давр Ўрта Осиё ва Эрон халқлари тарихида энг муҳим давр эди. Яъни, ибтидоий жамоа муносабатлари ўзгариб, давлатчилик тизими муносабатлари қарор топмоқда эди. Янги дин бу ўзгаришларни ўзида акс эттирар ва туғилаётган янги жамиятга хизмат қиларди. У бирлашишга ва кучли марказлашган ҳокимият тузишга, ўша даврда ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи воҳалар аҳолиси учун «худонинг қамчиси (тиғи)» ҳисбланган кўчманчи халқларга қарши кескин курашга чақирди.

Заратуштра ислоҳотлари диний жиҳатдан ҳам, ижтимоий жиҳатдан ҳам бита – улуғ ва донишманд худо Ахурамаздага (сўзма сўз таржимаси «жаноби доно») сиғинишга ва Ахурамазданинг душманлари деб эълон қилинган собиқ қабила худолари – асуралар ва девларга қарши курашга олиб келди.

Зардўштийларнинг диний фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш худодлар ўртасида бошланиб, табиатда ва инсоният



хаётида ҳам давом этган. Ўшандан бошлаб яхшилик ва ёмонлик, рост ёлгон, ёруғлик ва зулмат ўртасида доимий ва муросасиз кураш бошланган. Улар ўртасидаги кураш бутун коинотга ёйилади ва зардўштийларнинг асосий фалсафий таълимоти бўлиб қолади. Ёруғлик, яхшилик кучларини Ахурамазда (Ормуз), ёвўзлик, қора ва зулмат кучларни Анхро-Манё (Ахриман) бошқаради.

Ахурамазда яхшилик, ёруғлик, соғлик, бахт-саодат келтирувчи худо бўлиб ҳисобланган. Заратуштра бундай хабар қилади: «Биз Ахурамаздани улуғлаймиз, у чорвани, сувни ва ўсимликларни, ёруғликни ва ерни яратган...». Шунингдек, Ахурамазда хаётни ва дастлабки одамни яратган худо деб фараз қилинган. Анхро-Манё ёмонлик, ўлим ва зулмат келтирувчи худо бўлиб ҳисобланган.

Заратуштранинг дини вақт ўтиши билан аста-секин турли халқлар орасида тарқалар экан, ўз асосини сақлаган ҳолда бироз ўзгаради. Ахурамазда ва Ахриман худоларидан ташқари, Авесто бир қатор бошқа улуғ худолар фаолияти ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Митра, Хоума, Анахита, Аши ва Зурвон қабилар шулар жумласидандир. Воху Манах (олиҳиммат фикр) чорвага, Аши Ваҳишта эса оловга омийлик қилади ва ҳоказо. Ўтмишнинг энг аҳамиятли динларидан бўлган зардўштийлик диний-фалсафий иккиликни (дуализмни), қадимги урф-одатлар ва тарихий ривоятларни ўзига сингдиради ва бундан ташқари зардуштийлик, пайғамбар Заратуштрадан олдинги даврларга оид қадимги қабилаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ҳам ўз ичига олади.


Зардўштийлик Сосонийлар даврида (милоднинг III-VII асрлари) ўзил-кесил расмийлашган. Бу даврда зардўштийликнинг адабиёти ҳам кенг тарқалади. Шунини айтиш керакки, дастлабки пайтларда зардуштийлик динининг муқаддас матнлари авлодлардан оғзаки етказилган ва Заратуштра ўлиmidан кейин бир неча аср ўтгач маълумотлар тўпланиб ягона матн ёзилган.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби Авесто шу тариқа юзага келган. Бир қатор олимлар зардуштийлик анъаналарига таяниб Авестони илк сосонийлар (III-IV асрлар) даврига боғласаларда, шунга қарамай унинг биринчи таҳрири мил. авв. I асрларда бўлиб ўтган деб ҳисобланади. Авесто жумласи ҳам ўша пайтда пайдо бўлган бўлиб, у ўрта форс тилида «апастан», яъни «асос», «асосий матн» деган маънони билдиради.

Мусулмонларда «Қуръон», насронийларда «Библия» бўлганлигидек, Авесто – зардўштийлик динининг матнлари тўпламидир. Бу тўпламлар турли вақтларда ва турли жойларда вужудга келган. Эронда ислом дини қабул қилингач, Авестонинг катта қисми йўқ бўлиб кетади. Бизгача унинг кундалик диний амалиётлари учун зарур бўлган матнларигина етиб келган холос.

Энг қизиғи Вадедат бўлиб, тўпламнинг маъноси – «девларга қарши қонун» демқдир. У қоҳинлар мажмуи бўлиб, покланиш маросимлари қоидалари, гуноҳларни ювиш ва саҳоватли бўлиш, ҳар хил урф-одат қоидалари, шу билан бирга дафн этиш маросимлари ҳақидаги бўлимдир.

Зардўштийлик мураккаб ва ғоят ўзига хос маросимини ишлаб чиқди. Авестодаги ерга, сувга оловга ўликни текизиб харом қилишни қатъий




тақиқлаш- унинг асосини ташкил этади. Кимки инсонни ёки итни ерга кўм катта гуноҳ қилган ҳисобланиб, бу гуноҳи учун «отнинг қамчиси» билан 500 марта урилган. Инсон ёки итнинг ўлиги кўмилган ерга бир йилгача экин экиш таъқиқланган. Демак, зардўштийларнинг қонунларига кўра жасадни ерга кўмиш, сувга ташлаш, гулханда кўйдириш ман қилинган. Шунинг учун ҳам жасадни зардўштийлар уйдан, манзилгоҳдан, шаҳардан, тупрокдан, муқаддас оловдан, сувдан четлаштириб уни тошли ва қумли тепаликларга ёки бошқа махсус жойларга олиб бориб қолдириганлар. Йил давомида қор ва ёмғир сувлари мурда суяқларини ювиб, уларни куёшнинг муқаддас нури яна тозалагандан сўнг, махсус одамлар – «гўрковлар» («ристокашлар») зардўштийларнинг очик қабристонларига келиб, тозаланган суяқларни кишлоқ – шаҳарларга олиб келганлар. Фақат шундагина мураккаб дафн маросимларидан кейин, суяқларни ерга кўмиш ёки махсус хоналарда, сопол идишларда ва тобутчаларга сақлаш мумкин эди.

Видевдатда бу суяк сақланадиган жой «исдона» деб юритилади, ундан кадимгироқ пахлавий матнларда эса «остодан» дейилади. Унинг таржимаси ҳалигача аниқ эмас ва икки хил маъно беради. Айрим олимларнинг фикрича, исдона- остодан, сопол тобутга – оссуарий бўлиб, улар Ўрта Осиё кадимги ёдгорликларида тез-тез учраб туради. Айрим тадқиқотчилар жумладан В.Б. Хеннинг бу сўзни «ер остидаги сағана» деб таржима қилган.

Мил. авв. VI-IV асрларга оид оссуарийлар Ўрта Осиё худудидан кўплаб топилган. Дафн маросими билан алоҳида одамлар гуруҳи шуғулланган бўлиб, уларни «ристокаш», яъни «ифлос ва тоза бўлмас одамлар» деб ҳисоблашган. Улар олов ва сувдан 30 метр узоқликда юришлари керак бўлган. Шунингдек улар одамларга 3 метргача яқин юрмаслиги лозим бўлган. Умуман зардўштийлик таълимоти, ер, сув, ҳаво ва оловни муқаддас деб ҳисоблаган. Бу анъаналардан баъзилари (сувга тупирмаслик ва пешоб қилмаслик, никоҳ тўйларида келинни оловдан айлантириш ва ҳоказо) бизгача сақланиб қолган.

VII-VIII асрларда араблар Ўрта Осиё ва Эронни босиб олгач, бу худудларда Заратуштра таълимоти йўқ қилиниб ислом дини ёйилди, зардўштийларнинг катта қисми XVIII асрда Ҳиндистонга кўчиб ўтдилар. Ҳозирги кунда зардўштийликка сиғинувчи халқлар фақат Ҳиндистон ва Эронда яшайдилар. Заратуштра ўз замонасида ҳам ва ундан кейин ҳам тарихий шахс бўлиб қолди. У яратган таълимот эса маълум муддат деярли бутун Шарққа ва Ўрта Осиёга ёйилиб, кўпчилик давлатлар динига айланди.

Умуман олганда, Заратуштранинг диний-фалсафий ақидалари ва таълимоти уруғ қабилачилик ва яккахудоликка сиғинишни тарғиб қилади ҳамда унда адолат, меҳнат ва меҳнатсеварлик, ҳалоллик, яхшилик, ёруғлик, олиҳимматлик, бағрикенглик ва эзгулик ҳақидаги олқишлар асосий ўринда туради. Айниқса, Заратуштранинг маънавий-ахлоқий таълимотида яхши фикр (гумата), яхши сўз (гугта) ва яхши иш (гворишта) га алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек Заратуштра таълимотида одамларнинг тенг ҳуқуқли бўлиб яшаши, бир-бирига яхши муносабатда бўлиш, бир-бирига ёрдам бериш тарғиб қилинади ҳамда адолатсизлик, шафқатсизлик, зўравонлик ва табиатга



бемехрлик қаттиқ қораланади. Заратуштрининг асосий ғояларида дунёда барча ишлар яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат ўртасидаги курашларга боғлаб талқин қилинади.

Авесто китобидан ўрин олган Ўрта Осиё худудида яшаган қабилалар ва элатларнинг энг қадимги даврдан бошланган ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний ва дунёвий мафкуриси, дунёни билиш ҳақидаги тушунчалари, урф-одатлари, маънавий-маданий ривожланишига доир маълумотлар катта аҳамият касб этади.

Зардўштийлик таълимотида Ахурамазда азалдан мавжуд бўлган ҳамда абадий илоҳ сифатида алоҳида ўринга қўйилади. Шу сабабдан ҳам Авестода барча эзгулик ва ёруғлик Ахурамазда томонидан яратилганлиги таъкидланади. Унга қарама-қарши ўлароқ ёвўзлик ва жаҳолат худоси Ахриман ўзининг барча ёмон ниятларини амалга ошира бориб, Ахурамазда яратган моддий оламга маънавий зарар етказади ва жамиятга хос бўлмаган ахлоқий бўзуқликларни келтириб чиқаради. Ахриманнинг бундай ёвўз ниятларига қарши курашиш учун Ахурамазда яратган зардўштийлик ақидаларини қабул қилиш ҳамда унга итоат этиш таъкидланади.


Заратуштрининг фикрича, энг эзгу ниятлар, умумбахш ва олижаноб фикрлар Ахурамазда тарафдорларининг қалбидан жой олиши лозим. Фақат шундагина одамларнинг ҳатти-ҳаракатида, одил жамият барпо этишдаги фаолиятида, табиатга ва бир-бириларига бўлган муносабатда ёмонлик ва жоҳиллик бўлмайди. Шундан сўнг эзгу ниятли кишиларнинг ҳаракатлари Ахурамазданинг эзгу ниятлари билан қўшилиб, маънавий курашда ёвўз ва зулмат кучлари устидан ғолиб келади.

Заратуштра таълимотининг жамият ва инсоният тарққиётидаги энг муҳим ва диққатга молиқ бўлган томони шундаки, унда бутун табиатни – ер, сув, дарахт, ўсимлик ва жониворларни эъзозлаш, ерга ишлов бериб, суғориб, боғ-роғлар ва экинзорлар барпо этиш, чорвачиликни кенг йўлга қўйиш, сув ва оловни муқаддас тутиш шарт бўлган.

Шундай қилиб зардўштийлик таълимоти яхшилик ва эзгулик ғоялари билан суғорилган бўлиб, бу таълимот ёвўзликка нисбатан нафрат туйғуларини уйғотади ҳамда кишиларни комиликка, яратувчанликка, эзгуликка ундайди.

2-§. Авестода ижтимоий тизим ва сиёсий ғоялар

Авестонинг энг қимматли томонларидан бири – у Ўзбекистон халқлари қадимги тарихи ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Авестони тўплам ҳолда тўплаган олим Анкетил Дюпперон (Франция) бўлиб, у XVIII асрнинг ўрталарида бу муқаддас китобни Ҳиндистондаги Гужарат вилоятидан келтиради ва францўз тилида чоп эттиради. Тадқиқотчилар уни қўйидаги қисмлардан иборат деб ҳисоблайдилар: - « Ясна» - «қурбонлик келтириш», «Яшт»- «қадрлаш», «Видевдат» - «девларга қарши қонунлар», «Виспрат» - «барча ҳукмдорлар». «Ясна» даги 72 та бобдан 17 таси пайғамбар Заратуштрага тегишли. Улар – «Гота» лар номли «муқаддас қўшиқлар» ёки мадҳиялардир.




Видевдатда Ўрта Осиёдаги вилоятлар ва давлатлар ҳақида қўйидаги маълумотлар берилди: «Мен, Ахурамазда энг яхши ерлар ва мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Ванхви Даити бўйида (кўпчилик тадқиқотчилар уни Амударё дейдилар – Э.Б.) Арянам Вайжони яратдим, шунда ўлим келтирувчи Анхро Манё... девлар ва қишни яратди...Мен Ахурамазда яхши ерлар ва мамлакатлар орасида иккинчи бўлиб Суғдийлар яшайдиган Гава маконида асос солдим». Шундан сўнг Моуру (Марғиёна), Баҳди (Бақтрия) Нисайа (Парфия), Харайва (Ҳирот), Воиха- Гирта (Қабул атрофлари), Аврара (Тус), Хийрман (Ҳилменд воҳаси) кабилар эслатилади. Ҳаммаси бўлиб Авестода 16 та мамлакат-вилоят тилга олинган бўлиб улардан Гава, Баҳди, Нисайа ва Моуру аниқ локализацияга эга. Қолганлари эса ҳозирги қайси ҳудудлар эканлиги тахмин қилинади.

Баъзи олимлар, Александр Македонский қадимги форслар сулоласини тор-мор этганидан сўнг Авестонинг эски қисмлари йўқ қилинган деб ҳисоблайдилар. Аммо, Парфия подшоси Вологез I даврида (милоднинг 51-78 йиллари) бу китобнинг қолган-қутган қисмлари тўпланади ва кейинроқ таҳрир қилинади.

Авестонинг энг қадимги қисмлари кенг ҳудудда жойлашган жамиятни тасвирлаб, бу жамият ҳақида ёзувсиз замонларга оид тасавурларни ҳам сақлаганлар. Авесто китоблари турли хил маълумотларни ўз ичига олади. Шулар жумласидан - қадимги географик тушунчалар – дарёлар, тоғлар, кўллар номлари, ҳудудий- этник қабилалар ва вилоятлар номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ва сиёсий тўзум, диний насиҳатлар, зардуштийларнинг фалсафаси, Дуне тарихи ривожланиши ҳақидаги маълумотлар ва бошқалардир.

Олимларнинг эътироф этишларича, Авесто Шарқ халқлари қадимги даврларини тадқиқ этишда ҳозиргача муҳим манба бўлиб, у ўзининг бу аҳамиятини бундан буён ҳам сақлаб қолди. Бу китоб даставвал эътиқодлар, тиллар ва динлар, бир сўз билан айтганда, маънавият ва маданиятнинг ривожланиш босқичлари ҳақидаги илк тўплам ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, бу жараёнлар давлатчилик ва иқтисодиёт ривожланишининг умумий доирасида бўлиб ўтган.

Авесто маълумотларини археологик материаллар билан қиёсий ўрганган олимларнинг фикрича, мил. авв. II минг йилликнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиё халқлари сиёсий ҳаётида ўзгаришлар содир бўлиб, давлатчиликнинг илк кўриниши шакллана бошлайди. Бу даврда ушбу ҳудудларда яшаган аҳолининг катта қисми йирик воҳаларни жадаллик билан ўзлаштириши натижасида чорвадор кўчмачиликдан ўтроқ деҳқончиликка ўта бшлайди. Бу эса кейинроқ Бақтрия, Хоразм, Марғиёна, Парфия, Суғдиёна кабиларда давлатчилик тизимининг вужудга келишига асос бўлган эди. Мисол учун, Авестонинг «Вандидод» китобида Олий худо Ахурамазда яратган ўн олтита мамлакат (ўлка) нинг ҳудудий – маъмурий, сиёсий ҳамда қонунчилик тизимига оид маълумотлар берилган.



Ушбу маълумотларга кўра давлатни, кави яъни, бошқарув тизими билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар билан шуғулланувчи шахс (подшо) бошқарган. Ўз навбатида давлатни бошқариш ҳуқуқи сулоланинг бир вакили кўлидан иккинчисига мерос сифатида ўтиши диний ва дунёвий жиҳатдан қонунлаштирилган.

Авесто давлат бошқарувининг мураккаб тизими ҳақида маълумотлар беради. Бу маълумотларга кўра, мил. авв. VII-VI асрларда Ўрта Осиё жамиятининг асоси кичик-кичик оилалардан иборат бўлиб, ҳар бир оила ўртача 5-6 кишидан ташкил топган. Улар катта патриархал оила аъзолари ҳисобланган. Катта оила эса 20-25 кишидан ташкил топган. Жамоалар ҳаётида уруғчилик тузумининг айрим хусусиятлари сақланиб қолган. Катта оила аъзолари томонидан хўжаликни ташкил этиш, ерга биргаликда эғалик қилиш ва умумий турар жойда – уй-кўрғонларда яшаш одати юқоридаги фикр далилидир.

Давлатнинг бошқарув тизими оилалар ёки уй-жой бирлашмаси – «нмана»ёки «дмана», катта оила оқсоқоли – «нманапати», уруғ жамоаси бошлиғи – «вис», катта қишлоқ оқсоқоли «виспати», қабила бошлиғи – «зантупати», вилоят ҳокими – «дахюпати», бир неча вилоятлар ҳокими – «дахюсастар», мамлакат ҳокими – «кави» лардан ташкил топган. Авестода оила, уруғ ва қабила бошлиғини англатиш учун «пати» сўзи ишлатилган. «Кави» ёки «састар» мамлакатни идора қилган шахсга нисбатан ишлатилган. Авестонинг Яшт китобида қуйидагича маълумот бор: “Кўп яйловларга эга бўлган Митрани биз улуғлаймиз .Унга ҳеч ким ёлғон гапираолмайди: уйда оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, қабила йўлбошчиси ва мамлакат ҳокими ҳам ёлғончи бўлса, ғазабланган Митра бутунлай оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини ҳам тамоман йўқ қилади.”


Айрим тадқиқотчилар (Ҳ. Бобоев, Т. Дўстжонов, С. Ҳасанов, Я. Олламов) илмий таҳлилларга асосланиб Авестода тасвирланган ва Ўрта Осиё худудида шаклланган илк давлатчилик асосларининг вужудга келиш жараёнини қуйидаги уч даврга ажратадилар:

Биринчи давр – энг қадимги давр бўлиб, бунда адолат ва инсоний бахт-саодат ҳукмрон бўлган.

Иккинчи давр – яхшилик руҳлари билан ёмонлик руҳлари ўртасидаги адолат учун кураш давом этган.

Учинчи даврда – ақл-идрок ва адолат тантана қилиб, деҳқонлар бадавлат, давлатнинг сиёсий ва қонунчилик тизими мустаҳкам бўлган.

А. С. Сагдуллаев узоқ йиллик қиёсий тадқиқотлар асосида Авесто даври давлат бошқарувини қуйидагича изоҳлайди:



Бошқарув тизими

Авесто тушунчалар

Уй қўрғон жамоаси	Уй эгаси	«Нманопати»
Қишлоқ жамоаси	Қишлоқ оқсоқоли	«Виспати»
Туман – бир неча қишлоқ жамоалари	Оқсоқоллар кенгаши	«Ханжамана»
Вилоят (бир неча туман)	Вилоят ҳокими	«Даҳюпати»
Мамлакат	Мамлакат ҳокими	«Кави»


Шунингдек, олимнинг фикрича, Авестонинг Яшт китобида келтирилган маълумотлар Ўрта Осиёда қабилалар сиёсий бирлашмасининг таркиб топган даврларига мансуб бўлиши мумкин. Авесто даврида хусусий мулк қуйидагилардан иборат бўлган: уй-жой, чорва, томорқа ерлари, ишлаб чиқариш қуроллари, барча рўзгор ва шахсий буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари.

Авесто китобларида қадимги чорвачилик ва дехқончилик ҳаёти ҳақида маълумотлар турли қисмларда сақланган бўлиб уларда шундай дейлади: «Биз Ахурамаздани улуғлаймиз, Ахурамазда яратган барча нарсанинг ичида энг муҳим бўлиб, биринчи ўринда чорва туради. Биз чорвага тинч ўтлов ва емиш таъминлашга чақирамиз». Ёки Видевдат китобида дехқончилик сабаб иш эканлиги таъкидланган: «Ким агар чап ва ўнг қўли, ўнг ва чап қўли билан бу заминга ишлов берса, О. Спитама Заратуштра, у ерга манфаат келтиради».

Таъкидлаш жоизки, Авесто даври қабилалар ва жамоалар эътиқодларининг мукамал жаҳон дини даражасидаги дин билан алмашаётган даври эди. Шунингдек, бу давр туб иқтисодий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришда сифатий олға силжишлар даври бўлганлиги билан ҳам изоҳланадики, бу ҳолат иерархик тўзумга эга бўлган давлатчилик ҳамда урбанизациянинг янги босқичга кўтарилишига, касбий хунармандчилик, биринчи галда металлургиянинг ривожланишига имконият яратган эди.

Мис, бронза, кейинроқ темирнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқаришдаги катта ўзгаришларга, жумладан хунармандчиликнинг махсус тармоқларга ажралишига ва маҳсулот айирбошлашга олиб келди-ки, бу жараён Ўрта Осиё қадимги шаҳар ва қишлоқларининг ривожланишига, зироаткор ва чорвадор аҳоли турмуш тарзининг тубдан ўзгиришига олиб келди.

Авесто кўпгина маълумотлар қатори металлургия соҳасида эришилган ютуқлар ҳақида ҳам маълумотлар беради. Бунга Авесто худоларининг бой қурол – яроғлари мисол бўла олади. Масалан, зардуштийларнинг улуғ худоларидан бири Митра «олтин арава»да тасвирланиб, қўлида «сарик



маъдандан ясалган, тилла билан қопланган, юз тиғли ва юз зарбали, энг куч ва энг зафарли» болта ушлаб туради. Митранинг аравасида ёки қалқонида кумуш ва олтиндан безаклар солинади. Митранинг аравасида «ўткир, яхши чархланган, илоҳий учадиган ва илоҳий кесадиған» минглаб ўткир ўқлар ва найзалар, минглаб пичоқлар ва чўкморлар тасвирланган.

Авестода тилга олинган вилоятлар (ўлкалар) – Арйанам Вайжо, Гава Суғда, Моуру, Бахди, Нисайа кабилар, Ўрта Осиё, Жанубий Уралолди ва Марказий Қозоғистон худудларида жойлашган бўлиб бу улкан минтақада муҳим полиметаллар базаси, Амударё ва Сирдарё қуйи оқимларида кенг яйлов худудлар, Бактрия, Марв, Нисо ва Суғда урбанизациялашган марказлар мавжуд эди.


Авесто мадҳияларида маълум ижтимоий босқичлардаги изчиллик ва иерархияни ҳам ажратиш мумкин. Шунингдек, Авестода илк шаҳарлар шаклланиш босқичлари Ахурамазда фармони билан дастлабки одам Йима томонидан мустаҳкамланган «вара» бунёд этиши мисолида кўзатилади. Бундай «вара» лардан бири археологлар томонидан Жанубий Урал – Қозоғистондаги «шаҳарлар ўлкаси» дан топилган бронза даврида оид Аркаим ёдгорлигида бўлиши мумкин. Аркаим ёдгорлиги бир нечта мустаҳкамланган манзилгоҳлардан иборат бўлиб, хандақлар ва қаторли мудофаа деворлари билан ўраб олинган, кириш қисми ҳимояланган. Ёдгорлик мураккаб ва аниқ тузилишга эга. Ёдгорлик худудларидан, хунармандчиликнинг аввало, металл эритиш ва унга ишлов беришнинг излари, бронзадан ясалган буюмлар Авесто мадҳияларида эслатилган «вара» шаклидаги бунёд этилиши шаҳар маданияти белгиларини, ижтимоий ва маданий тарққиётининг юқори даражасини, номдавлатлар кўринишидаги шаҳарлар шаклланишини ўзида акс эттиради. Бу жараённинг босқичма –босқич ривожланиши эса, Ўрта Осиёнинг жанубий ва марказий худудларида кўзатилади.

3-§. Авестода ҳуқуқий тартиб

Бизнинг кунларимизга қадар етиб келган Авесто китоби ва зардўштиларнинг анъаналари ҳамда таълимоти, инсон ҳаёти ва одамларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари маълум қонун – қоидаларга ёки маълум ҳуқуқий тартибга асослангани ҳақида маълумот беради.

Тарихий маълумотлардан маълумки, Заратуштра яшаган давр ижтимоий-сиёсий муносабатлар қарор топаётган нотинч ва мураккаб давр эди. Бир неча бор адолатсизлик, шафқатсизлик ва зўравонликларнинг гувоҳи бўлган Заратуштра ўзининг дастлабки таълимотини ёвўзлик ва зўравонликка қарши қаратади. Айнан шунинг учун ҳам Заратуштра таълимотининг асосини тартибга чақириш, ҳуқуқий нормаларни белгилаш, адолатга интилиш, хулқ-обод тантанаси, тинчликка интилиш ҳамда эзгуликка даъват этиш ташкил этган.

Авесто маълумотларига кўра, яхши сўз ва яхши мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, доимий ҳақиқатни рўёбга чиқариш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани асраб-авайлаш барча нарсадан устун ахлоқий бурч бўлиб саналган.



Инсон ўзига юклатилган эзгу бурчлар, ўзининг қилган ишлари ва фикрлари билан, эзгулик, яхшилик, ёруғлик ва бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат бахшида этувчи олий худо Ахурамаздага ёрдамчи бўлиб касаллик ва ўлим келтирувчи ёвўз худо Ахриманга қарши бўлиши лозим эди.

Авестода кишиларнинг ўзаро муомала ва муносабатларида берилган ваъданинг устидан чиқиш, мажбурият ва қасамига содиқ қолиш одатий қонунлар эканлигини кўзатиш мумкин. Агар қасам ичиб аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки бўзган бўлса, даъвогар ўз ҳақлигини исботлаш учун синаш ва жазоланиш усулидан фойдаланган. Адолатли суд қилиш учун синаш ва жазоланишнинг 33 та усули мавжуд бўлиб, агар сўз қасами бўзилса, сув билан синаш, агар шартномага оид бўлса, олов билан синаш жараёнида айбдорга ўзининг ҳақлигини исботлашга имкон берилган.


Оила ёки жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдноmani бўзиш катта гуноҳ ҳисобланган. Яштнинг X бобида бу хусусда шундай дийилган: «О, Спитама, шартномани бўзувчи киши, бутун мамлакатни бўзади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулку молларга путур етказди. О, Спитама аҳдингни бўзма...». Заратуштра «куч ва имконим борича мен одамларни ҳақиқат «аша» га чорлайман» дея, улуғ худо Ахурамаздага қасамёд қилади. «Аша» - тартиб, имон ва адолат тимсоли бўлиб, унга яхши ният, яхши сўз ва савобли ишлар билангина эришиш мумкин бўлган.

Авесто китобларида келтирилишича, «бир-бирини қўлловчи икки кадрдон дўст ўртасида тузилган аҳднома йигирма қиррали кучга эга; бир жамоанинг икки аъзоси ўртасида тузилса, ўттиз баравар кучга эга; икки ҳамкор ўртасидаги аҳднома қирқ бор ўз кучини сақлайди; эр ва хотин ўртасидаги аҳднома эллик даражали кучга эга; икки уммат орасидаги аҳднома олтмиш кара кучга эга; устоз ва шогирд шартномасининг етмиш қирралик кучи бор; куёв ва қайнота аҳдномаси тўқсон ҳиссалик кучга эга; ота ва ўғил ўртасидаги тузилгани юз кара, икки мамлакат ўртасидаги тузилган шартнома минг қирра кучга эгадир».

Тадқиқотчилар бундан шундай хулоса чиқарадиларки, оила ва жамиятдаги ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар (хонадон эгаси ва оила аъзолари, эр ва хотин, ота ва ўғил, куёв ва қайнота, қўшнилар ўртасидаги) кенг қамровли бўлиб улар, ёлғон, зўравонлик ва ноҳақликка қарши қаратилган. Шу билан бирга Авесто таълимоти олтига аҳдномага (қасам ёки кафолатга) риюя қилишга (сўз, қўл, қўй, сигир, одам, вилоят қасами) қақиради.

Гуноҳлар ичида энг оғири – одам ва итлар жасадини «тупроққа топшириш», яъни, ерга кўмиш, сувга ташлаш, гулханда қўйдириш жинойти бўлиб, Авестода таъкидланишича, «дунёда ҳеч бир жазо, ҳеч бир товон бундай гуноҳни поклай олмайди».

Авестода жинойт ва жазо масалалари ҳар томонлама тартибга солинганлигини кўзатиш мумкин. Мисол учун, жинойтлар қуйидаги турларга



бўлинган: динга қарши жиноят, шахсга қарши жиноят, ҳайвонларга қарши жиноят, мулкка қарши жиноят, табиатга қарши жиноятлар кабилар.

Шахсга қарши ҳаракаталар ичида қурол олиб таҳдид солиш, бировни калтаклаб ҳушидан кетказиш, унга жароҳат етказиш, қонини оқизиш, суягини синдириш, бошини ёриш каби ҳаракатлар қаттиқ жазоланган. Мулккий жиноятлардан ўғрилик, фирибгарлик, талон-тарож, босқинчилик, қарздорлик кабилар Авестода гуноҳ ҳисобланган. Унга кўра, «кимда ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади». Олинган қарзни ўзлаштириш ҳам жиноят ҳисобланган.

Динга қарши жиноятлар, қасддан қилинган жиноятлар ва такрорий жиноятлар учун айниқса қаттиқ жазолар белгиланган. Бировни қасддан уриб, унинг қонини тўккан кимсани, эллик қамчидан тўксон қамчигача савалашган. Шунингдек, агар кимки бировни уриб суягини синдирса, жиноятчига нисбатан отнинг терисидан ясалган қамчин билан, етмишдан тўксон қамчигача уриш жазоси белгиланган.

Авесто оилани, фарзандларни, уй-жойни асраб-авайлашга чақиради: «кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир». Оила ва жамиятдаги, хусусан, маълум хонадон эгаси ва оила аъзолари, эр ва хотин, ота ва ўғил, куёв ва қайнота, қуни-қўшнилари ўртасидаги ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар кенг қамровли бўлиб, улар ёлғон, зўравонлик ва ноҳақликка қарши қаратилган. Ноҳақлик ва жиноятга тўсиқ қўйиш, уларнинг олдини олиш мақсадида Авесто қонунлари инсон ва жамоанинг ҳуқуқий назорат қилишга қаратилган.

Авестодаги диний – фалсафий ва маданий таълимот, давлатчилик ва қонунчилик тизими ўша даврдаги жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини бойитишда муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Ушбу муқаддас китобда юксак ахлоқ, покиза виждон, марҳаматлилик, бағрикенглик, инсонларга ва она заминга нисбатан доимий ғамхўрлик тарғиб этилган. Авестони асосини ташкил этган бундай тушунча, йўл-йирик, комил инсонга хос фазилатлар, қатъий хулоса ва фикрлар давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий қудратини ошириб, уни янада мустаҳкамланишига хизмат қилган. Бу муқаддас китобнинг ўша даврдаги кадр-қиммати ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолганлиги шубҳасиздир.

Таянч сўзлар

Заратуштра ва зардуштийлик, диний қарашлар ва эътиқодлар, пайғамбарлар ва уларнинг таълимотлари, Зороастр, Зардушт, Спитама авлоди “Олтин туя етаклаган одам”, Сосонийлар даври, географик ҳудудлар, диний ислоҳотлар, Кави Виштасп, Хутаоса, Заратуштра ислоҳотлари, диний фалсафа, Ахурамазда, Митра, Хоума, Анахита, Аши, Зурвон, Воҳу Манах, Ашу Ваҳишта, зардуштийлик адабиёти, “апастак”, Видевдат, “исдона”, “астодан”, “ер остидаги сағана”, “ристокаш”, диний – фалсафий ақидалар, меҳнатсеварлик, ҳалоллик оллийҳимматлик, поклик, бағрикенлик, эзгулик, гугта, гумата, гворишта, ёруғлик ва зулмат ўртасидаги қураш, Ясна, Яшт,



Висират, “Готалар”, Ванхи Даита. Гава, Нисайа, Баҳди, Моуру, сиёс
ўзгаришлар, Вандидод “нманapati”, “вис”, “виспати”, “занту, “зантупати”,
“састор”, “дахю, ҳуқуқий тартиб, “вара”, сўз қасами, “Аша” – тартиб, имон ва
адолат тимсоли, ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар, давлатчилик ва
қонунчилик тизими.

3 – мавзу бўйича савол ва топшириқлар

1. Заратуштра туғилган сана ва ҳудуд ҳақида гапириб беринг.
2. Зардуштийлик тарқалган илк ҳудудлар ҳақида нималарни биласиз?
3. Зардуштийларнинг диний фалсафасига изоҳ беринг.
4. Зардуштий худолари ҳақида нималарни биласиз?
5. Зардуштийларнинг кўмиш маросимлари ҳақида маълумот беринг.
6. Авестонинг ўзбек халқи давлатчилиги тарихи ҳақидаги муҳим манба эканлигини асослаб беринг.
7. Авестода давлат бошқаруви ҳақида қандай маълумотлар сақланган?
8. Авестода деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчилик ҳақида қандай маълумотлар берилади?
9. Ҳуқуқий тартибнинг шаклланиши Авестода қай даражада ўз аксини топган?
10. Авестода келтирилган жиноят ва жазо турлари ҳақида маълумот беринг.

3-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

- 1.Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси.-Тошкент, Шарқ, 2001.
- 2.Бобоев Ҳ., Дўстжонов Т., Ҳасанов С., Олламов Я. Авесто ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. – Урганч, 2002.
3. Авесто. Избранные гимны. Пер. В.А, Лившица. – Дўшанбе.
4. Авесто. «Санъат». 1991. № 5-12, 1992. № 1.
5. Авесто «Гулистон», 1999, № 1-5.
6. Абаев В.И. «Миф и история В Гатах Зороастра. Историко-филологические исследования». – М. Наука. 1974.
7. Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. – М. Наука, 1988.
8. Жаббаров И., Дресвянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии. – Ташкент, Фан, 1993.
9. Исҳоқов М. Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал. – Тошкент, 2000.
10. Сағдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент. Ўқитувчи, 1996.
- 11.Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб.- Тошкент, 1964.
12. Тоҳир Карим. Муқаддас»Авесто» изидан. – Тошкент, Чўлпон, 2000.
13. Умарзода М. «Овисто» сирлари // Жаҳон адабиёти. 1997, 4-сон.
- 14Сағдуллаев А., Эшов Б.Заратуштра – ҳақиқатми ё афсона? // Фан ва турмуш, 1995, № 3.



4-МАВЗУ. ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ (V-VIII АСРЛАР)

1-§. Эфталитлар даври давлатчилиги


Кидарийлар, хионийлар ва эфталитларнинг сиёсий ҳамда этник тарихи. Милоднинг IV-V асрлари Ўрта осие қадимги тарихининг муҳим босқичларидан ҳисобланади. Улкан Кушонлар давлати ички ва ташқи курашлар натижасида бир қанча мустақил давлатларга бўлиниб кетади. Ўрта Осиёнинг жанубида унинг тарихидан Тохаристон ва Марв ажралиб чиқади. Улардан шимолда эса Суғд алоҳида бўлса, унинг шарқий томонида Уструшона жойлашади. Уструшонага туташ ҳудудларда Фарғона, Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларида Чоч ва Хоразм мулклари мустақил эди.

Бу даврда Ўрта Осиёда бўлиб ўтган сиёсий жараёнлар кўп сонли ички ва ташқи урушлар билан боғлиқ эди. Шунингдек, милодий IV-V асрлар ўрта Осиё ҳудудларига кўчманчи қабилаларнинг кириб келиши, қабилалар иттифоқи юзага келиши, янги сиёсий кучлардан бири **Кидарийлар** бўлиб, улар ҳақидаги асосий маълумотлар Хитойнинг Бэйши Солномасида ҳамда ғарб муаллиф тарихчиларидан бири Приск Панийский маълумотларида учрайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, **кидарийларнинг** дастлабки, ватани **Шарқий Туркистон** эди. Бэйши солномасида берилиши, юечжилар хумдори Цидоло жужанлар ҳужуми туфайли ўз қароргоҳини Боло (Балхга) га кўчирган. Яна шу манба хабар беришича, Кидар Шимолий Ҳиндистонга юриш қилиб Гандхардан шимолдаги 5 та давлатни ўзига бўйсундирган. Айрим тадқиқотчилар, кидарийлар Шарқий Туркистондан кўчишни бошланган сўнг улар икки қисмга бўлиниб, катта қисми шимоли-ғарбий Ҳиндистонга, кичик қисми эса Ўрта Осиёга жойлашадилар, деган фикрни илгари сурадилар. Кидарийларнинг Ўрта Осиёга жойлашуви масалалари билан шуғулланган. С.К.Кабановнинг фикрича, уларнинг маркази Балх эмас балки Қарши атрофларидаги Ерқўрғон кўҳна шаҳри бўлган. Бу фикрни Л.Н.Гумилёв ҳам қўллаб-қувватлайди. Аммо, бу фикрни кўпчилик олимлар эътироф этмайдилар ва балки Қарши атрофларида кидарийларнинг қандайдир кичик гуруҳлари жойлашган бўлиши мумкин деган фикрни билдирдилар.

Тадқиқотчилар Кидар ҳукмронлик қилган даврни IV асрнинг иккинчи ярми ва V асрнинг биринчи чораги билан белгиладилар. Кидар (ёки Кидара) аввал бошда Эрон шоҳи Шопур II га бўйсунган. Оқ хунлар бостириб келиши билан ўз ўғли Пирони Пешоварда қолдириб Шимолга йўл олган. Оқ хунлар билан кураш манбаларда 400-йилларга тўғри келиши таъкидланган. Кидар Шопур II (309-379 йй)нинг замондоши бўлиб, авваламбор кушонлар ҳокимиятининг давомчиси сифатида уларга бўйсуниб келган ҳамда хионийлар ёрдамида Бактрияда кушонлар ҳокимиятига чек қўйган.

Кидарийлар тез орада Амударё ўнг ва чап қирғоқ хавзаси ҳамда Суғднинг катта қисмини эгалладилар. Манбаларнинг гувоҳлик беришича,




кидарийлар Эрон сосонийлари билан кўпмарталаб урушлар олиб борадилар. Бу урушлар айниқса сосоний подшолари Варахран V (420-438 йй.) ва Ёздигард II (438-457 йй.) давларида айниқса авжига чиқади. 456 йилда бўлиб ўтган навбатдаги ҳарбий тўқнашувлардан сўнг катта талофатга учраган кидарийлар қайта ўзларини ўнглаб ололмадилар. Бу воқеадан кейин кидарийлар ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Фақатгина улар Ҳиндистонда Гупта давлатини эгаллаб бу ерда 75 йил ҳукумронлик қилгани, 477 йилда Гандхардан Хитойга элчилар юборгани маълум холос.

IV аср ўрталарида Ўрта Осиё ерларига шимоли шарқдан хион қабилалари бостириб кирадилар. Тарихда **хионийлар** номи билан машҳур бўлган бу қабилаларнинг асли ватанини айрим тадқиқотчилар Орол бўйида деб ҳисоблайдилар. Хионийлар хун қабилаларига қон-қариндош бўлганликларидан бўлса керак, ғарб тарихчилари уларни “оқ хунлар” деб атайдилар. IV асрнинг ўрталарида анча кучайган хионийлар жанубга томон ҳаракат қилиб сосонийлар билан тўқнашадилар. Бу тўқнашувлар ҳамда хионийлар йўлбошчиси Грумбат, уларнинг Суриядаги Умда шахрини қамал қилганликлари ҳақида Аммиан Марцеллин маълумотлар беради. Дастлабки ҳаракатларда хионийлар мағлубиятга учрасаларда, кейинроқ улар шарққа томон юришлар қилган сосонийлар шоҳи Шопур II га қаттиқ зарбалар берадилар. К.Тревернинг фикрича, хионийлар IV асрнинг 70-йилларида ўзининг кучайган палласига киради. Ўрта Осиёда кидарийлар ва эфталитлар ҳукумронлиги ўрнатилгач хионийларнинг сиёсий аҳволи ўзгаради ва улар эфталитларга тобе бўлиб қолади. Афсуски, хионийлар ва кидарийларнинг давлат бошқаруви тизими ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келмаган.

Хионийлар ва кидарийларга нисбатан **эфталитлар** ҳақидаги маълумотлар нисбатан кўпроқ сақланган. Шунга қарамадан эфталитларнинг келиб чиқиши ҳақидаги олимларнинг фикрлари турлича. Мисол учун, С.П. Толстов, А.Н.Бернштом, К.В.Тревер каби олимлар эфталитларнинг илк ватани Сирдарёнинг қуйи оқими деб ҳисобласалар, А.Мандельштам, Р.Гришман, Л.Гумилёв, К.Еноки каби олимлар эса эфталитлар ватанини Бадахшон деб ҳисоблайдилар. Б.Литвинский ва К.Иностранцевлар эфталитларнинг илк ватани Фарғонанинг тоғ олди ҳудудлари бўлганлиги ҳақидаги фикрни илгари сурадилар. Уларнинг туркий халқлар бўлганлиги ҳақидаги масала ўзил-кесил ечимини топмаган.

Эфталитлар турли манбаларда турлича номланадилар. Мисол учун, хитой манбаларида улар “ида, иеда, идан, идян” деб, сурия ва латин манбаларида эса “эпталит, эфталит, абдал” араб ва форс муаллифларида “хайтал, йафтал, ефтал” деган номлар билан эслатилади.

Хитой манбалари эфталитларни турклар (тукюе) билан боғлиқ равишда таърифлайдилар. Византиялик тарихчилар, масалан, Прокопий (VI аср) эфталитларни хунлардан деб кўрсатар экан, “улар (яъни эфталитлар) **хунлардандир**, таналари эса оқ” деб эслатади. Эфталитларнинг кучайган даври V асрнинг ўрталарига (456-457 йй.) яъни улар Хитойга биринчи марта элчи юборган даврга тўғри келади. Маълумотларга кўра, шу даврдан то 531



йилга қадар эфталитлар Хитойга 13 марта элчи жўнатадилар. Куч-қудрат жихатдан мустаҳкамланиб олган эфталитлар Ўрта Осиё ва Шимолий Хиндистондаги ката ерларни ишғол этишга киришадилар.

Эфталитларнинг жанубдаги асосий рақиблари Эрон сосонийлари эди. Эфталитлар аста-секин жанубий ҳудудларни ўзларига бўйсундирар эканлар, уларнинг сосонийлар билан муносабатлари кескинлаша боради. Эфталитлар ва сосонийлар ўртасидаги курашлар подшо Перўз (459-484 йй.) даврига тўғри келади. 484 йилда эфталитлар ва сосонийлар ўртасида Марв яқинида бўлиб ўтган жангда сосонийлар мағлубиятга учрайдилар. Эфталитлар 467-473 йилларда Суғдда мустаҳкам ўрнашиб олган бўлсалар, 477-520 йиллар мобайнида Гандхарни ишғол этиб, у ердан кидарийларни сиқиб чиқарадилар. 490 йилда эфталитлар Урумчини, 497-509 йиллар орасида Қашғарни босиб, деярли бутун Шарқий Туркистонда ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар.


Шундай қилиб, VI асрнинг бошларига келиб, эфталитлар анчагина катта ҳудудларни эгаллаган эдилар, кўпчилик манбалар эфталитларнинг даставвал кўчманчи халқлар бўлиб, кейинчалик ўтроқлашганлиги ҳақида маълумот беради. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар уларни кўчманчилар деб ҳисобласа, айримлари уларни шаҳар ва кишлоқларда яшаганлигини таъкидлайдилар. Эфталитларнинг пойтахти **Балх шаҳри эди**. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, эфталитлар давлати унчалик ҳам мустаҳкам эмас эди ва шунинг учун ҳам узоқ яшамади.

Таъкидлаш жоизки, эфталитлар ўзларига тобе бўлган халқлар ҳаётига жуда чуқур таъсир этмасдан, ўлпон ва солиқлар ундириш билан чекланганлар. Эфталитларнинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги асосан ҳарбий кучларга таянар эди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё халқлари уларнинг турклар билан бўлган курашда қўллаб-қувватламаганлар. Эфталитлар давлати ярим асрга яқин яшаган бўлсада Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим рол ўйнади.

Эфталитларнинг этник келиб чиқиши масалалари анча мураккаб ҳисобланади. Бу мураккаблик шу билан изоҳланадики, араб манбалари ва тангашунослик маълумотларида эфталитлар подшолари фақат туркларга хос бўлган унвон-тегин, **хоқон** унвонлари билан тилга олинади. Шу билан биргаликда тангаларда акс этган подшолар аниқ европоид иркини беради. Бу ҳолатлар айрим тадқиқотчиларнинг эфталитларни туркий халқлар деб ҳисоблашларига сабаб бўлди.

Прокопий Кесарский эфталитлар ҳақида шундай маълумот беради: “эфталитлар хун халқлари қабиласи бўлиб, барча хунлар ичида улар ягона оқ танлидир. Турмуш тарзи жихатидан ҳам улар бошқа хунларга ўхшамайдилар ва бошқа хунларга ўхшаб хайвонлардек яшамайдилар. Улар битта подшо бошқарувида турадилар. Бу подшо римликлар ёки бошқалардан қолишмайдиган ҳолда аҳолига ғамхўрлик кўрсатади, ўзаро ва қўшнилар билан бўлган муносабатларда адолат мезонларига амал қилади.”

V асрда яшаган Лазар Парбский эфталитларни етти қабиладан иборат массагетларнинг етакчи уруғларидан бири эканлиги ҳақида маълумот беради.




Хитой манбаларида эфталитлар юечжиларнинг бошқа бир кўриниши гаогной қабиласининг тармоғи ёки уларнинг қанғлиларнинг авлодлари сифатида талқин қилинади. Ундан ташқари, ўзларини **алхонлар** деб атаган эфталитлар Бақтрия-Тохаристон ерларида яшаб ўтган азалий бақтр қабилаларидан чиққан этник гуруҳ эканлиги ҳақидаги фикрлар ҳам бор. **Умуман олганда эфталитларнинг туркий** халқлар эканлиги ҳамда уларнинг ҳақиқий ватани Бақтрия-Тохаристон эканлигини эътироф этувчи олимлар кўпчиликини ташкил этади.

Хуллас, ўз даврида эфталитлар йирик давлат тизимини вужудга келтирдилар. Улар Ўрта Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Шарқий Эронни бирлаштирган улкан давлатга асос солиб, Кушон давлати ўрнида ундан ҳам каттароқ ҳудудларни бирлаштирдилар. Эфталитлар Эроннинг сосонийлар давлатига, унинг ҳарбий ҳаракатларига қарши тура олдилар ҳамда сосонийларнинг Ўрта Шарқдаги ҳукмронлигига чек қўйдилар. Эфталитлар сосонийларнинг ички ишларига ҳам араллашиб турдилар, ҳатто шоҳлардан қайси бирини сайлаш ва тайинлаш масаласини ҳал қилиш уларнинг қўлида эди. Эрон давлати ҳар йили уларга катта миқдорда ўлпон тўлаб турган.

Ижтимоий-иқтисодий тарих. Эфталитлар юқорида эслатилган улкан ҳудудда бошқарувни қўлга киритгач обод деҳқончилик воҳаларига, ривожланган шаҳар ва қишлоқларга, савдо йўлларига эга бўладилар. Вақт ўтиши билан эса маҳаллий аҳоли билан араллашиб кетадилар. Натижада бевосита маҳаллий аҳолининг ворисига айланадилар. Шу боисдан 568-569 йилларда Византия императори Юстин II ҳузурида бўлган турк элчиси императорнинг “эфталитлар шаҳарларда яшайдиларми ёки қишлоқлардами?” деган саволга «улар шаҳарлик сулолалар, олий ҳазратлари» деб жавоб берган.

Дарҳақиқат, олиб борилган археологик тадқиқотлар илк ўрта асрлар Ўрта Осиёда шаҳар маданияти тараққий этганлигидан далолат беради. Жумладан, V асрда **Панжикентда** нисбатан қадимгироқ бўлган қишлоқ ўрнига янги шаҳар барпо этилади. Умумий майдони 18 гектар бўлган бу шаҳар VI асрнинг бошларига келиб мустаҳкам ҳимоя тартибига, ибодатхона, сарой ва ижтимоий жиҳатдан ажралиб турадиган турар-жойларга эга эди. Суғд шаҳарларидан яна бири **Пойкандда** ҳам қизгин тадқиқот ишлари олиб борилган. Янада қадимгироқ даврда (антик) асос солинган ушбу кўхна шаҳар илк ўрта асрлар даврига келиб кенгайиб боради ва V-VI асрнинг бошларига келганда уч қисмли йирик марказга айланади ҳамда умумий майдони 18 гектарга етади. Пойканд қазишмаларида илк ўрта асрларга оид кўплаб моддий маданият буюмлари топилган бўлиб, улар ҳақиқатдан ҳам Пойканд бу даврда араб манбаларида таърифланганидек, **“Мадина-ат-тужжор”**-“Савдогарлар шаҳри” бўлганлигидан далолат беради.

Илк ўрта асрлар даври ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик марказлардан (эҳтимол, пойтахт шаҳарлардан) бири **Бухоро** эди. Тўғри тўртбурчак шаклдаги ушбу шаҳарнинг асоси 21 гектар бўлиб, бу ерда мустаҳкам ҳимоя иншоотлари, ҳукмдор саройи, мафқуравий иншоотлар,




турар-жой қолдиқлари очиб ўрганилган. Топилган моддий маданият буюмлари Бухоро илк ўрта асрлардан бошлаб Ўрта Осиёнинг йирик маданий ва иқтисодий марказларидан бири бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек бу даврда шаҳарнинг етита дарвозаси бўлиб, бу ҳолат унинг муҳим савдот-ранзит йўли устида жойлашганлигидан далолат беради. Бу даврда **Термиз** ва унинг атрофларида ҳам шаҳарсозлик маданиятининг жадаллик билан ривожланганлигини кўзатишимиз мумкин. Термиз атрофидаги **Зартепа** шаҳри ана шундай шаҳарлардан бирidir. Антик даврда кичик манзилгоҳ пайдо бўлган Зартепа илк ўрта асрларга келиб майдони 17 гектар бўлган йирик шаҳарга айланади.

Бу даврда суғориш иншоатлари такомиллашиб янги-янги ерлар ўзлаштирилади Ўзлаштирилган ерларда, йирик суғориш иншоотлари бошида, марказий шаҳарларнинг атрофларида, деҳқончилик воҳаларининг чегараларида кўрғонлар, қасрлар ва истехкомлар қад кўтаради. Истехкомларнинг тўрт бурчаги баланд мутаҳкамланиб, девору-мўрилари бир неча қатор камондан ўқ ўзгич нишон тўйнуқлари ва истехкомлар билан таъминланган. Қалин мудофали зодагонлар кўрғонлари илк ўрта асрларнинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тақозоси билан бунёд этилган бўлиб, асосан ташқи душман ҳужумига қарши мудофа иншооти, ҳарбий гарнизон тўпланадиган жой, маъмурий марказ, ҳамда озиқ-овқат ва қурол-яроғ сақланадиган омбор вазифасини ўтаган. Умуман, калъа, кўрғон ва истехкомлар илк ўрта асрлар даврининг ўзига хос меъморчилик намуналаридан бўлиб, Нахшаб воҳасидаги Заҳоки Марон, Бухородаги Шаҳри Вайрон, Хоразмдаги Фир қалъаси шулар жумласидандир.

Воҳаларни ташқи душмандан ҳимоя қилиш мақсадида бир неча чақиримлаб қалин деворлар барпо этилган. Самарқанд воҳасидаги 12 та дарвозага эга бўлган Девори қиёмат, Бухоро воҳасидаги 336 километри Кампирак, Тошкент воҳасидаги Кампирдевор истехком деворлари шулар жумласига киради. Бу давр меъморчилигида қасрлар қурилиши айниқса аҳамиятли бўлган. Қасрлар одатда 2 қаватли, шипи текис, гумбазсимон ва равоқсимон ёпилган бир неча хоналардан иборат бўлган. V асрдан бошлаб сарой, қасрлар қурилишида хом ғишт билан бир қаторда пишиқ ғиштлар ҳам ишлатила бошланган.

Эфталитлар даврида ҳунармандчилик ҳам ривожланган. Айниқса, кулолчилик, шишасозлик, чилангарлик, бўзчилик, заргарлик, қуролсозлик касб-ҳунарлари равақ топган. Чочда ясалган ўқ ва ёй “камони чочий” номи билан машҳур бўлган. Катта-кичик шаҳарлар сони кўпайган. Биргина Зарафшон воҳасида Ривдад, Кушония, Хариман, Арқуд, Ромитан, Варахша, Пойканд каби савдо-ҳунармандчилик шаҳарлари мавжуд эди. Айрим маълумотларга кўра Пойканд шаҳри эфталитларнинг пойтахти бўлган.

Эфталитлар даврида деҳқончилик асосан суғорма деҳқончиликка асосланган эди. Қадимги зироаткорлар катта ва кичик дарёлар, жилғалар сувларидан фойдаланганлар. Бундай шароитда каналлар қозиш ва уларни мавсумий тозалаб туриш муҳим аҳамият касб этган. Вахш воҳасидан,



Уструшонадан, Суғддан, Хоразмдан ва Тошкент воҳаларидан шунда каналларнинг излари топиб ўрганилган.


V-VI асрларда деҳқончилик воҳаларида эфталитларнинг ўтроқлашуви кучаяди ва бунинг натижасида суғорма ерларга бўлган эҳтиёж ортади. Кичик-кичик суғориш каналлари қазиб чиқарилиб, минглаб гектар янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Суғориш услуги такомиллашади, шохариқлар чуқурлашиб, серсув суғориш тармоқларига айланади. Хозирги вақтда ҳам мавжуд бўлган Заҳариқ, Бўзсув, Дарғом каналлари V асрда барпо этилган энг йирик суғориш тармоқларидан бўлган. Шунингдек, тоғ олдиларига сув чиқариш учун сув чиқариш асбобларидан кенг фойдаланилган. Янги ўзлаштирилган ерларда зодагон деҳқонларнинг қалин хом ғиштдан уриб чиқилган ҳамда баланд пойдевор устига қурилган улкан кўрғонлари, истехкомлар юзага кела бошлаган.

Тохаристон ва Суғдда деҳқончилик билан биргаликда боғдорчилик ҳам ривожланган. Қашқадарё ва Зарафшон водийларида ғалладан ташқари шоли ҳам етиштирилган. Хитой манбаларининг маълумот беришича, V-VI асрларда Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё иккидарё оралиғи ерларида кўплаб пахта етиштирилган эди. Ўрта Осиёнинг пахта толаси Хитойда ҳам машҳур бўлган. Бу даврга келиб ер эгаллиги муносабатларининг такомиллашуви натижасида суғориладиган ер майдонларининг маълум бир қисми мулкдор зодагон табақа вакиллари- **“деҳқонлар”** кўлида тўплана бошланган эди. Бунинг натижасида қишлоқ жамоасининг эркин деҳқонлари маълум даражада зодагон деҳқонлар асоратига тушиб, уларга қарам бўлган **“кадивар”**ларга айланиб боради.

IV-V асрлар Ўрта Осиёнинг пул муомаласида сезиларли ўзгаришлар бўлиб ўтади. Бу ўзгаришлар тангалар зарб этишнинг марказлашуви ҳамда минтақанинг турли ҳудудларида зарбхоналарнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. Бу даврнинг бошларида Э.Ртвеладзенинг тадқиқотларига кўра, шимолий Тохаристонда қушон тангалари ва уларга тақлид қилиб зарб этилган тангалар муомалада бўлган. Бутун V аср давомида Термизда маҳаллий ҳукмдор тасвири туширилган мис тангалар зарб этилган. Чағаниёнда шаханшоҳ Перўз (459-448йй) давридан бошлаб жуда кўплаб сосонийларнинг кумуш тангалари кириб келади.

Бухоро Суғдида ўнг томонида соқолдор ҳукмдорлар тасвири туширилган кумуш ва мис тангалар зарб этилган бўлса, Самарқанд Суғдида V-VI асрларда терс томонида тик турган камончи тасвири туширилган кумуш тангалар зарб этилган. Қарши воҳасида ўнг томонида подшо бошини тасвири туширилган маҳаллий кумуш ва мис тангалар муомалада бўлган. Хоразмда эса ўнг томонида ҳукмдор боши, терс томонида отлиқ чавандоз тасвири туширилган кумуш ва мис тангалар зарб этилган.

Евросиё минтақасидаги умумий вазият ва қушон давлатининг инқирози халқаро савдога бирмунча салбий таъсир кўрсатган эди. Сосонийлар Эрони билин муносабатлар кўп ҳолларда урушларга айланиб кетиши туфайли ўзаро савдо алоқаларига путур етган эди. Буддавийликнинг инқирози туфайли Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон билан муносабатлари ҳам ёмонлашган эди. Аммо,




Хитой билан савдо муносабатлари аввалгидек яхши эди. Илгари бўлганида V-VI асрларда ҳам Хитойга рангдор шишалар, қимматбаҳо тошлар олиб кетилган бўлса, Хитойдан асосан ипак ва атир-упа келтирилган. Бу даврда Византия билан ҳам савдо алоқалари тараққий этади. Халқаро савдода айниқса суғдийларнинг аҳамияти катта эди. Манбаларнинг маълумот беришича, Шарқий Туркистонда суғдийларнинг қишлоқлари ҳам бўлган. Юртларидан узоқда яшаган суғдийлар ўз ватанлари билан доимий алоқа қилиб турганлар.

Археологик тадқиқотлар (тангашунослик маълумотлари, хунармандчилик буюмлари) бу даврда Ўрта Осиёда халқаро савдо билан бир қаторда ички савдо ҳам тараққий этганлигидан далолат беради. Бу даврда Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларида олтин, кумуш, Бадахшон лаълиси, хунармандчилик буюмлари, ҳарбий қурол-яроқлар, турли тақинчоқлар, рангли шиша ва шиша буюмлар, турли хил мевалар, ип-газлама, қоракўл, зотдор отлар билан савдо қилинарди. Термиз, Нахшаб, Кеш Самарқанд, Пойканд, Бухоро, Чоч, Варахша кабилар ўша даврдаги йирик савдо-сотик марказлари эди.

Маданий ҳаёт. Илк ўрта асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Ўрта Осиё маданиятига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Бу даврдаги маданий ҳаёт даставвал антик давр маданий анъаналари асосида ривожланган бўлсада, Кушон давлати харобаларида бир нечта мустақил давлатлар ва мулкларнинг пайдо бўлиши ўзига хос маҳаллий маданиятларнинг пайдо бўлишига имкон яратган эди. Илк ўрта асрларда маданиятининг шаклланишига шунингдек, кўшни давлатлар аввало, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Хитой билан ҳамда кўчманчи чорвадорлар билан бўлган алоқалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

Бу давр меъморчилиги Ўрта Осиё халқлари ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Шаклланаётган мулкдорлар тоифаси Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида йирик қальалар қуриб, улар атрофини химоя иншоотлари билан ўраб оладилар. Бундай қальалар воҳаларда кўпинча табиий тепаликлар устига бунёд этилган. Бундай қальалар Хоразм, Тохаристон, Суғд, Уструшона, Марв ҳудудларидан топиб ўрганилган. Меъморчиликда асосан тош, пахса, хом ғишт ва ёғоч қурилиш материали сифатида ишлатилади.

Мил. IV-VI асрлар Ўрта Осиё халқларининг диний қарашлари зардўштийлик, буддавийлик, христианлик ва монийлик диний эътиқодлари билан боғлиқ эди. IV-V асрларга оид зардўштийлик анъаналари билан боғлиқ бўлган оташкадалар Қашқадарёдаги Ерқўрғондан, Панжикент атрофларидан, Бухоро воҳасидан топиб ўрганилган. Уларнинг барчасида зардўштийлик билан боғлиқ бўлган оссуарий (астадон) лар учрайди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу даврда зардўштийлик динига Ўрта Осиёнинг марказий ва шимолий ҳудудларида сиғинишган бўлса, минтақанинг жанубий ҳудудларида буддавийлик дини тарқалган эди. Буддавийлик динининг ибодатхоналари Қоратепа, Фаёзтепа (Термиз), Уштурмулло (Кобадийён), Ажинатепа,



Ғишттепа, Қалаикофирниҳон (Тохаристон), Марв кабилардан топиб тадқиқ этилган.

Ўрта Осиёдаги христианликнинг маркази Марв шаҳри эди. Беруний маълумотларига кўра, Исо пайғамбар туғилганидан 200 йил ўтгач христианлар Марвда пайдо бўлган эдилар. “Тожик халқи тарихи” китобида берилишича, 334 йилдаёқ Марвда епископлик, кейинроқ эса Митрополия мавжуд эди. Говурқалъадан христианлик ибодатхонаси қолдиқлари ва христианлар дафн этилган қабристон очиб ўрганилган. Суғднинг айрим ҳудудларида (Самарқанд ва Панжикент) ҳам христианлик тарқалганлиги ҳақида маълумотлар бор.


III асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиёда монийлик дини тарқала бошлайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Монийлик динига асосан Шарқий Туркистон ва қисман Чағаниён ҳамда Суғд аҳолиси эътиқод қилган.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари санъати деворий суратлар, хайкалтарошлик, турли тақинчоқ буюмлари орқали изоҳланади. Деворий суратлар Дилбаржин (Авғонистон), Варахша, Афросиёб, Панжикентдан топиб ўрганилган бўлса, Қуёвқўрғон, Вахши воҳаси, Афғонистондаги Чақалоқтепа, Ерқўрғондан турли ҳажмдаги хайкаллар, заргарлик буюмлари топиб ўрганилган. Умуман олганда, бой безаклар, сопол, металл идишлар, деворий суратлар, ҳатто кийимлардаги тасвирлар бу даврда Ўрта Осиёдаги тасвирий санъатнинг ривожидан далолат беради.

Эфталитлар даврида чорвадор аҳоли туркийча сўзлашганлиги сабабли, туркий тил тобора кўпроқ ёйила бошлайди. Бу даврда ўтроқ аҳолининг катта қисми суғдий тилда сўзлашар эдилар. Суғд тили ва ёзуви Еттисув, Фарғонадан ўтиб Шарқий Туркистонга қадар етиб боради. Унинг “Самарқанд усули” кенг ёйилган эди. Бундан ташқари Хоразм, Кхароштий, Бухоро ёзувлари ҳам мавжуд бўлган. Бундай ёзув ёдгорликлари Зангтепа, Қоратепа, Афросиёб харобаларидан, Кофирқалъадан топиб ўрганилган.

2-§. Турк хоқонлиги даврида давлат бошқаруви

Сиёсий тарих. VI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Жанубий Сибир ва Шимолий Монголия яъни, Олтой ҳудудларида туркий қабилалар иттифоқи шакллана бошлайди. Халқларимиз давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган Турк хоқонлиги хусусида талайгина манбалар бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган бўлса-да, уларнинг айримлари бир-бирини инкор этади. Ушбу манбалар VI асрнинг охирларида яшаган византиялик тарихчилар Менандр Протектор, Феофан Византийский, суриялик тарихчи Ионна Эфессийларнинг тарихий асарлари, эпиграфик ёдгорликлар - Урхўн-Енисей, руний ёзувлари, Хитойнинг “Тан хонадони тарихи” кабилардир. Ундан ташқари ўрта асрлар муаллифлари ат-Табарий, Деноварий, Беруний, Наршахийлар асарларида ҳам Турк хоқонлиги тўғрисида маълумотлар учрайди.




Таъкидлаш жоизки турк атамасининг илк маротаба тилга олиниши 542 йилга тўғри келади. Турли манбаларда турклар "турк эл", "турк", "туркаш", "тукдус", "ту-кю", "тук-ют" каби номлар билан тилга олинади. **Кучли, бақувват, ботир** каби маъноларни англатувчи "турк" атамаси даставвал этник хусусиятга эга бўлмай ижтимоий маънога эга бўлган. Туркларнинг келиб чиқиши хусусида кўплаб афсоналар мавжуддир. Айрим афсоналарда туркларнинг келиб чиқиши Нух пайгамбарга бориб тақалса, айримларида улар ўн яшар бола ва она бўридан тарқалганлиги таъкидланади. Яна бошқа бир афсонага кўра, турк қабиласининг аجدодлари Олтойнинг шимолий ён бағирларида жойлашган Со вилоятдан келиб чиққан бўлиб, бу ердаги қабила бошлиғи Абанбу уларнинг илк йўлбошчиси бўлган.

Тарихий манбалар маълумотларига кўра, Турк хоқонлигининг пайдо бўлиши 551-552 йилларга тўғри келади. Даставвал, туркларнинг Ашин уруғидан бўлган Асан (Асян, Асян-шод) ва Туу туркий қабилалар иттифоқига асос соладилар. Туунинг уғли Бумин (Хитойча Тумин) кўшни Теле қабиласини ўзига бўйсўндириб анча кучайишга муваффақ бўлади. Бу пайтга келиб анчагина мустақамланган Бумин бошчилигидаги қабилалар иттифоқи Олтойдаги ўзлари қарам бўлиб турган жужан (жуан-жуан)лар қабилаларига қарши кураш бошлаб 551 йилда (айрим адабиётларда 552 йилда) уларни тор-мор этадилар. Мана шу даврдан бошлаб туркий ҳукмдорлар ўзларини жужанлар эгаллаб турган ерларнинг хақиқий эгалари ҳамда жужанларнинг мавқеи ва куч-қудратининг ворислари сифатида Анагуй хоқон (қаған) унвонини қабул қилдилар. Жужанлар ҳукмдори Анагуй жонига қасд қилиб ўзини ўлдиради.

551 йилда Бумин Турк элининг хоқони сифатида оқ кигизга ўтказилиб кўтарилади. Аммо, 552 йилда Бумин тўсатдан вафот этиб унинг ўрнига укаси Истами тахтга утиради. Истами хоқон Ўрта Осиё, Волга ва Шимолий Кавказ ерлари учун кураш олиб борган бўлса, унинг ўғиллари Муған хоқон ва Таспар хоқонлар Марказий Осиё ва Жанубий Сибирда ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар. Бу пайтга келиб туркларнинг ашаддий душмани бўлган жужанларнинг кичик бир қисми Корея ва Шимолий Хитойга жойлашади, яна бир қисми эса ғарбга жойлашиб аварлар номини олади.

Шундай қилиб, манбаларнинг маълумот беришича, Бумин хоқоннинг вориси бўлган Муған хоқон жануби-ғарбий Манчжуридаги Муғул қабилалари бўлган киданларни ва Енисей қирғизларини бўйсундириб Марказий Осиё ва Жанубий Сибирда Турк эли ҳукмронлигини ўрнатади. Туркларнинг ғарбий юришлари айниқса муваффақиятли эди. VI асрнинг 60-йиллари охирларига келиб Турк хоқонлиги ўша даврдаги йирик давлатлар бўлган Византия, Сосонийлар Эрони, Хитой қабиларнинг сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тартибига



қўшилиб, Узок Шарқни Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан боғловчи савдо йўли назорати учун кураш олиб борди.

VIII аср турк муаллифлари ўзларининг аجدодлари бўлган илк ҳоконларнинг ҳарбий юришлари ҳақида шундай ёзган эдилар: "Улар (ҳоконлар - Э.Б.) шарқда Қодиркон адирларигача, ғарбда Темир дарвозагача ўз халқларини жойлаштирдилар". Қодиркон адирлари бу - Катта Хинган тоғлари, Темир дарвоза эса Бойсун тоғдаги Бўзгалахона довонида жойлашган.


576 йилга келиб Турк ҳоконлиги Манчжуриядан Киммерий Боспоригача, Енисей юқори оқимларидан Амударё юқори оқимларигача чўзилган эди. Шу тариқа турк ҳоконлари сиёсий ва маданий мероси Ўрта Осиё ва Жануби-Шарқий Европа тарихига сезиларли таъсир курساتган дастлабки Евросиё империясига асос солган эдилар.

VI аср 50-йилларининг охирларида Истами ҳоконга эфталитларга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун қўлай имконият пайдо бўлади. Эрой шоҳи Хусрав I Анушервон (531-579 йй.) эфталитларга улпон тўлашни тўхтатиб қўяди ва уларга қарши урушга тайёргарлик кўра бошлайди ҳамда Византия билан алоқаларни йўлга қўяди. Хусрав I сиёсий жихатдан бироз ўнгланиб олгач Турк ҳоконлигига эфталитларга қарши иттифоқ таклиф этади. Айни вақтда Византиядан фойдаланган Эрон эфталитлардан Тоҳаристон, Чағаниён, Қобул атрофидаги ерларни тортиб олади.

563 йилда эфталитларга қарши шимолдан турклар Чоч водийсига бостириб кирадилар. Тез орада улар томонидан Самарқанд, Кеш, Нахшаб эгалланади. "Шоҳнома"да маълумот берилишича, ҳал қилувчи жанг Бухоро атрофларида бўлиб ўтади ва эфталитларнинг Гатифар бошчилигидаги қўшинлари тор-мор этилади. Шундан сўнг турклар тезлик билан ҳаракат қилиб иложи борича эфталитларнинг кўпроқ ерларини ўз қўлларига олишга ҳаракат қиладилар. Амударёнинг жанубий соҳилигача бўлган ерлар, Эрон, унинг шимолидан Каспий соҳилларигача бўлган ерлар турклар қўлига утади. Эфталитларнинг мағлубиятидан сўнг бевосита иттифоқчилар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўла бошлайдики, бу ҳолат савдо йўли назорати билан боғлиқ эди.

Турклар Ўрта Осиё ерларини босиб олгач Буюк ипак йўли катта қисмининг назоратини ўз қўлларига оладилар. Бу йўлнинг Ўрта Осиё ҳудудларидан ўтувчи қисмида асосан Суғдийлар ипак билан савдо қилишни назорат қилар эдилар. Ипак матоларнинг асосий харидори Византия бўлиб, ипак савдоси Суғд савдогарлари ва турк ҳоконларига катта даромад келтирар эди. IV асрнинг охирларидан бошлаб Суғдда, VI асрда Эрон ва Византияда ўз ипакчилик ишлаб чиқаришининг пайдо бўлиши бу маҳсулот сотилишини янада кийинлаштиради.

Ҳоконликнинг бевосита ғарбий қисмини бошқариб турган Истами ва бош ҳокон Муқан ҳокон ипак савдоси можаросини тинчлик билан ҳал қилишга ҳаракат қила бошлайдилар. Истами ҳокон ўз қўл остидаги Суғд ихшидига бу масалани ҳал этиш вазифасини топширади. Эронга Турк ҳокони



номидан машхур Суғд савдогари ва дипломати Маниах бошчилигида элчиларни туркларга гуруҳи жўнатилади. Хусравшоҳ ўз атрофидаги амалдорларнинг маслаҳатига кириб, Суғдийлар олиб келган ипак матоларни сотиб олиб уни элчилар кўз ўнгида ёқиб ташлайди. Шундан сўнг Маниах бошқа харидор -Византия билан келишишга ҳаракат қилади. 567 йилда у Турк ҳоқонлигининг Константинополга юборган элчилигига бошчилик қилади. Византия ҳам Эрон каби Суғд ипак матоларига унчалик эҳтиёж сезмас эди. Аммо, эронийларга қарши турклар билан иттифоқчилик тарафдори эди. Шу туфайли Турк ҳоқонлиги элчилари император саройида иззат-хурмат билан кўтиб олинади.


Ушбу элчилик давомида Турк ҳоқонлиги билан Византия ўртасида Эронга қарши иттифоқ тузилади. Маниах орқага қайтишда у билан бирга Византия императорининг элчиси, киликиялик Земарх Турк ҳоқони қароргоҳига келади. Ҳоқон Земархни Тянь-Шандаги "Олтин тоғ" яқинидаги қароргоҳида қабул қилади ва турк кўшинларининг Эронга юришида йўлбошловчилик қилишни таклиф этади. Эрон шохининг турклар ҳужумини дипломатик йўл билан кўстатишга уриниши ҳеч қандай натижа бермади. Шиддатли ҳужумлар билан турклар Гургонни ва бир неча бой шаҳарларни эгаллаб, 569 йилда Суғдга қайтадилар.

Туркларнинг Эронга иккинчи маротаба юришлари 588-589 йилларга тўғри келади. Туркларнинг Чур Баға ҳоқон (айрим адабиётларда Савғ ёки Шаба дейилади) бошчилигидаги кўшини Хуросонга бостириб киради. Ҳирот ёнида турк кўшинлари эронийларнинг машхур Баҳром Чубин бошчилигидаги кўшинлари билан тўқнашади. Бу жангда Баҳром Чубин турк кўшинларини тор-мор этиб, турклар йўлбошчисини камон ўқи билан халок этади. Қайта қаршилиқ курсатиш фойдасиз эканлигини англаган турклар эронийлар билан сулҳ, тузишга мажбур бўладилар.

Араблар Ўрта Осиёни босиб олгунларига қадар туркларнинг Ўрта Осиёдаги мулклари билан Эрон ўртасидаги чегаралар ўзгармади. Араб босқинига қадар ипак ва бошқа маҳсулотлар ортган қарвонлар у ёки бу даражадаги барқарорлик билан Эрон, Хоразм ва Волгабуйи орқали ғарбга қатнаб турди.

576 йилда Муқан ҳоқон вафотидан сўнг ҳоқонлик тахтига унинг укаси Арслон Тўба утиради. У мамлакатнинг куч-қудратини мустаҳкамлаш мақсадида Хитойнинг Ци салтанати билан шартнома тўзади. Бундан ташқари у мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чораларини ҳам кўради. Аммо, 581 йилда Арслон Тўба вафотидан сўнг Турк ҳоқонлари ўртасида ўзаро ички қурашлар авж олиб, натижада мамлакат ичида аҳвол кескинлашиб, иқтисодий таназзул бошланиб кетди.

Айнан мана шундай кескин вазият шароитида туркий шахзода Абруй бошчилигида 585-586 йилларда халқ ҳаракати бўлиб ўтди. Муҳаммад Наршахийнинг маълумот беришича, Абруйнинг қароргоҳи Пойканд атрофида бўлиб, у бой зодагонлар ва савдогарлар устидан қаттиқ назорат ўрнатганлиги боис бу тоифа аҳолиси Бухоро вилоятидан қучиб, Туркистон ва Тароз атрофида бориб ўрнашадилар. Қочиб борганлар Турк ҳоқонидан ёрдам



сўраганлар. Натижада турк саркардаси Шери Кишвар бошчилигида кўшинлар кўзғолонни бостирадилар ва Абруйни ўлдирадилар.

Ғарбий Турк ҳоқонлиги. Турк ҳоқонлари ўртасидаги ўзаро курашлар 20 йилдан зиёдрок, давом этиб 603 йилда давлатнинг 2 та: Ғарбий ва Шарқий қисмларига бўлиниб кетиши билан яқунланди. Шарқий Турк ҳоқонлиги Муғулистон ҳудудларини, Ғарбий Турк ҳоқонлиги эса, Еттисув, Чу водийси, Волга, Кубаннинг қуйи қисми, Иртиш, Ишим дарёси бўйидаги ерлар, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини ўз ичига олган. Ҳоқонлар Шегуй ва Тўн ябғу даврларида Ғарбий Турк ҳоқонлиги вақтинчалик ривожланиш жараёнларини бошдан кечирди. Бу даврда ҳоқонликнинг ҳудудлари кенгайди, давлат бойиди ва ҳарбий қабила зодагонларининг маъқеи кучайиб улар ҳоқонлар ҳокимиятидаги ҳарбий муваффақиятларни таъминлаб турдилар. Шағуй Ғарбий ҳоқонликнинг шарқий чегараларини Олтой қилиб белгилади ва ўз ҳокимиятини Тарим ҳавзаси ва шарқий Помир олдиғача чўзишга муваффақ бўлди. Тўн ябғу (Тўн Баходир) ҳоқонликнинг ғарбий ҳудудларида фаол сиёсат олиб бориб ҳоқонликнинг кишки қароргоҳини Чу дарёси воҳасидаги йирик савдо ҳунармандчилик маркази бўлган Суёбга (ҳозирга Тўқмоқ яқинидаги Оқбешим кўҳна шаҳри), ёзги қароргоҳини эса Исфижоб яқинидаги Мингбулоққа, ҳозирги Туркистон шаҳри яқинида) кўчиради. Тўн ябғунинг янги юришлари туфайли ҳоқонлик чегараси Амударёнинг юқори оқимларидан Ҳиндикушгача чўзилади.

Тўн ябғу ҳукмронлиги даврида амалда мустақил бўлган Ўрта Осиё давлатлари устидан нисбатан қаттиқ сиёсий назорат ўрнатилади. Чунки бу давлатларнинг вассаллиги фақат ўлпон тўлаш билан чегараланар эди. Исфижобдан Тошкент воҳасигача, шимолда Жанубий Афғонистон ва шимоли-ғарбий Покистонгача бўлган ҳудудларга ҳоқон Тўн ябғунинг ишончли вакиллари - тудунлар юборилиб, улар солиқлар йиғиш ва ҳоқон қароргоҳига юбориладиган ўлпонларни қаттиқ назоратга олдилар. Маҳаллий ҳокимларга уларни ҳоқонлик маъмурий бошқарувига қўшилганлик рамзи сифатида турк унвонлари берилди. Шу билан биргаликда Тўн ябғу нисбатан кучли бўлган маҳаллий ҳукмдорлар билан шахсий муносабатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилди. Манбаларда Тўн ябғунинг Самарқанд ҳокимига ўз қизини хотинликка берганлиги ҳақида маълумот бор. Хитой манбаси Тўн ябғу ҳақида маълумот берар экан шундай хабар беради: "Ғарб варварлари ҳали ҳеч қачон бунчалик қудратли бўлган эмас".

Ўта яккахокимлик хусусиятига эга бўлган Тўн ябғу бошқаруви - талон-тарожчилик урушлари натижасида бойиб кетган қабила зодагонлари орасида норозилик ҳаракатларини кучайтириб юборди. Бошланиб кетган ўзаро курашларни бартараф этишга ҳаракат қилган Тўн ябғунинг тоғаси Қўл Баходир жиянини ўлдириб ўзини Қўл Элбилга ҳоқон деб эълон қилади. Аммо, қабила бошлиқларининг айримлари бошқа даъвогарни қўллаб-қувватлаганлари туфайли яна қабилалараро курашлар бошланиб кетади. 630-634 йилларга келиб ҳоқонлик ўзининг Сирдарёнинг ғарбидаги Ўрта Осиё



мулкларидан маҳрум бўлди. Ғарбий турк ҳоқонлигининг асоси бўлган дулу нушиби қабилалари ўртасида ўзаро курашлар авж олиб кетди.

634 йилда нушиби қабиласи томонидан қўллаб-қувватланган Ишбара Элтериш Шер ҳоқон ҳокимият тепасига келди. У ҳарбий маъмурий тартиб бўлган "ўн ўқ эли" бошқарувини қайта тиклашга ҳаракат қилиб, қабилла бошлиқларини ўзига шахсан тобе қилиш мақсадида ислоҳотлар ўтказди. Ундан ташқари, амалдаги назоратни амалга ошириш мақсадида Ишбара ҳар бир мулкка ҳоқон уруғи аъзоси - **шодни** жўнатади. Шодлар қабилла зодагонлари билан ҳеч қандай алоқада бўлмай, уларнинг марказий ҳокимиятга интилишини кўзатиб борган. Бу маҳаллий ҳокимларнинг сиёсий ташаббусларини ниҳоятда чегаралаб қўяр эди. Аммо, Ишбара Элтериш Шер бошчилигидаги ҳоқонлик ҳокимиятининг ҳарбий-сиёсий лаёқати қарам мулклар ва қабилаларни ушлаб туришга қодир эмас эди. 638 йилда дулу қабиласи ўзларига жўнатиладан шодни ҳоқон деб эълон қилдилар. Шундан сўнг дулу ва нушиби қабилалари ўртасида оғир ва қонли урушлар бўлиб ўтиб ғарбий ҳоқонлик икки қисмга бўлиниб кетди. Шундай бўлсада, ҳоқонликдаги қабилалараро ва сулолалараро урушлар 17 йил (640-657 йй.) давом этди.


Шундай қилиб, VII асрнинг ўрталарида Ғарбий турк ҳоқонлиги заифлашиб бир неча қисмларга бўлиниб кетди. Вазиятдан фойдаланган Хитойнинг Тан империяси кўшинлари 657-659 йилларда Еттисувга бостириб кирдилар. Хитой босқинчиларига қарши курашлар узок йиллар давом этди. Фақатгина VII асрнинг охирига келиб ҳоқонлик ўз мустақиллигини тиклашга муваффақ бўлди ва хитойликлар вакили Хусрав Бўришод мамлакатдан хайдаб юборилди.

Давлат бошқаруви. Турк ҳоқонлигида давлатнинг олий ҳукмдори "**ҳоқон**" унвонига эга бўлган. Хитой манбалари маълумотларига кўра, туркийлар хонни тахтга ўтказишда махсус маросим ўтказишган. Яъни, амалдорлар бўлажак хонни кигизга ўтқазиб, қуёш юриши буйлаб 9 маротаба айлангирганлар, иштирокчилар эса уни қутлаб ва улуғлаб турганлар. Сўнгра хонни отга ўтқазиб, бўйнига ипак мато боғлаганлар ва ундан "Сиз неча йил хон бўлмоқчисиз?" деб сўраганлар. У неча йил хон бўлишини айтган ва шу муддат тугагач тахтдан кетган.

Қадимги туркий афсоналарда берилишича, туркларнинг тасаввурига кўра, давлатчиликнинг маркази, давлатни ўз қўлида бирлаштирувчи шахс ҳоқон ҳисобланган. Бошқарувда ҳоқонларнинг ҳукмрон сулоласи асосий бўлиб у учта куч - осмон (тангри), ер-сувнинг куч ва иродаси ҳамда турк халқининг яратувчанлик фаолияти туфайли юзага келтирилади.



Турк ҳоконлигида давлат бошқаруви ва мансаблар



Ҳокондан кейинги шахс, биринчи амалдор **“Ябғу” (Баходир)** бўлиб, у бош саркарда ҳисобланган. Аммо, ябғу тахтга меросхўрлик қила олмас эди. Турк ҳоконлиги тахтига ворислик тартиби турк давлатчилиги тузилиши учун хос бўлган улусларга бўлиниш тизими асосланиб белгиланар эди. Ушбу тизимга кўра тахт аксарият ҳолларда отадан ўғилга эмас, акадан укага, амакидан жиянга мерос қолар эди. Тахт меросхўри тегин (шаҳзода) деб юритилган. Шаҳзодалар то тахтга ўтиргунларига қадар ўзларига берилган улусларни бошқариб турганлар. Ўрта Осиёдаги маҳаллий ҳокимларнинг фаолиятини назорат қилувчи амалдор, ҳоконнинг назоратчиси - **“будун”** деб аталган. Турк ҳоконлиги конфедератив давлат бўлган. Туркийлар ўз юрти ва давлатини **“эл”** деб аташган. Биринчи турк ҳокони Буминхон **элхон** унвонига эга бўлганлиги бежиз эмас.




Ҳоконлик таркибидаги кўплаб қабила ва элатларни бирлаштириш бошқариб туриш, улардан маълум миқдордаги солиқлар ва ўлпонларни ўз вақтида йиғиб олиш мақсадида ҳоконликда махсус маъмурий ва ҳарбий-сиёсий бошқарув тизими жорий этилган эди. Давлатни бошқаришда олий ҳукмдорга унинг яқин қариндошлари, аввало, ҳукмрон сулола аъзолари ҳамда улар томонидан барпо этилган бошқарув тизими ёрдам берар эди. Манбаларнинг маълумот беришича, у тўртга бўлинган. Яъни, қариндошлар, ҳоконга иттифоқдош бўлган қабила ва халқлар; ҳоконнинг ўнг томонида ўтирувчи амалдорлар ва маъмурий ходимлар; ҳоконнинг чап томонида ўтирувчи амалдорлар ва ходимлардан иборат бўлган. Ҳоконнинг қариндошлари - ўғиллари, амакиси, жиянлари ва ака-укаларига **"тегин"** унвони берилган. Хитой манбаларида маълумот берилишича, ҳоконликда бешта олий мансаб - **еху (ябғу), ше (шод), деле (тегин), силифа (элтабар) ва тутунфа (тудун)** қабила мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси мерос қилиб қолдирилган.

Турк ҳоконлиги давлатининг асосини ер билан бирга халқ ташкил этар эди. Ўз даврида Ўрта Осиёда давлатчиликнинг мустақил ва анъанавий шаклларини ривожлантирган туркийлар давлати мавжуд жамиятнинг муайян ижтимоий тузилмаларига ва қадимги туркларнинг давлат томонидан ташкил этилган ҳамда назорат қилинадиган хўжалик фаолиятига таянар эди. Тарихий адабиётларда берилишича, бу фаолиятнинг асосини кўчманчи чорвачилик ташкил этган. Чорвадор туркларда уруғ-қабилачилик анъаналари ниҳоятда кучли бўлиб, қабила ва уруғ жамоаларининг асоси катта оилалардан иборат бўлган. Кўчманчи чорвадорлар халқ оммасини турклар **"будун"** ёки **"кора будун"** деб аташган.

Ҳоконликда кенг миқёсда деҳқончилик ҳам қилинар эди. Хитой манбалари, "гарчи турклар доимий яшаш жойларига эга бўлмаса ҳам, лекин уларнинг ҳар бирининг ажратиб берилган ери бор"лиги ҳақида маълумот беради. Айнан мана шундай "ажратиб берилган ер"ларда деҳқонлар мавжуд сув манбалари ҳамда лалмикор ерлар имкониятдан фойдаланиб асосан донли экинлар етиштирганлар. Мевали дарахтлардан боғ-роғлар етиштиришга алоҳида аҳамият берганлар. Манба тили билан айтганда, "(мевали) дарахтлар савлат тўкиб турган".

Турклардаги қабила ва уруғ жамоаларининг катта оилаларида уй қўллари ҳам мавжуд бўлар эди. Қўлларнинг кўпайиши билан синфий муносабатлар таркиб топа бошлаган. Лекин қўлчилик ижтимоий ҳаётга кенг кириб келмаган. Шу боис бўлса керакки, манбалар ҳоконликда қўллар меҳнатидан кенг фойдаланиш ҳақида амалда ҳеч қандай маълумот бермайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, кўпроқ аёллар меҳнатидан фойдаланилган ва қўллар асосан уй ишлари билан шуғулланишган. Кўпинча жамоада аёллар қўл қилиб олиб кетилар эди. Лекин, қўл аёллардан ҳам оғир ишларда фойдаланилмай, балки уй-рўзгор ишларида ишлатилинар эди. Қўл эркакми, аёлми барибир кочиби кетаверган. Қочган қўл таъқиб қилинмаган ва унинг учун ҳеч қим товон тўламаган. Турк ҳоконлигининг марказий бошқарув тизими асосан йирик сиёсий давлат тадбирлари (давлат осойишталигини сақлаш, давлат сарҳадларини кенгайтириш, солиқ тизими, ички ва ташқи савдо, дипломатик муносабатлар ва бош.) билан машғул бўлиб ўзлари забт этган ҳудудлардаги бошқарув тизимига



маълум даражада эркинлик берилган. Шунинг учун ҳам Фарғона, Суғд, Шо, Тохаристон, Хоразм ва бошқа мулклардаги бошқарув тартиби асосан маҳаллий сулолалар қўлида бўлган. Мисол учун, Суғд ва Фарғонада олий ҳукмдор - "ихшид" Тохаристонда - "маликшоҳ", Хоразмда - "хоразмшоҳ", Кешда - "ихрид", Бухорода - "худот", Уструшонада - "афшин", Чоч ва Илокда - "будун" деб аталган.

Турк ҳоконлиги даврида Суғд ҳудудларига ҳозирги Панжикентдан Карманагача бўлган ерлар кирган. Бухоро эса, VII асрдан бошлаб мустақил мулклар иттифоқидан иборат бўлган. Суғднинг маҳаллий ҳокимлари айрим вақтларда Чоч ва Хоразмнинг мустақил ҳукмдорлари бирлашар эдилар. Бундай йирик сиёсий бирлашмалар маълум муддатларда йирик шаҳарларда ўз қурултойларини ўтказиб турганлар.


Фарғона Суғд сиёсий иттифоқига кирмаган бўлиб, у алоҳида мустақил давлат эди. Уни афшин бошқарган бўлиб, Фарғоналиклар Тяншан халқлари билан ўзаро алоқада бўлганлар. Хоразм бошқа мулкларга нисбатан анча мустақил эди. Мамлакатни Африғийлар сулоласига мансуб подшолар бошқариб турган.

Таъкидлаш лозимки, Турк ҳоконлиги маълум даражада тўлиқ ишлаб чиқилган жинорий қонунчиликка эга бўлган. Содир этилган жиноят учун жазонинг асосий турлари - қатл этиш одам аъзоларини кесиб ташлаш, зарарни тўлаш, мол-мулк тарзида товон тўлашдан иборат эди. Мисол учун, манбаларнинг маълумот беришича, ўлим жазоси давлатга қарши жиноятлар учун (исён кўтариш, сотқинлик) ҳамда ноҳақ ёки қасддан одам ўлдирганлик учун берилган. Ўғирлик қилган ёки бўзуқлик қилган шахснинг қўли ёки оёғи кесилган. Шахсга қарши қаратилган бошқа жиноятлар етказилган зарарни ўн баробар қилиб тўлаш, жароҳат етказгани ёхуд майиб қилгани учун мол-мулк тарзида товон тўлаш, қизи, хотинини қўлликка бериш, суягини синдирганлик учун эса от бериш йўли билан жазоланарди.

Маданий ҳаёт. Ҳунармандчилик ва савдо-сотик. Ўз даврида Турк ҳоконлигидаги маданий жараёнлар Буюк ипак йўлидаги кенг қўламдаги, халқаро алоқалар туфайли жамиятдаги сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий воқеалар билан ўзаро боғлиқликда ривожланиб борди. Ўтроқ деҳқончилик воҳалари аҳолиси ва дашт қабилалари ўртасидаги маданий алоқалар айниқса кучайди. Бу даврдаги маданий ҳаёт моддий маданият буюмлари, меъморчилик ва санъат, дин ва ёзув қабиларда ўз ифодасини топди.

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиёнинг турк ҳоконлиги таркибига кирган давридаги моддий маданияти ўзида маҳаллий ўтроқ халқлар ва кўчманчи туркларнинг муштараклигини акс эттиради. Уларнинг умумийлиги қурол-аслаҳа, зеб-зийнат буюмларининг ўхшашлигида, қимматбаҳо металллардан ишланган буюмлар кўринишида ўз аксини топган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, моддий маданиятдаги умумийлик, аввало, Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқлари ҳамда турк ҳоконлари манфаатларининг умумийлиги билан боғлиқ эди.

Турк ҳоконлиги даврида Ўрта Осиё халқлари зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик, монийлик, шомонлик каби динларга эътиқад қилган бўлсаларда, диний қарашларда зардуштийлик етакчи ўринда турган. Зардуштийларнинг улуғ




худоси Ахурамазда (Ормўз, Хурмўз) "само ва ернинг асосчиси" бўлиб, уни шарафига қурбонликлар келтирганлар. Бу дин айникса, Хоразм, Суғд ва Чоч вилоятларида кенг тарқалган эди. Бу даврда Тохаристон, Фарғона, Еттисув ва Шарқий Туркистон шаҳар аҳолиси ўртасида буддавийлик дини кенг тарқалган эди. Балхдан, Термиздан, Кобадийендан, Кувадан илк ўрта асрларга оид будда ибодатхоналари қолдиқлари очиб ўрганилган. Шунингдек, Суғдийларнинг Еттисувдаги айрим ерларга бориб ўрнашишлари оқибатида зардуштийлик дини билан Еттисувга хос шомонийлик динларининг бир-бири билан қўшилиши юз беради.

Туркийларнинг дини ҳақида "Бэй-ши" ва "Суй-ши" Хитой йилномаларида қайд этилади. Уларда туркийларнинг диний одатлари ҳақида қуйидаги маълумотлар бор: 1) Ҳоқон қароргоҳига Шарқ томондан кирилган ва бу билан кун чиқиш тарафга хурмат маъноси ифодаланган ҳамда айни пайтда кўёшга сиҳинишни ҳам билдирган. 2) Ҳар йили ҳоқон ўз амалдорлари билан ғорга бориб, ота-боболари руҳига қурбонлик келтирган. 3) Ҳар йилда 5 марта ҳоқон ой чиқишида яқинларини йиғиб, дарё буйига борган ва осмон руҳи (Тангри)га қурбонлик келтирган. Қабилалар учун ягона асосий худо бўлиб, унга доимий равишда қурбонлик келтириб турганлар. Улар руҳ абадийлиги, нариги дунё борлигига ишонганлар.

Турк ҳоқонлиги даври Ўрта Осиёда кўплаб йирик шаҳарлар мавжуд эди. Катта ва кичик шаҳарларда ҳунармандчилик, меъморчилик, рассомлик, ҳайкалтарошлик қабилар ривожланади. Уларнинг айрим намуналари ўша даврда бунёд этилган қаср ва саройларни беаган деворий суратлар ва ганчкор нақшлар, ҳайкаллар ва ҳайкалчалар, тангаларда зарб этилган рамзлар сифатида бизнинг кунларимизгача сақланиб келган. Уларда ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар ўз аксини топган. Сурхон воҳасидаги Болаликтепа, Зарафшон водийсидаги Панжикент, Варахша ва Афросиёб, Фарғонадаги Қува харобаларидан топилган деворий суратлар манзаралари шулар жумласидандир.

Бу даврда улкан ҳудудларда яшаган турли халқларнинг тил ва ёзувлари бир-бирларига таъсир ўтказган эди. Араб ёзувига қадар турк-руний, уйғур, моний, суғд, брахма, кхароштий, хоразмий ва сурёний ёзувлари мавжуд эди. Суғд, Хоразм ва Тохаристон аҳолисининг алоҳида-алоҳида ёзувлари бор эди. Суғд ва Хоразм ёзувлари оромий ёзуви асосида пайдо бўлган бўлса, бу ёзувлар асосида тохаристон ёзуви пайдо бўлади. Суғд ёзувлари кенг ҳудудларга тарқилган бўлиб, бу жараён Суғдийларнинг янги ерларни ўзлаштириш фаолияти ва савдогарларнинг ипак йўлидаги саъйи-ҳаракатлари билан боғлиқ эди. Шу боис бўлса керакки, Суғд тилидаги ёзма ёдгорликлар Ўрта Осиё, Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Покистон ва Муғулистон ҳудудларидан топиб текширилган. Суғд ёзуви иш юритишда, савдо ва маданий алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлиб, қадимги уйғур, муғул ва манжурлар ёзувлари пайдо бўлишига асос бўлди.

Бу даврда Хоразмда маҳаллий ёзув кенг тарқалган ва амалда бўлган. Тупроққалъадан шох архивларининг топилиши бунга мисол бўла олади. Бой безаклар, сопол, металл идишлар, деворий суратлар, кийимлардаги тасвирлар бу ерда тасвирий санъатнинг ривожидан далолат беради.



Ҳоқонликдаги шаҳар аҳолиси асосан ҳунармандчилик ва савдо-сотилган билан шуғулланганлар. Деҳқончиликдаги тараққиёт кўлами ва сифати ўзидан кейинги уч тармоқ - ҳунармандчилик, қурилиш, савдо-сотилган равнақи учун катта туртки бўлган эди. Айнан шунинг учун ҳам бу вақтда темирчилик, заргарлик, кулолчилик, дурадгорлик, қуролсозлик, тўқимачилик, шишасозлик, чармгарлик каби ҳунармандчилик тармоқлари тобора ривож топади. Турклар саррожлик, руда казиб олиш ва ундан қурол-яроғ ясашда айниқса моҳир эдилар. Турклар ясаган қурол-яроғ ва зеб-зийнат буюмлари ўзининг хилмахиллиги ва пишиқлиги билан ажралиб турган.

Бу даврда қончилик ишлари ҳам анча ривожланган. Олтин, темир, қумуш, мис, тўзнинг бир неча хили, қимматбаҳо тошлар, турли маъданлар -Суғд, Шош, Фарғона, Қашғар, Тоҳаристон каби вилоятлардан казиб олинганлиги манбаларда аниқ кўрсатилган.

Ҳоқонлик даврида савдо-сотилган ишларига алоҳида эътибор берилганлиги боис, Буюк ипак йўли самарали ишлашда давом этди. Ўрта Осиё халқларининг бу даврдаги асосий ҳамкорлари Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Византия эди. Бу мамлакатларга тўқимачилик, ипакчилик маҳсулотлари, қимматбаҳо тошлар, улардан ишланган буюмлар, тақинчоқлар, дориворлар, наслдор арғумоқлар, бир неча хил тўз, боғдорчилик маҳсулотлари, қазилма бойликлар ва ҳоказолар олиб борилган. Савдо-сотилганда айниқса, Суғдий савдогарларнинг мавқеи кучли бўлган. Шу ўринда хитойлик муаллифнинг куйидаги маълумоти диққатга сазовордир: "(Суғдий) эркаклар йигирма ёшга тўлишлари билан кўшни мамлакатларга ошиқадилар ва (савдо-сотилганда) қаерда (қўлайлик) ва манфаат бўлса (албатта) у ерга кадам ранжида этадилар”.

Хуллас, Ўрта Осиёнинг Турк ҳоқонлиги таркибида бўлиши ўша давр давлатчилиги тарихи, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Аввало, Турк ҳоқонлиги жуда катта ҳудудлардаги туркий қабилаларнинг бирлашуви ва жипслашувига кенг имкониятлар яратиб, Ўрта Осиёдаги айрим туркий халқлар шаклланишига асос солди. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, аввал Турк ҳоқонлиги, кейин эса Фарбий турк ҳоқонлигининг қудратли ва кўчманчиларга хос шиддатли ҳарбий ташкилоти, Суғдийларнинг бевосита аралашуви туфайли олиб борган дипломатик сиёсати Хитой, Византия ва Эроннинг Ўрта Осиё илк ўрта асрлар даври халқлари ва элатларига нисбатан олиб бораётган тажовўзкорлик сиёсати йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйди.

Бепоён дашт ва чул ҳудудларида, серҳосил ва серсув воҳаларда ташкил топган улкан давлат бирлашмалари каттагина ҳудудлардаги шаҳарлар, ҳунармандчилик, маданият, савдо-сотилган ва ўзаро алоқаларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очиб берди. Масаланинг яна бир энг муҳим томони шундаки, Турк ҳоқонлиги мавжудлиги давр – кўчманчилар маданияти инсоният цивилизациясининг ўз йўналиши ва жиҳатларига эга бўлган ўзига хос ва бетакрор тармоғи бўлиб, ўтроқ аҳоли маданияти билан аралашиб, уйғунлашган маданият пайдо бўлиши даври бўлди.



3-§. Араб халифалиги даврида Мовароуннахр.

Сиёсий тарих. VI асрнинг биринчи ярмида Арабистон ярим оролида асосини кўчманчи селий қабилалари ташкил этган Араб халифалиги пайдо бўлади. Арабистон ярим оролида ислом динини ёйиш орқали мустақамланган бу давлат VII асрнинг бошларидан бошлаб ўз худудларини ғарб ва Шарқ томонга кенгайтириш ҳаракатини бошлади. Хусусан 642 йилда Нахаванддаги жангда Эрон сосонийлари тор-мор этилгач Ўрта Осиё ерларига ҳужум учун имконият яратилади.


Арабларнинг Ўрта Осиёга дастлабки юришлар Убайдуллоҳ ибн Зиёд бошчилигида 651 йилда Марвни эгаллаш билан бошланди. Араблар Амударё (Жайхун)дан шимолда жойлашган ерларга "Мовароуннахр", яъни, "дарёнинг ортидаги ерлар" деб ном беришади. Наршахий ва араб муаллифи Ёкут берган маълумотларга кўра, Муҳаммад пайғамбарнинг шахсан ўзи Моварауннахрни буйсундиришни муқаддас деб ҳисоблаган ва исломга эътиқод этувчиларни бу муқаддас ишга даъват этган.

652 йилда араблар Балх шаҳрини эгаллашга муваффақ бўлдилар. Ўша йили Амударёдан ўтиб Моварауннахрга ҳужум қилиш режаси араблар учун муваффақиятсиз тугайди. Аммо, Хуросон ноиб Абдуллоҳ ибн Амир 652 йилда Чағаниённи эгаллашга муваффақ бўлди. Бу эса илк бор Моварауннахр ерларини эгаллаш эди. 654 йилда Суғддаги Маймурғ қалъасига арабларнинг биринчи ҳужуми бўлади. 657 йилда араблар Чағаниёнга қайта юриш қилиб эфталитларга кучли зарбалар бердилар. Араблар кенг миқёсдаги ҳужумларга тайёргарлик кўра бошлаган эдилар. Манбаларнинг маълумот беришича, Мовароуннахрга юриш қилишдаги ҳарбий-сиёсий тайёргарликдан бири, халифаликнинг Басра ва Куфа шаҳарларидан 50 минг араб оиласи кўчириб келтирилиши ва Хуросоннинг турли шаҳарларига гарнизон сифатида жойлаштирилиши бўлди.

673 йилнинг охири - 674 йилнинг бошларида арабларнинг Хуросондаги ноиб Убайдуллоҳ ибн Зиёд Моварауннахрга ҳужум қилиб Ромитон ва Пойкандни эгаллайди ҳамда Бухоро шаҳрини қамал қилади. Аммо, бухороликлар ва туркларнинг иттифоқчи кўшинларидан каттиқ қаршиликка учрагач, сулҳ тузишга мажбур бўлади.

676 йилда Хуросоннинг янги ноиб Саид ибн Усмон Бухорога юриш қилиб Бухоро маликаси Хутакхотўн кўшинларини тор-мор этади ва Самарқандга ҳужум бошлайди. Аммо, бир ой давом этган бу урушда Суғдийлар арабларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Натижада араблар сулҳ тўзиб орқага қайтадилар ва йўл-йўлакай Термизни талон-тарож этадилар. 683 йилда халифа Язид вафот этганидан сўнг халифаликда тож-тахт учун кураш бошланиб кетади. Бундай вазиятда араблар яна Моварауннахрга ҳужум қилишдан деярли тўхтаб, ўз ички низолари билан банд бўлиб қоладилар. Халифа Абдумалик ибн Марвон (685-705 йй.) даврида ўзаро ички курашларга чек қўйилиб араблар Моварауннахрга жиддий ҳарбий ҳаракатлар бошладилар.

Умуман олганда, арабларнинг ярим аср давомида Хуросон ноиблари Абдуллоҳ ибн Амир, Убайдуллоҳ ибн Зиёд, Сайд ибн Усмон, Салмо ибн Зиёд қабилар томонидан уюштирилган ҳужумлар талон-тарож қилиш, ўлкадаги ҳарбий-



сиёсий вазиятни ўрганиш, бойликларини олиб кетиш мақсадида уюштирилган 705 йилда Қутайба ибн Муслим Хуросон ноибни этиб тайинлангач, Моварауннахрни бутунлай босиб олиш ҳаракати бошланади. Ўрта Осиёдаги сиёсий парокандалик ва кичик давлатларнинг бир-бирлари билан тез-тез низоларга бориб туриши Қутайбага ниҳоятда қўл келган эди. 706 йилда у катта қўшин билан Моварауннахрга юриш бошлади ва Пойканд шаҳри 15 кунлик камалдан сўнг эгалланди.

Арабларга қарши турклар, Суғдийлар умуман, маҳаллий аҳоли ўзаро иттифок тузишга эришган бўлса-да, Қутайба найранг йўли билан бу иттифокни бўзишга муваффақ бўлди ва 708-709 йилларда Бухоро ва унинг атрофларига бир неча марта юришлар қилиб Бухорони забт этди. Қутайба 710 йилда Шуман, Насаф ва Кешни эгаллади. 710-712 йилларда Самарқанд ихшиди Тархун ва Хоразмшоҳ Хурзод Қутайба билан тинчлик сулҳи тўзиб унга йирик микдорда бож тўлайдилар. Аммо, Самарқанд аҳолисининг товон тўлашга қаршилик кўрсатиши, норозилик натижасида Тархуннинг тахтдан кетиши ва ўлими, Суғд подшоси ва Самарқанд афшини сифатида Гуракнинг тахтга ўтириши арабларнинг Самарқандга ҳужумлари учун баҳона бўлган эди. Шунингдек, Қутайба "Тархуннинг ўлими учун қасд оламан", деб эълон қилди ва Самарқандга ҳужум уюштириб, 712 йилда уни босиб олди. Муғ тоғи ҳужжатларининг маълумот беришича, 712-713 йилларда Суғд, Чоч, Фарғона ва Панжикент ҳокимлари арабларга қарши иттифок тўзиб вақтинча ғалабаларга эришган бўлса-да, Қутайба бу иттифокка раҳна солиб, уларни тор-мор этишга муваффақ бўлди. 714 йилда Қутайба ибн Муслим турклардан келаётган ёрдам кучини тўхтатиб қўйиш мақсадида Чоч воҳасига қайта бостириб кирди ва Исфижобни эгаллади. 715 йилда Қутайба Фарғонага иккинчи маротаба юриш уюштиради. Шу йили Қутайба ўзига душман бўлган халифа Сулаймонга қарши исён кутаради ва мағлубиятга учраб, ўлдирилади. Шундай қилиб, араблар қисқа муддат ичида Моварауннахр ҳудудларини босиб олдилар-ки, бунинг сабаблари қуйидагича эди:



1. Ўлкада ҳукм сураётган сиёсий тарқоқлик ва маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро қурашлари арабларга жуда қўл келган эди. Чунки, пароканда ва сиёсий жиҳатдан тарқоқ ҳудудларни алоҳида-алоҳида забт этиш Қутайба учун қулай эди.

2. Ўзаро бирлашиш ҳаракатида бўлган ва иттифокчилик учун ҳаракат қилган маҳаллий ҳокимлар орасига Қутайба турли найранглар билан раҳна солишга эришган эди.

3. Араблар ўзаро қурашаётган ҳокимларнинг бирига иккинчисини енгиши учун ёрдам кўрсатиб, кейин уларнинг ҳар иккисини ҳам бирин-кетин буйсундирдилар. Мисол учун, Суғдни забт этишда Қутайба араб қўшини билан бир қаторда Хоразм, Бухоро ва Насафнинг кучларидан фойдаланган эди.

4. Араблар Моварауннахрга қадар жуда катта ҳудудларни босиб олган бўлиб, катта бойлик ва ҳарбий заҳираларга эга эдилар. Араблар қўшинига мунтазам равишда босиб олинган ерлар ва ички вилоятлардан янги ҳарбий кучлар сафарбар қилиниб турилар эди.

Халқ озодлик ҳаракатлари. Араблар олиб бораётган босқинчилик сиёсатида қарши биринчи бўлиб, 720 йилда Суғд аҳолиси бош кўтарган ва бу





ҳаракатта Самарқанд ихшиди Гурак ва Панжикент ҳокими Деваштичлар бошчилик қиладилар. Бу ҳаракат умумхалқ кўзғолонига айланиб кетганлиги боис, Хуросон ноиб Сайд ибн Абдулазиз бу кўзғолонни бостиришга муваффақ бўла олмади. 721 йилда халифа Язид ибн Абдумаликнинг тавсияси билан Сайд ибн Амир ал-Хароший Хуросон ноиб этиб тайинланади. У кўзғолончилар билан мўзокаралар олиб бориши натижасида кўзғолончиларнинг бир қисми араблар томонига (Гурак бошчилигида) ўтган бўлса, бир қисми шафқатсизларча бостирилади.

VIII асрнинг 2-чорагидан бошлаб араб халифалигида иккита сулола - Уммавийлар ва Аббосийлар ўртасида кураш авж олди. Маълумки, улкан халифаликни 667 йилдан бошлаб Уммавийлар сулоласи бошқариб келар эди. Бу сулола даврида жуда кўп сиёсий ўзгаришлар, диний мазҳаблар, гуруҳларнинг кучайиши, бошқаришдаги номутаносиблик, мустамлакачилик сиёсати, зўравонлик, адолатсизликнинг авж олиши руй берди-ки, бу нарса сулоланинг кейинги даврида унинг фаолиятини қийин аҳволга солиб қўйди. 718 йилдан бошлаб Муҳаммад пайғамбарнинг амакилари Аббоснинг тарафдорлари - Аббосийлар ўз ғояларини тарғиб қила бошладилар. Уларнинг ҳокимият тепасига келишида Абу Муслим ва унинг ҳаракати муҳим аҳамият касб этди. 749 йилда Абу Муслим кўшини халифаликнинг марказий вилоятларига юриш қилиб, Ироқ ва Жазоирда Уммавийларга ҳал қилувчи зарбалар берди. Кўзғолончилар пойтахт Дамашқни ҳам қўлга олиб, халифа Марвон II ни тахтдан ағдардилар ҳамда Аббосийлардан бўлган Абўлаббос Сафароҳ (749-754) тахтга ўтиради. Аммо, ҳокимият тепасига бошқа сулола вакиллари келса ҳам арабларга қарши кураш тухтамади.

751 йилда Бухоро шаҳрида Шарик ибн Шайхулмахр бошчилигида кўзғолон кўтарилади. Кўзғолончилар шиалик талабларини илгари суриб, Али авлодидан халифа тайинлаш шиорини кутариб чиқишади. Бу кўзғолон Абу Муслим жўнатган Зиёд ибн Солиҳ бошчилигидаги кўшинлар ва бухорхудот Қутайба ибн Туғшод ёрдамида бостирилади. 755 йилда Абу Муслим халифа Абу Жаъфар томонидан Бағдодда хиёнаткорона ўлдирилади. Унинг дўсти ва сафдоши Сумбад ўша йилиёқ дўсти учун ўч олиш мақсадида кўзғолон кўтаради. Кўзғолон тез орада Хуросон ва Табаристонга ёйилади. 70 кун давом этган кўзғолон халифа кўшинлари томонидан қаттиққўллик билан бостирилади.

VIII асрнинг 70-80-йилларида Моварауннаҳрда жуда улкан халқ Кўзғолони кўтарилади. Тарихда "оқ кийимлилар" кўзғолони" деб ном олган бу ҳаракатга асли келиб чиқиши Марв атрофлари ёки Балхдан бўлган Муқанна тахаллусли Хошим ибн Ҳаким бошчилик қилади. Кўзғолон 776 йилда бошланиб, ўша йили Муқанна Амударёдан ўтиб Кеш вилоятига келади ва Кеш яқинидаги Санам қальасини ўзига қароргоҳ, қилади. Кўзғолон тез орада Суғд, Илоқ Шош, Нахшаб ва Чағаниён худудларига ёйилади. Араб кўшинлари бир неча йил давомида Муқанна кўзғолонига қарши қақшатқич кураш олиб бориб, VIII аср 80-йиллари бошларида қийинчилик билан кўзғолонни бостиришга муваффақ бўлдилар.


Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Солиқ сиёсати. Араблар Ўрта Осиёни босиб олгач бу худуддаги ҳамма шаҳар ва аҳоли жойларида ўз кўшинларини жойлаштирдилар. Бу ҳарбий кучлар ўз вақтида маҳаллий аҳоли устидан назорат




қилиб турарди. Араб халифалиги тасарруфига ўтган Моварауннахр ҳудуди кўпгина йирик ер эгалари - деҳқонларнинг мавқеи аввалги ҳолатича сақланиб қолди. Улар сиёсий жиҳатдан халифа ва унинг ноибига буйсўнар эдилар.

Бутун VIII аср давомида араб зодагонларининг деҳқонлар билан тил топишув ҳоллари кучаяди ва айнан мана шу даврда йирик деҳқон уруғ аймақлари қўли остидаги ер-мулкларнинг юқори араб ҳарбий мулкдорига ўтиши руй беради. Араб қўшини таркибига маҳаллий аҳоли ичидан кўплаб эркаклар мажбуран сафарбар қилинди. Ҳарбий ҳаракатлар натижасида аҳолининг бир қисми ҳалок бўлди, бир қисми асирга олинди. Барча шаҳар ва қишлоқларда ўз ҳарбий гарнизонларини жойлаштирган араблар, шу ҳарбий кучларга таяниб аҳолидан турли солиқлар ундиришар, уларни турли жамоа ишларига сафарбар қилишар эди.

Араб халифалиги давлат бошқаруви



Йирик ер эгалари ўртасидаги зиддият ва қарама-қаршилик арабларнинг аралашувиға сабаб бўлар ёки мулкнинг бир шахсдан иккинчисига ўтишини таъминлар эди. Ўрта аср муаллифлари маълумотларига кўра, деҳқонлар қўли остида қишлоқ жамоалари бўлиб, бу жамоадан ер олган кишилар хирож тўлаганлар. Деҳқонлар мустақил кўрғонларда ҳаёт кечириб, уларнинг яхши қуролланган ҳарбий бўлинмалари бўлган. Бундай бўлинмаларнинг аскарлари **чокарлар** деб



аталган. Деҳқонлар халифа ноибининг маҳаллий аҳоли орасидан бўлган вакилига буйсунадилар. Меҳнаткаш аҳоли, асосан кадиварлар, кашоварзлар ҳамда қўллар деҳқонларда мавжуд бўлган ер-мулкларнинг маълум улушини ижарага олиб ишлашган ва бунинг эвазига солиқ тўлаганлар. Деҳқонлар орасида ер-мулк, шахсий уй-жой ва кўрғонлар масаласида низо ва жанжаллар чиқиб қолса, муаммони халифа ҳал қилган. Ҳар бир ҳуқуқий муаммо ислом қонун-қоидаларига биноан кўриб чиқилган.

VIII аср ўрталарига келиб Моварауннаҳр худудида сиёсий бошқарув араб халифалиги сиёсий тизимига мослаштирилган эди. Вилоятлардаги ҳокимлар ва бошқа ҳукмдорларнинг қўли остидаги маъмурий-идора усули ўз шаклини сақлаб долган буилшига қарамай, ҳокимларнинг халифа ноибига итоат этишлари шарт эди. Маҳаллий давлат бошлиқларининг кўпчилиги ўз ҳуқуқлари ва имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида ислом динини қабул қилган эдилар. Ислом динини қабул қилмаган зодагонлар ўз мол-мулкларидан маҳрум этилар ёки катта миқдордаги товон тулар эдилар.

Араблар иқтисодий ҳаётни ўз қўлларидан чиқармаслик мақсадида босиб олинган худудларда сосонийлар тартибидаги солиқ тизимини жорий қилдилар. Бўлар асосан қуйидагилар эди:


1. **Қавонин ёки мукатиъа** - майда вилоятлар ва туманлардан ҳазинага тушиб турган йиғин.

2. **Мақрсима** – ҳосилнинг маълум улуши миқдорида тўланган. Унинг ҳажми суғоришга боғлиқ ҳолда белгиланган.

3. **Мисоха** ер ҳажмига қараб миқдори белгиланадиган солиқ бўлиб, ўнда экин экилиши ёки экилмаслигига эътибор берилмаган.

Бу солиқ тизимига ер солиғи - **хирож** (ҳосилнинг ундан бир ёки ундан икки қисми миқдорида), чорва, ҳунармандчилик, савдо-сотикдан **закот** (қирқдан бир миқдорда) ҳамда исломни қабул қилмаган шахслардан олинадиган - **жизья** солиғи ҳам қушилган.

Замонавий илмий адабиётларда таъкидланишича, арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олинган худудларини бошқариш маркази Марв шаҳри бўлиб, бу ердан туриб халифанинг ноиб Моварауннаҳр ҳамда Хуросонни идора қилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, VIII асрнинг ўрталари ва охирига келиб Моварауннаҳр ва Хуросон худудларида сиёсий бошқарув араб халифалиги сиёсий тизимига мослаштириб бўлинган эди. Бу даврда Моварауннаҳрда Суғд, Шош, Фарғона, Хоразм, Уструшона, Тохаристон қабиладардаги маҳаллий ҳокимлар зиммасига аҳолидан белгиланган солиқларни йиғиш, маъмурий бошқарувни амалга ошириш асосида ислом дини ғояларини аҳоли ўртасида ёйиш асосий вазифа қилиб белгиланган эди. Маҳаллий ҳокимлар фаолияти халифа томонидан тайинланадиган махсус амирлар томонидан катта назорат остига олинган бўлиб, бундан ташқари улар халифанинг Хуросондаги ноибига итоат этиши шарт бўлган.



Араблар истилосидан кейин Моварауннаҳрда мусулмон қонунчилиги тизими ҳам жорий этилди. Исломи ҳуқуқшўнослигининг асосини ташкил этувчи шариати муқаддас китоб - Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга ҳамда фикхшунос олимларнинг турли саволларга жавоблари ва қарорларига таянар эди. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Исломи динининг кўп жиҳатдан афзаллиги, ахлоқ ва интизом нуқтаи назаридан оммавийлиги хусусияти араблар босиб олган мамлакатлар аҳолиси томонидан унинг тез орада қабул этилишига сабаб бўлади. Қутайба сингари уни босқинчилик ва зўравонлик билан олиб келиш мумкин эмас эди. Қачонки исломи мохиятига етилгачгина унга рағбат ва эътиқод кучайиб кетади. Олиқ-солиқ, маиший ҳаёт бобида, закот масаласида Қуръон ва Шариати аҳкомларининг қоидалари меҳнаткаш аҳоли томонидан тезда қабул қилинди. Аллоҳ олдидаги тенглик эса диннинг аҳамиятини кучайтирар эди. Бу ўринда исломи динининг ҳақпарварлик руҳи ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Таянч сўзлар

Кидарийлар, хионийлар, эфталийлар, ички ва ташқи курашлар, Кидар, Пиро, “оқ хунлар”, Прокопий Кесарский, тегин, хоқон, Лазар Парбский, массагетларнинг етакчи уруғи, “Мадинат-ат-тузжор”, қалъали истехкомлар. Девори қиёмат, Кампирак, Ривдад, Кушония, Арқуд, “камони чочий”, маъмурий марказ, Заҳарик, Дарғом, “қадивар”лар, шаҳаншоҳ Перўз, халқаро савдо, буддавийлик, христианлик, монийлик, епископлик, метрополия, турк эл, туркаш, тукю, тукдус, қабила бошлиғи Абанбу, Асан, Асян-шод, Туу, Бумин, хоқонлар, Катта Хинган тоғлари, сиёсий ва маданий мерос, кишкялик Земарх, Баҳром Чубин, Арелон Тўба, Ғарбий Турк хоқонлиги, Сўёб, ябғулар, тудунлар, Тўн ябғу, “ўн ўқ эли”, “шод”, ихшид, ихрид, афшин, будун, тегин, элхон, эл, “қора будун”, маликшоҳ, “дарёнинг ортидаги ерлар”, Қутайба ибн Муслим, Тархун, Гурак, Диваштич, Шарик ибн Шайхулмайр, шиалик талаблари, Али авлодлари, Девон ад-дар, қавонин, мақосима, мисоха, хирож, жизья.

4-мавзу бўйича савол ва топшириқлар

1. Кидарийлар, хионийлар ва эфталитларнинг сиёсий ҳамда этник тарихи ҳақида сўзлаб беринг.
2. Эфталитларнинг ижтимоий-иқтисодий тарихи ҳақида нималарни биласиз?
3. Эфталитлар даври маданий ҳаёт ҳақида маълумот беринг.
4. Турк хоқонлигининг сиёсий тарихини сўзлаб беринг.
5. Ғарбий Турк хоқонлиги ҳақида нималарни биласиз?
6. Турк хоқонлигидаги давлат бошқаруви ҳақида гапириб беринг.
7. Хоқонлиқдаги маданий ҳаёт, ҳунармандчилик, савдо-сотик қандай кечган?
8. Араб халифалиги сиёсий сиёсий тарихини гапириб беринг.
9. Қандай сабабларга кўра араблар қисқа муддатда Мовароуннаҳр ерларини босиб олган эдилар?



10. Арабларнинг давлат бошқаруви ва солиқ сиёсати ҳақида нималар биласиз?

4-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Адылов Ш.Т. Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда по материалам стратегических исследований (IV в. до н.э. - VIII в.). Автореф.канд.дисс. - Самарканд, 1987.
2. Альбаум Л.И. Балалыктепе. - Ташкент: Фан, 1960.
3. Аннаев Т. Раннесредневековые поселения Северного Тохаристана. - Ташкент: Фан, 1988.
4. Афрасиаб Вып. 1-2-3-4. - Ташкент: Фан, 1969, 1973, 1974, 1975.
5. Белиницкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. - Л.: Наука, 1973.
6. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: Шарқ, 2000.
7. Абулғози. Шажараи Турк. - Тошкент: Чўлпон, 1990.
8. Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
9. Бартольд В.В. История культуры жизни Туркестана. Соч. т. II. - М., 1963.
10. Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. - Тошкент: Фан, 2007.
11. Вамбери Х. Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи. - Тошкент, 1991.
12. Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Тошкент. - Тошкент: Фан, 1988.
13. Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Бухоро. - Тошкент: Фан, 1991.
14. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. - Тошкент, 1990.
15. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия - Тохаристан. - Ташкент: Фан, 1990.
16. Шишкин В.А. Варахша. - Ташкент: Фан, 1963.
17. Сағдуллаев А. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. - Тошкент: Академия, 2000.
18. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар Д.А.Алимова, Э.В.Ртвеладзе. - Тошкент: Шарқ, 2001.
19. Ўзбекистон тарихи. Масъул муҳаррирлар А.С.Сағдуллаев, Б.Эшов. II-нашр. - Тошкент: Университет, 1999.



5-МАВЗУ. IX-XIII АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ.


1-§. Тоҳирийлар ва Саффорийлар давлати .

Маҳаллий зодагонларнинг кучаюви. Мовароуннаҳр ва Хуросонда араб босқинчиларига қарши тинимсиз давом этган халқ ҳаракатлари араб халифалигининг қудратига таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бундай ҳаракатлар халифаликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётини маълум даражада заифлаштириб, ўз навбатида бу жараёнлар маҳаллий зодагонларнинг халифаликдаги идора тизимига кириб бориши учун кенг имкониятлар яратган эди.

Таъкидлаш лозимки, Мовароуннаҳрда араблар босқинининг илк давридаёқ бошланган халқ ҳаракатлари Муқанна кўзғолони бостирилгач ҳам тўхтамасдан давом этаверди. Мисол учун, 806 йилда Самарқандда Рофеъ ибн Лайс бошчилигидаги кўзғолон кўтарилади. Шаҳардаги халифанинг ноибни ўлдирилиб, Самарқанд бир мунча муддат кўзғолончилар қўлида бўлди. Кўзғолоннинг кўлами аста-секин кенгайиб унга Фарғона, Хўжанд, Бухоро, Уструшона, Хоразм, Чағаниён ва Хутталён аҳолиси ҳам қўшилди. Кенг кўламда тус олган бу кўзғолон фақат 810 йилдагина, кўзғолон раҳбари Рофеъ ибн Лайс хоинлик йўлини тўтиб араблар томонига ўтганидан сўнг бостирилади.

Ундан кейинги йилларда ҳам гоҳ Суғдда, гоҳ Уструшонада, гоҳ Фарғонада кўзғолонлар бўлиб, улар шафқатсизларча бостирилган бўлса-да, бундай ҳаракатлар халифанинг ноиблари Мовароуннаҳр ва Хуросонни фақат зўравонлик ва қурол кучи билан ушлаб тура олмасликларини кўрсатди. Бундай ҳаракатлардан сўнг халифанинг ноиблари маҳаллий зодагонларни бошқарув тизимига нисбатан кенг миқёсларда жалб этиш чораларини кўрдилар. Бундай сиёсат юргизиш йўли билан Аббосий халифалари маҳаллий зодагонларнинг мустақилликка бўлган интилишини синдириш ва айнан маҳаллий зодагонлар ёрдамида халқ ҳаракатларини бостиришни режалаштирган эдилар. Айнан шунинг учун ҳам халифа Мансур (754-775 йй) ҳукмронлиги давридан бошлаб ва унинг ворислари халифа Маҳди (775-785 йй) ва Хорун ар-Рашид (786-809 йй) даврларида Мавороуннаҳрнинг турли вилоятларини асосан Бармакийлар ва Сомонийлар хонадонидан бўлган, маҳаллий зодагонлардан чиққан вазирлар бошқарганлар. Аммо, бу ҳолат Ўрта Осиёда халифа ҳокимиятини мустаҳкамлашга олиб келмай, аксинча, Ўрта Осиёни араб ҳукмронлигидан озод этиш учун имкониятлар яратилишига туртки бўлди.

Айни пайтда, Эронда ва Ўрта Осиёда шуубийлик (арабларга қарши) ҳаракати кенг қўлоч ёйди. IX асрнинг ўрталаридан бошлаб шуубийлик арабларга қарши халқ ҳаракатларининг мавкуравий асосига айланди (бу ҳаракат асосан қишлоқ аҳолиси орасида ёйилган эди). Шунингдек, ушбу ҳаракатга таянган маҳаллий зодагонларнинг араб халифалигидан мустақил бошқарувга интилиши тобора кучайиб борди. Бундай интилиш айниқса,




Бармакийлар хонадони орасида ниҳоятда кучли эди. Бармакийларнинг ар-халифалиги таъсиридан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақиллигининг кучайиб кетаётганлигидан хавфсираган Хорун ар-Рашид бу хонадон барча вакиллари ни ўлдиришга буйруқ берди.

Хорун ар-Рашид халифалик сиёсатини қўллаб-қувватловчиларни кўпайтириш мақсадида мусулмон диндорларининг мавқеини кўтариб юборди. Яъни, мусулмон диндорларига катта миқдордаги ерларни бўлиб берди. Айни вақтда маҳаллий зодагонларни халифа томонга оғдириш сиёсати олиб борилди. Аммо, бундай ҳаракатлар халифалик учун ижобий натижалар бермади. Айниқса, 809 йилда Хорун ар-Рашид вафот этганидан сўнг тахт учун бўлган курашларда яна бир янги хонадон вакиллари тарих сахнасида пайдо бўлди. Бу Тохирийлар сулоласи эди.

Тохирийлар даври. Бу сулоланинг илк вакили Розик ибн Сайқал Хорун ар-Рашид даврида Сейистон ҳокими Абумуҳаммад Талх ибн Абдуллоҳ қўлида хизмат қилган. Унинг Мусъаб, Хусайн ва Тохир деган ўғиллари бўлиб, кейинроқ Тохир Ҳиротдаги Бўшанг шаҳрининг ҳокими бўлади. Маълумки, Хорун ар-Рашид вафотидан сўнг унинг катта ўғли Амин халифа бўлади. Аммо Хорун ар-Рашиднинг кичик ўғли Маъмун (Маъмун-лақаби, асли исми Абдулла) ҳам тахтга даъвогар эди. Шу боис 811 йилдан бошлаб ака-укалар ўртасида тож-тахт учун кураш бошланди. Ушбу курашда Тохир ибн Хусайн Маъмун қўшинларига бошчилик қилиб 813 йилда Бағдод шаҳрини эгаллайди ва Маъмун халифалик тахтига ўтиради. Маъмун халифа бўлиб олгач (813-833й) Тохир ибн Хусайн тез орада халифаликнинг энг нуфузли кишиларидан бирига айланади ва 815 йилдан бошлаб халифалик қўшинларининг бош саркардаси лавозимида ишлайди.

821 йилда халифа Маъмун Тохир ибн Хусайнни Хуросон вилоятига ноиб этиб тайинлайди. Тохир Хуросон ноиблигининг пойтахти қилиб Нишопур шаҳрини танлади. У Хуросон ва Ўрта Осиё вилоятларини (Табаристон, Журжон, Рай, Кирмон, Хуросон, Сейистон, Мовароуннаҳрнинг жануби) мустақил ҳоким сифатида бошқариб, 822 йилда халифа номини хутба намозига қўшиб ўқишни таъқиқлади. Бу эса очикдан-очик халифадан ўзини мустақил деб эълон қилиш эди. Лекин Тохир ибн Хусайннинг бу режаси амалга ошмади. У тўсатдан вафот этди. Тахмин қилишларича, бу ҳолат халифанинг ўз ноиблари устидан сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкам тутишга интилишидан далолат беради.

Юқоридаги воқеадан катъий назар, халифа Маъмун Тохирнинг ўғли Талха ибн Тохирни Хуросон ноибни этиб тийинлайди. Замонавий адабиётларда берилишича, маҳаллий сулола вакиллари ноиб бўлиб қолганлигининг сабаби, халифаликнинг айнан маҳаллий ҳукмдорларнинг кучидан арабларга қарши кўзғолонларни бостиришида фойдаланиши эди. Шунингдек, Хуросон ноибининг муҳим вазифаларидан яна бири ўзига қарашли ҳудудларда айрим вилоят ҳокимларини сайлаш бўлган. Жумладан, Тохир ибн Хусайннинг ўзи Сомонийларни Самарқанд, Фарғона ва Шошга ҳоким бўлишларини расман тасдиқлаган. Ўша даврда Хуросон ноиблигига қуйидаги вилоятлар кирган



эди: Мовароуннаҳр, Хоразм, Сейистон, Кўхистон, Кермон, Кўмис, Табаристан ва Журжон. Улар ҳажмига кўра катта ва кичик туманлардан иборат бўлган.

50 йилдан зиёдроқ ҳукмронлик қилган Тоҳирийлар сулоласининг вакиллари қўйидагилар эди.:

Тохир ибн Ҳусайн (821-822йй);

Талха ибн Тохир (822-828йй);

Абдуллоҳ ибн Тохир (828-844йй);


Тоҳир II ибн Абдуллоҳ (844-862йй)

Муҳаммад ибн Тоҳир (862-873);

Тоҳирийлар мустаҳкам ҳокимият яратиш ва қишлоқ хўжалигини тартибга солиш борасида жиддий чора-тадбирларни амалга оширдилар. Улар янги каналлар бунёд этиб сувдан фойдаланишни яхшилаш чораларини кўрдилар. Абдуллоҳ ибн Тохирнинг буйруғи билан ўлкадаги йирик қонуншунослар суғориш учун фойдаланиладиган сув тақсимоли қонунлари тўплами – **Китоб ал-қунийни** тўздилар. Ушбу қонунлар юзлаб йиллар мобайнида Мовароуннаҳрда сувдан фойдаланишдаги баҳс-мунозараларни ҳал этишда асос бўлиб хизмат қилган.

Тоҳирийлар шундай ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритганларки, бу сиёсат асосан аҳолининг ҳукмрон табақаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган эди. Мисол учун, бизга қадар сақланган Тохир ибн Ҳусайннинг ўғли Абдуллоҳга ёзган хатида шундай дейилади: «Шуни билгинки, бойлик кўпайиб хазина тўлиб тошганда ҳам у даромад келтирмайди. У фуқаро зарурати, улар ҳақ-ҳуқуқларини адо этишга, уларни ташвиш ва қарзлардан озод этиш учун сарфланган тақдирдагина кўпаяди, ортиб боради; бу билан халқ оммасининг эътибори қозонилади; шу билан халқ фаровонлиги таъминланса, бу ҳокимларга зеб беради, давроннинг эмин-эркинлиги шу бўлади, шухрат ва қудрат бағишлайди; шу билан бирга агар шундай иш юритсанг, ер солиғини катта миқдорда ундириш имониятига эга бўласан ва бойлигинг ошади. Бу билан сен халқ оммасига саховат қўлини очсанг, бойлигинг ортади, куч-қудрат эгаси бўласан, қўшин сақлайсан ва ҳаммани ўзингга мафтун этасан». Тоҳир ўз ўғлини мана шундай «моҳирона» сиёсат юргизишга чақиради ҳамда Абдуллоҳ ибн Тохир қайсидир маънода отасининг маслаҳатларига амал қилган эди.

Ўз даврида Абдуллоҳ йирик ер эгалари ва давлат амалдорлари томонидан айрим ерлардаги деҳқонларга нисбатан бўлаётган ноҳақликларни имконият даражасида чеклашга ҳаракат қилди. У деҳқонларнинг аҳолини бирмунча тартибга солувчи махсус фармон эълон қилди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу фармонда жумладан шундай дейилади: «Оллоҳ бизни уларнинг (деҳқонларнинг – Э.Б.) қўли билан боқади, бизни уларни оғзи билан олқишлайди ва уларга озор беришни таъқиқлайди». Албатта, бу билан Абдуллоҳ бутунлай зироаткор-деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳукмдор бўлган, деб бўлмайди. У «деҳқонларга озор бермасликни» талаб қилишига сабаб, бусиз давлат хазинасига етарли солиқлар келиб тушмас эди.



Аҳволни яхшилаш учун айрим ҳаракатлар қилинган бўлишига қарама-қарши Тоҳирийлар даврида аҳоли кўпгина қатламларининг айниқса, зироаткор-деҳқонларнинг аҳволи оғир бўлиб қолаверди. Мисол учун, 844 йилда Абдуллоҳ ибн Тоҳир зироаткор-деҳқонлардан олинган хирождан 48 млн. дирҳам тўплаган эди. Солиқларнинг кўплиги деҳқонларнинг кўзғолон кўтаришига олиб келган. Тоҳирийлар бу кўзғолонларни шафқатсизларча бостириб турганлар. Бу ҳол ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар бир қадар сақланиб қолганлигини кўрсатади.


Манбаларда Тоҳирийларнинг исломлаштириш сиёсатида мустаҳкам турганликлари қайд этилади. Улар ҳуқуқий муносабатларни ислом пешволарига таянган ҳолда ривожлантирганлар. Шунинг учун ҳам Тоҳирийлар ислом динини халқ орасида кенг ёйиш сиёсатини давом эттириб, ислом руҳонийларини асосий таянч деб билганлар. Талха ибн Тоҳир даврида зардўштийлик дини сақланиб қолган Уструшонада ҳам ислом дини қабул қилдирилган.

Ўз ҳукмронлик ерларида мустаҳкам тартиб сақланишини хоҳлаган Абдуллоҳ ибн Тоҳир ўзига қарши ҳар қандай ҳаракат ёки кўзғолоннинг олдини олишнинг энг муҳим усули – солиқ йиғувчиларнинг суистеъмолликларига йўл қўймасликда деб ҳисоблар эди. У турли солиқларнинг миқдорини камайтirmaган бўлса-да, солиқлар йиғишда турли жиноий ишга қўл урганларни жазолар эди. Амал ва мансаб эгаларининг ўзбошимчалигини олдини олиш ва давлат хазинасига зиён етказмаслик мақсадида Абдуллоҳ ўз қўл остидаги ўзига содиқ кишилар орасидан айғоқчилар танлаб, уларнинг хизматидан фойдаланар эди. Бундай махфий шахслар жойларда ҳукмдорларнинг юриш-туриши, ҳар бир мансабдорнинг Абдуллоҳ олдидаги мажбуриятларини қай даражада бажаришлари хусусида ноибга хабар етказиб туришган. Демак, амалдор хоҳ вилоят ҳокими бўлсин, хоҳ йирик деҳқон бўлсин, Абдуллоҳнинг назорати остида бўлган.

Тоҳирийлар давлати кўп сонли билимдон амалдорларга муҳтож эди. Шу боис Абдуллоҳ ибн Тоҳир аҳолининг барча қатламлари маълумот олишини таъминлашга ҳаракат қилди. Манбаларнинг маълумот беришича, Абдуллоҳ отаси Тоҳир сингари шоир бўлган. Абдуллоҳнинг Марв, Амул ва Хоразмни бошқариб турган жияни Мансур ўзининг фалсафий асарлари билан машҳур бўлган. Абдуллоҳнинг ўғли Тоҳир II ҳам отасидан ўрнак олишга ҳаракат қилган.

Умуман, Абдуллоҳ ва Тоҳир II ҳукмронликлари даври маҳаллий маданиятнинг қайта тикланиш даври бўлди. Аммо, бу ўта мураккаб ва қийин жараён эди. Гап шундаки, Тоҳирийлар сулоласи вакиллариининг ўзлари, хусусан, Абдуллоҳ ибн Тоҳир ўзининг араб маданиятига хайрихошлигини таъкидлар эди. Шунга қарамадан бизга қадар етиб келган айрим ёзма манбалар ва моддий ашёлар маҳаллий маданият ривожидан далолат беради.

Саффорийлар давлати. IX-X асрнинг бошларига келиб илгариги даврларда бўлгани каби, Ўрта Осиё деҳқончилик воҳоларидаги давлат ҳокимиятининг асосий вазифаларидан бири-кўчманчилар ҳужумларидан



химояланиш эди. Айнан мана шу мақсадларда бу даврда қурол кўнгиллиларнинг махсус гуруҳлари, дин учун курашувчилар-**ғозийлар гуруҳлари** тузилади. Ғозийлар гуруҳларининг асосий қисмини касодга учраган деҳқонлар ва ҳунармандлар ташкил этар эди.

Маҳаллий ҳукмдорлар деҳқончилик воҳалари чегараларини дашт чегараларидан химоя қилиш учун ғозийлар гуруҳларидан фойдалана бошлайдилар. Араб муаллифларининг маълумот беришларича, ғозийлар «маҳаллий ҳукмдорлар учун бир вақтнинг ўзида ҳам таянч, ҳан нотинчлик сабаби» га айлана бошлайдилар. Чунки бир томондан улар кўчманчиларнинг ҳужумларига қарши туриб, деҳқончилик воҳаларини уларнинг ҳужумларидан сақлаб турса, иккинчи томондан, кўп ҳолларда маҳаллий зодагонларга қарши халқ ҳаракатларининг фаол иштирокчилари эдилар.

IX асрнинг 70-йилларида ғозийларнинг қуролланган гуруҳлари Ўрта Осиё ва Эрон чегараларидаги халқ ҳаракатининг асосини ташкил этарди. Бу халқ ҳаракатларидан ҳунарманд мисгар (саффор) ака-ука Ёқуб ва Амр ибн Лайслар (Саффорийлар) ўз ниятларини амалга ошириш учун фойдаландилар. Аввал бошда Саффорийлар кичик бир қароқчилар гуруҳини тўзадилар ва кейинроқ, Сейистондаги ғозийлар гуруҳларига қўшиладилар. Қатъиятлилиқ ҳамда лашкарбошилиқ қобилиятига эга бўлган Ёқуб ибн Лайс тез орада ғозийлар гуруҳларининг бошлиғига айланади. Ёқуб бошчилигидаги ғозийлар гуруҳи Сейистондаги сиёсий ҳаётга фаол аралаша бошлайди ва халқ ҳаракатларидан фойдаланиб 861 йилда Сейистоннинг маркази Заранж шаҳрини эгаллайди ҳамда бу ердан Тоҳирийлар ноибларини ҳайдаб юборади.

Шу тариқа Ёқуб Сейистоннинг ҳокими бўлиб олади ҳамда 10 йил давомида Тоҳирийларнинг сўнгги ҳукмдори Муҳаммад ибн Тоҳир эгаллаб турган халифаликнинг шарқий вилоятларини улардан тортиб олади. 873 йилда Ёқуб Тоҳирийлар қўшинларини тор-мор этиб Хуросоннинг пойтахти Нишопур шаҳрини эгаллайди ва шу билан Мавороуннаҳр ва Хуросондаги Тоҳирийлар ҳукмронлигига барҳам беради.

Бағдоддаги халифалик ҳокимияти Ёқубнинг муваффақиятларидан анчагина хавотирга тушиб, унга қарши бир қанча чоралар кўрган бўлсада, бу ҳаракатлар бесамар тугади. 784 йилда халифа бўлиб ўтган воқеаларни тан олиб Ёқубни Хуросон ва Мавороуннаҳрга ноиб этиб тайинлашга мажбур бўлади.

Манбаларнинг маълумот беришича, Ёқуб ибн Лайс иззат-икромни, ҳушомадгўйликни, тантаналарни ёқтирмайдиган, оддий аҳоли қатори яшаган ҳукмдор бўлган. Аммо, унинг ҳарбий лашкарбошлиқ қобилияти кучли эди. Ёқуб тўзган қўшинда қатъий тартиб-интизом ўрнатилган бўлиб, у ўзи жасорат кўрсатган ҳолда, аскарлари, уларнинг бошлиқлари ва суворийлардан ҳам жасорат талаб қилган. Ёқуб қўшинларининг асосий қисми **ал-мутатаввия** (кўнгиллилар, уларни «айёрлар» ҳам деб атаганлар) ташкил этган бўлиб, бу қисм доимий равишда ерсиз деҳқонлар ва ишсиз ҳунармандлар ҳисобига тўлиб турган. Айёрлар орасидан жангларда жасорат кўрсатганлар ҳарбий бошлиқ – сарҳанг лавозимига кўтарилган. Қўшинда айёрлардан ташқари



озодагон-эркин жангчилар ва ғулом-қўллар гуруҳлари ҳам бўлган. Қўшинлар ҳар уч ойда бир марта маош берилган. Қўшинлар вақти-вақти билан ҳарбий кўрикдан ўтказилиб турилган.

876 йилда Ёқуб ибн Лайс халифа ҳокимиятини эгаллаш мақсадида Бағдодга қўшин тортади. Бағдоддан 100 км узоқликдаги Дар ал-Акул деган жойда Ёқуб ва халифа қўшинлари тўқнашиб Ёқуб мағлубиятга учрайди. Ушбу муваффақиятсиз юришдан сўнг уч йил ўтгач Ёқуб ибн Лайс вафот этади ва унинг ўрнини укаси Амр ибн Лайс эгаллайди. Амр ибн Лайс халифага ўз вассаллигини билдирганидан сўнг Мавороуннаҳр ва Хуросонни бошқариш ҳуқуқини берувчи ёрлик олади. Аммо, Тохирийларда бўлгани каби Саффорийлар ҳам амалда халифаликдан мустақил сиёсат олиб борганлар. Манбаларнинг маълумот беришича, Амр ибн Лайс моҳир сиёсатчи ва ташкилотчи, ҳарбий ишни пухта билган шахс бўлган.


Саффорийлар ҳукмронлиги даврида халқнинг аҳволи сезиларни даражада яхшиланмади. Ваҳоланки, улар халқ ҳаракати натижасида ҳокимият тепасига келган эдилар. Саффорийлар асосан майда ва ўрта ҳол ер эгаларига суянган ҳолда давлатни идора қилдилар. Улар халқдан олинадиган солиқ миқдорини ўзгартирмадилар. Шунинг учун ҳам кенг халқ оммаси уларни қўллаб қувватламади. IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Сомонийлар сулоласи тарих сахнасида пайдо бўлди. 900 йилда Бухоро остонасида Амр ибн Лайс қўшинлари Сомонийлардан мағлубиятга учради ва Саффорийлар ҳукмронлиги тугатилди.

2-§. Сомонийлар давлати.

Сиёсий тарих. IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда Сомонийлар сулоласи пайдо бўлади. Бу сулолага Сомон қишлоғи (манбаларда – Балх яқинида, Самарқанд атрофларида, Термиз яқинида) оқсоқоли Сомонхудотнинг авлодлари асос соладилар. Йирик ер эгаси бўлган Сомонхудот Маъмун Хуросон ноиблиги даврида унинг хизматига ўтиб тез орада эътиборга тўшади. Сомонхудотнинг ўғли Асад ҳамда набиралари ҳам Маъмун саройида хизмат қилишган. Шахсан Маъмуннинг буйруғи билан Хуросон ноиб Асаднинг ўғилларини 820 йилда турли вилоятларга ноиб этиб тайинлайди. Хусусан, Нух Самарқандни, Аҳмад Фарғонани, Яхё Шош ва Уструшонани, Илёс Ҳиротни бошқара бошлайдилар.

Даставвал, Асаднинг катта ўғли Нух укалари мулкларини бирлаштириб, халифаликдан мустақил давлат барпо этиш ҳаракатини бошлади. Чунки Нухнинг номидан танганлар зарб этилгани маълум. Нух вафотидан сўнг укаси Аҳмад унинг ишларини давом эттириб аста-секин Мавороуннаҳрни Сомонийлар сулоласи бошчилигида бирлаштиришга киришади. Тохирийлар Аҳмаднинг бу ҳаракатларига қаршилик кўрсата олмадилар. 865 йилда Аҳмад вафот этгач кўпчилик Сомонийлар томонидан сулола бошлиғи сифатида Аҳмаднинг ўғли Насрни тан олинади.

873 йилда Бухоро шаҳри ва унинг атрофларини Тохирийларнинг сўнгги вакили Муҳаммад ибн Тохир босиб олди ва худудларга солиқлар солди.




Бундан ғазабланган халқ Муҳаммадга қарши кўзғолон кўтардилар. 874 йил Муҳаммад ибн Тохир Хоразм шаҳарларини талаётган бир пайтда Бухоро зодагонлари Насрдан Бухорога ноиб юборишни илтимос қиладилар. Наср Бухорога Исмоил ибн Аҳмадни ҳоким қилиб жўнатади. Наср Исмоилни ўз ноиби деб ҳисоблар эди. Исмоил ибн Аҳмад Бухорода ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, Самарқандга юбориладиган солиқни юбормай кўйди ҳамда акасига тобеъ бўлишни истамади. Натижада 886 йилда ака-укалар ўртасида биринчи тўқнашув бўлиб, Исмоил енгилди ва у вақтинча Бухоро ноиблигидан туширилди. 888 йилдаги иккинчи жангда Исмоил Наср кўшинларини тор-мор этишга муваффақ бўлди. 892 йилда Наср вафот этгач Исмоил Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолди. Пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилди. Исмоил Сомоний 893 йилда кўчманчиларга қарши кўшин тортиб дастлаб Тарозни, кейин эса Уструшонани эгаллашга муваффақ бўлди.

Бағдод халифаси ал-Мутадис (892-902 йй.) Исмоилнинг қудрати ошиб кетаётганидан саросимага тушиб 898 йилда Мовароуннахр ноиблигидан Исмоилни тушириб унинг ўрнига саффорий Амр ибн Лайсни ҳоким этиб тайинлаш ҳақида ёрлиқ жўнатади. Мавороуннахр ноиблиги тўғрисидаги ёрлиқни олгач Амр ибн Лайс Исмоилга қарши кўшин тортди. 900 йилда Балх атрофларида Исмоил Саффорийлар кўшинларини тор-мор этди. Манбалар маълумотларига кўра Исмоилни нафақат Бухородан, балки Хоразм ва Фарғонадан ҳам келган ҳарбий кучлар қўллаб-қувватлаган эдилар. Наршахийнинг маълумот беришича, Исмоил бу жангда Бухоро хунармандлари ва оддий халқнинг қўлига қурол бериб ўз озодлигини сақлаб қолишга чақирган. Кенг халқ оммасининг қўллаб-қувватлаши натижасида Исмоил Сомоний араб босқинидан кейин биринчи бўлиб ўзаро жанжалларга ботган, босқинчилар томонидан таланган ўлкани қудратли ва мустақил давлатга айлантиришга эришди. Шу тариқа Исмоил Мовароуннахр ва Хуросон, Эроннинг қатор шарқий ва шимолий вилоятларини ўз ичига олувчи йирик давлатга асос солди ва бу ҳудудларда Араб халифалиги ҳукмронлигига барҳам берилди.

Шундай қилиб, Фарғона, Исфижоб (Сайрам), Шош, Самарқанд, Бухоро Хоразм, Чағаниён, Хутталон, Кеш, Хуросон, Сейистон, Ғазна каби қатор вилоятлар Сомонийларга бўйсундирилди. Уларнинг ҳаммаси ҳам мутлақо тобеъ бўлмасада, Сомонийлар ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлган эдилар. Исмоил Сомоний йирик ер эгаси бўлиб, маҳаллий зодагонлар ва савдогарларга таяниб давлатни идора қилган. Лекин Исмоил ҳам, бошқа Сомонийлар ҳам ички ижтимоий зиддиятларни йўқота олмадилар. Натижада деҳқонларнинг ер эгаларига қарши чиқишлари бўлиб турган. Бундан ташқари айрим чекка вилоятлар ҳокимлари марказлаштириш сиёсатига қаршилик қилиб турганлар.

907 йилда Исмоил Сомоний вафот этиб тахтни унинг ўғли Аҳмад ибн Исмоил эгаллади. Аҳмад узоқ вақт ҳукмронлик қилмади (907-914 йй.). Унинг даврида давлатни идора этишда араб тилини қайта тикланиши кўпгина



маҳаллий зодагонлар ва турк ғуломларининг норозилигини ўйғотиб. Натижада у 914 йилда турк ғуломлари томонидан ўлдирилиб, тахтга унинг 8 ёшли ўғли Наср ибн Аҳмад ўтирди ва у балоғатга етгунча давлат ишларини вазир Абдулло Жайҳоний бошқариб турди.


914 йил охирида Самарқандда яна кўзғолон кўтарилди. Давлатнинг жанубий худудларида бўлган Хусайн ибн Али Марвозий раҳбарлигидаги кўзғолон айниқса кескин тус олди. Бу кўзғолон карматлар ғояси байроғи остида бўлиб ўтди. Бу кўзғолон 918 йилда бостирилиб Марвозий асир олинди. Кўп ўтмай Насрнинг қариндоши Аҳмад ибн Нуҳ ҳокимиятга қарши бош кўтарди. 922 йилда эса Илёс ибн Исҳоқ кўзғолон кўтарди. Тинмай давом этган кўзғолон ва исёнлар Сомонийлар давлатининг қудратига таъсир кўрсатиб, у аста-секинлик билан инқирозга юз тута бошлади.

Таъкидлаш лозимки, Наср ибн Аҳмад ҳукмронлиги даврида Сомонийлар давлати худудларида карматлар ҳаракати анча кескин тус олди. Карматлар исломни ёйилишига, ер эгаллиги муносабатларини кучайишига қарши чиқдилар ва илгариги анъаналарни, кишлоқ жамоаларини қайта тиклашни ёқлаб чиққан эдилар. Шунинг учун ҳам бу ҳаракатни кенг халқ оммаси қўллаб қувватлади. 943 йилда тахтга ўтирган Насрнинг ўғли Нуҳ карматларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди. Уларнинг мол-мулкларини мусодара қилди.

Нуҳ ҳукмронлиги даврида Сомонийлар давлатининг инқироzi яққол кўзга ташлана бошлади. Бўшаб қолган хазинани тўлдириш мақсадида Нуҳ солиқлар миқдорини кўпайтирди. Бу халқ норозилигини янада оширди. Халқ норозилигидан фойдаланган Нуҳнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмад Хуросон ноибни Абу Али Чағоний ёрдамида вақтинча Бухоро тахтини эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Абу Али Чағоний Хуросонга қайтгач Нуҳ яна Бухоро тахтига қайтди ва исёнкор қариндошларини қаттиқ жазолади. Лекин Сомонийларнинг Абу Али Чағоний билан кураши кейинги йилларда ҳам давом этди.


Солиқларнинг йил сайин кўпайиб бориши, зодагонларнинг ўзаро жанжаллари, ноибларнинг марказга бўйсунмай кўйиши ва саройда бўлаётган тахт учун курашлар Сомонийлар давлатини жуда заифлаштириб юборди.


Бу курашлар айниқса Амир Мансур ибн Нуҳ II (976-997 йй.) ҳукмронлиги даврида кескин тус олди. Ички низолар оқибатида Нуҳ II Еттисув ва Қошғарда вужудга келган Қорахонийлар давлатининг Мавароуннаҳрга қилган юришларига кескин қаршилик қилолмади. Сомонийлар давлатидаги беқарорликдан фойдаланган Қорахоний Ҳорун Буғроҳон 990 йилда Ғарб томон қўшин тортди ва икки йил давомида Сомонийларга қаршли бир қанча вилоятларни босиб олди. Шундан сўнг Сомонийлар давлати ўзини тиклай олмади. 13-15 йил давомида Сомонийлар ҳукмдорлари асосан Қорахонийлар ва қисман Салжуқийлар билан кураш олиб бориб ниҳоятда ҳолдан тойдилар. Сомонийларнинг сўнгги ҳукмдори Абу Иброҳим Мунтасир 1005 йилда ўлдирилади ҳамда Мавароуннаҳр ва



Хуросондаги Сомонийларга тегишли бўлган худудлар Қорахонийлар Ғазнавийлар томонидан бўлиб олинади.

Сомонийлар шажараси 819-1005





Давлат тизими ва бошқаруви. Сомонийлар Мовароуннахр Хуросонда мустақил давлат тузиш учун авваламбор, кучли марказлашган ҳокимият тузиш кераклигини яхши тушунишган. Бу айниқса Исмоил Сомоний даврида куннинг долзарб масаласига айланган эди. Йирик ер эгаси бўлган Исмоил биринчи навбатда маҳаллий зодагонлар ва савдогарларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутди. Давлатнинг иқтисодий куч қудратини ошириш, қишлоқ хўжалигини, ҳунармандчиликни ва савдони ривожланиши учун кенг шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим эди. Шу мақсадда Исмоил катта ва яхши қуроолланган, сараланган қуроолли кучларни ташкил қилишга киришди. У айниқса, турк ғуломларидан иборат қисмларни тузишга катта эътибор берди. Натижада Сомонийлар давлати тез орада мусулмон Шарқдаги марказлашган кучли давлатга айланди. Мамлакатнинг қудратини мустаҳкамлаш мақсадида Исмоил Сомоний бир қанча ислохатлар ўтказди. Мана шундай ислохатлардан бири давлатни бошқариш маъмуриятини жорий қилиш бўлди. Бу маъмурият **даргоҳ – амир саройи** ва **девон – давлат идораси, вазирликлардан** иборат бўлган.


Давлатни бошқарувчи олий ҳукмдор **амир** унвонига эга эди. Исмоил Сомоний ўз даврида марказлашган давлат бошқаруви тизимини жорий этган эди. Сомонийлар давлати мажмуини мустаҳкамлашда Нуҳ II Сомонийнинг маърифатли вазирлари Абуабдулло Муҳаммад Жайхоний ва Абуфазл Муҳаммад Баламийларнинг хизматлари катта бўлган. Сомонийлар ҳукмронлиги даврида бош вазир лавозимига асосан шу икки сулола вакиллари тайинланган. Давлат мажмуи **даргоҳ** (амир саройи) ва **девонга** (вазирликлар, давлат идораси) бўлинган.

Саройда сиёсий ҳокимият **соҳиби хорас** қўл остида бўлиб, у олий ҳукмдор фармонлари ижросини назорат қилган. Даргоҳ ҳамда бошқа муҳим давлат идораларининг хавфсизлигини амалга ошириш хизматини **бош ҳожиб** ва унинг ходимлари олиб борган. Саройда шарбатдорлар, дастурхончилар, таштадорлар, от боқарлар, хўжалик бекалари каби турли хизматчилар бўлган. Саройдаги барча хўжалик ишларини **вакил** бошқарган. Вакил саройдаги энг эътиборли кишилардан бири ҳисобланган. Наршахийнинг маълумот беришича, Наср II Сомоний даврида Бухоро регистонида давлатдаги 10 та девонга атаб махсус 10 та бино қурилган. Давлатда қуйидаги девонлар фаолият кўрсатган:

Девони вазир (бош вазир девони). Бу девонга қолган барча девонлар бўйсунган. Бош вазир девони барча маъмурий, сиёсий, хўжалик ва ҳарбий маҳкамаларни назорат қилган.

Девони мустауфи (молиявий ишлар девони). Бу девон давлатнинг барча молиявий ишларини бажарган ва назорат қилган. Девон хазинадор томонидан бошқарилиб, унинг ихтиёрида ҳисобчилар, мунший ва котиблар, дафтардорлар бўлган.

Девони амид ал-мулк, ёки ал-расаил (расмий ҳужжатлар девони). Бу девон давлат аҳамиятига молик бўлган барча ҳужжатларни тузиш ва ишлаб



чиқиш билан шуғулланган. Шунингдек, бу девон чет давлатлар билан бўлиб дипломатик муносабатларни ҳам назорат қилган.

Девони соҳиб-аш-шурот (ҳарбий ишлар девони). Бу девон давлатнинг бутун ҳарбий ишларини назорат қилган, жумладан, амирнинг шахсий кўшинини (гвардиясини) бошқарган. Ушбу девонбошининг махсус ёрдамчиси – ариз бўлган. У маҳкама ва унинг бошлиғи амир кўшини хазинаси билан шуғулланган. Кўшинга бир йилда тўрт марта маош тўланган. Бу девон ҳарбий интизомни таъминлаб турган.

Девони соҳиб ал-борид (хат-хабарлар назоратчиси девони). Ушбу девон марказда қабул қилинган муҳим қарорлар, ҳужжатлар, хабарномаларни вилоят ва шаҳарларга етказиш билан шуғулланган. Бу девоннинг вилоятлардаги бошлиғи фақат марказга бўйсунган. Бу девон ходимлари вилоят ва шаҳарларда бўлиб турадиган, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеаларни марказга етказиб турган. Шунингдек бу девон давлат элчилари, вилоят ва шаҳарлар ҳокимлари устидан махфий назорат ўтказган.

Девони мухтасиб (бозорлар ва кўчалар, шариат қонун қоидаларига риоя қилишни назорат қилувчи девон). Бу девон хизматчилари қиладиган асосий иш шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда тартиб-интизомни, тош-тарозини назорат қилганлар. Аҳоли томонидан шариат қонун-қоидаларига риоя қилишнинг назорати ҳам шу девон зиммасида бўлган. Ушбу девонбоши ўз мирғазаб (ходим) лари билан барча шаҳарларда фаолият кўрсатган.


Девони мамлакаи хос (давлат иш боқарувчиси девони). Бу девон сарой таъминоти билан боғлиқ сарф-харажатларни назорат қилган. Муҳим давлат ишлари ва айниқса, хазина кирим-чиқимини назорат қилиш ҳам шу девон зиммасида бўлган.

Девони вакф (вакф ерлари девони). Мачитлар, мадрасалар, умуман диний муассасалар ихтиёрида бўлган ер-сув, мол-мулк кабиларни бошқарган.

Девони қози аз-зиё (қозилик ишлари девони). Бу девонни давлатнинг бош қозиси бошқарган. Девон барча вилоятлар ва шаҳарлардаги қозилар фаолиятини назорат қилиб турган.

Юқорида санаб ўтилган девонларнинг барчаси (соҳиб ал-борид девонидан бошқа) маҳаллий ҳокимлар ва олий марказий ҳокимиятга бўйсунган. Таъкидлаш лозимки, Сомонийлар даврида маҳаллий бошқарув тизими ҳам самарали фаолият юритган. Вилоятлар бошқарувчилари – **ҳоким**, шаҳарлар бошқарувчилари эса – **раис** деб юритилган. Вилоятлар ҳокимлари кўп ҳолларда ҳукмрон сулола вакиллари билан ва катта таъсирга эга бўлган йирик зодагонлардан тайинланган.

Сомонийлар даврида амалдорларни давлат хизматига қабул қилишда маълум бир талаблар: давлат тили ҳисобланган араб тилини мукамал билиш, исломий ҳуқуқ-фиқҳ меъёрларидан тўлиқ хабардорлик, тарих, адабиёт каби илмлардан бохабарлик, ҳисоб-китоб ишларида билимдонлик ва бошқалар мавжуд бўлиб, бу марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қиларди. Давлат бошқарувида ҳарбий-маъмурий



амалдорларнинг мавқелари ниҳоятда катта эди. Шунингдек, X аср мусулмон руҳонийлари ҳам катта обрўга эга эдилар. Мовароуннаҳрда асосан ислом динининг ханифийлик мазҳаби тарқалган бўлиб, диндорлар бошлиғи **устод** (кейинчалик **шайх-ул-ислом**) Сомонийлар давлатида катта мавқега эга бўлган.

Сомонийлар давлатида суд ишлари шариат қонун-қоидаларига асосланган бўлиб, улар қозилик девони томонидан бошқарилган. Суд жараёнидаги ишлар қозикалон, қозилар, муфти, раислар томонидан амалга оширилган. Вилоят ва шаҳар қозилари қозикалонга бўйсунган.

Давлатда ҳар бир вилоятлар ва шаҳарлар ҳукмдорлари кўнгиллиларидан иборат кўшин сақлаган. Кўнгиллилар одатда озод ва бой деҳқонларнинг ўғилларидан иборат бўлган. Кўнгиллилар ҳарбий ҳолат вужудга келган вақтда албатта йиғилган. Улар вилоят ва давлат даромади ҳисобига сақланган. Давлат ҳудудлари вилоят кўшинлари ва ғозийларнинг қисмлари билан қўриқланган.

Иқтисодий ва маданий ҳаёт. Сомонийлар даврида кучли ва мустақил давлатнинг пайдо бўлиши деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг тараққиёти – ўз навбатида ички ва ташқи савдони янада ўзвийлашувига ва тараққиётига олиб келди. Аввало, шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги савдо кенгайди. Иккинчи томонидан, шаҳар ва қишлоқларни кўшни кўчманчи халқлар ва бошқа давлатлар билан алоқаси ривожланди.

Ёзма манбаларда қайд қилинишича, бозорлар катта-кичик шаҳарларда ва ҳатто қишлоқларда ҳам бўлган. Айниқса карвон йўллари бўйида жойлашган шаҳарларда бир нечтадан бозорлар бўлган. Бухоро, Хўжанд, Насаф, Кеш, Термиз, Ҳирот, Марв, Нишопур шаҳарларидаги бозорлар катта ва гавжум бўлган. Истахрийнинг маълумот беришича, Самарқандда Мовароуннаҳрнинг бош бозори жойлашган бўлиб, бу ерга кўпгина шаҳарлардан савдогарлар келган. Мовароуннаҳрда тайёрланган маҳсулотларнинг катта қисми Самарқандга келтирилган ва ундан кейин бошқа ўлкаларга тарқатилган. Ички ва ташқи савдода айрим кичик шаҳарларнинг ҳам ўрни катта бўлган.

Бу борада Пойканд шаҳри муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда қайд этилишича, бу шаҳарда Сомонийлардан олдин ҳам савдогарлар Хоразм, Каспий бўйидаги ўлкалар ва Хитой билан олди-сотти ишлари олиб боришган. Шаҳар раислари савдогарлар учун барча шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилганлар. Шаҳарда ўнлаб карвонсаройлар мавжуд бўлган, улар бозорга яқин жойда жойлашган. Савдо расталари карвонсаройнинг ўзида ҳам бўлган. Карвонсаройлар йўлларда ҳам қурилган.

Бозорларда сотиладиган маҳсулотлар аввало, маҳаллий аҳолининг эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Ҳунармандлар ўз молларини сотиб, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилганлар, ўз навбатида ҳунармандчилик маҳсулотларига деҳқонларнинг талаби катта бўлган. IX-X асрларда Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотик катта аҳамиятга эга эди. Бу борада кўчманчилар билан чегарадош бўлган шаҳарларнинг аҳамияти катта бўлган.




Кўчманчилар шаҳарларга келиб деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотларини харид қилганлар, тери ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини сотганлар.

Ўрта Осиёлик савдогарлар ўз молларини араб халифалиги таркибига кирган давлатларга, Кавказга, Хазар ва Булғорияга, Хитой ва Ҳиндистонга олиб бориб сотганлар. Ўрта Осиёдан Хитой билан Ўрта ер денгизини бирлаштирувчи ва Жануби-Шарқий Европага олиб борувчи карвон йўллари ўтган. Айниқса, Ўрта ер денгизи билан боғловчи карвон йўли анча гавжум бўлган. Бу йўл Бағдод, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Амул, Бухоро, Насаф, Кеш, Самарқанд, Уструшона, Чоч, Баласоғун орқали Хитойга олиб борган. Хитойга Ўрта Осиёдан отлар ва шиша буюмлар олиб борилган. Хитойдан эса турли-туман ипак газламалар келтирилган. Хазар, Булғор ва Рус ерларига Ўрта Осиёдан қуруқ мевалар, турли-туман газламалар, гуруч ва кумуш чиқарилган. Ўз навбатида Жануби-Шарқий Европадан Ўрта Осиёга мўйна, мис, тери, қорамол, қўллар келтирилган. Жануби-Шарқий Европа билан бўлган савдо алоқаларида хоразмлик савдогарларнинг ўрни катта бўлган.

IX-X асрларда маданий ҳаёт ҳам ўзининг юқори даражасига кўтарилди. Аввало, меъморчилик санъати ва қурилиш услублари ривожланди. Турар-жойлар, йирик бинолар, амирлар саройлари ҳам хом ғиштдан қурила бошланди. Маъмурий бинолар, йирик бойлар ва амалдорларнинг уйлари устунлар ва ўйма нақшлар билан безатилган. Сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморчилик санъатининг юқори тараққиётидан ёрқин далолат берувчи ёдгорлик бу Бухородаги Исмоил Сомоний мақбарасидир. Мақбара ўта оддийлик ва маҳобатли шаклга хос бўлиб у 892-943 йиллар орасида қурилган ва ўзининг бағоят чиройли қилиб ишланган ташқи кўриниши билан ажралиб туради. Ушбу мақбара ўрта асрлар меъморчилик санъатининг ноёб дурдоналаридан бири ҳисобланади.

Сомонийлар даври меъморчилигининг яна бир ноёб дурдонаси Каттақўрғондан 60 км жанубдаги Тим қишлоғида жойлашган Араб ота мақбарасидир. Бу мақбара Исмоил Сомоний мақбараси билан ўхшашлик топади. Бу ўхшашлик мақбаранинг умумий кўринишида, иншоотнинг тузилишида, умумий безатилишида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга Араб ота мақбараси мисолида Сомонийлар давридаги меъморчилик тараққиёти ва ривожланиш йўллари кўрамади. Сомонийлар даври меъморчилигининг нодир намуналарини шунингдек, Карки (Туркменистон) яқинидаги Аламбардор, Ўзун (Сурхондарё) яқинидаги Хўжа Нахшон, Карманадаги Мир Саид Баҳром мақбараларида ҳам учратиш мумкин.

IX-X аср меъморчилигининг ривожланиш йўллари сакланиб қолганлигини кўплаб масжидлар мисолида ҳам кўзатишимиз мумкин. Бу даврга оид масжидлар тўғрисида сўз юритилганда Бухородаги Мағоки Атторон, Пойканд масжиди, Термиздаги Чорустун, Шахристондаги Чилдухтарон масжидларини қайд қилиш мумкин. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиёда диний меъморчиликнинг ривожланиш йўллари кўзатиш имконини беради.




Наршахийнинг маълумот беришича, амир Наср ибн Аҳмад Бухоро регистонида ўзи учун катта сарой қурдирган ва унинг қурилишида катта маблағ сарфлаган. Бу сарой ғоятда гўзал бўлган. Саройнинг олдида эса девонлар учун бинолар қурилган. Амир ва ҳокимлар саройи Нишопур, Марв, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлган. Бу саройлар ўзларининг катталиги ва гўзаллиги билан ажралиб турган. Кўп ҳолларда бундай саройлар хушманзара жойларда, боғлар ичида бунёд этилган.

Ўрта Осиё халқларининг асрлар давомида эришган маданий ютуқлари ва билимлари IX-X асрларда яшаган ва ижод қилган олимларга катта илмий пойдевор вазифасини ўтади. Агарда бу илмий пойдевор юқори даражада бўлмаганда эди, Сомонийлар давридаги илмий тараққиёт ҳақида гапириш қийин бўлар эди. Бухоро, Марв, Самарқанд, Нишопур, Балх, Бинкент, Кеш, Насаф, Термез, Хўжанд, Урганч каби шаҳарлар бу давр ичида йирик маданият ва фан марказларига айландилар. Сомонийлар ўз давлатлари ҳудудида жойлашган ўлкалардан чиққан замонасининг етук маърифий ва фан соҳибларини Бухорога таклиф этдилар. Улар амир саройларида ўтказиладиган илмий мунозаралар ва адабиёт учрашувларига таклиф қилиниб турдилар. Ўз билимларини янада чуқурлаштириш ақсадида амир кутубхоналарида сақланидиган қўлёзмаларни ўргандилар.

Сомонийлар даврида Ўрта Осиёнинг қўшни давлатлар ва халқлар билан маданий ва савдо алоқлари янада кенгайди ва ўзвийлашди. Мовароуннаҳр ва хуросонлик олимлар – Абдулло Рўдакий, Абумансур Дақикий, Абулқосум Фирдавсий, Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абулаббос ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Наршахий кабилар ўзларининг буюк ихтиролари ва тадқиқотлари билан нафақат ўз ўлкаларидагина эмас, балки бутун машриқу мағрибда машҳур бўлдилар. Эътиборли томони шундаки, бу олимлар қомусий билимлар соҳиблари бўлишган. Улар фаннинг турли соҳаларида ижод этиб, дунё маданияти ва фанининг ривожланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Улар ихтиро этган кашфиётлар фақатгина уларнинг номларига боқийлик бахш этмай, балки бутун халқимизнинг обрў-эътиборини дунёга таратди. Бу даврга оид моддий топилмалар, меъморий ёдгорликлар халқимизнинг юксак маданиятидан, нозик дидидан, чуқур билимидан ва ижодий парвозидан гувоҳлик бериб келмоқда.

3-§. Қорахонийлар давлати.

Сиёсий тарих. X асрнинг иккинчи ярмига келиб ички зиддиятларнинг кўпайиши ва кескинлашуви натижасида Сомонийлар давлати кучсизлана бошлайди. Сомонийларга тобе бўлган вилоятларда, айниқса, Хуросонда улар ҳокимиятига қарши кўтарилган исёнлар, тожу-тахт учун ўзлуксиз олиб борилган курашлар Сомонийлар давлати инқирозини яқинлаштирган эди. Бундай вазиятдан Етгисув ва Қашғарда яшовчи туркий қабилалар унумли фойдаландилар. Чунки, X асрнинг иккинчи ярмига келиб бу ҳудудлардаги




туркий қабилалар – қарлуклар, чиғиллар, яғмолар ва бошқалар ўзларини кучли феодал давлатларини тузишга муваффақ бўлган эдилар.

Қорахонийлар туркий қавмлар эканлиги аниқ бўлса-да, уларнинг келиб чиқиши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо, улар ўз сулолаларини «Афросиёб авлоди» деб атаганлари ҳамда Қорахонийлар чиғиллар ёки қарлуклар қавмига мансублиги ҳақидаги нуқтаи назар ўрта асрлар даври тарихининг кўпчилиги тадқиқотчилари томонидаги эътироф этилади.

Қорахонийлардан биринчи бўлиб исломни қабул қилган ва мусулмонча Абдулкарим деган ном олган ҳукмдор Хорун Буғраҳон ҳисобланади. Айрим ёзма манбаларда у Буғраҳон ат-Туркий деб номланади. Мисол учун, Ибн ал-Асир ўзининг «Китоб ал-камил фи-тарих» асарида маълумот беришича, Қашғар, Баласоғундан то Чан (Хитой) чегарасигача бўлган ерлар Буғраҳон ат-Туркий ҳукмронлиги остида бўлган.

Бутун Тянь-Шань ва Еттисувни эгаллаб бўлгандан сўнг, қорахонийлар Сомонийлар давлати таркибига бўлган Мовароуннаҳрга ҳам ҳарбий юришлар уюштира бошлайдилар ва тез орада Фарғона ва Исфижоб (Сайрам) ни босиб олишга эришадилар. 990-992 йилларда қорахоний Хорун (Ҳасан) Буғраҳон Сомонийларга тегишли бўлган Ўрта Осиёдаги мулкларнинг каттагина қисмини босиб олди. 992-993 йилларда Ҳасан Буғраҳон Самарқанд ва Бухорони ҳам эгаллайди. Манбаларнинг маълумот беришича, Сомонийлар давлатида катта таъсирга эга бўлган турк лашкарбошиси, Хуросон ҳокими Абу Али Симжурий ва яна бир лашкарбоши Балх ҳокими Фойиқ очикдан-очик Қорахонийларга ён босадилар. Яъни, Симжурий Ҳасан Буғраҳон билан мўзокаралар олиб борган бўлса, Фойиқ Работи Малик яқинидаги Буғраҳонга қарши жангда, ҳар томонлама устунликка эга бўлишига қарамай таслим бўлади. Ҳасан Буғраҳон Самарқанд ва Бухорони эгаллагач, касаллиги туфайли урушни давом эттиролмасдан Қашғарга қайтишда, йўлда Қўчқорбоши деган жойда 993 йилда вафот этади.


Ҳасан Буғраҳон вафотидан сўнг улуғ хон (қорахон) лавозимини, унинг жияни Али ибн Мусо эгаллайди. Аммо у узоқ вақт тахтга ўтира олмади. Тахтни Қорахоний Наср Илекхон эгаллади. Сомонийлар давлатидаги ички низоларни, Сомоний ҳукмдорлари ва турк лашкарбошилари ўртасидаги келишмовчиликларни диққат билан кўзатиб турган Қорахонийлар 996 йилда Наср Илекхон бошчилигида Бухорога янги юришлар уюштирдилар. Сомоний ҳукмдори Нуҳ II Ғазна ҳокими Сабуктегинни ёрдамга чақиради. Балхдан катта кўшин билан етиб келган Сабуктегин Кеш ва Насаф оралиғида жойлашиб, ўз кўшинлари билан келиб қўшилишини сўраб Нуҳ II га элчи юборади. Лекин ўз «вассали» га унча ишонмаган Бухоро ҳукмдори ўз вазири Ўзайрининг фикрига қўшилиб бу таклифни рад этади ва Сабуктегинни ўзини Бухорога чақиради. Бундан ранжиган Сабуктегин ўғли Маҳмудни 20 минглик кўшин билан Бухорога жўнатади. Ўзи эса Наср Илекхон билан мўзокаралар олиб бориб, Қорахонийларга Сомонийларга тегишли бўлган шимолий ҳудудларни тақдим этади.



Шундай қилиб, 1005 йилга қадар Сомонийлар ва Қорахонийлар ўртасида кўплаб урушлар бўлиб ўтди ва ўша йили сўнгги Сомоний Абу Иброҳим Исмоил Мунтасирнинг Бухорони озод этишдаги ҳаракатлари муваффақиятсиз яқунланади ва Сомонийлар сиёсий тарих сахнасидан тушиб кетдилар. Хуллас, XI аср бошларида Қорахонийлар давлати Амударёнинг юқори ва ўрта оқимларидан то Еттисув, шарқда эса Торим дарёсигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган эди. Айрим олимларнинг фикрича, шу вақтдан бошлаб Қорахонийлар Бухоро, Самарқанд ва умуман, Амударёгача бўлган ҳудудларни ҳам бошқара бошлаганлар. Сиёсий жиҳатдан олиб қараганда, XI аср бошларида Туркистон бир қанча сиёсий кучлар томонидан идора этилган. Шарқий Туркистон, Тошкент, Исфижоб, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Чағаниён, Хутталон вилоятлари Қорахонийлар, Амударёнинг чап қирғоқ ерлари то Ғазнагача, Хуросон, Сейистон вилоятлари Ғазнавийлар, Хоразм эса Хоразмшоҳлар, Орол денгизидан шарқ ва шимолдаги ерлар уғўзлар иттифоқи томонидан бошқарилар эди.

Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрга ҳукмронлиги 200 йилга яқин давом этади. Сомонийларга тегишли бўлган ерларни эгаллаш жараёнида Қорахоний бошқарувчилари вақтинчалик бўлса-да бирлашиб туркийларнинг йирик Қорахонлар давлатини барпо этадилар. Бу давлат бир нечта вилоятларга бўлинган бўлиб, Мовароуннаҳрга дастлаб Наср Илекхон ҳокимлик қилган. Шижоатли ва моҳир саркарда Наср Илекхон дўстона муносабатлар ўрнатиш тарафдори эканлигини билдириб қўшниси Маҳмуд Ғазнавий билан элчилик муносабатлари ўрнатади. Аммо, бундай муносабатлар узоқ чўзилмади. Маҳмуд Ғазнавийнинг шимолий Ҳиндистонда уруш олиб бораётганлигидан фойдаланган Наср Илекхон 1006 йилда катта қўшин билан Амударёдан кечиб ўтиб Балх, Тус, Нишопур шаҳарларини босиб олади. Шунга қарамасдан Ғазнавийлар Қорахонийларни Хуросондан ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. 1008 йилда Қорахонийлар яна Хуросонга ҳужум қилдилар. Маҳмуд Ғазнавийнинг ўзи 500 та жангга ўрнатилган филларга эга бўлган катта қўшин билан Қорахонийларга қарши чикди ва уларнинг қўшинини бутунлай яқсон қилди. Шундан кейин Қорахонийлар Хуросонга ҳарбий юриш уюштиришга бошқа журъат этмадилар.

Наср Илекхоннинг ўлимидан сўнг орадан бироз вақт ўтгач Мовароуннаҳрдаги ҳокимият Қорахонийларнинг Ҳасанийлар сулоласига мансуб Алитегин қўлига ўтди. Мовароуннаҳрни узоқ йиллар бошқарган Алитегин билан Қорахонийларнинг улуғ хони (тамғачхон) Юсуф Қодирхон ўртасида яхши муносабат ўрнатилган эди. Бу муносабатнинг янада кучайиб кетишидан чўчиган Маҳмуд Ғазнавий Юсуф Қодирхон билан келишиб Алитегинга қарши иш тутдилар. Улар 1025 йилда Мовароуннаҳрга юриш қилдилар. Алитегин Зарафшоннинг ўнг оқимида яшаётган кўчманчи туркман қабилалари ва Салжукхоннинг неваралари Исмоил, Тоғрул ва Довудлардан ёрдам сўрайди. Бу жангда Қорахонийлар мағлубиятига учраган бўлсаларда, Алитегин Мовароуннаҳрда ўз ҳокимиятини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.




Мовароуннаҳр ерларига батамон ўрнашиб олгандан сўнг орадан кўнрақ ўтмай, яъни 1015-1016 йиллар Қорахоний ҳукмдорлари, хонзодалар ва йирик амалдорлар ўртасида тож-тахтни эгаллаш, йирик яйловларни қўлга киритиш, айрим вилоятларни босиб олиш учун курашлар авж ола бошлайди. Натижада 1041 йилга келиб Қорахонийлар давлати иккига: шарқий ва ғарбий қисмга бўлиниб кетди. Ғарбий қисм Мовароуннаҳрдан то Фарғона водийсининг ғарбий районларигача бўлган худудларни эгаллаган бўлиб, унинг пойтахти даставвал Бухоро, бир муддат Ўзганд, кейин эса Самарқанд эди. Шарқий қисм Еттисув, Қашғар, Тароз, Исфижоб, Шош ва Шарқий Фарғонани ўз ичига олган. Унинг пойтахти аввал Баласоғун, кейин эса Қашғар эди.

XI асрнинг ўрталарига келиб Хуросондаги Ғазнавийлар давлати Салжуқийлар томонидан йўқ қилинди. Мовароуннаҳрни эса Қорахонийлар ўз қўлларида сақлаб қолдилар ва бу ерда Иброҳим ибн Насрнинг сиёсий фаолияти бошланади. У ўз кўшинлари билан аввало, Амударё бўйидаги Хутталон, Вахш, Чағаниённи босиб олади ва тез орада бутун Мовароуннаҳр ерларини забт этади. У янги пойтахт қилиб ўзига Самарқандни танлади ва шу ердан туриб ҳокимиятни бошқарди (1040-1068 йй.)

Иброҳим ибн Наср билан Салжуқийлар ўртасидаги муносабат анча ёмон эди. У Салжуқийларнинг бир неча ҳужумларини қайтаришга эришган. 1068 йилда Иброҳим ибн Наср вафотидан сўнг унинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш бошланиб, бу курашда Шамсулмулк ғалаба қозониб ҳокимиятни эгаллайди. 1072 йилда Салжуқий Султон Алп Арслоннинг вафотидан фойдаланган Қорахоний Шамсулмулк Салжуқийларга тегишли бўлган Термиз ва Балх вилоятларини эгаллади. Аммо, кўп ўтмай Алп Арслоннинг вориси бўлган Султон Маликшоҳ бошчилигида Салжуқийлар Қорахонийларни қайтариб юбордилар.

1080 йилда Шамсулмулк вафот этиб тахтга Қорахоний Аҳмад тахтга ўтиради. Аҳмадхон даврида мусулмон уламолари ва турк лашкарбошилари ўртасидаги кураш авж олиб кетади. Бундан фойдаланган Салжуқий Маликшоҳ Амударёдан кечиб ўтди ва каттиқ жанглардан сўнг Бухоро ҳамда Самарқандни эгаллади. Аҳмадхон эса асир олинади. Лекин, Мовароуннаҳрни ўз қўлида сақлаб қолишга кўзи етмаган Маликшоҳ Аҳмадхон билан сулҳ тўзиб, катта ўлжалар олиб орқага қайтади. Аҳмадхоннинг Салжуқийларга итоаткорлиги ҳарбий лашкарбошилар ва руҳонийларнинг норозилигига сабаб бўлганлиги боис, оқибат 1095 йилда у фитна уюштирилиб ўлдирилади.

XII асрнинг бошларига келиб Қорахонийлар тахтига Арслонхон (1102-1130 йй.) ўтириб ярим мустақил давлатни бошқарган бўлсада, тўла мустақиллик учун ҳаракатлар олиб борди. Уламолар билан келишмовчилик ва бетоблиги туфайли Арслонхон тахтни 1130 йилда ўғли Насрга топширади. Арслонхон Салжуқий Султон Санжардан ёрдам сўрайди. Ўша йили Султон Санжар фитначиларни жазолаб Самарқанд шаҳрини эгаллайди ва шу даврдан бошлаб Қорахонийлар ўз мустақиллигини деярли йўқотиб Салжуқийларга қарам бўлиб қолдилар.




Орадан кўп ўтмасдан Мовароуннаҳрга янги кўчманчи қабилалар Қорахитойлар (киданлар) ҳужуми хавфи пайдо бўлди. XII асрнинг 30-йилларида Қорахитойлар Шарқий Туркистон ва Еттисувни, яъни Шарқий Қорахонийлар ҳудудини босиб олдилар. Шарқий Қорахонийлар анча заифлашиб қолганлиги туфайли ўз мулкларини ҳимоя қила олмадилар. Ғарбий Қорахонийларнинг ҳам аҳволи бундан яхши эмас эди. 1137 йилдаги Хўжанд яқинидаги бўлган жангда Қорахитойлар кўшини Қорахоний Маҳмудхон кўшинларини тор-мор этдилар. Бу пайтда Хоразмни эгаллаш билан банд бўлган Султон Санжар ўз вассали Маҳмудхонга етарли ёрдам бера олмади. Самарқанд талон-тарож қилиниб, катта товон ундирилгач, Қорахитойлар орқага қайтдилар.

Орадан кўп ўтмасдан, яъни 1141 йилда Қорахитойлар яна Мовароуннаҳр ерларига бостириб келдилар. Уларнинг ҳужумини тўхтатиш учун Султон Санжар катта кўшин билан Самарқанд яқинига етиб келади. Бу сафар жанг Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида бўлди. Ҳал қилувчи бу жангда Султон Санжар ва Қорахоний Маҳмудхонларнинг бирлашган кўшинлари Қорахитойлар томонидан мағлуб этилди.

Самарқанд, Бухоро ва бутун Марказий Мовароуннаҳрни эгаллаган Қорахитойлар катта ўлжалар билан орқага қайтдилар. Қорахитойлар Баласоғундан ташқари ҳамма ерлар ҳокимиятни Қорахонийлар қўлида қолдирдилар. Қорахонийлар энди Қорахитойларга қарам бўлиб, ҳар йили уларнинг пойтахти Баласоғунга катта-катта ўлпон юбориб турар эдилар. XIII асрнинг бошларида Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Мовароуннаҳрга юришлари туфайли Қорахонийлар ҳукмронлиги бутунлар барҳам топди.

Ижтимоий тўзум ва иқтисодий ҳаёт. Қорахонийлар сулоласи ўз ҳукмронлиги даврида ўз мулкларининг сарҳадларини бир неча марта ўзгартирганлар. Мисол учун, Мовароуннаҳрни эгаллагунига қадар уларнинг мулклари Тяньшань ва унинг атрофларини эгаллаган бўлса, XI аср бошларига келиб эса, ҳоқонлик чегаралари Амударёгача етган. Орадан кўп ўтмай улар Шарқий Туркистонда Қашғарни ва Хўжандни қўлга киритдилар. Бундай ҳолат ҳоқонликнинг ижтимоий-иқтисодий тузумига ҳам катта таъсир кўрсатди. Ҳар бир вилоят маълум сиёсий мавқега эга бўлган ҳолда хондан кичикроқ унвонга эга элекхонлар томонидан бошқариладиган бўлди.

Қорахонийлар Сомонийларга нисбатан давлат тузилиши ва бошқарувининг бошқачароқ шаклини жорий этишга ҳаракат қилдилар. Уларда ҳокимият Сомонийларда бўлгани каби тўғридан – тўғри отадан ўғилга эмас, балки акадан укага, кейин сулоланинг навбатдаги авлодига ўтган. Айрим олимларнинг фикрича, Қорахонийларнинг бутун уруғи ҳокимиятнинг жамоавий соҳиби бўлиб, сулоланинг ҳар бир аъзоси ўзининг келиб чиқишига кўра, умумсулола мулкларининг бир қисмига даъво қила оларди. Бу мулкнинг асосий қисми сулоланинг уч улуғ аъзоси – улуғ ҳоқон, кичик ҳоқон ва элекхонга тегишли ҳисобланарди. Уларнинг ҳар қандай авлодига ўз ҳиссаси ажратиб берилар эди.



Қорахонийларда иккита пойтахт: Қашғар ва Баласоғун мавжуд. Улуғ хон шу шаҳарлардан биридаги қароргоҳда ўтирган. Улуғ хоқон ёки улуғ хон «**хоқон ул-хоқон**» деган номда юритилиб, араб манбаларида мазкур унвон «**султон ус-салотин**», форс манбаларидаги «**шаҳаншоҳ**» га мос келади. Қорахонийларга қарашли ерлар тамғачхон томонидан унинг ўғиллари, қариндошлари ўртасида тақсимланган эди. Шу боис ер-мулк масаласида ота-ўғил, амаки ва жиянлар ўртасида доимий низолар юз бериб, у сиёсий аҳволга салбий таъсир кўрсатиб турган.

Қорахонийлар Мовароуннахрни босиб олгач бу ердаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда катта ўзгаришлар содир бўлганлиги боис, Қорахонийлар ўз давлатларини вилоятларга бўлиб ташлайдилар. Мовароуннахр вилоятининг пойтахти Самарқанд, Фарғонаники эса Ўзганд шаҳри эди. Бу вилоятлар бошлиқлари элекхонлар бўлиб улар Қашғардаги тамғачхонларга расман тобе эдилар. Қорахонийлар даврида Самарқанд элекхони анча кучайиб кетган эди. Самарқанд элекхони саройида Сомонийлар давлатида бўлгани каби вазир, соҳиби-борид, муставфий, хожиб, раис-мухтасиб каби амалдорлар бўлган. Таъкидлаш жоизки, Қорахоний ҳукмдорлари мусулмон уламолари билан қалин алоқа ўрнатганлар ва имомлар, сайидлар, шайхлар, садрларни қўллаб-қувватлаганлар.

Кейинги даврдаги янги адабиётларда таъкидланишича, Қорахонийлар даврида жамиятнинг ижтимоий бўғинлари кўйидагича бўлган:

- **хоқон-ул-хоқон**, Қорахон ёки тамғачхон. Энг юқори олий мансабдор шахс, давлатнинг олий бошлиғи;

- **элекхон** – хоқондан кейинги поғонада турувчи шахс. У хоқон хонадонига мансуб бўлиб, вилоятнинг мулк соҳиби ҳисобланган;

- **иктадорлар** – Қорахонийлар давлатининг таянч қатлами, асосий ҳарбий ҳаракатларни амалга оширувчи жанговар бўлинмалар вакиллари. Улар ўз мартабаларига кўра бир-бирларидан фарқ қилганлар, яъни, туманлар ва вилоятлар миқёсидаги иктадорлар;


- **ислом динининг пешволари** – имомлар, сайидлар, шайхлар, садрлар. Қорахонийлар мусулмон руҳонийлари билан яхши муносабатларда бўлган бўлиб, давлатда диний мансабдорларнинг мавқеи ниҳоятда баланд эди;

- **хокимлар, раислар, мухтасиблар** ва бошқ. Бундай шахслар Сомонийлар даврида бўлгани каби Қорахонийлар даврида ўз мавқеларини мустаҳкам сақлаб олган ижтимоий қатламлардир;

- **тариқчилар** – зираоткорларнинг туркча номи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминловчи асосий ижтимоий қатлам;

- **ҳунармандлар ва савдогарлар** – турли хилдаги хўжалик аҳамиятига молик ашё, асбоб-анжомлар ясовчи, тайёрловчи меҳнаткаш қатлам ва савдо-сотик билан машҳур бўлган шаҳар аҳли;

- **кўчманчилар** – чорвадорлар яъни, чорва маҳсулотларини етиштирувчи асосий қатлам.




Қорахонийлар даврида оддий халқ – **будун**, солиқ тўловчи фуқаро **райият**, қабила бошлиқлари – **бек**, савдогарлар – **сарт** деб аталган.

Сомонийлар даврида жуда катта кучга эга бўлган деҳқонлар, йирик ер эгалари Қорахонийлар дарвида ўз таъсирини аста-секин йўқота бордилар. Қорахонийлар бу йирик ер эгаларининг мулкларини, ерларини зўрлик билан тортиб олиб ўзларига хизмат қилувчи амалдорларга, лашкарбошиларига бўлиб бердилар. Шартли равишда фойдаланишга берилган бу ерлар тарихий манбаларда «**икта**» деб, ер эгалари эса «**иктадор**» деб аталган. Аста-секин бу ерлар авлоддан авлодга мерос сифатида ўтадиган бўлди. Икта билан бир пайтда ерга эгалик қилишнинг бошқа турлари ҳам мавжуд эди.

Бу даврда Мовароуннаҳрда диндорларга ва диний идораларга тегишли вақф ерлари ҳам анча кенгайди, бу эса ижтимоий-иқтисодий ҳаётда мусулмон диндорларининг ўрни катта бўлганлигидан далолат беради.

Бу даврда ерга эгалик қилишнинг хусусий шакли оз миқдорда бўлса-да сақланиб қолинди. Бу ерда шуни унутмаслик керак-ки, Мовароуннаҳрда Қорахонийлар билан бирга жуда кўп кўчманчи туркий қабилалар кириб келди. Ушбу қабилалар Қорахоний ҳукмдорларга кўрсатган хизматларига қараб катта-катта ерларга, серунум яйловларга эгалик қилдилар. Баъзи ҳолларда суғориладиган деҳқончилик ерлари ҳам кўчманчиларга яйлов тарикасида бўлиб берилган.



Қорахонийлар давлати сиёсий тизими¹.



¹ А.Сагдуллаев ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият таракқиёти. – Тошкент: Академия, 2000. – 102-103 бб.



Қорахонийларда мулкчилик ва ҳарбий тизим.



Суғориладиган хуудлардаги қишлоқ аҳолиси қишлоқ жамоаси шариатида яшар эди. Барча кўринишдаги ерлардан шариат қонунларига биноан давлат хазинасига турли солиқлар, хирож ва бошқалар олинган. Ерга ёлланиб ишловчи кишилар – мардикорлар фаолияти ҳам сақланиб қолинди. Улар иқтадорлар ва кичик ер эгалари қўлида маълум шартлар асосида ишлаганлар.

Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳр, умуман, Ўрта Осиёда ер эгаллиги муносабатлари кенг илдиз отган бўлса-да, лашкарбошилар, амалдорлар ва йирик диндорлар уйларида қўллар ҳам ишлаган. Бу ўша пайтда «уй қўллари» сақланиб қолганлигини билдиради.

Қорахонийлар Ўрта Осиёни босиб олганларидан сўнг бу ердаги иқтисодий-маданий ҳаётда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди, шаҳарлар тараққий этди, ҳунармандчилик, савдо-сотик ривожланди. Шаҳарлар ривожланиши билан шаҳар аҳолиси сони ҳам кўпайиб борди. Сомонийлар давридаёқ йирик шаҳарлар бўлган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Қорахонийлар даврида янада кенгайди. Бу шаҳарлар энди уч қисмли-арк, шаҳаристон, работдан иборат шаҳарларга айланди. Уларда янгидан-янги ҳашаматли иморатлар пайдо бўлди. Бу иморатлар ўз тузилиши ва нақшлари билан ажралиб туради.

Қорахоний ҳукмдори Шамс-ул-Мулк Бухоро яқинида сарой барпо этди ва бундан ташқари Ҳазара қишлоғи яқинида Дингарон масжидини ва унинг ёнида Барати Малик номи машҳур бўлган карвонсарой қурилди. Бухоро шаҳрида 1127 йилда Қорахоний Арслонхон томонидан машҳур иморат –



Минораи Калон барпо этилди. Вобкентда XII аср охирида Бухоро саройи Абдулазиз II томонидан қурилган минорани, Жарқўрғонда (Сурхондарё вилояти) Қорахонийлар томонидан 1108-1109 йилларда бунёд этилган минорани, шунингдек Бухородаги Намозгоҳни ва Атторий масжидини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Қорахонийлар даврида Самарқанд шаҳрида ҳам кўплаб бинолар барпо этилди. Афросиёбдаги археологик қазилмалар шундан далолат беради. Лекин, муғуллар истилосидан сўнг бу бинолар вайронага айланди.


Термиз шаҳри XI-XII асрларда анча ривожланди, янги мустақкам муҳофаа девори қурилди, бу ерда барпо этилган Термиз ҳукмдорлари саройи айниқса машҳурдир. Бу саройни қазиб очган археологлар турли идишлар билан бирга афсонавий ҳайвонлар тасвирларини ҳам топишди. XI-XII аср бошларида Хоразмда ҳам кўпгина бинолар қад кўтарди. Урганчдаги Фахриддин Розий ва Шайх Шариф мақбарасини, кўплаб карвонсаройларни, Бурунқалъа, Наифқалъа ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Шаҳарлар тараққиёти ҳунармандчиликнинг ривожланишига ҳам олиб келди. Ҳунармандчилик тараққиёти Ўрта Осиёнинг фойдали қазилмалар, хом ашё манбаларига бойлиги билан белгиланади. Ҳунармандчиликнинг асосий марказлари шаҳарлар эди. Ўрта Осиёнинг турли жойларида олиб борилган археологик қазилмалар ва ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда XI-XII асрларда шаҳарлар ва баъзи йирик қишлоқларда тўқимачилик, кулолчилик, металл ва шиша буюмлари ишлаб чиқариш ва бошқа ҳунармандчилик турлари анча ривожланган.

Халқ амалий санъати – меъморчиликда, металл ва сирли сопол идишларда ўз аксини топди. Улар турли-туман нақшлар ва тасвирлар билан безатилган. Сақланиб қолган меъморий иншоотлар ва археологлар томонидан очилган шаҳарлардан олинган маълумотлар тасвирий санъатнинг, нақшинкорликнинг ўзига хос йўлдан ривожланиб борганлигидан далолат беради. Меъморий иншоотларда кичик ғиштлардан чиройли қилиб чиқарилган нақшлар, ўйма нақшлар, турли геометрик шакллар билан безатилган. Ислот таълимотининг расмий таъқиқига қарамасдан турли кўринишдаги тасвирлар саройларни безаб турган. Бу давр шаҳарларининг ёғоч ўймакорлиги ҳам анча ривожланган.

XI-XII асрларда Ўрта Осиёда товар-пул муомаласи ва савдо-сотик ҳам анча ривожланади, нафақат ички савдо, балки ташқи савдо ҳам гуллаб-яшнади. Бу ўринда Хитойни Волга бўйлари, Шарқдаги мусулмон мамлакатлари ва Византия билан боғловчи карвон йўлларининг Ўрта Осиё ҳудуди орқали ўтганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бу йирик савдо йўллари Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари – Фарғона, Шош, Самарқанд, Бухоро, Насаф, Кеш, Термиз, Урганч, Марв ва бошқалар орқали ўтиб, уларнинг савдо марказлари сифатидаги аҳамиятини кучайишига, давлатчилик анъаналарининг янада тараққий этишига катта таъсир кўрсатган.

Ўрта Осиё ўрта асрлар даври тарихида 200 йилдан зиёдроқ ҳукм сурган Қорахонийлар сулоласи ўша давр Ўзбекистон халқи давлатчилиги тарихида




ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тарихий маълумотларга кўра, ҳозир Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудлари Қорахонийлар давлати таркибида бўлган. Қорахонийлар сулоласининг ўзбек халқи давлатчилиги тарихидаги аҳамияти шундаки, Қорахоний ҳукмдорлари давлат бошқарувининг илгаридан мавжуд бўлган тизими ёки ташкилотлари ўрнига бошқачароқ, яъни, нисбатан қадимги кўчманчилар услублари, қадимги туркийлар анъаналари билан боғлиқ бошқарув тартибини жорий этдилар. Шу билан бирга Қорахонийлар ҳукмронлиги даври ўзидан олдинги мукамал бошқарув тизимига эга бўлган Сомонийлар бошқарувидан ўзига хос бўлган иқта (ер-мулкни тортиқ қилиш) ва вилоятларга бўлиб бошқариш (элекхонлар) тизими билан ҳам ажралиб туради.

4-§ Ғазнавийлар ва Салжуқийлар. Ғазнавийлар давлати.

Ғазнавийлар давлати Мовароуннаҳрдаги босиб олинган ҳудудларнинг чекланганлиги ва нисбатан тарихан қисқа давр – Мовароуннаҳрда бор-йўғи 40 йилга яқин ҳукмронлик қилган бўлса-да, Ўзбекистон давлатчилиги тарихидаги муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Чунки, Ғазнавийлар пайдо бўлиши даври – X аср охири – XI аср бошларида пайдо бўлган бошқа давлатлар - Салжуқийлар ва Қорахонийлар каби ўта муҳим тарихий аҳамият касб этган воқеа – нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун Ўрта Осиёда туркий давлатчиликнинг ўзил-кесил қарор топганлигини кўрсатади. Шу боис, ушбу параграфда Ғазнавийлар давлатчилиги тарихи ҳақида қичқача маълумот бериб ўтишни лозим топдик.

Демак, Ғазнанинг сиёсий марказ сифатида юксалиши X асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Амир Насириддин уд-давла Сабуктегин Ғозий келиб чиқишига кўра туркий қавмга мансуб эди. Айрим ўрта асрлар манбаларида, хусусан, XIV асрда яшаб ўтган Муҳаммад Шабангаройнинг «Мажма ал-ансаб» номли асарида берилишича, Сабуктегин Иссиқкўл бўйидаги ҳукмдори **қарлуқ** бўлган Барсхон деган жойда туғилган. Ёшлигида Сабуктегин асир олинади ва тўрт йил **тухси** қабиласида туткунда бўлгач, уни Мовароуннаҳрлик савдогарларга сотиб юборадилар. В.В. Бартольднинг фикрига кўра, Сабуктегинни Сомонийлар давлатининг мансаблар поғонасида кўзга кўринган вакиллари билан Алптегин сотиб олади. Алптегин 963 йилда вафот этган пайтда у сотиб олган қўл Сабуктегин катта нуфузга эга эди. Унинг вафотидан сўнг Ғазнада навбати билан Амир Исҳоқ ибн Алптегин, Амир Билгатегин, Амир Пирий, Амир Сабуктегинлар ҳукмронлик қиладилар. 997 йилнинг бошида Сабуктегин Сомонийлар томонидан Ғазна ва унинг атрофларига ҳоким этиб тайинланади. Тарихий манбалар Сабуктегинни Ғазнавийлар давлатининг асосчиси сифатида таърифлайдилар. 997 йилнинг охирида Амир Сабуктегин вафот этади ва унинг кичик ўғли Исмомл тахтга ўтириб бор йўғи 7 ой ҳукмронлик қилади. 998 йилда ўзининг ҳарбий жасоратлари учун **Сайф уд-давла – «салтанат қиличи»**




деган фаҳоли номга сазовор бўлган, Сабуктегиннинг иккинчи ўғли Маҳмуд Фазнавийлар тахтига ўтиради.

Кўпчилик тарихий-илмий адабиётларда Маҳмуд Фазнавий деб юритилган Абулқосим Маҳмуд хукмронлиги даврида (998-1030 йй) Фазнавийларнинг кудрати ва шухрати ортиб Буюк Фазнавийлар давлати барпо этилди. Маҳмуд хукмронлиги даврида Хоразм, Хуросон, Сейистон, Қобул, Ғазна, Шимолий Ҳиндистон каби вилоятлар Фазнавийлар қўли остида эди. Абулқосим Маҳмуд тахтга ўтирган йили халифа Муқаддирдан Хуросонни бошқариш учун ёрлик ҳамда **«Ямин ад-давла ва амин ал-милла»** – **«Салтанат таянчи ва мусулмонлар жамиятининг ишончли вакили»** фахрий унвони билан тақдирланади.

Маҳмуд тахтга ўтирган пайтидан бошлаб ўз давлати чегараларини кенгайтириш сиёсатини олиб борди. У ўша йилиёқ Жанубий Тохаристон (ҳозирги Шимолий Афғонистон)ни босиб олган бўлса, 999 йилда Марв яқинидаги бўлган жангдан сўнг бутун Хуросон Маҳмуд Фазнавий измига бўйсунди. Манбаларнинг маълумот беришича, Амударё воҳаси, стратегик жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган Термиз шаҳри ҳам Маҳмуд қўли остида бўлган. Абул Фазл Байҳақий «Тарихи Маъсуд» асарида маълумот беришича, Термизда ноиб ва қалъа қутволи бевосита Фазнавийлар томонидан тайинланган. Бу Фазнавийларга Амударё орқали Марказий Осиёдан Ҳиндистонга олиб борадиган муҳим савдо йўлини назорат қилиш имконини берган.

1002 йилда Бағдод халифаси Маҳмуд Фазнавий ҳокимиятини тан олиб унга ёрлик юборгач, Маҳмуд сиёсий жиҳатдан анча мустақамланиб олди ва ўша йили Сейистонни босиб олди. Фазнавийлар ва Қорахонийлар ўртасида даставвал Амударё чегара қилиб белгиланади. Аммо, Қорахонийлар бу чегарани тез-тез бўзиб турардилар. 1008 йилда Балх атрофларида Фазнавийлар ва Қорахонийлар ўртасида жанг бўлиб ўтади. Бу жангда Маҳмуднинг тўла ғалаба қозониши Хуросонда унинг аҳволини янада яхшилади. Ўша йили Маҳмуд Чағаниён ва Хутталённи ҳам босиб олиб, ўзининг ноиблари сифатида маҳаллий ҳукмдорларни ҳокимиятда қолдиради.

Манбаларнинг маълумот беришича, 1024 йилда Маҳмуд Фазнавий марказий Мовароуннаҳр аҳолисини Алптегин зулмидан озод қилиш баҳонаси билан Амударёни кечиб ўтди ва Темир дарвоза орқали Самарқандгача бориб Суғдга ҳужум қилди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу юришдан сўнг Чағаниён, Хутталён ва Қобадийенда Маҳмуднинг ҳокимияти янада мустақамланди. Аммо, нумизматик манбалар маълумотларига асосланган Э. В. Ртвеладзининг фикрича, Хутталён, Қобадийён ва Вахшнинг Маҳмуд Фазнавий давлатига нисбатан тутган сиёсий мавқеи ҳақида эса фанда хали унчалик ишончли маълумотлар мавжуд эмас. Яна шу олимнинг фикрича, қатъий далиллар асосида Омул (Чоржўй) гача бўлган бутун Амударё воҳаси Маҳмуд Фазнавийга бўйсунган деб ҳисоблаш мумкин. Хоразм юриши олдидан Маҳмуд Фазнавий вазири томонидан Термиз, Қобадийён ва Хутталёнда




кемаларни жангга тайёрлаш, Омудла эса кўшин учун озик-овқат тўплаш буйруқ берилганлиги маълум.

1017 йилда Маҳмуд Ғазнавийнинг иттифоқчиси бўлган хоразмшоҳ Абулаббос Маъмуннинг ўлдирилиши ва исёнчилар томонидан тахтга Маъмуннинг жияни Абулхорис Муҳаммад Аминнинг ўтқазилиши Маҳмуднинг Хоразмга юришига сабаб бўлаган эди. 1017 йилнинг ёз ойида Маҳмуд Ғазнавий кўшинлари Хоразмни эгаллаб, ғалаённи бостирадлар. Маҳмуд Хоразм тахтига ўзининг ноиб этиб бош ҳожиб Маҳмуд Олтинтошни тайинлайди. Маҳмуд Олтинтош кўп жиҳатдан мустақил сиёсат юрғизишга ҳаракат қилган бўлсада ўзининг бутун ҳукмронлиги даврида Ғазнавий султонлар, аввал Маҳмуд, кейин эса Маъсуднинг вассали ҳисобланган ҳамда ҳарбий юришлар даврида Ғазнавийлар кўшинини Хоразм кўшинлари билан тўлдириб турган. Хоразмнинг қўлга киритилиши Маҳмуд Ғазнавийнинг Мовароуннаҳрдаги мавқеини янада мустаҳкамланишига олиб келди.

Абулқосим Маҳмуд даврида Ғазнавийлар давлати мусулмон оламининг энг кучли давлатига айланди. Бу давлатнинг худуди Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳарбий юришлари туфайли шимолий ва шимоли-ғарбий Ҳиндистондан Чағаниён ва Хоразмгача чўзилган бўлиб, унга Эроннинг катта қисми ҳам кирган эди. Ўз даврининг иқтидорли саркардаси ва қаттиққўл ҳукмдори бўлган Султон Маҳмуд Ғазнавий 1030 йилда вафот этади. Шундан сўнг Маҳмуднинг васияти билан улўғ хожиб Али Қариб бошчилигидаги бир гуруҳ амалдорлар ҳукмдорнинг кичик ўғли Муҳаммадни тахтга ўтқаздилар. Аммо, ўша йилнинг ўзидаёқ Маҳмуднинг катта ўғли Маъсуд тахтни укасидан тортиб олишга муваффақ бўлди.

Маъсуд Ғазнавий отаси тўзган давлатни бутунлигича сақлаб қололмади. Унинг ҳукмронлиги даврида (1030-1041) Ғазнавийлар давлати ўз қўл остидаги худудларни бирин-кетин қўлдан чиқара бориб, инқирозга юз тута бошлади. Ғазнавийлардан биринчи бўлиб Хоразм ажралиб чиқди. Унинг ҳукмдори Маҳмуд Олтинтош расман мустақил ички ва ташқи сиёсат юргизган бўлса-да, амалда Маҳмуд Ғазнавийга тобе бўлиб, унга очикдан-очик қарши чиқишга журъат қилолмаган эди. 1032 йилда Хоразм ҳукмдори Маҳмуд Олтинтош вафот этади. Шундан сўнг Маъсуд Ғазнавий Олтинтош ворисларининг ҳокимиятини чеклаш чораларини кўради. Яъни, Хоразмшоҳ унвони Маъсуд Ғазнавийнинг ўғли Султон Саидга берилиб, Маҳмуд Олтинтошнинг ўғли Ҳорун эса Султон Саиднинг Хоразмдаги вакили бўлиб қолди. Бундай сиёсат албатта, Ҳоруннинг жиддий норозилигига сабаб бўлган эди.

1034 йилда Ҳорун ибн Олтинтош Ғазнавийларга қарши исён кўтарди. У Салжуқийлар ва Қорахонийлар билан дўстона муносабат ўрнатиб, Хоразмни Ғазнавийлардан мустақил деб эълон қилди ва Султон Маъсуд номига хутба ўқишни бекор қилиш тўғрисида фармон берди. Ҳорун ибн Олтинтош ўша йили катта кўшин билан Хуросонга юриш қилди. Лекин Султон Маъсуд томонидан сотиб олинган кишилар Ҳорун ибн Олтинтошни ўлдирадлар. Уни қўллаб-қувватлаган Қорахонийлар яна Самарқандга қайтиб кетади. Шундан



сўнг Султон Маъсуд Ғазнавий Қорахонийлар билан мўзокаралар олиб боради ва шу йўл билан Ғазнавийлар ҳокимиятига бўлган хавфни бироз камайтиради.

Аммо, Ғазнавийларнинг келажақдаги йирик рақиби бўлган янги сулола Салжуқийларнинг сиёсат майдонига чиқиши ҳам айнан Маъсуд Ғазнавий даврига тўғри келади. Маҳмуд Ғазнавийнинг рухсати билан шимолий Хуросонга жойлашиб олган Салжуқийлар бу даврга келиб Ғазнавийлар учун катта хавф туғдира бошлаган эдилар. 1035 йилда Салжуқийларнинг Хуросонга янги ҳужуми бошланади.


Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Султон Маҳмуд Ғазнавий умрининг охирларида у томонидан барпо этилган ва пойтахти Ғазна бўлган давлат Ғарбда Исфаҳон ва Каспий денгизидан шарқда Шимолий Ҳиндистон, шимолда Хоразмдан, жанубда Балужистонгача бўлган улкан ҳудудни ўз ичига олиб, ўз даврининг йирик мусулмон давлатига айланган эди. Аммо, Султон Маъсуд ибн Маҳмуд давлат бошқаруви ва ҳарбий ҳаракатларда отаси каби қобилиятга эга эмас эди. Шунингдек, ўша даврдаги сиёсий вазият, сулолалар ўртасидаги ҳудудлар учун ўзаро курашлар ҳам Султон Маъсудга мамлакатни бир бутунликда сақлаб қолиш имконини бермади. Шу боис унинг ҳукмронлиги даврида (1030-1041 йй.) Ғазнавийлар давлати ўз қўл остидаги ҳудудларни бирин-кетин қўлдан чиқара бориб, таназулга юз тута бошлади.

Ғазнавийларнинг асосий рақиблари Салжуқийлар бўлди. 1035 йилда Салжуқийлар Нисо шаҳрини эгаллаган бўлсалар, 1037 йилда улар Мари вилоятини ўзил-кесил эгаллаб Бағдод халифасига ҳокимиятни бошқариш учун ёрлик беришини сўраб элчи жўнатдилар.

Кейинги йилларда Салжуқийлар Тоғрул бошчилигида Ғазнавийларга бир қанча зарбалар бериб Хуросоннинг катта қисмини эгаллаб олишга муваффақ бўлдилар. Шундан сўнг Султон Маъсуд катта қўшин билан Салжуқийлар устига юриш қилди. 1040 йилнинг май ойида Мари яқинидаги Данданакон деган жойда бўлган жангда Султон Маъсуд қўшини Салжуқийлар томонидан ўзил-кесил тор-мор этилди. Мағлубиятга учраган Маъсуд зўрға қочиб Ғазнага келди ва кўп ўтмай фитначилар томонидан ўлдирилди. Тахтга Маъсуднинг укаси Муҳаммад ўтирди. Лекин, Маъсуднинг ўғли Маъдуд (1041-1048 йй.) Муҳаммадга қарши уруш бошлаб унинг қўшинларини енгди ва ўзини ўлдириб, Ғазнавийлар давлатининг ҳукмдори бўлиб олди. Аммо, Султон Маъсуднинг ворислари Ғазнавийлар давлатининг илгариги қудратини тиклашга муваффақ бўла олмадилар. Аста-секин ўз қудратини йўқота бошлаган Ғазнавийлар давлати XII асрнинг охирларида Афғонистон ҳудудларида ташкил бўлган янги давлат – Ғурийлар томонидан бутунлай тугатилди. Аниқроғи, 1186 йилда Ғурийлар сулоласидан бўлган Ғиёсиддин Муҳаммад қўшини бу пайтга келиб Панжоб вилояти билан чекланиб қолган Ғазнавийлар ҳокимиятини ўзил-кесил тор-мор қилди.



Ғазнавийлар давлат бошқарувида мансаблар ва хизматлар¹.



¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 113-123 бб.



Салжуқийлар давлати.


Ўз давлатини барпо этган кўчманчи халқлар давлатчилиги тарихида Салжуқийлар давлати муҳим аҳамиятга эгадир. Салжуқийлар сулоласи туркий ўғўз қавмининг **қиниқ уруғи** ёки қабиласидан чиққан бўлиб, ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудларига тўғри келувчи Сирдарёнинг ўрта оқимидан Талас водийсигача, Сирдарёнинг қўйи оқимларида кўчиб юривчи этник гуруҳлар бўлган. Манбаларнинг маълумот беришича, бу сулоланинг пайдо бўлиши қиниқ қабиласи вакили бўлган Салжуқ номи билан боғлиқ бўлиб, у X асрнинг ўрталарида ўғўзлар Ябғусининг хизматида бўлиб, йирик ҳарбий унвон – «Сўбоши» унвонига сазовор бўлади. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарий «Салжуқ Сў-боши» дея маълумот беради.

X асрнинг 61-62-йилларида ўғўзлар Ябғуси билан келишолмаслик туфайли (мусулмон динини қабул қилиш ва қилмаслик масаласида) қиниқ қабиласи ажралиб кетиб, уларнинг бир қисми Сирдарёнинг қўйи оқимларига кўчиб кетадилар. Иккинчи, катта қисми эса Самарқанд ва Бухоро ўртасидаги чўлларда, Нурота тоғларига келиб ўрнашадилар. XI асрнинг бошларидан бошлаб қиниқ қабилаларининг ўтроклашув жараёнлари кучайиб боради.

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, 1025 йилда Мовароуннаҳрдаги Салжуқнинг набиралари Маҳмуд Ғазнавийга мурожаат қилиб Шимолий Хуросонга кўчишни (4000 оила) сўрайдилар. Маҳмуд Ғазнавийнинг руҳсати билан шу йили Салжуқнинг набиралари бошлиқ қиниқ қабилалари Сарахс, Фарова ва Обивард атрофларига жойлашиб, бу ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётга тезда аралашиб кетадилар. Воқеаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Салжуқийлар билан Ғазнавийлар ўртасидаги муносабатлар йилдан-йилга жиддийлашиб, охир оқибат юқорида эслатилган Данданакон жанги келиб чиқди. Бу жангдан сўнг Салжуқнинг набираси Тоғрулбек Хуросоннинг ҳукмдори деб эълон қилинди ҳамда сиёсий тарихда, Ғарбий Осиёда Салжуқийлар сулоласи расман ташкил топди.

XI асрнинг 40-йилларидан бошлаб Салжуқийлар Хуросон, Гургон, Деҳистон ва Хоразмни бутунлай қўлга киритиб, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Кавказорти ва Кичик Осиёга ҳарбий юришлар уюштирдилар. Айниқса, Султон Алп Арслон (1063-1072 йй) ва Султон Маликшоҳ (1072-1092 йй) ҳукмронлиги даврида Салжуқийлар давлатининг ҳудудлари янада кенгайиб, мамлакатнинг юксалган даври бўлди. Султон Маликшоҳ даврида Самарқанд, Бухоро ва маркази Ўзганд бўлган Фарғона ҳам Салжуқийлар давлатига бўйсунди. 1092 йилда Султон Маликшоҳ вафот этгач унинг ворислари ўртасида тож-тахт учун кураш авж олиб кетди. Бир неча йиллик курашлардан сўнг 1118 йилда Маликшоҳнинг ўғли Султон Санжар (1118-1157 йй) тахтни эгаллашга муваффақ бўлди.

Буюк Салжуқийлар сулоласининг сўнгги йирик вакили бўлган Султон Санжар даврида давлатнинг пойтахти Марв шаҳрига кўчирилди. Султон Санжар Мовароуннаҳрдаги Қорахитойларнинг ички ишларига, сиёсатига




катта таъсир ўтказа олишга эришган Салжуқийлардан эди. У ҳокимият қўлга олиши биланоқ ҳарбий юришларни кучайтиради. Натижада бир қанча вилоятлар, хусусан, Мозандарон, Хоразм, Сейистон, Ғазна ва Мовароуннаҳр Салжуқийлар давлатига бўйсундирилади. Манбаларнинг маълумот беришича, Султон Санжар «Улуғ султон», «Султонларнинг султони», «Шаҳаншоҳ» каби унвонлар билан улуғланган.

Таъкидлаш лозимки, Салжуқийлар давлати сингари улкан ҳудудларни ўз ичига олган давлатни ягона марказдан туриб бошқариш осон эмас эди. Шунинг учун ҳам марказдан туриб бошқарувдаги қийинчиликлар, сулола, вакилларининг тож-тахт учун курашлари, маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақилликка интилишлари, қарам ўлкалардаги норозилик ҳаракатлари Салжуқийлар давлатининг заифлашувига сабаб бўлган эди. Натижада Султон Санжар даврига келиб Салжуқийлар давлатининг ғарбий Ироқ қисмида унинг таъсири пасайиб қолади. Мамлакатнинг шарқий қисми – Эрон, Афғонистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда Султоннинг таъсири бирмунча кучли эди. Аммо, 1141 йилда Султон Санжар ва унинг вассали ҳамда иттифоқчиси, Қорахоний Маҳмудхоннинг бирлашган қўшинлари билан қорахитойлар ўртасида Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлидаги жангда Султон Санжар қўшинлари мағлубиятга учрайди. Натижада Мовароуннаҳр қўлдан кетиб, султоннинг мавқеи анча пасайиб кетди.

Салжуқийларнинг мағлубиятидан Хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад Отсиз усталик билан фойдаланиб, 1141 йилнинг қишида Салжуқийларнинг пойтахти Марвни босиб олди ва 1142 йилда Нишопурга юриш қилди. Лекин, Султон Санжар Хоразм қўшинларини Хуросондан қувиб чиқарди ва Отсизни яна ўзига бўйсундиришга эришди. Султон Санжарнинг ҳаракатларига қарамай, Салжуқийлар давлати ўзининг аввалги қудратини йўқота бошлаган эди. Салжуқийларга ҳал қилувчи зарбани Балх ва Хутталон вилоятларида яшовчи Ғўз қабилалари берди. 1153 йилда улар Султон Санжар қўшинларини тор-мор этиб, унинг ўзини асир олдилар. Ғўзлар ҳимоясиз қолган Марв ва Нишопур шаҳарларни талон-тарож қилиб, ўт қўйдилар. Султон Санжар 1156 йилда асирликдан қочишга муваффақ бўлса ҳам, лекин Салжуқийлар давлатини тиклай олмади ва бир йилдан кейин вафот этди.

А. Зиё тадқиқотларига кўра, Салжуқийлар давлат бошқаруви ўзига хос эди. Давлат бошлиғи, олий ҳукмдор Салжуқийлар хонадони вакили бўлиб **Султон ул-аъзам** унвонига эга бўлган. Илгариги сулолаларда бўлган каби, Султон номига хутба ўкилиб, тангалар зарб этилган. Мол-мулк, ер-сув тақсимлаш давлат ва бошқарув мансабларига тайинлаш, давлат қирим-чиқимларини назорат қилиб туриш, амалдорлар ва хизматкорлар фаолиятини назорат қилиш, янги қалъалар, шаҳарлар, хашаматли иншоотлар қуришга бошчилик қилиш қабила султоннинг зиммасида бўлган.

Салжуқийлар бошқарув тизимида бош вазир алоҳида мавқега эга бўлган. Манбаларда **бош вазир-раис ур-руасо** (раисларнинг бошлиғи), **саъид ур-руасо** (бошлиқларнинг каттаси) деб аталиб, у барча девонлар фаолиятига



раҳбарлик қилган ҳолда хазина, молия, солиқ, давлатга тегишли бўлган ишларни назорат қилган. Салжуқийлар муассасалари ишларини назорат қилган.

Салжуқийлар бошқарув тизими **даргоҳ ва девонга** бўлинган бўлиб даргоҳдаги энг асосий хизмат ва вазифалар қуйидагилар эди:

Улуғ ҳожиб – олий ҳукмдорнинг энг яқин кишиси, даргоҳ билан девонлар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб турувчи, расмий қабулларни уюштурувчи амалдор;

Амири хорис – олий ҳукмдор чиқарган жазолар ҳукмларини ижро этиш билан шуғулланувчи амалдор;

Салоҳдор – саройдаги қурол-аслаҳа, айниқса олий ҳукмдорга тегишли нарсаларни сақлаш билан шуғулланувчи амалдор;

Хос вакил – даргоҳ ишларини бошқарувчи амалдор;

Жангдор – султон ва даргоҳ хавфсизлигини таъминловчи амалдор. Ундан ташқари олий ҳукмдор ҳузуридаги даргоҳ фаолиятини таъминлашда жомадор, шаробдор, чошнигир (султоннинг овқатланишига масъул), сарҳанг, мироҳўр, таштдор каби амалдорлар ҳам хизматда бўлган.

Салжуқийлар давлат бошқарувидаги девонлар сулолавий ва расмий девонларга бўлинган. **Сулолавий девонлар** олий ҳукмдор хонадони фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бу хонадонга тегишли бўлган мол-мулк, ер-сув, хазина кабиларнинг бошқаруви ва ҳисоб-китоби билан шуғулланган. **Расмий девонлар** қуйидагилар бўлган:


Девони туғро – бу девон олий ҳукмдорнинг фармонлари, қарорлари, расмий ёзишмалари ва ҳужжатларини тайёрлаб, уларни муҳр бостиришга тақдим этган. Жойларга расмий ҳужжатлар юбориш, улардан ҳужжатлар қабул қилиш, чет элларга мактублар юбориш, давлат ҳужжатларида махфийликни таъминлаш ҳам шу девоннинг вазифаси эди;

Девони истифо (молия девони) – давлат қирим-чиқимларини, солиқлар, бож ва бошқа молиявий даромадлар, уларни алоҳида рўйхатга олиш билан шуғулланган. Бу девоннинг хизматчилари даргоҳ қирим-чиқимлари, хазинадаги аҳвол, мавжуд нақд пулнинг ҳисоби, давлат қарамоғида бўлганларга кетадиган харажат, маош, нафақа миқдори кабиларни ҳам назорат қилганлар;

Девони ишроф (давлат назорати) – молия-солиқ ишларини назорат қилиш ва текшириш, вақфга тегишли мулклар устидан умумий назорат олиб бориш, сулолага тегишли ер-сувлар, қимматбаҳо молия қоғозлари, зарбхоналар, амалдаги муҳрлар, бозор мутасаддилари, солиқчилар, қишлоқ оқсоқоллари ва бошқа амалдорлар устидан назорат олиб борган;

Девони арз (ҳарбий вазирлик) – лашкарга мўлжалланган маош ва таъминот, ҳарбийларнинг рўйхати, янгиланиб туриши, ҳарбий қисмларнинг таркибий сони, уларга кетадиган харажатларнинг тури ва ҳажми, от-улов, ҳарбий юришлар пайтидаги таъминот, ҳарбийлар кўригини ташкил этиш каби вазифаларини бажарган¹.

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тшкент, 2001. 128-130 бб



Салжуқийлар ҳокимиятида, айниқса Султон Санжар ҳукмронлиги даврида ҳокимиятда ҳарбий саркардалар катта ўрин эгаллаганлар. Ҳарбий бошлиқлар ва саркардаларнинг кўпчилиги турли уруғ ва қабилалардан (ўғўз, туркман, халаж, чигил ва бошқ.) чиққан кишилардан бўлган. Ҳарбий саркардалар табақаси ўз таъсирини Султон Санжар бошқараётган ҳокимиятга ўтқазиб, уларнинг ихтиёри билан иш тутишни талаб қилганлар. Ҳарбий саркардаларнинг мавқеи Султон Санжарнинг Қатван чўлидаги мағлубиятидан сўнг янада кучайиб кетган эди.

Салжуқийлар даври маҳаллий бошқарув тизимида вилоят бошлиқлари (волийлар) ҳам ўз девонларига эга бўлганлар. Волийларни олий ҳукмдор тайинлаган ва мансабидан олган. Волийлар бутун вилоят ҳаёти билан боғлиқ барча соҳаларга бошчилик қилганлар. Молия, солиқ, суд, ҳарбий ишлар, жазо идоралари волийлар назорати остида фаолият кўрсатган. Туманлар ва шаҳарлар миқёсидаги бошқарув тизими ҳам вилоятларники сингари бўлган.

Қўйида А.Зиё тадқиқотларига асосланиб Ғазнавийлар ва Салжуқийлар ҳукмдорлари рўйхатини беришни лозим топдик.

Ғазнавийлар (962-1183 йй.)

Алптегин (962-963 йй)
Исҳоқ (963-965 йй)
Билгатегин (966-972/973 йй)
Пирий (972/973-976/977 йй)
Сабуктегин (976/977-997 йй)
Исмоил (997 йй)
Маҳмуд Ғазнавий (998-1030 йй)
Муҳаммад (1030 йй)
Маъсуд (1030-1041 йй)
Мавдуд (1041-1049 йй)
Маъсуд ибн Мавдуд (бир неча кун)
Али ибн Маъсуд (1049 йй)
Абдурашид (1050-1051 йй)
Фаррухзод ибн Маъсуд (1051-1058 йй)
Иброҳим ибн Маъсуд (1058-1098/99 йй)
Маъсуд III (1098/99-1115 йй)
Шерзод (1115-1116 йй)
Арслоншоҳ (1116-1119 йй)
Баҳромшоҳ (1119-1153 йй)
Хисравшоҳ (1153-1160 йй)
Хисравмалик (1160-1186/1187 йй)

Салжуқийлар (1040-1157 йй)

Тўғрулбек (1040-1063 йй)
Алп Арслон (1063-1072 йй)
Маликшоҳ I (1072-1092 йй)




Маҳмуд (1092-1094 йй)
Баркёруқ (1094-1104 йй)
Маликшоҳ II (1104-1105 йй)
Ғиёсиддин Абу Шужо Муҳаммад (1105-1118 йй)
Санжар (1118-1157 йй)

5-§. Хоразмшоҳлар давлати.

Хоразм Сомонийлар даврида уларга тобе вилоят ҳисобланарди. X аср охири – XI асрнинг бошларига келиб Хоразм ҳукмдори Маъмун I ва унинг ўғли Али ибн Маъмун Сомонийлар давлати қўлаганидан сўнг мустақил давлат тузишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Хусусан, 996 йилда Шимолий Хоразм ҳукмдори Маъмун ибн Муҳаммад икки қисмга бўлиниб кетган давлатни бирлаштириб **хоразмшоҳ унвони** олади ва Урганчни ўз пойтахтига айлантиради. Аммо, Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар ва Хуросондаги Ғазнавийлар давлати олдида Хоразм давлати жуда кучсиз бўлиб, кўп ҳолларда Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Маъсудга қарам эди. Хоразмнинг мустақил давлат сифатида шаклланиши ва ривожланиши Ануштегиний-Хоразмшоҳлар сулоласи даврига тўғри келади.

Ушбу сулоланинг асосчиси ёки биринчи вакили Ануштегин келиб чиқиши жиҳатидан ўғўз туркларидан бўлиб, ёшлигида Гаржистон (Гуржистон) да яшаган ва ёлланма жангчи (мамлук) бўлган. Салжук султони Маликшоҳ I даврида Ануштегин таштдорлик мансабига (султон ҳовўзлари ва ҳаммомлари ашёлари хазиначиси) кўтарилган эди. Манбаларнинг маълумот беришича, таштдорлик мансабига султон ўзининг ишончли одамларини тайинлар эди ва кўп ўтмай Ануштегин султоннинг яқинларидан бирига айланади. Натижада 1076 йилда Султон Маликшоҳ Ануштегинни Хоразм ҳокими этиб тайинлайди. Ануштегин Салжуқийларга тобе бўлиб ҳокимиятни бошқаради ва 1097 йилда вафот этади. Ўша йили унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммад (1097-1128) Хоразм волийси қилиб тайинланади.

Қутбиддин Муҳаммад отаси даврида ўз даврининг йирик шаҳарларидан бири бўлган Марвда илм олган, хусусан, дин илмларини яхши ўрганган эди. У Хоразм волийси бўлгач қобилиятли ҳукмдор сифатида уламоларга ва дин арбобларига ҳомийлик қилади. Қутбиддин Муҳаммад Хоразмда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун анчагина куч-ғайрат сарфлаган бўлсада, расман Салжуқийларга тобе бўлгани боис, Султон Санжарга садоқат билан хизмат қилди. У Салжуқийларнинг олий ҳокимият учун ўзаро курашларида ҳам фаол иштирок этганлиги маълум. Тарихий манбаларда Хоразмшоҳнинг унвони **«Подшоҳ Қутбид-дунё вад-дин Абул-фатҳ Муъин Амрал-мўъминин» («Дунё ва дин қутби, ғалабалар отаси Мўминлар амири-халифанинг ёрдамчиси»)** деб улуғланиши Қутбиддин Муҳаммад Салжуқийларга тобе бўлса-да, мавқеи анча баланд бўлганлигидан далолат беради. Шу сабабли бўлса керакки, 1128 йилда Қутбиддин вафот этгач Султон Санжар Хоразм тахтини унинг ўғли Аловиддин Отсизга (тўлиқ номи Ал-Малик Абу Музаффар Аловиддин Жалолиддин Отсиз; 1128-1156 йй) топширади.



Ўз даврининг моҳир саркардаси ва яхшигина дипломати бўлган Отсиз мустақил ташқи сиёсат олиб боришга ҳаракат қилиб Салжукийларнинг ҳар бир хатосидан усталик билан фойдаланди. Отсиз биринчи марта Султон Санжарнинг итоатидан чиқиб мустақил ҳаракат қилди ва Салжукийларга тегишли бўлган Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларни Жандгача (Каспий денгизи бўйларигача) босиб олиб, Манғишлоқ вилоятини ҳам ўзига бўйсундирди. Бундан ғазабланган Султон Санжар Отсизга қарши юриш қилишга қарор қилди. Чунки ўша давр сиёсатини яхши тушунган Санжар, агар Отсизни бўйсундирмаса ўзига тобе бўлган Қорахонийлар ва Ғазнавийлар ҳам исён кўтаришини биларди. Шунингдек у, ўзининг ҳарбий қудрати ғоят кучли эканлигини ҳам биларди. Буларни ҳисобга олиб Султон Санжар 1138 йилнинг октябрда Отсизга қарши Хоразмга қўшин тортди ва Хазорасп қалъасини қамал қилди. Султон Санжар Хоразмга жияни Сулаймоншоҳни волий қилиб тайинлади. Аммо, кўп ўтмай, 1139 йил февралда Султон Санжар Марвга қайтгач, Отсиз ўз қўшинлари билан Хоразмга келиб Сулаймоншоҳни ҳайдаб юбориб қайта тахтни эгаллади.

Аловиддин Отсиз Хоразмни мустақил бошқариш мақсадида бир неча марта Султон Санжарга қарши (1138, 1141-1142, 1147-1148 йй) исёнлар қилган бўлса-да, бутунлай мустақил бўлиш унга насиб этмади. Шунга қарамаздан, кўпчилик олимларнинг эътирофи этишларича, у Хоразмни мустақил давлат бўлиши учун асос ярата олди. Яъни, Отсиз Ануштегин-Хоразмшоҳлар сулоласи нафақат бир вилоят, балки улкан минтақада ҳам сиёсат юргизиши ва донгдор сиёсий кучлар билан рақобатлаша олиши мумкинлигини амалга кўрсата олди. Чунки Отсизнинг асосий мақсади ва сиёсатининг асоси Хоразмда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш эди. Ўзининг узок йиллик ҳумронлиги даврида (у 29 йил давлатни бошқарган) Отсиз Бағдод халифалари билан алоқаларини мустаҳкамлашга интилиб, Султон Санжарга қарши курашда Бағдод халифасини иттифоқчи қилишга ҳам ҳаракат қилиб кўрди.

1156 йилда Отсиз қоқшол касалига учраб вафот этади ва тахтга унинг ўғли Эларслон (1156-1172 йй) тахтга ўтиради. Эларслон отасига қараганда анча қўлай вазиятда тахтни бошқарди. Чунки 1157 йилда Султон Санжар вафот этганидан сўнг Салжукийлар давлати майда вилоятларга бўлиниб кетди ва Хоразмни мустақил сиёсат олиб бориши чун кенг йўл очилди. Эларслон Хуросондаги Салжукийларнинг ўзаро курашларидан фойдаланиб Каспий бўйларидаги Деҳистонни босиб олди. Шунингдек у, отаси даврида Хоразмга бўйсундирилган кўчманчи туркман ва қипчоқ қабилалари ёрдамида Мовароуннаҳрнинг ички ишларига ҳам тез-тез аралаша бошлайди. 1158 йилда у катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб келди. Бу вақтда қорахитойларга вассал бўлган қорахонийлар кўчманчи қарлуқ қабилалари билан жанг олиб бораётган эди. Эларслон қарлуқларга Бухоро ва Самарқанд учун олиб борилган жангларида ёрдан беради. Лекин қорахитойлар қўшинлари ёрдамга етиб келиши билан Эларслон Хоразмга қайтишга мажбур




бўлди. У бир неча маротаба Хоразмга юриш қилган бўлса-да, муваффақият эриша олмади.

1171-1172 йилларда қорахитойларнинг катта қўшини Хоразмшоҳнинг ўлпонни ўз вақтида тўламаётганлигини баҳона қилиб Хоразм устига юриш қилади. Эларслоннинг буйруғи билан Сирдарёдаги катта тўғонлар очтирилиб, Хоразм пойтахти яқинидаги йўллар сувга бостирилди. Бу қорахонийлар қўшини юришини қийинлаштирди ва Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Урганч) талон-тарож қилишдан сақлаб қолинди. Аммо, қорахитойларнинг бу юриши даврида Эларслон касалликдан вафот этди (1172 й). Шундан сўнг унинг ўғиллари Аловиддин Такаш ва Султоншоҳ Маҳмуд ўртасида узоқ йиллар тожтахт учун кураш бордир. Аловиддин Такаш 1172 йилнинг декабрида қорахитойлар маликаси Чэн Тиён ёрдамида расман тахтга ўтирган бўлса-да, ака-укалар ўртасида кураш давом этди. Чунончи, 1174 йилда Султоншоҳ Маҳмуднинг онаси Туркон хотун Нишопур ҳукмдори Ой-Абога қимматли совғалар юбориб, Такашга қарши иттифоқ таклиф қилди. Ўша йили Гурганждан 20 фарсах узоқликдаги Субвурни шаҳри остонасида Ой-Або қўшинлари Аловуддин Такаш қўшинлари билан тўқнашди. Бу жангда Такашнинг қўли баланд келиб, Ой-Або асир олинди ва қатл этилди. Туркон хотун ва Султоншоҳ Каспий денгизининг шарқий соҳилидаги Деҳистонга кочдилар.

Шундан сўнг Аловиддин Такаш Хоразмда мустаҳкам ўрнашиб, қорахитойларга ваъда берган ўлпонни тўлашдан бош тортади. Бунга жавобан қорахитойлар яна Хоразмга юриш қилдилар, лекин муваффақиятсизликка учраб, Султоншоҳ ихтиёрига кичик бир қўшин қолдириб ўзлари орқага қайтадилар. Бу даврга келиб Хуросоннинг анчагина қисми Хоразм давлатига қўшилган бўлса-да, Марв ва унинг атрофларда, Сабзаворда Султоншоҳ Маҳмуд ҳукмронлик қиларди. 1187 йилда ака-укалар ўртасида Нишопур остонасида яна тўқнашув бўлиб, Такаш ғолиб бўлди. Султоншоҳ Марвга чекинишга мажбур бўлди.

1188 йилда Хуросоннинг уламолари ва таникли амирлари воситачилигида Султоншоҳ билан Такаш ўртасида сулҳ битими тузилди. Бу пайтга келиб Такашнинг ҳарбий қудрати ва обрўси ошиб кетган бўлиб, Султоншоҳ унинг барча шартларини қабул қилишга мажбур эди. Аммо, бу узоққа чўзилмай Султоншоҳ Ғўр вилояти ҳукмдорларини акасига қарши курашда ўзига иттифоқчи қилиб олди. 1193 йилнинг баҳорида Такаш яна Султоншоҳга қарши юриш бошлади. Хоразмшоҳ қўшинлари Обивардга етганида ҳар икала томоннинг вакиллари бўлган уламо ва дин арбоблари ака-укаларни яна яраштириб қўйиш учун мўзокаралар бошладилар. Бу орада Сарахс қалъасининг бошлиғи Бадриддин Чақир хоразмшоҳ Такаш томонга ўтиб кетиб, қалъа қалити ва Султоншоҳнинг барча хазиналарини унга топширди. Бу воқеаларни кўтара олмаган Султоншоҳ 1193 йилнинг кўзида вафот этди. Шу тариқа хоразмшоҳ Эларслоннинг икки ўғли ўртасида 20 йилдан зиёдроқ давом этган курашга якун ясалди.




Хоразмшоҳ Такаш 1193 йилнинг декабрида Марв шаҳрини фатҳ этди. Марв шаҳар ва унинг атрофларига катта ўғли Носириддин Маликшоҳни волий этиб тайинлади. Бағдод халифаси Наср (1180-1225 йй) ва Ғарбий Салжуқийлар султони Тоғрул II ўртасидаги низолардан фойдаланиб, Такаш қўшинлари 1194 йилнинг март ойида Тоғрул II га қарши уруш очди ва уни мағлуб этиб Ҳамадон шаҳрини эгаллади.

Хоразмшоҳнинг тобора кучайиб бораётганлигидан хавфсираган халифа Наср қўшинлари Такашга қарши чиқдилар. 1196 йилнинг июн ойида Такаш қўшинлари халифа қўшинларини енгди. Шу тариқа Афғонистон ва Эроннинг катта қисми Хоразмшоҳлар қўлига ўтди ва Хоразм давлати худудлари бирданига икки баравар кенгайди. Хоразм давлати энди Бағдод халифасига тегишли жойлар ва Ғурийлар билан чегарадош бўлиб қолди. Аммо, кўп ўтмасдан халифа Наср билан Такаш муносабатлари яна ёмонлашганлиги туфайли Хоразмшоҳ Ироқи Араб ва халифалик пойтахти Бағдодни босиб олишга қарор қилди. Лекин бу юриш пайтида Такаш касалланиб, 1200 йил июл ойида Хоразм билан Нишопур орасидаги Шахристон шаҳрида вафот этди.

Ўрта асрлар муаллифлари маълумотлари асосида тадқиқотлар олиб борган З.Буниёдовнинг хулосаларига кўра, хоразмшоҳ Такаш ўз фуқароларига нисбатан адолатли бўлган. У бошқа султонларга нисбатан қобилятли, йирик дипломат ва зукко лашкарбоши эди. Шу боис бўлса керакки, Хоразмшоҳ – Ануштегинлар давлатининг нисбатан кучайиши, Аловиддин Такаш фаолиятининг маъмурий идора бошқаруви ўзининг қатъиятлиги ва тартиб интизоми билан ажралиб туради. Лекин Такашнинг катта хатоси шунда эдики, у ўзининг хотини Туркон хотун мансуб бўлган қипчоқлар қабиласига катта эркинликлар берди, уларни доимо қўллаб-қувватлади. Туркон хотун (Унинг шахсий муҳрида «**Исмаат уд-Дунё вад-Дин Улуғ Туркон малика нисо ал-оламийн**», «**Дунё ва унинг покдомони, Улуғ Туркон, олам аёлларининг маликаси**» деган ёзув битилган эди) уларга таяниб катта ҳокимиятга эга бўлди, ўз ҳомийлигидаги одамларнинг юқори лавозимларни эгаллашини таъминлади. Натижада бу алоҳида турк ҳарбий-феодал табақаси пайдо бўлишига олиб келди ва амалда хоразмшоҳлар давлатининг инқирозига сабаб бўлди.

1200 йилнинг август ойида Хоразмшоҳлар тахтига Такашнинг ўғли Қутбиддин Муҳаммад ўтирди (1200-1221 йй) ва отасининг Аловиддин лақабини қабул қилди. У тахтга ўтириши биланок айрим муаммоларга дуч келган бўса-да, уларни зудлик билан бартараф этиб, 1203 йилда қорахитойларнинг ёрдами билан Хуросонни босиб олди. Ундан кейин эса Ҳирот ва унинг атрофларини эгаллади.

Аловиддин Муҳаммад 1207 йилда Мовароуннаҳрга юриш қилиб, Бухородаги Санжар қўзғолонини бостирди ва Бухорони эгаллади. Хоразмшоҳ 1210 йилда қарлуқлар билан иттифоқ тўзиб қорахитойлар устига юриш қилди. Бу юриш Хоразмшоҳнинг ғалабаси билан тугади ва у қорахитойларнинг Ўзганддаги бой хазинасини қўлга киритди. Умуман, Аловиддин Муҳаммад



1210 ва 1212 йилларда қорахитойларга икки марта қакшатқич зарба берилди. Уларни бутунлар тор-мор этди. Бунинг натижасида унинг обрўйи ошиб кетиб иккинчи Искандар, иккинчи Султон Санжар лақабларини олишга мўшарраф бўлди. Аловиддин Муҳаммаднинг сайъи-ҳаракатлари туфайли 1217 йилга келиб бутун Мовароуннахр, Озарбайжон, Эрон, Хуросондан Ҳиндистонгача бўлган ерларда Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Аммо, мамлакатнинг ички сиёсий ҳолати мустаҳкам эмас эди. Бу ҳолат муғул босқини пайтида яққол номоён бўлди.

Давлат бошқаруви ва сиёсий тизим. Ҳарбий бошқарув. Хоразмшоҳлар давлатида марказий бошқарув идораси «**ал-мажлис ул олий ал фаҳри ат-тожи**» деб номланган бўлиб, уни вазир бошқарган. **Вазир** – мамлакатда султондан кейинги энг юқори мансабдор шахс бўлган. Вазир султоннинг бош маслаҳатчиси бўлиб, бевосита унга бўйсунган. Вазир расмий маросимларда, давлатлараро алоқаларда, мустамлакалар билан олиб бориладиган мўзокараларда хоразмшоҳ номидан иштирок этиб, султон ва райиат (фуқаролар) ўртасида воситачилик қилган. Барча давлат амалдорлари, жумладан, амирлар, беклар ва ҳарбий бошлиқлар вазирга бўйсунган. Вазирнинг вазифалари кўйидагилардан иборат бўлган:

- асҳоб ад-даванин ёки девонхоналар амалдорларининг бошлиғи. Юқори мансабли амалдорларини ишга тайинлаган ёки ишдан бўшатган;
- давлат амалдорларига нафақалар (арзак) ва моддий ёрдам (маважиб) жорий этиш ишларини бошқарган;
- давлат амалдорларини ҳаёт учун зарурий озуқа ва ашёлар билан таъминланишини белгилаган;
- божхона ва хазина фаолиятини назорат қилган;
- султонга мунтазам равишда ҳамроҳлик қилган, баъзи пайтларда қўшин жўнатиб уларга бошчилик қилган.

Хоразмшоҳлар давлатида вазирлик лавозими катта ҳурматга эга бўлиб, ўрта аср манбаларининг бирида вазир ҳақида шундай маълумот берилади (З. Бунёдов бўйича): «энг юксак маҳкама – вазорат (вазирлик) бўлиб, барча жамоат ишлари ҳамда одамлар ҳаётининг тўғри йўлдан бориши у билан алоқадордир, бунинг натижасида мамлакатнинг чиройи ва мартабаси ортади, давлатда тартиб ва қонунчилик ўрнатилади... Вазир – идора қилиш қонунларини биладиган, давлат келажагини биладиган, ҳаётий тажрибага бой, яхши ишларга ундовчи, шон-шуҳрат ва ютуқларга етакловчи, фуқаролар аҳволидан рўйи-рост хабардор қилиб турадиган, кўрсатмаларига тўла равишда ишониш мумкин бўлган киши бўлиши лозим...»

Вазирларга садр, дастур, хожайи бўзрук каби унвонлар берилган. Вазир лавозимидаги шахс ўзининг сиёҳдони (довот) ва маълум хил мовутдан ўралган салласи (дастор) билан ажралиб турган. Улар асосан араб-форс мансабдорлари муҳитига мансуб кишилар бўлиб, араб ҳамда форс тили, маъмурий ишдаги лаёқати, сарой тартиб-қоидаларини билиши шарт бўлган. Хоразмшоҳлар давлатининг вазирлари асосан Хоразм, Бухоро, Нишопур, Исфохон, Балх, Ҳиротдан чиққан арбоблар бўлган. Хоразм давлатига қарашли



вилоятларнинг маъмурий бошқарувида ҳам вазирлар бўлган. Баъъи шаҳарларга ҳам вазирлар тайинланган бўлиб, улар ўша маданий ва иқтисодий марказнинг ягона ҳокими ҳам эдилар. Хоразмшоҳлар давлатида вазир лавозими дастлаб Султон Отсиз ҳукуматида пайдо бўлган.

Ўрта асрлар ёзма манбаларида Хоразмшоҳлар давлат бошқарувидаги кўпгина мансаб ва лавозимлар ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Уларнинг асосийлари қуйидагиларидир:

Бош ҳожиб ёки улуғ ҳожиб (ҳожибул-кабир) – олий ҳукмдор шахси билан боғлиқ масалалар, маросимлар, маросимларнинг назорати билан алоқадор ишларга жавобгар бўлган. Улар султоннинг энг зарур топшириқларини бажарганлар ҳамда ҳукмдорга доимий равишда ҳамроҳлик қилганлар. Улар вазирлик девонининг дафтларлари, ундаги ёзувлар, архивлар, молия соҳасидаги котиблар ва амалдорларнинг хатти-ҳаракатини назорат қилган.

Устоздор – хоразмшоҳлар саройида хизматкорларга бош бўлиб, отхоналар, ошхоналар, новвойхоналар, шаробхоналар хўжалигини бошқарар эди. Олий ҳукмдорнинг биринчи чорлашидаёқ устоздор етиб келиб, султон топшириқларини бошқа хизматкорларга етказар эди. Устоздор саройнинг барча чиқимларини амалга оширган. Сарой мансабларининг барча харажатлари ҳам унинг зиммасида бўлган. Устоздор хазинадан чиқадиган барча сарф-харажатлар учун доимий равишда султонга ҳисобот бериб турган.

Амири-охур (мироҳўр) – сайисчи, султон отхоналари бошлиғининг лавозими. У султонга қарашли миниб юриладиган отларга эгалик қилган. Мироҳўрлар ҳарбий юришларда ҳам фаол иштирок этганлар.

Амири-шикор – султон овларини ташкил этувчи ва бошқарувчиси лавозими.


Таштдор – султон ҳаммомлари ва ҳовўзларининг бошлиғи. Унинг қўл остида бир неча ғулом бўлган. Таштдорлар султонга жуда яқин одамлар бўлган. Айрим султонлар таштдорларга малик унвонини ҳам беришган. Айрим таштдорлар хатто ўн минг аскарларга бошчилик қилиб, ҳарбий юришларга иштирок этганлар, баъзилари эса султоннинг шахсий элчиси вазифасини ҳам бажарган.

Шаробдор – султон шаробхонасининг бошлиғи. Шаробхонада турли шароблар тайёрлаш билан бирга ширин ичимликлар тайёрлаш учун шакар ҳам сақланган. Шаробдорлар амирлар орасидан тайинланиб, унинг қўл остида бир нечта ғуломлар бўлган.

Қиссадор – бир ҳафта давомида султон номига ёзилган ариза ва илтимосномаларни йиғиб пайшанбадан жумага ўтар кечаси султонга топширган. Жума куни эса султоннинг жавобини ариза эгаларига етказган. Хоразмшоҳлар саройида қиссадор энг обрўли мансаблардан бири ҳисобланган.

Чошнигир (баковул) – у дастурхон ёзилганда султон таомларидан захарланмаслиги учун ўзи биринчи бўлиб татиб кўрар эди.

Давотдор – султоннинг хос котиби, фармонларини ёзувчи.



Фаррош – султон ўрин-тўшаклари сақланадиган фаррошхона бошлиқ. Унинг ихтиёрида гиламлар, чодирлар, поёндозлар, кўрпа-тўшаклар бўлган. Фаррош ва махсус ўргатилган ғуломлар султон атрофида доимо ҳозир турар эдилар.

Амирул-аълам (аъламдор ёки яловбардор) – султон байроқдори ёки султон туғининг соҳиби.

Хоразмшоҳларнинг давлат тизими Салжукийлардан деярли фарқ қилмаган. Илгари бўлгани каби давлат бошқаруви даргоҳ ва девонлар мажмуидан иборат бўлган. Даргоҳда **ҳожиб, улуғ ҳожиб** Хоразмшоҳлар даврида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Ҳожибларга махсус мўзокаралар олиб бориш, ҳатто вазирлар фаолиятини текшириш каби муҳим вазифалар топширилган. Ҳожибларнинг вилоят ҳукмдори бўлганликлари ҳам манбалардан маълум.

Хоразмшоҳлар давлатининг аҳолиси ва уларнинг қатламлари ҳақида ёзма манбалар (Муҳаммад Бағдодий) кўйидагича маълумот беради.

1. **Сайидлар** – пайғамбар авлодлари саналганликлари туфайли ҳукмдорлар уларни қаттиқ ҳурмат қилганлар ҳамда уларни ҳар томонлама, айниқса, моддий жиҳатдан доимо қўллаб-қувватлаб турганлар.

2. **Имомлар ва олимлар** – уларнинг маслаҳатлари ва кўрсатмаларига давлат ишларига амал қилинган бўлиб, ижтимоий ҳаётда бундай шахсларнинг мавқеи анча устун бўлган.

3. **Қозилар ва ҳокимлар** – асосий қонун чиқарувчилар бўлиб, улар шариатнинг аҳоли устидан назоратини амалга оширганлар.

4. **Тасаввуф вакиллари** – ислом динида ноортодоксал оқим вакиллари бўлиб, фақирона ҳаёт кечирганлар. Улар орасидан чиққан донишмандлар ва машойихларнинг кўпчилиги халқ томонидан эъзозланган. Ҳукмдорлар бундай шахсларни ҳурмат қилиб, уларнинг дуосини олиб турган.


5. **Оқсоқоллар** – қишлоқ, қасаба, уруғ-қабилла бошлиқлари.

6. **Амалдорлар ва сипоҳийлар** – ҳукмдорларнинг жойлардаги ноиблари кўли остида хизмат қилувчи шахслар.

7. **Ғозийлар** – ислом дини учун курашувлар.

Хоразмшоҳлар давлати ўзининг пайдо бўлган даврдан бошлаб то инқирозига қадар доимий кўшинларига эга бўлган. Манбаларнинг маълумот беришича, Хоразмшоҳлар ўз давлатида мажбурий умумхалқ ҳарбий таълим тизимини жорий қилганлар. Давлатдаги кўшинлар сони ҳукмдорлар ҳарбий юришларининг кўламига қараб ўзгариб турган. Манбалардан маълум бўлишича, 1218 йилда Муҳаммад хоразмшоҳ ялпи кўшинлар кўриги ўтказиб, унда «150 мингга яқин отлиқ, 100 минг пиёда аскар қатнашди».

Хоразмшоҳлар давлатининг энг олий ҳарбий бошқарув идораси **девон-ал арз** (ёки **девон-ал жайш**) деб номланган бўлиб, унинг бошлиғи **соҳиб девон-ал арз** (ёки **соҳиби девон-ал жайш**, ёки **ариз-ал жайш**) ҳисобланар эди. Девон-ал арз ҳарбийларга тегишли бўлган ер-сувлар, уларга бериладиган маош ва ҳар хил тўловлар, шунингдек, аскарларни рўйхатга олиш, улар ва улар кўлидаги қурол-аслаҳаларни текшириб куриш ишлари билан



шуғулланарди. Бу девон ҳамма ҳарбийларга белгиланган маошлари (маважиб, арзак) ҳамиша маълум вақтда бериб турар ва ҳарбий бошлиқларнинг маошини ўз қўл остидагиларга тўғри тақсимланишини назорат қилар эди.

Хоразмшоҳлар қўшинларининг қўмондонига **қобид** ёки **муқаддам** деган унвон тавсия этиларди. Хоразмшоҳлар янги забт этилган ўлка ёки вилоят ерларини амирларга иқто тариқасида тақсимлаб берар, маҳаллий амирлар орасидан энг қобилиятлисини уларга бошлиқ қилиб тайинлаб унга **амир-ал умаро** (амирлар амири) номини берарди.

Қўшиндаги 10 минг кишилик суворийлар гуруҳига қўмондонлик қилган кишилар **малик** унвонига эга бўлар эди. Жангларда алоҳида мардлик кўрсатган маликларга эса **хон** унвони берилган. Қўшиндаги чопарлар **човуш**, уларнинг бошлиқлари эса **муқаддам човушия** деб юритилган. Махсус хуфия ва айғоқчилар бўлинмалари **жосусия** деб аталган.

Уруш бошланишидан аввал ёки уруш эълон қилинган вақтда Хоразмшоҳлар ҳарбий кенгаш чақиришар ва унда олдинда турган уруш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинарди. Ушбу кенгашга Хоразмшоҳнинг ўзи бошчилик қилиб, унга йирик ҳарбий арбоблар, уламолар, қонуншунослар ва мунажжимлар тақлиф қилинар эди. Кенгашда барча тақлифлар кўриб чиқилиб, сўнгги қарорни шоҳнинг ўзи қабул қиларди.

Хуллас, XIII асрнинг биринчи чорагида Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ҳарбий ва сиёсий уқувсизлиги туфайли Хоразмшоҳлар давлати инқирозга учради. Шунга қарамасдан ўзбек халқи ўрта асрлар даври давлатчилиги тарихида Хоразмшоҳлар давлати муҳим ўрин тутди. Ўз даврида Хоразм давлати Мовароуннаҳр, Хуросон, Мозандарон, Кирмон, Форс Ироқи, Озарбайжон, Сижистон, Ғазна ва бошқа давлатлар ҳамма вилоятларни ўз таркибига олган эди. Хоразм салтанати XII асрнинг охири – XIII асрнинг бошларида мусулмон Шарқининг энг йирик ва қудратли давлати эди.

Таянч сўзлар

Тоҳирийлар, Саффорийлар, маҳаллий зодагонларнинг кучаюви, Муқанна қўзғалони, Аббосийлар, Бармакийлар, шуубийлик, мусулмон диндорлари, мустаҳкам ҳокимият, зироаткорлар, исломлаштириш сиёсати, ислом руҳонийлари, ғозийлар, ал-мутатаввия, сарҳанг, Дар ал-Акул, Сомонийлар, Сомонхудот, маҳаллий зодагонлар, турк ғуломлари, Карматлар ҳаракати, даргоҳ, девонлар, ҳарбий-маъмурий амалдорлар, ҳанифийлик, диний меъморчилик, Қорахонийлар, чиғиллар, яғмолар, уғўзлар, Ҳасанийлар сулоласи, Тамғачхон, Қорахитойлар, элекхонлар, Ғазнавийлар, тухси қабиласи, Сайф уд-давла, қиниқ уруғи, Ғўз қабилалари, Хоразмшоҳ – Ануштегинлар.

5-мавзу бўйича савол ва топшириқлар.



1. IX аср бошларида маҳаллий зодагонларнинг кучаюви ҳақида маълумот беринг.
2. Тоҳирийлар даври ҳақида нималарни биласиз?



3. Саффорийлар давлати ҳақида гапириб беринг.
4. Сомонийларнинг сиёсий тарихи ҳақида маълумот беринг.
5. Сомонийлар давлат бошқарувининг ўзига хослиги нималарда кўзатилади?
6. Қорахонийлар давлати ҳақида маълумот беринг.
7. Сомонийлар ва Қорахонийлар давлат бошқарувидаги ўхшашлик ва фарқлар нималардан иборат?
8. Ғазнавийлар давлатчилигининг муҳим томони ҳақида гапириб беринг.
9. Салжуқийлар давлатчилиги ҳақида нималарни биласиз?
10. Хоразмшоҳлар давлати ҳақида умумий маълумот беринг.
11. Хоразмшоҳлар давлати инқирозининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

5-мавзу бўйича фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1990.
2. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. А. Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966.
3. Абул-Фазл-Бейхаки. История Маъсуда. 1030-1041. Пер. и прим., А.К. Арендса. – Ташкент, 1962.
4. Азамат Зиё. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001.
5. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007.
6. Буниёдов З. Ануштагин – Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). А. Аҳмад ва М. Маҳмуд таржимаси. – Тошкент, 1998.
7. Агаджанов С.Г. Сельджукиды и Туркмения в XI-XII вв. – Ашхабад: Ўлим, 1973.
8. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
9. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана // Соч. Т. II. Ч. I. – М., 1963.
10. Босфорт К.Э. Мусульманские династии. – М.: Наука, 1971.
11. История ат-Табари. Пер. В.Н. Беляева. – Ташкент: Фан, 1987.
12. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Таржима ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. – Тошкент: Фан, 1960, 1961, 1963. – I-III жилд.
13. Караев О.К. История Караханидского каганата (X – начало XIII вв.) – Фрунзе: Илим, 1983
14. Малявкин А.Г. Уйгурские государства в IX-XIII вв.. – Новосибирск: Наука, 1983.
15. Негматов Н. Н. Государство Саманидов. – Дўшанбе: Дониш, 1977.
16. Сағдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент: Академия, 2000.
17. Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. – Тошкент, 1993.
18. Шониёзов К. Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. – Тошкент: Шарқ, 1999.
19. Шониёзов К. Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001.
20. Ўзбекистон тарихи. Р. Муртазаева таҳрири остида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.



6-мавзу. Чингизийлар давлатининг ташкил топиши. Мовароуннахр

Чигатой улуси таркибида.

1-§. Чингизийлар давлатининг ташкил топиши ва Ўрта Осиёни босиб олиши.

Сиёсий тарих. Ўрта асрларнинг манбаларининг маълумотларига кўра, XII аср охири-XIII аср бошларида муғул қабилалари ва элатларининг қудратли давлатга бирлашуви жараёнлари бўлиб ўтади. Ёзма манбаларда муғуллар **мэну(мэнва)** номи билан илк мартаба Хитойнинг Тан сулоласи (618-908 й.й.) солномасида тилга олинади. Аксарият манбаларда муғулларнинг бирлашув жараёнлари **Темучин** номи билан боғланади. Маълумотларга кўра, Темучин 1155 йилда туғилган бўлиб, бой муғул зодағони Есугай Баҳодирнинг ўғлидир.


XII аср ўрталарига келиб Байкал кўли атрофи, ҳозирги Муғулистон ҳудудларида яшовчи туркий ва тунгус-манжур қабилаларининг кўпчилиги Есугай Баҳодир таъсирига ўта бошлайдилар. Егусай татар ва маркит қабилаларига қарши урушлар пайтида 1185 йилда хоинона ўлдирилгандан сўнг ташаббус унинг ўғли Темучин кўлига ўтади. Темучвин 1186-1204 йиллар давомида ҳокимият учун кураш олиб бориб фақат муғулларнигина эмас, улар билан кўшни бўлган татар, маркит, керайт, жалойир, найман, уйғур, қорлуқ каби кўплаб қабилаларни ўз кўли остида бирлаштириб, кучли давлатга асос солади.

1206 йилнинг баҳорида Муғулистондаги Онон дарёси ирмоқларидан бирининг соҳилида ўз ҳокимиятининг тўлиқ мустаҳкамлаб олган Темучин муғулларнинг умум қурултойини чақиради. Темучиннинг тарафдорлари – муғул зодагонлари тўпланган бу қурултойда у олий муғул ҳукмдори – хон деб тантанали эълон қилинади ва давлатнинг бош шамани Теб Тангрий унга “Чингизхон” деган фахрий ном беради (“Чингизхон” – кучли, буюк деган маънони англатади).

Қурултойда Чингизхон ўз туғи – байроғини кўтариб, ўнта лавозимни жорий этади ва уни ўз яқинларига тақдим этади. Саҳродаги Қорақурум шаҳри янги давлатнинг пойтахти қилиб белгиланади. Янги муғул давлати – **Еке Мунғол улус (Буюк муғул давлати)** деб аталиб унинг бошқаруви “**Алтан уруг**” (**Олтин уруғ**) кўлига ўтди.

Ўз мавқеи ва ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган Чингизхон ўз ҳарбий кучларини ислоҳ қилиб, давлати сарҳадларини кенгайтириш ҳаракатини бошлади. У 1209 йилда танғутларни, 1211 йилда уйғурларни, 1215 йилда эса шимолий Хитойни пойтахт Чжунду (Пекин) шаҳри билан биргаликда ўзига тобе қилиб олди. Шу тариха XIII аср ўнинчи йиллари охирига келиб Шарқда иккита йирик давлат – Хоразмшоҳ – Ануштегинлар ва Чингизхон давлатлари мавжуд бўлиб, улар ўртасида уруш бўлиши муқаррар эди. Чунончи, 1215 йилдаги Дашти Қипчоқ юришида Хоразмшоҳ муғулларнинг Жўжи бошчилигидаги ҳарбий кўшинига дуч келади (ҳоз. Қозоғистоннинг Тўрғай вилояти чўлларида). Ғарбга чекинган душманлари маркитлар устидан ғалаба қозонган муғуллар Хоразмшоҳнинг 60 минг кишилиқ кўшини билан бир кун жанг қилдилар. Бу жанг борасида Чингизхондан ҳеч қандай кўрсатма олмаган Жўжихон эртасига чекинишга мажбур бўлади.

1215-1218 йиллар оралиғида Хоразмшоҳ ва Чингизхон ўртасида бир неча марта элчилар алмашинади. Рашиддин маълумотларига кўра, Чингизхон 1218 йил



Хоразмшоҳга юборган номасида уни “ўз ўғиллари қаторида кўришини” маълум қилади. Шарқ дипломатиясида бу қарамликни билдиришини Султон Муҳаммад яхши англаган эди. Ундан ташқари 1218 йилги Чингизхон томонидан Хоразмга юборилган 450 кишилик элчилар гуруҳидаги 100га яқин савдогарларга жосуслик вазифаси ҳам топширилган эди. Шу боис бу карвон Ўтрор шаҳрида талон-тарож қилиниб, элчилар ўлдирди.

Бу воқеадан сўнг ҳар иккала томон ҳам урушга тайёргарлик кўра бошлайди, Ан-Насавий маълумотларига кўра, Чингизхон билан бўладиган жанг муносабати билан Урганчда чақирилган машваратда Султон Муҳаммад ўртага ташлаган қатор таклифларни инобатга олмади. Чунончи, тўнғич ўғли Жалолоддиннинг, Хўжанд ҳокими Темур Малик сингари саркардаларнинг барча ҳарбий кучларни (А. Зиё маълумотларига кўра, кўшин сони 600 минг киши атрофида бўлган- Э. Б.) асосий нуқталарга ёки бир ерга тўплаб, душманга зарба бериш ҳақидаги маслаҳатларга амал қилмади ва кўшинларни йирик шаҳарларга бўлиб ташлади.

Чингизхон 1219 йилда ўз ўғиллари бошлиқ 200 мингга яқин асосий ҳарбий кучлари билан Хоразмшоҳлар давлати устига юриш бошлади. Бу кучлар ўша йили ёзни Иртиш дарёси бўйига ўтказиб, сентябр ойида чегарадан ўтади. Чегарадан ўтган Чингизхон ўз кўшини билан жанубий қозоқ чўлларининг Сирдарёга туташган жойидаги Ўтрор шаҳри яқинига тўплаб уни тўрт қисмга бўлади. Чиғатой билан Ўқтой кўшинининг бир қисми билан Ўтрорни қамал қилиб эгаллаш учун қолдиради. Иккинчи қисм эса Жўжи бошчилигида Сирдарёнинг юқори оқимидаги Жанд, Янгикент, Борчиликент, Сиғноқ шаҳарларини босиб олиш учун юборилади. Учинчи қисмга Улоқ нуён ва Сукету Чербу бош бўлиб Ўтрордан жанубга, Хўжанд ва Банокатни эгаллаш топширилади. Чингизхоннинг ўзи бош бўлган асосий тўртинчи қисм йирик шаҳарлар-Самарқанд ва Бухорони эгаллаш учун йўл олади.

Бу юришлар натижасида 1219 йилда Ўтрор, Жанд, Янгикент, Борчиликент, 1220 йилда Хўжанд, Бухоро, Самарқанд, 1221 йилда Термиз ва Урганч шаҳарлари муғуллар томонидан босиб олинади. Манбаларда “Жаҳон султонлари пойтахти” ва “Инсоният буюк фарзандлари бешиги” номини олган Урганч, “Қуббатул Ислому” номини олган Бухоро, “Сайқали рўйи замин” деб аталган Самарқанд каби шаҳарлар талон-тарож қилинди. Баъзи шаҳарлар, масалан, Ўтрор, Сиғноқ, Борчиликент кабилар узоқ вақтларгача дашту-биебонларга айланиб қолди. Шу даврда яшаган араб тарихчиси ибн ал-Асиржуғул (1160-1244 йй.) муғул бочқини даҳшатларини шундай таърифлаган: “Улар (муғуллар) ҳеч кимга шафқат қилмадилар, аксинча, хотинлар, болалар, эркакларни ўлдирдилар, ҳомиладор хотинларнинг қоринларини ёриб, туғилмаган гўдакларни нобуд қилдилар... Бу мусибат тўлқинлари турли томонларга тарқалди ва унинг фожеаси умумий бўлиб қолди ҳамда у шамол булутларни турли томонга ҳайдагани каби бутун вилоятларга ёйилди. Хитой чегараларидан бир халқ чиқиб Туркистондаги Қашғар ва Баласағун каби вилоятларни вайрон этиб, қирғин қилиб, талон-тарож қилиб эгаллади. Татарлар ҳеч қайси шаҳарларни омон қолдирмадилар, кетаётиб ҳамма ерни вайрон этдилар. Улар ниманики ёнидан ўтган бўлсалар, ўзларига ёқмаган барча нарсаларга ўт қўйдилар”.



Шундай қилиб талон-тарожлик урушлари натижасида XIII аср 20-йилла ўрталарига келиб Чингизхон Шарқда Шимолий Хитойдан Ғарбда Амударёгача бўлган ҳудудларда ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлди. 1227 йилнинг августида Осиёнинг ичкарасига, танғутлар устига юриш пайтида Чингизхон вафот этади. Чингизийларнинг ҳарбий юришлари натижасида 1260 йилда тарихдаги кўчманчиларнинг йирик давлатларидан бири – Шарқда Амурдан Сарик денгизгача, Ғарбда Дунайдан Евфратгача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган улкан империя ташкил топди.


“Ясоқ” лар. Хон ҳокимияти ва давлат бошқаруви. 1203 йилдаёқ муғуллар давлатида ҳали бир тизимга эга бўлмаган қонунлар тўплами вужудга келиб, у ўз ичига **ёрликлар (буйруқлар), ясоқ (қонунлар), билик (насихатлар)** ларни жамлаган эди. “Буюк ясоқлар” ёки Чингизхон ясоқлари (муғуллар – засоқ, йосун) “қоида”, “қонун” деган маънони англатади. Ясоқлар тўла ҳолатида 1206 йилги муғул зодагонлари қурултойида қабул қилиниб, 1218 йилда қайта кўриб чиқилади ва 1225 йилда сўнгги марта таҳрир қилинади. Жувайний маълумотларига кўра, ясоқлар уйғур ёзувида туморларга (ўроғли қоғозларга) ёзилган бўлиб, **“Ясоқларнинг буюк китоби” (“Йасаномаи бузург”)** деб номланган. Бу қоғоз ўрамлари нисбатан обрўли бўлган шахзодаларда сақланган. Ясоқларнинг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Унинг айрим қисмлари қисқартирилган ҳолда Жувайний, Рашидиддин, Вассаф, Ибн Батута, Абул Фараж, Макризий асарларида учрайди.

“Ясоқ” қонунлари муғулларнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари, мавжуд сиёсий тузум моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кескин ва жуда қаттиқ оҳангда, патриархал тузумни ўзида акс эттирган равишда тузилган эди. “Ясоқ” қонунларининг асосий йўналишлари қуйдагича бўлган:

1. Ҳукмдор (хон) “ясоқ”қа қатъий риоя этиши хусусида қасамёд қилиши ва унга амал қилиши, амал қилмайдиган бўлса, хонни умрбод қамаш мумкин бўлади.
2. Чингизхон муғуллар орасида диний адоват келиб чиқмаслиги учун барчага тўла диний эркинлик беради. Рухонийлар солиқдан озод этилади.
3. Аёллар наслни давом эттирувчи бўлганликлари учун ҳам, уруш вақтида уларнинг гуноҳлари кечирилиши лозим.
4. Жазолаш даражаси сифатида ўлим жазосини энг кўп миқдорда қўллаш.
5. Босиб олинаётган мамлакатлар халқларига буткул раҳм-шафқат қилмаслик.

Ўрта асрлар тарихи тадқиқотчиларнинг маълумотларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Чингизхон қонунларининг асосий мақсади феодаллашган давлат талабларига жавоб берадиган ҳуқуқнинг янги тизимини ташкил этиш эди. Ясоқларга риоя қилиш нафақат давлатдаги ҳар бир фуқаронинг, балки хонларнинг ҳам мажбурияти эди.

Таъкидлаш жоизки, Ясоқлар асосан кўчманчи ҳаёт турмуш тарзини ифода этган. Муғуллар томонидан босиб олинган кўпгина ҳудудлар, хусусан, қадимдан ўзининг ҳуқуқий анъаналарига эга бўлган Ўрта Осиё халқларини янги қонунларга



бўйсундириш ниҳоятда оғир эди. Чунки, асрлар давомида ўтроқ маданий ҳаёт кечирган халқлар кўчманчилар анъаналарини қабул қила олмас эдилар. Ясоқларда ижтимоий-хўжалик ва маданий ҳаётнинг кўпгина томонлари ўз аксини топмаган, айрим қоидалар эса мусулмон диний ҳуқуқлари ва маҳаллий аҳоли анъаналарни инкор этар эди. Шунинг учун ҳам Ясоқ тарафдорлари ва маҳаллий аҳоли ўртасида кўплаб тўқнашувлар бўлиб турган.

Муғул босқини, умуман олганда Ўрта Осиёдаги ижтимоий тузимни ўзгартира олмаган бўлса-да, кўп ҳолларда дашт анъаналарининг жонланишига йўл очиб берди ва кўпчилик бўйсунган халқларнинг сиёсий ва хўжалик ҳаётига янги йўналишларни олиб келди. Муғуллар томонидан барпо этилган империянинг давлат бошқаруви борасида империя хон уруғининг хусусий мулки, деган принцип ҳукмрон эди. Давлат бошқарувидаги бу ўзига хосликни ўз вақтида Жувайний шундай таърифлаган эди: “Ташқаридан қараганда бошқарув ва мамлакат битта шахсга ишониб топширилган бўлса-да, аслида ўша шахснинг барча ота томонидаги қариндошларни (эркаклар) ерларга ва умумий бойликка биргаликда эгаллик қиладилар”.

Ўрта асрлар манбаларида муғул жамиятидаги хон ҳокимияти умумий кўринишда қўйидагича берилади: она ўз боласига ғамхўрлик қилгани каби, хон ҳам ўз қармоғидагиларга ва қўшинларга ғамхўрлик қилишга мажбур. Унинг қармоғидагилар ва қўшинлар эса, ҳукмдорни ўз отаси деб ҳисоблайдилар. Шунингдек улар ҳукмдорга сидқидилдан буйсунишлари, хоинлик қилмасдан хизмат қилишлари ҳамда унинг ҳокимиятини қўллаб-қувватлаш учун ўз жонларини қурбон қилишга рози бўлишлари лозим. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак муғуллар давлатида хон ҳокимиятининг қўйидаги ҳуқуқ ва вазифалари бор эди:

1.Хон ҳукмдор уруғининг бошлиғи ва қарам вассаллар ҳукмдори сифатида бутун мамлакат, улусларга тегишли ҳудудлар устидан олий ҳуқуққа эга бўлиб, унинг асосий вазифаси – мамлакатни ташқи душманлардан қуролли ҳимоя қилиш эди.


2.Хон уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш ҳуқуқига эга бўлиб, мамлакат кўшинларининг олий бошлиғи эди.

3.Хон бошқа давлатлар билан музокаралар олиб бориш ҳуқуқига эга бўлиб, мамлакатнинг ташқи сиёсий алоқаларини ҳам бошқарган.

4.Хон ўз қармоғидагиларни қатл этиш ва омон қолдириш ҳуқуқига эга бўлиб, мамлакатдаги бош қози вазифасини ҳам бажарган.

5.Хон қонунлар чиқариш ҳамда жамиятнинг барча аъзолари бажариши лозим бўлган фармонлар чиқариш ҳуқуқига эга бўлиб, жамоат тизими ва тартибни сақлаш вазифасини бажарган.

Бошқарувнинг қадимги муғул анъаналарига кўра, давлатдаги олий ҳокимият **хон** қўлида бўлган. Олий ҳокимият ҳуқуқини берувчи ягона манба – **олтин уруғ (Алтан уруғ)** хоҳиши бўлиб, олтин уруғ ўз хоҳиш – истагини шахзода ва аслзодаларнинг Қурултойида ифода этган. Олтин уруғнинг ҳар қандай аъзоси ўз фазилатлари билан шахзодалар ва олий аристократия томонидан хон бўлишга лозим топилса, хон бўлиб сайланган. Муғул жамиятида ноиблар, зодагонлар ва



аслзодалар турли-туман унвонлар бериш таъқиқланган. Абул Фараж Жувайнийнинг “Ясоқ”ларни шархлашига кўра, “подшо тахтига ўтирган кишига фақат битта **хон** ёки **қоон** унвони берилади. Унинг ака-ука ва қариндошлари фақат ўзининг номи билан аталади.” “Ясоқ”ларнинг бу қисмига жуда қаттиқ риоя қилинган бўлишига қарамай, XIV асрнинг ўрталаридан бошлаб Жўжи ва Чиғатой улусларида **султон** унвони ишлатила бошланди.


Муғул анъаналарига кўра, янги ҳукмдорни сайлайдиган **бутун муғул қурултойи** чингизийлар уруғининг ёши энг улуғи ёки вақтинча ҳукмдор томонидан қақирилган. Қурултой вақти олдиндан белгиланган ва чопарлар орқали барча улусларга хабар берилган. Белгиланган вақт ва аниқланган жойда улкан империянинг барча улусларидан шахзодалар ва уларнинг қариндош-уруғлари, маликалар, куёв-кўрагонлар, обрўли нўёнлар, амирлар, амалдорлар, шунингдек, муғулларга бўйсунган ҳукмдорлар ўзларининг қимматбаҳо ҳадя ва тортиқлари билан етиб келганлар. Қурултой бир неча ҳафта давом этган (мас., 1229 йилда 40 кун, 1246 йилда 4 ҳафта ва ҳок.)

Муғулларда ҳукмдор хон давлат бошқарувидаги олий ҳукмдор бўлиб, анъанага кўра, хон ҳокимияти умумий манфаатлар, жамиятдаги барқарорлик ва адолатлилик кафолати бўлган. Ҳукмдор хонадонининг ҳар бир вояга етган аъзосига, жумладан ҳукмдорнинг бева қолган хотинига империянинг умумий ҳудудидан маълум сондаги ҳунармандлар ва деҳқончилик туманлари берилган. Улардан келган фойда мулк эгасининг саройи ва кўшинлари эҳтиёжини қондиришга сарфланган.

Шу билан биргаликда ҳар бир вояга етган муғул шахзодаси эл (маълум уруғ-ва қабилалар) ва **юртга** (худудий воҳа, яйлов учун ерлар) давогарлик қилган. Бундай шароитда улар ўз улуси одамлари билан уларнинг қишги ва ёзги масканларида яшашлари ҳамда бошқарув ва солиқ йиғилишига аралашмасликлари лозим бўлган. Ўтроқ вилоятлар бошқаруви, деҳқончилик воҳалари ва ҳунармандчилик устахоналаридан солиқ йиғиш ва уни “керакли одамга юбориш” буюк хон томонидан тайинланган махсус шахслар, кейин эса маҳаллий ҳукмдорлар зиммасида бўлган.

Чингизийлар давлатида ҳарбий аслзодалар кўп бўлиб, Чингизхоннинг ўзи ҳам, ундан кейинги муғул хонлари ҳам уларни хон ва давлат олдидаги хизматлари учун тақдирлаб турганлар. Бундай тақдирланганлар **тархон** деб аталган. Улар турли солиқлардан озод қилинган бўлиб, ов пайтида ва урушларда қўлга киритилган ўлжалар уларнинг шахсий мулки ҳисобланган.

Муғилистоннинг ўзида ва салтанатнинг шарқий қисмларида Чингизийлар хонадони шахзодалари дастлаб **кобегун**, кейинчалик **тайжи** деб аталган. Чингизийлар давлатининг ғарбий қисмида шахзодалар бошқача аталган. XIII-XIV асрлар мусулмон муаллифлари асарларида дастлабки Чингизийлар **шахзода**, **подшозода** ёки оддий **форсча писар (ўғил)** деб аталган бўлса, ғарбий чингизийларнинг учинчи, тўртинчи ва кейинги авлодлари туркча **ўғил (огул)**, **ўғлон (оглан)** (одатда шахзоданинг номидан кейин) сифатида тилга олинади. Юқорида эслатганимиздек, XIV асрдан бошлаб (айниқса ғарбий Чингизийларда) нисбатан кенг тарқалган шахзодалар унвони **султон** ҳисобланади.



Хуллас, Чингизхон асос солган салтанат Марказий Европадан Ян денгизигача, Ўрта Ер денгизидан Ҳиндихитойгача бўлган улкан ҳудудни ўз ичига олганди. Маданий жиҳатдан бўйсундирилган халқлардан анча орқада бўлган Чингизийлар қарам ўлкалар тарихий тараққиётида салбий из қолдирди. Чингизхон асос солган салтанатда улусларга бўлиб бошқариш жорий қилинган бўлса-да, ҳар бир улус мустақил бўлибгина қолмай, улар ўртасида узоқ йиллар ўзаро урушлар бўлиб турди.

Чингизийлар ўртасидаги ўзаро урушлар. 1227 йилда Чингизхон вафот этганидан сўнг унинг давлати қуйидаги тўртта улусга бўлинди:

1. Жўжийлар (Жўжи авлоди) – Дашти Қипчоқ.
2. Чиғатойлар (Чиғатой авлоди) – Етгисув, Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон.
3. Хулагийлар (Тулухоннинг ўғли Хулагу авлоди) – Эрон.
4. Юань династияси (Тулухон авлоди) – Муғилистон ва Хитой.


Ушбу тўрт сулоланинг тарихий тақдири турлича кечди. Хитойда ҳукмронлик қилган Тулухон авлодлари (Юань сулоласи) хитойлашиб кетади. Улар Хитойда 1368 йилгача ҳукмронлик қилган бўлсалар, Муғулистонда XVII асргача ҳокимиятни бошқарадилар. Сўнгги хулагий ҳукмдори Абу Саид 1335 йилда вафот этгач, Эрондаги Хулагийлар давлати 1336-1353 йилларда инқирозга учрайди. Чиғатойлар сулоласи XVII аср охирларигача мавжуд эди. Жўжихонлар авлоди Дашти Қипчоқ ва бошқа ҳудудларда XIX аср ўрталарига қадар мавжуд эди. Бутун ҳукмронлик даврида улар ўртасидаги ўзаро урушлар деярли тўхтамади.

Чингизхоннинг қудратли давлат барпо этиш жараёнидаёқ йирик муғул зодагонлари, ҳарбийлари ўртасида иккита бир-бирига қарама-қарши бўлган йўналиш пайдо бўлади. Бу йўналишларнинг **биринчиси** – хон ҳокимияти, давлатнинг марказлашув жараёнлари, босиб олинган халқлар, уларнинг иқтисодиёти, маданияти ва динига бўлган ижобий муносабатлардан иборат эди.

Бу йўналиш тарафдорлари мусулмонлар ва карвон савдоси ташкилотчилари ҳомийси Угэдэй (1229-1241 йй.), солиқларни тартибга солиб, шаҳарлар қурилиши ва ўтроқлашув жараёнларига катта аҳамият берган Кебекхон (1318-1326 йй.) эди.

XIII аср охирларига қадар, реакция, биринчи йўналишга ўта душманлик кайфиятида бўлган **иккинчи йўналиш** ҳам кучли бўлиб, уларни муғул ҳарбий – кўчманчи зодагонларининг катта қисми қўллаб-қувватлар эди. Муғул анъаналари ва урф-одатларга содиқлигини сақлаган бу кўчманчи зодагонлар ўтроқ турмуш тарзига ва маҳаллий аҳолига душманлик кайфияти билан қарар эдилар. Улар босиб олинган халқлар маҳаллий зодагонлар билан яқинлашишни хоҳламай, ўтроқ аҳолига нисбатан талан-тарож объекти сифатида қарардилар. Улар шаҳарлар ва қалъаларни муғулларга қарши қўзғолон марказлари деб билардилар ва уларни вайрон этардилар. Шунингдек улар ислом ва маҳаллий маданиятларнинг душманлари эдилар.

XIII асрнинг ўрталарига келиб бу икки сиёсий кучлар ўртасидаги кураш анча сусайди. Чунки, барча муғул зодагонлари кенг кўламда давом этаётган босқинчилик урушларига фаол иштирок этиб, босиб олинган халқларнинг бошқарувига деярли аралашмай қўйдилар. XIII аср 60-йиллари охирларида ягона



муғул империяси бир нечта муғул давлатларига бўлиниб кетиши натижасида Чигатой улуси ташкил топади ва Чигатой зодагонлари ўртасида сиёсий кураш авж олади. Дастлабки иккита Чигатой хони – Муборакхон ва Бароқхон Мовароуннахрга яқинлашишга ҳаракат қилдилар. Муборакхон бир нечта муғул қабилалари (жалойирлар, саройлар, барлослар ва бошқ.) билан Еттасувдан Ангрэн дарёси воҳасига кўчиб ўтади ва 1266 йилда шу ерда хон қилиб сайланади. Бароқхон эса Чағаниёнда (Сурхон воҳаси) ўз мулкига эга эди.

Мовароуннахрда олиб борилаётган сиёсат кўчманчи муғул зодагонларининг қаттиқ қаршилигига учрайди. 1269 йилда Хайдухон Талас водийсида муғул шахзодалари ва нуёнларининг қурултойини тўплади. Бу қурултойда қабул қилинган қарорлар ўзаро келишув хусусиятига эга бўлди. Рашидиддиннинг маълумотларига кўра, қурултой қатнашчилари ўзаро келишиб, “бундан буён тоғларда ва даштларда яшашга, шаҳарлар атрофида туриб қолмасликка, экин экилган ерларга чорва бокмасликка, асосланмаган солиқлар солмасликка” қарор қилдилар.

Муборакхон ва Бароқхондан сўнг салкам ярим аср давомида Чигатой хонлари Мовароуннахрда ўз қароргоҳларини бунёд этишга ҳаракат қилмадилар. Уларнинг қароргоҳлари Еттасувда эди. Кўчманчи муғулларининг Еттасувга кўплаб кириб келиши, шунингдек, муғул кўчманчи зодагонларининг маҳаллий ўтроқ аҳоли манфаатларини менсимаслиги XIII асрнинг охирларига келиб бутун Еттасув ҳудудларининг яйловларга айланишига олиб келди. Шунингдек, И. В. Петрушевский маълумотларига кўра, 1273 йилги Бухорони вайрон этиб, ўт қўйилишига хулагийлар ва чигатойлар муғуллари биргаликда иштирок этганлар.

XIV асрнинг бошларида Чигатой хонлари яна маданий районлар билан барча алоқаларни тиклашга, улар бошқарувини қўлларига олишга, давлатни марказлаштиришга ҳаракат қила бошладилар. Хонларнинг бу сиёсати қишлоқ ва шаҳар аҳолиси тамонидан тўла қўллаб-қувватланди. Аммо, 1316-1319 йиллар давомида кўчманчилик турмуш тарзи ва бошқа урушлар тарафдори бўлган Чигатой шахзодаси Ясовур (хон Ясу Мунканинг ўғли) Мовароуннахр ва Хуросонда қирғинбарот урушлар олиб борди. Ясовур олиб борган урушлар натижасида ўтроқ аҳоли кўплаб азият чекди, хўрланди. Кўплаб экин майдонлари пайхон қилиниб, қишлоқлар, қалъалар, шаҳарлар вайрон этилди. 1319 йил июл ойида Кебекхон ва Ҳирот ҳокими Малик Гиёсиддиннинг бирлашган қўшинлари Ясовур қўшинларини тор-мор этди. Ясовур эса ўлдирилди.

1326-1334 йилларда ҳокимиятни бошқарган Оловиддин Тармаширин ўтроқ ҳаёт анъаналарини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Тармаширин сиёсатидан норози бўлган кўчманчи муғул зодагонлари 1334 йилда исён кўтариб уни ўлдиришади. Тармашириндан сўнг ҳокимият тепасида бўлган Чангши (1334 й.), Бўзан (1334-1338 йй.), Эсон Темур (1338-1342 йй.), Муҳаммад (1342-1343 йй.) лар даврида Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Аксинча, маҳаллий қабилалар ҳокимияти, уруғ бошлиқларининг таъсири бу пайтга келиб янада кучаяди ва Чигатой ҳукмдорлари ҳокимиятининг қудрати пасая бошлайди.



2-§. Жалолоиддин Мангуберди-юрт химоячиси.

Жалолоиддин Мангуберди-она юрт
химоячиси, жасур саркарда ва давлат
арбоби, халқимизнинг Спитамен,
Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир
Темур сингари тарихда ўчмас из
қолдирган миллий қахрамонидир


Ислом Каримов

Тарихимиздаги улуғ зотлардан бири муғул босқинчиларига қарши мардонавор курашган, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилган Жалолоиддин Мангубердидир. Ўрта аср мусулмон муаллифлари, жумладан унинг вазири ва мирзаси ҳам бўлган ан-Насавий уни Манкбурни, (яъни манк белги, хол деган маънода, холдор бурунли деган маънони англатган) номи билан аташган.

Жалолоиддин Мангуберди (Манкбурни) хотирасини абадийлаштириш ва тарихий адолатни қарор топтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси 1998 йил 24-сентябрда 408-сонли махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ буюк саркарданинг таваллуд тўйи кенг миқёсда нишонланиши қайд қилиб ўтилди. Жалолоиддин Мангуберди фаолияти, муғул босқини хусусидаги қимматли маълумотлар асосан ан-Насавийнинг «Сийрат ас султон Жалолоиддин Манкбурни» (Жалолоиддин Мангубердининг ҳаёт фаолияти) асарида учрайди. Шунингдек, Ибн ал-Асир Отамалик Жувайний, Рашидиддин каби ўрта аср мусулмон тарихчилари асарларида ҳам шу даврга оид қатор муҳим маълумотлар келтирилади. Мазкур давр бўйича XX асрдаги энг қимматли маълумотлар З.М.Буниёдовнинг «Хоразмшоҳ – Ануштегенийлар давлати» китобида қайд этилади.

Жалолоиддин оғир бир пайтда Мовароуннаҳр уруш домига тортилган, мамлакатнинг катта қисми муғуллар томонидан истило этилган, империя кўшини яқсон қилинган, амирларнинг бир қисми хоинлик йўлига, қолгани ўз жони-мулкини асраш йўлига тушган, султон мамлакатни ўз ҳолига ташлаб қўйган, ўзаро саросима ва таҳлика ҳукм сурган бир вақтда тарих саҳнасида пайдо бўлди. Жалолоиддин шундай бир оғир вазиятда, Ватан ва халқ эрки учун курашиб, муғулларга қарши 11 йил кураш олиб борди. 14 маротаба муғулларга қарши от суриб, унинг 13 тасида ғолибликни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Муғуллар босқини арафасида Жалолоиддин гарчи катта ўғил бўлсада, бувиси Туркон-хотун томонидан ҳокимиятдан четлатилган бўлиб, тахт вориси этиб Туркон-хотун уруғидан бўлмиш бошқа бир шахзода Қутбиддин Ўзлокшоҳ валиаҳд деб эълон қилинган эди.

Ғазна, Бомиён, Ал-ғур, Бўст, Такинобод, Замин-Давора ва Ҳиндистон билан чегарадош ерлар эса Жалолоиддинга мулк этиб берилган эди. Гарчи Жалолоиддин бувисининг изми билан марказдан четлатилган бўлса-да, лекин султон унга алоҳида муҳаббат билан қарар, унинг жасурлигини қадрлар ва уни ўзидан узоқлашиб кетмаслигини хоҳлар эди. Шунинг учун ҳам унга вазир




этиб таниқли давлат амалдори Шамс-ал Мулк Шаҳобиддин Алп Харавийни, ноиб (ўринбосар) этиб эса саркарда Кўзбар Маликни тайинлайди. Муҳаммад Хоразмшоҳ плеврит (ўпкага сув йиғилиш) касали билан оғриб тахминан 1220 йилнинг охирларида (ҳижрий 617 й.) қувғинликда Каспий денгизидаги Ашуради оролида вафот этади. Ўлими олдидан султон Жалололидинни тахт вориси деб эълон қилиб, султонлик баъзи рутбаларини унга топширади. Жалололидин ўз инилари Ўзлокшоҳ ва Оқшоҳлар билан отасини дафн этгач, 70 та кишиси билан тўғри Урганчга келади. Тез орада унга Хўжанд ҳокими Темур Малик ва бошқа эрксевар кишилар келиб кўшиладилар. Халқ Жалололидин Мангубердини шоду-хуррамлик ва катта умид билан кўтиб олади.

Лекин иниси Ўзлокшоҳ ва унинг тарафдорлари унга қарши фитна тайёрлаётганидан хабар топгач, бу алфозда муғулларга қарши курашиб бўлмаслигини тушунган Жалололидин 300 та кишиси билан яширинча Хоразмни тарк этади. Жалололидин 16 кун ичида Хоразмдан Хуросон ерларидаги Нисо кўрғони атрофига етиб келади. Чингизхон султон ўғилларининг Хоразмга қайтганликларидан хабар топгач агарда улар Хуросонга чекинмоқчи бўлсалар, уларга қарши чиқади деган мақсадда ўз кўшинидан Хуросоннинг ҳар ерига пистирмалар кўяди. Жалололидин Нисо яқинида ўзининг 300 та аскарлари билан муғулларнинг 700 кишилик отрядини зарбага учратади. Муғуллар батамом мағлуб этилади.

Бу вақтда Жалололидиннинг укалари Ўзлокшоҳ ва Оқшоҳлар саросимага тушиб, нима қилишларини билмай, Жалололидин кетидан улар ҳам Хуросонга кетишади. Муғулларнинг кичик отряди устидан ғалаба қозониб, бу ғалабага жуда катта эътибор бериб юборишади. Шундан сўнг айши-ишратга берилиб, Хуросоннинг Хабўшан шаҳри яқинида муғулларга қарши навбатдаги курашда қўлга тушиб, қатл этиладилар. Муғуллар қатл этилган шахзодаларнинг каллаларини намойишкорона тарзда бирмунча вақт Хуросонда олиб юришади. Жалололидиннинг яна бир иниси Рукниддин Ғурсанжий (манбалар унга «акл-заковат ва кўркамликда тенги йўк» деб таъриф беришган) Эроннинг Устунаванд қалъасида 6 ой муғулларга қарши кураш олиб бориб, мардонавор тарзда ҳалок бўлади. Жалололидин эса бу вақтда Нишопурга етиб келади. Бир ой давомида муғулларга қарши курашиш мақсадида барча амир, саркардаларга қўшин йиғиш хусусида мурожаат қилади. Муғуллар унинг ушбу фаолиятдан хабардор бўлганликларини билгач, Завзон (Нишопур ва Ҳирот оралиғида) туманидаги Ал-Қоҳира қалъасига келиб ўрнашади. Афсуски, бу вақтда маҳаллий ноиб ҳокимлар унинг атрофида жипслаша ололмайдилар. Ҳали етарли кучга эга бўлмаган Жалололидин қалъада узок туриш хавфли эканлигини тушуниб, Ғазна томон йўл олади.

Чингизхон эса бу вақтда улкан қўшин билан Хуросонга изма-из келаётган эди. Жалололидин Ғазнага етмасдан яқин орада Ҳирот ҳокими ҳамда қайинотаси бўлмиш Амин Малик билан учрашади ва улар биргаликда Қандаҳор қалъасини қамал қилаётган муғуллар устига юриш қиладилар. Жалололидин бу курашда ҳарбий илм тарихида илк бора “пиёда




ёйандозлар”ни муғулларнинг отлик аскарларига қарши қўяди. Инглизлар кейинчалик бу ҳарбий усулга юқори баҳо бериб, ўзларининг Кресс ёнидаги машҳур жангларда ундан фойдаланишади. Уч кунлик жангдан сўнг муғуллар мағлуб этилиб Жалолоддин ғолиб бўлади ва у Ғазна томон йўл олади.

У 1221 йилнинг февралида Ғазнага кириб келади. Манбаларнинг қайд этилишича, халқ Жалолоддинни жуда катта тантана билан кутиб олади. Шаҳар худди хайит байрамидек шоду-хуррамликка тўлади. Ғазнада Жалолоддин хизматига Сайфиддин Ўғроқ ал-Халажий, Балх ҳокими Аъзам Малик, афғон қабилалари сардори Музаффар Малик ва қарлуқлар раҳбари ал-Ҳасан қарлуқ ўз қўшинлари билан қўшиладилар. Жами қўшиннинг сони тарихчиларнинг хабарига кўра 90-130 минг киши атрофида бўлган. Чингизхон Жалолоддиннинг куч-қудратини ошиб бораётгани ва муғуллар ундан Қандаҳорда зарбага учраганлигидан ғазабланиб, нўён Шики Хутуху бошчилигидаги қўшинни унинг устига юборади. У 1221 йилнинг кузида Жалолоддин ерларига яқинлашиб келади.

Жалолоддин бир хамладаёқ муғулларни зарбага учратишга муваффақ бўлади. Бу жангда муғулларнинг 1000 дан ошиқ кишиси ҳалок бўлади. Кўплаб тарихчилар жумладан, ибн ал-Асир, Жувайний, Рашидиддин бу жангга юқори баҳо берган эдилар. Жалолоддиннинг муғулларга қарши муҳим жангларидан бири 1221 йилнинг кўзида шимолий Афғонистоннинг Лагар дарёси бўйидаги Парвона дашти яқинида бўлиб ўтади. Бирлашган қўшинга шахсан Жалолоддиннинг ўзи лашкарбошилиқ қилиб, ўнг қанотга Амин Малик, чап қанотга Сайфиддин Ўғроқ бошчилик қилишади. Муғуллар жон-жаҳдлари билан курашга кирадилар. Ҳатто Шики Хутухунинг буйруғи билан Жалолоддин қўшинига хавф туғдириш мақсадида ҳар бир муғул аскарни орқасига тулуп ўтказиб ҳам қўйишади. Парвона жанги муғулларнинг мутлақ мағлубияти билан тугаб Шики Хутуху қолган қутган қўшини билан Чингизхон ҳузурига базўр қочишга улгуради.

Парвона яқинидаги жанг Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳли учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу пайтгача муғулларнинг илоҳий, енгилмас куч-қудратга эгаликлари хусусидаги гап сўзларга, афсоналарга чек қўйилди. Жалолоддиннинг ғалабасидан Мовароуннаҳр ва Хуросон халқларининг руҳи кўтарилди, ғалаба таъсирида Сарахс, Марв, Ҳирот ва бошқа Хуросон шаҳарларида муғулларга қарши халқ исёнлари бошланиб кетди. Бухорода бош кўтарган аҳоли эса муғулларни шаҳардан сиқиб чиқаришга муваффақ бўлди. Чингизхон Жалолоддиннинг кучайиб бориши, унинг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланилиши муғуллар босиб олган ерлар учун қанчалик хавф туғдиришини яхши англаб етган эди. Шу сабабдан ҳам шахсан ўзи Жалолоддинни қандай қилиб бўлмасин мағлуб этиш мақсадида шитоб билан катта қўшинга бош бўлиб, жануб томон йўл олди.

Жалолоддин қўшини Парвона жангидан сўнг катта ўлжани киритган эди. Ушбу ўлжанинг тақсимланиши вақтида Жалолоддиннинг икки саркардаси Амин Малик ва Сайфиддин Ўғроқ ўртасида ихтилоф чиқади. Ихтилоф натижасида Сайфиддин Ўғроқ ва ундан кейин бошқалар ҳам қўшиндан ажраб



чиқиб кетадилар. Жалололидиннинг қўшини камайиб, у ниҳоятда оғир оғир аҳволда қолади. Жалололидиннинг уни тарк этган саркардаларга қайта иттифок тузиш, душманга қарши биргаликда кураш олиб бориш тўғрисидаги мурожаати зое кетди. Жалололидин ичак оғриғи касалига дучор бўлиб турган пайтида муғулларнинг илғор гуруҳи Гардезга (Ғазнадан 50 км. шарқда жойлашган шаҳар) ўрнашганлигидан хабардор бўлади. Жалололидин хасталигига қарамасдан Гардездаги муғул аскарларига тўсатдан зарба бериб, уларни мағлубиятга учратади. У Чингизхонга қарши озчилик қўшин билан кураша олмаслигини англаб, Синд (Ҳинд) дарёси бўйига чекинишга қарор қилади.

Жалололидинни қандай қилиб бўлмасин мағлуб этиш ва уни қўлга тушириш илинжида бўлган Чингизхон уни изма-из таъқиб этиб келади. Жалололидинни таъқиб этиб келаётган муғулларга айниқса Бамиён қалъаси қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Бамиён қамали вақтида Чигатойнинг ўғли, Чингизхоннинг суюкли набираси Мутулк ҳалок бўлади. Бундан дарғазаб бўлган Чингизхон қалъадан биронта ўлжа, биронта одамни асирликка олмай барча қалъа аҳлини қириб ташлашни буюради. Ер билан яксон қилинган собиқ Бамиён қалъаси кейинчалик муғуллар томонидан Мўбалиқ (яъни аҳмоқона шаҳар) номини олади.

Ниҳоят 1221 йилнинг 25 ноябри, пайшанба куни (ҳижрий 618 йил шаввал ойининг саккизинчи куни) Синд дарёси бўйида уч кун давом этган ҳал қилувчи жанг бошланди. Бир қатор ўрта аср мусулмон тарихчиларининг таъкидлашларича, бундай қонли, кескин ва даҳшатли жанг тарихда рўй бермаган экан. Жалололидин ва унинг қўшини мисли кўрилмаган даражада жасорат ва баҳодирлик намуналарини кўрсатдилар. Фақат учинчи кунга келиб, Чингизхон қўшини устунликка эриша бошлади. Чингизхон қандай қилиб бўлмасин Жалололидинни тириклайин қўлга олишга буйруқ беради. Жалололидин эса уни қўлга олишга интилаётган муғул қўшини кўршовини шахсий баҳодирлиги билан ёриб чиқиб, Синд дарёси бўйига етиб келишга муваффақ бўлади. Дарё бўйида онаси Ойчечак ва ҳарамдаги бошқа аёллар уни кутиб туришар эди. Шундоқ ҳам бу жангдан руҳий ва жисмонан эзилган Жалололидинга улар "... бизни ўлдилинг ва машъум асирликдан қутқаринг" дея мурожаат қилишади. Жалололидин барча ҳарам аёлларини сувга чўктиришга кўрсатма беришдан бошқа иложи қолмайди. Ўзи эса оти билан сувга сакраб, дарёнинг нариги бети-Ҳиндистон томонга сузиб ўтади.

Жалололидиннинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмаслиги, унинг жасорати ва мардлигига Чингизхон ҳам тан беради. Тарихчилардан Жувайний, Рашидиддин ва бошқаларнинг ёзишларига қараганда Жалололидиннинг жасоратига қойил қолиб Чингизхон ўз ўғилларига қарата "Отанинг фақат шундай ўғли бўлиши лозим. У оловли жанг майдонидан ўзини қутқариб, ҳалокатли гирдобдан нажот қирғоғига чиқдим, ундан ҳали улуғ ишлар ва қиёматли исёнлар келади!",-деди ва унинг орқасида таъқиб этишни таъқиқлади.




Рашидиддиннинг ёзишига кўра, Жалолиддин дарёдан тахминан 120 тирик қолган кишилари билан Ҳиндистон қирғоғида учрашади. Жалолиддин ҳам тирик қолганлар ҳам маънавий-руҳий ҳам оғир жанглардан жисмоний эзилган ҳолда мураккаб бир аҳволда қолишган эди. Бу вақтда Шатрадаги маҳаллий ҳинд рожаларидан бири 40.000 чоғли отряди билан дарёнинг бу бетига сузиб ўтган хоразмликларни қириб ташлаш учун етиб келади. Фақатгина Жалолиддиннинг тенгсиз баҳодирлиги ва қаҳрамонона ҳатти-ҳаракати туфайли рожа ўлдирилиб, кўшин орқага чекинади. Бу жангдан хоразмшоҳ аскарларининг руҳи ҳам кўтарилиб, тез орада Жалолиддин ўз атрофига 3 минг кишилик аскарни йиғишга муваффақ бўлади. Оғир вазиятларда ҳам ўзини йўқотмасдан, қадди букилмаган саркарда Ҳиндистонга ўтгач, Синд дарёси бўйидаги ерларни ишғол қила бошлайди. Тез орада Жалолиддиннинг ҳокимиятини Дехли султони Шамсиддин Элтутмиш (1211-1236) ва Синд, Учча, Мўлтон, Лохур ва Пешовар ҳокими бўлмиш Носириддин Қубача (1205-1227) ҳам тан оладилар.

Ҳиндистонда Жалолиддин 1223 йилнинг охирларигача бўлиб, хоразмшоҳларнинг азалий мулки бўлган Ироқ ва Эронни ўз измига киритиш мақсадида йўлга отланади. Ўз ўрнига ноиб этиб, таниқли саркарда Жаҳон полвон Ўзбекни қолдириб кетади. Жаҳон полвон то 1229 йилгача Ҳиндистон мулкларини бошқариб, сўнгра Жалолиддин ҳузурига Ироққа қараб кетади ва унинг ҳарбий юришларида елкадош бўлиб хизмат қилади. 1224 йилнинг бошида Жалолиддин Кирмонга келиб, Кирмон султони бўлмиш укаси Гиёсиддиндан ёрдам учун 4000 кишилик кўшин олади. У ўзининг асосий мақсади муғул истилочиларига қарши курашиб, мустақил давлат яловини тиклаш эканлигини билдиради.

Жалолиддин муғулларга қарши биргаликда кураш олиб бориш мақсадида укаси Гиёсиддин Пиршоҳ, Бағдод халифалари аз-Зоҳир (1225-1226), сўнгра ал-Мунтансир (1226-1242), Гуржистон маликаси Русудана ва бошқаларга мурожаат қилади. Лекин муғуллар қасоси, қолаверса Жалолиддиннинг ҳокимияти кучайиб кетишидан чўчиган кўпчилик мусулмон ҳоким, ҳукмдорлари у билан иттифоқ тузишни хоҳламайдилар. Бағдод халифалиги, исмоилийлар ҳокими Муҳаммад III (1221-1255)лар эса муғуллар билан яқинлашишга, Жалолиддинга қарши очикдан-очик курашишга бел боғлайдилар. Малика Русуданани ва унинг вазири Авак билан ўзаро иттифоқ хусусидаги таклифлари зое кетгандан сўнг 1226 йил февралда саркарда Гуржистонга юриш қилади. Гуржистон қаттиқ жанг ила эгалланиб, бу ерда кўплаб машъум воқеалар бўлиб ўтади. Бош кўтарган Гуржистон иккинчи маротаба 1228 йил эгаллангач, бу ерлар қаттиқ талон-тарож қилинади.

Бир вақтнинг ўзида Жалолиддин Мангуберди Кирмонда унга қарши бош кўтарган хиёнаткор Барак Ҳожибга, исмоилийларга ҳам қарши кураш олиб боришга тўғри келади. Шунингдек, аҳамиятли ҳисобланган Арарат тоғлиқлари этакларида жойлашган Хилат қалъаси ҳам Жалолиддинга узок вақт мобайнида қаршилик кўрсатади. 1227 йили охирларида муғулларнинг Эронга кириб келиши ниятлари борлигини билган Жалолиддин уларга қарши




катъий жангга киришга тайёргарлик кўради. Муғулларнинг ўша йи юборилган 2000 кишилик авангарди тор-мор этилиб, улардан 400 таси Исфаҳонда намоишкорона тарзда қатл этилади. 1228 йил 25 августида Эронни забт этиш учун келган Тайнал нўён бошчилигидаги муғул истилочилари билан Исфаҳон яқинида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтди. Гарчи жанг вақтида укаси Ғиёсиддин хоинлик қилиб, ўз қўшини билан Луристонга чекинган бўлса-да, Жалолиддин катъий равишда бу ҳолатга эътибор қилмай кураш олиб боради. Манбаларнинг сўзлашича, ҳатто муғул нўённинг ўзи “Сен ҳақиқатдан ҳам ўз даврининг эркак ўғлони экансан”,- деб унинг жасоратига тан берган экан. Жалолиддин бу жангга буткул ғолибликни қўлга киритади. У саккиз кун мобайнида Эрондаги муғулларни изма-из таъқиб этиб уларни мамлакатдан ҳайдаб чиқаради.

Жума куни эрта тонгда музаффар саркарда сифатида Исфаҳонга кириб келгач, халқ уни ғолиб султон сифатида шоду-хуррамлик билан кўтиб олади. Жалолиддиннинг зафарли ғалабаси овозаси бутун ислом оламига кенг тарқалади. Ўша йили ҳатто муғулларнинг буюк хони бўлмиш Угедей Жалолиддиннинг муғуллар илкига тушиб қолган эгачиси Хонсултон орқали мактуб юбориб, у билан сулҳ тузиш нияти борлигини ҳам баён қилади. Жалолиддин бу дипломатик келишувдан воз кечиб, хатни жавобсиз қолдиради.

Жалолиддин мураккаб ва зиддиятли даврда яшади. Шубҳасиз у ўз даврининг фарзанди эди. У қўшинларининг кўплаб ҳарбий юришлар вақтида талончилик, зўравонлик қилишларига гоҳида кўз юмди, хонавайрончилик келтирувчи ишларга бош қўшди. Бу эса Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Гуржистон аҳлида салбий фикрларнинг кўпайишига, норозиликларнинг кучайишига ҳам олиб келган. Лекин нима бўлганда ҳам Жалолиддин Мангуберди ўзининг асосий мақсади муғул истилочиларига қарши курашиш эканлигини ёдида сақлади. Бу курашда у ён-атрофдаги мусулмон ҳукмдорларининг қўллаб қувватлашларига умид боғлаган эди. Лекин кўп ҳолда улар билан умумий тил топа олмаслиги, унинг ташқи сиёсат борасидаги заиф томонидан далолат берар эди. Ўз вақтида турк, араб, мусулмон ҳокимлари унинг ҳокимияти Яқин Шарқда кучайиб кетишидан хавфсирашар, у билан иттифоқ тузишни хоҳлашмас эди. Уларнинг баъзилари ҳатто муғуллар билан очикдан-очик яқинлашиш тарафдори эдилар. Айниқса, Хилат қалъасининг Жалолиддин томонидан эгалланиши унга даъвогар ҳокимларнинг иззат-нафсини топтаган эди. Жалолиддин унга қарши иттифоқ вужудга келганидан хабардор бўлса-да, ҳар ҳолда, ҳеч бўлмаганда уни туркий ҳукмдорлар қўллади деб янглишган эди.

1230 йил 10 августида Куния султони, Химс ҳокими, Ҳалаб ҳокими, Майафириқин ҳокими ва Байнас ҳокимларининг бирлашган иттифоқи Жалолиддинни мағлуб этади. Исмоилийлар эса буткул хоинлик йўлини тутиб Жалолиддиннинг мағлубияти тўғрисида муғулларга яширин нома ҳам юборадилар. Жалолиддин мағлубиятидан фойдаланган муғуллар унинг Озарбайжоннинг Муғон, Ширкабутдаги қўшин йиғиши мумкин бўлган




жойларига қўққисдан зарба беришади. 1231 йил баҳорида у Ганжага келиб барча гина-кудратларини унутиб, яна муғулларга қарши иттифоқ тузиш учун мусулмон ҳукмдорларига мурожаат этди. Лекин унинг таклифи жавобсиз қолиб кетди. Шунда Суриядаги Амида қалъаси ҳокими уни ўз олдига чорлайди. У Ироққа бориб яна қўшин тўпламоқчи бўлади.

Амида йўли яқинида унга тўсатдан муғуллар ҳужум қилиб қолишади (1231 йил август боши). Уни 15 чоғли муғул навкарлари таъқиб этишади. Жалолоддин ўз шерикларидан ажраб, Майафариқин (Ҳозирги Туркиянинг Силван вилояти) яқинида Айн-ад-дар қишлоғига келади. Ушбу тоғлик қишлоқда у курдлар қўлига тушади. Ўзини султон деб таништиргандан сўнг уни курдлар ўлдиришга жазм этмайдилар. Уни тегишли жойга етказиб қўйиш эвазига мукофот ваъда қилади. Лекин курдлар раҳбари хонадонидан жой олган, ҳориб-толган Жалолоддинни, бошқа бир курд кишиси улган иниси хуни эвазига ўлдиради. Бу воқеа тахминан 1231 йилнинг август оyi 17-20 саналари оралиғида рўй беради. Эртаси куни султон буюмларни сотиб юрган курд хусусида Майафариқин ҳукмдори ал-Малик ал-Музаффарга хабар беришганда у қишлоққа ўз саркардаси Шаҳобиддин ғозийни юборади. Шаҳобиддин ғозий султон жасадини олиб, қишлоқ эркаклари барини ўлдиради ва қишлоққа ўт қўйиб юборади. Муаррих ан-Насавий буни эшитиб шахсан Майафариқинга келади. Жалолоддиннинг тоғаси, вазир Ўтурхон унинг жасадини таниб, қаттиқ изтиробга тушди. Жалолоддин Мангубердиннинг мурдаси Майафариқинга дафн этилиб, муғуллар кириб келгудек бўлса, ҳақоратланмасин деган мақсадда гўри ер билан текислаб юборилади.

Унинг ашаддий душмани Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Ашрафга султон ҳалокати хусусида хабар етказиб суёнчи сўраганларида, у қайғуга ботиб: ”Сизлар унинг ўлими билан мени кутламоқчимисизлар? Аммо сиз воқеанинг аччиғини татиб кўрасизлар. Оллоҳ номи билан қасам ичаманки, унинг ҳалокати ислом оламига муғулларнинг бостириб киришини англатади. Эндиликда биз билан Яъжуж ва Маъжужлар ўртасида девор бўлиб турган Хоразмшоҳдек одам йўқдир”, -деб жавоб берган эди. Ибн Восил эса уни “муғуллар ва мусулмонлар орасидаги истехком бўлган” деб таърифлаган эди. Жалолоддиннинг ўлиmidан сўнг унинг шонли номи тез орада халқлар тилида дoston бўлиб кетди. “Жалолоддин тирик”, “Жалолоддин қайтиб келаяпти” деган овозалар узоқ вақтгача муғулларни таҳликага солиб келган. Ўзини “мен Жалолоддинман” деб номлаган турли шахслар муғулларга қарши кўп ҳолатда исён ва кўзғолонларга бошчилик қилганлар (масалан, 1236 йили Эроннинг Устундорида кўтарилган кўзғолон, 1255 йили Амударё бўйидаги воқеалар ва ҳақозо).

Мусулмон тарихчилари ўз асарларида ҳамиша уни мард ва жасур саркарда сифатида таърифлашган эди. Жалолоддин Мангубердини шахсан билган ан-Насавий у тўғрисида шундай таъриф берган эди:

“У туркий бўлиб, қора мағиз юзли, бурни олдида қора холи бор ўрта бўйли йигит эди. Форс тилида ҳам бемалол сўзлаша олар эди. У



довюракликда тенги йўк, шерлар ичида арслон, отликлар ичида энг жасу, эди... қисқа сўзли, ҳеч қачон сўкинмаган, ёмон сўзларни ўзига эп кўрмаган, жуда жиддий, атрофдагилар олдида ўзини сипо тутар, ҳеч қачон кулмас, фақатгина табассум қилиб қўяр эди холос. У адолатни севган, лекин замон зайли уни ўзгартиришга мажбур қилган. У ўз фуқароларини дардини енгиллаштиришга ҳаракат қилган, шуни хоҳлаган, лекин таназзул даври бўлганлиги боис ҳам зўравонликка йўл берган. Ўзини улуғлашларини истамаган. Бачкана таърифларни ёқтирмаган, фақат султон дея мурожаат қилишларини сўраган. Унинг фармонларида ёлғиз сўз: ”Ёрдам ёлғиз Оллохдандир!” деган шиор бўлган.»

1999 йил ноябрда Жалолоддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигининг кенг нишонланиши, унинг ватани Хоразмда унга маҳобатли хайкал ўрнатилиниши, юртбошимиз таъкидлаганидек “ғаним олдида бош эгмаган, тиз чўкмаган. Ватан дея ҳалок бўлган” миллий қаҳрамонимизга халқимизнинг эҳтироми, муҳаббати, аждодлар хотирасини муқаддас сақлаши рамзи бўлиб қолди.


3 -§. Чиғатой улуси.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Чингизхон ҳали ҳаётлигидаёқ ўзи ташкил этган улкан салтанатни ўғиллари ўртасида тақсимлаб берган эди. Натижада муғуллар босиб олган ҳудудларда тўрта давлат, яъни, тўртта улус вужудга келди. Манбаларга кўра, Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чиғатойга Олтой тоғларининг жанубий сарҳадларидан то Амударё ва Синдгача бўлган ерлар берилган бўлиб, бу улус таркибига Шарқий Туркистон, Еттисувнинг катта қисми ва Мовароуннаҳр ҳамда ўнг қирғоқ Амударёдаги Балх, Бадахшон, Ғазна, Қобул каби ҳудудлар кирган. Муғуллар ўртасидаги ўзаро урушлар натижасида ҳудудлар қўлдан қўлга ўтиб турган бўлса-да, улуснинг ўзаги сақланиб қолган эди.

Чингизхоннинг иккинчи ўғли бўлган Чиғатойнинг қачон туғилганлиги аниқланмаган. Ҳали Чингизхон ҳаётлигидаёқ Чиғатой “Ясоқлар” ва муғул қонунларининг ҳамда анъаналарининг билимдони сифатида шуҳрат қозонган эди. Чиғатой мулкларининг асосий қисми Еттисувда бўлиб, Эл Аларгу деб аталган. Унинг бош шаҳри Или дарёси водийсидаги Олмалик шаҳри эди.

Манбаларнинг хабар беришичи, Ботухон (1227-1255 йй.), Ўгэдэй (1229-1241 йй.) ва Мункэхон (1251-1259 йй.) лар замонида муғуллар салтанати ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим ўрин тўтиб, Олтин Ўрда хонлигига асос солинди. Булғор вилояти, Қрим ва унга қарашли денгиз бўйи шаҳарлари, Кавказнинг Дарбанд, Боку шаҳарларигача, Хоразмнинг шимоли Урганч шаҳри билан Ғарбда Днестрдан бошланган чўллар, Шарқда эса Ғарбий Сибир ва Сирдарёнинг қуйи оқимларигача бўлган ерлар Олтин Ўрдага қараган. Чиғатой ўз ерларига мулк сифатида эгаллик қилган эди.

Рашидиддин маълумотларига кўра, муғуллар давлатида Ўгэдей хукмронлиги даврида Чиғатой бутун империяда шу қадар кучли ҳокимиятга эга эдики, ҳатто буюк хоннинг ўзи ҳам “унинг маслаҳати ва кўрсатмаларисиз”



муҳим қарорлар чиқара олмас эди. Аммо, шунга қарамасдан Чиғатой бу улуснинг мустақил ҳукмдори эмас эди.


Мусулмон манбаларида бўлгани каби, Хитой манбаларида ҳам Чиғатой чеҳрасида кулги бўлмаган, қармоғидагиларни кўрқувда ушлаб турадиган, зулмкор шахс сифатида тасвирланади. “Ясоқлар”нинг билимдони ва назорат қилувчиси бўлган Чиғатой муғул қонунлари бузилишини жуда шафқатсиз жазолаган. Мусулмон қонунлари кўпинча “Ясоқ”ларга мос келмаслиги туфайли у исломга яхши муносабатда бўлмаган. Тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра Чиғатойнинг номи қуйидагиларда сақланиб қолган:

1. Ўрта Осиёдаги муғул давлатининг расмий номланиши атамасида.
2. Чиғатой давлатининг ҳарбий кучларини ташкил этган кўчманчилар номида.
3. Ўрта асрлар Ўрта Осиёда шаклланган адабий тил номида.
4. Жойларнинг номланишида.

Чиғатой улуси таркибига кирган ҳудудлар ўз географик жойлашувига кўра, Чингизхон асос солган улкан салтанатнинг ички ва ташқи, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳамда алоқаларида, элчилик муносабатларида катта ўрин тутарди. Мисол учун, Чингизхон ва унинг дастлабки ворислари даврида салтанат пойтахти бўлган Қорақурум, кейинчалик Хонбалиқ (Пекин) шаҳарларини Дашти Қипчоқдаги Олтин Ўрда ва Эрондаги Хулагийлар давлати билан боғловчи муҳим алоқа – савдо йўллари муғуллар салтанатининг марказида жойлашган Чиғатой улуси ҳудудидан ўтарди. Чиғатой улуси ҳукмдорлари Буюк ипак йўлининг марказий йўналишини назорат қилган бўлсалар, Жўжи улусига бу йўлнинг шимолий йўналиши назорати юклатилган. Бу йўналишда Волга бўйи шаҳарлари билан бирга Хоразм воҳаси ҳам катта ўрин тутганлиги туфайли, Хоразмнинг ғарбий қисми Жўжи улуси таркибига киритилган. Умуман олганда, Чиғатой улуси даврида Хитой, Марказий Осиё ва Дашти Қипчоқдаги кўпгина ҳудудларда турк-муғул зодагонлари савдо-транзит йўллари устидан ўз назоратларини ўрнатадилар.

Чиғатой улуси ташкил топгач, Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистоннинг маданий вилоятларини улуғ хон томонидан тайинланган Маҳмуд Ялавоч бошқарган. Улуғ хон шунингдек, Мовароуннаҳрдаги муғул қўшинлари бошлиқларини ҳам тайинлаган. Бу бошлиқлар кўп ҳолларда барлос, жалойир, қовчин ва орлат қабилаларидан бўлган. Ибн Арабшоҳ маълумотларига кўра, жалойирлар Амударёнинг шимоли, Бухоронинг шарқий томонларида, барлослар Қашқадарё воҳасида, орлатлар Афғонистоннинг шимолида жойлашганлар. Маҳмуд Ялавоч ҳам Мовароуннаҳрда олиб борган сиёсатида кўпинча шу қабилаларга суяниб иш кўрган.

Муғуллар кўчманчи халқ бўлганлиги учун бошқарув ишларига нўноқ эдилар. Асли хоразмлик бўлган Маҳмуд Ялавочнинг Мовароуннаҳр ноиб итиб тайинланиши бежиз эмас эди. Чиғатой улусидаги ҳарбий бўлмаган ҳокимият, одатда, маҳаллий аҳоли орасидаги билимли ва юқори мавқега эга бўлган шахсларга берилган. Ўтроқ халқларни бошқариш, зодагонларни итоатда сақлаш учун бошқарувдаги зарур билимлар ва тажрибалар керак



бўлган ҳолларда муғуллар орасида ҳарбий бўлмаган ҳокимиятдаги олимлар ва лавозимларни эгаллашга қодир шахслар деярли йўқ эди. Жўвайний маълумотларига кўра, Чингизхон ҳаётлиги давридаёқ муғул зодагонларининг ёш болалари, ҳукмдор хонадоннинг болалари махсус ўқитилган бўлса-да, Чингизхоннинг ўзи ҳам, унинг авлодлари ҳам билимли шахсларга, маъмурий бошқарувчилар ва амалдорларга, табиблар ва олимларга, савдогарлар қабилаарга жуда катта эҳтиёж сезганлар. Шунинг учун ҳам Қорақурумдаги буюк хон ва улус хонларининг саройларида бўйсундирилган халқлар вакиллари, айниқса, мусулмон маданияти вакиллари катта иззат-обрўга эга бўлганлар.

Мисол учун, келиб чиқиши мусулмон бўлган Ҳабаш ал-Ҳамид (айрим маълумотларда ўтрорлик, айримлари карманалик дейилади), Чигатойнинг маҳслахатчиси бўлган. Чигатой улусининг ҳарбий бўлмаган бошқаруви хоразмлик Маҳмуд Ялавочга, кейин эса унинг ўғли ва набираларига топширилган. Муғилистоннинг ўзида ва Чигатой улусида бўлиб турган норозиликларга қарамай Ялавоч хонадони Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистондаги бошқарувни XIV аср бошларига қадар ўз қўлларида сақлаб қолдилар. Шунинг учун ҳам манбаларнинг маълумот беришича, Чигатой муғул зодагонлари Мовароуннаҳрдаги маҳаллий зодагонлар, амалдорлар ва савдогарлар орасидан тажрибали маъмурлар, солиқ йиғувчилар ва бошқарувчиларни топишда қийналмаганлар. Шу сабаб бўлса керакки, аста-секинлик билан Бухоро садрлари, Термиз сайидлари, Шош, Тароз, Ўтрор, Хўжанд маликлари ўз мулкларига эгалик қилишни тиклаб оладилар.

Чигатой улусига дастлабки ноиб этиб тайинланган Маҳмуд Ялавоч ихтиёрида муғулларнинг таянчи бўлган солиқ йиғувчи муғул **босқоқлари**, маҳаллий ҳокимлар, ҳарбий маъмурлар – **доругалар** ҳамда муғул ҳарбий бўлинмалари бор эди. Ялавоч Хўжандда туриб ўз қўл остидаги ҳарбий бўлинмалари ёрдамида давлатни бошқарган ва солиқлар йиғар эди. Бухорода эса маҳаллий зодагонлар ва руҳонийлар вакиллари бошқарувни ўз қўлларига олган эдилар. Улар маҳаллий амирлар ва садрлар ҳисобланган.

Маҳмуд Ялавоч давридаёқ (1227-1239 йй.) кўпчилик аслзода зодагонлар, савдогарлар ва қисман уламолар ҳам ўз жонлари ҳамда қолган мол-мулкларини сақлаб қолиш мақсадида муғуллар хизматига ўта бошлаган эдилар. Улусда ўзларини таянч ва қўллаб-қувватловчи кучлари бўлишини хоҳлаган муғул ҳукмдорлари ҳам бу тоифадаги кишиларга раҳнамолик қилар эдилар.

Чигатой улусида вилоят ҳукмдорлари **хон**, олий ҳукмдорлар эса **қоон** ёки **хоқон** деб юритилган бўлиб, улар даврида ўлпону солиқлар миқдори оша бориб, янги солиқлар ҳам жорий этила бошланади. Мисол учун, манбаларга кўра, бу даврда янги ер солиғи- **калон** жорий этилиб, бу солиқ ҳосилнинг ундан бир қисми миқдорида олинган. Муғулларнинг 1235 йилги қурултойидан сўнг эса ҳар бир бош чорва молидан олинадиган солиқ **қолчур** жорий этилади. Унга кўра, ҳар 100 чорвадан биттаси солиққа тўланган. Шунингдек “Ясоқлар”га кўра, давлат хазинаси учун **шулен** ёки **шулси** солиғи



жорий этилган. Бу солиқ чорвадорлардан ҳар сурувдан бир қўй ва қимиз у-ч, ҳар минг бош отдан битта бия ундирилган.


Бу даврда ҳунармандларнинг ҳам аҳволи яхши эмас эди. Улар маҳаллий хонларнинг мулки сифатида қулларча ишлатилиши билан бирга, солиққа ҳам тортилган эдилар. Ҳунармандлардан ва савдогарлардан олинадиган солиқ **тарғу** ёки **тамға** деб аталган. Бу солиқ ишлаб чиқарилган ҳамда сотилган маҳсулотнинг ўттиздан бир улуши ҳажмида бўлган. Чиғатой улуси даврида ер эгаллиги муносабатлари ҳам ўзгариб, янги инъом этилган ерлар **суюрғол** номини олган эди. Суюрғол ҳажми жиҳатдан (унинг таркибида жуда катта ер майдонлари ва сув ҳавзалари, дашт-яйловлар ҳам кирган) икътадан фарқ қилган. Бу даврдаги давлат, мулк (хусусий ерлар), вақф(диний идоралар ихтиёридаги ерлар) ерларда кўп ҳолларда ижарага чоракор деҳқонлар меҳнат қилишган. Бундай ижарадор ўртаҳол деҳқонлар **мўзариёлар** деб аталган.

Буюк Ҳоқон Ўгэдэй (1229-1241 йй.) давридаёқ муғуллар ўзларининг хизматида бўлган айрим зодагонларга, катта ер эгалари ва савдогарларга **барот** (ижара ёрлиғи) ва **пайзалар** бера бошланган эдилар. Пайзалар қимматбаҳо металллар (олтин, кумуш, бронза) ёки ёғоч тахтачалардан ишланган бўлиб, унга нуённинг муҳри қўйилган. Бундай пайзага эга бўлган кишилар, шу жумладан элчилар, солиқчилар ва бошқа шахслар аҳолидан турли йиғим, тўловларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга эдилар. Шунингдек пайза эгалари аҳолидан от-улов, ем-хашак, ётар жой, озик-овқат талаб қилишга ҳақли эди. Савдо йўлларида жойлашган бекатлар **ём(жом)** уларнинг хизмати аҳоли бўйнида эди. 1235 йилги хоқон фармонига кўра, ҳар бир ёмдаги алоқа хизмати икки туман аҳолисига юклатилади. Икки туман аҳолиси ём учун 20 бош от, сўйишга қўй - эчки, соғишга биялар, арава ва бошқа анжомлар ажратишлари лозим эди.

Маҳаллий аҳоли-ҳунарманд, деҳқон, чорвадор, ким бўлишидан қатъий назар умумҳашар ишларида қатнашиши ва текинга ишлаб бериши шарт эди. Аҳолига ўтказилаётган жабр-зулм муғулларга қарши норозилик исёнига олиб келди. 1238 йил Бухоро атрофидаги Тароб кишлоғида Маҳмуд Таробий бошчилигида кўзғолон кўтарилди. Аммо, кўзғолончилар айрим ғалабаларга эришган эришган бўлсаларда, кўп ўтмай муғулларнинг Элдўз нуён ва Чаған кўрчи бошлиқ ҳарбий кучлари кўзғолонни шафқатсизларча бостирадилар. Маҳмуд Таробий ҳам ҳалок бўлади.

Маҳмуд Таробий кўзғолонидан сўнг Чиғатой Маҳмуд Ялавочни ўз амалидан четлаштиради ва кўп ўтмасдан хоқон уни Пекин (Дасин) шаҳрига ноиб қилиб жўнатади. Мовароуннахрнинг ноибни қилиб эса унинг ўғли Маъсудбек тайинланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, XIII асрнинг 60-70-йилларида муғуллар орасида ўзаро курашлар кучайган бўлишига қарамай, босиб олинган ҳудудлардан муғул ҳарбий саркардалари, нуёнлари, зодагонлари орасида сиёсий дунёқараш ўзгара бошлайди. Яъни, баъзи хонлар, ҳарбийлар, зодагонлар ва савдогарларга ўтроқ ҳаётга ўтиш истаги кучая бошлади. Муғул зодагонлари деҳқончилик ва савдо-сотик хазинанинг асосий манбаи



эканлигини тушуна бошлаган эдилар. Ундан ташқари, XIII аср охирлари келиб кўчманчи ҳаёт тарзида бўлган Чиғатой хонлари кўлида аҳоли солиғи ва хирожлардан тушган маблағлар ҳамда ўлжалар кўпайиб кетиб, кўчманчилик шароитида, тинимсиз урушлар ва кўчманчи зодагонлар исёнлари шароитида хазинани сақлаш қийин ва хатарли бўлиб қолган эди.


Бу даврда хўжалик-иқтисодий ҳаётни бир меъёрга тушириш, савдо ва пул муаммосини изга солишда Маъсудбекнинг хизмати ва ислохотлари катта ўрин тутган. Маъсудбек 1271 йили муғулларнинг маданий-ўтроқ ҳаёт тарафдорлари мадади ҳамда Тарас қурултойи (1269й.) қарорларига таяниб, молиявий, яъни, пул ислохоти ўтказишга киришди. Бу ислохотга кўра, Чиғатой улусининг барча шаҳар ва туманларида бир хил вазндаги кумуш тангалар зарб этиш ва муомалага киритиш йўлга қўйилди. Бу ислохотнинг асосий моҳиятини ташкил этар эди. Бу ҳолат ички савдо ва ички муносабатларни тартибга соларди. Шунингдек кумуш тангалар зарб этиш эркинлиги пайдо бўлади. Яъни, хоҳлаган киши ўз ихтиёридаги кумуш буюмларни зарбхонага олиб бориб, уни хоҳлаган тарзда, лекин бир хил ҳажм, қиймат ва вазнда зарб этиши мумкин эди. Бу жараён дастлаб қийин кечган бўлса-да, аста-секин фаоллаша бориб, аҳолининг кумуш тангаларга ишончи мустаҳкамланди, бундай тангаларнинг нуфузи ортиб борди. Натижада XIII асрнинг 80-90-йилларида Чиғатой улусининг 16 та шаҳрида зарбхоналар очилиб, уларда доимий равишда кумуш тангалар зарб этилган.

Бу даврда Эронда ва Еттисувда муғул ҳарбий зодагонлари вайронагарчилик келтириб чиқарувчи урушлар қилиб турган бўлсаларда, уларнинг бу ҳаракатлари Мовароуннаҳрдаги ислохотларни тўхтата олмади. Чунончи, 1273-76 йилларда Маъсудбек вайрон этилган Бухорони қайта тиклаш ишларини амалга оширди. Натижада Бухорода иқтисодий ҳаёт, савдо-сотик тикланиб 1273-82-йиллар Бухоро зарбхоналари тўлиқ ишлай бошлади. Савдо – иқтисодий алоқалар ривожланиб бораётган Фарғона водийсида эса Чиғатой хони Дувахон (1291-1306 йй.) даврида Андижон шаҳрига асос солинди.

XIV асрнинг бошларига келиб Чиғатой давлати хонлари ўз хазиналарини сақлаш учун шаҳарлар танлай бошлайдилар ёки ўзлари янги шаҳарларга асос сола бошлайдилар. Чиғатой хонларидан биринчи бўлиб Кебекхон (1309, 1318-1326 йй.), маданий ҳаётга яқинлашиб, ўтроқ турмуш тарзига ўтган эди. У Наҳшаб шаҳри атрофида ўзига сарой қурдирди ва бу сарой (Қарши) кейинчалик Кебекхон ва унинг атрофдагиларнинг доимий қароргоҳига айланди. Шу тариқа Чиғатой зодагонлари Мовароуннаҳрдаги марказларга ўтроқлашиб бордилар.



Чиғатой давлатининг бошқарув тизими.¹




Ўз даврида Кебекхон давлатни идора этиш, унинг маъмурий тузилишини қайта ташкил этиш, иқтисодий ҳаётни қайта тартибга солиш мақсадида икки хил: маъмурий ва молиявий ислоҳатлар ўтказди. Маъмурий ислоҳатга кўра, маҳаллий тузилмалар туманларга, вилоятларга айлантирилди. Маҳаллий ҳокимлар – маликлар, садрларнинг ўринлари туркий-муғул уруғ бошлиқлари кўлига ўтди. Ноиблик эса меросий бўлиб қолди. Бу ислоҳот давлатни бирмунча мустаҳкамлашда ўзининг ижобий самарасини берди.

Маъсудбек даврида амалга оширилган пул ислоҳотани такомиллаштириш, савдогарларнинг пул муомаласидаги айрим бошбошдоликларига барҳам бериш мақсадида Кебекхон пул ислоҳотини ҳам ўтказди. Бунга қадар танга пуллар Чиғатой улусининг кўплаб шаҳарларида маҳаллий зодагонлар номидан зарб этиларди. Кебекхон Хулагийлар ва Олтин Ўрда тангаларига тақлидан икки хил: йирик кумуш танга – динор ва майда кумуш танга – дирҳам зарб этиришни йўлга қўйди. Кебекхон томонидан ягона умудавлат пуллари муомилага киритилиб, улар Кебекхон номидан (кепакий) асосан Бухоро, Самарқанд ва Ўтрор зарбхоналарида зарб этилган.

Чиғатой далатида улус ҳукмдорлари ва Чингизийлар XIV асрнинг бошларига қадар кўчманчилар ҳукмдорлари бўлиб қолдилар ва Мовароуннахрнинг ички бошқарувига бевосита аралашмаганлар. Чиғатой улусида умуман олганда, илгариги ижтимоий тузум сақланиб қолган ва айрим вилоятлар ҳамда шаҳарлардаги (Бухоро, Ўтрор, Шош, Хўжанд, Фарғона, Талас) маҳаллий бошқарувда муғулларгача бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари

¹ Сағдуллаев А. С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Тошкент., “Академия”. 2000. 128-бет.




турган. Улар Кебекхон давригача **маликлар** унвонида бўлиб, мустақил бошқарувни амалга оширганлар ва ўз вилоятларида тангалар зарб этганлар.

Манбалар маҳаллий ҳокимлар ва Чиғатой улусининг ўтроқ вилоятлари олий ҳукмдорлари ўртасидаги муносабатлар ҳақида тўлиқ малумотлар бермайди. Шунингдек, улусдаги **маликлар** ва **садрлар** ҳамда муғуллардаги доруғачилар ўртасидаги муносабатлар ҳам унча аниқ эмас. Афтидан, доруғачилар бўйсундирилган шаҳарларни маҳаллий ҳокимлар билан билгалликда бошқарганлар. Мовароуннаҳр босиб олинганидан сўнг Чингизхон барча шаҳарларда доруғачиларни қўйиб, кейинчалик уларга аҳолини рўйхатга олиш, маҳаллий аҳоли орасидан қўшин йиғиш, почта алоқаларини йўлга қўйиш, турли солиқлар, ўлпонлар ва йиғинлар тўплаш ҳамда уларни саройга етказиш вазифаси юклатилган.

Чиғатой улусининг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим даврлардан бўлиб қолган сиёсий ҳаётдаги бундай тизим XIV аср бошларига қадар сақланиб қолди. Муғул шахзодалари мусулмон маданияти анъаналарини қабул қила бориб, аста-секинлик билан кўчманчилар анъаналари билан алоқани узиб, Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларига жойлаша бошлайдилар. Мисол учун, Илоқ водийсининг Оҳангарон деб атала бошлаши ва бу ерда ўзбек – курамаларнинг пайдо бўлиши муғуллар даврига тўғри келади. Чиғатой ўзбеклари деган тушунчанинг юзага келишига сабабчи бўлган Муборакшоҳ (Чингизхоннинг набираси, Чиғатойнинг ўғли) 1246 йилда ҳозирги Оҳангарон шаҳри яқинидаги Шавкат (қад. Сакокат) деган шаҳарчада қароргоҳ қуриб, муғул ҳукмдорлари орасидан биринчилардан бўлиб мусулмончиликни қабул қилади ва маҳаллий аҳоли билан жуда яқин қавм-қариндошлик алоқасига киришади. У ҳаттоки, ўзи мансуб бўлган олмалиқ уруғи вакилларининг катта қисмини муғулистондан кўчириб келтириб, Сакокатнинг қаршисидаги дарёнинг сўл соҳилида, серўт адирларга жойлаштиради. Ўша қавм туфайли Олмалиқ деган шаҳар ҳозир Ўзбекистонда ҳам, Муғулистонда ҳам мавжуд.

Ўз даврида Кебекхон ўтказган ислохотлар ўтроқ ҳаёт, маҳаллий аҳоли билан яқинлашувга кўпдан бери қарши бўлган гуруҳларнинг ҳам фаолиятини кучайтириб юборади. 1326-1334 йилларда ҳукмронлик қилган Тармаширин Муборакшоҳ ва Кебекхон сиёсатини давом эттиради. У бутун Мовароуннаҳр, Еттисув ва Шарқий Туркистонда ҳукмронлик қилиш жараёнида исломни расмий дин деб эълон қилади ва мазкур худудлар аҳолисини исломга мажбуран даъват этади. Тармаширин сиёсатидан норози бўлган кўчманчи муғул зодагонлари исён кўтариб, 1334 йилда уни ўлдирадилар.

Хуллас, XIV асрнинг 40-йилларига келиб, ўзаро урушлар натижасида Чиғатой давлатининг инқирози кўзга ташланиб қолган эди. Давлатнинг сўнгги хонларидан бири Қозонхон (1343-1346 йй.) марказий ҳокимият таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилиб, ўзига амир унвонини олиб, давлат бошқарувида каттиқ сиёсат олиб борган бўлишига қарамай ўзаро курашлар авж олиши натижасида Кеш (Шаҳрисабз) ва унинг атрофидаги ерлар Ҳожи Барлос бошчилигидаги барлос уруғи, Хўжанд Боязид Жалоирий бошчилигидаги жалойирлар қўлига ўтди. Балх ва унинг атрофидаги ерлар Қозонхоннинг



набираси Амир Ҳусайн қўлига ўтди. Шибирғонда Муҳаммадхўжа Апвер ҳокимиятни қўлга олди. Шунингдек, Бухорода садрлар, Хутталондан маҳаллий ҳокимлардан бўлган Кайхусрав, Термизда сайидлар, Чоч ва Фарғонада маликлар, Бадахшонда маҳаллий ҳукмдорлар ҳокимиятни қўлга олдилар. Улар ўртасида доимий равишда курашлар ва низолар бўлиб турди.

Таянч сўзлар.

Муғул қабилалари, мэну (мэнва), Темучин, Чингизийлар, умум-қурултой, Еке мунғол улус, Алтан уруг, маркитлар, Хоразмшоҳ ва Чингизхон муносабатлари, Чингизхон босқини, “Ясоқ”лар, давлатни бошқарув қонун қоидалари, хон ҳокимияти, юрт, тархон, тайжи, писар, шахзода, ўғил (огул), ўғлон, султон, Чингизийлар ўртасидаги ўзаро урушлар, ўтроқ ҳаёт тарафдорлари, кўчманчи ҳарбий зодагонлар, Жалолиддин Мангуберди, Хоразм тахти учун низолар, муғулларга қарши кураш, Чиғатой улуси, Эл Аларгу, Ботухон, Угэдэй, Мункэхон, Жўжи улуси, Олтин Ўрда, улуғ хон, Маҳмуд Ялавоч, мусулмон маданияти вакиллари, Маъсудбек, пул ислоҳоти, солиқ тизими, доруғалар, босқоқлар, калон, қопчур, шулен, тарғу, тамға, суюрғол, мўзарийлар, барот, пайзалар, ём (жом), Чиғатой давлатининг бошқарув тизими, қутвол, ёрғучи, кадхудо, маликлар, садрлар, Кебекхон ислоҳотлари, Чиғатой давлатининг заифлашуви.

6-мавзу бўйича савол ва топшириқлар.


1. Чингизхон давлатининг пайдо бўлиши ҳақида гапириб беринг.
2. Чингизхон босқинининг қайғули оқибатлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Хоразмшоҳ мағлубиятининг асосий сабаби нимада эди?
4. Муғуллар давлатидаги бошқарув тизими ҳақида гапиринг.
5. “Ясоқ”лар ҳақида нималарни биласиз?
6. Жалолиддин Мангуберди жасоратини қандай изоҳлайсиз?
7. Жалолиддин-муғулларга қарши юрт посбони.
8. Чиғатой давлатининг ташкил топиши ҳақида гапиринг.
9. Чиғатой давлатининг бошқарув тизими қандай ташкил этилган эди?
10. Чиғатой давлати инқирозининг сабаблари нимада эди?

6- мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Абусеитова М.Х. и др. История Казахстана и Центральной Азии. Алматы. Bilim. 2001.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т., Шарқ. 2001.
3. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т., Университет. 2007.
4. Бунёдов З. Ануштагин- Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231). А. Аҳмад ва М. Маҳмуд таржимаси. Т., 1998
5. Бартольд В.В. история культурной жизни Туркестана//Соч. Т. II. Ч. 1. М., Наука, 1963
6. Белиницкий А. И. К вопросу о социальнқх отношениях в Иране в Хулагуидскую эпоху.// Советская востоковедения. 1978. С. 111-123.



7. Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Душанбе. Ирфон. 1989.
8. Егоров В. Л. Историческая география Золотой Орды в XIII-XIV вв. М., Наука, 1985.
9. Ёрматов И. Илоқ тарихи.-Т., 2005
10. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари.-Т., Академия.. 2008.
11. Сагдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият таракқиёти.-Т., Академия, 2000
12. Строева Л. В. Борьба кочевой и оседлой знати в Чагатайском государстве в первой половине XIVв. В кн. Памяти академика Игнатия Юлиановича Крачковского.-Л. Из-во ЛГУ, 1958. С. 206-220.
13. Ўзбекистон тарихи. Муртазаева Р. Х. таҳрири остида. Т., Янги аср авлоди. 2003.



7-мавзу. Ўзбекистон давлатчилигининг Амир Темур ва Темурийлар даври босқичи.



1-§. Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва марказлашган давлат тузиши.

Мовароуннахрдаги сиёсий тарқоқлик. Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг ўрта асрлар давридаги янги босқичи буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир номи билан боғлиқдир. Амир Темур 1336 йил 8 апрелда (ҳижрий 376йил, шаъбон ойининг 25 кунида) Кеш туманига қарашли Хўжа Илғор (ҳоз. Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани) қишлоғида барлос бекларидан бири Амир Тарағай Баҳодир ибн Барқал оиласида дунёга келди. Темурнинг болалиги ва ўспиринлик йиллари Кеш ва унинг атрофларида ўтиб, маҳаллий амирлар, нўёнлар ва бекларнинг ўзаро урушлари, низоларига тўғри келди.

Маълумки, XIV асрнинг 40-йилларига келиб Чиғатой давлати парчаланиб, давлатнинг шарқий қисми-Шарқий Туркистон ва Еттисувни ўз ичига олган Муғулистон давлати ташкил топади. Чиғатой улусида нисбатан барқарорликни сақлай олган Қозонхон (1336-1347йй.) ўлимидан кейин давлат ҳудудлари парчалиниш, иқтисодий вайронлик сари юз тутиб, Амир Қозоғон (1347-1357йй.) даврида бу жараён янада авж олади. 1348 йилда Чиғатой авлодларидан бўлган Туғлуқ Темур Муғулистон тахтига ўтиради. У Чиғатой улусидаги сиёсий парокандаликка барҳам бериш ва Мовароуннахрни босиб олиш мақсадида бу ҳудудларга бир неча бор талончилик урушлари олиб боради. Хусусан Туғлуқ Темур 1360 йилда Кеш вилоятини босиб олади. бу вилоятнинг ҳокими бўлган Темурнинг амакиси Ҳожи Барлос Хуросонга қочади. Манбаларнинг маълумот беришича, Амир Темур Амударё бўйида амакисини кузатар экан амакисига шундай мурожаат қилади: “Агар икковимиз ҳам ватанни тарк этсак, меросий юртимиз шубҳасиз бегоналар қўлига ўтиб кетади. Лозим топсангиз мен подшоҳ (Туғлуқ Темурхон) хизматига борсам.”

Амир Темур меросий юртни қўлдан бермаслик мақсадида Туғлуқ Темур ишончини қозониб (Амир Ҳожи Сайфиддин ёрдамида) унинг хизматига ўтади ва Кеш вилоятининг ҳокими этиб тайинланади. Аммо, Туғлуқ Темур ўғли Илёсхўжани Мовароуннахрнинг ҳокими этиб тайинлангач Амир Темур унга хизмат қилишдан бош тортиб, Балх ҳокими, Амир Қозоғоннинг набираси Амир Ҳусайн билан иттифоқ тузади. Ўша даврдаги вазият тақозоси билан Темур Мовароуннахрни тарк этишга мажбур бўлиб, Ҳусайн билан иттифоқ тузган эди. 1361-1370 йиллар давомида Амир Темур ва Амир Ҳусайн дастлаб дўстона, кейин эса душманчилик муносабатда бўлдилар.

1363 йилда Муғулистон ҳокими Туғлуқ Темур вафот этгач Илёсхўжа Мовароуннахрдан ҳайдалади. Аммо, кўп ўтмасдан Мовароуннахр устига янгидан юришга тайёргарлик кўра бошлади ва 1365 йилда катта қўшин билан Сирдарё томонга йўлга чиқади. Бундан хабар топган Ҳусайн ва Темур ҳарбий кучларини жангга тайёрлайдилар. Бирлашган кучлар ва Туғлуқ Темур қўшинлари ўртасидаги жанг 1365 йил 22 майда Чиноз ва Тошкент оралиғида қаттиқ ёғингарчилик пайтида бўлади ва тарихда “Лой жанги” (“Жанги лой”) номини





олади. Бу жангда Темур ва Ҳусайн келишиб ҳаракат қилмаганликлари оқибати уларнинг бирлашган кўшини мағлубиятга учрайди. Айрим манбалар бу мағлубиятнинг сабабини Амир Ҳусайннинг суст ва маёқсизлик билан ҳаракат қилиши деб изоҳлайди. Темурнинг ўзи эса бу каби ҳолатларни Ҳусайннинг ҳасадгўйлигида деб билади. Хусусан “Темур тузуклари”да Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг дўстона муносабатларини бузилишига Ҳусайннинг молпарастлиги ва ҳасадчилиги сабаб бўлганлиги таъкидланади. “Амир Ҳусайн билан муросою-мадора қилишга шунчалик интилдимки, ҳатто унинг амирларига ҳам бу таъсир этиб, менга бўйсундилар.”

“Лой жанги” мағлубиятидан сўнг Ҳусайн ва Темур Балхга чекинадилар. Ўз ҳолича ташлаб қўйилган Мовароуннаҳр аҳолиси яна Илёсхўжа бошлиқ муғуллар зарбасига учраш хавфи остида қолади. Бундай шароитда Самарқанддаги сарбадорлар “Озодлик йўлида дорга осилишга тайёрмиз” шиори остида (сарбадор-форсча, боши дорда) муғулларга қарши кураш учун бутун халқни даъват этдилар.

Сарбадорлар ҳаракати XIV асрнинг 30-йилларида Хуросонда (Афғонистоннинг шимоли-ғарби, Марв воҳаси ва Эроннинг шимоли-шарқий қисми) пайдо бўлиб, бу ҳудудлардаги муғуллар ҳукмронлиги барҳам берадилар ва маркази Сабзавор шаҳри бўлган Сарбадорлар давлатига (1337-1381 йй.) асос соладилар. Сарбадорлар ҳаракати XIV асрнинг 50-60-йилларида ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида Мовароуннаҳрга ҳам ёйилади ва унинг маркази Самарқанд эди. Сарбадорларнинг ҳаракатлантирувчи кучлари мадраса толиблари, шайхлар, умуман, оддий аҳолидан иборат эди. Ҳаракат қатнашчиларининг асосий мақсади муғул истилочилари ва зулм ўтказувчи маҳаллий қатламларга қарши кураш эди.

Хуросонда бўлгани каби Самарқандда ҳам бу кураш ҳаракатлантирувчи кучлари таркиби бир хил эди. Илёсхўжа кўшинлари Самарқандга йўл олиб уни камал қилганларида сарбадорлар мудофаани ташкил қилдилар. Мудофаага мадраса мударриси Мавлонзода, хунарманд Абу Бакр Калавий, мерган Хурдаки Бухорийлар бошчилик қилдилар. Шаҳарни осонликча эгаллашни режалаштирган муғулларнинг бир неча ҳужумлари муваффақиятсиз чиққач, улар шаҳар атрофини ўраб олиб, узоқ вақт камал қилиш режасини ишлаб чиқадилар. Аммо, Илёсхўжа лашкари сафида юқумли касаллик (от вабоси) тарқалиши натижасида у дастлаб Самарқандни, кейин эса Мовароуннаҳрни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Бу пайтда Кешда бўлган Амир Темур Илёсхўжанинг мағлубияти ҳақидаги хабарни Амир Ҳусайнга етказди ва улар 1366 йилнинг баҳорида Самарқандга етиб келадилар. Самарқанд атрофидаги Кониғил мавзеида кўзғолон раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтади. Амир Ҳусайннинг буйруғи билан бу ерда сарбадорларнинг бошлиқлари ва афтидан, фаол иштирокчилари қатл этилади. Темурнинг аралашуви билан фақат Мавланзода омон қолдирилиб, Хуросонга жўнатилади. Муъиниддин Натанзий маълумотларига асосланган А. Зиёнинг фикрича, сарбадорлар ғалабасидан сўнг самарқандликлар Мавлонзода итоатига ўтиб “уни имом ва амир (сифатида) қабул қилганлар”. Яъни, Самарқандда ҳам




диний, ҳам сийсий ҳокимият Мавлонзода қўлига ўтган. Унинг бу “имомлиги амирлиги” Самарқанднинг ўзида деярли бир йил давом этган. Шу боис ҳам Амир Ҳусайн сарбадорлар ҳаракатининг бошлиқлари ва фаолларини омон қолдирмаслиги аниқ эди. Амир Ҳусайн учун ўз сиёсий рақибларини заифлаштириш ва мавриди келса улардан қутулиш сиёсати нечоғлик муҳим бўлганини Конибил воқеасидан сўнг юз берган жараён орқали ҳам билиб олиш мумкин.

1366-1370 йиллар Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасидаги зиддиятлар кучайиб, бу кураш Ҳусайиннинг ўлдирилиши билан яқун топди. 1370 йил 9 апрел чоршанба куни ўз даврининг нуфузли амирларидан бўлган Шайх Муҳаммад сулдўз, Кайхисрав Хутталоний, Ўлжойту апарди, Довуд дуғлот, Сарбуғо жалойир, Жоку барлос, Муайяд дуғлот, Бадахшон ҳокими Шайх Муҳаммад, Ҳусайн баҳодир, Саййид Барака, термезлик ака-ука саййидлар Абу Маолий ва Али Акбар кабилар ҳузурида Амир Тумр ҳокимияти тан олинди. Мовароуннахрнинг амалдаги хонлиги Чингизхон авлодига мансуб бўлган Суюрғатмиш қўлига ўтди. Давлат бошқарув тизими эса Мовароуннахр амири номини олган Амир Темур қўлида қолди. Темур Кеш шаҳридан Самарқандга кўчиб, уни ўз давлатининг пойтахтига айлантирди. Зеро, “Бобурнома” да маълумот берилишича, “Муғул ва турк улуси уни Семизканд дерлар. Темурбек пойтахт қилур эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмастур”.

Темур давлатининг барпо этилиши . Амир Тумур ҳокимият тепасига келгач, деярли бир асрлик бош бошдоқлик ҳукм сурган мамлакатга қонунлар жорий этиб, тартиб ўрнатиш осон эмас эди. Уни фақатгина кучли сиёсат юргизиш, мамлакат қудратини мустаҳкамлаб амалга ошириш мумкин эди. Темур ўзига мустаҳкам таянч барпо этиш мақсадида дастлаб барлос қабиласидан махсус гвардия ташкил қилади. Чунки бундай ишончли гвардия айниқса унинг сиёсий ва ҳарбий курашлари учун зарур эди.

Шунингдек, Амир Темур давлат бошқарувини ўз қўлига олган бўлса-да, аммо мавжуд шарт-шароитда амалий қадамлар қўйиб бориш ниҳоятда оғир эди. Зеро, мамлакат ё бирон-бир вилоят, ёки ижтимоий табақа доирасида каттагина мавқега эга бўлган амирлар аввал бошда унинг ҳукмронлигини тан олган бўлсалар-да, улар билан Амир Темур ўртасидаги муносабат бундан буён уларга ва уларнинг намоёндаси бўлмиш ижтимоий муҳитга нисбатан юргизиладиган сиёсат билан кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Айнан шунинг учун ҳам 1370 йилнинг ўрталарида Самарқандда ўтказилган қурултойда Амир Темур барча вилоятлардан нуфузли амирлар, лашкарбошиларни йиғиб, уларга ҳар бирининг мавқеи ва мартабасига қараб бирон-бир мансаб ва мулк (вилоят, туман, шаҳар) тақсимлаб беради, катта-катта совғалар улашади. Бу ҳақда Соҳибқироннинг “Тузуқларида” шундай дейилади: “Булардан мол-дунёга ҳирс қўйган очқўз ва таъмагирларига мол-ашё ваъда қилдим, мансаб-мартабага ва мамлакатларни бошқаришга кўз тиккан амалпарастларга қўлим остидаги мамлакат ва вилоятлардан бирининг ҳокимлигини бердим”.




Амир Темур Мовароуннахрнинг қонуний ҳукмдори сифатида мамлакат ҳудудларини бирлаштиришга киришар экан, ҳудудлар устига дабдурустан ҳарбий юришлар қилмасдан, келишувчилик сиёсатини тутди. Шу боис ҳам у Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни, Фарғона, Шош вилоятларини ўз тасарруфига киритишда унчалик қийналмади. Аммо, Хоразмда аҳвол бошқача эди. Хоразмнинг ўша даврдаги ҳукмдорлари (Ҳусайн Сўфи, Юсуф Сўфи) Олтин Ўрда таъсирида бўлиб, элчилар жўнатилганлигига қарамай бир неча йил Амир Темур ҳокимиятнини тан олмадилар. Шунинг учун ҳам Амир Темур Хоразм устига беш маротаба (1371, 1373, 1375, 1379, 1388 йиллар) қўшин тортишга мажбур бўлади. 1388 йилдан сўнг Хоразм Амир Темур давлати таркибига кирган.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари 1386 йилдан бошлаб “уч йиллик”, 1392 йилдан “беш йиллик”, 1399 йилдан “етти йиллик” урушлар номини олагн. XIV асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб бутун Хуросон Соҳибқирон ихтиёрига ўтади. “Уч йиллик” уруш даврида Амир Темур Озарбайжон, Табриз, Мозандарон, Ғилонни бўйсундиради. Шундан кейин у Кавказга юриш бошлаб Тифлис, Арзирум ва Ван қалъасини эгаллади.

1387-1388 йилларда Хоразмга давогар бўлган Олтин Ўрда хони Тўхтамиш Амир Темурнинг йўқлигидан фойдаланиб Мовароуннахрга ҳарбий юришлар уюштиради. 1388 йилнинг январида Амир Темурнинг қайтишидан хабардор бўлган душманлар чекина бошлайдилар. Амир Темурдан топшириқ олган амирлар, Ҳусайн, Шайх Али Баҳодир ва бошқалар душманни Сирдарё бўйидаги Сарисув деган жойда қувиб етиб, унга катта талофат етказдилар. 1388 йилнинг охиридаги яна бир тўқнашув (Сагарон, Каттакўрғон атрофларида) Тўхтамишнинг мағлубияти ва қочиб кетиши билан яқунланди. 1395 йилнинг баҳорида Кавказдаги Терек дарёси бўйида Тўхтамиш ва Амир Темур қўшинлари яна тўқнашдилар. Бу жангда Тўхтамиш қаттиқ мағлубиятга учради, пойтахт Сарой Берка ишғол этилди ва Олтин Ўрданинг қудратига қаттиқ зарба берилди.

Таъкидлаш лозимки, Соҳибқироннинг бир мамлакатга қилган юришлари унинг бошқа мамлакатларга қилган юришлари билан кетма-кет борган. Хоразм, Хуросон, Эрон, Ҳиндистон юришлари бунга мисол бўла олади. Маълумки, Соҳибқирон ҳокимият тепасига келган даврда Эрон ва Хуросонда ҳам бир нечта кичик давлатлар мавжуд бўлиб, оддий халқ ва савдогарлар улардан кўп жабр кўрар эдилар. Амир Темур 1380 йилдан бошлаб Хуросон юришларини бошлайди. Тус, Нишопур, Сабзавор шаҳарлари унга жангсиз таслим бўладилар.

Соҳибқирон Озайбаржонга бир неча бор ҳужум қилиб 1387 йилда уни эгаллашга муваффақ бўлади. 1392 йилда Арманистон ва Грузия Амир Темур измига ўтади. Шимолий Ҳиндистон ва Кашмир мусулмонлари қароқчилардан азият чекаётганлиги боис Темур Ҳиндистонга ҳам юриш қилиб, 1399 йил мартада бу ҳудудларни ҳам эгаллайди. 1400 йилда Амир Темур қўшинлари турк султони Боязид I ва Миср султони билан кураш олиб бориб, ўша йили Миср султони Фаражни тор-мор этди. 1402 йилда Амир Темур Анқара ёнида Боязид билан иккинчи марта тўқнашди ва уни тор-мор этди. Темурнинг бу ғалабаси айниқса европаликларда катта таасурот қолдирган эди. Мисол учун, Боязид устидан қозонилган буюк ғалаба муносабати билан Франция қироли Карл VI,



Англия қироли Генрих IV ва Византия императори Темурга табрикномаларини юборганликлари манбаларда маълум. Чунки, тадқиқотчилар тили билан айтганда, Европага улкан хавф солиб турган Боязид бошчилигидаги усмонийлар империясига берилган зарба учун эндигина уйғонаётган бутун Европа Амир Темурдан миннатдор эди.



1404 йилнинг май ойида Амир Темур Кичик Осиёдан Самарқандга қайтиб келади ва Хитойга бўладиган юришга тайёргарлик кўра бошлайди. 1404 йилда қаҳратон қишда Темурнинг 200 минглик кўшини Самарқанддан Хитой юришига чиқади. Ўша йили қиш Ўрта Осиё тарихидаги энг қаҳратон қишлардан бўлган эди. Сирдарёнинг суви бир метрга музлаган, аскарлардан кўпининг кўлоқларини, кулоқ-бурунларини совуқ олган эди. Амир Темурнинг ўзи ҳам кўп ўтмай шамоллаб қолади. 1405 йил январ ойининг ўрталарида Ўтрорга тўхташга қарор қилишади ва бу ерда 18 феврал куни буюк жаҳонгир Соҳибқирон Амир Темур вафот этади.

Амир Темур 35 йил давомида ҳарбий юришлар олиб боради. Ушбу юришлар натижасида улкан салтанат барпо этилдики, унинг таркибига Мовароуннаҳр ва унинг атрофидаги вилоятлар, Хоразм, Каспий атрофидаги вилоятлар, ҳозирги Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Ироқ, Жанубий Россия, Кавказ ва Ғарбий Осиёнинг бир қатор давлатлари кирган. Амир Темурнинг улкан давлат барпо этишдаги фаолияти унинг мақсад ва режаларига кўра икки босқичга бўлинади. Биринчи босқич 1360-1386 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда Соҳибқирон Мовароуннаҳрда марказлашган кучли давлат барпо этишга эришади. Иккинчи босқич 1387-1404 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда Амир Темур мамлакат қудратини мустаҳкамлаш пайида бўлди.

Амир Темур ўз салтанатини барпо этишда ўзига қадар мавжуд бўлган сиёсий бошқарув тажрибаларидан кенг фойдаланади. Унинг давлати ўз таркибий тузилишига кўра кўпинча ҳарбий-сиёсий тартибларга асосланган эди. Қудратли ҳукмдор давлатчилик ва бошқарув тарихини яхши билганидан бўлса керак, қадимги ва ўрта асрлар Шарқдаги турли давлатлар ва уларнинг сиёсий ҳамда маъмурий идора усули, бошқарув тизимлари ҳақида кенг тасаввурга эга эди. Соҳибқироннинг давлат бошқарув тизими кўл остидаги бутун ҳудудда ягона марказлашган сиёсий тартиб асосида қурилган бўлса-да, бу соҳада олиб борилган сиёсат ўрта асрлар Ўрта Осиё давлатларида кенг қўлланилган идора усуллари тажрибаси билан бойитилган эди.

2-§. Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон.

Соҳибқирон Амир Темур вафотидан олдин ўз тахтининг ворисини тайинлаб, авлодларини аъёнларини унга содиқ хизмат қилишга чақирган эди. Бу ҳақда Соҳибқирон тилидан манбада қуйидагича малумот берилади: "... шу кундан эътиборан фарзандимиз Пир Муҳаммад (ибн) Жаҳонгирни ўзимизга валиаҳд ва тожу тахт вориси этиб тайинладиким, Самарқанд тахти унинг амри фармонида бўлғай, тамкинлик ва истиклол билан мулку миллат, лашкар ва раийятнинг муҳим юмушлари билан машғул бўлсин, сизлар эса унга тобелик ва бўйсунини





маросимини ўрнига қўйинглар, биргаликда уни қўллаб-қувватланглар, токи ол бузилмасин...”

Аммо, амалда аҳвол бошқача эди. Амир Темур барпо этган буюк салтанат (жами ўз ичига 27та давлат ва вилоятларни жам этган) гарчи у хаётлик пайтида унинг маҳорати ва куч-қудрати билан мустаҳкам турган бўлса-да, Темур вафот этиши биланоқ ички жиҳатдан сиёсий заиф ва умумиктисодий асосларга эга эмаслиги сезилиб қолди. Бу ҳолат, ўғиллар ва набираларга мамлакатни қисм-қисмларга бўлиб берилганлиги ҳамда суюрғол тартибининг мавжудлиги давлат парокандалигини кучайтириши (кўплаб ўрта асрлар давлатларида бўлгани каби) билан изоҳланади. Чунончи, Темурнинг жасади Самарқандда дафн этилиши ва мотам маросимлари тугамасданок, шахзодалар ўртасида тож-тахт учун ўзаро кураш бошланиб кетди.

Ўша вақтдаги Қобул ва Шимолий Ҳинд мулкларининг ҳукмдори бўлган Пирмуҳаммадни тахтга ўтказиш тарафдорлари кўп бўлса-да, Мироншоҳ Мирзонинг ўғли, Тошкент, Сайрам, Туркистон ерларининг ҳокими Халил Султон 1405 йилнинг 18 мартида ўзининг минг чоғли аскарлари билан шошилинич тарзда Самарқанд тахтини эгаллайди. Халил Султон бошқа бир темурий шахзода Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо (Темурнинг иккинчи ўғли бўлмиш Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон Мирзонинг ўғли)ни хон деб кўтаради ва унинг номидан хутба ўқитиб, танга зарб эттиради. Халил Султон вақтинча Темурдан қолган хазиналар эвазига Соҳибқироннинг нуфузли аъён ва киборлари, айрим амирларини маълум қисмини ўз томонига оғдириб, Мовароуннаҳр тахтини эгаллаб олган бўлишига қарамай, кўп ўтмасдан кучли норозилик ва исёнларга дуч келади.

Авалло, Темурнинг кенжа ўғли Шохруҳ Мирзо Ҳиротда ўз номига хутба ўқитиб, танга зарб этишни жорий қилди. Шундан сўнг Туркистон ҳокими Шайх Нуриддин ва Фарғона ҳокими Амир Худойдод Халил Султонга қарши исён кўтарадилар. Бу исёнга Ўтрор ҳокими Бердибек ҳам қўшилади. Халил Султоннинг укаси Мирзо Султон Ҳусайн Амударё бўйларида ўз акасига қарши бош кўтаради. Темур тахтининг асосий валиаҳди бўлган Пирмуҳаммад Амударёдан кечиб ўтиб, Халил Султонга қарши Насафга қўшин тортади. Халил Султонни Ироқ томондан отаси Мироншоҳ Мирзо қўллаб-қувватлаб турган бўлишига қарамай, унга қарши низолар кучайиб борди. Натижада 1405 йилнинг охирига келиб Хуросонда Шохруҳ Мирзо, Балх, Ғазна ва Қандаҳорда Пирмуҳаммад Мирзо, Ғарбий Эрон ва Озарбайжонда Мироншоҳ Мирзонинг ўғиллари Умар Мирзо билан Абубақр Мирзолар ҳокими мутлақ бўлиб оладилар. Сирдарёдан шимолда жойлашган вилоятлар: Туркистон, Сарбон, Ўтрор, Сайрам Амир Бердибек тасарруфида қолади. Ўратепа билан Фарғонани Амир Худойдод эгаллаб олади. Хоразмни эса Олтин Ўрданинг таниқли саркардаларидан бири Амир Идику Ўзбек ишғол этади.

Мовароуннаҳр ҳокими Халил Султоннинг ўз холича иш тутиши, темурий зодагонлар ва амирларнинг камситилиши, мусулмон уламолари, жумладан нақшбандия тариқатининг таниқли шайхи Муҳаммад Порсонинг таҳқирланиши натижасида Халил Султонга нисбатан норозиликлар кучайиб борди. Ундан




ташқари, ўзаро уруш ва фитналар шахзодаларнинг ҳалокати билан якун то бошлади. Хусусан, тахт вориси Пирмуҳаммад 1407 йил 22 февралда ўзининг вазири Пир Али Тоз томонидан суиқасд натижасида ўлдирилади (Пир Али Тоз кейинроқ Ҳиротда Шохруҳ томонидан қатл этилади). 1408 йил 22 апрелда Қорақуюнли туркманларнинг қабила бошлиғи Қораюсуф билан бўлган жангда Мироншоҳ ўлдирилади. Натижада Озарбайжон ва Ироқ темурийлар тасарруфидан чиқади.

1405-1408 йилларда Шохруҳ Мирзо Халил Султондан Самарқанд тахтини тортиб олишга ҳаракат қилган бўлса-да, бунинг уддасидан чиқа олмади. Балх, Сейистон, Хуросон ва Озарбайжонда темурий шахзодалар ва айрим нуфузли амирларнинг бирин-кетин кўтарилиб турган ғалаёнлари бунга жиддий тўсқинлик қилар эди, 1409 йилнинг бошларида Мовароуннаҳрда ҳам сиёсий вазият янада кескинлашди. Бу вақтда Амир Худойдод Халил Султонни Самарқанд яқинидаги Шероз қишлоғида мағлубиятга учратиб, унинг ўзини асирликка олади. Хуросон ҳокими Шохруҳ эса Мозандарон, Машҳад, Сейистон ва Кирмондаги ғалаёнларни бостириб, бу вилоятларда осойишталик ўрнатади. Сўнгра бутун эътиборини Мовароуннаҳрга қаратади ва 1409 йил 25 апрелда Амударёдан ўтиб, Самарқандга кўшин тортади. Бу жангда Халил Султонни асир олган Амир Султон кўшинлари тор-мор этилиб, Халил Султон асирликдан озод қилинади ҳамда Рай вилоятининг (Эронда) ҳокимлигига тайинланиб 1411 йилда вафот этади.

1409 йилнинг охирига қадар Мовароуннаҳрда тинчлик ва осойишталик ўрнатиб, Халил Султон ва бошқа темурий шахзодалар тарафдорларига кескин чоралар кўради, издан чиққан хўжалик ҳаётини, савдо-сотикни тиклайди, Шохруҳ Мирзо темурийлар давлатининг олий ҳукмдори сифатида эътироф этилиб, унинг деярли 40 йиллик (1409-1447йй.) барқарор ҳукмронлик даври бошланади. Темур вафотидан сўнг ўтган давр мобайнида давом этган тахт ва худудлар учун ўзаро урушлар ҳамда исёнлар мамлакат аҳолисининг иқтисодий аҳволига кескин таъсир қилиб, халқнинг жиддий норозилигига сабаб бўлган эди. Шу боис, Шохруҳ Мирзо оддий халқ томонидан қўллаб-қувватланиши табиий эди. Айнан шунинг учун ҳам Шохруҳ Амир Темур ҳукмронлиги остида бўлган худудларда ўз ҳокимиятини ўрнатишга ҳамда мамлакатда доимий тинчлик ва осойишталик ўрнатишга жиддий ҳаракат қилади.

Шохруҳ Мирзо ҳокимият тепасига келгач деярли барча вилоятлар ҳокимларига, нуфузли амирларга ишончсизлик билан қараб, уларни лавозимидан четлаштиради. Уларнинг ўрнига деярли ҳамма вилоятларда ўз ўғиллари ва набираларини ҳамда ўзига яқин тутган қариндошларини ноибликка тайинлайди. Жумладан, Балх ва Бадахшон Иброҳим Султонга, Шероз Суюрғатмишга. Қобул ва Қандаҳор Қайду Мирзога, Хуросоннинг бир қисми Бойсунқур Мирзога, Ғарбий Эрон ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисми Султон Муҳаммадга, Форс вилояти Абдулло Мирзоларга бўлиб берилади. Шохруҳ Мирзо шу йўл билан давлатни бошқариш осон ва енгил бўлади деб ўйлаган эди. Бироқ, натижа у ўйлаганчалик бўлиб чиқмади.

Таъкидлаш лозимки, Шохруҳ Мирзо даврида ҳам мамлакат ички ҳаётида бир мунча осойишталик ҳукм суриб, савдо-сотик, иқтисодиёт равнақи, фан ва




маданият, маънавиятга эътибор сусаймаган бўлса-да, давлатчиликнинг Темур давридаги имкониятлари ва буюклигига путур етганди. Хусусан, Шоҳруҳнинг набираси Султон Муҳаммад Эрон ноиби этиб тайинлангач марказга бўйсуннишдан бўйин товлайди. Шоҳруҳ исёнкор неварасига қарши қўшин тортишга мажбур бўлади. 1410 йилда Мовароуннаҳрдаги Шайх Нуриддин ғалаёни ҳам Шоҳруҳ аралашуви билангина бостирилади. Темурийларга тобе бўлган Озарбайжон Қора қуюнлилар қўлига ўтган пайтларда Шоҳруҳ уч маротаба (1421, 1429, 1434йй.) у ерга юриш қилиб ўз ҳукмронлигини тиклайди. Лекин ҳар сафар орқага қайтганидан сўнг қорақуюнлилар яна Озарбайжонни эгаллаб олаверганлар. Бундай ҳолатлар давлатнинг илгариги буюклиги йўқолиб бораётганидан далолат берарди.

Шоҳруҳ Мирзо Темурдан сўнг тиклаган давлатда Мовароуннаҳр мулкларининг алоҳида ўрни бор эди. Давлатнинг марказий пойтахти Ҳирот шаҳри ҳисобланса. Мовароуннаҳрнинг маркази Темурнинг пойтахти қадимий Самарқанд шаҳри эди. 1409 йил Мовароуннаҳр Халил Султондан олинганидан сўнг Шоҳруҳ ўғли Муҳаммад Тарағай Улуғбек Мирзони (1394-1447йй) Мовароуннаҳр ҳукмдори этиб тайинлайди. Бу пайтда 15 ёшда бўлган Улуғбек давлат бошқарув ишлари учун ёш эканлиги ҳисобга олиниб, таниқли амир Муборизиддин Шоҳмалик унга оталиқ этиб тайинланиб, бошқарув ишлари амалда оталиқнинг қўлида мужассамлашади. 1411 йилда Шоҳмалик Шоҳруҳ билан Ҳиротга кетгач, Улуғбек Мирзо Мовароуннаҳрнинг “ ягона ва қонуний султони” сифатида тахтни бошқара бошлайди.

Хуросонда Шоҳруҳ Мирзо, Мовароуннаҳрда Улуғбек Мирзо ўз сиёсатларининг устувор йўналишлари этиб, аввало мамлакат ҳудудларини кенгайтириш ҳамда марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш деб билдилар ва шунга мос сиёсат олиб бордилар. Аввало, Мирзо Улуғбек ҳақида сўз юритадиган бўлсак, у ўз ҳокимияти сарҳадларини кенгайтириш мақсадида, 1414-1415 йилларда Фарғона ҳудудларини амакиваччаси Амирак Аҳмаддан тортиб олади. 1416 йилда Қашғар ҳокими Шайх Али Тўғай Улуғбек ҳокимиятини тан олади. Шимолдаги чегаралар дахлсизлигини таъминлаш мақсадида Улуғбек 1424 йил кеч кўзида Муғулистонга қўшин тортади ва 1425 йил эрта баҳорда Чу дарёсидан ўтиб Иссиқкўл яқинида муғулларни тор-мор келтиради. 1427 йилнинг бошида Улуғбек Дашти Қипчоққа ҳарбий юриш қилади ва мағлубиятга учрайди. Шундан сўнг у йигирма йил мобайнида ўзи бош бўлиб ҳарбий юришларни амалга оширмади. Отасининг вафотига қадар (1447йй.) Мирзо Улуғбек ҳукмдор сифатидаги фаолиятини мамлакатнинг иқтисодий ва айниқса, маданий ҳаётига қаратди. У Мовароуннаҳрни мусулмон оламининг илмий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Чунки у, ислом оламида илк бора ҳукмдорлик ва олимликни биргаликда олиб борган эди. Унинг даврида Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз) илм-фан ва маданият марказига айланди.

Хуросон ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо 1413 йил Эрони ўз қўл остига олиб, ўша йили Хоразмни Олтин Ўрда хонлари ихтиёридан тортиб олади. Аммо, Шоҳруҳ ҳукмронлик қилган ҳудудларда тож-тахт учун низолар зимдан бўлиб турар эди ва Шоҳруҳ кексайиши билан бу низолар янада фаоллаша бошлайди. Мисол учун,





Шохрухнинг хотини Гавҳаршодбегим невараси Алоуддаврани тахт вори бўлиши тарафдори бўлса, Шохрухнинг яна бир ўғли Муҳаммад Жўки (1402-1444 йй.) ҳам тахтга даъвогар эди. Ундан ташқари, Форс ва Ироқи Ажамда Шохрухнинг набираси Султон Муҳаммад 1446 йилда бобосига қарши исён кўтариб Ҳамадон ва Исфажонни босиб олади. Шохрух бу исённи бостирган бўлса-да, 1447 йил 12 мартда хасталаниб Рай шаҳрида вафот этади. Отасидан сўнг Туркистон, Хуросон ва Эронни бир марказ қилиб бирлаштиришга ҳаракат қилган Мирзо Улуғбек бунинг уддасидан чиқа олмади. Чунки мамлакат тож - тахт учун ўзаро урушлар домига тортилган эди.

Аввало, Бойсунқур Мирзонинг ўғиллари Алоуддавла ва Абдулқосим Бобур Улуғбекка қарши ҳарактни бошлаб, Хуросон Алоуддавла, Мозандарон ва Жўржон Абулқосим Бобур қўлига ўтади. Султан Муҳаммад эса Ғарбий Эрон ва Форсда ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилади. Муҳаммад Жўкининг ўғли Абу Бакр эса Балх, Шибирғон, Қундуз, Бағлонни босиб олади. Улуғбекнинг ушбу муаммоларни тинч йўл билан ечишдаги ҳаракатлари зое кетади. 1448 йил баҳорида Улуғбек ва ўша пайтдаги Балх ҳокими, унинг ўғли Абдулатифнинг 90.000 кишилик бирлашган қўшини Ҳирот яқинидаги Тарноб деган жойда Алоуддавла қўшинларини тор-мор келтиради. Бу жанг ғалаба билан якунланишига қарамасдан, ота-бола ўртасидаги зиддиятни келтириб чиқарди ва бу зиддият Абдулатифнинг ўз отаси Мирзо Улуғбекни қатл эттириши (1449 йил, 27 октябр) билан якунланади.

Абдулатиф ҳам тахтга узоқ ўтира олмади. 1450 йил 8 майда Самарқанд яқинида унга қарши суиқасд уюштирилиб, у ўлдирилади. Самарқанд тахти Улуғбекнинг жияни ва куёви Мирзо Абдулло, Бухоро тахти эса Мироншоҳнинг набираси Султон Абу Саид қўлига ўтади. Султон Абу Саид Дашти Қипчоқ ўзбеклари хони Абулхайрхон ёрдамида 1451 йил ёзида Самарқанд яқинидаги Шероз қишлоғи ёнида Мирзо Абдулло қўшинларини тор-мор этиб, уни ўлдиради. Шундан сўнг Мовароуннаҳрда Султон Абу Саид (1451-1469 йй.), Хуросонда эса Абулқосим Бобур (1452-1457 йй.) ҳукмронлиги бошланади. 1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этганидан сўнг Абу Саид Хуросонга юриш қилиб Ҳиротни эгаллайди ва темурийлар давлатини иккала қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлади. Ўз ҳукмронлиги даврида Абу Саид доимий равишда ҳокимиятни мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратиб, бирмунча иқтисодий ва маданий тадбирлар ўтказишга ҳам ҳаракат қилди. Бироқ, унинг ҳокимияти ҳам мустаҳкам эмас эди. Абу Саид Хуросон, Эрон ва Хоразмдаги сиёсий тарқоқликларга барҳам бера олмади. Чунончи, Абулқосим Бобур вафотидан сўнг ёш темурий шаҳзодалардан бири (Умаршайхнинг эвараси) Султон Ҳусайн (Бойқаро) Хуросон мулки учун ҳаракатларни бошлаб юбориб, 1461-1464 йилларда Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва Хоразмда ҳокимият учун гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз урушлар олиб борди.

Султон Абу Саид Мирзо 1469 йил эрта баҳорда Ғарбий Эрон ерлари учун Оққуюнли туркманларига қарши жангга кириб уларнинг ҳукмдори ўзун Ҳасан томонидан Озарбайжоннинг Муғон даштида ўлдирилади. Султон Ҳусайн Бойқаро (1438-1506 йй.) эса ўша йили Ҳиротни эгаллаб, ўзини Хуросон ҳокими




деб эълон вилади. Ҳусайн Бойқаро давлати таркибига Хоразм, Хуросон Эроннинг бир қисми кирар эди. У темурийлар даври давлатчилиги тарихида охирги йирик давлат арбоби бўлиб, деярли 40 йил ҳукмронлик қилди. Ҳусайн Бойқаро даври ўзаро курашлардан холи бўлмаса-да, лекин мамлакатда иқтисодий ва маданий ҳаёт юқори даражада сақланиб қолди.

Мовароуннаҳр эса кетма-кет Абу Саиднинг ўғиллари Султон Аҳмад (1469-4194 йй.), Султон Маҳмуд (1494-1496 йй.) ҳамда Маҳмуднинг ўғли Султон Али Мирзо (1496-1501 йй.)лар томонидан бошқарилди. Аммо, Султон Аҳмаднинг давлат бошқарувидаги калтабинлиги ва сусткашлиги, Султон Маҳмуд ва Султон Али Мирзоларнинг давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйиши натижасида бу ҳукмдорлар даврида ўзаро сиёсий тарқоқлик янада кучаяди. Ўз даврининг кўзга кўринган диний арбоби Хўжа Аҳрор Вали сиёсий ҳаётга араллашиб, мамлакат тинчлигини сақлашга ҳаракат қилган бўлса-да, унинг ҳаракатлари вақтинчалик бўлиб чиқади. Хуллас, Дашти Қипчоқда кучуғиб келаётган шайбонийларнинг Мовароуннаҳрга юриши арафасида темурийлар давлати ички курашлар оқибатида ғоятда заифлашиб қолган бўлиб, шайбонийлар бу ҳолатдан усталик билан фойдаландилар.

3-§. Амир Темур даврида давлат бошқаруви.

Бошқарув асослари. Кўплаб ёзма манбаларнинг маълумот беришича, ўз даврининг йирик ҳарбий ва давлат бошлиғи бўлган Амир Темур сиёсий, ҳуқуқий асосларга эга бўлган улкан давлат барпо этган эди. Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг ўрта асрлар даврида Соҳибқирон Амир Темур аввало, адолатли ва қонунчиликка таянган давлатчилик асосларини барпо этиш билан бирга давлат яхлитлиги ва куч-қудратини мустаҳкамлашнинг асосий омили бўлган кучли мудофаа тизими яратди ҳамда темурийларга мерос қилиб қолдирди. Амир Темур ўз салтанатининг бошқарув тизимини яратишда ўша даврнинг йирик ва кўзга кўринган ҳарбийлари, амирлар ва беклар, фозиллар, олиму-уламолар, ўз пирларининг ўғитлари ҳамда маслаҳатларига таянган эди. Мисол учун, “Тузуқлар”да келтирилишича Амир Темурга пири Абу Бакр Зайниддин Тойободий шундай ўғит беради: “Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп халал ва зиён етгай. Демак, ҳар кимнинг кадр-қийматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш тутишинг керак.”

Шунингдек, “Тузуқлар”да яна шундай маълумот берилади: “Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарни синдириш, душманни тузоққа тушириш, муҳолифларни кўнглини топиб дўстга айлантириш, дўст-душман орасидаги муомала, муросою-мадора қилиш хусусида ушбу тадбир ва кенгашларни қўлладим. Пирим Абу Бакр Тойободий менга ёзмишларким: Абдулмансур (зафарманд) Темур салтанат юмушларида тўрт ишни қўлласин, яъни, 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) хушёрлигу мулоҳазакорлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари хато бўлган жохил одамга қиёслаш мумкин: унинг сўзлари пўшаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанатни бошқаришда



машварату маслаҳат ва тадбир билан иш юритгин, токи оқибатда надомат чеки пўшаймон бўлмагайсан.”



Амир Темур ва темурийлар даврида фуқароларда давлат томонидан ўрнатилган қонунларни ҳурмат қилиш, уларга маъсулиятли ёндашиш тушунчалари шаклланган. Бу эса давлат томонидан илгари сурилган мақсад ва гоёларни амалга оширишдаги кафолатлардан бири бўлиб хизмат қилган.

Аир Темур давлати марказлашган давлат бўлиб, бутун ҳокимият давлат бошлиғининг ихтиёрида бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Амир Темур давлатининг бошқарув асослари шаклланиши ривожда **кенгашлар** муҳим аҳамиятга эга бўлган. Вақти-вақти билан муҳим ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий масалаларни ҳал қилишда катта ва кичик кенгашлар чақирилиб турилган. **Катта кенгашлар** тинчлик вақтларида Самарқанддаги ҳукмдор саройида чақирилган. Унда олий ҳукмдорнинг қариндош уруғлари, юқори мартаба ва мавқега эга бўлган руҳонийлар табақасининг вакиллари, бош амирлар, бекларбеги, улус, туман ҳокимлари, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар, баҳодир унвонига эга бўлган ҳарбийлар кабилар иштирок этганлар. Ушбу кенгашда мамлакат ҳаёти билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган. **Кичик кенгашда** Амир Темур, унинг ўғиллари, қариндошлари, қўшин бошлиқлари иштирок этганлар. Унда узоқ мамлакатларга ҳарбий юришлар билан боғлиқ масалалар ҳал қилинган.

Амир Темур даврида марказда ҳамда тобе ҳудудларда хон бошчилигида мукамал ва пухта давлат бошқарув аппарати шаклланган. “Тузуқлар”да мукамал давлат бошқарувини ташкил этиш қуйидагича ифодаланади:

- давлат дахлсизлигини ва мустақамлигини ҳар томонлама муҳокама қилиш;
- олий ҳукмдор ҳокимиятининг чекланмаганлиги ҳамда мустақил сиёсат юргизиши;
- вазирларга юклатилган мажбуриятлар ва улар бажариши лозим бўлган вазифалар;
- марказга тобе бўлган мулк(улус)лар амирлари ҳамда туман ҳокимларининг вазифалари;
- олий давлат кенгаши;
- давлат хавфсизлиги ва мустақамлиги, жойлардаги жамоат тартиби ҳамда мамлакат тинчлиги, осойишталигини сақлаш;
- мунтазам қўшин ташкил этиб, қўшин қўмондонларини тайинлаш, лавозимларга кўтариш, рағбатлантириш ва уларга маош тўлаш;
- аҳолидан олинадиган турли солиқлар(закот, хирож ва бошқ.) миқдорини аниқлаш;
- ҳарбий юришларда жасорат намуналарини кўрсатганларни(ноиблар, амирлар, сипоҳийлар ва бошқ.) рағбатлантириш;
- Ҳарбий юришлар ва жанглар пайтида қўшиннинг жойлашуви ва уларни ажратиб турувчи белгилар.


Шунингдек, “Тузуқлар”да Амир Темурнинг бошқарув фаолиятини кучли назорат қилиш, одамлардан унумли фойдаланиш, уларни ўз атрофига тўплаш ва



бирлаштириш, катта-кичик тадбирларни ташкил қилиш борасида тутган йу. хақидаги маълумотлар ҳам сақланган. Бу борада манбаларда Соҳибқирон тилидан шундай дейилади: “Салтанат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим. (Донишмандлар) демишларким, ўз ўрнида қўлланган тадбир билан кўплаб лашкарнинг қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, фавж-фавж лашкарни енгиб бўлур. Таҷрибамда кўрилганким, азми-қатъий, тадбиркор ва хушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки таҷрибали киши минглаб одамга иш буюради... Яна менинг таҷрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр киши мулоҳазакорлик, тадбир ва кенгашга таяниши лозим. Шунинг учун Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, ҳар бир ишни қилишга киришар эканлар, аввал обдон ўйлаб, (амирларим билан) келишдим. Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда олдимиздаги ишларни яхши-ёмони, фойдаю-зиён томонлари, уларни қилиш қилмасликдан сўз очиб, улардан фикр сурар эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, шунинг ҳар икки томонини мулоҳаза қилиб, фойда-зиёнларини кўнгилга келтирардим. Унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор берар эдим. Қайси бир ишда икки бир хатар мавжуд бўлса, уни бажаришдан воз кечардим ва бир хатарлик ишни ихтиёр этардим... Ишларнинг барини кенгаш билан юритиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, чинлик-чидамлик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда охирига етказардим.”

Замонавий адабиётларда келтирилишича, Амир Темур ўзига қадар мавжуд бўлган давлатчиликнинг қуйидаги саккизта асосига амал қилди:

- давлат ўз вазифасини бажармоғи учун, энг аввало, сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиши;
- давлат ва жамиятнинг яхлитлиги бузилмаслиги;
- давлат ва жамият муайян бир қонунлар, тартиблар ва мафкура асосида бошқарилмоғи;
- бошқарувнинг турли табақалари, йўналишлари, соҳаларини мувофиқлаштириб турувчи маълум бир тизим шаклланган бўлиши;
- жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг аҳволи давлат эътиборида бўлиши;
- фан ва маданиятнинг равнақи тўғрисида доимий қайғуришига давлат аҳамиятига молик қатъий сиёсат сифатида қараш;
- ҳар бир давр шарт-шароити, тартибларига кўра, давлат жамият ички тараққиёти масалаларини ташқи дунёдаги мавжуд омиллардан фойдаланган ҳолда олиб бориши;
- давлат тепасидаги кучлар ўтмиш, замона ва келажакни теран тафаккур, мустаҳкам иймон, ғоят юксак маънавият ва миллатпаравчилик ила англамоғи.





Таъкидланишича, (А. Зиё) Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тараққиёт тарихида тутган буюк ўрни шундаки, у ўзининг бутун фаолияти мобайнида ана шу асосларни рўёбга чиқара олди. Яъни, Темур бир юз эллик йил қарамликдан сўнг давлат сиёсий мустақиллигини тиклади; ўз даврида мавжуд шароит, тўро-тузуклар асосида жамият ҳаётини бошқаришни йўлга қўйди; марказлашган давлат тизимини яратдики, ўз замонаси учун бу дунё миқёсидаги тараққийпарварлар воқеа ҳисобланган эди; иқтисодий муносабатлар (деҳқончилик, хунармандчилик, савдо-сотик) ривожини учун барча ички ва ташқи шароитларни барпо этишга қаттиқ киришди; ижтимоий муносабатларни (солиқ тизими, мулкчилик, турли ижтимоий табақалар манфаатларини назарга олиш ва ҳок.) муҳим деб билди; ҳукмронлигининг дастлабки кунларидан то умрининг охиригача фан ва маданият равнақига алоҳида диққат билан қаради; ўз даври шарт-шароитига кўра, ташқи сиёсатида қатъий ва фаол ҳамда мақсадга мувофиқ равишда ҳаракат қилиб, давлатни салтанат мавқеига олиб чиқди; ўлкани дунёнинг энг буюк ва сиёсий, иқтисодий, маданий марказига айлантди.

Шу билан бирга Амир Темур юқоридаги саккизта асосни яна бир тўққизинчи асос билан бойитди. У ҳам бўлса, жамият ривожини барча ижтимоий табақалар фаолиятини назарда тутиш ва манфаатларини таъминлашдан иборатдир. Амир Темур бўйича бундай табақалар ўн иккита бўлиб, уларда жамиятнинг барча таркибий қисмлари ўрин олган. Бу табақалар қуйидагилар эди:

1. Сайидлар, олимлар ва шайхлар.
2. Катта тажрибага эга илмли кишилар.
3. Дуо қилувчи тақводорлар.
4. Лашкарнинг сипоҳлари, сарҳанг ва амирлар.
5. Аскар ва халқ оммаси.
6. Давлат бошқарув ишларини ипидан игнасиғача биладиган маслаҳатгўй, доно ва ақлли кишилар.
7. Вазирлар, котиблар, девон бошлиғи.
8. Тиббиёт аҳли, мунажжим ва муҳандислар.
9. Муҳаддислар ва муаррихлар.
10. Тасаввуф вакиллари ва орифлар.
11. Хунармандлар ва санъаткорлар.
12. Ажнабий сайёҳлар ва савдогарлар.

Юқоридаги ижтимоий қатламлар Амир Темур даври давлатчилигини маъмурий-бошқарув тизимидаги тартиблар билан алоқадор ҳолда унинг ҳарбий-сиёсий хусусиятга эга бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилиги масалалари бўйича сўнгги йиллардаги тадқиқотлар (Ш. Ўлжаева) натижаларига кўра, бу давр давлат бошқарув асослари замонлар синовидан ҳамда, амалиётда тажрибадан ўтган энг афзал бошқарув асосларини ўзида акс эттирган бўлиб, у кейинчалик кўплав давлатлар бошқарувида асос сифатида танланган. Амир Темур ва темурийлар давлат бошқарув асослари жамият ва давлатни кучли тараққиётга олиб келган омиллардан саналган. Шунингдек, бу асослар халқаро, сиёсий-дипломатик ва савдо-иқтисодий алоқаларнинг кучайишига хизмат қилган. Бу даврдаги халқаро



муносабатлари ва марказлашув қоидалари мувофиқлаштирилганлиги давл
бошқарув асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган омиллардан бири эди.

Амир Темур ва темурийлар даврида яратилган давлат бошқарув асослари қонунлар устивор бўлган ва фуқароларнинг ҳимояси, тинчлиги ва барқарорлиги таъминланган жамият асосларининг юзага келишига катта имкониятлар яратган. Қонун устиворлигига, адолат тамойилларига салтанатда ва ташқи муносабатларда қатъий амал қилинган. Амир Темур ва темурийларнинг бошқарувида маслаҳату машваратга таяниш давлатнинг беҳато сиёсат юритишга олиб борувчи омиллардан бири ҳисобланган.

4-§. Амир Темур ва Темурийлар даври давлатчилигида ички ва ташқи сиёсат.


Ички сиёсат. Мансаб ва унвонлар. Амир Темурнинг кучли марказлашган давлат барпо этиши натижасида Мовароуннаҳрда ўзаро уруш ва низоларга барҳам берилиб, унинг барча ҳудудларида тинчлик ва осойишталик ўрнатилди. Фан, маданият, ҳунармандчилик, деҳқончилик, савдо-сотикнинг ривожланишига имкон яратилди. Амир Темур вафот этгач бу анъаналар бузилган бўлса-да, Шохруҳ ва Улуғбек Соҳибқирон давридаги тартиб-қоидалани тиклаш борасида сайъи-ҳаракатлар олиб бордилар.

Бизга манбалардан маълумки, Амир Темур ҳокими мутлақ бўлиб, унинг фарمولари сўзсиз ижро этилган. Аммо, ўрта асрлар давлатчилиги анъаналарига кўра, насл-насаби хон авлодига мансуб бўлмаган шахс тахтни бошқара олмас эди. Шунинг учун ҳам, ўз даврида Амир Қозоғон томонидан белгиланган анъанага кўра, Амир Темур аввал Чингизхон авлодидан бўлган Суюрғатмишни (1370-1388 йй.) кейин эса унинг ўғли Султон Маҳмудхонни (1388-1402йй.) ўз хузурида “хон” қилиб кўтаради. Уларнинг номидан ёрлиқлар чиқарилиб, танга пуллар зарб қилинган бўлса-да, Соҳибқирон уларни давлат ишларига умуман аралаштирмаган. Соҳибқирон “амир” унвонида бўлиб, 1370йилда Қозонхоннинг кизи Сароймулкхонимга уйланганидан сўнг “Қўрагон” (“Хон куёви”) унвонини олади. Бу ҳолат, яъни, хон авлодига куёв, қариндош бўлиши ҳам унинг сиёсий мавқеини расман бўлса ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Амир Темур ўзи барпо этган улкан салтанатни ўғиллари, набиралари ва нуфузли амирларига суюрғол тарзида инъом қилиб, улар орқали бошқарди. Мовароуннаҳрни эса пойтахт Самарқанд билан ўзида қолдирди. Суюрғол тариқасида берилган улуслар марказий ҳукуматга итоат этсаларда, аммо улар маълум мустақилликка эга эдилар. Улус ҳукмдорларининг алоҳида девонхонаси бўлиб, уларнинг марказий ҳукуматга тобелиги хирожнинг бир қисмини Самарқандга жўнатиш ва олий ҳукмдорнинг ҳарбий юришларида ўз қўшини билан қатнашиш ёки талаб қилинган аскарни юбориб туришдан иборат эди.

Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилигида марказда ва жойларда хон бошчилигида мукамал ва пухта давлат бошқарув аппарати, бошқарувдаги икки муҳим, ҳамда асосий идора- **даргоҳ ва девонлар (вазирликлар)** мавуд эди.

Даргоҳ- энг олий давлат идораси бўлиб, олий ҳукмдор Амир Темур, юқорида эслатганимиздек, Суюрғатмишни “хон” деб эълон қилган бўлса-да, ҳокимият батамом Соҳибқирон ихтиёрида бўлган. “Сохта хон” эълон қилиниши ҳолати



ўша давр вазияти ва воқеялигидан келиб чиқиб, Амир Темур ҳокимияти мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган эди. “Тузуқлар”да келтирилишича, даргоҳда вақти-вақти билан хос мажлислар ўтказилиб турилган. Бундай мажлисларда давлат ва мамлакат идораси, содир бўлаётган ўзгаришларга муносабат, мансаб ва вазифаларга тайинлаш масаласи кўриб чиқилган. Бундай тадбирларни тор доирада ўтказилишига сабаб, давлат аҳамиятига молик масалаларни четга аён бўлишидан сақланиш эди.

Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг девонлар ва жойлардаги маҳаллий ҳокимият идоралари билан боғланиб туриш ишлари **Олий девон** зиммасида бўлган. Даргоҳ тизимидаги бу девонга **девонбеги** бошчилик қилган. Ўша даврда олий девоннинг аҳамияти ва мавқеи шу қадар баланд бўлганки, айрим манбалар (Али Яздий) уни даргоҳ билан бир маънода таърифлаган.

Даргоҳ фаолияти бошқарувида қуйидаги мансаб ва вазифалар мавжуд эди.:



- **арзбеги** – даргоҳдаги муҳим вазифалардан бири бўлиб, унинг хизмати даргоҳга арз-дод, шикоят билан келганларни ҳамда мамлакатда содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатларини билдирувчиларни қабул қилишни уюштириб туриш эди. Ундан ташқари, тушган арзлар, шикоятлар ва таклифларни олий ҳукмдорга етказиб туриш ҳам арзбегининг вазифаси бўлган;

- **адолат амири** – бу мансабдаги шахс турли ўлка, вилоят ва шаҳарларда “сипоҳ ва райийат орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида” олий ҳукмдорга ҳисобот ва маълумот етказиб турган. Тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра, жойлардаги аҳволдан бохабар бўлиб туришнинг икки йўлидан фойдаланилган: бири пастдан юқорига, яъни, арзчилар, тўғридан-тўғри даргоҳга мурожаат қилиш имконига эга бўлганлар, иккинчиси эса, махсус хизмат орқали жойлардаги вазият давлат томонидан, аниқроғи, олий ҳукмдор даргоҳи орқали текшириб борилган. Мавжуд ҳолатлар аниқланиб, шунга яраша чора-тадбирлар кўрилган;

- **аминлар** – тушган маълумотларни жойларга топшириб, адолатсизлик, тартибсизлик, давлат ва жамият манфаатига зид ишлар ҳақида ёзма маълумот бериб турадиган махсус ишончли вакиллар ҳисобланиб, уларнинг вазифасига бундан ташқари тобе ерлар тўловларининг йиғиб келиш ҳам кирган;

- **тавочи** – муҳим лавозимлардан бири бўлиб, олий фармонга кўра, жойларга бориб ҳарбий юриш учун лашкар тўплаш билан шуғилланган. Тавочилар аввал бошдан белгиланган лашкар сонининг тахт бўлиши, тайёргарлик даражаси, таъминоти кўнгилдагидек талабга жавоб бериши, кўрсатилган жойга муайян йўл билан ўз вақтида етиб бориши каби ғоятда маъсулиятни тадбирларга жавобгар бўлганлар. Уларнинг бошлиғи **бош тавочи** деб аталиб, улар туманот (ўн минглик), ҳазоражот (минглик), садажот (юзлик), етакчиларидан, вилоят ҳокимларидан қўшинни ўз вақтида, белгиланган сон ва сифат, таъминланганликда етказиш бериш тўғрисида тилхат олганлар.

Шунингдек даргоҳда **бош хожиб**, **хожиблар** (расмий тадбирлар бошқарувчиси ва ташкилотчилари), **хазинадор**, **хонсолар** (дастурхон тузатишга бош-қош бўлувчи), **жибачи** (қурол-аслаҳа сақловчи), **қушчи** (подшоҳона овлар уюштирилганда махсус ўргатилган ов қушларини олиб юривчи ва парвариш



қилувчи) ва мана шу хизматни бошқарувчи **қушбеги, баковулбоши** (сар ошпазларининг бошлиғи), **котиблар, битикчилар, табиблар, созандалар, ғазалхонлар, фаррошлар** кабилар мавжуд бўлган.

Мамлакатдаги ижроя тизими марказдаги вазирликлар фаолиятида мужассамлашган. Амир Темур сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, ануштегинлар даврларидаги ижроя ҳокимиятининг вазирликлар тизимини ўз даврига мослаб, янги асосларда қайтадан йўлга қўйди. Давлат бошқарувида қуйидаги вазирликлар мавжуд эди:

1. Мамлакат ва раийят вазири – бош вазир ҳисобланиб у мамлакатнинг муҳим ишлари, кундалик муаммолар, халқ аҳволи, вилоятларда олинадиган ҳосил, солиқлар ва уларни тақсимлаш, қирим-чиқимлар, ободончилик ишлари, аҳоли фаровонлиги, хазинанинг аҳволи кабиларга масъул бўлган ҳамда мазкур масалалар бўйича ҳукмдорга тегишли маълумот ва ҳисоблар бериб турган.

2. Ҳарбий ишлар вазири – ҳарбийларнинг маоши, алоҳида хизматлари учун уларга туҳфа қилинган ер-сувлар бошқаруви, қурол-аслаҳа таъминоти, ҳарбий кўрикларни тайёрлаш, жангларда ярадор бўлиб хизматга яроқсиз бўлганларга нафақа тайинлаш, истеъфога иққан ҳарбийлар тўғрисида қайғуриш каби масалалар билан машғул бўлган

3. Мулкчилик ва солиқ ишлари вазири – турли сабабларга кўра эгасиз ва қаровсиз қолган мол-мулкларни назоратга олиш ва қўриқлаш, савдогарлардан закот ва бож ундириб олиш, мамлакат чорвалари, ўтлоқ-яйловларни бошқариш, ер солиғи, чорва солиғи, закотларни ўз вақтида йиғилиши ва ўз вақтида давлат хазинасига тушишини назорат қилиш, мулкчиликдаги меросхўрлик тартибларини амалга ошириш каби вазифаларни бажарган.

4. Молия вазири – бутун салтанат идораларининг қирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинаётган барча харажатлар ҳисобини олиб бориш вазифасини бажарган.


5. Давлат корхоналари вазири – унинг ихтиёрида бир қанча устахоналар бўлиб, улар доимий равишда ҳарбийлар учун совут, дубулға, камон, ўқ-ёйлар тайёрлаганлар. Шунингдек, бу вазир бевосита Амир Темурнинг буйруғи билан йирик иншоотлар (саройлар, мачитлар, мадрасалар, тимлар ва бошқ.) қурилишига раҳбарлик қилган.

6. Девонбеги (девон бошлиғи) – давлат маблағлари девонбеги ихтиёрида бўлган ҳамда у давлат хазинасидаги маблағларнинг вазирлар томонидан тўғри ва мақсадга мувофиқ сақланишини назорат қилган.

7. Адлия вазири (девони мазолим) – бу вазир тўғридан-тўғри фуқаролар ва дунёвий ишлар билан шуғилланган. Ҳарбий суд (лашкар қозиси) эса алоҳида равишда фаолият кўрсатган. Шариат тартиблари билан ислом қозиси шуғулланган.

8. Ҳарбий суд вазири – бу вазир алоҳида фаолият кўрсатиб, сипоҳийлар (ҳарбийлар) ишларини кўриб чиқиб, муҳокама қилган.

9. Вақф ишлари вазири – бу вазирликка садр ус-судур (садрлар бошлиғи, садрлар садри) бошчилик қилган бўлиб, у вақф мулклари билан боғлиқ масалаларга мутасадди бўлган.



10. Хабар ва алоқа вазири – бу вазир зиммасига мамлакатнинг тур-бурчакларида содир бўлаётган воқеалардан ҳукмдорни огоҳ қилиб туриш, марказдан жойларга буйруқ, фармон ва кўрсатмаларни жўнатиш, марказга турли хужжат, ҳисобот кабиларни етказиши, ташқи сиёсий-дипломатик муносабатларни амалга ошириш ҳамда давлат юкларини ўз манзилларига етказиш юклатилган. Вазирликнинг ўзи **девони расоил, девони иншо** деб аталган.


Мамлакатда ички ва ташқи фавқулодда воқеалардан воқиф этиб турувчи минг нафар пиёда, минг нафар туя минган, минг нафар от минган чопарлар бўлган. Бутун салтанат бўйлаб бир кунлик йўл оралиғида ёмхоналар ташкил этилган бўлиб, ҳар бир ёмда эллик бошдан икки юз бошгача от-улов сақланган. Тадқиқотлардан маълумки, Амир Темур ва темурийлар давлатни улус, вилоят ва туманларга бўлиб бошқарганлар. Темур даврида салтанат **тўрт улусга** бўлиниб, уларга ўғил ва набираларни ҳукмдор этиб тайинлаган. Шунингдек, вилоят ва туманларни ҳам асосан темурий шахзодалар ва ҳарбийлар бошқарганлар. Али Яздий маълумотларига кўра, Амир Темур жангларида, давлат ишларида тобланган садоқатли тадбиркор, оқил ва билимдон шахсларни ўғиллари ва набиралари ёнига маслаҳатчи қилиб тайинлаган ҳамда уларга йирик вилоят ва ҳудудларни ишониб топширган. Амир Темур маҳаллий ҳокимликларни ўзига итоат этувчи давлат маслаҳатчилари орқали ҳам мувофиқлаштириб турган ҳамда маҳаллий ва марказий ҳокимият алоқадорлигини шу мансаб орқали ушлаб туришга ҳаракат қилган.

Мансабларга асосланган замонавий тадқиқотларда Амир Темур ва темурийлар даври мансаб ва унванлари ҳақида кўплаб маълумотлар мавжудки, улар қуйидагилардир: амин, арзбеги, баковул, баковулбоши, боварчи, бахшийлар, битикчи, вазир, дафтардор, девонбеги, доруға, додхоҳ, жарчи, жуйбон, зобит, ихтисобчи, зинбардор, иноқ, ичкилар, иқто, йасағлик, кўкалдош, кулу, калонтар, кутвол, кўрагон, мавкаб, маҳди улё (маҳди олия), мажлиснавис, мироҳўр, мироб, мухтасиб, оқо (оғо), оталиқ, парвоначи, пос (посбон), садр, садри аъзам, соҳиби девон, тавочи, тархон, уйўғлон, фаррош, хазинадор (хозин), хаттот, чухра, шайхулислом, чухрабоши, шиқовул, шихна, шуқурчи, юртчи, ясовул, қозилар, кўрбоши, қушчи (қушбеги), қоровул, қопучи, ҳожиблар.¹

Ушбу келтирилган мансаб ва унвонлар Темур ва темурийлар даврида мукамал маъмурий тизим яратилганини, бу тизим давлат равнақи ва фуқароларни ҳимоя қилишга ва уларнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилганини кўрсатади. Бу даврда ҳар бир мансабдор ўз мансабини юқори ва қуйи поғонадалигидан қатъий назар у мавжуд қонун-қоидалар асосида иш юритган, қонуннинг устиворлиги тамойилига амал қилган бўлиб, уларнинг бурч ҳамда вазифалари ҳокимият томонидан белгилаб қўйилган эди.

Ҳарбий тизим ва ҳуқуқий муносабатлар. Амир Темур манбаларда ўз замонасининг машҳур саркардаси ва йирик лашкарбоши сифатида тилга олинади. Унинг ҳарбий истеъдоди ҳамда саркардалиқ маҳорати

¹ Ушбу мансаб ва унвонлар ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун дарслик охиридаги атамалар лўғатига қаранг.



қўшинларнинг тузилишида, ҳарбий стратегия ҳамда тактикаларда намо бўлган.

Қўшиннинг юрагини ва қўмондонлик ўзагини барлос уруғи вакиллари ташкил этган. Ўша давр воқеаларининг шоҳиди бўлганларнинг гувоҳлик беришича, барлослар ҳарбий қўнимсизликка ниҳоятда чидамли, камондан ўк ўзишга жуда уста, ўз ҳукмдорларига содиқ ва сабр-тоқатли бўлганлар.


Соҳибқирон қўшини ўнлик бирикмалар асосида тузилган бўлиб, лашкар туман (ўн минглик), ҳазора (минглик), хушун (юзлик) ва айл (ўнлик) қисмларга бўлинган. Ўн минглик лашкарни бошқариш учун **мириҳазора**, юзликлар учун **хўшунбоши** ўнликлар учун эса **айлбоши** каби ҳарбий мансаблар жорий этилган. Қўшиндаги бўлинма бошлиқлари – амирлар Соҳибқиронга тобе бўлган қирқ аймақ (уруғ)дан ўн иккитаси: барлос, арғин, жалойир, тулкичи, дулдой, муғул, сулдўз, тўғой, қипчоқ, арлот, тотор ва тархонлар орасидан сайлаб олинган.

XV аср муаллифи Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумот беришича, ҳарбий сафарда ҳар бир жангчи ўзи билан бир йилга етадиган озиқ-овқат, камони билан ўттиз ўкли садоқ (ўқдон), совут, найза ва қалқон олган. Ҳар иккисуворийда битта заҳира чопқир от, ўрдагоҳдаги ҳар бир ўнлик қисмда биттадан чодир, қозон, кетмон, ўроқ, болта, бигиз, иккита белкурак, юзта игна, арқон, битта ошланган пишиқ тери бўлиши шарт эди. Ҳарбий сафарбарлик пайтида ҳар бир вилоят олдиндан белгилаб қўйилган асосий (асл) ҳамда заҳира (изофа) қисмларни тўплаб берган. Вилоятлар тошотар (сангандоз), девор бузувчи (манжаник), ўт отувчи (раъдандоз ва нафтандоз) каби мосламаларни ишлатишни билладиган жангчиларни тайёрлаб берган. Вилоятлардаги аскарлий қисмларни тўплаш ҳамда марказга ёки тайинланган манзилга жўнатиш билан тавочи лавозимидаги амалдор шуғулланган.

Қўшиндаги ҳар бир ҳарбий – ҳоҳ амир, ҳоҳ оддий сипохий бўлсин белгиланган низомни қатъий бажаришга мажбур бўлиб, жангда аёвсиз ва довюрак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала қилиши ҳамда адолатли бўлиши лозим ҳисобланган.

Ҳарбий сафарлар пайтида ҳар бир қўшин қисмларининг энг олдида довюрак ва ботир аскарлардан танлаб олинган **хабарчи (хабаргир)** деб юритилган айғоқчи-кузатувчилар бўлинмаси юрган. Уларнинг орқасидан соқчилар бўлинмаси – **ясовул** борган. Ундан кейин қўшиннинг авангард қисми **манглай** ҳаракатда бўлган. Манглайдан кейин қўмондоннинг ўрдагоҳи, унинг ён томонларида **изофа** (заҳира) қисмлар жойлашган. Қўшиннинг асосий жанговар қисми – **марказ** ҳамда **ўнг қанот (баронғор)** ва **чап қанот (жавонғор)**лардан иборат бўлган. Ҳар бир қанотнинг олдида қўриқчи манглай – авангард, ён томонларида ҳам қўриқчи аскарлий бўлинмалар - **канбуллар** жойлаштирилган. Шу зайлда қўшин етти қисм - **қўллардан** иборат бўлиб, улардан учтаси – марказ, баранғор ва жавонғорлар мустақил; тўрттаси – икки манглай ва икки канбуллар тобе қисмлар бўлган.

Соҳибқирон биринчи марта жанг усулида қўшинни етти қисмга бўлишни жорий этган эди. Шарофиддин Али Яздий бу ҳақда шундай маълумот беради:



“... ҳазрат черик (қўшин)ни етти қўл тартиб эттиким, ҳеч подшоҳ анд қилмайдур эрди ва эшитмайдур эрди. Ва бу етти ададида хосият кўб турур ва кўб сир янда бор эрди...”


Амир Темур давлатида махсус тайёргарликдан ўтган минглаб кишилар мамлакатнинг бош маъмурий биносини, ўрдуни чегараларни, давлатни қўриқлаганлар. Фавқулодда ҳолатларда, мамлакат учун катта хавф туғилганда армияни сафарбар этиш, зудлик билан қўшин тўплаш қодалари ҳам ишлаб чиқилган. Шунингдек, темурийлар даврида ҳам, айниқса, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, амирзода Умар, Ҳусайн Бойқаро даврларида ҳам давлат ҳимояси яхши йўлга қўйилган. Аммо, ҳокимият учун бўлиб турган ўзаро курашлар бу жараённинг заифлашувига олиб келган эди.

Таъкидлаш лозимки, Соҳибқироннинг қатъий ва мустаҳкам ҳарбий тизимни шакллантиришдан асосий мақсади, энг аввало, мамлакатни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш, тобе ҳудудлардаги тартибсизликларни олдини олиш, адолат, тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, мазлумларни золимлардан ҳимоя этиш, инсонпарварлик ва бағрикенглик ғояларига амал қилиш ҳамда кенг тарқатиш, қонун устиворлигига эришиш, мамлакатларни тараққиёт йўлига солиш, ислом дини ва байналминал келишувчиликни таъминлаш, зўравон давлатлар ва гуруҳларнинг ғаразли мақсадларини амалга оширишга йўл қўймаслик эди. Амир Темур ҳарбий юришларидан кўзлаган мақсади ҳақида “Тузуқлар”да шундай баён қилинади: “Бирон мамлакатда жабр-зулм ва фисқу-фасод кўпайиб кетар экан, асл подшоҳлар адолат ўрнатиш, фисқ-фасодни, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга хужум бошлаши лозим.”

Шунингдек, “Тузуқлар”да келтирилишича, Амир Темур қўшинига асли тоза, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олди ва кетини ўйлаб иш тутадиган, жанг сир-асрорларини биладиган уч юз ўн уч амирлар раҳбарлик қилиб, уларнинг кичиги каттароғига бўйсунган. Бу амирлардан юз нафари ўнбоши, юз нафари юзбоши ва юз нафари мингбоши бўлган. Жанг пайтида амир ул-умаро амирларга, амирлар мингбошиларга, мингбошилар юзбошиларга, юзбошилар ўнбошиларга бошчилик қилган ҳамда буйруқлар сўзсиз бажарилган.

“Тузуқлар”га кўра, ҳар бир ҳарбий мансабдорнинг аниқ вазифаси белгиланган. Бирорта оддий навкар қилич чопиб баҳодирлик кўрсатса, унга инъом тариқасида қимматбаҳо тошлар қадалган ўтоға, камар, турна беллик қилич ва бир от берилган ҳамда ўнбошилик мартабасига кўтарилган. Агар бирорта амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ёки ғаним лашкарини енгса, у уч нарса: фаҳоли хитоб (фаҳрий ёрлик), туғ, ноғора билан тақдирланган. Ўзининг ноғорасига, туғига эга бўлган амир мажлисларда ҳурмат-иззатга эга бўлиб, хос кишилардан ҳисобланган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Соҳибқирон армиясида мунтазам қўшинга хос бўлган кўпгина белгилар мавжуд эди. Қўшин сон жиҳатидан аниқ ва пухта ташкил этилган, унинг жанговар тартиби ўзининг такомил даражасига кўтарилган. Қўшин ўз замонасининг энг илғор қуро-яроғи, техникаси билан




қуролланган. Ҳар бир қисм, бўлинма айнан бир турдаги қурол-яроғ, асламат анжом билан таъмин этилган. Бўлинмалар, қисмлар бир биридан кийим боши, кўтарган байроғи, ҳатто минган отининг туси орқали ҳам фарқланган.

Ҳуллас, Амир Темур даври давлатчилигида ҳарбий тизим санъат даражасига кўтарилган бўлиб, бу тизим аввало, мамлакат хавфсизлигини, адолат ва барқарорликни кучайтириш, тартибсизликлар ҳамда бошбошдоқликларнинг олдини олиш мақсадларига қаратилган. У ҳарбий юришларда қонун устиворлигини таъминлаб, мазлумларни золимлардан ҳимоя қилган. Соҳибқирон ўз қўшини тузилишидан ихчамликни, уларнинг бир бирига ўзвий боғлиқлигини, бир бирига бўйсунушини, поғоналар тизимлилигини таъминлаган. Амир Темур ҳарбий соҳадаги бетакрор мероси ҳамда анъаналари темурийлар даврида ҳам давом этган бўлса-да, темурийлар кўпроқ мудофаа хусусиятидаги ҳарбий сиёсат олиб бордилар.

Маълумки, ўрта асрлар давлатчилиги тизимида ислом шариати қонун-қоидалари етакчи ўрин эгаллаган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Амир Темур давлатида ҳам ҳуқуқий муносабатлар Қуръони Карим ҳамда Ҳадиси шарифда баён қилинган тартиб-қоидаларга асосланган экан. Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилигидаги ҳуқуқ ва қонун-қоида асослари “Тузуқлар”да ўз аксини топган. Бу манбада давлат юмушлари, ҳарбий соҳа, райият ва ижтимоий тузумнинг барча қатламлари ҳақида сўз юритилиб, унда таъкидланишича, мамлакатдаги дунёвий жараёнлар олий ҳукмдорнинг ўзи, яъни, Амир Темур назорат қилган ҳамда керакли жазони ҳам айнан давлат бошлиғи берган. Шариат ишларини бошқариш шариат қозиси зиммасига юклатилган. Аммо, давлатнинг девонида, унинг турли буғинларида ҳам алоҳида қозилар, суд, жинойт ва жазо ишларини бажарганлар. Мамлакатдаги ҳуқуқ тизими қуйидагича бўлган:

- **шайхулислом** – мамлакат ва ҳар бир тобе ҳудудларда ислом аҳлини ноҳўя ҳатти-ҳаракатлардан сақлаш, назорат қилиш, уларни савоб ишларга ундаш бўйича масъул шахс;
- **садрлар** – улар асосан саййидлардан чиққан шахслардан бўлиб, уларнинг муҳим вазифаларидан бири вақф мулкларини назорат қилиш бўлган ва суюрғолни белгилаб турганлар. Улар аҳли исломга бошчилик қилганлар;
- **мутаваллий** – садрлар томонидан вақфларни бошқариш ҳамда назорат қилиш учун тайинланган шахс;
- **қози** – ҳар бир шаҳар ва вилоятда, девоннинг турли жабҳаларида қонунни назорат қилган. Қозилар даражаси ва мартабасига кўра бир-бирларидан фарқланган;
- **мударрис** – диний масалалар, шариат, тафсиф, ҳадис ва фикҳ бўйича дарс берувчи шахс;
- **мухтасиб** – бозорларда тарози, нарх-навони назорат қилувчи масъул шахс.

Юқоридаги қозилар ва садрлар фақат Соҳибқироннинг ўзига ҳисобот бериб турганлар. “Тузуқлар”да Амир Темур томонидан қатъий тартиблар ва



қонунлар баён этилган бўлиб, бунда қуйидагича маълумот берилади: давл
хазиначилари бўлмиш молия вазири ўз ишига хиёнат қилиб, бойликнинг бир
қисмини ўзлаштириб олган бўлса, аввало, текшириб, агар ўзлаштириб
олинган маблағ ўзига тегишли улуфа миқдорига тенг бўлса, мазкур маблағ
унга ҳадя этилган. Агар ўзлаштирилган маблағ маошдан икки баробар ортиқ
бўлса, ортиғи олинган маошдан ушлаб қолинган. Агар маошдан уч баробар
кўп бўлса, салтанат хазинасига тортиқ сифатида олинган.

Мансабдорлар томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва
жиноятларга жазо тайинлаш алоҳида назорат қилинган. Агарда қишлоқ
оқсоқоли ва шаҳар улуғлари кичикроқ даражадаги шахсга зулм қилсалар, ўша
зулмга яраша, ҳар кимнинг шароитига яраша жарима солиниб, фуқароларнинг
ижтимоий ҳолати ва турмуш тарзи эътибордан четда қолмаган. Агар
мансабдорлар халққа жабр-зулм этса, уларни хонавайрон этса, бу қилмишига
яраша аёвсиз жазоланган. Бу жазо оддий жаримадан тортиб, ўлим жазосигача
борган. Давлат амалдорларининг сотқинлиги, қўпоровчилиги, порахўрлиги ва
бошқа жиноятлари ҳам энг хавфли ҳисобланган. Соҳибқирон бундай
жиноятларни давлатга қарши қаратилган жиноятлар деб ҳисоблаган ва уларга
қаттиқ жазолар тайинлаган. Эътиборли томони шундаки, жазолар райиатдан
яширин ҳолатда эмас, балки очиқчасига бозор ҳамда халқ гавжум бўлган
жойларда ижро этилган.

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳуқуқни муҳофаза этиш ишлари
билан нафақат махсус органлар балки, ҳар бир худуднинг маъмурлари ҳам
шуғулланганлар. Уларнинг барчаси давлат ва фуқароларнинг тинчлик ҳамда
хотиржамлигини, жойлардаги адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга
маъсул бўлиб, асосан маъмурий тартибдаги кичик ҳуқуқбузарликларни
жазолаш ишлари билан шуғулланганлар. Агар давлатга, шахсга, жамиятга ва
соғлиққа қарши жиддий жиноятлар содир этилса, улар тегишли қозиликларда
кўрилган ҳамда яраша жазолар берилган.

Амир Темур ва темурийлар даври мажбурлов функциясини ташкил
этишдан ҳукмдорларнинг асосий мақсади аҳолини қонунларга ҳурмат руҳида
тарбиялаш ва жиноятларни олдини олиш, содир этилган жиноятларга
муқаррар равишда жазо бериш, жиноят содир этилгани аниқланган
ҳолатдагина жазо тайинлаш, давлат ва жамиятнинг тинчлик ҳамда
осойишталигини сақлаш эди. Шу боис ҳам бу даврдаги ҳуқуқий тизим қатъий
қонунийлик ва адолат тамойилига асосланган эди.

Ер эгаллиги ва солиқлар. Амир Темур ўз давлатидаги ижтимоий-
иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш жараёнида “Тузуқлар”га
таяниб иш кўрган. Бу ҳақда манбада махсус боб мавжуд. Унда
келтирилишича, деҳқон, хунарманд, савдогар, солиқчи, ер-сув, ҳосил ва
бошқаларнинг аҳамияти, ўрни ҳамда вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. Энг
маъсулиятли вазифалар эса давлат зиммасида бўлган. Хусусан, хароба ва
сувсиз ерларга сув чиқариш ҳамда обод қилиш, бузилган кўприкларни
тузатиш, янгиларини қуриш, йўл хавфсизлигини таъминлаш, йирик боғлар
барпо этиш, катта-катта каналлар қазилар, савдо қарвонларига, кузатувчи ва




соқчилар тайинлаш, карвонсарой ва ёмхоналар куриш каби катта куч маблағ талаб қиладиган юмушлар шулар жумласидандир.

Амир Темур ва темурийлар даврида мавжуд суғориш тармоқларини таъминлаш ва кенгайтириш, янги ариқлар қазиш, ободонлаштириш ишларига катта аҳамият берилган. Бу даврда деҳқончилик воҳаларининг сув таъминоти тартибга солинади, даштларга сув чиқарилиб, янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Бу соҳада деҳқонларнинг янги ерларни очиши, коризлар қазиб, боғ-роғлар обод этиши учун амалга оширилган ҳар қандай фаолияти ҳукмдорлар томонидан қўллаб-қувватланган. Бу даврда ҳукмдорлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари томонидан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв воҳаларида, Тус ва Ҳирот ҳамда унинг атрофларида йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, айрим деҳқончилик вилоятларининг сув таъминоти тубдан яхшиланади.

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер ва мулкчиликнинг асосан тўртта шакли: мулки девоний – давлат ерлари, мулк – хусусий ерлар, мулки вақф – мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ерлар ва жамоа ерлари бўлган. Деҳқончилик қилинадиган ерларнинг катта қисми **давлат ерлари** ҳисобланиб, бу ерларга давлат ҳукмдори эгалик қилиб, бу даврда давлат ерларини суюрғол тарзида инъом қилиш кенг тарқалади. **Суюрғол ерлари** майдони, шарти ҳамда ер ва ёрликка эга бўлган шахсларнинг табақаси жиҳатидан турлича бўлган. Анъана бўйича, шаҳар ва вилоятлардан тортиб, то алоҳида кишлокқача бўлган мулк суюрғол шаклида инъом этилган. Вилоятлар ва шаҳарлар кўпинча сулола вакиллари, йирик ҳарбий ва давлат мансабдорларига берилган ҳамда бу ерлар кўпинча авлоддан авлодга мерос бўлиб қолган. Суюрғол эгаси ўз мулкида амалдорларни мансабга тайинлаш, солиқлар ва турли тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуқига эга бўлган. Шунингдек, ҳуқуқлари чекланган майда суюрғол эгалари ҳам бўлган.

Деҳқончилик ерларининг бошқа каттагина қисми мулк мақомидаги **хусусий ерлардан** иборат бўлган. Мулк ерларининг катта қисми маъмурий, ҳарбий ва диний арбобларнинг ерлари бўлган. Меҳнаткаш зироатчиларнинг майда ерлари ҳам мулк ҳисобланган. Бу даврда бош ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларига бирор хизмати учун **тархон** ёрлиғи берилиб, бу ёрликни олганлар барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод қилинган. Тархонлик ёрлиғи, одатда, амир, бек, сарой амалдорлари, сайидлар каби юқори табақа вакилларига берилган ҳамда улар иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта мавқега эга бўлганлар

Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбаралар барпо этилиб уларнинг барчасига катта ер майдонлари, суғориш тармоқлари, дўконлар, корхоналар, тегирмонлар, обжувозлар, карвонсаройлар берилган бўлиб, улар **мулки вақф** деб аталган. Бу мулклардан тушган даромад масжид, мадраса, шифохона ва хонақоҳларнинг таъмирлаш ва жиҳози, шунингдек, мутавалли, мударрис,



табиб ва талабаларга бериладиган маош, мусофирхона ва шифохоналарнинг кундалик харажатлари (озик-овқат, ёқилғи ва ёритғичлар) учун сарф этилган.

Бу даврда деҳқончилик ерларининг маълум бир кичикроқ қисми қишлоқ аҳолисининг умумий тасарруфида бўлган ва бундай ерлар **жамоа мулки** ҳисобланган. Жамоа ерлари кўпроқ тоғ олди туманларининг сувга танқис ерларида, адирлардаги сув чиқмайдиган ерларда жойлашган. Бундай ерлар қишлоқ жамоаларининг кучи билан майда сув омборлари (жилғалар ёрдамида) ёки коризлар қазиб, машаққатли меҳнат туфайли ўзлаштирилган ҳудудларда пайдо бўлган ҳамда жамоа мулкига айланган. Улар маълум муддат солиқлардан озод этилган.

Темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда экин майдонларига ишлов берувчилар **музорий (зироатчи)** деб аталган бўлиб, улар қишлоқнинг меҳнаткаш табақасига мансуб бўлган ва қўйидаги тўртта гуруҳга бўлинган: 1. Давлат ерларида меҳнат қилувчи зироатчилар; 2. Мулкдорларнинг ерларида ишловчи зироатчилар; 3. Ўз ерларига эга бўлган деҳқонлар; 4. Вақф ерларда меҳнат қилувчи зироатчилар.

Бизга маълум бўлган кўпгина манбалар Амир Темур ва темурийлар даврида Ўрта Осиё ва бошқа ҳудудларда солиқ тизими маълум тизимга туширилиб, адолат қонунларига риоя қилганлиги ҳақида маълумотлар беради. Хусусан “Тузуклар” да шундай дейилади: “Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан раийятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилгач, солиқни уч бўлиб олсинлар. Агар раийят солиқ тўпловчи юборилмасдан олдин солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агар солиқ тўпловчини юборишга мажбур бўлинса, улар солиқни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар; калтак-арқон ишлатиб, ишни уруш-сўқишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб занжир билан кишанламасинлар.

Бу даврда ердан олинадиган солиқнинг асосий тури **хирож** ҳисобланган. Бу солиқ маҳсулот ёки пул билан олинган. Унинг ҳажми ҳосилнинг ярим миқдоригача борган. Ҳосил тўла пишиб етилмасдан солиқ тўплаш қатъиян ман этилган. Солиқлар ҳокимият томонидан белгилаб қўйилган уч муддатда: саратон (июн-июл), сумбула-мезон (август-сентябр) ва қавс (ноябр) ойларида тўпланар эди. Солиқлардан ташқари зироаткор аҳоли ҳукмдор ва унинг маъмурлари, сунурғол эгалари ва тархонлар, шунингдек, йирик мулкдорлар фойдасига муайян муддат текин ишлаб берардилар.

Ҳарбий юришлар даврида мағлуб этилган аҳолидан **сари шумор (жизья)** солиғи олинган. Давлат хавф остида қолиб ҳарбий сафарбарлик эълон қилинган пайтларда фавқулодда солиқ – **аворизот** йиғиб олинган. Мамлакат ҳудудидан чопар ёки элчилар ўтаётганда, зарурат туғилганда, аҳоли уларга отулов топиб бериши лозим бўлган.

Темурийлар даврида қурилиш ишлари кенгайиб, бу даврда қад кўтарган саройлар, жамоат бинолари, мудофаа, суғориш иншоотлари, йўл қурилиши ва тузатишларида меҳнаткаш аҳоли кучидан кенг фойдаланилган. Бундай ҳашар ишлар **бегор** деб аталган. Мазкур ишлар жараёнида **миробона, доруғона** солиқлари ундирилган. Шунингдек, аҳоли солиқ йиғиш ва унинг ҳисоб-




китоби билан банд бўлган турли лавозимдаги маъмурларнинг хизмати учун ҳам бир қанча йиғимлар тўлаганлар. Мисол учун, ҳосил миқдорини белгиловчиларга **соҳиби жамона**; солиқ йиғувчиларга **мухассилона**; киримни бошқарувчиларга **зобитона**; доруғаларга **доруғона**; сув тақсимловчи мироблар фойдасига **миробона** кабилар тўланган.

Бу даврда боғ ва дарахтзорлардан **танобона**, **мол сардарахт**, яйловлардан **мол ўтлоқ** ва **сувлоқ** каби солиқлар олиниб, уларни тўплашда анъанавий тартиб-қоидаларга амал қилинган. Чорва молларидан қирқдан бир миқдорда **закот** солиғи олинган. Чегара ҳудудларида божхоналар бўлиб, четдан келадиган савдогарлардан маълум миқдорда бож ундирилган. Маҳаллий савдогарлар эса **тагжой** солиғи тўлаганлар.

Ташқи сиёсат ва дипломатия. Тадқиқотчиларнинг эътироф этишларича (Ш. Ўлжаева) Амир Темур дастлабки сиёсий фаолиятидан то вафотига қадар ўз қудратининг ундан тўққиз қисмига дипломатик салоҳияти туфайли эришган. Соҳибқироннинг ворислари Мироншоҳ, Улуғбек, Шохрух, Ҳусайн Бойқаро, Бобур каби йирик давлат арбоблари ҳам ички ва ташқи алоқаларда Амир Темурнинг дипломатик меросига амал қилиб, унинг бу борадаги сиёсатини давом эттирганлар. Тинчлик, томонлар манфаатдорлиги, рақибига шавқат қилиш ва унга катта имкон яратиш, ҳар қандай оғир шароитда ҳам элчини қадрлаш, ташқи сиёсат ва дипломатия қоидаларига қатъий амал қилиш, инсон ҳаёти дахлсизлиги Амир Темур ташқи сиёсати ва дипломатиясининг асоси ҳисобланган. Чунончи, Амир Темур мактубларидан бирида, “Элчига ўлим ва бандилик йўқдир, элчининг гарданидаги вазифа буйруқни аниқ етказишдан бошқа нарса эмасдир”, деб ёзади.

Амир Темурнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ўзига хос томонларидан яна бири шундаки у, бир халқни иккинчи бир халққа, бир динни бошқа динга, бир мафқурани ўзга мафқурага қарши қўймай, ҳар икки зиддиятли томоннинг манфаатларини ифода этадиган муаммонинг ижобий ечимини ҳамда улар ўртасидаги тараққиёт йўлини топишни асосий масала деб билган. Манбаларнинг маълумот беришича, Соҳибқирон дипломатик муносабатларда ташаббус кўрсатиб, халқаро алоқаларни ривожлантиришга интиланган. Унинг ташқи сиёсати ва дипломатияси тинчлик ва тенглик, доимо рақибига ён босиш, диний ва дунёвий бағрикенглик ғояларига асосланган. Амир Темурнинг қарашларига кўра, инсон ирқи, дини, миллати, келиб чиқиши ва қаерда яшашидан қатъий назар, ер юзининг барча ери ҳамма инсон учун муқаддас бўлмоғи керак.

Соҳибқироннинг ташқи сиёсати ҳамда дипломатия борасидаги бағрикенглик ва инсонпарварлик фазилатлари Хоразмдаги Сўфийлар сулоласи (Юсуф Сўфи), Олтин Ўрда хони Тўхтамиш, Миср ҳукмдори Фараж, Туркия султони Боязид кабилар бўлган муносабатларда ҳам яққол кўзга ташланади. Таъкидлаш жоизки, Амир Темурнинг кучли ва пухта дипломатик салоҳияти туфайли динлар, мафқуралар, маданиятлар, иқтисодиётлар, сиёсатлараро муносабатлар замон талаблари ҳамда вазият тақозоси даражасида йўлга қўйилган.




Маълумки, Амир Темур мураккаб тарихий шароитида ташқи сиёсат олборган эди. Чунки ўша даврдаги вазият, яъни, Чингизий муғулларнинг хавфи кучли эканлиги, Чигатой улусини бирлаштириш ва эгаллик қилиш, Хоразм, Олтин Ўрда, Муғулистон, Эрон, Хуросон каби ўз даврининг кучли давлатлари билан муносабатлар масалаларида давлат манфаатларига мос ташқи сиёсат юргизишни тақазо этарди. Соҳибқироннинг ташқи сиёсатдаги устивор мақсади – оқибатли қўшничилик, тингчилик ва ҳамкорлик бўлиб, Хоразм устига бир неча юришлар ва Урганчининг вайрон этилиши суфийлар сулоласи вакилларининг узокни кўрмай юритган сиёсати натижаси эди. Чунки суфийларга узок вақт ҳамда катта имкониятлар яратилган эди.

Амир Темурнинг ташқи сиёсатидаги асосий йўналишлардан бири – Мовароуннахрнинг хавфсизлигини таъминлаш бўлган. Хоразмдаги суфийлар сулоласи, Форс вилояти ҳокими Шох Шужоъ, Озарбайжон ҳокими Тахуртан, Муғулистон ҳокими Қамариддин, Олтин Ўрдадаги Тўхтамишхон, Оқ Ўрдадаги Темур Малик кабилар билан бўлган муносабатлар замирида ҳам ана шу мақсад ётарди.

Тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, Амир Темур манфаатлари муштарак, маданиятлари ва динлари умумий бўлган қўшни давлатларни тобе қилганлигини, жорий подшоликлар билан оралиқ давлатларни куч ёки дипломатия билан эгалланганлигини эътироф этадилар. Итоаткорлик, тўланган солиқ ва божлар эвазига Соҳибқирон уларга ёрдам ва ҳарбий муҳофаза ваъда қилиб, ўз ҳолларига қўйиб берган. Усмонли туркларнинг қўшниси Озарбайжон, Туркман амирлиги, Грузия, Қашғар, Ҳиндистон кабилар бунга мисол бўла олади. Ушбу қарам ёки иттифоқдош давлатлар атрофида Рус ерлари, Олтин Ўрда, Туркия, Сурия, Бағдод султонлиги, Дехли султонлиги, Хитой каби кучли ташқи подшоликлар турган.

Амир Темурни Европа давлатлари билан олиб борган ташқи сиёсати ҳам эътиборга сазовордир. Чунончи, Боязиддан енгилган Кичик Осиёдаги майда султонликларнинг ҳоким ва амирлари Темурдан мадад истаб, унинг Қорабоғдаги ўрдагоҳига бориб қарор топадилар. Византия ва Генуя ҳокимлари ноиблари, Франция қироли ҳамда Султония шахрининг католик миссионерлари нажот сўраб Соҳибқиронга мурожаат қиладилар. Шунингдек, Боязидга қарши биргаликда зарба бериш мақсадида Византия императорининг Константинополдаги ноиб Иоанн VII Палеолог ва Генуянинг Перадаги (Константинопол яқинида) ҳокими Трабзон (Трапезунд) императори Мануил III воситасида Темурга мурожаат этганлар. Амир Темур Боязид билан бўлажак жангларда Трабзон ва Константинополнинг ҳарбий кемаларидан фойдаланишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда у Генуя ва Венецияга совғасаломлар ҳамда мактублар билан Ватикан вакили Иоанн Галонифонтибус бошчилигида элчилар юборади.

Соҳибқирон ўз даврида Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамаралар билан ҳам алоқалар ўрнатиб, ёзишмалар олиб боради. Бу муносабатлар даставвал Туркия устига юриш муносабати билан бошланган бўлса-да, ғалабадан сўнг



Ғарбий Европа мамлакатлари билан бўлган алоқаларнинг мазмуни тубдан ўзгарди. Эндиликда, Темур улар билан дўстона муносабатларни мустақкамлаш ҳамда элчилик ва ўзаро савдо-сотик алоқаларини йўлга қўйиш каби масалалар билан чекланади. Шу мақсадда Франция ва Англияга элчилар юборилиб, Испаниядан (Клавихо) элчилар қабул қилинади.

Амир Темур ва темурийлар даврида Марказий Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларининг ташқи сиёсати ва дипломатиясида халқаро савдо ҳамда маданий алоқалар муҳим ўрин тутганлиги бизга тарихдан маълум. Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, халқаро карвон йўллари хавфсизлигини тўла таъминлашга эришди. Шу туфайли, XIV асрнинг 70-йилларидан бошлаб Буюк ипак йўлининг Мовароуннаҳр орқали ўтган марказий тармоғи шимолий йўналишига қараганда халқаро иқтисодий-маданий алоқаларда муҳим ўрин тута бошлади. Мовароуннаҳр бўйлаб халқаро савдо карвонлари ҳаракатининг қайтадан жонланиши, шаҳарлар тараққиётига, иқтисодий-маданий алоқаларнинг юксалишига олиб келди.

Амир Темур ва Темурийлар даври Буюк ипак йўли фаолиятининг сўнгги ва ривожланган босқичи бўлди. Савдо йўлларида хавфсизликнинг таъминланиши, савдо-сотикнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши, шаҳарларнинг марказлар сифатидаги аҳамияти ошиши ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқалар ривожига олиб келди. Бу йўлнинг мамлакатимиз ҳудуди орқали ўтган марказий йўналишларининг фаолияти янада ривожланди.


Хуллас, Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилигида, давлат бошқарув асослари назарий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилиб, амалиётга жадал жорий этилган. Давлат кам таъминланган, камбағал ва етим-есирларни ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоя қилган. Бу даврда давлат раҳбарига алоҳида эътибор берилиб, раҳбарнинг аввало комил инсон бўлмоғи, ахлоқий баркамоллиги талаб этилган. Давлат раҳбари қонунчиликни, бошқарув санъатини мукамал эгаллаган ҳамда давлатни аниқ ва пухта ишлаб чиқилган қонунлари орқали бошқарган.

Амир Темур ва темурийлар даври давлатни бошқариш аппарати – марказий бошқарув органлари, улар ўртасидаги ўзвий алоқалар мукамал йўлга қўйилган. Шунингдек, марказий ва маҳаллий бошқарув, уларнинг бир-бирига бўйсунishi, бир-бирига бўйсунмайдиган давлат органлари ўртасидаги муносабатлар маъмурий жиҳатидан мувофиқлаштирилган.

Бу давр ўзбек халқи давлатчилиги тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан бўлиб, мазкур даврда аждодларимизнинг ички ва ташқи сиёсатдаги имкониятлари кенг бўлиб, бу борадаги салоҳияти тўла-тўқис намоён бўлди. Мовароуннаҳр дунёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказига айланиб, давлатнинг қудратини Европадан Хитойга қадар бўлган ҳудудлардаги давлатлар эътироф этдилар.

5-§ Амир Темур ва темурийлар даври шаҳар маданияти.


Маълумки, ўлкамиз ҳудудларида шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши бронза даврига бориб тақалади ва бу жараён турли даврларда босқичма-



босқич ривожланиб боради. Айниқса, XV асрда, яъни, Амир Темур Темурийлар даврида шаҳар маданияти ўрта асрлар даври ўз ривожининг юқори чўққисига кўтарилган эди. Ўз даврида Амир Темур ўз салтанати ҳудудларини ғарбда Ўрта Ер денгизигача, шимолда Россия ҳудудлари, жанубда Ҳиндистонгача бўлган ерларни ўз ичига олган ҳолда кенгайтиришга эришган эди. У ҳокимият тепасига келгач мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш билан бирга шаҳарлар тараққиётига ҳам алоҳида эътибор қаратди. У туғилиб ўсган юрти Шаҳрисабз (Кеш) да маҳобатли Оқсарой ва кўркам мачитлар, пойтахти Самарқандда улуғвор ва ҳашаматли бинолар, Туркистонда, Дамашқда, Табризда масжиду – мадрасалар барпо этишда бош-қош бўлди. Амир Темур ва темурийлар давридаги катта ва кичик шаҳарларда тинчлик ҳамда осойишталик ўрнатилиб, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият ва ўзаро иқтисодий – савдо алоқалари ривожланди. Бу даврда Самарқанд ва Ҳиротдан ташқари Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Балх, Машҳад, Шероз каби кўплаб маданий марказлар мавжуд эди.

Маълумки, Амир Темур ва Темурийлар даври Мовароуннаҳрда рўй берган тарихий-маданий жараёнлардан Шаҳрисабз ҳам четга қолмаган. Амир Темур ўз ватани сифатида, темурий шаҳзодалар эса боболарининг юрти сифатида Шаҳрисабзга ниҳоятда катта эътибор қаратиб, бу ерда кўпгина ободончилик ишлари, маданий-меъморий иншоотлар бунёд этганликлари боис Кеш-Шаҳрисабз ўрта асрларда “Қуббатул илм вал адаб” деган муқаддас номга сазовор бўлган эди. Шарофиддин Али Яздий маълумотларига кўра, Шаҳрисабзда ўз даврининг машҳур ислом намоёндалари яшаган бўлиб, улардан бири Абу Муҳаммад Обдон Кеший эди. XIV-XV асрларда Абдуллоҳ Самарқандий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Бухорий ва Абдул Ҳусайн Муслим Нишопурийлар ҳам Шаҳрисабзда яшаб ислом тариқатини ривожлантирганлар.

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам, ҳозирги кунда ҳам Кеш-Шаҳрисабзга келувчиларнинг диққат эътиборини тортиб турган йирик меъморчилик иншооти бу – Оқсарой биноси ҳисобланади. XIV аср охири – XV аср бошларида бунёд этилган бу ёдгорликнинг умумий баландлиги ўз даврида 70 метрга яқин бўлиб, ҳозирги кунда 38 метри сақланиб қолган. Ёдгорлик ҳақида Шарофиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Ибн Арабшоҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, испан элчиси де Клавихолар маълумотлар берадилар. Оқсаройнинг сақланиб қолган иккита улкан устуни сирланган мозаика ва бетакрор ўйма нақшлар билан безатилган. Бу ердаги геометрик ва табиий нақшлар етти хил рангда танланган бўлиб, халқ орасида “ҳафт ранги” деб номланади. Оқсаройнинг ғарбий устуни олд томонида, “Агар бизнинг куч қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ!” деган машҳур хитобнома битилган. Бу хитобнома ва бинонинг салобати Амир Темур салтанатининг куч-қудратидан далолат беради. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда Оқсарой биносининг сақланиб қолган меъморий қолдиқлари, у хажм жиҳатдан улкан бўлиб, ўрта асрлада шакл ва меъморий безатилиши жиҳатдан тенги йўқ эканлигини кўрсатади.




Шаҳрисабздаги ўрта асрлар ўрта Осиё шаҳарлари меъморчилигининг бир нодир намуналаридан бири шаҳарнинг жануби-шарқда жойлашган битта меъморчилик мажмуига бирлашган иккита иншоот гуруҳи – Доруссиодат ва Доруттиловат мажмуалари ҳисобланади. Бу мажмуаларда Амир Темурнинг пири ва устози Шайх Шамсиддин Кулол, отаси Амир Тарағай, ўғиллари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзолар дафн этилган. Ёзма манбалар Доруссиодат ва Доруттиловатнинг серҳашам ғиштин бинолари ўзининг улуғворлиги билан ажралиб турганлиги ҳақида маълумотлар беради.

Амир Темур ва темурийлар ўз салтанатларининг маркази сифатида Самарқанднинг ободонлиги ва гуллаб-яшнашига алоҳида эътибор қаратганлар. 1370 йилда Самарқанд давлатнинг пойтахти қилиб олинган бу шаҳарга турли йилларда Исфакон, Шероз, Хоразм, Ҳалаб, Бухоро, Табриз, Кешдан меъморлар ва бинокорлар, турли касбдаги усталар келтирилиб саройлар, мачиту-мадрасалар, боғ-роғлар, ҳашаматли бинолар бунёд этилган. Таъкидлаш жоизки, муғуллар ҳукмронлиги даврида бутунлай вайрон этилиб, харобага айланган Самарқанд шаҳри Амир Темур даврида янгитдан қад ростлайди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу даврда шаҳар тевараги мустаҳкам қалъа девори билан ўралиб, Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Ферўза каби номлар билан аталувчи олти дарвоза ўрнатилди. Бу даврда Самарқандда Шодимулк оға, Амир Ҳусайн, Ширинбека оға каби мақбаралар, Бибиҳоним масжиди, Гўримир даҳмаси, Улуғбек расадхонаси ва мадрасаси каби кўплаб меъморий иншоотлар бунёд этилади. Улуғбек даврида Шохизинда ансамбли тўла қуриб битказилади ва Самарқанднинг Регистон майдони, санъат, маданий ҳаёт, ҳунармандчилик ва савдо-сотик гуркираб ривожланади.

XIV аср охири – XV аср бошларида Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлик қилган даврда суғориш тартибини қайта кўриш ва янгидан ташкил этиш, янги деҳқончилик воҳаларини ўзлаштириш кенг қўламда олиб борилди. Ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривож топиб, товар-пул муомаласи ўз ривожланишининг юқори чўққисига кўтарилди. Буларнинг барчаси нафақат пойтахт Самарқандда, балки мамлакатнинг барча ҳудудларида улкан шаҳарсозлик ишларини амалга ошириш имкониятини берган эди. Мисол учун Хўжад, Ўратепа, Қанди Бодом, Исфара, Панжикент, Андижон, Сайрам, Туркистон каби шаҳарларда кўплаб давлат ва жамоат маданий бинолари қад кўтаради. Бу шаҳарларда ҳунармандчиликнинг етакчи тармоқлари – тўқимачилик, металга ишлов бериш, кийим тикиш, қоғоз тайёрлаш каби ўнлаб турлари тараққий этиши натижасида улар Амир Темур ва темурийлар давлатининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлдилар.

Алоҳида таъкидлан жоизки, Темур ва темурийлар даври шаҳарларида илм-фаннинг турли соҳалари, маданият гуллаб яшнади ҳамда даврга ва ҳудудга хос бўлган бой маънавий қадриятлар яратилди. Амир Темур марказлашган мустақил давлат барпо этганидан сўнг уни мустаҳкамлаш учун қаттиқ ҳаракат олиб борди. Мисол учун, манбаларнинг гувоҳлик беришича, Темур мамлакат



иқтисодиётининг яхшиланиши ва тараққий этишига, шаҳарларининг томонлама ривожланишига, карвон йўлларини тиклаш асосида савдо-сотикнинг кенгайишига, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалигининг ривожига алоҳида аҳамият берди. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатнинг катта ва кичик шаҳарларида маданий ҳаёт ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилади. Шунингдек, Темур ва Темурийлар даври шаҳарларида маданий ҳаётнинг ривожланиши учун қулай ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилиши билан бирга Эрон, Афғонистон, Араб мамлакатлари, айрим Европа давлатлари, Ҳиндистон, Хитой каби давлатлар билан савдо-сотик, дипломатик ва маданий алоқалар тикланади ва йўлга қўйилади. Бундай сиёсат юргизилиши Темур ва темурийларнинг маркази ҳисобланган Мовароуннаҳр ва Ҳуросондаги эмас балки, уларнинг тасарруфида бўлган кўпгина ҳудудлардиги шаҳарларининг ҳам маданий юксалишига ижобий таъсир кўрсатди.

Хуллас, Амир Темур ва темурийлар даврида олиб борилган сиёсий-давлат бошқарувини мукаммал ташкил этиш, шаҳарлар тараққиётига алоҳида эътибор қаратиш, шаҳар ва қишлоқларда илм-фан ва маданиятнинг, санъатдаги хилма-хил турларининг ривожланиши, жамият маънавий ҳаётининг янада яхшиланишига қаратилган эди. Амир Темур ва темурийларнинг илм-фан ва маданиятни қадрлайдиган, шаҳарларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун алоҳида эътибор қаратадиган ҳукмдор бўлганлигини нафақат ёзма манбалар маълумотлари, балки кўпгина шаҳарларимиздаги бизга қадар етиб келган ҳамда ҳозирги кунда ҳам ўзининг гўзаллиги ва улуғворлигини намойиш этиб турган маҳобатли иншоотлар яна бир бора тасдиқлайди.

Таянч тушунчалар

Сиёсий тарих, сиёсий тарқоқчилик, Ҳожи Барлос, Кеш вилояти, Туғлуқ Темур, Амир Ҳусайн, “Лой жанги”, Сарбадорлар, Мавлонзода, Конибил воқеаси, давлат бошқаруви, қурултой, қонуний ҳукмдор, суфийлар, ҳарбий юришлар, Анқара жанги, сиёсий бошқарув тажрибалари, маъмурий идора усули, бошқарув тизимлари, ягона сиёсий тартиб, Пирмуҳаммад, Ҳалил Султон, Жаҳонгир Мирзо, Улуғбек, Шохрух Мирзо, Дашти Қипчок, даргоҳ, девон, беклар беги, катта кенгаш, кичик кенгаш, вазирлар, туманбоши, юзбоши, мингбоши, арзбеги, тавочи, ҳожий, ҳазинадор, живочи, қушчи, бақовулбоши, қотиб, битикчи, мирза, табиб, раийят, сипоҳсолор, девонбеги, сунурғол, тархон, мулкчилик, доруға, қутвол, хировул, жавонғор, “Темур Тузуклари”, ички ва ташқи сиёсат, дипломатия, маданий алоқалар, савдо йўллари, шариат қонун қоидалари, шайхулислом, ҳарбий бошқарув, шаҳарсозлик маданияти.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар.


1. Амир Темур Мовароуннаҳрда тахтга ўтириш арафасидаги сиёсий аҳвол ҳақида гапириб беринг.
2. Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиши ҳақида маълумот беринг.




3. Амир Темур ва темурийлар давлати бошқарувининг асослари нимада?
4. Амир Темур манфаатларини кўзлаган ижтимоий табақалар ҳақида маълумот беринг.
5. Амир Темур ва темурийлар даври ички сиёсати ҳақида нималарни биласиз?
6. Мансаблар ва унвонлар ҳақида гапириб беринг.
7. Бу даврда ҳарбий ишлар қандай йўлга қўйилган эди?
8. Бу даврдаги ҳуқуқий муносабатлар ҳақида нималарни биласиз?
9. Ер эгаллиги ва солиқлар ҳақида маълумот беринг.
10. Ташқи сиёсат ва дипломатия ҳақида гапириб беринг.
11. Амир Темур ва темурийлар даври шаҳарсозлик ҳақида нималарни биласиз?
12. “Темур тузуклари” – давлат бошқарув ҳақидаги муҳим манба эканлигини гапириб беринг.

7-мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И. А. Амир Темур ҳақида сўз. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1996.
2. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.2., I-қисм. Таржима, кириш, изоҳли сўз ва луғатлар А. Ўринбоевники. Тошкент, “Фан”, 1969.
3. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, “Шарқ”, 2000.
4. Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш. Тошкент, Ғофур Ғулом, 2000.
5. Амир Темур ва унинг дунё тарихидаги ўрни // Халқаро конференция материаллари, Самарқанд, 1996.
6. Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб, Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
7. Бобоев Ҳ. Б. Амир Темур ва темурийлар салтанати. Тошкент. Камалак, 1996.
8. Дадабоев Ҳ. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Тошкент. Ёзувчи, 1996.
9. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи, Тошкент, 2003.
10. Мўминов И. М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент. Фан, 1996.
11. Мухаммаджонов А. Р. Темур ва темурийлар салтанати. Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти. 1994.
12. Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х. Амир Темур в зеркале мировой науки. Ташкент, Мир, экономика и право, 1999.
13. Тамерлан. Эпоха. Личность, Деяния / Составление, обработка и подготовка текста Р. Рахмоналиева. М., Гураш, 1992.
14. Низомиддин Шомий, Зафарнома. Форс тилидан Ю. Ҳакимжонов таржимаси, Тошкент, Ўзбекистон, 1996.
15. Темур тузуклари. Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси (умумий таҳрирчи Б. Аҳмедов), Тошкент. Ғофур Ғулом, 1996.
16. Саидов А., Тошқўлов Ж. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Тошкент, 1995.
17. Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. Тошкент, Фан, 2006.



18. Сагдуллаев А. ва бошқ, Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиоти. Тошкент. Академия, 2000.
19. Темур ва Улуғбек даври тарихи, Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
20. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Тошкент, Ёзувчи, 1999.
21. Ўзбекистон тарихи. Р. Х. Муртазаева таҳрири остида. Тошкент, 2003.
22. Ўлжаева Ш. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши, Тошкент. Фан. 2005.



8-мавзу. Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари давлатчилиги тарихи

1 § Шайбонийлар даври давлатчилиги


Сиёсий тарих. Маълумки, XIV аср бошларига келиб, 1236 йилда Ботухон томонидан асос солинган Олтин Ўрда давлати икки қисмга бўлиниб кетади ва унинг шарқий қимида Оқ Ўрда давлати ташкил топади. Айрим тарихий манбаларда бу ҳудудлар “Ўзбеклар мамлакати” деб ҳам эслатилади. XV асрнинг ўрталарига келиб Шарқий Дашти Қипчоқ ҳудудларида Жўжихоннинг бешинчи ўғли Шайбон уруғидан бўлган Абулхайрхон кўчманчи ўзбеклар давлатига асос солди. Мовароуннаҳрдаги ўзаро курашлардан фойдаланган Абулхайрхон Сирдарёнинг ўрта оқимидаги бир қанча шаҳарларни, Хоразмнинг бир қисмини босиб олишга эришди.

Манбаларнинг (Мулла Шоди, “Фатҳнома”) маълумот беришича 864 хижрий (1459-1460 йй.) йилда Абулхайрхоннинг катта ўғли Шохбудоғ вафот этади. Ундан қолган саккиз ёшли Муҳаммад ва беш ёшли Маҳмуд уйғур Бойшайх кўкалдош тарбиясига берилади. Шохбудоғнинг катта ўғли Муҳаммад Шохбахт кейинчалик Шайбонийлар давлатига асос солади. Манбаларнинг маълумот беришича, Муҳаммад Шохбахт Шайбонийхон истеъдодли шоир ва саркарда, замонасининг ўқимишли ва билимдон кишиларидан бўлган.

XV асрнинг сўнгги чорагига келиб темурий шахзодалар ўртасидаги тож-тахт учун ўзаро курашлар авж олган эди. Кўпгина мулклар ва вилоятлар, хусусан, Фарғона, Ҳисор, Самарқанд билан Бухоро, Тошкент, Хоразм ўзларини мустақил ҳисоблаб, кўп ҳолларда бир-бирлари билан кураш олиб борар эдилар. Шунинг учун ҳам Мовароуннаҳрдаги темурийлар салтанати амалда мустақил бошқариладиган кичик-кичик вилоятларга бўлиниб кетган эди. Шайбонийхон эса темурийлар ҳукмронлигига барҳам бериш учун бундай вазиятдан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилди.

Темурийлар ўртасидаги сулолавий уришлар, кейинроқ эса Шайбонийхон кўшинларини қўллаб-қувватлашда Тошкент мулки зодагонлари катта рол ўйнадилар. 1485 йилда Тошкент ҳокимиятини машҳур диний арбоб Хўжа Ахрор ёрдамида Юнусхон эгаллаган бўлса, унинг вафотидан сўнг ўғли Маҳмудхон (1487-1503йй) Тошкент тахтини эгаллайди. Маҳмудхон темурийларга қарши курашда Шайбонийхон иттифоқини умид қилган бўлса-да, ниятига ета олмади. 1494 йилда Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзо вафот этгач, темурийлар ўртасидаги низолар янада кучайиб кетди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон 1497 ва 1499 йилларда Самарқандга хужум уюштириб, уни икки марта қамал қилди.

1500 йилда Андижон ҳокими Бобур Мирзо Самарқандга юриш қилди. Аммо, Шайбонийхон ундан олдинроқ ҳаракат қилиб Самарқандни қамал қилди ҳамда шаҳар ҳокими Султон Али билан келишиб, Самарқандни эгаллади. Бобурнинг Самарқандни эгаллаш борасидаги ҳаракатлари зое кетди. Бунга қадар Шайбонийхон Бухорони ҳам қўлга киритган эди. Шундан сўнг Шайбонийхон 1503 йил баҳорида асосий кўшинлари билан Тошкент ҳокими



Маҳмудхон ва Фарғона ҳокими Аҳмадхонларга қарши юриш қилиб Тошкент вилоятидаги Шоҳруҳия ва бошқа кўпгина қалъаларни босиб олишга эришади. Фарғонадаги Архиан қалъаси ёнида бўлган шафқатсиз жангда Маҳмудхон ҳалок бўлади ва Тошкентда қолдирилган унинг ўғли Муҳаммад Султон Шайбонийхон кўшинлари яқинлашиши билан Тошкентдан қочиб кетади.

Тошкентга мустаҳкам ўрнашиб олган Шайбонийхон кўшинларининг катта қисми унинг укаси Маҳмуд Султон бошчилигида Хоразмга юриш бошладилар. Кат ва Булдумсоз қалъаларини эгаллаган Маҳмуд Султон бу ҳудудлардаги бир қисм аҳолини мажбуран Бухорога кўчиришга буйруқ беради. 1505 йилда ўн ойлик камалдан сўнг кўчманчи ўзбеклар Урганч шаҳрини эгаллайдилар.


Шайбонийхоннинг ўзи катта кўшни билан 1504 йилда Ҳисор вилоятига юриш қилди. Бу пайтдаги Ҳисор вилоятининг ҳокими Хусравшоҳ анча катта ҳарбий кучга эга бўлса-да, Шайбонийхонга жиддий қаршилик кўрсата олмади. Бунинг натижасида Ҳисор вилояти барча тоғли туманлари билан бирга Шайбонийхон ихтиёрига ўтди ва Қундуз, Толқон, Бадахшон ҳамда Балх ишғол этилди.

Шайбонийхоннинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги рақибларидан бири Дашти Қипчоқдаги қозоқ султонлари эди. XVI асрнинг бошларида қозоқ султонлари Шайбонийхоннинг жанубга қилган ҳарбий юришларидан фойдаланиб Мовароуннаҳрга бир неча марта босқинчилик урушлари уюштирадilar, Бухоро ва Самарқандни талон-тарож қилиб, аҳолини асир қилиб олиб кетадилар. 1509 йилда Шайбонийхон қозоқ султонлари Жониш Султон, Бурундукхон ва Қосим Султонларга қаттиқ зарбалар бериб, бунинг натижасида Сигноқ, Ясси, Саврон шаҳарларини қўлга киритади ҳамда Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасини таъмирлашга буйруқ беради.

Шайбонийхон 1509 йилнинг ёзида Марвни эгаллашга муваффақ бўлди. Унинг бу даврга қадар бўлган юришлари натижасида Дашти Қипчоқ, Хоразм, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг катта қисми Шайбонийлар қўл остида бирлаштирилди. Марв шаҳрини эгаллаган Шайбонийхон Эроннинг кичик вилоятларига юриш қилади ҳамда Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаб, улардаги муқаддас жойларни зиёрат қилиб, баъзи меъморий иншоотларни таъмирлашга буйруқ беради. Машҳад ва Тус шаҳарларини эгаллаган Шайбонийхон Эрондоги Шоҳ Исмоил асос солган Сафавийлар давлатига хавф солади.

1510 йилда Эрондан орқага қайган Шайбонийхон унинг изидан катта куч билан етиб келган Эрон шоҳи Исмоил Сафавий кўшинлари билан жангга киришди. Марв яқинида бўлиб ўтган бу жангда Шайбонийхоннинг кам сонли кўшинлари¹ мағлубиятга учради ҳамда замондошлари томонидан “Халифа

¹ Ибн Рузбехоннинг маълумотларига кўра, Шайбонийхон 1509 йилда кўшинларининг асосий қисмини орқага қайтариб юборган. Бу билан у Мовароуннаҳрдаги сиёсий бирқарорликни сақлаш ҳамда қозоқ султонларининг янги босқинларини олдини олишни кўзлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.



ур-Раҳмон ва Имом аз-Замон” деб улуғланган Муҳаммад Шохба Шайбонийхон бу жангда ҳалок бўлди.


Марв яқинидаги ғалабадан сўнг Шоҳ Исмоил Шайбонийларга қарши курашда теурий шахзода Заҳириддин Бобур билан иттифоқчиликни таклиф этди. Ундан ташқари, Шайбонийхон ўлимидан кейиноқ ўзбек султонлари орасида бошланган келишмовчиликлар давлатни заифлашувига олиб келди ҳамда шайбонийлар кейинги жангларда мағлубиятга учрай бошладилар. Натижада Хуросон ва Хоразм қўлдан бой берилди. Бобур 1511 йилда Шоҳ Исмоил қўшинлари ёрдамида шайбонийлар қўл остидаги Ҳисор, Кўлоб, Қундуз, Бадахшон ва Қарши ерларини эгаллаб, Самарқандни ҳам учинчи марта қўлга киритди. Мовароуннахрни бутунлай қўлга киритиш ниятида бўлган Бобурга Сафавийларнинг тажрибали саркардаси Нажмиддан Соний бошчилигидаги 12 минг қўшини келиб қўшилди.

Бобурнинг иттифоқчилари, шиа мазҳабидаги эроний қизилбошлиларнинг¹ талон-тарожлари (айниқса, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида) туфайли маҳаллий аҳоли Бобурни қўллаб-қувватламади. Бобур ва эронийларнинг бирлашган қўшинлари билан Шайбонийлар ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 1512 йилнинг ноябрида Ғиждувон яқинида бўлиб ўтади. Мазкур жангда Шайбонийхоннинг жияни, Султон Маҳмуднинг ўғли Убайдулла Султон томонидан иттифоқчилар қўшини тор-мор этилди. Бу мағлубиятдан сўнг Бобур Мовароуннахрдан бутунлай чиқиб кетди ва Қобул ҳамда унинг атрофларида ўз ҳукмронлигини тўла мустақамлади. 1526 йилнинг бошида Бобур Ҳиндистонга юриш бошлади ва у ердаги Иброҳим Лўдийнинг қўшинларини тўла тор-мор келтириб, янги салтанат-Бобурийлар салтанатига асос солди. Бу салтанат Ҳиндистонда 332 йил (1526-1858 йй) ҳукмронлик қилди.

Муҳаммад Шайбонийхоннинг вафотидан сўнг давлатдаги марказий ҳокимият анчагина заифлашди. Беклар (амирлар) ва султонларнинг кўпчилиги Шайбонийхондан кейинги бир нечта хонларга номигагина бўйсундилар. Шайбонийхон вафотидан сўнг унинг жияни Султон Маҳмуднинг ўғли Кучкунчихон (1510-1530 йй.) тахтга ўтирди. Айнан Кучкунчихон даврида султонларнинг мустақиллиги кучая бориб, улар орасида Бухоро мулки ҳукмдори Убайдулла Султоннинг обруйи анча баланд эди. Кучкунчихондан кейинги ҳукмдор Абу Саъид (1530-1533 йй.) нинг қиска ҳукмронлиги даврида Мовароуннахр ва Хуросонда марказий ҳокимият заифлашиб, амирлар ва султонлар ўртасидаги низолар янада кучайди. Бу пайтда Хоразм мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқди ва Туркистон ерлари парчалана бошлади.

Ўзаро урушларга бирмунча барҳам беришга эришган Убайдулла Султон 1512 йилда Бухоро ҳукмдори бўлган бўлса, 1533 йилдан бутун марказлашган ўзбек давлатининг олий ҳукмдори этиб сайланади. Убайдуллахон пайтахтни Самарқанддан Бухорога кўчиради. Ўша пайтда

¹ Сафавийларнинг асосий таянч кучи бўлган турк кўчманчилари XV асрнинг 2-ярмида “қизилбошлилар” деб аталган. Бу ҳарбий кўчманчилар шиа имомлари шарафига бошларига 12 қизил чизикли салла ўраб юрганлар.



Самарқанд ҳукмдори бўлган Кучкунчихоннинг ўғли Абдулла Султон хон Убайдуллахон ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди.

XVI асрнинг 40-йиларига келиб йирик задагонлар ва сулолалар ўртасида Мовароуннахрнинг пойтахт шаҳарлари ва мулклари учун ўзаро курашлар яна авж олди. Ҳукмдор хонадони вакиллари ўртасида айниқса Бухоро ва Самарқанд учун кураш кучайди. Бу даврда Самарқандда Кучкунчихоннинг учинчи ўғли Абдуллатифхон (1541-1552 йй.) Бухорода эса Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540-1550 йй.) ҳукмронлик қилиб ҳар иккаласи ҳам ўзини расмий хон деб ҳисоблар эди.

Ўзаро ҳамда сулолавий курашлар давом этаётган бир шароитда Шайбонийхоннинг набираси Муҳаммад Ёрсултон бир неча ой тахтни бошқарганидан сўнг амалдаги ҳокимият Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон, 1551-1556 йй.) қўлига ўтди. Тошкент ва Сирдарё бўйидаги шаҳарлар ҳукмдори бўлган Наврўз Аҳмадхон Бухорода ўз ҳокимиятини тан олдириш учун Самарқанд ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларига бир неча марта юришлар қилиб турди.

1556 йилда Наврўз Аҳмадхон вафот этгач Балх ҳукмдори Пирмуҳаммадхон (1556-1561 йй.) Бухоро тахтига ўтиради. Шунга қарамасдан 1556 йилда Аҳси ва Андижон мулки ҳукмдорлари Бухорони эгаллашга ҳаракат қилиб кўрдилар. Аммо, ўша пайтда жуда катта нуфузга эга бўлган жўйбор шайхи Хўжа Ислон томонидан қўллаб қувватланган шайбоний Искандар Султоннинг ўғли Абдулла Султон бунга йўл қўймади. Пирмуҳаммадхон Балхда қолиб тахтни бошқараётган, унинг номига хутба ўқитилиб, тангалар зарб этилаётган бўлсада, 1557 йилдан Бухорода Абдулла Султон ҳукмронлик қила бошлайди.

Мустақил мулклар ва йирик задагонларнинг ўзаро урушларидан уларнинг ўзларига қарши фойдаланган Абдуллахон II аста-секинлик билан Мовароуннахр ва Хуросон ерларини ўз ҳокимияти остига бирлаштира бошлади. Унинг бу ҳаракатларини жўйбор шайхлари Хўжа Ислон ҳамда унинг ўғли Хўжа Саъдлар фаол қўллаб-қувватлаб турдилар. 1561 йилда Абдуллахон II Пирмуҳаммад билан алоқаларни узди ва отаси Искандар Султонни (1561-1583 йй.) хон деб эълон қилди. Искандар Султон номигагина хон бўлиб, мамлакатни бошқарув ишларига деярли аралашмас, ҳокимият амалда Абдуллахон II қўлида эди. 1583 йилда Искандар Султон вафот этгач Абдуллахон II расмий хон деб эълон этилди.

Шайбоний ҳукимдорлари орасида Абдуллахон II ўзининг қатъиятлилиги, яхши сиёсатчи ва саркардалиқ қобилияти билан ажралиб туради. У марказлашган шайбонийлар давлатини тиклаш мақсадида бебош ва ўзларини мустақил ҳисоблайдиган амирлар, султонлар, мулклар ҳукмдорлари билан тинимсиз кураш олиб боришга мажбур бўлди. Тинимсиз урушлар натижасида 1573 йилда Фарғона, 1574 йилда Шаҳрисабз Қарши, Ҳисор вилоятлари, 1578 йилда Самарқанд, 1582 йилда Тошкент, Шоҳруҳия, Сайрам, Оҳангарон, 1583 йилда Балх, 1584 йилда Бадахшон, 1588 йилда Ҳирот ва унинг атрофлари, 1595 йилда Хоразм Абдуллахон II ҳокимияти остига



бирлаштирилди. Тинимсиз урушлардан чарчаган жойлардаги маҳаллий аҳолий кўп ҳолларда Абдуллахон II нинг марказлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлар эди.

Абдуллахон II узоқ йиллик олиб борилган урушлардан сўнг бутун Мовароуннаҳр, Ҳисор, Хуросоннинг катта қисми, Хоразм ва Туркистонни қўлга киритиб Шайбонийхон тузган давлатни қайта тиклашга эришди. Аммо, худудий жиҳатдан жуда катта бўлган бу давлат сиёсий жиҳатдан ўта мустаҳкам эмас эди. Бу давлатнинг куч-қудрати ҳокимият тепасида турган ҳукмдорнинг шахсий фазилатларига суянар ҳамда унда мустаҳкам давлатчилик тизими яратилмаган эди. Айнан шунинг учун ҳам 1598 йилда Абдуллахон II вафот этгач, орадан қисқа муддат ўтиб қийинчиликлар ва жангу-жадаллар натижасида тикланган бу давлат инқирозга юз тутда, ҳамда ҳокимият тепасига бошқа сулола вакиллари келдилар.

Маъмурий бошқарув. Мансаб ва унвонлар. XIV асрнинг бошларида Мовароуннаҳрнинг Муҳаммад Шайбонийхон томонидан босиб олиниши бу худудларнинг хон уруғи вакиллари бўлган ўзбек султонлари томонидан бўлиб олинишига сабаб бўлди. Айрим ҳолларда Шайбонийхон баъзи қабила бошлиқларига маълум мулкларни ҳам берган. XVI асрнинг 60-йилларидан бошлаб Бухоро шайбонийлар давлатининг маъмурий-сиёсий маркази сифатида эътироф этилганнидан сўнг қонун кучига эга бўлган барча ҳужжатлар Бухородан чиқарилган. Давлатдаги мураккаб бошқарув аппаратини ташкил этган кўп сонли амалдорлар гуруҳи ҳам айнан Бухорода марказлашган.

Маъмурий жиҳатдан Бухоро хонлиги вилоятлар ва туманларга бўлинган. Мирза Девоннинг маълумот беришича, Бухоро хонлиги бошқарувида ўзига хос анъана ва қонунлар ўрнатилган бўлиб, жойлардаги юқори мансабга эга бўлган зодагонлар давлат бошлиғи томонидан ҳокимликка кўтарилган.

Йирик худудларда ташкил топган шайбонийлар давлати хон томонидан бошқарилган. Хонликнинг сиёсий тизимида ўзбек давлатчилигининг сомонийлардан темурийларгача бўлган даврида қарор топган давлат бошқаруви қонун-қоидалари ҳамда хусусиятлари билан биргаликда кўчманчиларга хос анъаналар ҳам мавжуд бўлган. Хон-чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиб, у ўз атрофида вилоят, туман ҳокиимлари ҳамда нуфузли қабила бошлиқларини бирлаштирганидан сўнг мустақил сиёсат олиб борган. Аммо, айрим вилоят ҳокимлари мавқеи кучайиб марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйган ҳолатлар ҳам бўлиб турган. Бундай ҳолат айниқса Абдуллахон II даврида кучайиб бўлиб, у бўйсунмас ҳокимларнинг барчасини зўрлик билан бўйсундирган эди.

Шайбонийлар давлати бошқарувида исломий одат ва шариат қонун-қоидаларига қаттиқ риоя қилинган. Давлатдаги олий ҳукмдорлик отадан болага эмас, балки сулоладан энг улуғ ёшли шахсга ўтиш тартиби дастлабки шайбонийлар даврида сақланиб қолган бўлсада, XVI асрнинг 40-йилларидан бошлаб ворисийликда отадан болага ўтиш анъанаси кучаяди ҳамда



Абдуллахон II даврида аниқ бир шаклга тушади. Аммо, бу ҳолат узок давр этмади.


Давлат бошқарувида хон саройидаги олий даражали амалдорлардан ташкил топган **марказий бошқарув** ҳамда вилоятлар ва туманлар қўлида **маҳаллий бошқарув** асосий ўринда турар эди. Табиийки, хон улар ёрдамида ҳамда бевосита иштирокида давлатдаги маъмурий бошқарувни амалга оширган.

Илгариги сулолалар даврида бўлгани каби шайбонийлар даврида ҳам энг олий давлат идораси-**даргоҳ** ҳисобланган. Даргоҳ тепасида хон турган бўлиб, бу идора сарой девонида жамланган ҳамда давлатнинг ички ва ташқи ҳаётига оид барча масалаларни ҳал қилган. Чунончи, давлатнинг олий даражали амалдорлари аъзо ҳамда одатда **бош вазир** томонидан бошқариладиган бу маҳкама давлатнинг сиёсий, молиявий, ҳарбий, ташкилий ва бошқа масалаларини кўриб чиқар эди. Бу ерда қабул қилинган қарорлар хоннинг тасдиғи билан кучга кириб, ҳаётга тадбиқ этилган. Таъкидлаш жоизки, кўплаб кўкалдош, оталиқ, нақиб, вазири аъзам, вазир, девонбеги каби олий даражали сарой амалдорлари, нуён, туғбеги, кутвол, доруға, курчибоши каби ҳарбий амалдорлар, жўйбор шайхлари, садрлар, шайхулислом каби диний уломоларнинг фикрлари ва манфаатлари ҳам қарорлар қабул қилинишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Шайбонийлар давлат бошқарувидаги муҳим вазифалардан бири **нақиб** ҳисобланган. Нақиблик мансаби хон ҳузурида жуда катта ваколатларга эга бўлиб, нақиб хоннинг энг яқин ва ишончли кишиларидан ҳисобланган. Манбаларга кўра, расмий қабул маросимларида нақибнинг олий ҳукмдордан чап томонда биринчи бўлиб жой олиши нақибнинг даргоҳдаги юксак мартабасидан далолат беради. Шунингдек, хон томонидан чиқарилган фармон ва ёрлиқларда ҳам нақибнинг номи биринчи бўлиб зикр этилган. Нақибга давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда ҳарбий масалаларда олий ҳукмдорнинг биринчи маслаҳатчиси сифатида қаралган Айрим ҳолларда ҳарбий музокаралар учун ҳам хон рақиблар томонга ўз нақибини жўнатган.

Ҳарбий юришларни уюштириш, урушларни давом эттириш ёки тўхтатиш, рақиб томоннинг ҳарбий-стратегик томонларини ўрганиш каби вазифалар ҳам нақибга юклатилган ҳамда хон унинг маслаҳатлари билан қарор қабул қилган. Манбаларга кўра, нақибларга ўта маъсулиятли бўлган элчилик вазифалари ҳам юклатилган. Шайбоний ҳукмдорлари нақиблик лавозимига асосан пайғамбар авлодлари ҳисобланган сайидлар хонадонига мансуб шахсларни тайинлаганлар.

Шайбонийлар давлатидаги муҳим мансаблардан яна бири **оталиқдир**. Бу мансабга тайинланган шахс, аввало, вояга етмаган шахзоданинг тарбияси учун масъул бўлган. Мазкур лавозим эгаси шахзодага оталиқ қилиб, отасининг ўрнини босадиган даражада тарбия берган. Оталиқлар шахзодаларга мулк қилиб берилган вилоятлардаги хон ҳокимияти сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлганлар. Хонлар вояга етмаган шахзодаларга вилоятларни мулк сифати тақсимлаб берганда уларни



доимий назорат қилиш учун ўзининг ишончли кишиларини оталиқ қил тайинлаган. Бундай ҳолларда шахзодалар вояга етгунига қадар маълум вилоятлардаги бошқарув ишлари оталиқлар қўлида бўлган. Оталиқлар амалда бутун бир вилоят тақдирини, унинг марказий ҳокимият билан муносабатларини ҳал қилганлар.


Давлат ишларида **кўкалдош** (айнан маъноси-бир онадан сут эмган) мансаби ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кўкалдошлар давлат билан дўстона ва душманлик муносабатида бўлганлар ҳақида маълумотлар тўплаган. Шунинг учун ҳам кўкалдош даргоҳнинг энг ишончли кишиларидан ҳисобланиб, бу амалдаги кишиларнинг вазифаси мамлакатда олий ҳукмдор олиб бораётган сиёсат дахлсизлиги, унга фуқаронинг муносабатларини ўрганишдан иборат бўлган. Кўкалдошлар юқори мавқега эга бўлиб, бадавлат кишилар бўлган. Тошкент ва Бухорода кўкалдошлар ўз маблағлари ҳисобидан мадраса қурдиргани маълум.

Хон ясовули лавозимидаги шахслар сулола ички муносабатларига оид бўладиган тадбирларни бошқариб турган. Чунончи, олий ҳукмдор билан шахзодалар ўртасидаги муносабатларни ўрнатилган тартиб асосида йўлга қўйиш, хоннинг шахзодаларни қабул қилиши, уларнинг арзлари, илтимосларини хонга етказиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Шайбонийлар хонлари ҳаётида овчилик муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам хон ҳузуридаги **қушбеги** ёки **амири шикор** лавозими маъсулиятли ҳисобланган. Амири шикорнинг вазифаси хон ва султонларнинг овларини уюштириб туриш бўлган. Ов қилинадиган жой атрофидаги қишлоқлар аҳолиси ўз от-улови, қурол-аслаҳаси билан келиб хон ва султонларнинг ов ўтказишларида уларга ёрдам бериш, улар қўниб қолганларида қўноқ ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаш ишлари ҳам қушбегининг вазифаси ҳисобланган. Манба тили билан айтганда, “турли овчи қушлар (лочин, бургут-Э.Б.), този итлар ва бошқалар” ни тайёрлаш ҳам амири шикорнинг зиммасида бўлган.

Давлат даргоҳидаги хавфсилиқни таъминлаш, ички тартиб қоидалар, келди-кетдидан хабардорлик **эшикоғабоши** лавозимидаги шахс зиммасида бўлган. Ушбу мансаб чап эшикоғабоши, ўнг эшикоғабоши, эшикоғабоши каби лавозимларга тақсиланиб, бу хизмат вакиллари уруш пайтларида олий ҳукмдорнинг энг муҳим ҳарбий топшириқларини ҳам бажариб борганлар.

Умуман олганда, А.Зиё тадқиқотларига кўра, ўша замонларга хос равишда давлатнинг бирор-бир хизмат идораси, хизмат тури намоёндалари уруш пайтларида ўзларининг тўғридан-тўғри вазифаларига қўшимча равишда ҳарбий фаолият билан ҳам шуғулланиб келганлар. Бу ҳолатни **мироҳўр** (олий ҳукмдорга тегишли йилқи, от-улов, уларнинг таъминоти кабиларга масъул), **шиғовул** (чет эл элчиларини қабул қилиш бўйича махсус хизмат бошлиғи), **қушбеги**, **чухрабоши** (махсус ҳарбий қисм бошлиғи), баковул, дастурхончи каби хизматлар фаолияти орқали ҳам кўришимиз мумкин. Яъни, улар ўз идоравий вазифаларидан ташқари ҳарбий юмушларни ҳам бажариб келганлар.




Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида, давлат бошқарувида ҳарбий маъмури амалдорлар, йирик саркардалар, қўшин бошлиқларининг (умаро) ҳам ўрни катта эди. Даргоҳдаги ҳарбий ишлар билан боғлиқ **чухрабоши** ва **қурчибоши** (қурол-аслаҳа хизмати бошлиғи) вазифаларидан ташқари жибачи, жарчи, қоровулбеги, туғбеги каби хизматлар ҳам бўлган. Ички ва ташқи хавфни бартараф этишда, янги ерларни босиб олиш учун қилинадиган истилочилик юришларда қўшинларнинг сони, ҳарбий тайёргарлиги, қўшин бошлиқларининг қўмондонлик маҳорати қабилар катта аҳамият касб этган.

Шайбонийлар давлати бошқарувида ҳарбий-маъмурий амалдорлардан ташқари, **уламолар**, **шайхлар** ва **хожалар**нинг ҳам мавқеи катта бўлган. Энг кучли ҳукмдорлар ҳам уламолар билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. XVI асрнинг бошларида Шайбонийхон йирик дин пешволарнинг давлат ишларига сиёсий таъсирини анчагина пасайтиришга муваффақ бўлган ва диний ҳамда дунёвий ҳокимиятни ўз қўл остида бирлаштирган эди. Орадан кўп ўтмасдан Бухоро хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида, айниқса Бухоро шаҳрида йирик дин пешволарининг таъсири яна кучаяди. Бу даврда айниқса, Бухоро яқинидаги Жўйбор қишлоғидан чиққан хожаларнинг мавқеи жуда ошиб кетади.

XVI асрнинг ўрталаридан бошлаб Жўйбор шайхлари олий ҳукмдор тақдирини ҳал қилиш даражасидаги мавқега кўтариладилар. Қишлоқларда катта-катта ерларга, шаҳарларда эса йирик кўчмас мулкларга эга бўлган шайхлар йирик зодагонлар ва амалдорларга ҳам ўз таъсирини ўтказганлар. Манбаларга кўра, забардаст шайбонийлар ҳукмдорларидан бири бўлган Абдуллахон II ҳам аввал Хожа Ислон, кейин эса Хожа Саъдларнинг сиёсий ва хўжалик фаолиятини қўллаб-қувватлашга мажбур бўлган. **Шайх-ул-ислом** ҳам жўйбор шайхлари хонадонидан сайланган. Дин пешволари орасида шайх ул-ислом, садр, қози калон, муфти каби диний мансабларнинг мавқеи анча юқори бўлган.

Ер эгаллиги муносабатлари. Барча туркий халқларда бўлгани каби шайбонийлар давлатида ҳам ҳокимият масаласи, қўшинларнинг тузилиши масалаларида одат ҳуқуқлари нисбатан устунроқ бўлган. Ушбу давлат ташкил топган дастлабки даврда унда асосан Абулхайрхон давлатининг тузилиши ҳамда анъаналари сақланиб қолинди. Ундан ташқари ер-мулк масаласида темурийлар давлатида шаклланган хизмат эвазига ер-мулк инъом қилиш шаклларида шайбонийлар давлатида ҳам қўлланилган. Тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра бу даврда Бухоро хонлигида ер ҳуқуқи масалаларида: давлатга қарашли ерлар, ушр ерлари, хурри хорис ерлар, вақф ерлари, хон ва амалдорларга тегишли ерлар, қўчманчи қабила ва уруғларга тегишли ерлар, суюрғол ерлари, танҳо ерлар ҳамда тархонлик ерлари мавжуд бўлган.

Иқтоъ атамаси XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб гарчи муомаладан чиқиб, ўз ўрнини туркийча “**суюрғол**” атамасига бўшатиб берган бўлса-да, шайбонийлар даври айрим манбалари ва ҳужжатларида “**иктоъ**” атамасини учратиш мумкин. Чунки, иқтоъ, суюрғол, танҳо атамалари ва шу



шаклдаги ер мулки ҳуқуқининг мазмуни бир-бирига деярли яқин бўлган. Яъни, бундай ер мулклари давлат олдидаги маълум бир хизматлари учун маълум ҳадя ёки инъом маъносини англатган.

Суюрғол шайбонийлар даврида ҳам кенг қўлланилган бўлиб, шахзодалар, йирик зодагонлар ва нуфузли дин пешволарига маълум шарт ва имтиёзлар асосида берилган ер мулки бўлиб, у наслдан наслга ўтган. Суюрғол эгаси давлатга тўланадиган солиқлардан озод қилинган бўлиб, ўз суюрғолидан оладиган даромаддан ўз ихтиёрича фойдаланган. Бундай имтиёзли суюрғол “дарубаст суюрғол” деб аталган.

Шаҳарлар, туманлар ва ҳатто вилоятлар ҳам алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга суюрғол қилиб берилган. Мисол учун XVI асрнинг бошларида Қарши Худойберди Султоннинг суюрғол мулки бўлган.

Давлат ерлари дехқонларга муддатсиз меросий фойдаланишга ижара сифатида берилган. Дарубаст сифатида мулк ва ер бериш, Абдуллахон II даврида айниқса ривожланиб, у ўзининг пирлари Хожа Исломо ва унинг авлодларидан Хожа Саъдга ҳамда бошқа Жўйбор хожаларига бутун-бутун босиб олинган вилоятларни дарубаст сифатида ҳадя қилган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу мулк меросий суюрғол (ҳадя) бўлиб, у барча солиқлардан озод қилиш ҳақидаги имтиёзлар билан бирга ворисликка қолдириш ҳуқуқи билан берилган ер ва бошқа мулклардан иборат бўлган.


Жўйбор хожаларининг Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Марв ва бошқа вилоятларда катта ер майдонлари бўлиб, бу мулклар мерос тарикасида авлоддан авлодга ўтган ва барча солиқлардан озод этилган. Хонлар ва бошқа йирик амалдорлар томонидан уларга ҳадя этилган ер мулкларидан ташқари улар Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг серунум яйловларига, беҳисоб подаларга, катта шаҳарларда жойлашган ўз ҳунармандчилик дўконларига, савдо расталарига, тегирмонлар, ҳаммом ва карвонсаройлардан келадиган даромадларга ҳам эга бўлганлар.

Каттадан-катта бойликларга эга бўлган Жўйбор шайхлари ўз хусусий ерларидан ташқари вақф ерлардан келадиган даромадни ҳам назорат қилганлар. Хожаларнинг давлат ишларидаги мавқеи шунчалик кучли эдики, улар ҳатто, амалдорларни юқори мансабларга тайинлаш ёки четлатишда ҳам катта таъсирга эга бўлганлар.

Шайбонийлар даврида ер эгалигининг қуйидаги асосий турлари мавжуд эди:

1. Мулки султоний ёки мулки мамлака (манбаларда мамлакаи девон, мамлакаи подшоҳий, замини мамлака, мамлакати султоний, мамлака атамаларида ҳам учрайди) давлатга қарашли ерлар бўлиб, бу ерларни сотиш, ҳадя этиш, вақфга бериш фақат хоннинг ихтиёрида бўлган.

2. Мулки холис ёки мулки хурри холис-муълум шахсларга тегишли бўлиб, ҳукмдор томонидан давлат олдидаги хизматлари учун берилган шахсий ерлар (суюрғол, иқтоъ, тархон, тиул ва бошқ.) Бундай ерлар ва уларнинг эгалари дафтардор томонидан махсус дафтарга қайд этиб борилган.



3. Вақф ерлари-ҳукмдор ёки бошқа шахслар томонидан дин муассасаларга мулк қилиб берилган ерлар ва суғориш иншоотлари. Бундай ерлардан келган даромаднинг асосий қисми мутаваллилар, қозилар ва мусулмон диндорларига тушган.

4. Қишлоқ жамоалари эгалик қиладиган ерлар.

Шайбонийлар даврида деҳқончиликка алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аввало, суғориш тизимини тартибга келтириш учун қатор тадбирлар амалга оширилган. Бу жараёнда минтақадаги йирик сув манбалари-Зарафшон, Чирчик, Сирдарё, Амударё, Вахш, Мурғоб каби йирик дарёлар ва кўплаб кичик дарёлар ҳамда кўллар, тоғ сувларининг имкониятларидан кенг фойдаланилган. Шайбонийхон даврида, сиёсий беқарорлик йилларида, Абдуллахон II даврида сунъий суғориш ишларининг аҳамияти йўқолмаган. Ундан ташқари шайбонийлар даврида деҳқончиликнинг тараққиётини таъминловчи ислохотлар ўтказилган. Хусусан, қаровсиз ва лалми ерларни давлат мулкига киритиб, бундай ерларда деҳқончиликни ривожлантириш, деҳқончилик қилишни хоҳлаганларга ҳар томонлама ёрдам бериш, маълум муддат солиқлардан озод этиш, ердан олинадиган солиқларни йиғишдан маҳаллий амалдорларнинг ўз мансабларини суистеъмол қилишларига йўл қўймаслик учун ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилган.


Солиқ тизими. Бухоро хонлиги девонхонасида молиявий ва солиқ ишлари ҳисоби бўйича махсус дафтарлар мавжуд бўлиб, уларда турли солиқлар, ижара тўловлари, маълум маҳсулотлар савдосидан тушган даромадлар қайд этиб борилган. Аммо, кўпгина сабабларга кўра, жумладан, хон хазинасининг давлат хазинасидан ажратилмаганлиги, кўпчилик амалдорларнинг ўзбошимчалиги, тўпланган ўлпонларни ижарага бериш, аҳолидан олинадиган солиқларнинг тўсатдан ошиб кетиши кабилар солиқ тизимиданги тартибсизликларни келтириб чиқарар эди. Бундай ҳолатда ўлпон тўловларининг қаттиқ ўрнатилган меъёрлари мавжуд бўлмасдан, ягона умумдавлат солиқ тизими кўпинча бузилиб турган.

Таъкидлаш лозимки, белгилаб қўйилган “шариат” ўлпонларига бошқа тўловлар қўшилган бўлиб, солиқлар ўлчови нисбатан кучли задагонлар ва йирик ер эгаларининг ижтимоий сиёсатидан келиб чиқиб белгиланган. Солиқ тўловчиларнинг асосий қисми деҳқонлар бўлиб, сиёсий беқарорлик давридаги иқтисодий инқирозлар туфайли йирик зодагонлар шаҳарликлардан ҳам йирик солиқлар ундирганлар. XVI асрда солиқларнинг катта қисми маҳсулот сифатида олинган.

Тарихий манбаларнинг маълумот беришича, шайбонийлар даврида бож, ўлпон, солиқ, жарима ва мажбурий тўловларнинг 40 дан ортиқ тури мавжуд бўлган. Оддий аҳоли тўловларнинг кўплаб турларини жумладан, ер ва сувдан фойдаланганлик учун махсус солиқлар, амалдорлар фойдасига тўловлар, феодал мулкларни сақлаш учун ўлпонлар, шаҳар деворлари, мачитлар, мадрасалар қурилишлари, суғориш иншоотлари барпо этиш учун, йўллар ва кўприклар қурилишлари учун турли тўловларни тўлаганлар.




Шайбонийлар даврида ижтимоий тузум.



Бу даврда солиқ тўловчи аҳоли **фуқаро (раият)** деб аталган ҳамда улардан турли солиқлардан ташқари жарималар ҳам ундириб олинган.

Аввалги даврда бўлгани каби, шайбонийлар даврида ҳам ердан олинадиган солиқ **хирож (мол)** деб аталиб, ҳосилнинг маълум қисми ундирилган. XVI-XVIII аср ёзма манбаларда бу атама “мол”, “моли-жиҳот”, “мол ва жиҳот”, кўпроқ “хирож” сифатида тилга олинади. Бу тўловнинг миқдори шароитга қараб 3/1, 4/1, 5/1, айрим ҳолларда эса 2/1 қилиб



белгиланган. Мулк ерларидан ҳосилнинг 10/1 миқдорида солиқ ундирилиши **ушр** деб аталган. Хирож асосан маҳсулот сифатида ундирилган.

Хирождан ташқари “доимий”, “қонуний”, ва “фавқулодда” каби бож ва ўлпон турлари мавжуд бўлиб, уларнинг сони ўзаро урушлар ва давлат марказлашуви даврида янада кўпайган. Уруш ҳаракатлари даврида деҳқонлар ва ҳунармандлардан олинадиган солиқ “**аваризот**” деб аталиб, у қисман пул билан ундирилган.

Марказий ҳокимият вакиллари фойдасига ҳам махсус солиқлар ундирилган. Мисол учун, доруғалар фойдасига **доруғачи** ёки **доруғалик** деган солиқ пул кўринишида тўланган. Афсуски, шайбонийлар даврида пул кўринишида тўланган ўлпон ва солиқлар ҳақида маълумотлар жуда кам. Шунга қарамасдан “пул” атамаси қўшилган **пилла пули, кўкнор пули, савзи пули, харбўза (тарвўз) пули** каби ўлпон ва солиқлар ҳам пул кўринишида тўланган бўлиши керак. Шунингдек, шаҳар аҳолиси ҳунармандлар ва дўкондорлар махсус солиқ **тамға** тўлаганлар. Ундан ташқари, йирик бойлар ва судхўрларга тегишли савдо расталаридаги дўконларни маълум ҳақ эвазига ижарага олиб, ўз маҳсулотларини сотганлиги учун **тахти жой (тагжой)** деб аталувчи солиқ ҳам пул билан тўланган.

Шайбонийлар давлатига қарам бўлган, кўчманчи турмуш тарзи кечириб, чорвачилик билан шуғулланган аҳолига ишлаб бериш ва белгиланган тарзда солиқ тўлаш мажбурияти юклатилган. Кўчманчи чорвадор аҳоли ҳарбий юришлар вақтида ўз от-улови, яроғ-аслоҳаси ва озиқ-овқати билан бирга урушларда қатнашганлар. Уруш ҳаракатлари даврида асосан ўтроқ аҳолидан **ошлиғ (ошлик)** солиғи ундирилган. Бу солиқ доимий бўлмасда, ҳаракатда бўлган кўшинни сақлаш учун озиқ-овқат йиғими сифатида тўпланган. Шунингдек, кўшинни таъминлаш учун **тағор** деб номланган озиқ-овқат ўлпони ҳам тўланган. Озиқ-овқат солиқларининг миқдори қатъий белгилаб қўйилмаган бўлиб, уни ҳукмдорларнинг ўзлари хоҳлаганча белгилаганлар.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, шайбонийлар даврида солиқ ва йиғимлар билан бир қаторда жарималар ҳам бўлган. Мисол учун, кўчманчилар қишда истеъмол қилиши учун ҳар йили кузда ўз хўжайинларига сўйиш учун битта боқилган чорва молини берганлар. Бу-**суғум** деб аталган. Шунингдек, хонлар, султонлар ва ўғлонлар бир манзилдан иккинчи манзилга кўчиб ўтаётган вақтларида уларга озиқ-овқат тўплови **шибоғу(сибоғу)** берилган бўлиб, “ у кўпинча пиширилган гўштдан иборат бўлган”. **Совурин** ва **пешкаш** йиғинлари ҳам жарималар қаторига киритилади. Бу йиғинлар пул, маҳсулот, чорва моллари, қимматбаҳо буюмлар, қуллар кўринишида ҳукмдорга тортиқ қилинган.

Бу даврда деҳқонлар ва шаҳар аҳолиси, айниқса ҳунармандлар меҳнат мажбурият (мардикор, қалъа, бечор ва бошқ..)ларини бажарганлар. Бу мажбуриятлардан озод этилганлар эса, маълум миқдорида пул тўлаганлар. **Мардикор**-йирик бойларга қарам бўлган деҳқонлар мажбурияти бўлиб, суғориш иншоотларини барпо этиш, таъмирлаш ҳамда тозалаш билан боғлиқ



оғир мажбурият бўлган. Бир неча йиллаб давом этадиган янги каналлар қурилишида минг-минглаб деҳқонлар иштирок этганлар. Оддий аҳолига шунингдек, қалъалар ва шаҳар деворларини тиклаш ва таъмирлаш мажбурияти ҳам юклатилган бўлиб у, **қалъа ёки харжи қалъа** деб аталган (Амин Бухорий).

Хунармандчилик ҳамда бозор савдосидаги йиғимлар хон хазинасининг асосий даромади ҳисобланган. Шунинг учун ҳам олий ҳукмдор ҳокимияти кучайган даврлар айрим ҳукмдорлар (Убайдуллахон, Абдуллахон II) солиқ тизимини тартибга солишга ҳаракат қилганлар. Аммо, бундай ҳаракатлар ҳар доим ҳам керакли натижаларни бермаган.

Шайбонийларнинг пул ислохотлари. Шайбонийлар давлатида турли вазндаги олтин, кумуш, мис, мис ва кумуш аралашмасидаги танга-чақалар муомалада бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича (Давидович Е.А.) олтин тангалар фақат Шайбонийхон ва Абдуллахон II даврларидагина зарб этилган. Бу даврда пул зарб этиш ҳамда кумуш ва мис тангаларнинг муомалада бўлиши бир-бири билан боғлиқ ҳолда кечган. Нумизматик маълумотларга кўра, XVI асрдаги пул муомаласининг асосини “танга” “тангача”, “хоний” деб аталган кумуш ҳамда “мис динор” ёки “динор” деб аталган мис тангалар ташкил этган. Энг кичик мис тангачалар “пул” ёки “қора пул” деб аталган.

Муҳаммад Шайбонийхон 1507 йилда Ҳиротни эгаллагач, бу ердаги жомъе мачитида кенгаш чақириб, пул ислохоти ҳақидаги фармонини эълон қилади. Бу пайтда Ҳиротдаги пул муомаласи чуқур инкирозга учраган бўлиб, ушбу ислохот Хуросондаги савдогар-зодагонларни Шайбонийхон томонига оғдириши лозим эди. Янги кумуш тангачаларнинг вазни 5.2 г. бўлиб (илгариги теурийлар тангалари 4.8 г. бўлган) унга Шайбонийхоннинг номи ва унвони битилган. 1507 йилда бу ислохот ҳали охирига етмаган эди. Манбаларга кўра, бу йилда Мовароуннаҳрда ҳали теурийлар тангалари тўла муомалада бўлган. 1508 йилда ислохот якунига етиб Шайбонийлар давлатининг барча ҳудудларида-Самарқанд ва Бухорода, Марв, Кеш, Насаф, Нисо ва Сарахсда, Ҳирот, Машҳад, Нишопур ва Сабзаворда бир хил вазндаги, бир хил сайқалланган тангалар зарб этилиб муомалага киритилади. Бир хил кумуш ва мис тангалар бутун мамлакат бўйлаб муомалага чиқарилиб, пулнинг кадрсизланишига барҳам берилади.

Аммо, бу ҳолат узоққа чўзилмади. 1510 йилда Шайбонийхон вафот этгач, ўзаро урушлар ва 1512-13 йиллар қиши қаттиқ келганлиги марказий Мавароуннаҳрда қимматчилик ва очарчиликка олиб келди. Ундан ташқари шайбонийлар ва Бобурнинг мис тангаларни кўпроқ зарб эттириб муомалага киритиш орқали даромадларини кўпайтириш йўлидаги ҳаракатлари пулнинг кадрсизланишини янада кучайтирди. Шайбонийларнинг ҳокимиятни мутлақ қўлга киритиши ва сиёсий вазиятнинг барқарорлашуви ҳам пул кадрсизланишининг олдини ололмади. Чунки, бозорларда мис пуллар ниҳоятда кўпайиб кетиб, маҳсулот нархидан анча ошиб кетди. Кумуш пуллар бутунлай муомаладан чиқиб, зарб этилмай қўйди. Бу ҳолат мамлакатда янгидан пул ислохоти ўтказиш заруриятини туғдирди.




Давлатдаги бу галги ислохот анча оғир ва кўп босқичли бўлиб, бу сарф умумдавлат миқёсидаги пул муомаласини бир меъёрга тушириш учун ўн беш йил керак бўлди. Ушбу ислохотни кўпчилик тадқиқотчилар Кучкунчихон (1510-1529йй.) номи билан боғлайдилар. Даставвал Бухорода (Убайдулла Султоннинг мулки) кейин эса Самарқандда (Кучкунчихон мулкидаги пойтахт) бошланган бу ислохот жараёнида юқори вазнли мис тангалар зарб этилиб, паст вазнли тангалар муомаласи тақиқланди. Кумуш тангалар зарб этилиши қисман йўлга қўйилган бўлса-да, уларнинг вазни Бухоро ва Самарқандда бир хил эмас эди. Фақат 1525 йилга келиб бутун давлат бўйлаб бир хил тангалар зарб этиш йўлга қўйилди. Бу жараёнда ҳар қандай шахс ўзининг метали ёки буюмларини зарбхонага элтиб, белгиланган вазндаги кумуш тангани эркин зарб эттириши мумкин эди. Бунинг учун хазинага маълум миқдорда тўлов тўланган.

Аммо, кумуш пуллар зарб этилиши ва муомалага киришидан тушган даромаднинг асосий қисми давлат ғазнасига тушмас эди. Йирик мулк эгалари тангаларга ҳукмдор номи ва унвонини қўшиб зарб этсалар-да, зарбхоналардан келган даромадни ўзларига қолдирар эдилар. Давлатнинг асосан тўртта шаҳрида – Бухоро, Самарқанд, Балх ва Тошкентда доимий равишда кўп сонли кумуш тангалар зарб этилишига қарамай Кармана, Тоткенд (Зарафшон воҳаси), Акси, Кеш, Ҳисор, Ясса каби шаҳарларда ҳам кам бўлса-да, зарбхоналар ишлаб турган. Натижада, XVI асрнинг ўрталарига келиб кумуш пулларнинг қиймати тушиб кетди. Ундан ташқари мамлакат ташқарисида ҳам (мас. қўшни бобурийлар давлатида) шайбонийлар кумуш танганларини зарб этиш авж олди.

Бундай шароитда XVI асрнинг 60-йилларидан бошлаб Абдуллахон II савдо-сотик учун зарур бўлган пул ислохотини босқичма-босқич амалга оширди. Чунки, Абдуллахон II ҳукмдор сифатида нафақат давлат сарҳадларини кенгайтириш, марказлашган давлат барпо этиш балки, савдо-сотик мамлакат иқтисодининг муҳим тармоғи эканлигини яхши англаган эди. У отаси Искандархон (1560-1583 йй.) давридаёқ кумуш металл етишмовчилигини бартараф этиш билан бирга Бухорода олтин тангаларни доимий зарб этишни йўлга қўйди ва буни қаттиқ назорат остига олди.

Абдуллахон II ислохоти асосан, кумушнинг нархи ошишига нисбатан кумуш тангаларнинг қийматини оширишга қаратилган эди. 1583 йилга қадар юқорида эслатилган тўртта йирик шаҳарда Искандархон номидаги бир хил вазн ва қийматга эга бўлган кумуш тангалар зарб этилади. 1560 йилдан кейинги 1583 йилгача бўлган давр Абдуллахон II нинг кўплаб жангужадаллар даври бўлиб, бу юришлар ва ўзаро курашлар катта маблағ талаб этар эди. Шунинг учун ҳам Абдуллахонга ҳам, унинг рақибларига ҳам катта миқдордаги пул зарур эди.

1583 йилда отаси вафотидан сўнг олий ҳукмдор бўлган Абдуллахон II ўз пул ислохотининг сўнгги қисмини амалга оширди. Яъни, у кумуш тангалар зарб этишни ўз пойтахти Бухорода марказлаштирди. Бухорода Абдуллахон II номидан ҳар йили кўп миқдорда кумуш тангалар зарб этилди.



Балх, Самарқанд ва Тошкентда эса танга зарб этиш кескин камайтирилди. Шунингдек, Абдуллахон II шаҳар савдосидаги кундалик эҳтиёж маҳсулотлари учун мис тангалар зарб этишни йўлга қўйди.

Шайбонийлар ўтказган пул ислоҳотлари орасида Абдуллахон II нинг ислоҳоти нисбатан муваффақиятли бўлиб, бу ислоҳот пул муомаласи инқирозига барҳам берди, кумушнинг давлат худудларидан кўплаб чиқиб кетишини тўхтатди, хусусий метални яна зарбхоналарга жалб этди. Ушбу ислоҳот Абдуллахон II ички сиёсатининг бир қисми бўлиб, транзит, ҳалқаро ва ички шаҳар савдосининг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этди.

Ҳарбий қурилиш ва бошқарув. Шайбонийлар давлатида, сиёсатида, бошқарув ишларида йирик саркардалар, қўшин бошлиқлари, қўмондонлар ва амирларнинг ҳарбий маҳорати катта аҳамиятга эга эди. Барча шайбоний ҳукмдорлари ҳарбий сиёсатни Дашти Қипчоқ ўзбекларининг анъаналарига асосланиб олиб борганлар ҳамда бу жараёнда зарур ҳолларда зудлик билан тўпланадиган кўп сонли қўшинларга таянганлар. Ундан ташқари шайбонийлар ички ва ташқи хавфни бартараф этишда, давлат сарҳадларини кенгайтириш учун қилинадиган юришларда қўшинларнинг сони, ҳарбий тайёргарлиги, жанг усуллари, қурол-яроғлар, қўшин бошлиқларининг ҳарбий маҳорати кабиларга ҳам катта эътибор қаратганлар.


Шайбонийлар давлатида қўшни тўплаш, қўшиннинг таъминоти, унинг таркиби, қўшинни жангга тайёрлаш, қурол-аслаҳалар, ҳарбий ва қоровуллик хизматини ўташ, ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш асосан Чингизхон ва Амир Темури қўшинларининг ҳарбий тузилишига асосланган бўлиб, унга Шайбонийхон томонидан дашт ўзбекларига хос бўлган айрим ўзгаришлар киритилган. Қурол-аслаҳаларнинг ўзгариши эса Абдуллахон II даврига тўғри келади.

Ҳарбий қўшин асосан отлик ва пиёда аскарлардан ташкил топган. Ҳарбий ҳаракатлар даврида қўшин ўқ-ёй, узун найза, қилич, гурзи, узун дастали жанг болтаси (табарзин), чангак каби асосий хужум қуролларидан фойдаланган. Абдуллахон II даврида пилта милтиқлар пайдо бўлган. Қўшинда ҳимоя воситаси сифатида қалқон (сипар), ҳамда темир симдан майда қилиб тўкилиб, усти ипак ва бахмал мато билан ёпилган совут (жовшан) ёки жиба (жева)-темир ёки пўлатдан ишланган махсус кийим кабилардан фойдаланилган.

Шайбонийлар қўшинининг олий бош қўмондони хоннинг ўзи ҳисобланган. Алоҳида бўлинмалар-ўнг қанот, сўл қанот, қалб, қоровул ва ҳировулларга хоннинг ўғиллари, қариндошлари ёки жангда синалган, тажрибали ва довюрак нуёнлар (ёки султонлар) бошлиқ қилиб тайинланган. Илгариги даврларда бўлгани каби Шайбонийлар қўшини ҳам ўн минглик (туман), минглик, юзлик, ўнлик бўлинмаларга бўлинган.




Шайбонийлар ҳарбий кўшинларининг тузилиши қуйидагича бўлган¹:



Шайбонийлар кўшини асосан **қалб** деб аталувчи марказий қисм, **баронғор** (ўнг қанот) ва **жавонғор** (сўл қанот) қисмларидан ва **хировул** (кўшиннинг орқа қисми) дан ташкил топган. Манбаларда кўшиннинг қанотларига бошчилик қилган саркарда **ўғлон** деб ҳам эслатилади. Кўшин олдида **манглай** деб аталувчи ҳарбий қисм ярим доира шаклида саф тортиб борган. Унинг олидида эса тез ҳаракатланувчи кичик жанговор қисм **илғор** бўлган. Шунингдек, умумий кўшин олдида **қоровул** деб аталувчи махсус қисм, кўшиннинг ўнг ва сўл қанотлари олдида борувчи **кичик ғул** деб номланувчи бўлинмалар ҳамда кўшин ортидан борувчи махсус ёрдамчи бўлинма-**чанох** ҳаракат қилган.

Кўшин таркибида **туғчи** қисм, яъни, байроқ остида захирада турувчи (туғни кўриқловчи) 20-30 минг кишилик жанговар ҳарбий бўлинма ҳамда **забонгири**, яъни, душман томонидан “тил” тўтиб келувчи махсус бўлинма ва **хабаргири**-душман тўғрисида маълумот келтирувчи (разведка) махсус бўлинмалар ҳам бўлган. Ҳарбий юришлар пайтида хон учун расмий қабул маросимлари ўтказиладиган жой-**баргоҳ** деб аталган. Кўшинда сараланган

¹ Сағдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: ..., 173-б.



Ўзбек навкарларидан тузилган хоннинг хос соқчилари ҳам катта аҳамият эга бўлган.


Кўшинни йиғиш ва юришга тайёрлаш, уларнинг маошини тўлаш ҳамда бошқа ташкилий ишлар билан махсус амалдор-**тавочи** шуғулланган. Кўшинни қурол-яроғ билан таъминлашга маъсул бўлган амалдор **жевачи** бўлиб, у хоннинг қурол-аслаҳаларига ҳам жавобгар бўлган. Хон ва кўшин бошлиқларининг алоҳида топшириқларини бажарувчи шахслар **ясовул** (Абдуллахон II даврида-**мубошир**) деб аталган. Хоннинг шахси ва саройни кўриқловчилар **қурчи**, хон байроғини кўтариб юрувчилар **ялов бардор** деб номланган. Абдуллахон II даврида кўшинга замбараклар жорий этилган бўлиб, кўшинда **тўпчибоши** мансаби пайдо бўлади. Ҳарбийлар устидан қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, улар содир этган жиноят ва жазо турлари махсус ҳарбий судьялар-**қози аскар** ҳамда **муфти аскар** томонидан кўриб чиқилган.

Шайбонийлар давлатида маданий ҳаёт. Ислом дини. Аввалги сулолар даврида Мовароуннахр ва Хуросонда юксак даражада ривожланган маданий анъаналар шайбонийлар даврида ҳам давом этди ҳамда бойитилди. Бу дарда маданий ҳаётнинг кўплаб жабҳаларида: адабиёт, тарихнавислик, ҳаттотлик, мусиқа, эпиграфика, меъморчилик, наққошлик, ислом маданияти кабиларда айрим сиёсий ҳаётдаги инқироз ҳолатларига қарамасдан ривожланиш жараёнлари кўзатилади.

Адабиётнинг турли жанрларида Муҳаммад Солих, Хожа Афсодий, Восифий, Мажлисий, Убайдий, Бақоий, Шайдо, Ошиқ, Азизий, Нисорий, Мушфикий, Нахлий, Мутрифий кабилар баракали ижод қилдилар. Бу даврдаги адабиёт намоёндалари Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Озарбайжон, Шарқий Туркистон каби кўшни давлатларидаги қалам аҳли билан ижодий алоқада бўлдилар.

Бу даврда яратилган адабий асарлар орасида Бухоролик адабиётшунос олим ва шоир Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) асарини келтириш (1516-1597 йй.) мумкин. Қомусий ҳусусиятга эга бўлган бу асарда XVI асрда Мовароуннахр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Шарқий Туркистонда яшаб ижод этган 228 та шоирлар, жумладан, Жомий, Навоий, Ҳусайн Байқаро, Ҳусайн Воиз Кошифийлар тўғрисида, Арслонбоб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Занги ота, Шайх Худойдод каби тасаввуф намоёндаларининг ҳаёти, қароматлари ҳақида, шунингдек, тарихий воқеалар, илм-фан ривожини, санъат соҳасидаги ютуқлар, турли шаҳарлардаги меъморчилик ривожини ҳақида маълумотлар берилди. Абдуллахон II га атаб ёзилган мазкур асар Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистондаги адабий муҳит ҳақида бой маълумотлар берувчи манба ҳисобланади.


Бу даврда ҳукмрон сулола вакиллари адабиёт ривожига ҳомийлик қилиш билан бирга ўзлари ҳам ижод билан шуғулланганлар. Хусусан, Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахон II, Дўст Муҳаммад Султон (Наврўз Аҳмадхоннинг ўғли) кабиларнинг айрим асарлари ва ғазаллари бизгача сақланиб қолган.



Бу даврда тарихнавислик соҳасида ҳам кўплаб тарихий асарлар яратилди. Сулола асосчиси Шайбонийхон ва унинг ворисларига атаб ёзилган Абдуллоҳ Ибн Муҳаммад Ибн Али Насруллоҳийнинг “Зубдат-ал асар”, Мулла Шодийнинг “Фатҳнома”, Биноийнинг “Шайбонийнома”, Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг “Меҳмонномаи Бухоро”, Зайниддин Восифийнинг “Бадойе ул вақое” , Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома”, муаллифи номаълум бўлган “Таворихи гўзида”, Нусратнома” кабилар фикримиз далилидир.

Манбаларнинг маълумот беришича, бу даврда рассомлик, ҳаттотлик ва мусика санъатида, фикҳ, тиббиёт, риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), ва илми нужум (астрономия) соҳаларида ҳам ривожланиш юз беради. Масалан, кўпроқ шоир сифатида танилган Мушфиқий (1538-1588 йй.) фалсафа, астрономия, фикҳ, ҳисоб, физика, мусика, араб тили каби соҳаларида ҳам етук саналган. Бу даврда тиббиёт соҳасида ҳам қатор асарлар яратилган. Жумладан, Кучкунчихон ва Абу Саидхон замонларида яшаган машҳур табиб ва олим Султон Али “Дастур ал-илож”, “Муқаддимаи дастур ал-илож” рисолаларини ёзиб, уларда инсон танасидаги касалликларнинг шарҳи ҳамда уларни даволаш тўғрисида маълумотлар берган. Абдулатифхоннинг шахсий табиби Муҳаммад Юсуф, Наврўз Аҳмадхон саройида эса табиб Шоҳ Алилар фаолият олиб бориб “Кўз касаллигига оид асарлар сараси”, “Кўз табиблари учун қўлланма” каби асарлар яратганлар. Шунингдек, Муҳаммад Юсуфнинг “Иситмани ўрганишга доир”, “Қон томири ва сийдик” каби асарлари ҳам маълум. 1562-1567 йилларда табиб Убайдуллоҳ Қаҳҳол тиббиётга оид муҳим комусий асар “Касаллик шифоси”ни яратган. Ушбу асарларда келтирилган даво услублари, ташхис қўйиш, дорилар тайёрлаш каби маълумотлар ўрта асрлар мусулмон Шарқи тиббиётига хос илғор анъаналар XVI асрда ҳам давом этганлигини кўрсатади.

Шайбонийлар ҳукмдорлари меъморчилик соҳасида ҳам қатор ишларни амалга ошириб, турли мақсадларга мўлжалланган қурилиш ишларини амалга оширганлар. Меъморчилик иншоотлари нафақат ҳукмрон сулола вакиллари, балки хусусий мулкдорлар томонидан ҳам бунёд этилган. Мамлакатнинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қарши, Кармана, Туркистон, Марв, Балх, Ҳирот, Хива каби кўплаб шаҳарларида турли меъморчилик иншоотлари-мадраса ва мачитлар, хонақолар, тимлар, миноралар, ҳаммомлар, карвонсаройлар, сардоба ва кўприклар бунёд этилиб, шаҳарлар деворлари таъмирланди. Мисол учун, Самарқанддаги Шайбонийхон қурдирган Хонийа, Абу Саид ва Қулбобо Кўкалдош номлари билан боғлиқ мадрасалар, Самарқанд яқинидаги сув айирғич, Бухорода шаҳар деворининг таъмирланиши, Мир Араб, Абдуллахон, Модарихон мадрасалари, Тошкентдаги Бароқхон (ҳозирги Хаста Имом) ва Кўкалдош мадрасалари, Туркистонда Шайбонийхон масжида, Карманада Қосим Шайх масжиди, Балхда қалъа деворининг таъмирланиши, Абдуллахон, Қулбобо Кўкалдош мадрасалари, Ҳиротда Кўкалдош мадрасаси кабилар шулар жумласидандир.



Бухоро хонлигидаги меъморчилик ва шаҳарлар тараққиёти Абдуллахон II даврида айниқса юксалди. Ҳозирги Ўрта Осиёнинг деярли бутун ҳудудларини ўз ичига олган давлатни барпо этиш жараёнида Абдуллахон II жуда кўплаб ҳарбий юришлар олиб борган бўлса-да, мамлакатдаги иқтисодиёт, маданият, шаҳарлар тараққиётига алоҳида эътибор қаратган. Чунончи, Ўрта Осиёдаги XVI асрга оид меъморчилик обидаларининг асосий кўпчилик қисми бу ҳукмдор даврида бунёд этилган бўлиб, манбаларнинг маълумот беришича, уларнинг сони 1000 дан ошади.

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярми Ўрта Осиёнинг исломий ҳаётида Хўжа Аҳрор фаолиятининг фаоллашуви билан изоҳланади. Кейинроқ эса, бу ҳудудлардаги маънавий-диний ҳаётда суфийликнинг бир қатор йирик намоёндалари шаклланади. Сиёсий ҳокимиятнинг шайбонийлар қўлига ўтиши натижасида темурийлар давридаги йирик диний уламолар янги диний вакиллар, хусусан, XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жўйбор шайхлари билан алмашади. Улардан энг машҳурлари Хожа Муҳаммад Ислом (1493-1563 йй.), Хожа Сўаад (1531-1589 йй.), Хожа Тожиддин Ҳасан (1547-1646 йй.), Хожа Абураҳим (1575-1628-29 йй.) кабилар бўлиб, улар Накшбандия тариқатининг йўлбошчилари эдилар. Бу даврда Мовароуннаҳрда Яссавия ва Кубровия тариқоти намоёндалари ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, бу иккала тариқат вакиллари Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётига жўйбор шайхлари каби таъсир эта олмас ва аралашмас эдилар.

Яманнинг Хадрамаути деган жойида туғилган Саид Шамсуддин Абдуллоҳ XV асрнинг 80-йилларида Мовароуннаҳрга келади ва Хўжа Аҳрорнинг муриди бўлади. Ўрта Осиё ислом дини тарихига Мири Араб номи билан кирган бу шахс кейинчалик, Шайбонийхон ва Убайдуллахон даврларида жуда катта обрў ва мавқега эга бўлиб, йирик мулкдорга айланади. Туркистондаги Саврон шаҳрида яшаган Мири Араб Бухорога тез-тез бориб, сарой ишларига аралашиб турарди. Унинг мавқеи шунчалик баланд эди-ки, ҳаттоки хон ва унинг атрофидагилар ҳам у билан ҳисоблашар эдилар.

Шайбонийлар давридаги вилоят ҳокимлари ўзларининг юқори лавозимдаги амалдорлар билан муносабатларини яхшилаш учун тез-тез шайхларга мурожат этиб турганлар. Шунингдек, ҳукмрон доира вакиллари ҳам ўзларининг сиёсий курашларида суфийлар мададидан фойдаланганлар.

Шайбонийлар даври давлатчилигига хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берганлигига қарамасдан, ўрта асрлар тарихининг бошқа даврларида бўлгани каби, бу даврда ҳам ўзаро урушлар доимий бўлиб турди. Бу даврга келиб давлат бошқарувида яна кўчманчи ва ярим кўчманчи анъаналар устунлик қила бошлади. Шунга қарамасдан бу давр Ўзбекистон давлатчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу аҳамият илм-фан ва маданият, шаҳарсозлик ҳамда меъморчилик равнақи билан изоҳланади.

Шайбонийлар сулоласи ҳукмдорлари.¹

¹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги ..., 362-б.



Муҳаммад Шохбахт Шайбнийхон-1500-1510 йй.
Кўчкунчихон-1510-1530 йй.
Абу Саъидхон-1530-1533 йй.
Убайдуллахон-1533-1539 йй.
Абдуллахон I-1539-1540 йй.
Абдулазизхон (Бухорода)-1540-1550 йй.
Абдулатифхон (Самарқандда)-1540-1551 йй.
Наврўз Аҳмадхон-Бароқхон(Тошкентда)-1551-1556 йй.
Пирмуҳаммадхон-1556-1561 йй.
Искандархон-1561-1583 йй.
Абдуллахон II-1583-1598 йй.
Абдулмўминхон-1598-1599 йй.
Пир Муҳаммадхон II-1599-1601 йй.


2-§. Аштархонийлар даври давлатчилиги

Сиёсий тарих. 1598-йилда Абдуллахон II вафот этгач тахтга унинг ўғли Абдулмўмин ўтирди. Ўзаро урушлар натижасида у узок вақт ҳокимиятни бошқара олмай ҳалок бўлди. Тахтга Абдуллахон II нинг амакиваччаси Пирмуҳаммад II ўтириб, у ҳам узок вақт ҳукмронлик қила олмади.

Абдуллахон II вафотидан кейин марказий ҳокимиятнинг инқирози ва мамлакатдаги тартибсизликлардан Бухоро хонлигининг ички ва ташқи рақиблари зудлик билан фойдаланишга уринишди. Пирмуҳаммадхон бу рақиблар қуршовларини бартараф қилишга ожизлик қилди. Чунончи, мамлактнинг жанубида Эрон шоҳи Аббос Сабзавор, Машҳад ва Ҳиротни эгаллаб олди. Юсуф Мунши маълумотларига кўра, “Мовароуннаҳрда ҳам бутун давлатда бўлгани каби бошбошдоқликлар авж олиб, ҳеч ким бировга бўйсуннишни хоҳламади.” Ана шундай шароитда янги сулола - Аштархонийлар сулоласи ҳокимят тепасига келди.

Аштархонийлар чингизийлар авлодидан бўлиб, XV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Астрахан (Ҳожи Тархон)да ҳукмронлик қилганлар. XVI аср ўрталарида Астрахан Иван Грозний томонидан босиб олингач, сулола ҳукмдори Ёрмуҳаммад Султон ўз яқинлари билан Бухорога келади. Манба тили билан айтганда “урус (номила) машҳур насронийлар босқини дастидан (қочиб) Ёр Муҳаммадхон фарзандлари Жонимуҳаммад Султон, Аббос Султон, Турсун Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад Султон ва аҳли аёли билан Мовароуннаҳрга келди”.

Бухоро ҳукумдори Искандар Султон Ёрмуҳаммад ҳамда унинг оила аъзоларини яхши кутиб олиб, улар билан дўстона муносабатда бўлди. Орадан кўп ўтмай Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонимуҳаммад (Жонибек Султон) Искандархоннинг кизи Зухробегимга уйланди. Шу тариқа Ёрмуҳаммад ва унинг авлодлари Шайбонийлар саройида катта мавқега эга бўла бошладилар. Жонибек Султон ва Зухробегимдан уч ўғил - Динмуҳаммад, Бокимуҳаммад, Валимуҳаммад туғилди. Вақти келиб Динмуҳаммад Хуросондаги




вилоятларнинг бири Обивардда, Боқимухаммад эса Самарқандда ҳоким эл тайинланади.

Бошбошдоқликлар ва ўзаро урушларга чек қўйиш мақсадида 1601 йилда бухоролик бир гуруҳ йирик зодагонлар Жонибек Султонни Бухоро ҳукмдори тахтига таклиф этадилар. Жонибек Султон катта ўғли Динмуҳаммад фойдасига тахтдан воз кечди. Обивард ҳокими Динмуҳаммад эса Бухорога келишда қизилбошлилар билан бўлган тўқнашувда ҳалок бўлди. Шундан сўнг Жонибек Султоннинг иккинчи ўғли Боқимухаммад ҳокимиятга таклиф этилди. Бу пайтда Самарқанд ҳокими бўлган Боқимухаммад Боғи шамол атрофларида Пирмуҳаммад II қўшинларини мағлубиятга учратиб Бухоро тахтига ўтирди (1601-1605 йиллар). Шу тариқа Маворуннаҳрда тарихий манбаларда Аштархонийлар (Астрахан ёки Ҳожи Тархонлик ҳукмдорлар) ёки Жонийлар (Жонибек султон номидан) деб ном олган ва бир ярим аср ҳокимият тепасида бўлган сулола ҳукмронлиги даври бошланди.

Илк даврда пул муомаласидаги тангалар Жонибек Султон номидан зарб этилган бўлсада, амалда ҳокимиятни Боқимухаммад бошқарди. У мамлакатдаги тарқоқликка барҳам беришга ҳаракат қилиб, аввало Хоразмни мамлакатга қўшиб олди. 1602 йилда Балхни қўлга киритиб Боқимухаммадхон уни укаси Валимуҳаммадга ҳадя қилиб, Андхуд, Шибирғон, Маймана, Бағлон, Бадахшон ва Хисорни ҳам Бухорога бўйсундирди. Боқимухаммадхон мамлакат ички ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, давлат бошқарувини тартибга солишга ҳаракат қилди. Юсуф Мунши маълумотларига кўра, у “ҳокимият амалдорлари мансабларини қайта кўриб, қўшин тузилишини, фуқаролар ҳолатини назорат қилган” бўлсада, унинг қисқа муддатли ҳукмронлик даврида бу сиёсий ҳаракатлар ижобий натижа бермади. 1605 йилда Боқимухаммадхон вафот этгач, тахтга унинг укаси, Балх ҳокими Валимуҳаммад (1605-1611й.) ўтиради.

Валимуҳаммадхон ҳукмронлиги даврида ҳам Балх ва Ҳирот учун курашлар давом этди. Бу курашларда Валимуҳаммадхоннинг кўли баланд келган бўлсада, у 1607 йилида Эрон шоҳи Аббос I билан сулҳ шартномаси имзолади. Бунинг натижасида Хуросон бутунлай Сафавийлар қўлига ўтиб кетди. Натижада бусиз ҳам Валимуҳаммад саройи ишларига доимий аралашиб юрган, кўп ҳолларда хонсиз ҳам қарор қабул қиладиган, ўзларини сиёсий жиҳатдан мустақил деб ҳисоблайдиган бир гуруҳ бухоролик амалдорлар Валимуҳаммадга қарши 1608 йилда фитна уюштирадилар. Хон Эрон шоҳи Аббос I ҳузурига қочиб кетади. Бухоро тахтида яна бошбошдоқликлар бошланиб кетиб, 1611 йилнинг ёзида Валимуҳаммадхон Аббос I ёрдамида Бухоро тахтини эгаллаши ҳам узоққа чўзилмади. 1611 йилнинг октябрида Самарқанд атрофидаги Имомқулихон билан бўлган тўқнашувда Валимуҳаммадхон ҳалок бўлди. Аштархонийлар тахтига Боқимухаммаднинг ўғли Имомқулихон (1611-1642 йй.) ўтиради.

Бу даврга келиб маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги ҳаддидан ошиб, бу ҳолат айниқса ўтроқ аҳоли турмуш тарзига салбий таъсир этарди. Имомқулихон ўзбошимча ҳокимлар ҳаракатини сусайтиришга муваффақ




бўлди. Имомқулихон Хоразм ва Хуросонни қайта қўлга кирита олмай бўлса-да, Тошкент, Андижон, Туркистон шаҳарларига хавф солиб турган қозоқлар, қалмиқлар ва бошқа кўплаб кўчманчиларга қарши кураш олиб борди. Айрим ҳолларда уларга ён бериб, кўчманчилар кучларидан Эрон шоҳларига қарши курашда фойдаланди. Имомқулихон Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги ерларга ўғли Искандар Султонни ҳоким этиб тайинлади. Аммо, тошкентликлар Искандар Султон сиёсатидан норози бўлиб исён кўтардилар ва натижада у ўлдирилди. Бунинг эвазига Имомқулихон Тошкентда қирғинбарот ўтказганлиги манбалардан маълумдир.

Шунга қарамасдан манбаларнинг гувоҳлик беришича, Имомқулихон даврида хон ҳокимиятининг мавқеи ошиб, ички вазият, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик яхшиланди. Муҳаммад Юсуф (ибн Хожи Бақо) нинг “Тарихи Муқумхоний” асарида берилишича, “Имомқулихон ночорлар ишини енгиллаштирди, арз билан келганларни қайтармади. Унинг замонида на камбағал, на бечора қолмаганди. Чиқарган буйруқлари ижроси борасида амалдорларига қаттиқ турди, қоронғи тушиши билан оддий кийим кийиб вазири ва кўрчи билан бозорлару маҳаллаларни айланиб, оддий халқнинг ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлиб турарди”. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолган Имомқулихон 1642 йилда Маккага ҳаж сафарига жўнаб 1644 йилда Мадинада вафот этади.

Имомқулихондан сўнг тахтга унинг укаси Нодирмуҳаммад (1642-1645 йй.) ўтирди. Нодирмуҳаммад хон бўлгунига қадар Балх ҳокими бўлиб, узок вақт тахтни бошқара олмади. У ҳокимият тепасига келгач, мамлакатдаги аҳвол тезда ўзгариб кетди. Чунки хон давлат ишларида ҳал қилувчи рол ўйнайдиган зодагонларга яқинлашолмай, улар билан тил топиша олмади. Ундан ташқари Нодирмуҳаммадхон мамлакатнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида муҳим рол тутган амирлар ва султонлар мавқеини чеклаш билан бирга мамлакатнинг асосий вилоятларини ўзининг олти ўғли, бир набираси ва икки жиянига бўлиб берди. Жумладан, ўғиллари Абдулазиз Султонга Самарьянд, Хисрав Султонга Бадахшон билан Қундуз, Барҳом Султонга Тошкент, Субҳонқули Султонга Балх, Қутлуқ Муҳаммад Султонга Хисор, Абдурахмон Султонга Шибирғон ва Андхуд, набираси Косим Султонга Хузор, жиянлари Муҳаммадёр Султонга Шахрисабз, Сўфи Султонга Толиқон берилди.

Бундай шароитда орадан кўп вақт ўтмай вазият кескин ўзгарди. Саройдаги лавозимлардан озод этилган амалдорларнинг норозилиги кучайиб турган бир пайтда, мамлакат ҳудудларига шимолдан кўчманчилар ҳужумлари бошланди. Нодирмуҳаммадхон кўчманчиларга қарши курашга ўғли Абдулазизхон бошчилигидаги кўшинни жўнатади. Олий ҳуқумдордан норози бўлган бир гуруҳ амалдорлар 1645 йилнинг апрелида Учтепа атрофидаги Янгисарой деган жойда Нодирмуҳаммаднинг катта ўғли Абдулазиз Султонни хон деб эълон қиладилар. Бу пайтда Қарши даштларида ов қилиб юрган Нодирмуҳаммадхон бу хабарни эшитиб Балхга кочади.

Абдулазизхон ҳукмронлиги даври (1645-1681 йй.) ўзаро курашлар билан бошланди. Балхда урнашиб олган Нодирмуҳаммад қолган ўғилларига ва янги




хондан норози бўлган Бухоро амирларига таяниб Абдулазизхон ҳокимияти тортиб олишга уринди, аммо бунинг уддасидан чиқа олмади. Шундан сўнг Нодирмухаммадхон ҳинд ҳукмдори бобурий шахзода Шоҳ Жаҳондан ёрдам сўради. Бундан фойдаланган бобурийлар Балх ва Бадахшонни эгаллаб, бу ҳудудларда икки йил ҳукмронлик қиладилар. Нодирмухаммад эса Эрон шоҳи ҳузурига кочиб кетди. 1647 йил октябрда Абдулазизхон Балхга ҳужум қилиб уни бобурийлардан тортиб олди. Нодирмухаммад эса 1651 йилда ҳаж сафарига чиқиб йўлда вафот этди.

Абдулазизхон даврида мамлакатда нотинчликлар ҳукм сурди. Айниқса, Балхда ҳукмронлик қилаётган Субҳонқули Султон билан Абдулазизхон ўртасидаги кураш кескинлашди. Абдулазизхон Балхни Бухорога бўйсундиришга бир неча марта уринган (1652-1657 йй.) бўлсада, Субҳонқули Султонни мағлуб эта олмади. Ундан ташқари, олий ҳокимиятнинг заифлашгани ҳамда ўзаро урушлардан фойдаланган Хива хонлари Бухорога тез - тез ҳужумлар уюштириб турдилар. Улар 1658-йилда Кармана ва Вардонзани талон- тарож қилиб, 1662 йилда Бухорогача етиб келдилар. Балх можаролари 1658 йилда Абдулазизхоннинг пири Абдуғаффор хожанинг аралашуви билан бироз барҳам топган бўлсада, амалда Субҳонқули Султон Балхни мустақил бошқарган.

Хива билан узоқ урушлар устига мамлакатдаги турли ижтимоий қатламлар ўртасидаги ихтилофларнинг кескинлашиб бориши мамлакат ҳаётига салбий таъсир кўрсатган. Манба тили билан айтганда Абдулазизхон даврида “Мовароуннаҳр ва Балх вилоятлари хоразмликлар ва қозоқлар ҳужумлари туфайли ҳалокат ёқасига келиб қолди”. Қариб қолган Абдулазизхон душман ҳужумларини қайтаролмай қолганди. Ундан ташқари, унинг даврида йирик ер эгаларининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигининг кучаюви марказий ҳокимиятни янада заифлаштирганди.

1981 йилда Абдулазизхон тахтни укаси Субҳонқули Султонга топшириб, ўзи ҳаж сафарига жўнайди. Субҳонқулихон (1681-1702йй.) ҳукмронлиги йилларида ҳам мамлакатдаги ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий вазият ўзгармади. Чунончи, Субҳонқулихон даврида унинг ўғиллари ўртасида Балх ҳокимияти учун кураш янада авж олди. Бу жараёнда унинг ўғилларини Балхдаги обрўли хонадонлар қўллаб турдилар. Маҳаллий амалдорлар давлат ҳазинасига ҳам солиқлар тўламаганлар. Бу ҳолат марказий ҳокимиятнинг Балхдаги мавқеини ниҳоятда заифлашиб кетганидан ва маҳаллий сиёсий кучларнинг, хусусан йирик амирлар мавқеи ошиб кетганидан далолат беради.

Янги ҳукмдорнинг ҳокимият тепасига келиши Бухоро ва Хива муносабатларини ҳам юмшатмади. Хиваликлар Абдулазизхон ва унинг ўғли Анушахон бошчилигида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларига талончилик юришлари уюштириб, шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирдилар. Оқибатда суғориш ишлари издан чиқиб, деҳқончилликка путур етди. Бозорларда қимматчилик бошланиб, ҳалқнинг аҳволи ёмонлашди. Мана шундай шароитда Субҳонқулихон давлатнинг бўшаб қолган ҳазинасини



тўлдириш мақсадида кўшимча солиқларни жорий этиб, бир неча йиллар солиқларни олдиндан йиғиб олишга буйруқ берди.


Субхонқулихоннинг ўғли Убайдуллахон (1702-1711) мамлакатда ҳукм сураётган сиёсий тарқоқликни тугатишга ҳамда марказий давлат ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган сўнгги аштархоний ҳукмдори бўлди. Унинг Самарқанд, Хисор, Термиз ва Шаҳрисабзга қилган юришлари натижасиз тугаган бўлсада, узоқ камалдан сўнг Балхни эгаллашга муваффақ бўлди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича Убайдуллахон Балхни эгаллагач, кўшиндаги отлар ва туялар деҳқонлар экинларини пайхон қилмасликлари ҳақида буйруқ беради. Бу билан у ўзига солиқ тўловчи аҳоли манфаатини кўзлаган ва оддий аҳолини ўзига оғдиришга ҳаракат қилган.

Шунга қарамасдан Убайдуллахоннинг маҳаллий ҳукмдорлар ҳамда амирлар сепаратик қаршилигини синдириш йўлидаги кўплаб ҳаракатлари самара бермади. Убайдуллахон давлатдаги бошқарув аппаратида ислохот ўтказишга ҳаракат қилиб, кўплаб амалдорларни мансабидан четлаштирди. Уларнинг ўрнига хунармандлар ва савдогарларнинг болаларини мансабларга тайинлади. Шунингдек у мамлакатдаги йирик ер эгалари бўлган жўйбор шайхларнинг солиқ имтиёзларини бекор қилди. Аммо, Убайдуллахоннинг бу ҳаракатлари унга норози кучларнинг кўпайишига ҳизмат қилди ҳолос.

Убайдуллахон мустақил амирларнинг иқтисодий кудратига зарба бериш, давалт ҳазинасини бойитиш, ҳамда мамлакат молиявий ахволини яхшилаш мақсадида 1708 йилда пул ислохотини ўтказди. Бу ислохотга кўра, ҳазинада мавжуд кумуш тангалар эритилиб, ҳар биридан тўртта кумуш танга қайта зарб қилиди. Киймати паст бўлган янги тангалар эски тангалар билан бир хил муомилада бўлиши эълон қилинди. Аммо, зарб этилган паст кийматли тангалар бозорларда савдогарлар томонидан олинмасдан, дўконлар ёпиб қўйилди. Натижада аҳолининг норозилиги кучайиб, Бухорода кўзғолон кўтарилди. Бу кўзғолон катта кийинчилик билан бостирилган бўлсада, мамлакатдаги аҳвол яхшиланмади ва 1711 йилда Убайдуллахон фитнанинг қурбони бўлди.

Убайдуллахоннинг ўлимдан сўнг мамлакатда сиёсий тарқоқлик янада кучайди. Алоҳида вилоятларнинг ҳарбий - сиёсий кудрати орта бориб Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Балх, Шаҳрисабз ва Бадахшон ҳокимлари ўзларини мутлақо мустақил ҳисоблаганлар. Мана шундай шароитда Бухоро тахтига 16 ёшли Абулфайзхон (1711-1747 йй.) ўтказилди. Айрим манбалар Абулфайзхон тахтга ўтирган пайтдаёқ Убайдуллахоннинг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилганлигини тасдиқласада, унинг атрофидаги амирлар бу ҳаракатларга кескин қарши чиқдилар. Ҳар томонлама мавқеига эга бўлган амирлар Абулфайзхондан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар ва охир оқибатда Абулфайзхон кўғирчоқ ҳукмдорга айланиб қолди.

Мамлакатдаги турли ҳукмдорлар ўртасидаги сиёсий тарқоқлик авж олган бир шароитда манғит уруғидан бўлган Муҳаммад Ҳакимбий ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат бошлади. Саройдаги оталиқ мансабида бўлган Ҳакимбий қўлига ҳокимият ўтишига кўпгина амирлар қарши чиқдилар. Улар



орасида Шаҳрисабз ҳокими Иброҳимбий кенагас айниқса ажралиб турди. Иброҳимбий кенагас 1722 йилда ўзининг бир гуруҳ маслакдошлари билан асли келиб чиқиши Хива хонларидан бўлган Ражаб Султонни Самарқанд ҳокими деб, ўзини эса “амирлар амири” деб эълон қилди. Ражаб Султон бошчилигида бир нечта ўзбек қабилалари амирларини бирлаштирган Иброҳимбий Бухорога юриш қилди. Бу юришда Муҳаммад Ҳақимбий мағлубиятга учраган бўлсада, Ражаб Султон Бухорони эгаллай олмади ва козоқ султонларидан ёрдам сўради.

Муҳаммад Вафо Карманагий ўзининг “Тухфат ал-хоний” асарида ёзишича, козоқ султонлари зудлик билан Мовароуннаҳрга юриш бошлаб, мамлакатдаги сиёсий парокандаликдан унумли фойдаланадилар. Улар 1723-1729 йиллар давомида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларининг серҳосил ерларига доимий равишда талон - тарожлик юришлари қилиб турдилар.

Бухоро хонлигидаги парокандалик кўшни Эрон ҳудудларида Нодиршоҳ (1736-1747 йй.) асос солган Афшорийлар давлати учун ҳам ниҳоятда қўл келди. Ўз ерларини кенгайтириб Эрон ва Афғонистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Нодиршоҳ Бухоро хонлиги ҳудудларига ҳаракат қила бошлади. Хусусан, 1736 йилда Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқул бошчилигидаги кўшинлар Амударёдан ўтиб Қарши шаҳрига ҳужум қилдилар. Бу пайтда Қарши ҳокими бўлган Ҳақимбий оталиқ Аблфайзхондан ёрдам сўради. Қарши шаҳри яқинида Ҳақимбий ва Абулфайзхон кўшинлари Ризоқули кўшинларидан мағлубиятга учради. Қарши шаҳри қамалда колди. Бундай шароитда Хива хони Элбарсхон катта кўшин билан Абулфайзхонга ёрдамга шошилди. Бу хабарни эшитган Ризонқули Қарши қамалини тўхтатиб, Эронга қайтишга мажбур бўлди.

1740 йилда Нодиршоҳнинг ўзи катта кўшин билан Бухоро хонлиги устига юриш бошлади. Нодиршоҳ Чоржуй атрофларидан Амударёни кечиб ўтган пайтида Ҳақимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий унинг хузурига бориб ўз хизматини таклиф қилди ва Нодиршоҳ Раҳимбий манғитни ўз хизматига олди. Муҳаммад Раҳимбий 1740 йилдан бошлаб Эронга вассал бўлган Абулфайзхон саройида катта мавқеига эга бўлиб, 1747 йилда Абулфайзхонга фитна уюштирилиб, ўлдирилгунига қадар ва ундан сўнг, охири аштархонийлар Абдулмўмин (1747-1751 йй), Убайдуллахон II (1751-1754 йй.) ва Шерғозихон (1754-1756йй.) лар даврида ҳам амалдаги ҳокимият Ҳақимбий қўлида эди. Муҳаммад Ҳақимбий 1756 йил декабрида расман Бухоро хони деб эълон қилинди. Ҳокимият манғитлар сулоласи қўлига ўтди, шу даврдан бошлаб Бухоро хонлиги амирлик деб атала бошланди.

Давлат тизими ва маъмурий бошқарув. Аштархонийларнинг давлат тизими ва маъмурий бошқаруви ўз тузилиши ҳамда мазмун - моҳиятига кўра, Шайбонийлар даври давлатчилигидан деярли фарқ қилмас эди. Манбаларнинг маълумот беришича XVII-XVIII асрнинг биринчи ярми давлат бошқарувида ҳокимият марказда ҳам вилоятларда ҳам асосан бир идора – **даргоҳда** мужассамлашиб борган. Шунингдек, шайбонийлар даврида бўлгани каби



аштархонийлар даврида ҳам давлат тизимида ўтрок турмуш тарзи анъанала билан бирга айрим ярим кўчманчиларга хос удумлар ҳам сақланиб қолган.


Бу даврда ҳам **хон** расман олий ҳокимият бошлиғи бўлиб, давлатдаги ички ва ташқи сиёсатга боғлиқ барча масалалар унинг ихтиёри билан ҳал этилган. Барча олий фармонлар хон томонидан жорий этилиб, унинг номидан тангалар зарб қилинар, хоннинг номи хутбага қўшиб ўқиларди. Аммо, амалдаги бошқарувда кўпгина аштархоний ҳукмдорлари саройдаги катта мавқега эга бўлган амалдорлар ҳамда йирик уламолар қўлида кўғирчоқ эдилар. Нодирмухаммад, Субхонқулихон, Убайдуллахон каби хонлар марказий ҳокимият обрўсини кўтаришга, бебош амирлар мавқеини чеклашга ҳаракат қилган бўлсалар-да, уларнинг бу ҳаракатлари деярли самара бермади. Бу даврда марказий давлат бошқаруви **сарой амалдорлари** қўлида тўпланган бўлса, жойлардаги маҳаллий ҳокимият **вилоят ҳокимлари** ихтиёрида бўлган.

Аштархонийлар ҳукмронлиги йилларида ҳам нақиб, оталиқ, парвоначи, додхоҳ, девонбеги, қушбеги, чухрабоши, ясовул, иноқ, қурчи, ҳарбий қози, ҳарбий муфти, эшик оға боши, мирзабоши, сарой кутубхонаси бошлиғи, дастурхончи каби лавозимлар мавжуд бўлгани маълум. Шу билан бирга уларнинг айримларида сифатий ўзгаришлар юз берганини ҳам таъкидлаш лозимдир.

А.Зиё тадқиқотларига кўра, **оталиқнинг** вазифаси XVI асрда асосан жойлардаги бошқарув тизими билан боғлиқ бўлса, аштархонийлар даврида, айниқса Абдулазизхондан бошлаб, оталиқнинг марказдаги мавқеи кучая бошлади. Масалан, Абдулазизхон Бухоро тахтига чиққач пойтахтдаги оталиқ вазифасини ўша пайтда энг кучли мавқега эга бўлган Ялангтўшбийга таклиф қилган. Оталиқнинг мавқеи Субхонқулихон даврида ҳам баланд бўлиб, энг муҳим ҳарбий ишлар (масалан, хивалиқларнинг Бухорога тахдидини қайтариш, Хуросон юриши) оталиққа юклатилган. “Убайдуллонома” асарида оталиққа “умдат ал-умаро”, яъни “бутун амирлар табақасининг таянчи” деган таъриф берилган. Абулфайзхон давридаги оталиқ мансабида бўлган Ҳакимбий ва унинг ўғли Раҳимбийлар жуда катта мавқега эга бўлиб, улар охир-оқибат сулола вакилларида ҳокимиятни бутунлай тортиб олишга муваффақ бўлдилар.

Аштархонийлар, хусусан Убайдуллахон ва Абулфайзхон даврларида **қўшбеги** лавозимидаги амалдорларнинг ҳам мавқеи ўсган. Аниқроғи шу мансабдаги шахснинг мавқеи кўтарилиши билан у эгаллаб турган лавозимнинг ҳам аҳамияти юксалган. Мисол учун, “Убайдуллонома”да маълумот берилишича, Тўрақўли қўшбегибоши мансабга тайинлаш ва унвон бериш, хон ёрлиғисиз шахсан ёзма кўрсатмалар тарқатиш, олий қабулларда ўз хоҳиши билан иштирок этиш каби имтиёзларга эга бўлган. Ўша манба тили билан айтганда, бу даврда қўшбеги боши “амирларнинг энг улуғи ” эди.

Бу даврда Бухородан кейинги энг нуфузли шахар Балх бўлиб, уни тахт вориси бошқарар эди. Расмий даражадаги давлат бошқаруви икки босқичли бўлиб - **марказий** ва **маҳаллий бошқарув** тизимига эга эди. Вилоят ҳокимларининг марказий ҳокимиятга бўйсунishi белгиланган йиллик



солиқларни тўплаб хон хазинасига юбориб туриши, хон фармониغا кул ҳарбий юришларда ўз қўшинлари билан қатнашишдан иборат бўлган холос. Кўп ҳолларда ўзларини марказий ҳокимиятдан мустақил деб ҳисоблаган вилоят амирлари ва ҳокимлари ҳам ўз бошқарув тизимига ва ҳарбий кучларига эга бўлган.

Бу даврда амалдорлар тоифасига кирган шахслар ўз эгаллаб турган лавозимларидан маъсулиятли вазифаларидан ташқари сиёсий жараёнлар ва ҳарбий юришларда ҳам иштирок этганлар. Мисол учун, манбаларга кўра, 1722 йилда Вобкент остонасидаги Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ бошчилик қилган Абулфайзхон ва Самарқанд ҳокими Ражаб Султон қўшинлари билан бўлган тўқнашувда девонбеги, қўшбеги, парвоначи, додхоҳ, мирохўр, эшикоғабоши, тўқсабо, дастурхончи каби мансабдорлар ҳам иштирок этганлар.

Бу даврдаги бошқарувда дунёвий лавозимдаги амалдорлар билан бир қаторда **диний лавозимдаги** амалдорларнинг ҳам мавқеи баланд бўлган. Бошқарув тизимида йирик дин пешволари **хожалар** ва диний мансаб эгалари бўлмиш **шайхулислом, садр, қози калон** ва бошқалар катта аҳамиятга эга бўлган.

Илгариги даврда бўлгандек, бу даврда ҳам давлат бошқарувида Жўйбор хожаларининг мавқеи баланд бўлиб, асосий диний мансабдорлар улар ичидан тайинланган. Бухоро шайхулисломи ҳам Жўйбор шайхлари орасидан тайинланиб, Абулфайзхон даврида бу лавозимни Хожа Яҳёнинг ўғли Муҳаммад Ҳаким Хўжа эгаллаган. Шайхулислом жамиятда жуда катта рол ўйнаган бўлиб, нафақат диний, балки барча ишлар бўйича ҳукмдорнинг доимий маслаҳатчиси бўлган. Ҳар бир вилоятнинг ўз қозиси бўлиб, улар диний, оилавий, ворисчилик ҳамда жинойий ишларни кўриб чиққанлар. Ҳарбийлар учун ҳам алоҳида қозилар бўлиб, улар **қозийи-аскар** деб аталган.

Бухоро хонлигидаги ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда **муфтининг** ўрни алоҳида бўлган. Муфти фикҳ (ҳуқуқ) ва ҳадисни жуда яхши биладиган қонуншунос бўлиши лозим бўлган. XVII асрнинг охири – XVIII аср бошларида давлат ҳокимиятининг заифлашуви оқибатида дарвиш гуруҳларининг ҳам роли ортиб борган.

Аштрахонийлар даврига келиб Бухоро хонлиги ҳудудлари кескин қисқариб кетди. XVIII аср бошларига оид манбаларда хонликка бўйсунувчи олтита вилоят: Бухоро, Самарқанд, Сагараж, Ўратепа, Шаҳрисабз ва Хузур тилга олинади. Имомқулихон ҳукмронлиги даврида Ҳисор, Туркистон, Фарғона ва Балх вилоятлари вақтинчалик қайта бирлаштирилган бўлсада, Абулфайзхон даврига келиб Хива (вилояти) ва Қўқон хонликлари алоҳида давлат эди.

Мавжуд манбаларда Бухоро хонлиги бўйсунувчи вилоятлар ўртасидаги аниқ маъмурий чегаралар ҳақида маълумотлар сақланиб қолмаган. Кўпгина вилоятлар, хусусан Ҳисор, Шаҳрисабз, Фарғона амалда ярим мустақил бошқарилиб Бухорога номигагина тобе ҳисобланган. Аввалги даврда бўлганидек, аштархонийлар давлати вилоятлар, туманлар ва бошқа маъмурий бирликларга бўлинган.




Қишлоқ хўжалигига ва аграр муносабатлар Аштархонийлар даври

хам давом этган сиёсий парокандалик, урушлар ва ўзаро курашлар мамлакат иқтисодиётининг асоси бўлган қишлоқ хўжалигига ҳам таъсир этмасдан қолмади. XVIII асрга оид айрим манбалар Зарафшон ва Фарғона водийсидаги деҳқонларнинг ўз ерларидан қочиб кетиши ҳолатлари ҳақида ҳам маълумотлар беради. Ҳукмдорлар солиқ ва ўлпонларни ўз вақтида ва доимий йиғиб олиш учун ҳам мамлакат иқтисодиётини кўтаришга ҳаракат қилсаларда, бу ҳаракатлар аксарият ҳолларда самарасиз тугарди. XVII асрнинг бошларига келиб кўплаб суғориладиган ерлар жўйбор шайхларига берилган. Шариат қонунларига кўра, сув сотилмаслиги ва сотиб олиниши мумкин бўлмасда, бой амалдор ва руҳоний ер эгалари суғориш каналларининг хўжайинлари эдилар. XVII аср 80-йилларининг охирларида Хива ҳукмдорларининг кўплаб хужумлари натижасида келиб чиққан сув таъминотининг бузилиши Аштархонийлар давлатидаги кўпгина вилоятларда, айниқса, Самарқанд, Қарши, Фарғона вилоятларида очарчиликка сабаб бўлди. Манба тили билан айтилганда, “деҳқонларда тарик ва буғдой нони йўқ эди”.

Сиёсий беқарорлик ва ўзаро урушлар давом этиб турган оғир шароитга ҳам деҳқонлар ўз хўжаликларини давом эттиришга ҳаракат қилганлар. Бухоро хонлигининг асосий деҳқончилик ҳудуди Зарафшон воҳаси эди. Сўнгги ўрта асрлар муаллифлари бошқа вилоятларда ҳам экинлар ва боғ-роғлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар берадилар. Мисол учун, Фарғонанинг “ажойиб боғлари ва далалари”, Қаршининг “суғориладиган ерлари”, Тошкент воҳасининг “тоғли ғаллакор туманлари”, Термизнинг “яхши қовунлари ва ғалласи”, Шаҳрисабзнинг “яхши ҳосил берувчи ерлари” ҳақидаги маълумотлар бор.

Аштархонийлар даврида суғориладиган ерларга Ўрта Осиё минтақаси учун анъанавий бўлган буғдой, арпа, жўхори, ловия, мош, шоли, пахта, сабзавот ва полиз экинлари, дашт ва тоғолдиларидаги адирлардаги лалми ерларда буғдой, арпа, қовун, тарвўз ва бошқалар экилиб деҳқончилик қилинган. Ўзаро урушлар деҳқончилик тараққиётини бирмунча орқага суриб турган бўлишига қарамасдан, тинчлик давларида ерлардан анча юқори ҳосил олинган.

Бу даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида полиз экинлари етиштириш анча ривожланган. Бу экинлар орасида қовун айниқса кўп етиштирилган. Бу ҳақида “Бобурнома” да шундай маълумот берилади. “Мовароуннахрнинг ҳеч қаерида Бухородагидек кўп ва хўб қовун бўлмайди. Фарғона вилоятида, Ахсида Бухороникидан ҳам ширинроқ мири тимурий навли қовун бўлсада, Бухорода қовунларнинг нави кўп улар ҳам жуда ширин”. Махмуд Ибн Вали (XVII аср) ҳам ҳозирги Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида қовун етиштирилганлиги ҳақида маълумотлар беради. Полиз маҳсулотларидан асосан пул кўринишида солиқлар олинган.



Суғориладиган ерларнинг кўпчилик қисмини боғлар ва ўзумзорлар ташкил қилган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби шаҳарлар атрофида боғлар, чорбоғлар мавжуд бўлган.


Бу даврда чорвачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи сифатида катта аҳамиятга эга эди. Хон ва йирик сарой амалдорлари, дин пешволари, қабила бошлиқлари, йирик чорвадор бойларга тегишли катта-катта яйловларда, дашт ҳудудларда минг-минглаб қўйлар, подалар, йилқилар, туялар боқилган. Бобур маълумотларига кўра, йирик зодагонларнинг 30-40 мингтагача қўйлари бўлган. Андижон бекларидан бири, қалъа ҳимояси пайтида бу ердаги аскарларга 18 мингта қўй тарқатган. Айрим ҳудудларда, масалан Қорақўлда қорақўл териси, Каршида қора ва кўкимтир кулранг тери ишлаб чиқариш ривож топган. Қўйчилик ярим кўчманчи аҳолининг асосий бойлиги ҳисобланган.

Ўтроқ деҳқончилик туманларида анъанавий уй чорвачилиги сут-қатик, учун сугир семиртириб боқиш учун буқа ва қўй боқиш давом этган. Хўкизлар ва отлардан деҳқончиликда омов тортиб ер хайдашда кенг фойдаланилган. Чорвачилик ишлаб чиқариш ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган қўйлар, йирик шохли ҳайвонлар, қорабайир отлар, икки урқачли туялар ҳамда жун, тери ва бошқа маҳсулотлар етказиб берадиган асосий тармоқ сифатида аштархонийлар даврида ҳам ўз мавқеини сақлаб қолди.

Айрим аштархоний ҳукмдорлари даврида мамлакатнинг асосий бойлиги ҳисобланган ерни тақсимлаш расман олий ҳукмдор қўлида бўлсада, амалда кўплаб давлат ерлари йирик амалдорлар ва дин пешволари қўлида эди. Айниқса, XVIII асрдан бошлаб, ярим кўчманчи қабилалар бошлиқлари бўлган амирлар ва бекларнинг ҳокимияти кучайиб, улар амалда йирик ҳудудларнинг хўжайинлари эдилар.

Шайбонийлар даврида бўлгани каби аштархонийлар даврида ҳам давлат ерлари **мамлакаи девон, мамлакаи подшоҳи, замини мамла, мамлакаи султони, мамлака** каби номлар билан аталган. Олий ҳукмдор ерни сотиш, ҳадя этиш ёки вақф мулкига ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган. Шартли ер эгалари **суюрғол, иқта, танҳо, тиул** каби номлар билан аталган. Таъкидлаш лозимки, XVII-XVIII асрларга келиб суюрғолнинг мазмуни ўзгаради. Бу даврга келиб суюрғол асосан ҳукмдор хизматида бўлган рухонийлар-сайидлар, хўжалар, шайхлар, уламолар, шунингдек шоирларга ҳадя қилинган. Маҳмуд ибн Вали шундай маълумот беради: “Агар подшо ерни кимгадир ҳадя тариқасида берса, бундай ерлар уламолар ва сайидларга берилса, суюрғол дейилади, агар ҳарбийларга берилса, у ҳолда танҳо дейилади.”

Шаҳарлар. Хунармандчилик ва савдо-сотик. Илгариги даврларда бўлгани каби сўнгги ўрта асрлар даврида ҳам жамият ҳаётидаги шаҳарларнинг роли асло пасаймаган. Савдо-сотик ва хунармандчилик асосан шаҳарларда марказлашган бўлиб, фан ва маданият ҳам шу ерда тараққий этган. Йирик иқтисодий, сиёсий-маъмурий ва маданий марказлар бўлган Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарлари Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнаганлар.



Самарқанд ўзининг иқтисослашган бозорлари ва савдо қаторлари билан ажралиб турган. Манба тили билан айтганда , “бу шаҳарнинг битта ўзига хос хусусияти борки, бу хусусият бошқа шаҳарларда кам учрайди, яъни, ҳар бир маҳсулот учун алоҳида бозор бўлиб , улар бири-бири билан аралашиб кетмайди. Бу ажойиб анъанадир”. Дарҳақиқат, Ахштархонийлар даврига оид турли манбалар Самарқанддаги кўзагарлар , темирчилар , заргарлар , чопондўзлар, дўппидўзлар , баққоллар , қассоблар , чўянчилар , читпазлар, бўёкчилар , нонфурушлар каби кўплаб алоҳида бозорлар ҳақида маълумотлар берадилар . Бу даврдаги кўплаб меъморий иншоотларнинг қурилиши туфайли шаҳарнинг кўриниши ҳам ўзгарди. Мисол учун, ўзбек амирларининг мавкеи кучайган даврда Ялангтўшбий томонидан Регистон майдонида Шердор ва Тиллакори(1631-1642й.) мадрасалари бунёд этилди. Самарқанд атрофларида боғ-роғлар билан бир қаторда сув тегирмонлари ҳам мавжуд бўлган. Сиёб каналидан чиқарилган ариқлар коғоз ишлаб чиқариш , жумладан ,бутун дунёга машҳур бўлган Самарқанд коғози ишлаб чиқариш устахоналари жойлашган.

Бу даврда Тошкент мамлакатининг маъмурий бошқарув ва иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнаган бўлиб , бу ерда ички ва ташқи бозор учун кўплаб маҳсулотлар мавжуд эди . Тошкент , айниқса , тоғ-кон саноати маҳсулотлари , қозоқ даштлари билан савдо-сотик муносабатларида машҳур бўлганлиги манбаларда эслатиб ўтилади . Тошкент атрофларида боғлар ва узумзорлар мавжуд бўлган .Тошкент қаъласи ташқарисида Кайковус чорбоғи жойлашган. Манбалар бу чорбоғни “улуғ султонлар тахтининг жойи” ва Тошкент ҳокимларининг қароргоҳи сифатида эслатадилар.

Тошкентда ва унинг атрофларида турли мамлакатлардан келган савдогарлар тўхташлари учун карвонсаройлар мавжуд бўлган . Шунингдек карвонсаройлар Чирчиқ дарёси бўйлаб кетувчи тоғ йўли бўйларида ҳам қад кўтарган. Тошкентнинг кенг дашт ҳудудлари чегарасидаги воҳада жойлашганлиги бу даврда ҳам шаҳар хўжалигининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бўлган бўлсада, манбалар кўчманчиларнинг кўплаб ҳужумлар уюштирганликлари ҳақида ҳам маълумотлар берадилар. Шу билан бирга Тошкентнинг ҳимоя деворлари кўп марталаб шаҳар аҳолисининг ҳимоясини таъминлаганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Шайбонийлар давридаёқ пойтахтга айлантирилган Бухоро шаҳри ҳам йирик ҳарбий-сиёсий , маъмурий ва маданий марказлардан бўлиб , аштархоний ҳукмдорларнинг қароргоҳи шу ерда жойлашгани эди . Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган Бухоро шаҳри манбаларга кўра ,бу даврда , “бир нечта дарвозаси бўлган баланд девор билан ўраб олинган ва уч қисмга бўлинган . Унинг икки қисми ҳукмдорга, бир қисми эса савдогарлар ва бозорга тегишлидир”. Шаҳарда зич қурилган турар - жойлар ҳамда хўжалик иншоотлари (карвонсаройлар , тимлар , ҳаммомлар ва бошқ.) жуда кўп бўлиб, унча аниқ бўлмаган маълумотларга кўра, унинг ҳудуди ва атрофида деҳқончилик қилинадиган ерлар бўлган .



Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида бошқа шаҳарлар хам муҳим аҳамиятга эга бўлган . XVII-XVIII асрнинг баъзи йилларида Андижон Фарғонанинг маркази бўлган бўлса , айрим пайтларда бу вазифани Аҳси шаҳри бажарган . Бу даврда Қарши , Шаҳрисабз , Термиз , Жиззах ,Хўжанд , Хоразм шаҳарлари кейинроқ Кўкон каби кўплаб йирик шаҳарлар мавжуд бўлган бўлсада , марказдан қочувчи кучлар ҳукмронлиги шароитида шаҳарлар ўртасида савдо - иқтисодий алоқалар суст эди. Сиёсий тарқоқлик ҳамда ярим мустақил мулкларнинг мавжудлиги уларнинг ўзаро алоқаларини сезиларли даражада чеклаб қўйган эди .

Бу даврда ҳунармандчиликнинг асосий марказлари шаҳарлар бўлиб келган бўлсада , ўзаро иқтисодий муносабатларнинг заифлашуви ҳамда натурал хўжаликнинг ривожланиши сабабли энг керакли ҳунармандчилик маҳсулотлари етиштириш кўпгина йирик қишлоқларда ҳам ривожлана бошлайди. Мамлакатнинг ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи асосан маҳаллий ҳунармандлар маҳсулотлари ҳисобига қондириларди. Бу даврда тўқимачилик ва у билан боғлиқ ҳунармандчилик турлари (ип йиғириш, газламалар тайёрлаш, кийимлар тикиш ва бошқалар) ривожланганида давом этади.

Самарқанд ва Бухородаги ҳунармандчилик аҳолисининг катта қисми мато билан шуғулланувчи кичик ишлаб чиқарувчилар бўлган. Мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам турли-туман матолар тайёрланган. Мато тайёрлаш уларни маҳсулоти сифати, ипагининг тури, қайта ишланиши, ранг берилиши, жиҳатлари билан фарқланиб турган. Матоларнинг асосий хомашёси пахта, ипак, кам ҳолларда жун ҳисобланган. Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарлар ва уларнинг атрофларидаги йирик қишлоқлар олача, бўз, чит, духоба каби матолар билан шуҳрат қозонган.

Бу даврда ҳунармандчиликнинг энг ривожланган тармоқларидан бири бўлган кулолчилик мамлакатнинг барча йирик шаҳарларида, кўпгина қишлоқларида мавжуд бўлиб, бу соҳанинг ривожиди бутун Ўрта Осиёга хос анъаналар билан бирга, маҳаллий хусусиятлар ҳам алоҳида ажралиб туради. Кулолчилик маҳсулотлари тайёрловчи ҳунармандлар асосан уч тоифага: косагарлар (егуликлар, мевалар, ширинликлар учун идишлар), кўзагарлар (суюқликлар учун идишлар, хумлар) ва қурилиш ашёлари (силлиқланган ғиштлар тандирлар) тайёрловчиларга бўлинган. Ички бозорда кулолларнинг маҳсулотига талабнинг юқорилиги, хомашё манбаи бўлган соғ тупроқнинг кўп жойларида мавжудлиги кулолчиликнинг тараққиётини таъминлаган эди.

Ёғочга ишлов берувчи ҳунармандлар ёғоч хомашёсидан турли туман маҳсулотлар тайёрлаганлар. Бундай ҳунармандлар эшиклар ва дераза ромлари, аравалар ва ғилдираклари, сандиқлар, бешиклар, меҳнат қуролларига дасталар ва соплар, қайиқлар (Амударё ва Сирдарё бўйларида) каби кўплаб маҳсулотлар тайёрлаганлар. Энг яхши усталар ёғочга нақш бериш билан шуғулланганлар. Бой зодагонлар уйларининг пештоқлари, эшиклари, устунлар шунингдек, масжид ва мадрасалар устунлари, хонақолар




эшиклари бой жимжимадор ва мураккаб бўлган шаклдаги нақшлар билан безатилган.

Илм фан ва маданият. Меъморчилик. Ўтган даврларда бўлгани каби Аштархонийлар даврида ҳам кўп тармоқли илм-фан меъморчилик ва амалий санъат, маданият тараққиёти давом этди. Бу даврдаги ижтимоий-фалсафий фанлар илгари асрлар анъаналари асосида тараққий этиб, бир қатор даврга мос йўналишлар ҳам пайдо бўлди. Замонавий тадқиқотчилар бу даврдаги ижтимоий-фалсафий фанлар ривожини айниқса адабиёт, тарихнавислик, фалсафий-ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий йўналишларида айниқса сезиларли бўлганлигини таъкидлайдилар.

Бу даврда ўрта асрлардаги анъанавий тарихнавислик давом эттирилиб кўпгина тарихий адабиётлар яратилди. Чунончи, Махбуд ибн Валининг XVI аср охири XVII аср бошларидаги Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихига оид “Баҳр ал-асрор” асари, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг Балх ҳокими Муқимхонга атаб ёзилган “Тарихи Муқимхоний” асари, Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ал мулк” бадиий-тарихий асари, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома”, Муҳаммад Вафо Карманагийнинг “Тухфат ул - хоний”, Абдурахмон Толеънинг “Тарихи Абулфайзхон” каби тарихий асарларини айтиб ўтиш лозим. Бу асарларнинг аксариятида Хон ҳокимиятини унинг шахсини улуғлаш билан бирга ўша давр жамиятидаги инқирозли ҳолатлар сиёсий тарқоқлик ва ўзаро урушлар натижаси эканлиги тўғри англаниб, бундай ҳолатларга баҳрам беришнинг асосий чораси ҳокимиятни марказлаштириш ҳамда уни адолатли бошқаришдир, деган фикрлар ҳам илгари сурилган. Шунингдек ушбу тарихий асарларда мусулмон оламида кенг тарқалган афсоналар, ривоятлар, шеърини ҳамда насрий шаклдаги ҳикматли сўзлар, Куръон оятлари ҳамда диний китоблардан парчалар, тарихий воқеаликка ўта маҳорат билан бирлаштириб юборилган. Бу ҳолат аштархонийлар даври тарихшунослигида ҳам ўрта аср анъаналари давом эттирилганлигини берлгисидир.

XVII аср Ўрта Осиёдаги ижтимоий-фалсафий фикрларнинг йирик вакилларида бири Ибн Муҳаммад Юсуф ал-Қорабоғийдир (1563-1647йй.) Кавказнинг Қорабоғ қишлоғида (Озарбайжон) таваллуд топган ушбу аллома аввал Ширвон, Шероз, кейин эса Самарқандда ижод этиб Бухорода вафот этган. Фалсафий йўналишда ижод қилган Қорабоғий тиббиёт, астрономия каби табиий фанларни яхши билиши билан бирга шеърлар ҳам ёзиб турган. Қорабоғий бутун дунёни ягона танага ўхшатиб, унинг аъзолари қонуний бир-бирига боғлиқлигини таъкидлаб шундай ёзади: “олам ягона вужуд ҳисобланади ва барча мавжуд нарсалар, мавжудот унинг аъзолари ҳисобланади”.

XVII аср Ўрта Осиёдаги мутаффакирлардан яна бири Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад ал-Бухорий бўлиб, у ал-Мавлиёвий тахаллуси билан ҳам маълумдир. Ал-Бухорийнинг ижоди фақат фалсафий қарашлар билан чегараланиб қолмай, тарих, шеърият, ҳуқуқ, тилшунослик кабиларни ҳам камраб олади. Мутаффакирнинг бизга қадар йигирмага яқин асарлари етиб




келган бўлиб, бу асарларда асосий эътибор ўрта асрларда кенг тарқалган руҳлар ва инсоннинг руҳий кучларига қаратилган. Муҳаммад ал-Бухорий ўзигача бўлган мутаффакирлардан фарқ қилган ҳолда руҳнинг тўрт кўринишини ажратади. Булар табиий, ўсимлик, хайвонот ва инсоният руҳларидир.

Аштархонийлар давлатида адабиёт айниқса Субхонқулихон даврида анча раванқ топди. Бу даврда ижод қилган шоирлар орасида Турди Фароғий фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекларнинг юз уруғидан бўлган бу шоир Абдулазизхон даврида катта нуфузга эга бўлиб, сарой доираларига яқин бўлган. Турди Фароғийнинг бизга қадар тўрт юз мисрадан ортиқ шеърлари етиб келган бўлиб, уларда оддий меҳнаткаш халқ аҳволига ачиниш, амалдорлар зулмини қоралаш, ўзаро тинч-тотувлик ва аҳилликка чақириш ғоялари устунлик қилади.

XVII-XVIII асрларда Бухорода тўртта йирик тазкира яртилади. Булар - Мутрибийнинг “Тазкират аш-шуаро”, Малиҳо Самарқандийнинг “Музаққир ал асхоб”, Мулла Содик Самарқандийнинг “Риёз аш-шуаро”, Нурмуҳаммад Насафийнинг “Масхан ан-мусаннифин”, тазкираларидир. Биргина Мутрибийнинг тазкирасида уч юз йигирмадан зиёд шоирлар ҳақида маълумотлар бор. Бу даврда Сайидо Насафий Қаршида тикувчилик қилиб, ижод қилган бўлса, Самарқандлик ижодкорлар Ғофур Самарқандий атторлик, Масиҳо темирчилик, Манзур Самарқандий косиблик, Фитрат Самарқандий зардўзлик билан шуғулланганлар. Шунингдек XVII-XVIII асрлар Хивада яшаб ижод этган Абулғози Баходурхон, Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб, Паҳлавон Равнақ, Муҳаммад Ниёз Нишотийларни, Кўконда яшаб ижод этган Бобораҳим Машраб, Хўжа Назар ўгли Хувайдо, Мулла Шермуҳаммад Акмал каби ижодкорларни санаб ўтиш мумкин.

Бу даврда табиий фанлар раванқи учун ҳам кўпгина ишлар ҳам амалга оширилган. Хусусан, Хон Улум таҳаллуси билан маълум бўлган Қози Муҳаммад Акбархон Эрон алломаси Баҳовуддин Омийийнинг “Хулосат ал-Хисоб” (“Арфиметиканинг моҳияти”) китобига изоҳлар ёзган. Бир қатор математик асарлар меросни тақсимлаш масалаларига қаратилган бўлиб, Турсун ал-Зоминийнинг “Турфа - йи амир” (“Амирга ҳадялар”), Муҳаммад Амин ас-Чахорёкининг “Масоил-и ададия” (“Арфиметиканинг қўлланиши”), “Рисола фи-л-васият” (“Васият ҳақида рисола”), Ал-Бадий ал-Хисорийнинг асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек Мирза Бади Девон “Мажма ал-аркан” асарининг каттагина қисми математикага бағишланган.

Бу даврда меъморчиликнинг ҳам ўзига хос йўналишларда ривожланганлигини кузатиш мумкин. XVII-XVIII асрларга келиб, маҳобатли меъморчиликда минтақавий меъморчилик мактаблари Хоразм, Мовароуннаҳр, Фарғона, Тошкент кабиларнинг ўзига хос хусусиятлари кузатилади. Бу даврда Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз, Термиз каби кўплаб шаҳарлар ўрта асрлар анъанавий тузилиш шакллари сақлаб қолади. Мамлакатнинг барча ҳудудларида кўплаб масжид ва мадрасалар, бозорлар, хонақолар, карвонсаройлар, работлар, ҳаммомлар, сардобалар ва бошқа




меъморий иншоотлар барпо этилади. Меъморий иншоотлар орасида Бухоро Абдулазизхон томонидан бунёд этилган мадрасани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ундаги мрамар тахтачалар, қимматбаҳо кошин безаклар, нафис, ганчлик гумбазлар, ушбу давр меъморчилигида ҳам етакчи анъаналар сақланиб қолганлигидан далолат беради. Шунингдек Бухорода Убайдуллахон томонидан мадраса ва масжит, Боқи Муҳаммадхон томонидан масжит, Субхонқулихон томонидан касалхона (Даруш-шифо), Нодир Девонбеги томонидан масжид ва мадрасадан иборат меъморий мажмуа-Лаби Ҳовуз кабилар бунёд этилган.

Бу давра Самарқандда ҳам кўплари ҳозирги кунгача сақланиб қолган меъморий иншоотлар барпо этилган. Хусусан, Самарқанддаги йирик мулкдорлардан бири бўлган Ялангтўшбийнинг Регистон майдонида бунёд этган иккита йирик мадрасаси диққатга моликдир. Бу иншоотлардан бири Улуғбек мадрасаси рўпарасидаги Шердор мадрасаси бўлиб, улар тузилиши жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетади. Мадрасанинг номланиши унинг пештоқига тасвирланган иккита шер тасвири билан боғлиқ бўлиб, ушбу мадрасанинг нақш ва безакларида қадимги Шарқ меъморчилик анъаналари давом этганлиги кўзатилади.

Ялангтўшбий томонидан қурилган иккинчи иншоот Тиллакори мадрасаси ҳам аштархонийлар давридаги меъморчиликнинг нодир намуналаридан ҳисобланади. Бу мадраса безатилишида жуда кўп олтин ишлатилганлиги боис ҳам “Тиллакори” (“олтин қадалган”) деб номланган. У ўз вақтида жума масжиди вазифасини ҳам бажарган. Ялангтўшбий қурдирган ушбу иккита иншоот Самарқанддаги Регистон майдонининг яхлит меъморий ансамбли бўлиб шаклланади. Шунингдек, бу даврда Самарқанд атрофида Назр девонбеги мадрасаси, Хўжа Аҳрор қабри олдида мадраса, шаҳардаги Қози Соқий мадрасаси, Самарқанд ва Бухоро йўлида кўплаб сардобалар бунёд этилади.

Бундан ташқари аштархонийлар даврида Балхда Нодирмуҳаммадхон, Субхонқулихон мадрасалари, Балх атрофида қатор чорбоғлар саройлари билан, Балх аркидаги иморатлар, Жомеъ масжиди, Ҳазрати Али мазоридидаги гумбаз, Хивадаги Араб Муҳаммадхон, Хўжамберди Шерғозийхон мадрасалари, Бухорода Пояндавий оталиқ масжиди, Шодимбек мадрасаси, Бозори гўсфанд мадрасаси, Қаршида Шермуҳаммадбий ва Хўжа Курбоний мадрасалари, Шаҳрисабз атрофида Хўжа Илм кон меъморий мажмуаси каби кўплаб иншоотлар бунёд этилади. Ушбу иншоотлар бу даврда мамлакатда мавжуд бўлган ўзаро урушлар ва мураккаб сиёсий вазиятга қарамасдан Мовароуннаҳр меъморчилигида азалий анъаналар давом этгалигидан далолат беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистон давлатчилиги тарихидаги Аштархонийлар даври (1601-1736) бошбошдоклик, ўзаро курашлар, маҳаллий ҳокимларнинг марказга бўйсунмаслиги даври бўлиб, А.Зиё таъбири билан айтганда, сиёсий бекарорлик тахминан юз йил ўтиб сулола инқирози ҳамда давлатнинг учга бўлиниши билан тугади. Ташқи алоқалар асосан қўшни худудлар билан



чекланиб қолиб, мамлакат жаҳон техникавий тараққиётида рўй бераётган кўпгина янгиликлардан четда қолди шунга қарамасдан маданий ҳаётнинг баъзи соҳаларида (меъморчилик, тарихнавислик, адабий муҳит, ислом ҳуқуқи) тараққиёт жараёнлари кузатилади.

Аштархонийлар ҳукмдорлар¹

1. Бокимуҳаммад - 1601-1606 йил
2. Валимуҳаммад - 1606-1611 йил
3. Имомқўлихон - 1611-1642 йил
4. Нодир Муҳаммадхон - 1642-1645 йил
5. Абдулазизхон - 1645-1681 йил
6. Субхонқўлихон - 1681-1701 йил
7. Убайдуллахон - 1702-1711 йил
8. Абулфайзхон - 1711-1747 йил
9. Абдулмўмин - 1747-1751 йил
10. Убайдуллоҳ II - 1751-1753 йил
11. Шерғози - 1754-1756

3-§. Бухоро амирлиги

Сиёсий тарих. Сўнгги аштархонийлардан бўлган Абдулфайзхон ҳукмронлиги даврида марказий ҳокимият заифлашганлигидан фойдаланган ўзбек уруғлари турли вилоятларда ҳокимиятга қарши исён ва ғалаёнлар кўтаришиб, ўзларини мустақил деб эълон қила бошладилар. Улар орасида аштархонийлар саройида катта нуфузга эга бўлган, манғит уруғи бошлиқлардан бири Муҳаммад Ҳакимбий оталиқ (вафоти 1743й) ҳамда унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбийнинг ҳаракатлари айниқса кескин эди.

Бухорода бўлиб ўтаётган тартибсизликлардан фойдаланган Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1745 йилда Муҳаммад Раҳимбий раҳбарлигида Бухорога катта кўшин жўнатди. Муҳаммад Раҳимбий Бухорода визиятни юмшатиш борасида катта ишларни амалга оширди. Миёнқол ва Шаҳрисабздаги қўзғолонлар бостирилди. Муҳаммад Раҳимбий давлат аппарати тизими ишлари ва ҳукумат амалдорларини алмаштириш ишларига жиддий киришди.

У деярли барча йирик давлат мансабларига ўзининг яқин қариндошлари ва маслакдошларини қўйиб, уларнинг ёрдамига таяниб пойтахтда ўз мавқени мустаҳкамлаб олди. 1746 йилда Нодиршоҳ ўлдирилгач, орадан кўп ўтмай Абдулфайзхон ҳам ўлдирилди. Тахтга ўтирган Абдулмўмин ҳам 1748 йилда ўлдирилди. Унинг ўрнига ниҳоятда ёш бўлган Убайдулла Султон номигагина тахтга ўтқазилди. 1753 йилга келиб йирик амалдорлар, руҳонийлар ва уруғ оксоқолларининг розилиги билан Муҳаммад Раҳимхон (1753-1758й) тахтга ўтирди ва манғитлар сулоласи ҳукмронлигини бошлаб берди.

Муҳаммад Раҳимхон марказлашган давлат тизими тузиш сиёсатини олиб борди. У йирик мулкдорларни давлатни бошқарув ишларига аралаштирмай, мустақил сиёсат юргизди. Бу ҳукмдор Миёнқол, Нурота, Ургут, Кобадийён, Бойсун каби марказий ҳокимиятни тан олмаган вилоятларга

¹ Сағдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи., 191-б..




юришлар қилиб, уларни бўйсундиришга эришди. Унинг даври Зарафшоннинг юқори оқими, Жиззах, Зомин яна Бухорога қўшиб олинди. Муҳаммад Раҳимхон қисқа муддат ичида жуда катта ҳудудни бирлаштирган манғитларнинг марказий давлат тизимини барпо этди. 1758 йилга келиб Тошкент, Қўқон, Марв, Балх, Қундуздан элчилар келиб унинг ҳокимиятини тан олганликларини билдирадilar.

Муҳаммад Раҳимхон вафотидан сўнг унинг балоғатга етмаган кабираси Фозилтўра тахтга ўтказилиб, ҳокимият аслида Муҳаммад Раҳимхоннинг тоғаси Дониёлбий оталиқ (1750-1785 йй) қўлига ўтди. Дониёлбийнинг ҳукмронлиги даври марказий ҳокимиятнинг заифлашуви билан изоҳланади. У тахтга ўтирган дастабки пайтдаёқ марказлашаган давлат сиёсатига қарши ғалаёнлар ва қўзғолонлар кўтарилди. Миёнқол воҳаси, Шаҳрисабз ва Китоб, Шеробод ва Бойсун, Ҳисор вилоятларида катта-катта халқ ғалаёнлари ва чиқишлар бошланиб кетди. Даставвал, Ҳисорга бадарға қилинган юз, кенагас, буркут, баҳрин, сарой каби ўзбек уруғларининг амирлари бош кўтардилар. Улар манғитлар сулоласини тахтдан ағдаришни режалаштирган эдилар. Дониёлбийнинг амирларни тинчлаштириш учун қилган ҳаракатлари зое кетди. Шундан сўнг Дониёлбий қўзғолонларга қарши кўшин жўнатди ва Бухоро шаҳри аҳолисининг ёрдами билан қўзғолон бостирилди. Исёнчи амирларнинг кўпчилиги қатл этилди.

Орадан кўп ўтмасдан юз уруғларининг бошлиғи Фозилбий бош кўтарди. Дониёлбий қийинчилик билан бўлса-да бу қўзғолонни ҳам бостирди. Айниқса, 1771 йилда Шаҳрисабз ва Хузурда кўтарилган қўзғолон давлат асосларини жиддий ларзага соди. Бу қўзғолонни ҳам катта куч сарфлаб бостиришга эришган Дониёлбий қўзғолончилар раҳабарларини қатл эттирди. Мамлакатда ғалаёнларнинг деярли тўхтовсиз кўтарилиб туриши марказий ҳокимиятнинг обрўсини, қудратини тушириб юборди. Мамлакатнинг иқтисодий аҳвол ҳам ночор ҳолатга тушиб қолди. Натижада 1784 йилда пойтахт Бухорода ҳам қўзғолон кўтарилди. Қўзғолон бостирилган бўлса-да, Дониёлбий 1785 йилда тахтни ўғли Шоҳмуродга топширишга мажбур бўлди.

Шоҳмурод тахтга ўтирганидан сўнг **“амир”** унвони билан ҳокимиятни бошқаради(1785-1800 йй.). У ўз ҳукмронлиги даврида шаҳарлар тараққиёти ва ободончилигига, ирригация ва қишлоқ хўжалиги ривожига алоҳида эътибор берди. Тарихда “Амири маъсум” (“Гуноҳсиз амир”) номи билан қолган Шоҳмурод ўз даврида марказий ҳокимиятни нисбатан мустаҳкамлашга эришди. Унинг ҳукумронлиги даврида мамлакатни ривожлантиришга йўналтирилган тўртта муҳим ислоҳот- **молия, суд, маъмурий ва ҳарбий** ислоҳотлар ўтказилди. Аввало, 1758 йилдан бошлаб, амирликда тўла ҳолатда (аралашмаларсиз) кумушдан иборат бўлган кумуш тангалар, олдингиларидан ўзининг қиймати, сифати ва ташқи кўриниши билан фарқ қиладиган соф тилла тангалар зарб этила бошланди. У давлат зарбхоналарида аҳолининг ўз шахсий жамғармаларидан олиб келган кумуш ва олтиндан бир хил ўлчамдаги кумуш ва тилла тангаларни зарб қилишга кенг руҳсат берди.




Амир Шохмурод адлия соҳасида ўтказган ислоҳоти билан мамлакат суд ишларини олиб боришни бирмунча эркинлаштирди. Манбаларга кўра, амирликдаги суд ҳайъати ишларини Шохмуроднинг бевосита ўзи бошқарган. Суд ишларини олиб бориш учун махсус судлов қонунлари мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб, барча вилоят, туман, беклик қозилари айнан мана шу қонунлар мажмуаси асосида иш олиб борганлар. Умуман олганда, амир Шохмурод томонидан ўтказилган ислоҳотлар мамлакатдаги марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаб, иқтисодий юксалишни таъминлаган эди. Шунингдек, солиқларнинг тарибга солиниши, суд ишларидаги ноҳақликларга чек қўйилиши, маҳаллий амалдорлар устидан назорат ўрнатилиши – савдосотик ва ҳунармандчиликнинг, қишлоқ хўжалигининг юксалишига шароит яратиб берган эди.

Шохмурод ўзи идора этиб турган марказлашган давлат тизимини янада мустаҳкамлаш соҳасида ҳам маълум ишларни амалга оширди. Унинг даврида ҳам амирликда бир нечта уруғлар ва айрим вилоятларнинг норозиликлари содир бўлиб турган эди. Хусусан, 1786 йилда Кармана сарҳади аҳолиси Бухоро амирига бўйсунидан бош тортди. Шохмурод Кармана аҳолисини бўйсундириш учун бир неча марта юриш қилишга мажбур бўлди. Карманадан сўнг итоат этмай қўйган Шаҳрисабз ва Хўжандга қилинган юришлар муваффақият билан якунланди.

Мамлакатда амалга оширилган ислоҳотлар ва муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлар натижасида анча мустаҳкамланиб олган Шохмурод кўшни Афғонистонга ҳам ҳарбий юришлар уюштиради. Хусусан, Шохмурод Амударёнинг ўнг қирғоғидаги илгариги Бухоро ерларини қайтариб олиш учун Афғон амири Темушоҳга қарши урушлар олиб боради. Бу урушлардан сўнг Шохмурод ва Тимуршоҳ ўртасида сулҳ тузилиб, Амударё ҳар иккала давлат ўртасидаги чегара деб белгиланди. Амир Шохмурод 1800 йилда вафот этганидан сўнг унинг ўғли амир Ҳайдар (1800-1876 йй.) валиаҳд сифатида тахтга ўтирди. Отаси даврида Қаршининг ҳокими бўлган амир Ҳайдар оқ кигизга ўтқазилиб хон этиб кўтарилади. Аммо, Ҳайдар хон унвонини эмас, балки “амир ал-мўминин” унвонини олди. Манбаларга кўра, хутба амир Ҳайдар номига ўқилган бўлса-да, тангалар амир Ҳайдар, амир Шохмурод ва Дониёлбий номларидан зарб этилган.

Отасининг сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилган амир Ҳайдар ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Бухоро ҳудудининг бутунлигини сақлаш, Зарафшоннинг юқори оқими ҳудудлари, Шаҳрисабз, Миёнқол ерларини қўлда сақлаб қолиш учун курашлар олиб борди. Ўратепани вақтинча ўзига бўйсундиришга эришди.

Амир Ҳайдар даврида Хива хонлари амирлик ҳудудларига тез-тез талончилик урушлари қилиб турдилар. 1806 йилда амир Ҳайдар бутун Бухоро аҳлини қуролланишга ва Хива хони Элтузарга қарши курашишга чақирди ҳамда уларни мағлубиятга учратиб, амирлик ҳудудларидан ҳайдаб чиқаришга эришди. Бу урушлардан сўнг Бухоро билан Қўқон ўртасида урушлар бошланиб кетди. Қўқон хони Олимхон 1807, 1810 йилларда



Ўратепага ҳужумлар қилиб, катта ўлжаларни Қўқонга олиб кетди. Бунда ҳужумлар Қўқон хони томонидан Жиззах ва Зоминга ҳам уюштирилиб турилди.

Доимий равишда олиб борилган уруш ҳаракатлари катта харажатларни талаб этганлиги боис, амир Ҳайдар қўшимча солиқлар йиғиш ҳақида фармон берди. Бу эса меҳнаткаш аҳоли аҳволини янада оғирлашишга ва амир Ҳайдар ҳамда у олиб бораётган сиёсатга қарши чиқишларга олиб келди. Мана шундай кўзғолонлар 1821-1825 йилларда Миёнқол, Самарқанд ва Ургутда бўлиб ўтди. Амир Ҳаёдар бу кўзғолонларни катта қийинчиликлар билан, кўзғолончиларга катта ваъдалар бериш эвазига бостиришга эришди. Шаҳрисабз ва Марв воҳаси учун ҳам Амир Ҳайдар урушлар олиб боришга мажбур бўлди.


Ўз даврида Амир Ҳайдар қўшни Афғон давлати ҳукмдори Шужоъ ал-мулк Дурроний билан дўстлик алоқаларини ўрнатган бўлса-да, Қўқон ва Хива давлатлари билан Бухоро давлати ўртасидаги муносабатлар кескин эди. Манбаларга кўра, шундай шароитда амир Ҳайдар ҳатто Туркия султони Маҳмуд II га ёрдам сўраб мурожаат этган ва унинг итоатига ўтишга тайёр эканлигини ҳам маълум қилган.

Амир Ҳайдар 1826 йилда вафот этганидан сўнг унинг иккита катта ўғиллари амир Ҳусайн(икки ярим ой) ва амир Умар (тўрт ой) қисқа муддат тахтга ўтириб, ўз укалари Насрулло томонидан ўлдириладилар. Шундан сўнг тахтга амир Ҳайдарнинг учинчи ўғли Насрулло ўтирди. Амир Насруллонинг ҳукмронлик даври (1826-1860 йй.) аввало, Бухоро амирлигидаги сиёсий тарқоқлик, зодагонларнинг бошбошдоқликларига барҳам бериш билан изоҳланади. Амир Насрулло ҳокимиятни бошқаришда ниҳоятда каттиқ қўллик сиёсатини олиб борди. Ўзининг бераҳмлик сиёсати туфайли амир Насрулло “қассоб амир” деган номга сазовор бўлган эди.

Амир Насрулло марказий ҳокимиятни тан олмайдиган бўйсунмас маҳаллий ҳокимларга қарши каттиқ кураш олиб борди. Бу борада Шаҳрисабз Бухорога бўйсунмай қўйган энг йирик мустақил вилоят ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам амирнинг сиёсатидан анрози бўлган кўплаб амалдорлар Шаҳрисабзга қочиб паноҳ топганлар. Амир Насрулло 1832 йилда Шаҳрисабзга қарши уруш бошлаб, 32 марта юришдан сўнг 1552 йилда Шаҳрисабз ва Китобни бўйсундиришга эришади.

Амир Насрулло Қўқон ва Хива хонлари билан ҳам урушлар олиб борди. У 1842 йилда Қўқонга юриш қилиб уни эгаллади. Аммо, бу пайтда Хива хони Оллоқулихон Бухоро чегараларига ҳужум қилганлигини эшитгач, Қўқонга ўз ноибини қолдириб орқага қайтишга мажбур бўлди. Амир Насрулло ўз қўшинлари билан Хивага юриш қилиб, Хазораспни қамал қилди. Аммо, мағлубиятга учраб қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Амир Насрулло ўз ҳукмронлиги даврида Ўратепа ва Хўжанд учун Қўқон хони билан тўхтовсиз урушлар олиб борди. Бунинг натижасида шаҳарлар қўлда-қўлга ўтиб кўпгина вайронагарчиликлар келиб чикди, талон-таложлик авж олди.



Манбаларга кўра, Кўқондан Кешгача бўлган барча мамлакатлар бўйсундирган амир Насрулло Бухоронинг амалдаги охириги мустақил хукмдори бўлиб қолди. Амир Насруллодан сўнг тахтга унинг ўғли амир Музаффар(1860-1885 йй.)ўтирди. У манғитлар сулоласидан бўлган тўртинчи амир бўлиб, унинг 25 йиллик ҳукумронлик даврида жуда кўп воқеалар содир бўлдики, улардан энг аянчлиси – Бухоро амирлигининг Россия императори вассалига айланишидир.


Амир Музаффар ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида уламоларга деярли эътибор бермади, улар билан бирор-бир масала юзасидан маслаҳат ҳам қилмади. Аммо, 1868 йилда амир руслардан мағлубиятга учрагач, уламоларга ён беришга мажбур бўлди. Чунки уламолар маҳаллий аҳолини русларга қарши курашишга даъват этган эдилар. Лекин фурсат қўлдан бой берилган эди. Уламоларнинг халқни кўтариши ҳам, амирнинг ўғли Катта Тўра (Абдумалик), Китоб ва Шаҳрисабз бекларининг саъй-ҳаркатлари ҳам бесамар кетди. Зирабулоқ яқинидаги жангда мағлубиятга учраган амир Музаффар руслар томонидан тузилган шартномага имзо чекишга мажбур бўлди. Унга кўра амир Ўратепа, Жиззах, Зарафшон воҳаси ҳудудларидан маҳрум бўлди, рус ҳукуматига 125 минг тилло миқдорда товон тўлайдиган бўлди ҳамда Бухоронинг Россияга вассаллигини тан олди.

Амир Музаффар ҳукмронлиги даврида амирлик ҳудудлари анча қисқарди. Бунга аввало рус босқини сабаб бўлган бўлса, катта қийинчилик билан буйсундирилган Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари яна Бухорога буйсунишдан бош тортдилар. Ундан ташқари, русларга тўланган катта товон эвазига амирлик хазинаси бўшаб қолди. Амир ўз хазинасини тўлдириш учун қозилар ва раисларга аҳолидан турли хил йиғимлар йиғишга руҳсат берди. Чунки бу йиғимларнинг катта қисми турли хил совғалар ва инъомлар тариқасида хазинага келиб тушарди.

Амир Музаффар ўғли Абдулаҳадни тахт меросхўри деб эълон қилди ва ўша йили уни Россия императори Александр Александровичнинг тахтга ўтириш маросими тантанасига қатнашиш учун Москвага жўнатди. Подшо Александр III га Бухоро юлдузи ордени топширилди ва Абдулаҳад ҳақиқий тахт вориси сифатида Россия томонидан тасдиқланди. 1883 йилда эса амир Музаффар Россия империясининг I-даражали Муқаддас Анна ордени билан тақдирланди. Архив маълумотларига қараганда, бу мукофотни Бухорога империянинг нуфузли амалдорларидан бири – генерал-майор, князь Витгенштейн бошчилигидаги махсус элчилар гуруҳи олиб келган.

Амир Музаффар 1885 йил 31 октябрда касаллик туфайли вафот этади. Унинг ўғли амир Саййид Абдуллаҳад 1885-1910 йиллар Бухоро амирлиги тахтини бошқарди. Абдулаҳад 14 ёшидан бошлаб Кармана беки этиб тайинланган. Рус сайёҳларининг маълумотларига кўра у Карманда жуда оддий кун кечирган. 1885 йил 4 ноябрда амир Музаффарни Бухоро аркида оқ кигизга ўтирғизиб, тахтга ўтқазиш маросими бўлиб ўтди.

Амир Абдулаҳад саёҳат қилишни яхши кўрган. У турли йилларда Москва, Санкт-Петербургу, Киев, Одесса, Екатеринбург, Боку, Тифлис,




Ботуми, Севастопол, Боғчасарой каби шаҳарларда бўлган. Амир ҳар йили Кавказда, Қрим ёки Ялтада дам олган. Унинг ҳукмронлиги даврида қийноқлар, ўлим ҳукми ва энг даҳшатли жазо, Бухородаги Минораи Калондан ташлаб юбориш ман этилган. Амир Абдулахад даврида амирликда мис, темир, олтин қазиб чиқариш, телефон линиялари ва темир йўллари қурилиши, савдо фаол ривожлантирилади.

Абдулахад амирликдаги ҳарбий кучларга алоҳида эътибор берган. Ёшлик чоғидаёқ бўлажак амир ўз гарнизонида ҳарбий машқлар ўтказиб, Кармана қалъасини яхши ҳарбий ҳолатда тутган. 1895 йилдан бошлаб Бухоро амирлигида милиция хизмати йўлга қўйилган. Кейинчалик ҳам амир Абдулахад ўз қўшинини ҳарбий тайёргарлигини ошириш ва замонавий қуроллантириш учун кўпгина ишларни амалга оширган.

Амир Музаффар 1910 йил 22 декабрда буйрак касалидан вафот этгач 1911 йил январда унинг иккинчи ўғли Саййид Мир Олим тахтга ўтиради. Олимхон 1893-1896 йилларда Петербургда таълим олган. Ундан сўнг аввал Насаф вилоятига, кейин эса Карманага ҳокимлик қилган. 1911-1920 йиллар Бухоро тахтини бошқарган амир Олимхон Бухорода совет ҳукумати ўрнатилгач Афғонистонга чиқиб кетди ва 1944 йил Қобулда вафот этди.

Амирликнинг ҳудуди, маъмурий тузилиши ва аҳолиси. Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро амирлиги алоҳида мавқеига эга бўлган, катта ҳудудларни эгаллаган давлат эди. Манбаларга кўра, XVIII асрнинг ўрталарига келиб Бухоро амирлиги ҳудудларида бирмунча ўзгаришлар содир бўлади. Бу даврда Бухоро ҳукмдорлари ўз тасарруфларида Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги Вобкент, Ғиждувон, Қоракўл, Вағоза туманлари, Қашқадарё ва Миёнқол воҳаларини сақлаб қололган эдилар. Хўжанд, Тошкент, Ҳисор вақти-вақти билан эса Ғузор, Шаҳрисабз, Нурота, шунингдек Амударёнинг ўнг соҳилидаги Балх, Андхай, Маймана, Бадахшон ва Шибирғонлар ҳам Бухорога вассал бўлишига қарамай унга итоат этмай қўйганлар. Сиёсий парокандаликнинг асосий сабаби – сўнгги аштархонийлар давридаги ўзаро қуршалар, марказдан қочувчи кучлар мавқеининг ўсиши эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни манғитлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгач, Бухоро амирлиги яна аста-секин мустақамлана бошлайди. Шу асрнинг 70-80 йилларига келиб Бухоро амирлигининг марказий ҳудудини Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини ўз ичига олган Зарафшон воҳаси ташкил қилар эди. XIX асрнинг бошларига келиб Бухоро амирлиги ҳудудига Зарафшон ҳамда Қашқадарё воҳаларидан ташқари Сурхон воҳаси, Ҳисор, Хўжанд, Ўратепа, Панжикент каби аҳоли зич жойлашган туманлар, Жанубий Туркманистоннинг катта қисми, жумладан Чоржўйдан то Мурғоб дарёсигача бўлган ҳудудлар кирар эди. Бу даврда Бухоро амирлиги ҳудудларининг кенгайишига асосий сабаб – манғитлар сулоласининг марказлашган давлат барпо этишга интилиши эди. XIX аср бошларида Бухоро амирлиги бир томондан Эрон ва Афғонистон, иккинчи томондан Хива хонлиги, учинчи томондан қозоқ жузлари ва тўртинчи томондан Қўқон хонлиги ҳудудлари билан чегарадош эди.



Бухоронинг сўнгги амири Саййид Амир Олимхоннинг 1927 йил маълумотларига кўра, XX аср бошига келиб “Бухоро мамлакати Амударёнинг шарқий соҳилларидан, яъни, Россия Помиридан то Хиванинг кенг давлатларигача чўзилиб боради. Бухоро шимол тарафдан Қизилқум саҳроси билан, ғарб тарафдан Сирдарё ҳамда Хўқанд хонлиги билан, жанубда эса Афғонистон, Шарқда туркман ўлкаси ҳамда Хива дашти билан чегарадош ”

XIX асрнинг 50-йилларида Бухоро амирлиги бир неча **вилоятлардан** ташкил топган бўлиб, улардан Бухоро ва Самарқанд ўз навбатида туманларга бўлинган эди. Вилоят ҳукумдорлари **ҳоким** деб аталган. Кейинчалик вилоят ўрнига **бекликлар** пайдо бўлгач уларнинг ҳукумдорлари **бек** деб аталган. Янги маълумотларга кўра, бу даврда Бухоро амирлигида 44 та беклик мавжуд бўлган.


Мирзо Бади Девоннинг “Мажмаъ ул-арқом” асаридаги маълумотларга кўра, амирлик қуйидаги маъмурий-худудий бўлақларга: 100 минг танобдан иборат суғориладиган ер **туманга**, 50 минг танобдан иборат суғориладиган ер **хазорага**, 25 минг таноб суғориладиган ер **нимхазорага**, 10-15 минг таноб суғориладиган ер **обхўрига**, 400 таноб суғориладиган ер **қарияга**, 300 таноб суғориладиган ер **маъразага (экинзор)** бўлинган. Бундай тартибда бўлиниш бўйича хирож, закот ва бошқа турдаги солиқларни йиғиш ва олиш қулай бўлган.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, маҳаллий маъмурият намоёндалари **мавзени** қишлоқ ва масжидлардан каттароқ худудий бўлинма деб таърифланганлар. Мисол учун, Карки вилояти **мавзеларга** бўлинса ҳам улар ўз навбатида **бекчаларга** бўлинган, бекча **қишлоқлардан** иборат бўлган. Помир вилоятларидаги Рўшон ва Шуғнон маъмурий туманлари **оқсоқоллик** дейилган. Аҳоли яшайдиган пунктлар манбаларда учта атама- **қишлоқ, мавзе, даҳа** номлари орқали қайд этилган.

Маълумотларга кўра, Бухоро амирлиги аҳолиси XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тез кўпая бошлайди. XIX асрнинг бошларига келиб амирлик аҳолиси тахминан 2 млн.дан ошиқ, 50-йилларига келиб тахминан 2,5млндан ортиқ кишини ташкил этган. Бухоро шаҳрида тахминан 60 мингдан зиёдроқ, Самарқанда шаҳрида эса тахминан 50 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилган.

Амирлик аҳолисининг катта қисмини ўзбеклар ташкил қилган бўлиб, жуда кўплаб ўзбек уруғлари вакиллари амирликнинг деярли барча худудларида яшаганлар. Аҳоли таркибидаги тожиклар Самарқанд, Бухоро, Нурота, Ургут, Китоб каби шаҳарларда, тоғли туманларда, жумладан, Панжикент, Вахш, Ҳисор, Қоратегин, Кўлоб, Шаҳрисабз, Қобадийён, Яккабоғ бекликларида, Зарафшоннинг юқори қисмида истиқомат қилганлар.

Туркманлар ҳам Бухоро амирлиги аҳолисининг сон жихатдан катта қисмини ташкил этганлар. Улар амирликка қарашли бўлган Амударёнинг икки қирғоғида жойлашган ерларда, яъни, амирликнинг жанубий ва ғарбий худудларида истиқомат қилишган. Бухоро амирлиги худудида аҳолининг кичик қисмини араблар ташил этган бўлиб, улар асоан Қарши ва Шеробод бекликларида яшаганлар.



Бухоро амирлиги аҳолисининг ҳудудий жойлашуви¹

Ҳудудлар (водий ва воҳалар)	Истиқомат қилувчи аҳоли сони (тахминан)	Ҳоиз ҳисобида
Зарафшон воҳасида	700.000	31.8
Қашқадарё воҳасида	500.000	22.2
Қизилқум ва Яқсув бўйидаги воҳаларда	225.000	12.0
Амударё бўйидаги воҳаларда (Сурхоннинг куйилишидан то Чоржўйгача)	300.000	14.0
Қолган ҳудудларда	430.000	20.0
Бутун амирлик бўйича	2.155.000	100.0

Бухоро амирлиги аҳолисининг яшаш тарзи бўйича тақсимои

Аҳолининг яшаш тарзи	Аҳоли сони	Ҳоизда
Ўтрок аҳоли	1.399.606	65.0
Ярим кўчманчи аҳоли	322.986	15.0
Кўчманчи аҳоли	430.648	20.0
Жами	2.153.240	100.0


Бухоро амирлиги аҳолисининг хўжалик юритиш бўйича тақсимои

Аҳолининг хўжалик юритиш тарзи	Аҳоли сони	Ҳоизда
Дехқончилик ва чорвачилик	1.830.254	85.0
Ҳунармандчилик ва савдо	215.324	10.0
Доимий хўжалик иш юритишга эга бўлмаганлар	107.662	5.0
Жами	2.153.240	100.0

Бухоро амирлиги аҳолисининг этник таркиби

Этник гуруҳлар	Жами аҳолига нисбатан ҳоиз ҳисобида	Аҳоли сони
Туркий халқлар	85.0	1.830.254
Эроний халқлар	12.0	258.389
Бошқа элатлар	3.0	64.597
Жами	100.0	2.153.240

¹ Холиқова Р.Э. XIXаср иккинчи ярми-XX аср бошларида Россия-Бухоро муносабатлари. тарих фан. докт. дисс. Тошкент. 2006. 67-70 бб.



Шунингдек амирлик ҳудудида ҳиндлар, эронийлар, яҳудийлар, лўлилар, афғонлар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва қалмиқлар ҳам истиқомат қилганлар. Бухоро амирлигида истиқомат қилган номаҳаллий халқлар, жумладан ҳиндлар ва яҳудийлар ижтимоий қатлам сифатида тўла ҳуқуқга эга эмас эдилар ва улар алоҳида мавзеларда яшаганлар. Амирликда ўтроқ аҳолидан ташқари тоғ олди ва дашт ҳудудларда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ҳам яшаган.


Давлат бошқаруви тизими. Бухоро амирлигида XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб манғитлар сулоласининг вакиллари ҳукмронлик қиладилар. Сулола ҳукмронлигининг асосчиси Раҳимбий ибн Ҳакимбий бироз муддат (1747 йилдан кейин) Абдулфайзхоннинг ўғилларига оталиқ бўлган бўлиб, 1756 йилда сайидлар, хўжалар ва рухонийлар томонидан Бухоро тахтига ўтказилади. Раҳимбий хон унвонини олмасдан ўзини “**ноиб ул-ҳукумат**” (“**ҳоким ўринбосари**”) деб билган. Дониёлбий оталиқ ҳам хонликка даъво қилмай аввал Фозилтўрани, кейин эса Абдулғозийни (1758-1784 йй.) хон деб эълон қилиб, ўзи уларга ноиб ҳисобланган. Шохмурод 1785 йилда Бухорода “**амир**” унвони билан тахтга ўтиради.

Бухоро амирлигининг сиёсий тизими, идора этиш тартиб-қоидалари, давлат рамзлари, унвон ва мансаблар ҳақида кўпгина олимлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. Ушбу тадқиқотларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, манғитлар ҳукмронлиги даврида давлат тизмида жиддий ўзгаришлар амалга оширилмаган. Бу даврда олий ҳукумдор гарчи амир унвони билан ҳокимиятни бошқарган бўлса-да, Бухоро амирлиги ҳам ўз тизими, қонун-қоидалари, бошқарув тартиблари ва бутун моҳияти билан, ўрта асрлар Мовароуннаҳрдаги мусулмон давлатлари, хусусан, шайбонийлар ва аштархонийлар давлат тизмидан деярли фарқ қилмаган.

Бухоро амири Саййид Олимхон ўзининг “Бухоро халқининг ҳасрати тарихи” асарида Бухоро амирлигининг сиёсий ва идоравий ташкилотлари ҳамда давлат бошқаруви ҳақида маълумотлар бериб, жумладан қуйидагиларни ёзади: “Бухоро амирлари ҳукм юритишларида – шариат усул ва одатларига риоя қилар эдилар. Бухоронинг ислом уламолари амирни пайғамбар халифаси-ўринбосари, усул ва шариат ҳимоячиси деб билар эди. Амирнинг тирикчилиги бутунлай шариатга мос бўларди, уни бузиш мумкин эмас эди. Бухоро хонлари бутунлай манғитларнинг ўзбек тоифасидан бўлган. Бухоро подшоҳларини ўзбек одатларига кўра, тўшакча устига табарруқона ўтказиб, саййидлар, хўжалар ва муллолар уни ердан кўтардилар.

Бухоро мамлакати 28 та вилоят (боғот)га бўлинар эди. Энг катта вилоятларга амирнинг ўзи ҳокимларни тайинлар эди. Бу вилоятларга Нурота, Қорақўл, Бойсун, Ҳисор, Дехнов, Қўрғон, Болжувон, Кўлоб, Қубодиён, Дарвоз, Рўшон, Самарқанд, Миёнқол, Фароб, Урметон ва Масчоҳлар кирар эди. Валиаҳдга қарашли мулк Қарши ҳисобланар эди.”

Бухоро амирлигида давлат мутлақ қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга эга бўлган амир томонидан бошқарилар эди. Давлат аҳмиятига молик бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, диний ва бошқа масалалар Бухородаги бош қароргоҳ – Арқда кўриб чиқилган ҳамда ҳал этилган. Бош



қароргоҳ ҳисобланган Арқда амир ва унинг оиласидан ташқари қўшбаси, шиғовул, тўпчибоши, мирзабоши каби сарой амалдорлари ўз оилалари ва хизматкорлари билан яшаган.

Заруратга қараб мамлакат пойтахтида амир бошчилигида **Давлат Кенгаши** чақирилиб турилган. Анъанага кўра, лавозимларига қараб 5 тадан 20 тагача амалдорлар аъзо бўлган ушбу кенгашда мамлакат ҳаётига доир энг муҳим масалалар кўриб чиқилган.


Илгариги даврларда бўлагани каби манғитлар даврида ҳам давлат бошқаруви тизими икки бўғин – **марказий** ва **махаллий бошқарув** тизимидан иборат бўлган. Бу тизимлар мусулмон давлатларига хос бўлган мураккаб бошқарув тармоқларига эга бўлган ҳамда асосан амир, сарой амалдорлари, ўзбек уруғлари ва қабила бошлиқлари, уламолар, ҳарбий бошлиқлардан ташкил топган. Амирликдаги марказий ҳокимият амир бошчилигидаги сарой аъёнлари қўлида бўлса, маҳаллий бошқарув вилоят ноиблари қўлида эди. Вилоят беклари амир томонидан асосан манғит уруғи вакиллари билан тайинланган.

Амирликнинг пойтахти Бухоро ва унинг атрофидаги туманлар амир томонидан бошқарилган. Вилоят беклари нисбатан кичик ҳудудий бўлинмалар амлок мулклар ҳисобланиб, уларнинг бошқарувчилари **амалдор** деб аталган. Амирликнинг маъмурий тузилишидаги энг қуйи бўғин қишлоқ жамоалари бўлиб, уларни оқсоқоллар бошқарган. Хуллас, Бухоро амирлиги рус истилосига қадар ҳозирги Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларининг катта қисмини ўз ичига олган Ўрта Осиёдаги йирик давлат эди.

Мансаблар, унвонлар ва амаллар. Аввало, таъкидлаш лозимки, манбалар ва адабиётларда Бухоро амирлигида мавжуд бўлган унвон, мансаб ҳамда амалларга оид маълумотлар жуда чалкаш, кўп ҳолларда бир-бирини инкор этади. Сўнгги йилларда Ш.Воҳидов ва Р. Холиқовалар ўз тадқиқотларида ушбу масалаларга аниқлик киритишга ҳаракат қилганлар. Қуйида уларнинг тадқиқотларига асосланиб амирликдаги мансаблар ва унвонлар ҳақида сўз юритамиз.

Бухоро амирлигидаги энг юқори унвон ва мансаблар, аввало манғит уруғи вакиллари, сайидларга, хўжаларга ҳамда уламоларга берилган бўлиб, давлатдаги энг юқори унвон **амир ул-умаро, оталиқ, ҳоким(валий, бек), қўшбеги ва девонбегилар** бўлган. Давлат амир, амир ул-умаро томонидан бошқарилиб, у амалда ва расман чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган. Олтин Ўрда давлатида жорий этилган **оталиқ** унвони манғитлар даврига келиб оталиққа олинган шахснинг маслаҳатчиси ва ишончли вакили, ҳарбий ва маъмурий ишларда асосий вакилига айланди. Амир Шохмурод даврида оталиқнинг ваколатлари чекланиб, унга Зарафшон дарёси сувининг тасимотини назорат қилиш, Бухоро канали(руд-и шахр) ва доруғалик вазифаси юкланади.

Будаврда **қўшбеги** ёки **қўшбегийи боло** энг олий сарой мансаби ҳисобланиб унинг мавқеи жуда баланд бўлган. Амалда бош вазир вазифасини



бажарган бу мансаб эгаси иқтисодий,сиёсий ва ҳарбий масалалар бўйи амирнинг энг яқин одами бўлган. Саройдаги олий мансаблардан яна бири **девонбеги** бўлиб,бу мансабдор вазир ваколатларига эга бўлган. Девонбеги молия ишлари, даромад ва харажатлар ҳамда солиқ йиғиш устидан тўла назорат қилиш ишларига жавоб берган.


Амирликдаги марказий давлат бошқарувида Бухоро шаҳри алоҳида ўрин эгаллаган. Жумладан, Бухоро шаҳри ҳокими амирнинг биринчи вазири ва бошқа вилоятлар бошқарувчиси ҳисобланган. Шаҳардаги жамоат тартибини сақлаш **миршаб**ларга топширилган бўлиб, улар шаҳар **миршаббошисига** бўйсунган. Бухоро шаҳри миршаббошисига бошқа барча шаҳарлар миршаббошилари бўйсунган. Манғитлар даврида Бухорода **қўшбеги, қозикалон, бош раис ва миршаббоши** биргаликда “**чор ҳоким**”, яъни, “**тўрт ҳоким**” деб юритилган.

Амирликнинг бошқарув тизимида **бош раис** алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ушбу амал ярим диний, ярим тарғиботчи усулида эди. Амирликда бош раис одатда **эшон раис** ёки **раис-уш шарият** деб аталган бўлиб унга барча маҳаллий раислар бўйсунган. Бош раис уларни вақти-вақти билан амир олдида текширувдан ўтказиб турган. Эшон раис қозикалондан кейин турадиган амалдор бўлиб, унинг маҳкамасига вақтинча ўринбосарлик қилувчи халифа, ноиб, мулозимлар, мирзалар, мироҳўрбоши, терговчи, шаҳар мироби кабилар кирган.

Амир саройида ижро ҳокимиятини амалга оширувчи лавозимлар қаторига шаҳар хавфсизлигига жавобгар бўлган миршаб ва унинг қўл остидагилар, сув таъминотига жавобгар бўлган **мироб** ва унинг қўл остида ишлайдиганлар кирган. Миршаб қўл остида **ясовулбоши, девонбеги, маҳрамбоши, мирзалар, даҳбоши,шабгард(кечки қоровул), фаррошбоши** кабилар бўлган. Мироб тасарруфида эса маҳрам,мирзалар, баковуллар, мироҳўрлар, сув тармоқлари назоратчилари,маҳалла, мавзе ва қишлоқ оқсоқоллари фаолият юритганлар.

Амирнинг иккинчи вазири **қўшбеги поён**, баъзи манбаларда **мир поён** деб аталган бўлиб, унга ясовулбоши, мироҳўрбоши, хазиначи, мирзалар,баковулбоши, закотчилар бўйсунган. Мири поён уларни бевосита ўз назоратига олиб турган.

Бухоро амири ҳузурида юқори лавозимдаги мансабдорлар билан бирга қўйи амалдаги мансабдорлар ҳам мавжуд бўлган. Амир фармонларини етказувчи **парвоначи**, амирга доимо ҳамроҳ бўлиб юрувчи **ҳидоячи**, амир маслаҳатчиси ва хорижий меҳмонларни кўтиб олувчи **шиғовул**, амир осойишталиги ва тинчлигини муҳофаза қилувчи **тонготар(тунқатор)**, амирга қаратилган салом ва таъзимларни қабул қилувчи жавобгар **салом оғаси**, амир дастурхонига жавобгар **дастурхончи**, амир сафари чоғида номозга чорловчи **имоми жилов**, амир сафари чоғида қонун билан шуғулланувчи **муфти жилов**, амир маслаҳатчилари гуруҳи **жамъога** кабилар шулар жумласидан. Амирга бўлган садоқати ва хизмати учун алоҳида шахслар **додҳоҳ,иноқ, тўқсабо,оталиқ, эшикоғаси** каби унвонларга эга бўлганлар.



XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида амирликда энг олий диний мансаб **шайхулислам** ҳисобланган. Аммо,бу даврда унинг вазифалари анча торайган эди. XIX аср ўрталаридан бошлаб шайхулислам ўрнини **қозикалон** эгаллайди. Юқорида эслатилган амир ҳузуридаги кенгашда дин вакилларида қозикалон, шайхулислам, нақиб ва раис қатнашган.

Амир Музаффар давридан бошлаб амирликдаги барча ҳуқуқий нормалар қозилар томонидан ҳал қилинган. Барча фуқаролик,хўжалик ва жиноий ишлар Қуръон асосида кўриб чиқилган ҳамда жазолар тайинланган. Қозилар амир иродасига кўра қозикалон томонидан тайинланган. Шариат бўйича бошқарув қозилар кўлида бўлган. Қозикалон амирлик пойтахтининг бош қозиси бўлиши билан бирга, давлатдаги бошқа қозилар бошлиғи ҳисобланган.

Амирликда расман учта диний унвон – **ўроқ, судур ва садр** мавжуд бўлган. Манбаларга кўра, мадрасани тугутган шахс **мулла, қози, раис** амалларини эгаллаши мумкин бўлган. Юқоридаги амалларда бир неча йил ишлаганидан сўнг шариат ҳуқуқлари соҳасида тўплаган билим ва тажрибалари асосида бундай шахсларга дастлаб ўроқ, кейин судур ва сўнгра садр унвонлари берилган. Энг охириги диний унвони бўлган шахслар **қозикалон, муфтий, аълам, охун** каби диний амалларни эгаллаши мумкин бўлган.


Амирликда ҳарбийлар томонидан содир этилган жиноятлар ва уларнинг шикоятларини шу масалалар билан шуғулланувчи махсус амалдор-қози **аскар** кўриб чиққан. Ҳарбий жиноятлар бўйича фатво тайёрлаш **муфтий аскар** зиммасида бўлган. Демак, амирликдаги ҳарбийлар ва фуқаролик ишлари алоҳида-алоҳида маҳкамалар томонидан кўриб чиқилган.

Амир Насрулло даврида амирликда мунтазам қўшин – сарбозлар қўшини ташкил этилган. Энг юқори ҳарбий унвонлар **саркарда, амири лашкар, додхоҳ(қўшин бошлиғи)** кабилар бўлиб, **қўронбеги, тўксабо, мингбоши** каби олий тоифали ҳарбий амалдорлар ҳам фаолият юритган. Бекликлар ҳудудидаги қўшинга бекларнинг ўзлари раҳбарлик қилганлар. Бекнинг энг яқин ёрдамчилари **ясовулбоши** бошчилигидаги ясовуллар бўлган. Қўшинда **понсадбоши, юзбоши, элликбоши, ўнбоши, мирохўр** каби бўлинма бошлиқлари ҳам бўлган. Минг боши байроқ(туғ) кўтариб юриш ҳуқуқига эга эди.

Ер эгалиги муносабатлари. Дехқончилик ва чорвачилик. Ўрта Осиёнинг барча ҳудудларида бўлган каби Бухоро амирлигида ҳам аграр муносабатлар, яъни, ерга эгалик муносабатлари иқтисодий ҳаётнинг асосини ташкил этган. Манбаларга кўра амирликда ер эгалигининг қуйидаги тўртта тури: давлатга тегишли **ерлар(мулки султоний); хусусий ерлар(мулк); диний муассасалар ихтиёридаги ерлар (вақф) ва қишлоқ жамоаларига тегишли ерлар** мавжуд бўлган, Архив манбаларида амлок ерлар, амлоки султоний, подшоҳ ерлари каби атамалар билан аталаган давлат ерлари билан бир қаторда **мулки хирожий**, хирож ерлари атамаси ҳам тилга олинади.



Бухоро амирлигидаги унвон ва мансаблар¹



Амир энг катта ер эгаси ҳисобланган. Давлат ерларини расман сотиш, ҳадя этиш ҳамда вақфга бериш тақиқланган бўлса-да, бунга доимо ҳам

¹ Сағдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи..., 213.б. Қисман ўзгартириш киритилди.



амал қилинмаган. Давлат ерлари бўш ётган ерлар (қамишзорлар, тошқин тўқайзор, тоғолди)ни ўзлаштириш ҳисобига кўпайтириб турилган. Бундай ерларни ўзлаштирган шахслар бир неча йил солиқлардан озод этилиб, кейин белгиланган тартибда солиқ тўлаганлар.

Ундан ташқари давлат(амлок) ерлари ҳуқумдор олидида катта гуноҳ қилган йирик ер эгаларидан мусодара қилинган ерлар ҳисобига ҳамда меросхўри бўлмасдан вафот этган шахсларнинг ерлари давлат ихтиёрига ўтиши ҳисобидан ҳам кўпайган. Айрим манбаларга кўра, давлат ерларидан доимий мавжуд бўлган ер солиғи- **хирож** олинган бўлса, бошқа манбаларда давлат ерларидан ҳосилнинг катта қисми, яъни 40-50 фоизи олинганлиги қайд этилади.

Амирликда мавжуд бўлган яна бир ер эгаллиги шакли **мулк(хусусий)** ерлар бўлиб, бу ер эгаллиги шакли қўзғалмас мулк ҳисобланган ҳамда ҳеч қандай чекланишларсиз мерос қилиб қолдириш мумкин бўлган. Мулк ерларидан олинадиган солиқлар ҳақида тадқиқотчиларнинг турли фикрлари мавжуд. Янги тадқиқотлар (Р.Холиқова) таҳлили шуни кўрсатадики, мулки хурр ёки мулки холис айрим йирик ер эгаларига тегишли бўлган ер эгаллиги шакли ҳисобланган. Мулки хурр эгаси доимо амалдаги ҳуқумдор томонидан берилган ёрликқа эга бўлиши шарт бўлган ва айнан шу ёрлик туфайли у ер солиғидан озод қилинган.

Амирликда деҳқон аҳли фойдаланаётган ерларга нисбатан **мулки хирож** атамаси ишлатилган. Бундай ерларга эга бўлган ер эгалари ўз ерларини эркин сотиш, мерос қолдириш ва ҳадя қилиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Бундай ерлардан расман ҳосилнинг учдан бири миқдоридан солиқ белгиланган бўлсада, амирликнинг ҳар бири ҳудудида ўрнатилган ва белгиланган тартиб ҳамда урф-одатларга кўра, солиқ миқдори ҳосилнинг учдан биридан то бешдан биригача бўлган.

Аъанага кўра, **вақф ерлари** асосан диний муассасалар – мачитлар, мазорлар, хонақо, мадрасаларга ер майдонларини мерос қолдириш ҳамда хайр-эҳсон қилиш натижасида вужудга келган бўлиб, у ер эгаллигининг алоҳида шаклини ташкил этган. Ушбу ерлардан тушган фойда **мутавалли** ихтиёрига келиб тушган. Мутавалли асосан вақф эгалари авлодларидан тайинланган бўлиб, у вақф ҳужжатларига асосланиб фойдани тақсимлаб чиққан. Амирликда вақф ерларини сотиш, бундай ерлардан солиқ олиш тақиқланган бўлсада, манбалар ва ҳужжатлар бунга амал қилинмаганлигини кўрсатади.

Амир Насрулло даврдан бошлаб ер эгаллигининг **танҳо** шакли тарқалади. Насрулло ўзига бўйсунмаган амалдорлар ва уруғ оқсоқолларининг ерларини мусодара қилиб, бундай ерларни вақтинча эгалик қилиш ҳуқуқи билан ўз тарафдорларига ҳадя(танҳо) қилган. Амир Музаффар даврдан бошлаб танҳо тоғли ҳудудларга ҳам ёйилади. Танҳо турли ҳажмда(бир неча танобдан бир неча юз танбогача) берилган бўлиб, танҳонинг берилиш миқдори энг аввало, ернинг суғорилиши, ернинг унумдорлиги, қолаверса, амалдорнинг эгаллаган мавқеи ва таъсирига ҳам боғлиқ бўлган.



Дехқончилик ва чорвачилик Бухоро амирлиги иқтисодининг асос тармоқлари ҳисобланган. Аҳолининг саксон беш фоизи дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлиги ҳам фикримиз далилидир. Амирликда XVIII асрнинг охирларидан бошланган иқтисодий юксалиш, аввало дехқончиликнинг тикланиши билан изоҳланади. Анъанага кўра, суғориладиган ҳамда лалмикор ерларда дехқончилик соҳасида буғдой, арпа, жўхори, полиз ва сабзавот экинлари етиштиришга катта эътибор қаратилган. узумчилик ва боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Манбаларга кўра, амирликда узумнинг 10 дан ортиқ навлари етиштирилган.

Амирликда шоликорлик ҳам яхши тараққий этган. Нисбатан сифатли шולי Шаҳрисабз, Каттакўрғон ва Ҳисор воҳаларида етиштирилган. Шаҳрисабз ва Ҳисор шоликорлари амирликнинг пойтахти Бухорони доимий равишда сифатли гуруч билан таъминлаб турганлар.


Амирликда XIX асрнинг бошидан бошлаб Россияга кўп миқдорда пахта сотилиши натижасида пахтачиликка эътибор кучайтирилган. Рус манбаларига кўра, Бухоро амирлигининг “Қашқадарё воҳаси, Сурхондарё воҳасида, Яккабоғ, Китоб, Чироқчи, Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Термиз, Шеробод, Ҳисор туманларида пахта катта миқдорда етиштирилади. Ўрта Осиё хонликлари ичида Бухоро пахтаси алоҳида диққатга сазовор бўлиб, у анча қиммат туради”.

Шариатда чекиш таъқиқланганлигига қарамасдан, Қарши ва Миёнқол воҳаларида тамаки етиштириш ривожланган. Қарши тамакиси энг сифатли тамаки ҳисобланган. Ундан ташқари амирликда ипакчиликнинг ривожланишига ҳам катта эътибор қаратилган. Бухоро воҳаси, Зарафшон водийси, Карамана, Шаҳрисабз, Китоб, Миёнқол, умуман, сув кўп бўлган барча ҳудудларда тут дарахтлари ниҳоятда кўп ўстирилган. Бухорода ва бошқа йирик шаҳарларда тоза ипак ва ярим ипакдан турли хил матолар тайёрланган.

Амирликдаги дехқончилик ва боғдорчилик оддий ва анъанавий ҳолатда бўлган. Ерлар от, хўкиз кам ҳолларда туяларга омоч кўшилиб ҳайдалган ҳамда мола, кетмон ва бел орқали ишлов берилган.

Амирликда мавжуд бўлган чўл ва дашт ҳудудлари, тоғ ва тоғ олди адирлари маҳсулдор чорвачилик учун қулай имкониятлар яратган. Амирликнинг чўл ҳудудларида, жумладан Бухоро ва Қарши ҳудудларида қоракўл тери етиштиришга ихтисослашган кўйчилик тараққий этган. Бунга асосий сабаб, ташқи бозорда (айниқса Россия бозорида) қоракўл терисига, ундан ишланган маҳсулотларга талаб ниҳоятда катта эди. Чорвачиликнинг етакчи тармоғи сифатида йилқичилик нафақат дашт ҳудудларда, балки воҳаларда ҳам ривожланган. Шаҳрисабзнинг қорабайир ва Қаршининг араби отлари ўз чидамлилиги, тезлиги ва кучи билан бутун амирлик ва ундан ташқарида ҳам машҳур бўлган.

Чорвачиликда туячиликка ҳам алоҳида эътибор берилган. Оғир ва олис йўллар ҳамда сувсизликка чидамли бўлган оғир юк кўтарувчи туялардан карвон савдосида, тегирмонларда, ёғ чиқаришда кам ҳолларда ер ҳайдашда




фойдаланилган. Шунингдек туянинг сути ва жуни кадрланган. Амирлик чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг ички ва ташқи бозорга туёқли моллар, сифатли тери, жун ва бошқа турли маҳсулотлар(шол,наMAT,арқон ва бошқ) ҳамда озик-овқат (гўшт ва сут маҳсулотлари) етказиб беришдаги аҳамияти ниҳоятда катта эди.

Хунармандчилик ва савдо-сотиқ. Бухоро амирлигида асосий хунармандчилик марказлари сифатида шаҳарлар катта аҳамиятга эга бўлган бўлса-да,кўпгина йирик қишлоқларда ҳам хунармандчиликнинг кундалик эҳтиёж учун зарур соҳалари ривожланган эди. Бутун ўрта асрларда мавжуд бўлганидек,амирлик даврида ҳам хунармандлар уюшмалари (касаба, цехга эга бўлганлар).Унинг ташкил топиши маҳсулот ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатишга,маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқини сақлаш ва рақобатбардошликка интилиш билан боғлиқ эди. Амирликдаги хунармандчиликнинг барча соҳаларида бундай уюшмалар мавжуд бўлиб,уни сайлаб қўйиладиган шахс-раис ёки оқсоқол бошқарган. Хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар нархини белгилашда, турли солиқ ва тўловлар йиғимида, уста ва шогирд муносабатларида, хўжалик ишларини юритишда уюшма раисининг хизмати катта бўлган.

Илгариги даврларда бўлганидек, амирликнинг хунармандчилиги соҳасида **тўқимачилик** унинг асосий тармоғи ҳисобланган. Ушбу тармоқнинг ривожланишига асосий сабаб, биринчидан соҳа учун маҳаллий хом ашё манбалари – пахта, жун, ипак етарли даражада бўлган бўлса, иккинчидан, ички ва ташқи бозорда, кундалик ҳаётда тўқимачилик маҳсулотларига талаб катта эди. Амирликда айниқса бўз, чит,олача кўп миқдорда тайёрланган. Қарши, Ҳиссор, Балжувон, Дехнов, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва уларнинг атрофларида ипак матолар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бошқа шаҳар ва қишлоқларда ҳам ип йиғириш, мато тўқиш, тайёр кийим тикиш, гилам тўқиш ва бошқа тўқимачилик соҳалари анча ривожланган. Манбалар маълумотларига кўра, Бухоронинг зарбоф тўнлари, Шаҳрисабзнинг ироқи дўппилари,Термизнинг харир матолари, Самарқанд ва Бойсун хунармандларининг ипак матолари амирликдан ташқарида ҳам жуда машҳур бўлган

Амирлик хунармандчилигидаги муҳим тармоқлардан яна бири бу – **кулолчилик** эди. Хўжалик тарққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган кулолчилик амирликнинг деярли барча ҳудудларида ривожланган эди. Кулолчилик энг таракқий этган марказлар Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисаб, Ургут, Дехнов, Ғиждувон қабилар бўлиб, уларнинг маҳсулотларига ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган. Амирлик кулолчилигида Ўрта Осиёнинг кўпгина кулолчилик мактабларига хос бўлган манзаралар(турли гуллар ва ўсимликлар тасвири), турли ҳайвонлар,қушлар, ҳашоратлар ёки улар танасининг бир қисмини шартли равишда тасвирлаш кулол усталар томонидан кенг қўлланилган.

Амирлик иқтисодиётининг **металлга ишлов бериш** соҳаси ҳам яхши ривожланган. Шаҳрисабз, Ургут, Нурота, Босун, Шеробод каби тоғли



туманлардан маъданлар казиб олинган бўлиб, улардаги конларда фойдаланиш баъзи танаффуслар билан XX аср бошларига қадар давом этган эди.

Бу даврда амирликдаги металлга ишлов бериш тараққий этган қуйидаги тўртта асосий тармоғи-темирчилик, мисгарлик, чўян қуйиш ва рихтагарликни алоҳида кўрсатиш мумкин. **Темирчилик** соҳасида усталар қишлоқ хўжалигида ва кундалик турмушда ишлатадиган меҳнат қуроллари, ҳарбийлар учун жанговар қуроллар ясаганлар. Амирликнинг кўпгина шаҳарларида Темирчи, Гузари, Чилангарон ками чилнагар-темирчиларнинг махсус маҳалла гузарларининг мавжудлиги ушбу ҳунармандчилик турининг анча тарққий этганлигини кўрсатади. Амирликнинг асосан йирик шаҳарларида **мисгарлик** ҳам ривожланган. Мис хос ашёси асосан Россиядан келтирилган бўлиб ундан чилим идишлари, барқаш, лаган, кўзача, тоғорача каби кўплаб идишлар ясалган ҳамда улар турли нақшлар билан моҳирона безатилган.

Бухоро амирлигининг металлга ишлов бериш саноатида **дегрелик-чўян** қуйишнинг алоҳида ўрни бор эди. Бу соҳа усталари асосан шаҳарлардаги махсус гузарларда яшаганлар. Улар чўяндан қозон, чироқ, манқалдон каби буюмлар ясаганлар. Бронзадан буюмлар яшаш –**рихтагарлик** ҳам амирликнинг кўпгина шаҳарларида тараққий этган эди. Ушбу касб соҳиблари турли буюмлар ва тақинчоқлар ясаганлар.

Ундан ташқари амирликда ҳунармандчиликнинг бошқа кўпгина турлари ҳам ривожланган. Хусуан Бухоро, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги заргар усталар томонидан тайёрланган заргарлик буюмлари, қимматбаҳо тошлар, метал ва турли хил шишалардан ясалган тақинчоқлар амирлик ва ундан ташқари ҳудудларда ҳам машҳур бўлган. **Кўнчилик** ҳам яхши ривожланган тармоқ ҳисобланган. Чармгар усталар томонидан яхши ишлов берилган терилардан турли хил оёқ кийимлари, бош кийимлар, пўстин ва ним пўстин, турли хил мешлар (сут, сув, қимиз ва б. учун) тайёрланган.

Амирликнинг деярли барча ҳудудларида ёғоч ўймакорлиги яхши ривожланган. Шаҳарларда моҳир дурадгорлар кўп бўлган. Амирликнинг шаҳар ва қишлоқларида тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари ички бозор эҳтиёжларини таъинлабгина қолмасдан кўп ҳолларда ташқи бозорга ҳам чиқарилган.

Бухоро амирлиги ҳукумдорлари ва аҳолиси савдо-сотик ишларига катта эътибор қаратишган. Амирликда ҳунармандчилик ва ундаги ишлаб чиқаришнинг тарққий этиши доимий савдо-сотик муносабатларининг янада кенгайишига асос бўлган эди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг кўпгина шаҳарларида карвонсаройлар қурилишига катта эътибор қаратилиб, бу ҳолат савдо муносабатлари ривожини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган эди.

Амирликнинг йирик шаҳарлари – Бухоро, Самарқанд, Термиз, Шаҳрисаб, Қарши, Каттақўрғон, Деҳнов, Нурота ва бошқалар асосий савдо марказлари эди. Манбаларга кўра, XIX аср бошларига келиб йирик карвон йўллари чорраҳасида жойлашган Қарши шаҳрининг аҳамияти ошиб кетади.



Ички бозорларда аввало кундалик эҳтиёж моллари, озиқ-овқат маҳсулотлар, хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар, пахта матолари, жун ва ипак матоларига талаб катта бўлган. Ички савдонинг тараққиётида йирик шаҳарларнинг атрофлардаги қишлоқлар билан иқтисодий муносабатлари ҳамда шаҳарлараро савдо-сотик алоқаларининг ривожланганлиги муҳим ўрин тутган. Чунончи, амирликдаги бозорлар нафақат шаҳарлар, балки уларнинг атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг талабларини қондиришда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Амирликдаги барча шаҳарларда, йирик қишлоқларда ихтисослашган бозорларнинг мавжудлиги ички савдонинг давлат иқтисодиётидаги муҳим аҳамиятидан далолат беради.

Ички савдонинг тараққий этишида амирликда мавжуд бўлган пул муомаласининг ўрни катта эди. Хусусан, манғитлар ҳукмронлиги даврида бу соҳада бирмунча барқарорлик ўрнатилган бўлиб, муомалада асосан уч турдаги – тилло, танга (кумуш) ва пул (мис) мавжуд эди. Шаҳар ҳамда қишлоқлардаги савдо-сотик ва тўловларда асосан танга ва пул ишлатилган.


Бухоро амирлигида қўшни давлатлар ва халқаро савдо алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор берилган. Ташқи савдо алоқаларида Хива ва Қўқон хонлари, қозоқ ва туркман даштлари, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Қашғар ва айниқса Россия билан бўлган савдо муносабатлари айниқса муҳим ўрин тутган эди.

Кўчманчи қозоқлар амирлик бозорларига паласлар, наMATлар, жун, тери, гўшт ва сут маҳсулотлари келтирган бўлсалар, деҳқонлар ва хунармандлар қозоқ даштарини озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавотлар, кундалик эҳтиёж моллари, кийим-кечаклар, пахта матоолари билан таъминлаганлар. Амирликда туркман гиламлари ва отларига талаб катта бўлган. Туркманлар амирлик бозорларидан бошқа маҳсулотлар билан бирга кўпроқ ҳар хил матолар харид қилганлар.

XVIII аср охири- XIX аср бошларидан бошлаб Бухоро амирлигининг ташқи савдо алоқаларида Россиянинг савдо шаҳарлари (асосан Оренбург ва Астрахон) муҳим ўрин тута бошлади. Россияга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари – тери, қорақўл тери, жун, пахта, ипак толалар, турли матолар олиб чиқилган. Россиядан эса турли фабрика маҳсулотлари, чўян, мис, қўрғошин келтирилган.

Бухоро савдогарлари Балх ва Бадахшонга савдо карвонлари билан қатнаб турганлар. Бу ҳудудларга амирликдан қозонлар Бухоро матолари, Россиядан келтирилган игна, ойна, қайчи кабилар олиб келинган ҳамда Бухорога кумуш, олтин олиб қайтилган.

Савдо карвонлари Қобул ва Ҳиндистонга ҳам бориб савдо-сотик ишларини амалга оширган. Ҳиндистондан қимматбаҳо тошлар, дори-дармонлар, хушбўй гиёҳлар, кашмир матолари келтирилган. Ўз навбатида ҳинд савдогарлари Бухоро бозорларидан Россиядан келтирилган маҳсулотлар, маҳаллий матолар, зарбоф тўнлар, қорабайир отларни харид қилганлар. Амирлик савдогарлари Хитой, Шарқий Туркистон билан ҳам савдо-сотик алоқалари олиб борган. Хитой билан савдо алоқалари Қўқон хонлиги орқали олиб борилган бўлиб, Хитойга пахта, қорақўл тери, турли хил



хунармандчилик маҳсулотлари етказиб берилган. Ўз навбатида Хитойда кўплаб ипак матолари ва чинни буюмлар келтирилган.


XIX аср бошларида бошланган ва унинг 40-50 йилларидан бошлаб жиддий равишда кучайган Россия ва Англиянинг Ўрта Осиё, жумладан, Бухорога нисбатан қизиқиши, амирлик иқтисодий ҳаётига уларнинг кириб келиши, ўз навбатида Бухоро амирлигида ишлаб чиқариш муносабатларининг жадал суръатлар билан ўсиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига олиб келди. Маҳаллий хунармандлар, савдогарлар, умуман ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча тармоқ эгалари ишлаб чиқаришга бўлган муносабатларини ўзгартирдилар. Манбалар тили билан айтганда, “Ўрта Осиё хом ашёси ва унинг баъзи бир маҳсулотларига талаб кучая бошлади. Бундан рағбатланган маҳаллий ишлаб чиқариш тармоқлари имкониятлари бориचा ўз жамоаларида ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуришга ҳаракат қилдилар”.

Бунинг натижаси ўлароқ, XIX аср ўрталарига келиб, талабдан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариши туфайли бухорлик савдогарлар ташқи савдо алоқаларини кучайтирдилар. Хусусан, бухоролик савдогарлар Россияга кўпроқ пахта ва ипак газлама маҳсулотларини олиб бориб, Россиядан темир ва мис келтира бошладилар. Хунармандчилик маҳсулотлари кўплаб Ҳиндистон, Эрон ва Хитойга чиқарилиб, бу ҳудудлардан асосан қимматбаҳо металллар келтирилган.

Солиқлар. Бухоро амирлигида энг асосий солиқ бу ердан олинадиган **хирож** солиғи эди. Бу солиқ амлоқдор ва оқсоқоллар иштирокида ҳосил пишиб етилган пайтда ҳосилга қараб белгиланган. Ҳажми эса ҳосилнинг учдан, тўртдан айрим ҳолларда бешдан бир қисми кўринишида бўлган. Деҳқонлар амлоқдор учун ўн ботмон ердан ярим пуд **кафсан** солиғини, доруғалар учун **кафсани доруға** (ҳосилнинг кам ҳажмдаги маълум қисми) ҳам тўлаганлар. Ундан ташқари амир далаларни айланганда, ҳарбий харажатлар пайтида ҳам қўшимча солиқ ва тўловлар олинган.

Қонуний ер солиғидан ташқари ер эгалари ҳар бир таноб боғ ёки томорқадан маҳсус **таноб пули** ва ем-хашак етиштирадиган ерлардан **алаф пули** олинган. Улар умумий номда **танобона** деб ҳам юритилган. Бу солиқлар ерларнинг бозор жойлашган жойга узоқ яқинлигига қараб ҳажм житҳатдан фарқ қилган. Амир Насрулло даврида амирликнинг солиқ тизимига бироз ўзгартиришлар киритилади. Яъни, полиз экинлари экиладиган ерлар учун **қўш пули** жорий этилган. Кейинчалик бу солиқ полиз экинлари экмайдиган бошқа ерларидан ҳам олинадиган бўлган.

Амирликдаги яна муҳим солиқлардан бири – **закот** эди. Закот давлатнинг мол-мулкдан оладиган солиғи бўлиб, мол-мулк нархининг қирқдан бир ҳажмида ундирилган. Бу солиқнинг энг даромадли томони маҳсулотларга солиқ солиш, шунингдек, савдогарларнинг маҳсулот учун олиб келган пулларига солиқ солиш бўлган. Закот маҳсулотлардан бир неча марта ундириб олинган. Чорвачилик туманларида закот маҳсулот кўринишида



(бешта туядан битта куй ёки эчки, қирқта куйдан битта куй ёки эчки кас ундирилган.


Урушлар даврида фавкулудда солиқ – **жул** ундирилган. Ундан ташқари савдо-сотикдан **даллоли**, бошқа вилоятлар ва давлатлардан олиб ўтиладиган маҳсулотлар учун **бож**, дарёдан маҳсулотни қайиқда олиб ўтгани учун **сув пули**, бозордаги савдо жойи учун пули тахтажой, бир жуфт омов тортадиган от ёки хўкиз учун **яксара** (бир ботмон ғалла), омов тортадиган битта от ёки хўкиз учун **нимсара** (ярим ботмон ғалла) каби солиқлар олинган. Янги ариқлар ва каналлар қазилган эскиларини тозалаш учун маҳаллий аҳоли хашарларга жалб этилган. Оммавий жамоат ишларига иштирок этмаганлардан шариатга кўра, **боқипули** деб аталаувчи жарима олинган. Солиқлар, тўловлар ва жарималар пул ва маҳсулот кўринишида, маҳаллий солиқ йиғувчилар ҳамда амир тайинлаган кишилар томонидан йиғиб олинган.

Амирликдаги маданий ҳаёт. XVIII асрнинг охирига келиб амирликда иқтисодий ҳаётнинг бирмунча юксалиши маданий ҳаётга ҳам таъсир этмасдан қолмади. Айниқса, илгариги даврларда шаклланган мактаб ва олий таълим берувчи мадрасалар фаолияти бу даврда анча юксалади. Бошланғич таълим берувчи мактаблар амирликнинг барча йирик қишлоқларида, шаҳарларининг барча маҳаллаларида мавжуд бўлиб, бу мактабларда болаларнинг дастлабки саводи чиқарилган. Мактабларда араб алифбосида савод чиқарилиб, қуръоннинг дастлабки оятлари ёдлатилган. Шариатга оид дастлабки сабоқлар берилган.

Мадрасалар амирликнинг барча шаҳарларида мавжуд эди. Мадрасаларда ўқитиш илгариги даврларда бўлганидек уч боқичда, 1) паст қадам, 2) миёна (ўрта) қадам ва 3) пешқадамда амалга оширилиб, етти йил давом этган. Мадраса ўқитувчилари-мударрислар ва бошқа хизматчилар маошлари, талабалар нафақалари, кутубхона харажатлари, таъмирлаш ишлари ва бошқаларга кетадиган маблағлар вақф ерларидан келадиган фойда ҳисобидан қопланган. Мадрасалар одатда ҳукмдорлар, амалдорлар, нуфузли шахслар, йирик дин пешволари ва савдогарлар томонидан кўп ҳолларда пишиқ ғиштдан икки қаватли қилиб қурилган. Уларнинг биринчи қаватида мачит, қироатхона ва кутубоналар, иккинчи қаватида эса талабалар яшайдиган хужралар жойлаган.

Мадраса талабалари диний билим бўлган Қуръони Карим, фикҳ, шариат асослари, диний-ахлоқий адабиётлар билан бирга тил, адабиёт тарих, фалакиёт, мантик, фалсафа, хандаса (математика) каби дунёвий ва аниқ фанлардан ҳам таълим олганлар. Шунга қарамасдан, бу даврда мадрасаларда диний-ахлоқий таълимга асосий эътибор қаратилиб, дунёвий таълим бериш нисбатан орқада қолган эди.

Бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган меъморчилик ёдгорликлари ҳамда ёзма манбалар амирликда адабиёт, тарих, хаттотлик ва мусиқа санъати, меъморчилик ривожланганлигидан далолат беради. Демак, Амир Ҳайдар саройида мунши (амир котиби) лавозимида хизмат қилган Мирзо Содик Мунший XIX аср бошларидаги адабий муҳитнинг кўзга кўриган



намоёндаларидан бири эди. Ундан мерос қолган шеърӣй Девон - “Девон Содиқ Мунший” ҳамда шеърӣй усулда битилган тарихий асари унинг адабиёт ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатади. Бу даврда амирликнинг турли шаҳарларида яшаб ижод илган кўплаб шоирлар (шоир Ҳозик, шоир Мужрим ва бош.) ижодида халқпарварлик, жабр-зулмга қарши исёнкорлик кайфияти кучли бўлиб, улар кўп ҳолларда ҳукмдорлар ва амалдорлар томонидан қувғинга олинган. XIX аср адабиётида Шавқӣй таҳаллуси билан шеърлар ёзган каттакўрғонлик Муҳаммад Шариф, “Чор дарвиш”, “Мафилоро”, “Тўтинома” каби асарлар муаллифи Мулла Қурбон Хиромӣй ва бошқалар катта роль ўйнаганлар. Шунингдек, бу даврда Аҳмад Дониш, Очили Мурад Мирий Катта Кўрғонийлар ҳам адабиётга хос бўлган асарлар яратганлар.

Бу даврда яратилган тарихий асарларнинг кўпчилиги ҳукмрон манғитлар сулоласи тарихига бағишланган бўлиб, уларда ўрта асрлар тарихнавислигидаги анъаналар давом эттирилгани кузатилади. Амирликда яшаб ўтган илм-фан намоёндаларининг фаолияти кўп қиррали бўлиб, уларнинг аксарияти тарихий асарлар ҳам яратганлар. Хусусан, Мулло Ибодулланинг “Тарихи амир Ҳайдар”, Муҳаммад Шарифнинг “Достони амирони манғит”, Мир Олим Бухорийнинг “Фатҳномаи султонӣй”, Мирзо Абдулазим Сомийнинг “Тарихи салотини манғития”, “Даҳмаи шоҳон”, Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Нақининг “Тоҷу таворих”, Аҳмад Донишнинг “Манғитлар хонадони ҳукумдорлари тарихидан қисқача рисола”, Мирзо Содиқ Муншийнинг “Манғит ҳукмдорлари тарихи” кабилар шулар жумласидандир.

Амирликнинг маданий ҳаётида ҳаттотлик ҳам муҳим ўрин эгаллаган эди. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби шаҳарларда ҳаттотлик матаблари мавжуд эди. Ўз касбининг устаси бўлган моҳир ҳаттотлар давлат ва хўжалик ҳужжатлари тайёрлашда, илмий-бадий асарлар ёзиш ва кўчиришда меъморий иншоотларга турли ёзувлар (Қуръони карим оятлари, ҳадислар, ҳикматлар)ни чиройли нақшлар тарзида битишда машҳур бўлганлар.

Бу даврда амирликнинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Ғузор, Катта кўрғон, Деҳнов каби кўплаб шаҳарларида масжид ва мадрасалар бунёд этилган. Бухородаги Домулло Турсунжон мадрасаси, Худойдод меъморий(масжид,мадраса ва сардоба) мажмуаси,Эрназар элчи мадрасаси, Қаршидаги Али ва Мир Муҳаммад мадрасалари шулар жумласидандир. Ундан ташқари бу даврда шаҳарларда кўплаб ихтисослашган ёпиқ бозорлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, йўллар бўйларида сардобалар бунёд этилган.

Хуллас, Ўзбекситон давлатчилиги тарихида Бухоро амирлиги давлатининг ҳам ўз ўрни ва мавқеи бўлиб, манғитлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда қатор юксалишлар бўлиб ўтди. Аммо, мамлакат иқтисодий жиҳатдан қудратли ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкам эмас эди. Кўп ҳоллардаги иқтисодий танглик, сиёсий беқарорлик, ўзаро низолар XIX асрнинг иккинчи ярмида давлатнинг катта ҳудудларини Россия томонидан босиб олинишига сабаб бўлди. Бухоро амирлари 1920 йилга қадар Россияга вассал ҳолатда тахтни эгаллаб турдилар.



Бухоро амирлигидаги манғитлар сулоласи ҳукмдорлари (1747-1920 йй.)


1. Муҳаммад Раҳимбий – 1747-1758 йй.
2. Дониёлбий – 1758-1785 йй.
3. Амир Шохмурод – 1785-1800 йй.
4. Амир Ҳайдар – 1800-1826 йй.
5. Амир Ҳусай – 1826 й. Икки ярим ой.
6. Амир Умар – 1826 й. Тўрт ой.
7. Амир Насрулло – 1826-1860 йй.
8. Амир Музаффар – 1860-1885 йй.
9. Амир Абдуллаҳад – 1885-1910 йй.
10. Амир Олимхон – 1911-1920 йй.

4-§. Қўқон хонлиги.

Сиёсий тарих. XVIII асрнинг бошларида Фарғона водийсида шаклланган янги давлат – Қўқон хонлигига маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган **минг уруғи** асос солди. Чунончи, XVII асрнинг охири – XVIII аср бошларида аштархонийларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида юз берган тушқунлик, Фарғона водийси иқтисодий мустақиллигининг ўсиши ҳамда 1704 йилда Чодак хўжаларининг исён кўтариб, Фарғонанинг бир қисмини эгаллаши бунга шарт-шароит яратиб берди. Аммо, Фарғонанинг шимоли ва шимоли – ғарбидаги Косон, Ашт, Чодак ҳудудлари хўжалар қўл остида бўлса – да, улар мустақил давлатга асос сола олмадилар.

Маълумотларга кўра, минг уруғининг бошлиғи, тахминан 1669-1670 йилларда туғилган Шохруҳбий ибн Ашур Муҳаммад (1709-1721 йй.) Чодак хўжалари қўлида бўлган сиёсий ҳокимиятни куч билан тортиб олиб, 1709/1710 йилда Фарғона водийсидаги минглар сулоласи ҳукмронлигига асос солди. Аммо, унинг ҳокимияти ҳали аштархонийлардан тўла ёки батамом мустақил эмас эди. Чунки манбаларда Шохруҳбийнинг номи аштархоний Абулфайзхондан сўнг тилга олиниб, Шохруҳбийга Бухоро хони томонидан оталиқ унвони берилгани эслатилади. Бу ҳақда тадқиқотчиларнинг ҳам фикрлари мунозаралидир. Нима бўлганда ҳам, Шохруҳбий Бухоро хонлигидан мустақил равишда (нисбатан бўлса ҳам) сиёсат олиб боришга ҳаракат қилиб, минглар сулоласи тасарруфидаги ерларни кенгайтира бошлади. Шохруҳбий ҳукмронлиги даврида Қўқон, Наманган, Марғилон, Конибодом, Исфара ва уларнинг атрофларидаги қишлоқлар минглар сулоласи қўлида бўлган.

Шохруҳбийнинг ўғли ва вориси Муҳаммад Абдурахимбий (1721-1733 йй.) тахтга ўтирганидан сўнг минглар тасарруфидаги ерлар яна кенгая бошлади. Абдурахимбий 1724 йилда Андижонни, 1725 йилда Хўжандни, 1726 йилда Ўратепани босиб олиб, хонлик ҳудудларига қўшиб олди. У қисқа муддат бўлса-да Бухорога қаршли Самарқанд ва Каттакўрғонни эгаллаб, Шаҳрисабзга ҳам таҳдид солган. Абдурахимбий Қўқон (Хўқанд) қишлоғи



ўрни ва атрофида янги шаҳарга (дастлаб Қалъаи Раҳимбий деб номланган, кейин эса Қўқон) асос солади ва бу шаҳар хонликнинг пойтахтига айланади.


1733-1750 йилларда хукмронлик қилган Муҳаммад Абдулкаримбий ибн Шохрухбий асосий этиборини мудофаа ишларига қаратди. У хонликнинг пойтахти Қўқонда Исфара, Қатағон, Марғилон, Ҳайдарбек номли дарвозалар курдириб, шаҳар атрофини мустаҳкам девор билан ўратиб олди. Шу билан бирга у 1741-1745 йиллардаги қалмоқлар (жунғорлар) нинг Фарғонага қилган хужумларига зарба берди. Абдулкаримбий қалмоқларга қарши курашда кирғиз-қипчоқлар ва Ўратепа ҳокими Фозилбий юз ёрдамига таянди ҳамда хонлик мустақиллигини сақлаб қолди.

Абдулкаримбий 1750 йилда вафот этганидан сўнг хонлик тахтига унинг ўғли Абдурахмон ўтирди. Аммо, у тахтга тўққиз ой ўтириб, сўнг Марғилонга ҳоким этиб жўнатилди ҳамда тахтга Абдурахимбийнинг иккинчи ўғли Эрдонабий ўтирди. 1753 йилда қалмоқларнинг тазйиқи ва талаби билан уларнинг кўлида гаров сифатида ўшалаб турилган Бобобек хонлик тахтига кўтарилди. Лекин, орадан бир йил ҳам ўтмай Ўратепа юриши вақтида Бобобек Бешарикда ўлдирилди ҳамда Эрдонабий (1755-1769 йй.) қайта Қўқон тахтини эгаллади. Хитойлик географларнинг маълумотларига кўра, унинг хукмронлиги даврида, 1759-1760 йилларда Фарғона тўртта мулк: Андижон, Наманган, Марғилон ва Қўқонга бўлинган бўлиб, улар ичида Қўқон етакчилик қилган. Эрдонабайдан сўнг тахтга Шохрухбийнинг учинчи ўғли Шодибекнинг фарзанди Сулаймонбек ўтиради. Унинг тахти эгаллашида уруф оқсоқолларининг кўмаги катта бўлган бўлсада у атиги 6 ой хукмдорлик қилди.

1770 йилда Қўқон тахтига Абдурахмонбийнинг ўғли Норбўтабий (1770-1801 йй.) ўтиради. Норбўтабий Марказий ҳикимиятни мустаҳкамлашда, бўйсунмас ҳокимлар қаршилигини бостиришда нисбатан муваффақият қозонади. У Чуст ва Намангандаги ғалаёнларни бостирганидан сўнг, бу шаҳарларга ўз одамларини ҳоким этиб тайинлайди. Норбўтабий бир қанча уринишлардан сўнг Андижон, Ўш, Хўжанд ва яқин атрофдаги қўшни худудларни босиб олади. У 1799 йилда Тошкентни ҳам босиб олишга ҳаракат қилди, аммо, унинг юборган қўшинлари мағлубиятга учради.

Норбўтабайдан сўнг унинг ўғли Олимхон (1801-1810 йй.) тахтга ўтириб, Қўқон хонлигининг сиёсий қудратини мустаҳкамлаш, мамлакат худудларини кенгайтиришга алоҳида эътибор берди. Натижада Қўқон хонлигининг сиёсий мавқеи ошиб борди. Олимхон даврига келиб Қўқон хонлигидаги давлат бошқаруви олдинги давлатлар бошқарув тизимидан деярли фарқ қилмас эди. Унинг даврида Қўқон давлати кучайиб бориши билан давлатнинг сиёсий мақоми ҳам ўзгаради. Агар Қўқоннинг дастлабки хукмдорлари “бий” ва “бек” унвони билан мамлакатни идора қилган бўлсалар, Олимхон давридан бошлаб (1805 йил) хукмдорлар расман “хон” деб юритила бошланди.

Ўз даврида Олимхон ҳарбий юришлар қилиб ўзига янги вилоятларни, жумладан Оҳангарон воҳаси, Тошкент, Чимкент, Туркистонни бўйсундиришга муваффақ бўлди. Қисқа муддат Ўратепани ҳам эгаллади, Жиззах ва Зоминга юришлар қилди. Ҳарбий ислохотлар ўтказиб,



марказлашган ва кучли давлат тузиш учун ҳаракат қилаётган Олимхоннинг сиёсатидан норози бўлган айрим зодагонлар гуруҳи унга қарши фитна тайёрлай бошладилар. Олимхон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида укаси Рустамбекни, бир нечта саркардаларни, дин пешволарини ўлдиртириб юборади. Манбаларнинг маълумот беришича, бу воқеалардан сўнг кучайиб кетган фитначиларга Олимхоннинг укаси Умарбек бошчилик қилган. Натижада, 1810 йилда Олимхон Тошкентдан Қўқонга қайтаётганда, Олтиқуш мавзесида ўғли Шохруҳбек билан бирга Қамбар Мирза томонидан отиб ўлдирилади.

Манбаларга кўра, Умархон (1810-1822 йй.) ҳукмдорлиги даврида йирик ер эгалари, ҳарбий саркардалар ва руҳонийларнинг мавқеи янада ошади. У давлат бошқаруви ишларида изчил тартиб, қонун – қоидалар ўрнатди ва диний ишларни тартибга солди. Натижада, 1818 йилда Умархон руҳонийларнинг розилиги билан “амир ал-муслимин” унвонини олиб ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятга эга бўлади.

Муҳаммад Ҳакимхон маълумотларига кўра, Умархон даврида Амир Темур ва Султон Ҳусайн Бойқаро замонида тақлидан унвон ва лавозимлар жорий этилиб, уларга ҳокимиятга яқин шахслар тайинланади. Шунингдек, Олимхон зулмидан қочиб кетган айрим амалдорлар Умархон хизматида қайтиб келиб, лавозимларни эгаллайдилар.

Манбаларнинг гувоҳлик беришига қараганда, Қўқон хонлигининг Ўрта Осиё минтақасидаги сиёсий жараёнлар ва ўзаро муносабатларга фаол аралашуви ҳам Умархон давидан бошланади. Ўз даврида Умархоннинг элчилари Хива, Хитой ва Туркия давлатларига жўнатилганлиги маълум.

Н.Петровский Умархон ҳукмронлиги даври ҳақида қуйидаги маълумотларни беради: “Умарнинг хонлиги ҳам олдинги хонларникидек давом этди, яъни, у ўз ерларини кенгайтди. Бу хон даврида Туркистон вилояти мусулмонларнинг Ҳазрат (Султон ал-орифин Аҳмад Яссавий давф этилган Туркистон) шаҳри билан бирга забт этилди. Умархон халқ севиб ардоқлаган хонлардан бири бўлди. Қўқонда икки қатор шеър тарқалган бўлиб, унда Умархон ҳақида жуда илиқ ва яхши сўзлар айтилар эди”.

1822 йилда Умархон касалланиб вафот этганидан сўнг тахтга унинг ўғли Муҳаммадалихон (Мадалихон) (1822-1842 йй.) ўтиради. Унинг ҳукмронлиги даврида Қўқон хонлигининг ҳудуди янада кенгайиб, қирғизларнинг баъзи туманлари хонликка қўшиб олинади ҳамда Қўлоб, Ҳисор, Бадахшон, Дарвоз, Масчоҳ каби вилоятлар Муҳаммадалихон ҳукмронлигини тан оладилар.

Манбаларга кўра, Муҳаммадалихон ҳукмронлигининг дастлабки йиллари яхши ва одилона кечган. У 1826-1831 йиллар давомида Қашғарга юришлар қилиб, бу ердаги мусулмонларни хитойликлар зулмидан озод қилди ҳамда 70 минг уйғур мусулмонларини Андижон вилоятига кўчириб келтирди. Натижада дин пешворлари Муҳаммадалихонга “Ғозий” (“дин хомийси”, “дин йўлида курашувчи”) унвонини бердилар.

1840 йилда Муҳаммадалихоннинг бош маслаҳатчиси, давлатни бошқарув ишларида катта тажрибага эга бўлган Ҳаққули мингбошининг туҳматга учраб




хон томонидан қатл этилиши шусиз ҳам қалтис бўлиб турган вазиятни яна кескинлаштириб юборди. Ундан ташқари хон давлат ишларига лоқайд бўлиб, асосий вақтини харамда ўтказа бошлади. Натижада давлатни бошқарув ишларида суистеъмолликлардан умумий норозиликлар бошланиб, хонни ағдариш учун фитна тайёрлана бошлади.

Лекин ўз кучлари билан фитнани амалга оширишга кўзи етмаган бир гуруҳ Қўқон амалдорлари бошқа хон сайлаш мақсадида Бухоро амири Насруллога нома ёзиб, ундан ёрдам сўрашди. Қўқон юриши учун баҳона тополмай турган Амир Насрулло бу таклифни тезда қабул қилиб, 1842 йил апрелда Қўқонни босиб олди. Қўқондан оиласи билан Наманган томонга қочган Муҳаммадалихон тутиб келтирилиб, оиласининг бир қисми билан қатл эттирилди.

Амир Насрулло Қўқон хонлигининг Бухорога қўшиб олинганлигини эълон қилиб, Қўқонда ўз ноибни Иброҳим додхоҳ Манғитни қолдиради. Аммо, Иброҳим додхоҳнинг Қўқон халқига ўтказган жабр-зулми, солиқларнинг хаддан ташқари ошиб кетиши натижасида аҳоли кўзғолон кўтариб, Бухоро ҳукмронлигидан озод қилиш учун қипчоқларни ёрдамга таклиф этадилар. Қипчоқлар Муҳаммадалихоннинг қариндоши Шерали бошчилигида Қўқонга келиб, бухороликларни тор-мор этдилар ҳамда Шералихон (1842-1845 йй.) тахтни эгаллади. Қипчоқлар эса шу вақтдан бошлаб узоқ вақт хонликда етакчи мавқега эга бўлдилар.

Қўқонда бўлган воқеалардан хабар топган амир Насрулло 1842 йилнинг кузида яна Қўқонга юриш қилди, аммо бу сафар унга омад кулиб боқмади. Муҳаммадалихон даврида юзбоши бўлган Мусулмонқули қипчоқ Насруллонинг ишончига кириб Қўқонга келади ва қўқонликларни таслим бўлишга кўндириш ўрнига бир тан - бир жон бўлиб амир Насруллога қарши курашга чорлайди. Унинг маслаҳатига кўра Қўқонда ҳимоя воситалари кучайтирилди. Бир ойдан зиёдроқ Қўқонни қамал қилган амир Насрулло ўзига қарши суиқасд уюштирилаётлиги ҳамда хиваликлар чегарага жойлашган Бухоро қишлоқларига хужум қилаётганлиги ҳақидаги хабарни олиб Бухорога қайтишга мажбур бўлди.

Бухороликларнинг кетиши билан Қўқон хонлигида бир муддат тинчлик ва осойишталик ҳукм сурди. Шералихон кекса одам бўлиб оқкўнгил ва мулойим инсон эди. Унинг даврида барча давлат лавозимларини қипчоқлар эгаллаб, давлат бошқарувини ўз қўлларига олдилар. Аммо, 1845 йилда Бухорода бўлган Олимхоннинг ўғли Муродхон (Қўқонда 11 кун хон бўлган) амир Насруллонинг ёрдами билан Қўқонга келиб Шералихонни қатл этади ва тахтни эгаллайди. Бу пайтда Наманганда бўлган мингбоши Мусулмонқули бу воқеадан хабардор бўлгач Шералихоннинг беш ўғлидан бири Худоёрхонни олиб Қўқонга келади ҳамда уни хонлик тахтига ўтқазади (1845-1853, 1863, 1865-1875 йй.). 16 ёшга кирган Худоёрхоннинг ёшлигидан фойдаланган Мусулмонқули мамлакатни деярли ўзи бошқарди. Худоёрхоннинг биринчи хонлиги даврида иккита куч – ўтроқ аҳоли ва кўчманчи туркий қабилалар ўртасида ҳокимият учун кураш хонликнинг асосий муаммосига айланди.




Умуман олган, XIX асрнинг ўрталарига келиб Қўқон хонлигидаги сиёс жараёнлар ҳамда ички аҳвол янада оғирлашган эди. Сўнгги тадқиқотларга кўра, бунинг сабаби **биринчидан**, ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлган қипчоқлар ҳокимиятни тан олмаганлар. Хонлик ҳудудларидаги баъзи вилоят ҳукмдорлари Мусулмонқўлга қарши чиқдилар. **Иккинчидан**, ҳокимиятда юқори мавқени эгаллаш ҳамда хонга таъсир ўтказиш учун қипчоқлар орасида ҳам ўзаро курашлар борарди. Бу курашларда қипчоқларнинг қулон уруғидан бўлган Мусулмонқули ҳам фаол иштирок этган. **Учинчи** сабаб эса, қипчоқларнинг ўтроқ аҳолига нисбатан юритган сиёсати эди. Қипчоқлар ўтроқ аҳолига нисбатан беписандлик назари билан қараб, бошқа элат ва этник гуруҳларни камситганлар. **Тўртинчидан** эса, ташқи омил – Россия империясининг аста-секинлик билан хонлик ҳудудларига бостириб кириши сиёсий жараёнларнинг янада кескинлашувига сабаб бўлган эди.

1852 йилга келиб, Мусулмонқули ва қипчоқларга қарши кураш учун ўтроқ мулкдорлар ва тошкентлик зодагонлар Худоёрхон атрофида бирлашдилар. Бу кучлар ёрдамида Худоёрхон Мусулмонқулини 1853 йилда қатл этиб, унинг тарафдорларини йўқ қилгани билан тахт учун курашларга барҳам бера олмади. Бундай вазиятда хонликнинг ички аҳволи оғирлашиб, у фаол ташқи сиёсатдан ҳам анча орқада қолди. 1858 йилда Шералихоннинг иккинчи хотинидан бўлган ўғли Маллахон Худоёрхонни тахтдан ағдариб, ўзини хон деб эълон қилди. Маллахон ва Алиқули қирғиз бошчилигида янгидан тикланган кўчманчилар гуруҳи узоқ ҳукм сурмади. Айнан шу гуруҳ аъзолари Маллахонга қарши тил бириктириб, 1863 йил 25 февралда уни ўлдирдилар. Тахтга эса Худоёрхоннинг акаси Саримсоқбекнинг ўғли Шоҳмурод ўтказилди. Лекин, кўшин бошлиқлари ва саройдаги кўпчилик амалдорлар унга қарши фитна уюштириб, Худоёрхонга яна тахтга ўтиришни таклиф этиб, одам юборадилар.

Бу пайда Маллахон ўлимини эшитган Худоёрхон Амир Музаффарнинг рухсати билан Бухородан Жиззахга келган эди. Туркистон ҳокими Қаноатшоҳ ёрдамида кўшин йиғиб, 1863 йилнинг март ойида Жиззахдан Тошкентга келган Худоёрхон Қўқонга қарши юриш учун Тошкент кўшини билан Хўжандга келади. Бу орада амир Музаффар ҳам Бухоро лашкари билан Хўжандга келади. Худоёрхон Қўқонга ҳужум қилишни режалаштираётган пайтда, яъни, 1863 йилнинг 5 майида шаҳар аҳолиси унга шимолий дарвозаларни очиб бердилар. Натижада Қўқонда қирғин бошланиб, Шоҳмуродхон ўз тарафдорлари билан Марғилонга қочди. Худоёрхон иккинчи марта (1863 й.) тахтни қўлга киритди.

Аммо, хонликдаги қирғиз-қипчоқлар Косон ва Чуст атрофларида кўзғолон кўтардилар ва Тўрақўрғонга ҳужум қилдилар. Улар, ҳатто Тошкент атрофларидаги қабила бошлиқларига нома юбориб мадад беришни сўрадилар. Оқибатда Тошкент атрофида козоқлар кўзғолон кўтариб, Тошкентни қамал қилдилар. Худоёрхон томонидан юборилган кўшинлар бу исёнларни бостиришга муваффақ бўлдилар. Аммо, мағлубиятга учраган қирғиз-қипчоқ




бошлиқлари тахт учун курашни давом эттирдилар. Хусусан, Шодмонхўл Саид Махмудхонтўра, Алиқулилар Султон Саидхон бошчилигида Марғилон томондан келиб Андижонни босиб олдилар ва унинг атрофларидаги Балиқчи, Қува, Асака, Шахрихон, Ўш, Пойтуғ мавзеларини талон-тарож қилдилар. 1863 йил 26 апрелда Султон Саидхоннинг қўшини Мингтутга келиб, Қўқонни камал қилди. Амир Музаффарнинг Худоёрхонга ёрдами туфайли қирғиз-қипчоқ лашкари Асака томонга кетиб, Қўрағулча дарасида химояга ўтди. Қаттиқ курашлардан сўнг 1863 йилнинг 24 июлида Султон Саидхон Қўқон тахтини (1863-1865 йй.) эгаллади. Худоёрхон эса яна Бухорога қочди.

Хонликдаги ички низолар ташқи душманларга ниҳоятда қўл келган эди. Бундай вазиятдан унумли фойдаланган чор Россияси қўшинлари 1864 йилда Туркистон ва Чимкентни босиб олди. 1865 йил баҳорида улар Тошкентга яқинлашиб, Ниёзбек қалъасини эгалладилар. Узок камалдан сўнг 17 июнда Тошкент эгалланди.

Қўқондаги саросималиклардан фойдаланган Худоёрхон 1865 йилнинг ёзида амир қўшинлари ёрдамида сўнги марта Қўқон тахтини қўлга киритди. Шундан сўнг у амирнинг талабларига бошқа итоат этмай қўйди. Худоёрхон 1867 йил январ ойида Россия билан савдо битимини, 1868 йил 13 февралда Қўқон ва Россия шартномасини имзолади. Худоёрхон 1868-1873 йиллар оралиғида Россия билан муносабатларини яхшилаш мақсадида Тошкентга кўплаб совға-саломлар юборди. Шунингдек, Россия савдогарлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди. Натижада Қўқон хонлиги амалда Россиянинг вассалига айланиб қолди.

Хонлик ҳудудида ҳукм сурган нисбий осойишталик 1873 йилгача давом этган бўлса ҳам, ҳукмдор, унинг яқинлари ва маҳаллий ҳокимларнинг жабр-зулми ҳамда қирғиз-қипчоқларнинг қайта бош кўтариши натижасида бу ерларда ўзаро низолар, халқ чиқишлари бошланди. Хусусан, 1873 йилда Пўлатхон (асли исми Мулла Исҳоқ Ҳасан ўғли) қирғизлар томонидан хон қилиб кўтарилиб, у бошчилигида кўзғолон кўтарилди. Саройдаги нуфузли амалдорлардан бири Абдурахмон офтобачи Худоёрхонни тахтдан ағдариш ва унинг ўғли Сайид Насриддинбекни хон тахтига ўтқазиб мақсадида Пўлатхон билан тил бириктирди ва Ўрдада исён кўтарди. Сайид Насриддинбек Абдурахмон офтобачи кўмагида хон деб (1875-1876йй.) эълон қилинди. Худоёрхон Насриддинбек фойдасига тахтдан воз кечиб, аввал, Хўжандга, ундан Тошкентга қочди.

Насриддинбекнинг ҳокимият тепасига келиши ҳам мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг кескинлигини бартараф эта олмади. Буни тушуниб етган Абдурахмон офтобачи хонлик аҳолисини Россияга қарши курашга сафарбар қилмоқчи бўлди. Аммо, русларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келиб Маҳрам яқинидаги жангда улардан енгилди. Пўлатхон ҳам русларга қарши курашиш мақсадида Қўқонга ҳужум қилмоқчи бўлиб турган вақтда, яъни, 1875 йил 25 сентябрда Насриддинхон Россия империяси ҳукумати билан битим тузди. Бу хабар тезда бутун Қўқонга ёйилиб аҳоли яна исён кўтарди ва Ўрдага ҳужум қилди. Насриддинхон тахтни ташлаб Хўжандга қочди. Марғилонда Россия



империяси аскарларига қарши аҳолини сафарбар қилаётган Пўлатхон кўшинига шаҳарликлар, мадраса талабалари ва кўчманчи аҳоли вакиллари келиб қўшилди. Уларга кўзғолон вақтида босқинчилар билан ҳамкорлик қилган қишилар ва хон оиласи вакиллари қатл этиш буюрилди.

Бу пайтда Наманганда бўлган Скобелев Россия империясининг топшириғига асосан 1876 йил февралида Қўқон хонлигини бутунлай босиб олишга киришди. Абдурахмон офтобачи ва Пўлатхон кўлга олинди. Абдурахмон офтобачи Россиянинг Екатеринбург губерниясига, Насриддинхон эса Владимир нуберниясига сургун қилинди. Шу тариқа, 1876 йил 19 февралда 150 йилдан кўпроқ ҳукм сурган Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ҳудудлари Россия империяси томонидан босиб олинди ва унинг ўрнига Фарғона вилояти ташкил этилди.

Маъмурий–худудий тузилиши ва аҳолиси. XVIII аср охирида хонликнинг худуди фақат Фарғона водийсидан иборат бўлиб, бу даврда Норбўтабий водийдаги барча беклик ва вилоятларни ўз иттигига киргизиб, уларни Қўқонга бўйсундирди. Унинг даврида Андижон ва Марғилон вилоятлари водийдаги энг катта мулклар эди. Олимхон даврида хонлик худудлари Тошкент ва унинг атрофидаги ерлар ҳисобидан анча кенгайди. Тарихий манбаларда Тошкент мулки - вилоят, шаҳар, Тошкент ва Дашти Қипчоқ вилояти номлари билан тилга олинади. Унинг худудларига Оҳангарон, Чиноз, Тошкент атрофи, Сирдарё бўйларидаги Туркистон шаҳри ва унинг атрофлари кирган. Бу мулкнинг ҳокимлари манба ва ҳужжатларда ҳоким, ҳукмдор, волий, ноиб атамалари билан тилга олинади. Умархон даврида Хўжанд, Ўратепа ва Жиззах атрофидаги ерларга ҳам кетма-кет юришлар қилиниб, 1817 йилда Ўратепа босиб олинади.

Муҳаммадалихон даврида хонликнинг худудлари янада кенгайди. Бу даврда хонлик шимолда Россияга қаршли Ташқи Сибирь округи билан, ғарбда Хива ва Бухоро амирлиги билан, жанубда Қоратегин, Дарвоз ва ундан узоқроқдаги ерлар – Шуғнон, Рўшон ва Вахон (бу худуд Қўқонга номигагига қарам бўлган) Кўлоб билан, шарқда Қашғар билан чегараланган. Хонлик ерларига Сирдарё билан Қоратегин ўртасида жойлашган Фарғона худудлари, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Наманган, Хўжанд ва бошқа шаҳарлар, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида жойлашган Қурама вилояти, Туркистон, Сирдарёнинг куйи оқимидаги то Балхаш кўлигача бўлган қирғизлар яшайдиган ерлар, кўчманчи қирғизлар яшайдиган Биллур тоғининг шарқий этаклари, 1830 йилдан бошлаб ғарбий этаклари ҳам кирган.

XIX аср манбаларида Қўқон хонлиги **беклик**, баъзан **вилоят ва саркорлик** сифатида тилга олинган маъмурий – худудий қисмларга бўлинган ҳамда уларни хон томонидан тайинланадиган беклар, ҳокимлар ва саркорлар бошқарган. Айрим манбалар (А. Кун) Қўқон хонлигидаги 15 та бекликнинг номини келтиради. Булар: Қўқон ва унинг атрофи, Марғилон, Шаҳрихон, Андижон, Наманган, Сўх, Маҳрам, Булокбоши, Аравон, Балиқчи, Чортоқ, Навкат, Косон, Чуст ва Бобо дархон. “Туркестанские ведомости” (1876, №13)



тўпламида эса Асака, Марғилон, Балиқчи Ўш, Сўх, Косон ва Ўзган саркорл сифатида ҳам тилга олинади.

Ҳокимлар ва ҳудудий бўлинма бошлиқлари хон оиласи аъзолари, унга яқин гуруҳлар, юқори табақа вакиллари ҳамда етакчи қабилалар сардорлари орасидан тайинланган. Мисол учун, Худоёрхон даврида етита беклик хоннинг ўғиллари ва яқин қаришдошлари томонидан бошқарилган. Ўз навбатида ҳокимлар вилоят ҳудудларини ўзларининг фарзандлари ва қариндошларига бўлиб берганлар. Қўқон хонлигининг маъмурий-ҳудудий бошқарув тизимида **бек (ҳоким, волий)** ва унинг ўрдаси алоҳида ўрин эгаллаган. Хон томонидан тайинланган **ҳоким** ва **қози** кўплаб ваколатларга эга бўлган.


Бек ўрдасида ҳам хон саройидагидек юзлаб амал ва унвонлар жорий этилган бўлиб, улар маҳаллий аҳолидан йиғиладиган солиқ ҳамда тўловлар ҳисобидан кун кечиришган. Беклар хоннинг итоаткор вассаллари бўлиб, мамлакатни идора этишида уни қўллаб-қувватлашлари, зарур бўлганда унга ёрдам беришлари, унинг ҳурмат-иззатини жойига қўйишлари, керакли вақтда ўз қўшинлари билан ҳарбий юришларда иштироқ этишлари ва совға-саломлар юбориб туришлари лозим бўлган.

Қўқон хонлигида Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Марғилон, Чимкент, Жиззах, Ўш, Хўжанд, Ўратепа каби аҳолисининг сони жиҳатидан катта, хунармандчилик ва савдо ривожланган, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўнлаб шаҳарлар мавжуд бўлган. Хонликнинг пойтахти Қўқон шаҳри бўлиб, у мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий маркази эди.

XIX асрда хонликнинг чегара ҳудудларини бир неча қалъа ва истехкомлар муҳофаза қилган. Улар жумласига Оқмасжид, Авлиёота, Пишпак, Тўқмоқ, Қуртка, Ниёзбек, Маҳрам қабиларни киритиш мумкин. Чу водийси бўйлаб бунёд этилган истехкомлар эса нафақат чегара муҳофазаси учун, балки уларнинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларни итоатда ушлаб туриш учун ҳам хизмат қилган. Ушбу шаҳар ва қалъаларда ҳарбий қисм ҳамда уларга бошлиқ бўлган ботирбошилар бўлган. Мудофаа мақсадлари учун қурол ва аслаҳалар сақланган.

Хонлик таркибига кирувчи ҳудудлар аҳолисининг жойлашуви ва турмуш тарзи бир – биридан фарқ қилган. Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсининг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган қисми аҳоли жойлашуви жиҳатидан зич бўлиб, улар ўтроқ ҳаёт кечирганлар. Сахро, тоғ ва тоғ олди текисликларидан иборат ҳудудларда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли яшаган.

Хонликдаги аҳоли сони ҳақида манбалар турли маълумотлар берадилар. Бу маълумотларга кўра, XIX асрнинг бошларида хонликда (Тошкент ва Туркистонни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) аҳоли сони 1 миллион, XIX асрнинг ўрталарида 1,5-2 миллион, XIX асрнинг иккинчи ярмида 3 миллион киши бўлган бўлса, Россия империяси томонидан кўплаб ҳудудларнинг босиб олиниши ҳамда уларнинг босқинчилар маъмурияти таркибига кириши



натижасида хонлик тасарруфидаги Фарғона водийсида 2 миллионга яқин аҳоли қолгани тахмин қилинади.

Аҳоли таркибида ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига нисбатан кўпчиликти ташкил этган. XIX аср бошларида аҳолининг 40 фоиздан ортиғи кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлса, шу асрнинг охирига келиб улар 15 фоизни ташкил этган. Хўжалик машғулотларига кўра, ўтроқ аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, ҳунармандчилик, косиблик ҳамда савдо-сотиқ билан банд бўлса, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли чорвачилик билан шуғулланган.


Кўқон хонлиги аҳолисининг кўпчилиги ўзбеклар бўлиб, мамлакат шаҳар ва қишлоқларида тожиклар ҳам яшаган. Хонликда яна қирғизлар ва қипчоқлар ҳам истиқомат қилганлар. Улар Сирдарёнинг бошланиш жойларидан Балхаш кўлигача бўлган тоғли районлардан то Қашғар чегарасигача бўлган ерларда, Еттисув, Талас водийси, Олой тоғлари, Бадахшон, Фарғона водийси худудларида кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечиришган. Бундан ташқари, Фарғона водийсида қорақалпоқлар, Тошкент атрофларида козоқлар, хонликнинг шарқий қисмида, Кўқон хонлигини Бухоро ва Россиядан ажратиб турадиган чўлларда кўчманчи козоқлар яшаганлар.

Манбаларнинг маълумотларига кўра, XIX асрнинг бошларида қирғизлар, қалмоқлар, уйғурлар, қорақалпоқ, козоқ ва қипчоқлар Хитой ҳукумати тазйиқи остида Шарқий Туркистондан Фарғона водийсигача кўчиб келишга мажбур бўлганлар. Шунингдек, хонликнинг айрим шаҳарларида лўлилар, ҳиндлар, афғонлар, араблар ва бошқа Осиё халқлари истиқомат қилганлар. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топганидан сўнг яҳудийлар, арманлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшаганлар.

Давлат бошқаруви. Мансаблар ва унвонлар. Ўзбекларнинг минг қабиласи (уруғи) бошлиқларидан бири Шохруҳбий асос солган Кўқон хонлигидаги давлат бошқарув тизими ўрта асрларда Мовароуннаҳрда ҳукм сурган мусулмон давлатлари бошқарув тизимидан фарқ қилмас эди. Хонликда Бухоро амирлигида бўлгани каби Амир Темур даврида шаклланган ҳамда Шайбонийлар даврида қисман ислоҳот қилган давлат бошқаруви ва тизими мавжуд бўлган. Хонликда энг олий ва марказий унвон **хон** унвони бўлиб, унинг ҳукумати чекланмаган. Фармон бериш ва унинг бажарилишини назорат этиш салоҳиятлари хоннинг қўлида бўлган.

Хонликнинг минг қабиласидан бўлган ҳокимлар турли йилларда Шаҳрисабз, Ургут, Моғиён, Урмитан вилоятлари ва бекликларида ҳам ҳукм сурганлар. Олимхон давригача (1798й.) минг уруғи бошлиқлари XIX асрнинг бошларида **бий** унвони билан ҳокимиятни бошқарганлар. Олимхон 1805 йилда ўзини расман хон деб эълон қилди. Хон унвони билан ҳокимиятни бошқарган Умархон (1810-1822й.) 1818 йилда ўзини “**амир ул-муслимин**” деб эълон қилди. 1822 йилда Муҳаммад Алихон ҳам хон унвони билан тахга ўтирган.

Хон авлодлари **хонзода, амирзода, мирзода, шахзода, тўра** деб аталганлар. Хонликдаги давлат низоми мутлақ яқка ҳокимлик бўлиб, хоннинг



Ўзи чекланмаган ҳокимиятга эга бўлса-да, маълум тарихий даврларда уни салоҳияти ва ҳокимияти чекланиб, сарой амалдорлари ҳамда кўшин бошлиқларининг хонга таъсири кучли бўлган. Бунга Мусулмонкулининг мингбоши ва оталиқ бўлган даврини (Худоёрхон даврида, 1844-1852йй.) ёки Аликулининг амирлашкарлик ва вазирлик даврини (Султон Сайидхон, 1863-1865 йй.) мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ҳолат хоннинг сиёсий куч қудрати маълум иқтисодий асосларга ҳамда маълум ижтимоий гуруҳлар фаолиятига боғлиқ бўлган дейишга асос бўлади.

Мамлакатда хон энг катта ва йирик мулкдор бўлиб, хонлик ҳудудидаги барча бойликларга, ер, сув, кўриқ ерлар, кўлу анҳорларга эгалик қилган. Улардан келадиган закот, хирож, танобона ва бошқа солиқлар шаклидаги даромадлар хон хазинасини мунтазам равишда тўлдириб турган. Хон ва унинг қариндошлари, сарой аҳли ва маъмурият, кўшинлар ва кўшин бошлиқлари асосан солиқлар ҳисобидан рағбатлантирилган.

Манбалар маълумотларига кўра, хон саройида **мингбоши** бошчилик қиладиган **Кенгаш** тузилган бўлиб, бу кенгаш саройдаги давлат аҳамиятига молик муҳим ишларни кўриб чиққан. Дастурхончи, рисолачи ва бошқа муҳим амалдорлар аъзо бўлган ушбу кенгаш давлат бошқарувида муҳим аҳамиятга эга эди.

Кўқон хонлигида асосан Олимхон, Умархон ва Муҳаммад Алихонлар даврида (1798-1842 йй.) давлат бошқаруви ва давлатчилик ички ва ташқи сиёсат анча барқарор ҳамда нисбатан тинч ривожланган. Аммо XIX асрнинг ўрталарига келиб Кўқон хонлиги инқирозга учрай бошлайди. Тадқиқотчилар ушбу инқирознинг асосий сабаблари сифатида ўтроқ халқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги қарама-қаршиликларни, ўзаро низо ва урушларни, хон тахти учун олиб борилган курашларни, Бухоро амири билан бўлган низолар ва душманликлар, сарой амалдорларининг хоинликлари кабиларни кўрсатадилар. Буларнинг натижасида иқтисодий ҳаётда тараққиёт пасайиб, ижтимоий тарқоқлик кучайиб борди ва давлат инқирозга юз тутди.

Кўқон хонлигида унвонлар ва мансаблар улар ижрочиларининг вазифалари ҳамда мартабаларига қараб **ҳарбий, ҳарбий-маъмурий, сарой унвон ва мансаблари** ҳамда **маъмурий вазифалари, диний мансаб ва унвонлар** ҳамда **диний қозихона** амалларига бўлинар эди.¹ Хон саройида қуйидаги ҳарбий мансаб ва унвонлар жорий этилган:


- **Амир ул-умаро** – амирлар амири. Хон томонидан кенг ваколатлар берилган (давлатдаги муҳим ишлар, амалдорларни амалга қўйиш ва олиш, давлатдаги ички тартибни сақлаш, саройдаги тартиб – интизом кабилар) шахс бўлиб, хондан кейинги энг юқори мансаб ҳисобланган;
- **Амирлашкар** – амир ул-умародан кейинги мансаб. Кўқон хонлигида мингбоши ҳарбий унвонининг вазифалари, даражаси амирлашкарликка тенг бўлган;

¹ Унвонлар ва мансаблар ҳақидаги маълумотлар қуйидаги рисоладан олинди: Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. Тошкент. Янги аср авлоди. 2006. 6-21 бб.



- **Мингбоши** – маъмур сифатида минг нафар отлик аскар берадиган мулкнинг ҳокими. Бу унвондаги шахс ҳарбий юришлар вақтида кўшинни бошқариб, лашкарбоши унвонини олган. Бу унвоннинг эгаси вазирликка ҳам даъвогар бўлган. Бу унвон Шералихон даврида (1842-1844 йй.) юқори даражадаги вазифага айланиб кетган;
- **Ботирбоши** – ботир баҳодирлар бошлиғи. Беш юз кишидан кўп лашкарга бошчилик қилган. Вилоятларда ботирбоши ҳарбий ва кўшин ишларига масъул эди. Ботирбоши баъзан қурилиш ҳамда суғориш ишларига ҳам бошчилик қилган. (Улуғ нахр ариғи, Отабек ботирбоши).
- **Кўшбеги** – ҳарбий кўшиннинг бошлиғи. Бу мансаб юриш ва жанг вақтларида берилиб, унинг эгаси мингбоши унвонини олишга даъвогарлик қилган ҳамда алоҳида вилоятга ҳам ҳоким бўлиши мумкин эди.
- **Воли ёки волий (ноиб, муовин)** – тобе этилган вилоят ва туманларда хоннинг ўринбосари. Вилоятларда лашкар унга итоат этган ҳамда у вилоятнинг ҳарбий маъмурий ишларига бошчилик қилган.
- **Қалъабон ёки кутвол** – Қўқон хонлигининг чегераларида жойлашган қалъа ва истехкомларининг ҳокими бўлиб, шу ҳудудларнинг ҳарбий-маъмурий, хирож ва бож олиш ишларига жавобгар бўлган. Ҳарбий мақсадга кўра, қалъабон вазифасига додхоҳдан кушбегигача бўлган шахслар тайинланган.
- **Кўрбоши** – кўрхона яъни аслаҳахона бошлиғи. Бу мансаб эгаси хон ва мингбошига итоат этган. Кўрбоши кўрхона, милтиқхона, тўпхоналарга бошчилик қилиб, хомашё топиб келишдан тортиб то тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни хон қарорига биноан тарқатиб бериш жараёнига жавобгар бўлган.
- **Ёфар** – соқчилар бошлиғи. Бу мансаб эгасининг гуруҳи юз нафар аскардан иборат бўлган. Ёфар ўз гуруҳининг ҳисоб-китоби, йиллик харажатини аскарлари учун хазинадан олиб берган. Манбаларда ёфарлар ғаллагир (ғалла олувчи), жавгир (буғдой олувчи) ва сарпо олувчи сифатида ҳам қайд этилган.
- **Тўпчибоши** – тўпчилар, замбаракчилар гуруҳи бошлиғи.
- **Тўқсабо** – ўзларининг туғига эга бўлган ҳарбий гуруҳнинг бошлиғи.
- **Понсадбоши** – беш юз нафар аскардан иборат гуруҳ раҳбари.
- **Юзбоши** – юз кишилик ҳарбий даста бошлиғи.
- **Панжохбоши** – элликбоши, эллик нафарли ҳарбий гуруҳ бошлиғи.
- **Дахбоши** – ўн кишилик ҳарбий гуруҳ бошлиғи.
- **Қоровулбеги** – соқчилар ва қоровуллар бошлиғи.


Ҳарбийлар қаторига аскар, сарбоз, нукар, сипоҳи, мерган, маҳрам, ботур, тўпчи, занбарчи, кўрчи, қоровул кабилар ҳам кириб, кўшин сафида, ноғорачи, сурнайчи, тўғчи (байроқдор) кабилар ҳам хизмат қилганлар. Бу ҳарбий унвонлар орасида мингбошидан понсадбошигача бўлганлари олий унвонлар, кўрбошидан қоровулбошигача бўлганлар ўрта унвонли мансаблар, қолганлари



эса паст унвонлар ҳисобланган. Эликбошидан мингбошигача бўлган ҳаро лавозимдаги амалдорлар ўз хизматларига мулозимлар олганлар. Понсадбошидан юқори мансабдаги ҳарбийларга яна мирзолар ва муншийлар ҳам хизмат қилган. Манбаларда ҳарбийларга саройдан йилига турли ҳажмдаги маош берилганлиги қайд этилган.

Қўқон холигидаги сарой унвон ва мансаблари куйидагилар эди:

- **Оталиқ** – хон ёки хонзоданинг мураббийси, уларнинг хомийлари. Улар тарбиялаган хонзода тахтга ўтирганидан сўнг, оталиқлар ҳам юқори мансаб ва унвонларни эгаллаганлар.
- **Бекларбеги** – бекларнинг беги. Бу унвон хоннинг ворисига ёки баъзи вилоятларнинг ҳокимига берилган.
- **Бий** – туркий қабилаларнинг бошлиқлари.
- **Девонбеги** – хон девонининг бошлиғи, Қўқон хонлиги вилоятларидан Тошкент ва Дашти қипчоқ мулкида ҳам девонбеги мансаби бўлган.
- **Хазиначи** – давлат хазинасининг ҳисоб-китобига жавобгар шахс. Хазиначилар вилоят марказларида ҳам фаолият юритган.
- **Иноқ** – хоннинг хос ва сирдош мулозими.
- **Эшикоғаси ёки чехраоғаси** – эшик олдидаги соқчи, посбон. Хон маҳрамлари ва соқчи-мулозимларининг бошлиғи. Нотаниш кишиларни хон ҳузурига ижозатсиз қўймасликка жавобгар шахс.
- **Парвоначи** – бу унвон эгаси хон номига келган хат ва аризаларни саройга олиб кириб, жавобини олиб чиққан. Бу унвон бошқа унвон соҳибларига ҳам берилган.
- **Додхоҳ** – хон олдига фуқароларнинг хоҳиш-истак ҳамда мақсадларини баён этиш ҳуқуқига эга мансаб, сарой унвони.
- **Дастурхончи** – хон дастурхонига, умуман, ошхонасига жавобгар сарой мансаби.
- **Сарой қоровулбегиси** – хон ўрдасининг соқчиларига бошлиқ бўлган сарой амалдори.
- **Тунқатор** – тун бўйи уйғоқ бўладиган соқчи. Хоннинг дам олиши ва юришлари вақтида қўриқчилик қилиб, хоннинг яқин кишиларидан тайинланадиган амалдор.
- **Офтобачи** – хоннинг хос мулозимларидан бўлиб, унинг ювиниши ва таҳорати вақтида хизмат қиладиган амалдор.
- **Шарбатдор** – энг олий ва фахрий унионлардан бўлиб, хоннинг хос мажлислари ва сафарларида хизматда бўлган.
- **Ҳидоятчи** – хон саройига юборилган тортиқ ва совғаларни қабул қилиб олиб, хон назаридан ўтказувчи амалдор.
- **Шиғовул** – саройга ташриф буюрган элчилар ва чопарларни хон ҳузурига бошлаб кирувчи амалдор. Манбаларга кўра, бу мансабдаги амалдорнинг вазифалари кенг бўлган.
- **Саркор** – саройдаги хон амалдорларининг бошлиғи. Бу мансабдаги шахс хонга тегишли шифохоналар, корхоналар ҳамда қурилиш ишларига ҳам бошчилик қилган.




- **Қушбеги (миришкор)** – ов пайтида хонга ҳамроҳлик қилади, мансаб эгаси. Қушбегининг овчи итлари, лочин ва бургутлари бўлиб, ов пайтидаги хоннинг дам олиш жараёнларига ҳам бу шахс жавобгар бўлган.
- **Саломоғаси** – хон номидан халққа салом берувчи.
- **Китобдор** – сарой китобхонаси учун жавоб берадиган амалдор.
- **Рисолачи** – элчилар ва уларнинг хат-хабарларига жавоб бериш учун масъул бўлган сарой амалдори.
- **Жамъоға** – хоннинг суҳбати, қабули ҳамда базмларига иштирок этувчиларга хабар бериб, чақириб келадиган сарой амалдори.
- **Жарчи** – халқ йиғиладиган оммавий жойларда хоннинг фармон ва буйруқларини жар солиб (баланд овоз билан) эълон қиладиган шахс.
- **Чопқучи** – пичоқ ясовчи, хон саройидагилар учун куроллар (пичоқ, ханжар қилич) ясаб, қўрчи вазифасини ҳам бажарган.
- **Шотир** – хон рикоби олдида юрадиган ҳизматчи, одамларни хон келишидан хабардор этиб, уларни таъзимга чорлаб турган.
- **Удайчи** - хон рикоби олдида юриб, унинг шаънига баланд овоз билан мақтовли сўзлар ва ҳамду санолар айтиб борувчи ҳизматчи.

Юқоридаги амал ва мансаб эгалари ўз ҳизматлари эвазига йиллик маош (пул, от, қўй, ғалла кўринишида) олганлар. Бундан ташқари, уларга тегишли ер-мулклар ҳам берилган.

Бутун ўрта асрлар мусулмон давлатларида бўлгани каби Қўқон хонлигидаги мусулмон руҳонийлари ҳам алоҳида имтиёзларга эга бўлган ижтимоий табақа ҳисобланган. Хонликдаги давлат бошқарувида, таълим – тарбияда, суд ишларида ҳамда жамият ҳаётининг турли соҳаларида уларнинг фикри катта аҳамият касб этган. Қўқон хонлигида қўйидаги диний ва қозихона мансаб, унвон ҳамда амаллари мавжуд бўлган:

- **Шайх ул-ислом** – диндорларнинг энг олий унвони бўлиб, 1818 йилда Умархон томонидан жорий этилган.
- **Хожа калон** – фикҳ олими (ҳуқуқшунос) нинг фахрий унвони.
- **Халифа** – ўринбосар. Қўқондаги нақшбандия, қаландария, яссавия таракқиётларининг раҳбарлари.
- **Аълам** – факих, олим ҳамда шариат қонун – қоидаларнинг билимдони.
- **Охунд** – билимли ва мадрасада ўқийдиган киши.
- **Судур** – вақф мулкларининг даромадлари ҳамда ҳисоб – китобига жавобгар мансабдор.
- **Ўроқ** – вақф ерларининг хирож ва солиқларига масъул шахс, Ўроқ шаклидаги нишонни салласига тақиб юрган.
- **Мударрис** – мадрасада таълим берувчи устоз.
- **Имом ва имом хатиб** – масжид имоми ҳамда жума номозларида хутба ўқиб хизмат қиладиган имом.
- **Муаззин** – мусулмонларни намозга чақирувчи, азон айтувчи.
- **Қози ул – қўззот** – қозилар қозиси (адлия вазири).



- **Қози калон** – хонлик пойтахти ҳамда вилоятлар марказларида қозилар ва қозихоналар устида назорат қилувчи амалдор.
- **Қозии аскар** – қўшин қозиси.
- **Таракачи** – мерос қолган мол-мулкларни меросхўрларга тақсимлаб (тарака) берувчи шахс.

Хонликдаги диний ва қозилик лавозимида бўлганлар давлат томонидан белгиланган маош ҳамда турли эҳсонлар ҳисобидан кун кўрганлар. Мадраса, масжид, мазорлар ўзларининг вақф мулкларига эга бўлиб, шу мулк даромадидан ўз хизматчиларига маош берганлар. Вақф мулкларига муттавали мутасадди – бошлиқ эди.


Ер эгаллиги муносабатлари ва солиқлар. Қўқон хонлиги хўжалик ҳаётининг асосини ташкил қиладиган соҳа деҳқончилик эди. Чунки хонликнинг асосини ташкил этган Фарғона водийсида сув манбаларининг етарли даражада бўлганлиги деҳқончилик хўжалигида мўл ҳосил бўлишни таъминлаган. Хонликда XVIII асрга қадар ерларни суғориш учун сойлар ва жилғаларнинг сувларидан ҳам унумли фойдаланилган.

Хонликдаги тахт учун ўзаро курашлар ҳамда сиёсий тарқоқлик давом этаётган бўлишига қарамай XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб айрим туманларнинг суғориш тармоқлари таъмирланган ва янгилари қазилган. Чунки, хонликда ип ва газлама ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бориши, бу маҳсулотларни Россия ва у орқали Шарқий Европа мамлакатлари бозорларида кўплаб сотила бошлаши, уларга бўлган талабнинг тобора кучайиб бориши суғорма деҳқончилик ерларини кенгайтириш ҳамда янги ерларни ўзлаштиришни тақозо қилар эди.

Шунинг учун ҳам XIX аср Қўқон хонлигида, хусусан, Фарғона водийсининг суғорилиши тарихида янги даврни бошлаб бердики, айнан шу даврдан бошлаб, водийда йирик суғориш иншоотлари, ариқлар, каналлар, тўғонлар қурила бошланган. Масалан, Сирдарёнинг асосий ирмоқларидан бўлган Норин ва Қорадарёлардан сув оладиган Шаҳрихонсой канали, Наманган Янги ариғи, Чинобод ариғи, Улуғнаҳр, Андижонсой канали, Олтиариқ, Мутаган ариғи ва бошқа суғориш тармоқларининг кўпайиши, суғориладиган далаларнинг сезиларли даражада кенгайиши ҳамда деҳқончилик ва боғдорчиликнинг ривожланишига олиб келган.

Қўқон хонлигида суғориш иншоотларини барпо этишнинг маълум тартиб – қоидалари мавжуд бўлган. Чунончи, суғориш тармоқлари ва уларни барпо этиш ишлари икки гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга ҳажм жиҳатдан кичик суғориш иншоотларидан фойдаланувчи қишлоқ аҳолиси иштирок этган. Уларга маҳаллий мутасадди кишилар, мироббошилар бошчилик қилган. Иккинчи гуруҳ суғориш иншоотларига ҳажм жиҳатдан катта ва йирик каналлар киритилиб, уларни бунёд қилиш ишларига хонликнинг турли вилоятларидан қазувчи – хашарчилар жалб этилган. Бундай иншоотлар қурилишига бевосита хон ёки жойлардан унинг вакили бошчилик қилган.

Хонликда деҳқончилик экинларининг аксарияти Ўрта Осиё хонликларига хос бўлиб, ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавот ва полиз маҳсулотлари



етиштириш ҳамда ипакчилик яхши ривожланган. Донли экинларда маккажўхори етиштириш кенг тарқалган бўлиб, у шаҳар ва қишлоқларда камбағалларнинг асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланган. Шунингдек, XIX асрга келиб хонликда пахтачилик соҳасига катта эътибор берила бошланган.

Хонлик ғарбий қисмининг табиий шароитида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун жуда қўлай бўлган. Жануби-ғарбий Хўжанд, Конибодом, Исфара, Сўх, Чимён, Риштон ҳудудлари асосан ўрик етиштиришга тўла ихтисослашган. Бу даврда бутун Фарғона водийсида тут дарахти кенг тарқалиб, у тоғ олди ва қадимги деҳқончилик воҳаларидан ҳисобланган Сўх, Исфара, Наманган, Аштда ипакчилик учун қадимдан ўстириб келинган.

Хонликда ер ва сув ҳукмрон табақалариники ҳисобланиб, ерга эгалик қилишнинг тўртта тури мавжуд бўлиб улар қуйидагилар эди: 1. **Хирож ерлар** – ер эгаларининг хусусий ерлари. 2. **Давлат ёки амлоқ ерлари** – хонга қарашли ерлар – ўрмонлар, тўқайлар, йўлу-кўприклар. 3. **Хусусий ерлар** – хоннинг махсус фармойиши билан йирик амалдорларга берилган ерлар (суюрғол). 4. **Вақф ерлари** – диний муассалар, яъни, масжид, мадраса ва мазорларга қарашли ерлар.

Манбаларга кўра, **амлоқ** хон ихтиёридаги ер бўлиб, у “**замини хос**”, деб аталган. Бундай ерлар хон томонидан айрим гуруҳ ва мансабдор шахсларга берилган. Ерни олган киши унга ўз ҳисобидан ишлов бериб, суғорган. Олган ҳосилидан эса хонга солиқ тўлаган ва бу солиқ миқдори хирож¹ дан кўпроқ бўлган.

Ерга эгалик қилишда **мулк, ижара, урғу, танҳо** шаклларида ҳам фойдаланилган. Мулк – бойларга қарашли хусусий ерлар бўлиб, улар деҳқонларга ижарага берилган. Маълумотларга кўра, ижара – муайян шартлар асосида бериладиган барча кўчмас ва кўчадиган мулк-ер, ариқ, тегирмон, тим, раста, улов ав бошқаларни ўз ичига олган мулк шакли бўлса, урғу – мусодара қилиш йўли билан хон мулкига айлантирилган ёки гуноҳкорни қўлга олишда жонбозлик қилган шахсларга берилган ер ва мол-мулкдир.

Танҳо – ҳукмдор томонидан алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга амлоқ ерлардан баъзилари инъом этилиши туфайли пайдо бўлган мулк шакли бўлиб, бундай ерларда солиқ йиғиш ҳуқуқи танҳо эгалари – танҳодорларга берилган. У ўзига берилган ер, бир нечта қишлоқ, ҳатто, катта мулкнинг йиллик ёки ярим йиллик даромадини ҳадя сифатида олган. Баъзан, амалдорлар бир умр танҳодор бўлган ва ўғли хон марҳаматига сазовор бўлса, танҳодорлик мерос сифатида давом этган. Ҳарбийларга танҳо ёки хирож тақдим этилса, у тархон деб аталган.

Бу даврда хонликнинг даромади маҳсулот ва пулдан иборат бўлиб, улар асосан солиқлар ундириш йўли билан ҳосил қилинган. Солиқ ва мажбуриятлар хонликнинг барча шаҳар ва қишлоқларида деярли бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Мамлакатда мавжуд солиқлар жорий этилишига кўра, тўрт турга: шариат қонун-қоидаларига биноан белгиланган

¹ Хирож - ҳосилнинг 1/5 дан 1/8 қисмигача ташкил этган.



асосий солиқлар; расмий солиқлар; анъанавий солиқлар; фавқулодда жор этилган солиқлар.

Манбаларга кўра, шариат қонун-қоидалари асосида жорий этилган асосий солиқлар. – хирож, ушр ва закот ҳисобланган. Деҳқончиликда донли экинлар экиладиган ерлардан олинадиган солиқ – хирож деб аталган. Бу солиқ ҳосилнинг бешдан бир қисмини ташкил этиб, 5 қоп ғалланинг бир қоп миқдорида ундирилган. Солиқнинг бир қисми маҳсулот, бир қисми эса пул билан тўланган.


Ушр ерлари – “замини ушр” деб юритилган ерлардан ҳосилнинг ундан бир қисми миқдорида ушр солиғи руҳонийлар фойдасига ундирилган. Закот – маҳсулотдан олинадиган савдо солиғи ёки чорва моллари ҳисобидан олинадиган солиқ бўлиб, даромаднинг қирқдан бир қисмини ташкил этган. Хонликнинг савдогарлик сармоялари аниқ бўлмаганлиги сабабли, шароитга қараб даромаддан закот олинган. Шунингдек, чорва молларидан ҳам қирқдан бир улуш ҳисобида закот олинган. Архив ҳужжатларида анъанавий закотдан ташқари – бўроқи закоти, элатия закоти, саркарда закоти кабилар ҳақида маълумотлар бор.

Хонликда жорий этилган танобона, хонсолиқ, карвонлардан чегара ёки махсус белгиланган шаҳарларда, Сирдарё кечувидан олинадиган бож тўловлари, туз божи, бозорларда савдогарлардан, хон маблағига қурилган барча иншоотлардан олинадиган солиқ кабилар расмий солиқларга кирган. Боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчиликда экин экиладиган ер майдонининг ҳажмига қараб таноб солиғи олинган. Солиқ йиғувчи амалдор **танобчи** (ҳар бир таноб ердан солиқ олувчи), закот солиғини йиғувчи амалдорлар **закотчи** деб аталган.

Анъанавий солиқларга тўй маросимларидан, мерос бўлинишидан, тарозидан, дарёдан ўтиш учун соллардан, қирғиз ва қозоқларнинг чорвасидан олинадиган ва шунга ўхшаш солиқлар кирган. Хонликда булардан ташқари яна турли хил фавқулодда солиқлар мавжуд бўлиб, у тилла пули ва мис пули, улов пули, алаф пули, нафсона, муштак, кафсан, яксара ва бошқалардир.

Солиқлар қатъий белгиланган миқдорда ҳамда ўз вақтида йиғилиши шарт бўлса-да, хон ва амалдорларнинг ихтиёри билан бу ҳолат ўзгариб турган. Ҳарбий ҳаракатлар пайтида, айниқса, солиқларнинг тури ва миқдори оширилган.

Хон хазинасига келиб тушган солиқлар – **хоссачи**, бек хазинасига тушган солиқлар – **беклик** деб аталган. Манбаларга кўра, хон ихтиёридаги ерлар “замини хос” деб аталиб, ундан келадиган барча даромад хоннинг ихтиёрида бўлган. Хон хазинасига тушадиган солиқларнинг деярли барчаси Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги кишлоқлардан йиғилган. Четдан хон ихтиёрига маҳсулот ва чорвадан йиғиладиган закот, Сирдарё кечувдан олинадиган бож, туздан, хоссачи жойлардан, хон маблағига қурилган барча иншоотлардан олинадиган солиқ, тўй маросимларидан ва мерос бўлишдан йиғиладиган солиқлар тушган.



Қўқон холигида солиқлардан озод қилинган, яъни, “мулки хур” ерлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг эгалари бўлган саййид, хўжалар, шайхлар ва эшонлар хоннинг махсус иноятномалари асосида барча солиқлардан озод қилинганлар. Шунингдек, хонзода ва тўралар, баъзи қози, раис, амин, дарвеш ва сўфилар ҳам таноб солиғидан озод қилинган.

Солиқлардан ташқари аҳоли мажбурий равишда турли ишларга – каналлар қазиб, ариқларни тозалаш, ободончилик ишлари, турли қурилишларга, айниқса, ҳукмрон табақаларнинг хизматларига жалб этилган. Солиқ, тўлов ва мажбуриятларнинг йилдан йилга ошиб бориши натижасида Қўқон хонлигида халқнинг норозилиги ортиб бориб, хонликдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви давлатнинг сиёсий инқирозини таъминлаб берган эди.

Хунармандчилик ва савдо-сотик. Қўқон хонлигида мамлакат пойтахти ва бошқа кўплаб шаҳарлар аҳолисининг асосий қисми хунармандчилик ва қосибчилик ва шуғулланганлар. Хунармандчилик шаҳарларда ихтисослашган кўринишга эга бўлиб, буюмларнинг бир тури ва бирор қисмини ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар мавжуд бўлган. Хунармандлар ўз касбларининг сир-асрорларини мукамал ўзлаштирган моҳир усталари бўлиб, ишлаб чиқарган маҳсулотларини юксак санъат даражасига кўтарганлар.

Хонликнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида хунармандчиликнинг тараққиёти бир хил бўлган бўлса-да, ишлаб чиқариш ўзининг айрим хусусиятлари, яъни, маҳсулотнинг тури, сифати билан ажралиб турган. Хунармандчиликнинг темирчилик, заргарлик, тўқувчилик, дегрезлик, кулолчилик, мисгарлик ва бошқа тармоқлари кенг ривожланган бўлиб, хонликнинг ҳар бир шаҳри муайян соҳада ишлаб чиқарган маҳсулоти билан донг таратган. Мисол учун, Қўқон шаҳри заргарлик ва қоғоз ишлаб чиқариш, Шаҳрихон ва Чуст тикувчилик ҳамда темирга ишлов бериш, хусусан, пичоқчилик, Марғилон, Наманган ва Андижон эса ипак газламалари, Тошкент ўзининг тикувчилик, тўқувчилик, чўян, темир-мис маҳсулотлари билан машҳур бўлган.

Бутун хонлик ҳудудида ишлаб чиқариш қўл меҳнатига асосланган бўлиб, асосий хунар турлари – ип ва ипак матолар тўқиш, оёқ кийим тайёрлаш, терига ишлов бериш, кулолчилик маҳсулотлари тайёрлаш, темирчилик, эгар-жабдуғ ясаш, бўёқчилик, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик, аравасозлик, ҳарбий қурол ишлаб чиқариш, ўймакорлик, мум ишлаш, писта кўмир тайёрлаш, каштачилик, дўппичилик, пичоқчилик кабилар эди. Ундан ташқари, хонга тегишли порох ишловчи ва қоғоз тайёрловчи устахоналар ҳам бўлган.

Хонликда қуролсозликка алоҳида эътибор қаратилган. Бу тармоқ шаҳар хунармандчилик ишлаб чиқаришининг обрўли соҳаларидан бўлиб ҳисобланган. Қўқон шаҳрида замбараклар, милтиқлар, қиличлар, пичоқлар, ханжарлар, қалқонлар, найзалар ва бошқа ҳарбий анжомлар тайёрланган.

Хонликнинг хунарманд-қосибчилиги серқирра ва мазмунан бой бўлиб, ижтимоий ҳолатига кўра хунармандлар иккита – юқори ва қуйи табақаларга бўлинган. Юқори табақа вакилларига ўз устахонаси, меҳнат қуроллари ва хом



ашёсига эга бўлган усталар кирган. Мулкдор табақалар кўлидаги устахоналар ва меҳнат курулларидан фойдаланувчилар, юқори табақага кирувчи усталарнинг кўлларида кунбай ёлланиб ишловчилар қуйи табақа ҳисобланган.

Хонликда ҳунармандчилик ва касиблик ишлаб чиқаришини асосан пахтачилик, ипакчилик, чорвачилик тармоқлари ва ер ости бойликларини қазиб чиқариш соҳалари ҳам ашё билан таъминлаган. Ҳунармандчилик учун зарур бўлган хом-ашёлар хонлик ҳудудидан олинди билан бирга четдан ҳам харид қилинган. Асосий хом ашёлардан бири бўлган олтин Сирдарёнинг юқори оқимидан, Қонсув дарёсидан олинган. Шунингдек Косонсойдан, Қоратоғнинг шимолидаги Кукрев дарёсидан, Чирчиқ дарёси бўйларидан, Бурчмулла ёнидан, Чотқол дарёсининг юқори оқимидан ҳам олтин олинган. Ҳунармандлар темир рудасини Олой тоғ тизмаси этакларидан, кўрғошин ва бошқа маъданларни Қоратовдан қазиб олганлар. Манбаларга кўра, ер ости бойликларини қазиб чиқариш шунчалик содда ва кам бўлиб, у эҳтиёжни талаб даражасида қондира олмаган. Шунинг учун ҳам аксарият металллар Россиядан олиб келинган.

Кўқон хонлиги ҳаётида ички ва ташқи савдо муносабатлари алоҳида аҳамиятга эга эди. Ички савдо – ўтроқ деҳқонлар, кўчманчи чорвадорлар ва шаҳар-кишлоқ ҳунармандлари ўртасидаги анъанавий маҳсулот айирбошлашга асосланган. Аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар билан таъминлаб турилган. Барча ички савдо чакана бўлиб, улгуржи савдо деярли бўлмаган.

Ҳунармандлар ва касиблар савдо орқали яқин алоқада бўлганлар. Ҳунармандлар аксарият ҳолларда ўз маҳсулотларини ўзлари сотганлар. Деҳқон ва чорвадорлар эса, ҳафтанинг муайян кунлари ўз молларини бозорга олиб чиққанлар. Бозорлардаги нарх-наво бир хилда турмаган. Нарх-наво хонликдаги тинчлик-осойишталик, урушлар, об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида ҳосилдорликнинг пасайиши каби омилларга қараб ўзгариб турган.

Кўқон хонлигининг энг асосий савдо ва тижорат маркази Кўқон, Тошкент, Марғилон, Андижон, Хўжанд, Наманган, Ўш, Ўратепа каби шаҳарлар бўлиб, улар орасида Кўқон нафақат хонлик, балки бутун Ўрта Осиёнинг савдо марказларидан бири ҳисобланган. Маълумотларга кўра, Кўқон бозорлари ўзининг маҳсулотларга бойлиги ва нарх – навонинг бошқа шаҳарларга нисбатан анча арзонлиги билан ажралиб турган. Шаҳарнинг деворлар билан ўралган катта бозорлари маҳаллий аҳоли ва четдан келган савдогарлар билан доимо гавжум бўлган. Рус манбаларида келтирилишича, XIX асрнинг 20-йилларида Кўқонда олти бозор бўлиб, улар якшанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ишлаган. Бу бозорларда қаттиқ назорат ўрнатилган бўлиб, харидор ҳаққига хиёнат қаттиқ жазога тортилган.

Кўқон хонлигининг иқтисодий ҳаётида ташқи савдо ҳам муҳим аҳамият касб этган. Мамлакат ғарб ва жанубда Бухоро, Хива, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, шарқда Хитой (Қашғар орқали), шимолда Дашти Қипчоқ кўчманчилари ва айниқса Россия билан кенг савдо алоқалари ўрнатган.



Айрим манбаларда хонликда япониялик ва англиялик савдогарлар келганлиги эслатиб ўтилади.

Хонликдан чет элга асосан ипак ва ипак матолар, пахта, чарм, кимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш, заргарлик буюмлари ва бошқа маҳсулотлар чиқарилган. Чет элдан асосан чой, металл, чинни, уй-рўзғор буюмлари, тайёр газлама, кийим-кечак, пойифзал ва бошқалар келтирилган.


Хонликнинг савдогарлари Бухоро ва амирлик чегараларидаги шаҳарлар билан мунтазам савдо алоқалари олиб борганлар. Ҳар иккала давлатнинг савдогалари савдо ишларида фаол иштирок этиб, кўқонлик савдогарлар Бухоро амирлигига хўжалик ҳаётда зарур бўлган рус темири, пўлат ва чўяндан ясалган буюмлар, тамаки, рўмол, гуруч ва баъзи хитой ёки маҳаллий ипак газламалари, чой, чинни идишлар олиб боришган бўлса, бухоролик савдогарлар эса Кўқонга хинд чойи, сурп мато, ҳарир, буёк, афюн (тарёк), зардўзлик маҳсулотлари, ип ва газлама олиб келишган.

Рус чйти Бухоронинг Кўқон хонлиги билан савдосида алоҳида ўрин эгаллаган. Бу мато Оренбург ёки Петропавловскдан Казалинскка, ундан Бухоро, Самарқанд ва Хўжанд орқали Кўқонга олиб келинган. Шунингдек хонликда Машҳаддан олиб келинадиган инглиз газламалари, оз миқдорда бўлса ҳам Қобулнинг тўн ва саллалари, хинд атторлик моллари ҳам келтиришган.

Кўқон хонлигининг Қашғар билан савдо муносабатлари худди Бухоро амирлиги каби бўлиб, Қашғардан Кўқонга афюн, чинни идишлар, кумуш, хитой ипак матолари, тола ва гиламлар олиб келинган. Қозоқ жузларининг Россияга тобе этилиши ҳукмдор табақалар ўртасидаги ўзаро урушларнинг тўхташига сабаб бўлди ва бу ҳолат Ўрта Осиёнинг, жумладан, Кўқон хонлигининг Сибир, Урал, Волга бўйи билан савдо алоқларига кенг йўл очди.

Холик Ҳиндистон билан ҳам мунтазам савдо алоқларини олиб бориб. Манбалар маълумотларига кўра, Ҳиндистондан йилига Кўқон, Тошкент, Бухоро ва Қашғарга Қобул орқали 10.000 дан 15.000 туягача маҳсулот юборилган. Улар орасида ип газламалар, ипак, эчки жуни, отлар ва бошқалар чиқарилган. Отлар савдонинг катта фойда келтирадиган манбаларидан бири бўлган. Хинд савдогарлари хонликдаги шаҳарларда яшаб тижорат ва ҳатто, судхўрлик билан шуғулланганликлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Кўқонликнинг ташқи алоқаларида Кўқон-Россия савдо муносабатлари ҳам алоҳида ўрин тутган. Манбаларга кўра, 1861 йилдан кейин рус саноатининг жадал ривожлана бошлаганлиги хом ашё базаси ва ташқи бозорга бўлган эҳтиёжнинг янада кучайганлиги Россиянинг Кўқон бозорини фаол эгаллаб, ундан чексиз фойдаланишнинг асосий сабабларидан бири бўлган. Россиядан Кўқонга темир, мис, пўлат, чўян ва темир буюмлар, чит ва сифатсиз газламалар, оз миқдорда бахмал, шакар, ойналар, чарм, Россияга тобе бўлган қозоқ чўлларида кўйлар ва унинг териси, чарм ва чарм маҳсулотлари, кигиз олиб келинган. Хонликдан эса Россияга асосан пахта олиб чиқилган.



Меъморчилик ва амалий санъат. XVIII асрнинг иккинчи ярми - XIX аср бошларида Қўқон хонлиги кучли марказий ҳокимиятга эга бўлган марказлашган давлат сифатида қарор топиши натижасида иқтисодиётнинг бирмунча жонланиши маданий ҳаётга таъсир этмай қолмади. Мамлакат пойтахти Қўқон ва бошқа шаҳарларда бир қатор меъморчилик обидалари, йўллар, кўприклар, ҳаммомлар қурилди, амалий ва ҳаттотлик санъати ривож топди. XIX асрнинг биринчи ярмида хонликда Умархон, Муҳаммадалихон, Нодирабегим, Худоёрхон, Султон Муродбек, Султон Сайидхон, ҳарбий бошлиқлардан Мусулмонқули, Алиқули, Холмуҳаммад мингбошилар ва замонасининг илғор, маърифатли кишилари томонидан меъморий обидалар қурдирилди, шаҳарсозлик тез суръатлар билан ривожланди. Меъморчиликда асосий эътибор мадрасалар, масжидлар, хонақолар, дарвеш ва қаландарлар учун такяхоналар, қорихоналар, сардобалар, кўприклар, ҳаммомлар, бозор расталари барпо этиш ишларига қаратилган.


Меъморчилик иморатларининг маркази Қўқон шаҳри бўлиб, 1842 йилги маълумотларга кўра, бу ерда 15 та мадраса мавжуд бўлиб, энг кўзга кўринганлари Ҳаким тўра, Моҳлар ойим, Муҳаммадалихон, Норбўтабек, Жомий, Олий, Султон Муродбек, Хўжа додхоҳ, Минг ойим мадарасалари бўлган. Шаҳар маркази Чорсуда тўртта йирик мадраса қад кўтарган. Ушбу мадрасаларнинг 38 тадан 108 тагача ҳужраси бўлган.

Бу даврда Тошкент шаҳрида ҳам бир қанча мадрасалар барпо этилган. Жумладан, Умархон даврида Тинчбоф гўзарида Шукурхон мадрасаси, Қўқча даҳасида Эшон Бўрихўжа Санчикмони мадрасаси қурилган. Кейинроқ Муҳаммадалихон фармони билан шаҳар регистонида мадраса қад ростлаган ва унга Мир Иноятуллоҳ бош мударрис этиб тайинланган. Исохўжа мадрасаси, Чархчикўча мадрасаси, Маҳмуд дастурхончи мадрасалари ҳам шу даврда бунёд этилган.

Шунингдек, Марғилонда Саидахмадхўжа мадрасаси, Андижон шаҳри атрофида Отақўзи мадрасаси, Мирзақули Бўлиш мадрасаси кабилар қурилган. Умуман олганда, хонликнинг Қўқон, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Ўратепа, Марғилон, Туркистон каби шаҳарларида 200 дан ортиқ мадрасалар барпо этилган.

Хонликда Жоме (жума ва ҳайит намозларини ўқиш учун) ва маҳалла (беш вақт намоз ўқиш учун) масжидлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилган. Жоме масжидлари ўзининг салобатлиги билан ажралиб турган. Улар баланд гумбазли ва текис шифтли бўлиб, ҳар иккала турдаги бинонинг ички кўринишидаги шифтига ва ташқи кўринишидаги гумбаз беагага алоҳида эътибор берилган. Масжидлар биносининг қурилиши ва уларнинг таъмири асосан вақфлар ҳисобидан амалга оширилган.

Қўқон хонлигида мақбаралар хонлар, саййид ва хўжалар қабрлари устида барпо қилинган ва уларнинг қурилиши ҳамда таъмирланиши савобли ишлардан ҳисобланган. Шунингдек мақбаралар қурдириш обрў орттириш воситаси ҳам бўлган. Фарғона водийсида XVIII – XIX асрларда қурилган



мақбараларнинг ички кўринишида XI – XII асрларга хос анъаналар кўзатилади.

Хонлик меъморчилиги тарихида жамоат бинолари сирасига кирувчи ҳаммомлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳаммомлар пишиқ ғиштдан, бир неча гумбазли қилиб қурилган ва улар эгасининг номи билан аталган.


Хонликда меъморчиликнинг ривожланиши савдо-сотик муносабатлари билан боғлиқ бўлган иншоотлар қурилишида ҳам кузатилади. Хонлик ҳудудларида марказий йўллар бўйлаб работ ва карвонсаройлар фаолияти давом этган, бозорлар ривожланган. Жумладан, Тошкентда Чорсу бозори саккизта кўчани бирлаштирган. Бу бозор ўнга яқин савдо майдонлари ва қирққа яқин савдо – ҳунармандчилик расталарини ўз ичига олган. Расталар кўчанинг икки томони бўйлаб жойлашган ва уларни кўча ўртасини эгаллаган баланд тим бирлаштирган. Тим ёғоч тиркагич ва тўсиқлардан ташкил топган. Бундай бино ва иншоотлар ҳукмдорлар, алоҳида амалдорлар ва шахслар томонидан қурдирилган.

Хонлик меъморчилигига ёғоч, темир, пишиқ ёки хом ғишт, юпқа сопол ғишт, ганч, мрамар, харсанг тош, соғ тупроқ ва оҳак асосий қурилиш материаллари бўлган. Темир ва ёғоч кам бўлганлиги боис қурилишда кўпроқ пишиқ ёки хом ғишт, ганч, тош, лой, сомон ва оҳак ишлатилган. Бинолар пойдеворига харсангтош ёки мрамартош ётқизилган. Қурилишда терак, тол, тут, ёнғоқ, қайрағоч ва арча ёғочларидан кенг фойдаланилган. Пишиқ ғишт, ганч, юпқа сопол ғишtlар махсус хумдонларда пишириб тайёрланган.

Хонликда қурилган биноларнинг умумий тузилиши ва режалаштиришида анъанавийлик сақланиб қолган бўлса-да, Қўқон меъморчилигида ташқи алоқаларнинг ҳам таъсири сезилади. Биноларнинг безакларида ранг-баранг ғишtlар кўп ишлатилган. Шипларга солинган гуллар Ўрта Осиёдаги қадимий ёдгорликлардан ўзининг жимжимадорлиги, бўёғининг ёрқинлиги, уларнинг баъзан кўзни қамаштирадиган даражада аралаш – қуралаш бўлиб кетганлиги билан фарқ қилган.

Қўқон хонлигида қурилиш ва меъморчилик билан бирга амалий санъат ҳам ривож топган. Хусусан, амалий санъатнинг наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги соҳалари юксак даражада тараққий этган бўлиб, уларда меъморчиликда кенг фойдаланилган. Амалий санъатнинг юқори даражаси Худоёрхон саройида, Олтиарикдаги Дўсти Худо масжида айвонида ишланган нашқларда Андижон атрофидаги Отақўзи мадрасаси безакларидаги ислимий нақшларда, Чодак масжидининг ёғоч ва ганч ўймакорлигида, Риштондаги Хўжа Илғор масжидининг шифт безакларида яққол кўзга ташланади.

Қўқон хонлиги меъморчилиги ва амалий санъатида бутун Ўрта Осиё учун хос бўлган анъанавий услублар билан бир қаторда маҳаллий хусусиятлар ҳам сақланган. Қўқон, Тошкент меъморчилик мактабларининг вакиллари жамоат биноларини қуриш ва уларни безашда, нақшлар танлашда ўз мактабларининг анъаналарини такомиллаштирганлар ҳамда ривожлантирганлар. Қўқон ва Тошкентнинг маҳаллий меъморчилик мактаблари ўзларининг кенг режали, ҳажмли манзаралари, безак ва жиҳозларнинг ғоят нафислиги, рангларнинг



шўхчанлиги, ҳамда ёғоч ва ганч ўймакорлиги билан ажралиб туради. Хонлик меъморчилигида чиройли қилиб айлантириб урғу берилган, ичига ислимий нақшлар туширилган, кўпроқ қизил ҳамда яшил бўёқлар билан жилоланган безаклар кўпчиликини ташкил этади.


Бу даврда хонликда ҳаттотлик ва китобат санъати ҳам ривож топган эди. Қўқон хонлигининг ўз ҳаттотчилиқ мактаби бўлиб, мамлакатда кўплаб ҳаттотлар яшаб, ижод қилганлар. Ҳаттотларнинг аксарияти шоир, тарихчи бўлган ёки миниатюра санъати билан шуғулланган. Қўқонлик Мухуммад Латиф, Абдулғози Хўжа Хўқандий, Мирзо Бобокалон Хўқандий, Аҳмаджон котиб, Абдуғафур ҳаттот, Мирзо Шариф Дабир, тошкентлик Мухаммад Юнус Тойиб Тошкандий, Абдулваҳобхўжа муҳркан, эшон Абдусамиъхўжа Хатиб ўғли кабилар кўзга кўринган ҳаттотлардан бўлган. Бу ҳаттотлар насх, шикаста, настаълиқ каби ёзув усуллари пухта эгаллаганлар. Ҳаттотлик санъати асосан Қўқон, Тошкент, Андижон, Хўжанд, Ўратепа каби шаҳарларда кўпроқ ривож топган.

Илм-фан. Тарихнавислик. Сўнгги ўрта асрларга келиб Ўрта Осиёнинг деярли барча ҳудудларидаги илм-фан, таълим ва маърифат соҳаларида диний таълимотлар ҳукмронлик қила бошлади. Бошланғич мактабларда ҳам, мадрасаларда ҳам асосий эътибор диний таълим беришга қаратилган. Диний фанларни ўқитиш мадрасаларнинг асосий вазифаси ҳисобланиб, дунёвий фанлар, айниқса, табиий фанлар тараққиётида бир мунча турғунлик кузатилади. Маданий ҳаётда юзага келган бундай вазият Қўқон хонлигидаги илм-фаннинг аҳволига, айниқса, бу соҳа ривожининг бирёқламалиқ хусусиятига сабаб бўлган эди.

Бу даврда аниқ ва табиий фанларнинг хўжалиқ ва маиший ҳаётда, яъни амалиётда қўлланиладиган соҳаларигагина эътибор қаратилган. Кундалиқ турмушда тиббиёт, меъморчиликда математика ва ҳандаса, суғорма деҳқончиликда ўсимликшунослик, гидрология ва муҳандислик илмидан фойдаланилган. Шунга кўра, хонликда аниқ ва табиий фанлардан тиббиёт, география, табиатшунослик фанлари билан шуғулланган олимларни кўрсатиш мумкин.

Тошкентлик Мухаммад Солиҳ (Қарохўжа эшон домла) ўлкашунос-географ, табиатшунос-зоолог олим сифатида ижод қилган. У ўзининг “Тарихи жадидаи Тошканд” (“Тошкентнинг янги тарихи”) асарида Тошкент шаҳри ва воҳасининг географияси, топонимикаси, ўсимлик оламини ёритган. Табобат билан шуғулланган Мулло Аваз Мухаммад тиббиётга оид “Маварих ал-қулуб” (“Қалблар сурури”) номли асар муаллифидир. У табиб сифатида беморларини ўтлар (гиёҳлар) ёрдамида даволаш билан ҳам машҳур бўлган.

Хўжандлик Ҳожи Юсуф Ҳайъатий эски мактабда таҳсил олиб, ўзи мустақил равишда астронимия, табиат, география фанларини ўрганган. Дунёнинг кўпгина мамлакатларига саёҳат қилган Ҳожи Юсуф узоқ йиллар давомида ўзининг “Фалакиёт” номли асарини яратган. Аммо ушбу асар бизнинг кунларимизгача етиб келмаган. Қўқонлик Мухаммад Ҳакимхонтўра ўзининг “Мунтахаб ут-таворих” (“Сайланган тарихлар”) асарида Туркистонга



оид географик ва сейсмологик маълумотлар бериб, 1823 йилда Фарғонада берган zilzila ҳақида батафсил баён қилган. Унинг географияга оид маълумотлари эса Ўрта Осиё географик адабиётининг саргузашт-саёҳат жанри бўла олади.

Умуман олганда, хонликда аниқ ва табиий фанлар ўз ривожига давр талабларидан орқада қолиб кетган бўлса-да, ижтимоий -гуманитар фанлардан тарих ва тарихнавислик, адабиёт кўпроқ ривожланди. Қўқон тарихнавислик мактабига мансуб асарлар шеърӣ ёки қисман шеърӣ услуб йўлида ёзилганлиги билан ажралиб туради. Гарчи бу даврда яратилган тарихий асарларда мактов, баландпарвоз гаплар, ҳукмдор шахсини улуғлаш каби хусусиятлар кўзга ташлансада, бу асарлар ўз даврининг маҳсули сифатида, ўша давр ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалар сифатида жуда қимматлидир.


Булар қаторига Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шоҳруҳӣ”, Мирза Олим ибн Мирза Раҳим Тошкандийнинг “Ансаб-ул салотин ва таворих ул-хавоқин”, Отабек Фозил ўғлининг “Муфассал тарихи Фарғона”, Акмал Шермуҳаммад Хўқандийнинг “Амирнома”, Фазлий Фарғонийнинг “Умарнома”, Мирзо Қаландар Мушрифнинг “Шоҳномаи Нусратпаём”, Муҳаммад Ҳакимхонтўранинг “Мунтахаб ат-таворих”, Мулло Аваз Муҳаммаднинг “Тарихи жаҳоннамоӣ”, Тохири Хўжандийнинг “Ғаройиби сипоҳ” каби кўплаб тарихий асарларни киритиш мумкин.

Адабиёт. Қўқон хонлиги маданий ҳаётида адабиётнинг ўрни айниқса юқори эди. Шунинг учун адабиёт ривожига катта таъсир кўрсатган Қўқон адабий муҳитининг шаклланиши хонликда маданият тараққиётини белгиловчи муҳим мезон бўлди.

Истеъдодли шоир ва шоиралар, ёзувчилар, яъни ўз илмининг усталари томонидан шаклланган Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос хусусияти – унинг вакиллари икки йўналишда ижод қилганликларидир. Биринчи йўналишга мансуб ижодкорлар сарой шоирлари бўлиб, уларнинг асарларида бой табақа вакиллари мадҳ этилган. Иккинчи йўналиш вакилларининг асарларида эса халқнинг орзу умидлари, интилишлари, дарду-ҳасратлари ўз ифодасини топган. Ҳар иккала йўналиш вакилларининг умумий жиҳати ҳам мавжуд бўлиб, бу уларнинг асарларида Ватан тимсоли, унга муҳаббат ҳиссининг илгари сурилганлигидир.

Қўқон адабий муҳитининг вакиллари ва асарларидан Амирий таҳаллуси билан фалсафӣ ва лирик ғазаллар битган Умархонни, Фазлий ва Мушриф томонидан ёзилган “Мажмуат уш-шуаро”(“Шоирлар тўплами”) тазкирасини, Ҳувайдонинг “Девони Ҳувайдо”, “Роҳати дил” асарларини, Гулҳаний ва Махмур асарларини, Муҳаммад Юнус Тоиб, Муҳсиний, Насимий, Хўқандий, Нодир, Нозил, Писандий, Нодирабегим, Увайсий, Анбар отин, Дилшод, Зебунисо каби кўплаб шоир ва шоираларини келтириш мумкин.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Қўқон хонлигидаги адабий муҳит ва маданий ҳаётни шакллантиришда темурийлар даврига тақлид яққол кўзга ташланади. Буни ҳукмдор Умархон даврида шаклланган, унинг бошчилигида



фаолият кўрсатган адабий муҳит ва адабиёт намоёндалари мисолида яратилган асарларнинг шакли ва жанрларида кўриш мумкин. Маданий ҳаёт ва адабий муҳитда ҳам минг сулоласини улуғлашга интилиш устунлик қилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қўқон хонлиги ноҳоятда мураккаб, сиёсий курашлар авж олган бир даврда вужудга келиб, шаклланди. Чунки, хонлик ташкил топган давр Ўрта Осиёда буюк империялар даври ўтиб, маҳаллий йўлбошчи сулола вакиллари турли йўллар билан ҳокимиятни қўлга олиб, қабилавий конфедерация асосида давлат туза бошлаган даврга тўғри келди. Урушлар ва ўзаро курашларга бой бўлган Қўқон хонлиги давлат бошқарув шаклига кўра мутлақ монархия бўлиб, мамлакатда мулкдор табақалар, етакчи уруғлар (минг, қипчоқ, қирғиз, сарой)ларнинг зодагонлари, руҳонийлар, айниқса саййидлар ва хўжалар юксак мақомга эга эдилар.

XIX аср ўрталаридаги сиёсий бошбошдоқлик, ўзаро уруш ва низолар мамлакат ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, Қўқон хонлиги ҳаётининг барча соҳаларида тушкунлик даври бошланади. Бундан унумли фойдаланган Россия империяси “ўз чегараларида” тинчликни ўрнатиш баҳонасида хонлик ҳудудларини босиб олди ва унинг ўрнига 1876 йилда Фарҳона вилояти ташкил топди. Шунга қарамасдан, Қўқон хонлиги минтақадаги йирик давлатлардан бири сифатида ўзига хосликларга эга бўлиб, Ўзбекистон давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутди.

Қўқон хонлиги ҳукмдорлари¹

Шохруҳбий – 1709-1721 йй.

Абдурахимбий – 1721-1733 йй.

Абдукаримбий – 1733-1750 йй.

Абдурахмонбий – тўққиз ой ҳукмронлик қилган

Эрдонабий – 1751-1753йй.

Бобобек – 1753-1754 йй.

Эрдонабий (иккинчи марта) – 1755-1769 йй.

Сулаймонбек – 1769 йилда олти ой ҳукмронлик қилган

Норбўтабек – 1770-1801 йй.

Олимхон – 1801-1810 йй.

Умархон – 1810-1820 йй.

Муҳаммад Алихон – 1821-1842 йй.

Бухоро амири ноиби Исҳоқ манғит – 1842 й. Уч ой.

Шералихон – 1842-1844 йй.

Худоёрхон – 1845-1858, 1863(тўрт ой), 1865-1875 йй.

Маллахон – 1858-1862 йй.

Шохмуродбек – 1862-1863 йй.

Султон Муродхон – 1863-1865 йй.

Насриддинбек – 1875-1876 йй.

¹ Сағдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи:..., 233-б. Қисман ўзгартириш киритилди.



Қўқон хонлигидаги сарой унвонлари ва мансаблари¹

Олий даражали Ўрта даражали Паст даражали

Оталиқ
Бекларбеги
Бий
Девонбеги
Хазиначи
Иноқ
Эшикоғаси
Парвоначи
Дадхоҳ
Дастурхончи
Саркор
Шарбатдор
Офтобачи
Тунқатор
Қушбеги
Ҳидоятчи

Китобдор
Рисолачи
Баковул
Мирзабоши
Сармунши
Меҳтар
Закотчи
Мироҳўр
Шиғовул
Мироб
Доруғабоши

Саломоғаси
Мирзо
Жаъмоға
Мунши
Сурнайчи
Карнайчи
Дафчи
Човкучи
Шотир
Эгарчи
Жиловдор
Жарчи

Қўқон хонлигидаги ҳарбий-маъмурий мансаблар ва унвонлар


Олий даражали Ўрта даражали Паст даражали


Мигбоши
Амирилашкар
Қушбеги
Ботирбоши
Ноиб
Қалъабон
Қўрбоши
Ёвар
Тўпчибоши
Пансадбоши


Юзбоши
Элликбоши
Даҳбоши
Қоровулбеги

Аскар
Сарбоз
Навкар
Мерган
Маҳрам
Ботур
Жазоилчи
Тўпчи
Занбари
Қўрчи
Коровул

¹ Сағдуллаев А. С. ва бошқ.,..., 234 - б.










5-§. Хива хонлиги

Хива хонлигининг ташкил топиши ва сиёсий тарихи. 1510 йилда Шайбонийхон вафотидан сўнг Хоразм худуди Эрон шоҳи Исмоил томонидан бўйсундирилди. 1510-1512 йилларда Хоразмни Эрон шоҳининг ноиблари идора қилдилар. Аммо, 1512 йилда Хоразм худудларида эронийларга қарши халқ ҳаракатлари бошланди. Ушбу ҳаракатга Вазир шаҳрининг (Устюртда, Кўхна Урганчдан 60 км узоқликда жойлашган бу шаҳарни XVасрда ўзбек хонлардан бўлган Мустафоҳон барпо этган) қозиси Умар Шайх бошчилик қилди. Қўзғолончилар Хоразмнинг Вазир, Урганч, Хива, Хазорасп шаҳарларидаги эроний ноиблар ва уларнинг қўшинларини қириб ташладилар.

1512 йилада Хоразмнинг обрўли шайхларидан бўлган Шайх Ота авлодлари кўчманчи ўзбекларнинг Берка султон авлодидан бўлган Элбарсхонга мактуб йўллаб, уни Хоразм тахтига таклиф қилдилар. Элбарсхон тахтга ўтиргач, эронийларни мамлакат худудидларидан бутунлай ҳайдаб чиқариб, амалда мустақил хонликка асос солди. У мамлакат худудларини ҳозирги Туркманистоннинг жанубий қисми, Эроннинг шимолидаги Серахс вилояти, Манғишлоқ, Абулхон, Дурун ҳисобига анча кенгайтди. Аммо, ўзбек султонлари ва шаҳзодалар ўртасида сиёсий бирлик йўқ эди. Тез орада улар ўртасида ҳокимият учун ўзаро курашлар авж олиб кетди. Ушбу курашлардан фойдаланган Бухоро ҳукумдори шайбоний Убайдуллахон 1537 – 1538 йилларда, қисқа муддат Хоразмни эгаллашга муваффақ бўлди. Мағлубиятга учраган Аванишхон оиласи билан шайбонийлар томонидан қатл этилди.

Убайдуллахоннинг ҳукумронлиги узоққа чўзилмади. Убайдуллахон зулмига чидай олмаган хоразмликлар Анушахоннинг ворислари бошчилигида бухороликларга қарши қўзғолон кўтардилар. Убайдуллахон 1538 йилда яна Хоразмга қўшин тортди. Хазорасп билан Хива шаҳарлари оралиғидаги Кардаронхос деган жойда Бухоро қўшинлари мағлубиятга учради. Шайбонийлардан озод бўлган Хоразмда энди ички курашлар авж олиб кетди. Шунингдек, Урганч, Кат, Янги шаҳар, Хива, Хазорасп каби шаҳарлар ва вилоятлар ҳукмдорларининг марказдан қочувчи ҳаракатлари кучайиб, улар амалда ўзларини мустақил ҳисоблар эдилар. Айрим шаҳарлар бир вақтнинг ўзида иккита ҳукмдор томонидан (мас., Хивада Пўлат Султон ва Темир Султон) бошқарилди. Ўзаро курашлар айниқса Элбарсхон ва Анушахон авлодлари ўртасида кучайиб кетди. XVI асрда Абдулғозий маълумотларига кўра, бундай курашлар натижасида қисқа муддатга ҳокимиятдан ўнлаб хонлар алмашганлар. Натижада марказий ҳокимият деярли инқирозга учраган эди. Ўзаро курашлар ва сиёсий танглик, ўз навбатида иқтисодий ҳаётнинг ҳам издан чиқишига сабаб бўлган эди.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Хожимхон (Хожи Муҳаммадхон, 1558-1593, 1598-1602 йй.) ҳукмронлиги даврида Хоразмдаги ўзаро урушларга бироз барҳам берилиб тинчлик ва осойишталик ўрнатилди. Суғориш ва деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо содиқ ишларига жиддий эътибор қаратилиб, ташқи савдо ҳамда муносабатлар ривож топди. Хожимхон




хукмронлиги даврида пойтахт Урганчдан Хивага¹ кўчирилади (айрим манбаларда XVI асрнинг 70-йилларида, айримларда эса 90-йилларда). Бунга асосий сабаб Амударё ўзанининг ўзгариб Касбий денгизга оқмай қўйиши натижасида Урганч ва унинг атрофларидаги сув танқислиги бўлса, иккинчидан, Хиванинг бу даврда сиёсий ва иқтисодий мавқеи анча кучайиб, асосий савдо марказига айланиши яна бир сабаб эди. Пойтахт Хивага кўчирилганидан сўнг давлат ҳам Хива хонлиги деб атала бошланди.

Бу орада Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II Шайбонийлар давлатини қайта тиклашга муваффақ бўлиб Хоразм худудларини яна Шайбонийлар тасарруфига олиш учун ҳаракат бошлади. Чунончи, бир неча юришлардан сўнг 1593 йилда Хоразм яна Шайбонийлар қўлига ўтди. Абдуллахондан мағлубиятга учраган Ҳожимхон Хивани ташлаб бир гуруҳ навкарлари билан Эронга қочди ва шоҳ Аббос саройидан паноҳ топди. 1598 йилда Абдуллахон II вафот этганидан сўнг Ҳожимхон шоҳ Аббосдан руҳсат олиб Хоразмга қайтди. Янги шароитда у Урганч билан Вазирни бошқаришни ўзига олиб Хива билан Катни Араб Муҳаммадхонга, Ҳазораспни Исфандиёр Султонга берди. 1600 йилда Ҳожимхон Урганч ва Вазир қалъалари бошқаришини Туркиядан келган ўғилларига топшириб, ўзи Хива кичик ўғли Араб Муҳаммадхон билан қолади. 1601 йилда Ҳожимхон 83 ёшида вафот этгач, тахтга унинг ўғли Араб Муҳаммадхон (1602-1623 йй.) ўтирди.

Араб Муҳаммадхоннинг дастлабки ҳукмронлиги йилларида тожу-тахт учун курашлар давом этди. Хусусан, 1605 йилда найман уруғи вакиллари Элбарсхон авлодига мансуб Хусрав Султонни тахтга ўтказишни режалаштирадилар. Аммо, бу фитна ошқор бўлиб, Хусрав Султон қатл эттирилади. Орадан икки йил ўтгач, уйғур оқсоқолларининг маслаҳати билан Солиҳ Султон деган кимса тахтга давогар бўлади, бу исён ҳам бостирилиб, Солиҳ Султон ўлдирилди.

1616 йилга келиб тахт ва мансаб таллашиш можароларига Араб Муҳаммадхоннинг ўғиллари ҳам қўшилдилар. Унинг Исфандиёрхон, Ҳабаш, Элбарс, Абдулғози, Шариф Муҳаммад, Хоразмшоҳ ва Афғон Султон исмли 7 нафар ўғли бор эди. Исфандиёр Ҳазораспда, Абдулғозий Султон Катда, Ҳабаш билан Элбарс султонлар Вазир ва Урганч ҳокимлари этиб тайинланган эдилар. Хон фарзандларининг ҳар бири тахтга давогар эди. Айниқса Ҳабаш султон билан Элбарс султонларнинг ҳаракатлари кескин эди. Ота – болалар ўртасидаги зиддиятлар кучайиб охир - оқибатда қонли урушга айланди. 1621 йилда Тошли Ёрилиш ариғи (Хива яқинида) ёнида Араб Муҳаммадхон ва унинг ўғиллари Ҳабаш ҳамда Элбарс султон қўшинлари ўртасида жанг бўлди. Исфандиёр ва Абдулғозий султонлар отаси томондан туриб курашган бўлсаларда, бу жангда Араб Муҳаммадхон енгилди. Араб Муҳаммадхон аввал кўзлари кўр қилиниб Хивага жўнатилади. 1623 йилда эса Қум қаъласи яқинида Араб Муҳаммадхон хотинлари, ёш ўғиллари ва иккита набираси билан ўғиллари Ҳабаш ва Элбарс султон томонидан ўлдирилди. Исфандиёр Эронга

¹ Хиванинг пойтахтга айланганлиги санаси тўғрисида - 1556 й, 1598 й, 1602-1621 йй., 1611-1611 йй., 1610-1612 йй., 1557-1603 йй. каби фикрлар мавжуд




(гарчи унга Маккага боришга рухсат берган бўлсада), Абдулғозий Бухорога қочиб, жон сақладилар.

623 йилда отасининг қатл этирилганлигини эшитган Исфандиёрхон Дурун шахри, Абдулхон тоғларидан, туркманларнинг така, ёвмут, сариқ уруғларидан кўшин тўплаб Урганчга юриш бошлади. Урганч яқинида Исфандиёрхон ва Ҳабаш – Элбарс кўшинлари ўртасида 23 кун давом этган жангда бирлашган ака – укалар кўшинлари Исфандиёр кўшини томонидан тор – мор этилди. Элбарс қўлга олиниб қатл этилди. Ҳабаш Сирдарё бўйларидаги қорақалпоқлардан нажот сўради. Аммо, у бу ердан бошпана тополмади ва навкарлари билан қўлга олиниб, Исфандиёрхонга топширилди ҳамда уларнинг барчаси қатл этилди.

1623-1643 йиллар давомида Хива хонлиги тахтини Исфандиёрхон бошқарди. Ўзининг йигирма йиллик давлат бошқарувини Исфандиёрхон туркман қабила бошлиқларига таяниб олиб борди. Хонликнинг юқори лавозимларига туркманлар тайинланиб, уларга катта имтиёзлар берилди. Натижада ўзбек уруғларнинг Исфандиёрхон сиёсатига қарши норозилиги кучайиб борди. Исфандиёрхон тахтга ўтирган йилиёқ найман уруғларини қирғин-барот қилди. Хонликдаги ўзбек уруғлари уч бўлакка бўлиниб, бири – Манғит, бири – Қозоқлар юрти ва яна бири Моваруннахрга кўчиб кетди. Орадан кўп ўтмасдан ўз юртига қайтиб келган ўзбеклар Исфандиёрхон томонидан қиличдан ўтказилди.

Исфандиёрхон хонлиги даврида ҳам Хоразмда тинчлик ва осойишталик ўрнатилмади. Тожу-тахт учун курашлар илгариги даврлардагидек давом этди. Хонликдаги сиёсий ҳокимиятни туркманлар қўлига бериб қўйган Исфандиёрхондан норози бўлган кучлар уни тахтдан четлатиш режаларини туздилар. Бу кучларга хонинг укаси Абулғози бошчилик қилди. Шунингдек, Амударёнинг Оролга қўйилиш жойида (Орол бўйи)да истиқомат қилган ўзбеклар (бу ерда ўзбек қўнғиротлари катта сиёсий мавқега эга эдилар) нинг хонликнинг сиёсий ҳаётига таъсири кучайиб борди.

Манбалар маълумотларига кўра, 1643 йилда Орол бўйи ўзбеклари Абулғози султонни (1643-1663йй.) хон қилиб кўтардилар. Хоразм давлатчилиги тарихида йирик давлат арбоби ва тарихнавис ижодкор сифатида машҳур бўлган Абулғозихоннинг ҳаёт йўли оғир кечган. Абдулғозихон отаси Араб Муҳаммад тахтдан кетгач ўзи тахтга ўтиргунга қадар узоқ йиллар (йигирма йилдан кўпроқ) муҳожирликда яшашга мажбур бўлган эди. У дастлаб Бухоро ҳуқумдори Имомқулихон ҳимоясида, кейинроқ эса, икки йилга яқин қозоқ султони Эшимхон саройида яшаган. Шундан сўнг Тошкентга келиб бу ерда икки йил яшади. Тошкентдан Бухоро орқали Хивага қайтган Абулғозийни Исфандиёрхон босқинчиликда айблаб ҳибсга олади ва Исфохон шахрига Эрон шоҳи ҳузурига бадарға қилади. Исфохон яқинидаги Таборак қалъасида ўн йил асирликда яшаган Абулғози 1639 йилда ўз назоратчилари ёрдамида бандиликдан қочишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг у бир йилга яқин Хуросоннинг Моҳин қишлоғида, икки йилга яқин Манғишлоқ туркманлари орасида яшайди. Кейин уни қалмиқ хони ўз



ўрдасига таклиф этади. Бу ерда Абулғози бир йилга яқин яшагач қалмиқ хон тўплаб берган катта куч билан 1643 йилда Урганчга қайтиб, Орол бўйи ўзбеклари ёрдамида Хива тахтига ўтиради.


Академик Б.Аҳмедовнинг ёзишича, “Абулғози ҳаммаси бўлиб йигирма йил атрофида хонлик маснадида ўтирди. Лекин бошқа ҳукмдорларга ўхшаб ҳузур-ҳаловат кўрмади. Умри кўпроқ уруш – талашларда ўтди.” Манбаларга кўра, Абулғозихон ҳақиқатан ҳам бутун умрини тахт учун кураш ва жангу – жадалларга бағишлаган ҳукмдор бўлган. Аммо, у давлат арбоби сифатида ҳам қобилиятли шахс бўлган. Абулғозихон даставвал хонликда марказлашган бошқарув тизимини мустаҳкамлашга эътибор қаратди. Бу жараёнда у аввало, туркман йўлбошчиларини бошқарув ишларидан четлаштирди. Уларнинг ер – сувлари, мол - мулклари мусодара қилиниб, ўзлари мамлакат ичкарисига сургун қилинди.

Хонликдаги барча лавозимларга ўзбек урғуларининг бошлиқлари қўйилди. Хива тарихчиси Муниснинг маълумот беришича, Абулғозихон маъмурий ислохот ўтказиб, хонликнинг бошқарув тизимини батамом янгитдан ташкил этди. Хонликнинг бошқарув тизимида ўзбек уруғларининг мавқеи ортиб борди ҳамда уларнинг 360 нафар вакили хон саройида турли лавозимларга қўтарилди. Хон янги амалдорлар орасидан энг обрўли 32 нафарини ўз ёнига олди. Мунис таъбири билан айтганда, “андоқким икки шайх ул-ислом, икки қози, бир раис Саид ота авлодидан, бир мутавалли, бир нақиб, тўрт оталиқ, тўрт иноқ, тўрт мироб, тўрт парвоначи, икки оқо, икки арбоб, тўрт чиғатойи иноқи ва бир вазирким, ҳоло меҳтар дерлар ва бир қушбеги, бу иккови ўринсиз хон ҳузурида оёқ устида турадилар”.

Абулғозихон ўзбек қабилаларини ўтроқлаштириш сиёсатини олиб бориш билан бирга, уларни тўрта гуруҳга бўлиб, Бухоро билан чегарадош бўлган Дояхотун (Дарғонота яқинида) дан тортиб, то Оролгача бўлган ҳудудларга жойлаштирди. Шунингдек, Абулғозихон 1645-1650 йилларда Хуросон, Жанубий Туркманистон, Тажан, Мурғоб, Артек, Гурлан, Абулхон ва Манғишлоқ атрофидаги туркманлар устига юришлар уюштирди. Хонлик сарҳадларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Хоннинг топшириғи билан Вазир қалъаси аҳолиси Гурлан қалъаси яқинида тикланган Кичик Вазир қишлоғига кўчирилди. 1646 йилда Абулғозихоннинг буйруғига биноан Урганчарна ариғи қазилади ва унинг яқинида янги қалъа бунёд этилиб, бу қалъага Янги Урганч деб ном берилади. Бу ерга Кўхна Урганч аҳолисининг бир қисми кўчириб келтирилади. 1648 йилда Ғозиобод канали қазилиб, унинг яқинида чегара истехкоми қурилади.

Давлат бошқаруви ва бунёдкорлик ишлари билан шуғулланган Абулғозихон тарихчи табиб сифатида ҳам бебаҳо мерос қолдирган. Тахминан 1657 йилда Абдулғози табобатга оид “Манафий ул-инсон” (“Инсонга фойдали нарсалар”) номли асарини ёзган бўлса, 1658-1664 йилларда “Шажараи турк” номли тарихий асарларини яратди.

Абулғозихон ҳали ўзи ҳаётлик даврида Хива хонлиги тахтини ўғли Анушахон (1663-1687йй)га топширди ва орадан олти ой ўтиб вафот этди.



Анушахон Хива хонлиги мавқеи ва қудратини ошириш мақсадида отасини ишларини давом эттирди. У Бухоро, Самарқанд ва Хуросонга бир неча марта ҳарбий юришлар уюштириб хонлик чегараларини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш ҳаракатида бўлди. Анушахоннинг ҳарбий юришларида жасорат кўрсатган туркманларга бўлган муносабат ўзгарди. Хон туркманларга Хоразм воҳаси ҳамда унинг атрофларига кўчиб келишига руҳсат берди.


1687 йилда сарой аъёнлари томонидан фитна уюштирилиб, Анушахон ўлдирилади. Тахтга эса унинг ўғли Худойдод (1687-1688йй) ўтказилади. Афсуски янги ҳукумдорнинг хонлик фаолияти узоқ давом этмади. Огаҳий хабарларига кўра, сиёсатда билимдон ва халқа адолатли хон сифатида обрў орттира бошлаган Худойдодни иниси Арангхон¹ шаҳид эди. Аммо, Арангхоннинг (1689-1690йй.) ҳукмронлиги узоқ давом этмади. 1690 йилда у Орол ўзбеклари билан бўлган жанга ҳалок бўлди.

Арангхон вафотидан сўнг Бухоро хони Субҳонқулихон Хива тахтига ўз одами Шохниёзни (1690-1707йй.) ўтказиб, амалда Хива хонлигини Бухорога вассал давлатга айлантирди. Шунинг учун ҳам Шохниёз гарчи ўзини хон деб эълон қилган бўлсада, ўз фаолияти давомида Бухоро таъсиридан қутула олмади. XVII асрнинг охири - XVIII асрнинг бошларига келиб, Хива хонлигида сиёсий тарқоқлик, тахт учун курашлар ва маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақилликка интилиш ҳаракатлари авж олиб кетади. Вилоятлар ҳокимлари хонга итоат этмай қўйганликлари боис Хива хони сарой амалдорлари ва маҳаллий ҳукмдорлар қўлидаги қўғирчоққа айланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам XVIII асрга оид айрим ёзма манбаларда Хива хонлиги “Беш қалъа” деб аталган бўлса керак. Унинг таркибидаги Хазорасп, Хонқа, Урганч, Кат ва Шовот қалъаларининг марказий ҳокимиятга тобелиги юзаки хусусиятга эга эди.

Шохниёз Бухоро таъсиридан қутулиш ҳамда марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида 1703 йилда Россия ҳукумдори Пётр I га мактуб йўллайди. Бу мактубда Хива хонлигини Россияга қўшиб олиш сўралган эди. Пётр I нинг Хивани Россия таркибига қўшилганлиги ҳақидаги ёрлиғи 1707 йилда Хиванинг янги ҳукмдори Араб Муҳаммадга (1707-1715йй.) топширилади. Аммо, Хивада сиёсий курашлар авж олиб турган шароитда ушбу ёрлиқ ҳеч кимнинг эътиборини тортмади. Умуман, Огаҳий маълумотларига кўра, Арангхон давридан то Шерғозихон даврига қадар Хивада ўнлаб ҳукмдорлар алмашганлар.

Шерғозихон (1715-1728йй)нинг ҳукмронлиги даври сиёсий воқеаларга бой бўлди. Унинг ҳукмронлиги даври ўзбек, туркман, қорақалпоқ зодагонларининг ўзбошимчалик ҳаракатларига қарши кураш билан ўтди. Бу пайтга келиб, Орол бўйи ўзбеклари орасида ҳам сиёсий вазият кескинлашиб кетган эди. Бунинг асосий сабаби – Орол бўйида яшаётган ўзбекларнинг Қўнғирот, Манғит, Хўжайли ва Қипчоқ уруғига мансуб аҳолисининг мустақиллик учун курашлари эди. Бу курашларга бошчилик қилган, Манғит бийларидан бўлган Шералибий Хива хонлигига итоат этишдан бош тортиб,

¹ Айрим адабиётларда Эрнахон ёки Эрангхон деб ҳам берилди.



Орол бўйини мустақил ҳокимлик деб эълон қилди. Шерғозихон бу ерда ҳаракатларни бостиришга ҳаракат қилган бўлса-да, бу ишнинг бутунлай уддасидан чиқа олмади.


XVIII асрнинг бошларига келиб Россия ҳукуматининг Хива хонлигининг ички ишларига аралашуви кучайди. Россия ҳукумрон доиралари Ўрта Осиё, жумладан Хива хонлигини ҳам босиб олишни режалаштира бошлаган эдилар. Россия ҳукумдори Пётр I нинг 1717 йилда Хивага уюштирган Бекович-Черкасский бошчилигидаги экспедицияси ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилган эди. Аммо, Шерғозихоннинг ҳийла ишлатиши натижасида 6 минг кишидан иборат бу экспедиция бир кечада қириб ташланди. Шунга қарамасдан то Ўрта Осиё босиб олинмагунча Чор Россияси ҳукуматининг бундай ҳаракатлари давом этди.

Ўзаро ички курашлар, шахзодаларнинг ўзаро можоралари, кўплаб йиғиладиган солиқлар хонликдаги иқтисодий аҳволни оғирлаштириб юборди. Натижада 1728 йил Хивада ҳокимиятга қарши кўзғалон кўтарилди. Бу ерда хоннинг зулмига қарши қуллар бош кўтарган эдилар. Оқибатда Шерғозихон ва унинг яқин мулозимлари ўлдирилди.

Шерғозихон ўлимидан кейин тахтга ўтирган қозоқ султони Элбарсхон (1728-1740йй.) даврида ички курашлар давом этиб, қўшни ҳудудларга кўплаб талончилик юришлари уюштирилиб туриши натижасида Хива хонлигининг ҳарбий қудрати заифлашиб борди. Бу вазиятдан унумли фойдаланган. Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1740 йилда Хива хонлигига ҳужум бошлади. Даставвал Хазорасп ёнида Хива қўшинлари билан эронийлар ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Бу жангда Хива қўшинлари енгилиб, Хазорасп қалъасига чекинди. Эронийлар Хазорасп қалъасини узоқ муддат қамал қилиб уни эгаллай олмагач, Хонқа қалъасига ҳужум қилдилар. Бу пайтда вазият ўзгариб, Элбарсхонга мадад бериб турган манғит беклари Нодиршоҳ томонга ўтиб кетдилар. Оқибатда Элбарсхон енгилди ва қўлга олиниб, Нодиршоҳ томонидан қатл этилди.

Элбарсхоннинг мағлубиятидан сўнг қозоқларнинг кичик жуз қабиласи бошлиғи, рус фуқаролигини қабул қилган Абулхайрхонни Хива тахтига ўтказдилар. Абулхайрхон сулҳ тузиш учун Нодиршоҳга нома юбориб рад жавобини олди. Орадан қисқа вақт ўтиб, Нодиршоҳ Хивага иккинчи марта юриш қилди ва уни эгаллади. Абулхайрхон эса қозоқ даштларга қочиб кетди. Бу ерга Нодиршоҳ Манғит бекларидан бўлган Ортиқбек ва Хўрзодбекларни ноиб этиб тайинлади. Аммо, Орол бўйи ўзбеклари Нодиршоҳга итоат этишдан бош тортиб, Абулхайрхоннинг ўғли Нуралини ўзларига хон қилиб кўтардилар. 1741 йилда Хивада эронийларга қарши кўзғалон кўтарилиб, Нодиршоҳнинг ноиблари ўлдирилди, аскарлари ҳам қириб ташланди. Хивага Нуралихон хон қилиб ўтказдирилди. Аммо, Нураллихоннинг хон сифатида сиёсий таъсири деярли йўқ эди.

1741 йилда Нодиршоҳ ўғли Насрулло бошчилигида яна Хивага юриш қилиб Нуралихон ва унинг тарафдорларини Хивадан ҳайдаб юборди. Тахтга эса Элбарсхоннинг ўғли Абдулғози II хон қилиб ўтказилди. Аммо, унинг




хукумронлиги ҳам узоқ чўзилмади. 1746 йида Хивада Манғит иноқла томонидан уютирилган фитнада Абдулғози II ўлдирилди. Шундан сўнг Нодиршоҳнинг розилиги билан 1747 йилда қозоқ султони Абдулхайрнинг укаси Таибхон (Каипхон) (1747-1757йй) тахтга ўтказилди. Манбаларда Таибхоннинг ниҳоятда золим ҳукмдор бўлганлиги эслатилади. У Хива тахтига ўтиргач аввало, ҳокимиятини иноқлар таъсиридан халос қилиш мақсадида Манғит иноқларидан бўлган Хузурбекни тарафдорлари билан қатл эттирди. Давлатдаги йирик мансаблар эса қозоқ бекларига бўлиб берилди. Таибхон аҳолига нисбатан жабр-зулмини кучайтириб, 1756 йилда Хива аҳолисидан 40 минг танга қўшимча солиқ йиғиб олди. Бу эса Хивада халқ қўзғолонига сабаб бўлди. Таибхон тахтни ташлаб қозоқ даштларга қочиб кетди. Ҳокимиятни эса қисқа муддат унинг укаси Абдуллахон эгаллади.

Хивадаги ички низолардан фойдаланган Бухоро ҳукмдори Муҳаммад Раҳимбий Хивани ўз таъсирига ўтказиш ҳаракатини бошлади. Шу мақсадда ўз одами Темур Ғозихон (1757-1763йй)ни Хива тахтига ўтказди. Темур Ғозихон ҳам Хивада етарли даражада сиёсий барқарорлик ўрната олмаган бўлсада, унинг ҳукмронлиги давридан бошлаб хонликда ўзбекларнинг кўнғирот уруғидан бўлган иноқларнинг мавқеи ортиб борди. Темур Ғозихон бир неча йил ҳукмронлик қилиб, сарой фитнаси натижасида ўлдирилди. Унинг ўлимидан сўнг Хива ҳокимияти қозоқ султони Тавкахон (1463й.) қўлига ўтди. Бироқ, орадан кўп ўтмасдан у ҳам тахтдан маҳрум бўлди. 1763 йилда иноқ Муҳаммад Амин амалда Хивадаги олий даражадаги ҳукмдорга айланди.

Хива кўнғиротлари сулоласининг сиёсий тарихи. 1763 йилдан бошлаб Хивада амалда кўнғирот уруғи иноқлари ҳокимият тепасига келган бўлса-да, 1804 йилгача Хива хонлари ҳукмдор сифатида бошқа шахсни хон қилиб эълон қилганлар. Кўнғиротлар сулоласи ҳукмдорларидан Муҳаммад Амин иноқ (1763-1790йй.) Хивада ҳокимиятни қўлга олгач саройдаги бир қанча лавозим ва амалларга ўзига содиқ ва ишончли одамларни тайинлади. Янги хон шу йўл билан хонликдаги муҳим сиёсий-маъмурий, молиявий ва ҳарбий ҳокимиятни ўз қўлига олиб, айрим мустақил бекларни ўзига итоат эттирди.

Манбалар маълумотларига кўра, шаҳарлик савдогарлар, хунармандлар ва дин пешволари ёрдамида ўз ҳокимиятини анча мустаҳкамлаган Муҳаммад Амин иноқ 1770 йилда туркманлар ҳужумини, 1782 йилда Бухороликлар тажовузини муваффақиятли қайтарди. Унинг ҳукмронлиги даврида Хива хонлигида деҳқончилик, савдо – сотиқ ва хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида маълум чора – тадбирлар амалга оширилди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро низомлари ва курашларига чек қўйилиши натижасида хонликдаги иқтисодий ҳаёт яхшиланиб борди.

Муҳаммад Аминнинг ўғли Аваз иноқ (1790-1804 йй.) отасининг ишларини давом эттирган бўлса, Авазнинг ўғли Элтузар иноқ 1804 йилда Хива тахтига ўтириб, сохта хон Абдулғози V ни ҳайдаб юборди ва ўзини расмий хон (1804-1806 йй.) деб эълон қилди. Шу тариқа Хивада кўнғиротлар сулоласи ҳукмронлиги расмий қарор топди. Элтузархон хонликдаги



мустақил ҳокимларни бирлаштириш сиёсатини давом эттирди. Аммо, унинг ҳукмронлиги узоқ давом этмади. 1806 йилда Элтузархон бухороликлар билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Тахтга унинг укаси Муҳаммад Раҳимхон I ўтирди.


Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825 йй.) марказлаштириш сиёсатига катта эътибор бериб, Хива хонлигини бирлаштиришни ниҳоясига етказди. Хива тарихчиларининг маълумотларига кўра, Муҳаммад Раҳимхон I хонликдаги вазиятни тўғри тушуниб, шунга яраша давлат сиёсати ишлаб чиқди ва ушбу сиёсатни қатъиятлик билан амалга оширди. Хусусан, унинг бевосита ташаббуси билан хонликда маъмурий – сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ислохотлар ўтказилди.

Душманларига, марказдан қочувчи кучларга ниҳоятда бешафқат бўлган Муҳаммад Раҳимхон I ўз атрофига ўзбек, туркман, қозоқ ва қорақалпоқларнинг нуфузли вакиллари тўплаб, уларга амаллар ва унвонлар берди. Хон саройи қошида доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш (Девон) таъсис этилди. Руҳонийларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, Шайхулислом Кенгашнинг аъзоси ва хоннинг энг яқин масаҳатчисига айланди. Муҳаммад Раҳимхон I нинг мусулмон руҳонийларининг ҳалқ орасидаги мавқеини ҳисобга олиб сайидлардан бўлган Сайид Пирмуҳаммад Хўжанинг қизига уйлангани ҳам маълум.

Бу хон даврида мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти жонланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар талайгина. Унинг даврида маҳсус ислохотлар ўтказилиб, солиқлар таркибига солинди. Божхона ташкил этилиб, ички ва ташқи савдодан келадиган даромадлар кўпайиб борди.

Муҳаммад Раҳимхон I мамлакат сарҳадларини кенгайтириш ҳамда бўйсунмас қабилаларни итоат эттириш мақсадида қатор ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Жуда қийинчилик билан бўлса-да, 1811 йилда Орол-Қўнғирот тобе эттирилди. 1812-1813 йилларда Сирдарё бўйидаги қозоқ ва қорақалпоқ овулларига кетма-кет қўшин юборилиб, улар Хива хонига бўйсундирилди. Шундан сўнг хонлик ҳудудларини Жанубий Туркменистон ва Хуросон вилоятлари ҳисобига кенгайтириш ҳаракати бошланди. Аммо, бу масалада Хива билан Бухоро ўртасида кураш бошланиб кетди. 1817 йилги Чоржуй қалъаси яқинидаги биринчи тўқнашувда Хива қўшинлари мағлубиятга учради. Шунга қарамасдан Муҳаммад Раҳимхон I Бухоро ҳудудларига 1820, 1823, 1824 йилларда талончилик урушлари қилиб турди.

Жанубий Туркменистон ва Хуросон вилоятларига ҳарбий юришлар Муҳаммадраҳимхондан кейин тахтга ўтирган ўғли Оллоқулихон (1825-1842 йй.) ва набираси Раҳимқулихон (1842-1845 йй.) даврида ҳам давом этди. Оллоқулихон Жанубий Туркменистон ва Хуросон вилоятларида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун улар устига беш маротаба юриш қилди. 1826 йилда Хива қўшинлари Шимолий Хуросондаги Оқдарбанд қалъасини забт этдилар. 1828-1829 йилларда бу ҳудуддаги Жалқон қалъаси эгалланди. Оллоқулихон замонида Бухоро ва Хива ўртасида Марв вилояти учун тўқнашувлар бўлиб турди.




Оллоқулихон 1842 йилда вафот этгач тахтга унинг ўғли Раҳмонқулихон (1842-1845 йй.) ўтирди. Тахтни эгаллаган янги хон ҳам Жанубий Туркменистон ерларига хужум бошлади. Бу юришларга хужум қилиб, Хазораспни қамал қилди. Аммо, мағлубиятга учраб орқага чекинишга мажбур бўлди. Бу орада Раҳмонқулихон Чоржўйни қамал қилиб, унинг атрофидаги қишлоқларни талади. Раҳимқулихон Хуросон учун бўлган жангларнинг бирида ҳалок бўлгач тахтга унинг укаси Муҳаммад Аминхон (1845-1855 йй.) ўтирди.

Муҳаммад Аминхон ҳукмронлиги даврида ҳам Жанубий Туркменистон ва Хуросонда тинчлик ҳукм сурмай, хонга қарши исёнлар давом этди. Айниқса, Марв ва Серахс шаҳарларида кўтарилган кўзғолонлар ҳокимиятни ларзага келтирди. Кўзғолончилар Хива хонига бўйсунидан бош тортиб, хон амалдорлари ва солиқ йиғувчиларни тутиб қатл қилдилар. Огаҳий маълумотларига кўра, Муҳаммад Аминхон Марв ва Серахс учун ўн мартаба юриш қилган, фақатгина 1854 йилда Марв кўзғолони қийинчилик билан бостирилади. 1855 йил Серахс остонасида туркманлар билан Хива лашкарлари ўртасида бўлган жангда Хива қўшинлари мағлубиятга учраб, Муҳаммад Аминхон, унинг ўн тўрт нафар шаҳзодалари ва сарой амалдорлари фожеали ҳалок бўлдилар.

1855 йил Саид Абдуллахон (беш ярим ой – 1855 йил 20 март – 27 август) Хива тахтига ўтирди. Аммо, бир гуруҳ сарой амалдорлари Саид Абдуллахонни тан олмасдан унга қарши фитна уюштириб, ёвмут туркманлари билан алоқа ўрнатдилар ҳамда уларни исёнга чорладилар. Ёвмутлар исён кўтариб Ғозовот ва Илонли атрофларида қишлоқларни талай бошладилар. Саид Абдуллахон Хивадаги фитначиларни фош қилиб, унинг иштирокчиларини қатл эттиргач, исёнчиларга қарши кураш бошлади. Даставвал, Хива қўшинлари билан бўлган жангда ёвмутлар мағлубиятга учраб дашт ичкарасига чекинган бўлсалар-да, августнинг охирида ёвмутлар Хива навкарлари қароргоҳига (Илонли яқинида) тўсатдан тунда хужум қилдилар. Бу хужумда Хива навкарлари мағлубиятга учраб, Саид Абдуллахон ўлдирилди.

Бу воқеадан кейин саройдаги вазир Муҳаммад Ёқуб меҳтар бошчилигидаги бир гуруҳ амалдорлар Сайид Абдуллахоннинг ўн етти яшар укаси Қутлуғ Муродни хон қилиб кўтардилар, Ёқуб меҳтар ва Иброҳим қўшбеги давлат бошқарувида хоннинг энг яқин кишилари эдилар. Бу орада хонликдаги сиёсий вазият яна кескинлашиб кетди. Қутлуғ Муродхонга бўйсунмаган туркман ёвмутлари Ота Муродни, қозоқ ва қорақалпоқлар Жорлиқ Тўрани ўзларига хон деб эълон қилдилар. Қутлуғ Муродхон уларнинг исёнларини қийинчилик билан бостирди. Аммо, унинг ҳукмронлиги ҳам узок чўзилмади (тўрт ярим ой). Қутлуғ Муродхон ўз укаси Ниёзбек Муҳаммад томонидан хийла ишлатилиб уюштирилган фитна (ёвмут туркманлари ёрдамида) натижасида ўлдирилди.

Қутлуғ Муродхон ўлиmidан сўнг Хива тахтига Сайид Муҳаммадхон (1856-1864 йй.) хон қилиб кўтарилди. У ҳокимиятга келган пайтда хонликда




сиёсий вазият кескинлашган, иқтисодий аҳвол ниҳоятда оғир бўлиб, кўпчил вилоятларда очарчилик ҳукм сурган, юқумли касалликлар тарқалган эди. Вазиятни тўғри баҳолай олган Сайид Муҳаммадхон юз бераётган исёнларни тинч йўл билан ҳал қилиш, тинчликни қарор топтириш, иқтисодиётни тиклаш чораларини кўрди. У авваламбор Бухоро ва Россия билан савдо алоқаларини яхшилади. Дехқончилик, ободонлаштириш ва қурилиш ишларида қатор тадбирлар ўтказилди. Аммо, хонликдаги ички нотинчлик тўхтамади. Хонликда фақат ўзбек уруғларигина эмас балки, ярим кўчманчи ва чорвадор аҳоли бўлган туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқлар оғир солиқлар ва турли тўлов ҳамда мажбуриятларга тортилганлиги боис хонликнинг турли шаҳар ва вилоятларида норозиликлар, исёнлар бўлиб турди.

Сайид Муҳаммадхон 1864 йил 10 сентябрда касалланиб вафот этгач тахтга унинг ўғли Сайид Муҳаммадхон Раҳимхон II (1864-1910 йй.) ўтирди. Соний ва Феруз номлари билан ҳам маълум бўлган бу ҳукмдор Хива хонлари орасида энг адолатпарвар ва маърифатпарвар ҳукмдор бўлганлиги боис ҳам 47 йил давомида мамлакатни идора қилган.

Унинг замондошлари бўлган Огаҳий ва Баёнийлар асарларида Сайид Муҳаммадхон Раҳимхон II (Феруз) фаолиятида адолатпарварлик ва ҳақгўйлик, қаттиққўллик ва талабчанлик билан, маърифатпарварлик эса ташаббускорлик билан уйғунлашиб кетганлиги ҳақида маълумотлар берадилар. Бу хон ўзининг бутун ҳукмронлиги даврида эл-юрт фаровонлиги, тинчлик-осийишталиги учун курашди. Хонликда деҳқончилик, суғориш ишлари, савдо-сотик ва хунармандчилик тараққий этди. Бу даврда Хоразмда айниқса илм-фан, адабиёт ва санъат, меъморчилик юксалди. Хоннинг ўзи “Феруз” таҳаллуси билан ижод қилиб ўзбек мумтоз адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди.

Замонавий Хоразм тарихчилари Сайид Муҳаммадхон Раҳимхон II ҳукмронлигини икки босқичга ажратадилар. **Биринчи босқич** – 1864 – 1873 йиллар, хон ҳукмронлигининг дастлабки ўн йиллиги бўлиб, бу даврда Муҳаммадхон Раҳимхон II давлатни мустақил бошқариб, мамлакатда тинчлик ва фаровонликни қарор топтириш, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик ва хунармандчилик, фан ва маданиятни юксалтириш йўлида улкан ишларни амалга оширди. **Иккинчи босқич** – 1873 йил августдан 1910 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. 1873 йилда Хива генерал Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари томонидан босиб олинган, тузилган сулҳга биноан Хива хонлиги Россияга қарам давлатга айланди. Бу даврда Муҳаммадхон Раҳимхон II нинг фаолияти Россия ҳукумати томонидан қатъий чекланди ва назорат остига олинди. Шунга қарамадан хон ўзининг адолатпарварлик ва бунёдкорлик фаолиятини давом эттирди.

Муҳаммадхон Раҳимхон II вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Сайид Исфандиёр (1910-1918 йй.) ўтирди. Исфандиёрхон хонлик даврини янгиликлардан бошлади. Унинг фармони билан хонлик аҳолиси қадимдан тўлаб келаётган солиқларнинг бир неча тури қисқартирилди. Генерал-майор унвонига эга бўлган Исфандиёрхон ҳам отаси каби рус ҳукуматига тобе эди.




Унинг даврида хонликда бир қанча кўзғолон бўлиб ўтди. Хон кўзғолонларни руслар ёрдамида бостирди. 1918 йил 1 октябрда туркман Қурбон Муҳаммад Сардор (Жунаидхон)нинг буйруғи билан Исфандиёрхон ўлдирилди. Ҳокимиятни Жунаидхон ўз қўлига олди. Аммо, у Хива тахтига ўтира олмас эди. Шу боис ҳам Исфандиёрхоннинг укаси Саид Абдуллахон (1918-1920 йй.) номигагина хон қилиб кўтарилди. 1920 йил 2 февралда Хивага кириб келган қизил армия қўшинлари Жунаидхон лашкарларини тор-мор этиб, ҳокимиятни советларга топширди.

Хива хонлигининг худуди, маъмурий тузилиши ва аҳолиси. Хонликнинг аниқ чегаралари ҳақида маълумотлар сақланмаган. Чунки хонлик пайдо бўлган дастлабки даврлардан бошлаб сиёсий вазият ва ҳарбий ҳаракатларга қараб давлат чегаралари доимий равишда ўзгариб турган. XIX асрга келиб хонлик таркибига туркман, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг қўшилиши натижасида давлат сарҳадлари анча кенгайди. Манбаларга кўра, Элтузархон (1804-1806 йй.) даврида хонликнинг худуди унча катта бўлмасдан, шимолий чегараси Орол-Қўнғирот ҳокимлиги, жанубий чегараси эса Дарғонота билан чегарадош бўлган. XIX аср ўрталарига оид рус манбаларида хонликнинг ғарбий чегараси Каспий денгизигача, жанубда эса Марв водийси орқали Эронга туташиб кетганлиги, шимолда эса Урал дарёсигача чўзилганлиги қайд этилган.

Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан XVI-XVIII асрларда **вилоятларга** бўлинган бўлса, XVIII аср охири – XIX аср бошларидан бошлаб давлатдаги асосий маъмурий ҳудудлар **беклик** деб аталган. Манбаларга кўра, бу даврда хонликда 16та беклик ва 2та ноиблик мавжуд эди. Улар Хазорасп, Гурлан, Хонқа, Кўхна Урганч, Қўшкўприк, Питнак, Қиёт, Шоббоз (Шоҳаббоз), Шовот, Тошҳовуз, Амбарманак, Урганч, Хўжайли, Шуманай ва Қўнғирот бекликлари ҳамда Бешариқ ва Қиёт-Қўнғирот ноибликларидир. Уларни хон томонидан тайинланган **беклар** ва **ноиблар** бошқарганлар. Хива шаҳри бошқаруви хон ва бош вазир ихтиёрида бўлган. Хонликнинг пойтахти турли даврларда Вазир, Кат, Кўхна Урганч, Хива шаҳарлари бўлган.

Муҳаммадхон Раҳимхон I (1806-1825 йй.) хонликнинг маъмурий бошқарув тизимини тубдан ўзгартирди. Бекликларнинг марказий ҳокимиятга бўйсунмаслигини ҳисобга олиб, Муҳаммадхон Раҳимхон I хонлик худудида кентларга ажралишни бекор қилди ва манбаларга кўра, хонликда аввал 15та ҳамда кейинроқ яна 11та **ҳокимлик** ташкил этди. Булар қуйидагилар эди: Хазорасп, Остона, Урганч, Кат, Тошҳовуз, Қўшкўприк, Оқдарбанд, Гурлан, Кўк қашқа, Қўнғирот, Кўхна Урганч, Илонли, Тахта, Хонқа, Шоббоз, Маноқ, Ғозиобод, Шайх, Манғит, Хўжайли, Шуманай, Тўрчи, Оқтепа, Қорағон, Хитой. Ҳокимликлар ўз навбатида **масжид-қавмларга** бўлинган. Манбалар хонликда жами 1537та масжид-қавмлар бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Вилоят ҳокимлари хон томонидан, масжид-қавмларнинг қози ва оқсоқоллари эса вилоят ҳокимлари томонидан тайинланган.



Шундай қилиб, Хива хонлиги маъмурий жихатдан ҳозирги Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Қозоғистон ва Туркменистон Республикаларининг бир қисмини ўз ичига олган давлат эди.


Хива хонлигининг ўтроқ деҳқончилик воҳаларида асосан ўзбеклар яшаб, улар давлатдаги аҳолининг катта кўпчилигини ташкил этганлар. Хонликда шунингдек, туркманлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, кам миқдорда тожиклар, яҳудийлар, ҳиндлар, эронийлар, руслар, арманлар, немислар ҳам яшаганлар. Хива хонлигидаги аҳолининг умумий сони ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Архив ҳужжатлари ва рус сайёҳларининг маълумотлари бу масалага қисман аниқлик киритади. Хусусан, XIX асрнинг биринчи чорагига оид маълумотларда хонлик аҳолиси 300 минг, шу асрнинг 40-йилларига оид маълумотларда 300 мингга яқин, сўнгги чорагига оид манбаларда 700 мингга яқин деб берилса, архив манбаларини чуқур ўрганган олим М. Йўлдошев XIX аср ўрталарида хонликда 800 мингга яқин одам истоқомат қилганлиги қилганлиги ҳақида маълумот беради.

XIX асрнинг ўрталарига келиб хонликда шаҳар ҳаётининг ривожланиши натижасида шаҳар аҳолисининг сони кўпайиб борди. Хива, Хазорасп, Хонқа, Урганч, Қўнғирот, Кўхна Урганч каби шаҳарларда рус сайёҳлари берган маълумотларга кўра, 2 мингдан 5 минггача хонадон яшаган. Хонлик пойтахти Хива шаҳрида 21 мингдан ортиқ аҳоли яшаган.

Давлат тизими. Мансаблар ва унвонлар. XVII асрда Хивада муайян бир сулола ҳукмдор эмас эди. Чингизийлар сулоласига мансуб баъзи шахслар Хивага чақирилиб хонлик тахтига кўтарилган бўлса-да, амалда ҳокимият қўнғирот сулоласидан бўлган **иноқ** кўлида бўлган. 1804 йилдан бошлаб фақат Қўнғиротлар сулоласи вакиллари Хивада хон бўлганлар.

Хива хонлигида унвон ва мансабларни сарой, ҳарбий ва диний унвон ҳамда ва амалларга бўлиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича (Ш. Воҳидов) бу тасниф соф назарий бўлиб, аслида хонлик даврида муайян унвон ва мансаблар соҳалар бўйича берилмаган. Ўша вақтда амалдор ва унвон эгаси кўпинча хонга нисбатан шахсий садоқати, қавми яқинлигидан бир мансабдан бошқа мансабга ўтиб, унвонлар соҳибига айланган. Хонликда энг олий унвон **хон** бўлиб, у маъмурий, сиёсий ва ҳарбий ваколатларга эга бўлган.

Хива хонлиги давлат тизимида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигидан фарқли ўлароқ, хон ҳузурида Олий Кенгаш амал қилган. Маълумотларга кўра, бу Олий Кенгашни Муҳаммад Раҳимхон I “ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун илгари иноқ ва оталиқлар бошлиқ бўлган уруғ оқсоқоллари кенгаши ўрнига таъсис этган эди. Бу Олий Кенгашга турли даъво ва жиноий ишларни кўриш ва қарор чиқариш ҳуқуқини берди.” Бу Кенгашнинг ваколати чегараланган бўлиб, маслаҳат берувчи органга ўхшар, унинг аъзолари энг юқори мансаб ва унвондаги амалдорлар бўлган. Кенгаш мажлисида бошқа амалдорларга қараганда кўпроқ иноқ, шайх ул-ислом, девонбеги ва ясувулбоши ҳал этувчи овозга эга бўлганлар. Кенгаш мажлислари масаланинг муҳимлигига қараб, хон томонидан чақирилар эди. Олий Кенгаш оқсоқоллардан, яъни, маълум мансаб ва унвон эгаларидан, чунончи, нақиб,



шайх ул-ислом, мутаввалли, мироб, қози, фармончи, дарға, шиғоб, дастурхончи, арбоб, мирохўр кабилардан иборат эди. Шунингдек, хоннинг қариндош уруғларидан бўлган беклар, оталиқ, иноқ ва бийлар ҳам бу кенгашга кирганлар.

Бу тор доирадаги Кенгаш гарчи давлат ташкилоти сифатида расмийлаштирилмаган бўлса-да, унинг қарори хоннинг қароридек кўрсатилса-да, амалда юқори қонун чиқарувчи маъмурий ва суд ҳокимияти эди. Кенгаш хонликнинг ички ишларига доир ҳамма масалалар бўйича қарор қабул қилар ва хонликнинг бошқа давлатлар билан бўлган ташқи муносабаларига доир муаммоларни ҳал этар эди. Гарчи Кенгаш давлатнинг турли-туман ички ва ташқи ишларини муҳокама қила олса-да, муҳокама қилинган масалалар бўйича қарор чиқариш аввало хоннинг хоҳиш – иродасига боғлиқ бўлган.

Хон саройидаги унвон ва мансаблар. Унвонлар орасида энг каттаси **иноқ** эди. Одатда иноқлар энг қудратли ўзбек уруғларидан тайинланган ҳамда ҳамда улар хоннинг энг яқин маслаҳатчилари бўлган. Иноқлар йирик амалдор, яъни уруғ бошлиғи ҳисобланган. Абулғозихон тантанали маросимларда ўтириш учун иноқларга ўз ёнидан тўртта жой ажратган. Иноқлар бий, султон, мингбоши каби унвонларни ҳам олганлар. XX аср бошларига келиб иноқлар **бек** мартабасига тушиб, олий сарой амалдорларидан маъмурий мансаб эгаларига айланадилар.

Оталиқ – уруғ оқсоқоли. Иноқ бошлиқ тўпа (гурух) га бирлашган уруғ бошлиғи. Хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлган. Оталиқ қилич ва пичоқ тақиб юрган.


Бий – сарой унвони. Иноқ ва оталиқдан кейинги мартаба. Бий қабила ва уруғнинг бошлиғи ҳисобланиб, кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг, жумладан ўзбекларнинг уруғ оқсоқолларига бериладиган унвон эди. XVII-XIX асрларда бийлар йирик ўзбек қабила ва уруғларига бошчилик қилиб, фақат марказий ҳокимиятга итоат этганлар. Бий унвони авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирилган.

Амир ул-умаро – Амирларнинг амири, Хива хонлигида XIX асрнинг ўрталарида таъсис этилган. Сайид Муҳаммадхон бу унвонни биринчи марта ўзининг акаси Сайид Маҳмуд тўрага берган эди. Муҳаммад Амин иноқ ҳукмронлиги даврида амир ул-умаро унинг акаси Фозилбий эди. Ўшандан кейин амир ул-умаро унвони ҳеч кимга берилмаган.

Қўшбеги – Хива хонлигида саройнинг олий мансабларидан бири бўлиб, молия ва солиқ йиғиш ишларини бажарган. Қўшбегининг махсус девони ҳамда унга тобе этувчи амалдорлари бўлган.

Меҳтар – катта, улуғ деган маънони беради. Меҳтар сарой хизматкорларининг бошлиғи вазифасини бажариб, хонга яқин кишилардан ва хон уруғига мансуб аъёнлардан тайинланган. Меҳтарнинг ҳам ўз девони бўлиб, ер солиғи “солғут” тўплаш ҳам унинг хизматида кирган.

Бекларбеги – Қорақалпоқ ва кўчманчи халқларнинг оқсоқолларига бериладиган фахрий унвон. Бекларбегининг вазифаси уларнинг ўз уруғларидан йиғиладиган харажатларнинг тўғрилигини текшириб туриш ва



уларни тўла равишда хазинага топшириш устидан назорат қилишдан ибтидо бўлган. Бу лавозимга амалдорлар одатда хоннинг қариндош-уруғларидан тайинланган.

Бек - XIX асрда Хива хонлигининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида беклар анча катта рол ўйнаганлар. Бек – хон ва давлат арбобларининг қариндошларига, фарзандларига бериладиган фахрий унвондир.

Парвоначи – хон саройидаги олий вазирлардан бири. Парвоначи саройнинг ички ва ташқи ишларида ҳам фаол қатнашиши мумкин бўлган. У арзу-шикоятларни хоннинг ҳузурига олиб кириб, жавобини қайтарган. Шунингдек, парвоначи хоннинг формонларини сарой аъёнларига етказиб турган.


Эшикоқоси – сарой дарвозаларини қўриқлаш ишларини бошқарган. Ойболта унинг мансаб аломати бўлган. Ҳукмдор саройда бўлган вақтда эшикоқоси уни қўриқлаш билан шуғулланган. Эшикоқоси арзгўйларнинг нима хусусда келганларини суриштириб, уларни саройдаги тегишли амалдорлар томонига жўнатар эди. Фақат жуда муҳим хабарлар билан келган кишиларгина хон ҳузурига киритилган.

Саройда дарвоза ортида турадиган қоровуллар ва махсус дарвоза қўриқчиларидан ташқари хонни қўриқлайдиган **тунқатор** ёки **тунотарлар**, яъни, кечаси билан хонни қўриқлаб чиқадиган хизматчилар ҳам бўлган.

Маҳрам – ишончли хизматкор, сидқидилдан хизмат қилувчи сарой ичкарасидаги ходим маъноларини англатади. Маҳрамлар хонга яқин кишилар ҳисобланган. Давлат бошқарувида улар бевосита хоннинг маслаҳатчилари бўлишган. Маҳрамлар хоннинг оромхонасига кириш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Хива хони саройида яна қуйидаги унвон, мансаб ва вазифалар мавжуд бўлган: офтобачи, бухчабардор, соатбардор, китобдор, мўзабардор (хон пойабзалини берувчи), шарбатдор, маҳрам боши (юқори лавозим ҳисобланган), тўшакчи, карнайчи, сурнайчи, жарчи, ошмеҳтар (хон ва сарой ошхонаси бошлиғи), сорбон (туячилар), камон халфа (овчи, қушчи), мерганлар, сайис (от боқувчи), кўмирчи, кучанчи (эгар-жабдуқчи), тамакисоз, лойкаш, кулол, ходимчи, рўмолчи, селобчи (жом ушлаб турувчи), пояки (чилимчи), аравачи, носчи, қиличкор (қилич ва шамшир ясовчи), ошпаз, товоқчи, даракчи (отчопар), жирчи (ашулачи), йўнувчи (дурадгор), девон (мирза), мушриф (озуқа йиғувчи), божбон (закотчи) ва бошқ. Уларнинг барчаси сарой хазинасидан маош олганликлари ҳақида маълумотлар бор. Саройдаги умумий тартибни **арбоб** назорат қилган.

Хонликдаги ҳарбий унвонлар ва мансаблар. Давлатдаги энг олий ҳарбий амалдор хоннинг ўзи эди. Кўп ҳолларда шахсан хон бошчилигида, айрим ҳолларда таникли саркардалар бошчилигида бошқа ҳудударга юришлар уюштирилган. Энг юқори ҳарбий-маъмурий лавозим амир ул-умаро эди. Ундан кейинги расмий равишда юқори саркарда **ясовулбошилиқ** мансаби эди. Хонликда улар икки киши бўлиб, бири ёвмуд туркманларига, иккинчиси эса човдирларга қўмондонлик қилар эди. Хон ҳузуридаги расмий қабул маросимларида ясовулбошиларнинг доимий ўринлари бўлмас эди. Лекин улар



хон ҳузурида бўладиган тор кенгашда меҳтар, қўшбеги ва девонбеги билан бир қаторда қатнашар эдилар. Ясовулбошига ясовуллар, миршаблар, шотирлар, эшиколари итоат этганлар.

Ясовулбошидан кейинги ҳарбий унвон **мингбоши** эди. Ҳарбий юришлар пайтида мингбошиларга катта маъсулият юкланган. Яъни, улар қўшинни айтилган ерга тўплаши, уларнинг тайёргарлик даражасини назорат қилиши, жанг пайтида қўшиннинг маълум гуруҳига йўлбошчилик қилиши лозим бўлган. Шунинг учун ҳам архив ҳужжатларига кўра мингбошилар яхши инъомлар олганлар.

Хива хонлигида ҳарбий истехкомлар-қалъалар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар маъмурий-мудофавий вазифани бажарган. Бундай қалъалар **кутвол** (қалъабон) қўлида эди.

Хива қўшинларида **саркардалар** муҳим аҳамиятга эга бўлган. Саркардалар бир неча юздан бир неча минггача бўлган навқарга бошчилик қилганлар. Юришлар пайтида саркарда бошчилигида туғ (байроқ) қўтариб борилган. Байроқ қўтариб борувчиларга **туғбеги** бошчилик қилган. Қўшинда **юзбоши, панжшоҳбоши** (элликбоши), **дахбоши** (ўнбоши), **қоровул, маҳрам, навқар** каби вазифалар бўлган.


Навқарлар солиқлар ва турли мажбуриятлардан озод қилинганликлари боис катта ер эгаларини қаттиқ ҳимоя қилганлар. Хива қўшинида деҳқонлардан олинадиган навқарлардан ташқари, туркманлар, қорақалпоқлар, қозоқлар ва бошқа кўчманчи халқлар аскарлари ҳам бўлиб, улар хонга мажбурий равишда маълум миқдорда аскарлар берганлар.

Хонликдаги диний ҳамда қозихона унвонлари. Хивада давлатни бошқариш бўйича ислом дини мафкуравий асосни ташкил этган. Қонунлар шариат тартиб ва йўриқлари асосида амал қилган. **Шайх ул-ислом** – хонликдаги энг юқори мартабали киши эди. У диний маросимларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қилган. Маросимлар пайтида шайх ул-ислом хоннинг ўнг томонида ўтириш ҳуқуқига эга бўлган.

Қози ул-қузот (қози калон) – мусулмон ҳуқуқи ва қонунлар бажарилишини шариат асосида назорат қилган. Қози калон пойтахтда ўз девони ва маҳкамасига эга бўлган. Вилоят марказларида ҳам **вилоят қозиси** бўлган. Улар маҳкамаларининг номи **Дор ул-қазо** деб аталган. Лашқарлардаги қонун-қоидалар кетидан **қозии аскар** (аскар қозиси) назорат қилиб, шаърий масалаларни ҳал этиб турган.

Муфти – қозиларнинг ҳуқуқшунослари ҳисобланган. Улар бирор иш кўрилаётган пайтда иштирок этишлари, ҳукмона тузишлари ва ҳукмларнинг тўғрилигини тасдиқлаш учун ҳужжатларга муҳрларини босишлари лозим эди. Хивада бош муфти етгита бўлиб, барча муфтиларнинг хон ёнида ўрни бор эди. Лашқарда ўзининг **муфти лашқари** хизмат қилган.

Аълам – муфтиларнинг бошлиғи ҳисобланган. Унинг вазифаси фатволарда келтириладиган шариат ривоятларини текширишдан иборат бўлиб, айрим ривоятларнинг асл нусхасига мослигини аниқлагач, аълам унга ўз муҳрини босган.



Раислар – шариат тартиб-қоидалари, диний маросимлар – рўза, беш ба намоз, таҳорат, хайри-эҳсон ишларининг аниқ бажарилиши устидан назорат қилган. Ота-аналар болаларини ўз вақтида мактабга юбориши, бозорларда сотувчилар харидорларни алдамаслиги тарозиларни текшириб туриш ҳам раиснинг вазифаси бўлган. Ҳар бир шаҳар ва катта қишлоқнинг ўз раиси бўлиб, қози калон тақдимига мувофиқ хон томонидан тайинланган.


Мутавалли – диний муассасаларда хайр-эҳсон маблағлари ва хўжалик ишлари билан шуғулланувчи хўжалик ноziри. Мутаваллининг вазифаси вақф мулки, ундан фойдаланиш ва келадиган даромадни назорат қилиш, уни тақсимлаш, ижарага бериш, охун ва мударрисларга маош тўлаш кабилардан иборат эди.

Мударрис – мадраса ўқитувчиси, муайян илоҳиёт фанидан дарс берган. **Охун-охунд** – ваъзхон, нотик, дин тарғиботчиси. Мударрис ва охунлар ўзлари таълим берган мадрасанинг вақфидан маош олиб турганлар. Шунингдек, мадраса уларга хужра ҳам берган.

Хива хонлиги тарихига оид манбалар, архив ҳужжатлари ва илмий адабиётларни чуқур таҳлил этган манбашунос олим Ш. Воҳидов хонликда қуйидаги амаллар, унвон ва мансаблар, вазифалар бўлганлиги ҳақида маълумот беради:

Амир ул-умаро, араваши, арбоб, аълам, бухчи, бухчабардор, вазир, вакил, бек, бекларбеги, бий, божбон, ботирбоши, боғбон, дарвозабон, дастурхончи, даҳбоши, девон, девонбеги, дорға, доручи, доруға, жаллод, жаллодбоши, жарчи, жирчи, заргар, имом, имоми жилав, иноқ, йилқибон, калонтар, карвонбоши, карнайчи, катхудо, китобдор, китоббардор, кулол, кутвол, кучанчи, кўмирчи, лойкаш, маҳрам, маҳрамбоши, даҳбоши, маҳсидўз, мерган, меҳтар, милтиқсоз, мингбоши, мироб, мироҳўр, муаззин, мударрис, мутавалли, муфти, муфти аскар, мушриф, муҳаррир, муҳтасиб, навкар, нақиб, нақибхўжа, ноиб, нонвой, оталиқ, отчопар, офтобачи (кумғончи), охун, ошпаз, оқо-оғо, оқсоқол, панжохбоши, панжсадбоши, парвоначи, пояки, раис, раиси калон, рўмолчи, сайис, сандиқчи, сарбоз, сарбон, саррож, сарҳанг, селобчи, сипоҳий, соатсоз, созанда, сувчи, соқчи, сурнайчи, сўфи, темирчи, тикувчи, тирноқчи, товоқчи, тошчи, тунқатор, туғчи, туғчибоши, тўпчи, тўра, тўшакчи, удайчи, фаррош, фаррош юзбоши, хазиначи, халифа, ходимчи, хон пойабзалчиси, хўжасаро, читгар, чодир, чўпон, шайх ул-ислом, шамчи, шамхолчи, шарбатдор, шарбатчи, шахзода, шиғовул, шоликор, шотир, элликбоши, эшикоқоси, юзбоши, йўнувчи, ўнбоши, ўтар (сартарош), қайиқчи, қаландар, қизиқчи, қиличкор, қози, қози аскар, қози калон, қози ул-қўзот, қози урду, қоровул, қоровул беги, қушбеги, қўшбеги, ҳоким, ясовул боши.

Хива хонлигининг давлат тузилиши ўзининг мукамаллиги жиҳатидан ўз даврининг баъзи бир Ғарбий Европа давлатлари тузилиши даражасида бўлмаса-да, бироқ маълум идора қилиш тизими мавжуд бўлиб, етарли даражада тартибли эди. Шунга биноан, юқорида эслатганимиздек, давлат мансаблари сарой-маъмурий, диний ва ҳарбий лавозимларга бўлинар эди. Бу вазифаларни бажарувчиларга давлат хазинасидан тегишли маош ва



мукофотлар берилган. Санаб ўтилган турли-туман амалдорлар хизматкорларнинг мавжудлиги Хива хонлигида жуда катта бошқарув аппарати бўлганлиги, мукамал бошқарув сиёсати юритилганлигини тасдиқлайди.

Ер эгаллиги. Дехқончилик ва чорвачилик. Бутун Ўрта Осиё худудида бўлгани каби Хива хонлигида ҳам ер эгаллигининг қуйидаги шакллари ҳукмронлик қилган: давлатга қарашли ерлар ёки подшолик ерлари; хусусий шахсларга қарашли ерлар; диний муассасаларга қарашли ерлар, ёки вақф ерлари.


Подшолик ерлари бевосита давлатга, хонга тегишли бўлиб, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган. Давлат ерларига доимий суғориладиган экинбоп ерлардан ташқари ташландиқ ерлар, қумлик, адирлар ва яйловлар, кўл ва тўқайзорлар ҳам кирган. Давлат ерлари босиб олинган ҳудудлар, хонга қарши мулкдорларнинг мусодара қилинган ерлари, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига ҳам кенгайиб борган. Давлат ерлари хон томонидан мулкдорларга ва ижарачи деҳқонларга, беватан (ерсизлар)ларга фойдаланиш учун бўлиб берилган.

Бундай ерлардан давлатга олинган ҳосилнинг 40-50 фоизигача маҳсулот ёки пул кўринишида солиқ ундирилган. Давлат ерлари хонлик хазинасининг асосий манбаи ҳисобланган. Хон ўзига холис хизмат қилган амалдорларга, яқин қариндошларига, содиқ хизмат қилган навкарларга ва диндорларга давлат ерларидан инъом қилиб берган. Бундай ерлар солиқлардан озод этилган.

Хусусий (мулк) ерлар хоннинг шахсан ўзига, унинг яқин қариндошларига, йирик бойларга, сарой амалдорларига, ҳарбийларга ва бошқа зодагонларга тегишли ерлар бўлган. Хонликнинг сувга яқин бўлган ўтроқ марказий туманларидаги унумдор ва серҳосил ерларнинг асосий қисми мулкдорлар қўлида эди. XIX аср биринчи ярмига оид маълумотларга кўра, мулк эгаларига тегишли ерлар хонликдаги барча суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этган. Манбаларнинг маълумот беришича, айрим мулкдорлар ихтиёрида икки-уч минг танобдан ўнлаб минг танобгача ер бўлган. Мисол учун, Питнак, Хазораси ва Шўрохон шаҳарлари ҳамда уларга туташ бўлган қишлоқлар амир ул-умарога тегишли бўлган. Муҳаммадаминхон ўғли Абдулла тўрага 20 минг танобдан ортиқ ерни инъом қилган ва ҳоказо.

Вақф ерларига диний муассасаларга, масжид, мадраса, қабристон, хонақоларга қарашли ер-мулклар кирган. Бу мулклар диний муассасаларга хон, амалдорлар ва айрим шахслар томонидан вақф қилиб берилган. Бундай ерлардан келган даромад диний муассасалар эҳтиёжи учун сарф этилган. Маълумотларга кўра, (А. Болтаев) XIX аср ўрталарида хонликдаги вақф мулкининг умумий ҳажми 170-175 минг танобни ташкил этган.

Хива хонлигидаги кам ерли ва умуман ерсиз, от-уловсиз деҳқонлар кўпчиликини ташкил этган бўлиб, улар давлат, мулк ҳамда вақф ерларида ижарага ишлаганлар. Ижарадорлар ижарага олган ер миқдорига қараб



давлатга солиқ тўлаганлар. Улар кимнинг ерида хизмат қилишларига қараб беватан, коранда ва вақфкор деган қатламларга бўлинган. Давлат ерларини ижарага олган ерсиз ва камқувват деҳқонлар беватанлар, мулк ерларидаги ижаракорлар коранда, вақф ерлари ижаракорлари эса вақфкор деб аталган.

Деҳқончилик ва чорвачилик Хива хонлиги иқтисодий ҳаётининг асосларидан ҳисобланган. Деҳқончиликда Амударё қуйи оқимидан олинган кўплаб каналлар ва ариқлар муҳим ўрин эгаллаган. Таъкидлаш лозимки, Хива хонлигида сув манбаларининг етарли бўлишига қарамадан, деҳқончилик тараққиёти қўшни Бухоро хонлигидагидек юксак даражада ривож топмаган эди.


Хонликда донли экинлардан буғдой етиштириш нисбатан кенг ривожланган бўлиб, буғдой Питнақдан Шоҳаббозгача бўлган ҳудудларда айниқса кўп экилган. Суғориладиган ерларга буғдойнинг саранчи нави кўп етиштирилган. Буғдой йиғиб олинган далаларга қовун, тарвуз, мош, жўхори каби экинлар экилган.

Пахта етиштириш асосан Гурлан, Янги Урганч, Хива, Хонқа, Шоҳаббозда ривожланган. Пахта чигитидан ёғ олиниб, толаси маҳаллий хунармандлар эҳтиёжи ва ташқи бозорга чиқарилган. Сув кўп талаб қилмайдиган (Ҳазорасп, Қўнғирот, Тошқовуз, Илонли, Ғазоват, Манғит ва Гурлан) кунжут, нўхат, мош, арпа ва бошқа экинлар экилган. Сабзавот – полиз экинлари кўплаб етиштирилган. Хоразм қовунлари қўшни ҳудудларда ҳам машҳур бўлган. Боғдорчилик ҳам анча тараққий этган. Аммо, ипакчилик кам миқдорда ривожланган.

Хонликнинг ўтроқ деҳқончилик туманларида чорвачилик яхши ривож топмаган. Воҳаларида йирик ҳайвонлар деҳқончиликда (ер ҳайдаш, ҳосилни янчиш, сув чиқариш ва бошқ.) фойдаланиш, гўшт ва сут маҳсулоти учунгина боқилган. Хонлик аҳолисинг гўштга бўлган талабини кўчманчи туркман ва қозоқ қабилалари қондирганлар. Кўчманчилар қўй, йилқи, туя етиштириб аҳолининг гўшт, сут, тери, жун билан тўла таъминлаб турган.

Солиқ сиёсати. Хива хонлигида қўшни давлатларда бўлгани каби хирож, закот, бож, жизья каби солиқлар мавжуд бўлган. Муҳаммад Раҳимхон I амалга оширган иқтисодий ислоҳот туфайли хонликдаги солиқ сиёсатига ўзгартиришлар киритилади. Хусусан, илгари маҳсулот кўринишида йиғиб олинадиган хирож ўрнига пул солиғи **солғит (солғут)** жорий этилди. Бунга кўра, 10 танобдан ортиқ ери бўлганлар йилига 3 тилло (54 танга), 5-10 таноб ери бўлганлар 2 тилло (36 танга), 5 танобгача ери бўлган деҳқонлар 1 тилло (18 танга) миқдорда солиқ тўлаганлар. 15 танобгача ерни ижарага олган ижаракорлар йилига давлат хазинасига 34 танга, 10 танобгача ерни ижарага олганлар 22.6 танга, 5 танобгача ерни ижарага олганлар 11.3 танга миқдорда солиқ тўлаганлар. Ижаракор деҳқонлар давлат хазинасига солиқ тўлашдан ташқари, ижарага ер берган хўжайинга пул ёки маҳсулот билан ҳақ тўлаши ёхуд ишлаб бериши лозим бўлган.

Хонликдаги ярим ўтроқ ва чорвадор аҳоли ҳам давлат хазинасига белгиланган миқдорда хирож ва закот тўлаганлар. XIX аср бошларидан



бошлаб улардаги хирож солиғи **солиқ кесма** деб атала бошлаган. Бунга кун қорақалпоқлар ва қўнғиротлилар экин майдони ва ҳосил миқдоридан қатъий назар давлат хазинасига ҳар йили 24.5 минг кичик тилло миқдорида солиқ тўлаб турганлар. Қорақалпоқлар ва қозоқлардаги ерсиз ва от-уловсиз деҳқонлар, хон, унинг қариндошлари ва сарой амалдорларининг шахсий ерларида ижаракор бўлсалар ҳосилнинг ҳар 4 ёки 5 ботмони ҳисобидан икки ботмон миқдорида давлат хазинасига солиқ тўлаганлар.

Чорвадор аҳоли хон хазинасига **закот** солиғи тўлаган. XIX аср бошларига қадар бу солиқ натура кўринишида, 40 бош чорва ҳисобидан бир бош ундирилган бўлса, кейинги даврларда закотни ундиришга ўтилган. Эндиликда чорвадорлар йирик чорва учун 40 бош чорвадан 5 тилло, майда чорванинг ҳар 40 бошига 10 аббос (10 аббос – 25 кумуш танга) миқдорида солиқ тўлаганлар.

Юқоридагилардан ташқари хонликнинг барча ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси қазув, бегор, қочув, отланув, бож пули, милтиқ солиғи, улов тутув, қўналға, чопар пули, тарози ҳақи, миробона, дарвозабон, мир туман ҳақи, афанак рули каби қўшимча тўлов ҳамда мажбуриятларни ҳам бажарганлар. Улар орасида энг оғири **қазув, қочув** ва **бегор** бўлиб, бу давлат қурилиши, ариқларни ва дарёдаги дамбаларни таъмирлаш, қалъа, сарой, шаҳар деворлари, йўл ва кўприклар қурилиши ҳамда таъмирланиши учун ҳар йили 12 кун бепул ишлаб бериш мажбурияти бўлган.

Хунармандчилик ва савдо-сотик. Шаҳарлар. Хоразм хунармандчилиги ихтисослашган бўлишига қарамай, ярим кўчманчи хўжаликларда уй хунармандчилиги устунлик қилган. Хунармандчиликнинг асосий соҳаларидан бири тўқимачилик эди. Кўчманчи аҳолининг турли матоларга бўлган талаби ва қисман ташқи бозор учун маҳсулот етказиб берувчи тўқимачилик саноати ривожини тақозо этган. Хонликда ипак, ярим ипак ва пахта матолар ишлаб чиқарилган. Матолар асосан қўлда тайёрланган.

Ундан ташқари хонликда кулолчилик, мисгарлик, дегрезлик, темирчилик дурадгорлик каби анъанавий хунармандчилик турлари ҳам ривожланган. Манбалар шаҳар ва қишлоқларда ер ҳайдайдиган мослама тайёрловчилар (пазачи), от абзали тайёрловчилар (кучанчи), мисгарлар, заргарлар, пичоқчилар, қинчилар, бўёқчилар, телпакдўзлар, қулфгарлар, жувозчилар, шамчилар, совунчилар, новвойлар, ошпазлар кабилар махсус касб-хунарга ихтисослашганликлари ҳақида маълумотлар беради.

Хивада гилам тўқиш ўзининг қадимий аҳамиятини хонлик даврида ҳам сақлаб қолди. Илгаригидек, гилам тўқиш билан туркманлар ҳам шуғулланганлар. Хива гиламлари ички ва ташқи бозорда машҳур бўлган. Умуман олганда, маҳаллий хунармандларнинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозор учун ишлаб чиқарилган.

XVI асрнинг охирига келиб Амударё асосий ўзанинг ўзгариши Хоразмнинг ташқи савдо алоқаларига ҳам таъсир этди. Хоразмнинг илгариги савдо марказлари ўз аҳамиятини йўқота бориб, Россия билан савдо алоқаларида Волганинг қўйи оқимлари орқали йўллар катта аҳамият касб эта бошлади. Астраханда хивалик савдогарларга имтиёзлар берилган бўлиб, улар



рус садо ярмаркаларида иштирок этиб турганлар. XVIII асрнинг ўрталарида бошлаб, Оренбург шаҳрига асос солинган Хива савдогарлари Уралбўйи орқали савдо-сотиқни янада жонлантирдилар. Хивадан Россияга пахта матолар, мевалар, қимматбаҳо тошлар, қоғоз маҳсулотлари, парча ва буюм шаклидаги ипак ва ярим ипак матолар, гиламлар, туя жунидан матолар, қисман қоракўл, гуруч, сайғоқ (кийик) шоҳи, кашмир матоси каби маҳсулотлар олиб борилган. Россиядан эса Хивага олтин ва кумуш тангалар, мис, чўян, темир ва бошқа металллар, пахта, ипак ва юнг матолар, бўёқлар, шакар, чой, биллур идишлар, ошланган тери каби маҳсулотлар келтирилган.

Хива хонлиги савдогарлари қўшни Бухоро ва Қўқон хонликлари билан, шунингдек, Хитой, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон билан ҳам савдо алоқалари олиб борганлар. Бу давлатларга Россиядан келтирилган маҳсулотлар билан бирга маҳаллий маҳсулотлар (заргарлик буюмлари, гиламлар, отлар) ҳам олиб борилган. Чет давлатлардан асосан турли матолар, металл, зираворлар, бўёқлар, фил суяги, шакар (қанд) каби маҳсулотлар келтирилган.


Хива хонлигининг Янги Урганч, Кичик Вазир, Қиёт, Хонқа, Тирсак, Гурлан, Хазорасп, Қўнғирот, Шоҳаббоз каби шаҳарлари ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ марказлари эди. Манбаларнинг маълумотларига кўра, XIX асрнинг биринчи ярмида Янги Урганч ҳимоя деворлари билан ўраб олинган савдо маркази бўлиб, унда бир ярим мингта хонадон бўлган. Урганчилик савдогарларни нафақат Бухоро, Қўқон ва Туркистон бозорларида, балки Астрахан, Оренбург, Нижний Новгород, Москва, Қашғар, Машҳад, Қобул бозорларида ҳам кўплаб учратиш мумкин бўлган. Урганч бозорлари асосан ички савдо маҳсулотларига мўлжалланган бўлса-да, ташқи савдо учун маҳсулотлар йирик савдогарларнинг уйларидаги устахоналарда тайёрланган. Шаҳарда 300 га яқин савдо дўконлари бўлган.

XVII- XVIII асрларда Қиёт шаҳри саройлари, мачит ва мадрасалари билан шуҳрат қозонган бўлиб, XIX асрнинг биринчи ярмидан ўз аҳамиятини йўқота бошлайди ва 50-60 хонадондан иборат қалъага айланади. Бу ерда 30 га яқин дўконлар бўлиб, сешанба ва шанба кунлари бозор бўлган.

Жувархас каналининг Амударёдан сув оладиган жойида жойлашган Хазорасп шаҳри барча қўлайликларга эга эди. Шаҳарда саккизта мачит ва шунча мадраса бўлиб, 450-500 та хонадон истиқомат қилган ҳамда 400 га яқин савдо дўконлари мавжуд бўлган. Ҳунармандчилик маҳсулотлари асосан дўконларда ва қисман уйларда тайёрланган. Ҳазораспда катта бозор душанба ва жума кунлари бўлган.

Хонликдаги йирик савдо-ҳунармандчилик марказларидан бири Гурлан эди. Манбаларга кўра, XIX асрнинг ўрталарида шаҳарда, атроф ҳудудлар билан қўшиб ҳисоблаганда уч мингтагача хонадон истиқомат қилган. Шаҳарда кўплаб мачит ва мадрасалар, боғлар тутзорлар бўлиб, далалардаги шоли, пахта ва буғдойдан яхши ҳосил олинган.

Маълумки, XVII асрнинг бошларига келиб Хива бутун хонлиқнинг пойтахтига айланган эди. Арабмуҳаммадхон даврида Хивада йирик мадраса бунёд этилган бўлса, Абулғозихон давридан бошлаб шаҳарнинг сиёсий –



маъмурий ва иқтисодий мавқеи янада кўтарилди. Пойтахт шаҳар сифатида шаҳарнинг мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида XIX асрнинг охирларига қадар Хивада кўплаб мачит ва мадрасалар, бозорлар ва карвонсаройлар, сарой ва миноралар, хаммомлар бунёд этилди. Манбаларга кўра, Хива бозорлари ҳафтанинг деярли барча кунлари ишлаб, раислар томонидан бошқарилган. Рус сайёҳлари Хива бозорларини гавжумлиги ва маҳсулотларга бойлиги, ажнабий савдогарларнинг кўплиги билан Бухоро ва Қўқон бозорларидан қолишмаслиги ҳақида маълумотлар қолдирганлар.

Маданий ҳаёт. Меъморчилик. Хива хонлигининг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар маданий ҳаётга таъсир этмасдан қолмади. Шунга қарамасдан хонликдаги маданият ўзига хос йўналишларда давом этди. Маданий ҳаёт равнақи таълим-тарбия, адабиёт, тарихнавислик, меъморчилик ва амалий санъат кабиларда кузатилади.


Бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби, Хива хонлигида ҳам асосий илм ўчоғлари бошланғич мактаблар ва мадрасалар эди. Бошланғич мактаб, яъни, кўйи таълимда ўқиш-ёзишни ўрганиб, хат-савод чиқарган ўсмирлар пойтахт Хивадаги ҳамда Бухородаги мадрасаларда ўқиб таълим олганлар. Манбаларга кўра, XIX асрда Хива хонлигида 1500 га яқин бошланғич мактаб ва 130 та мадраса бўлган. Фақат Хиванинг ўзида 22 та мадраса бўлиб, улар ичида Муҳаммад Раҳимхон, Шерғозихон, Раҳмонбердибий, Оллоқулихон, Хожа Маҳрам, Фозилбек, Давлат Қоракўз, Бекниёз девонбеги мадрасалари алоҳида нуфузга эга эди.

Хоразм адабий муҳитида илғор ғояларни тарғиб этган шоирлардан бири Нурмуҳаммад Ғариб Андалиб (1710-1770 йй.) эди. Классик поэзиянинг турли жанрларида ижод қилган Андалибнинг “Саид Ваққос”, “Зайнул араб”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун” каби дostonлари машҳурдир.

Хивада ижод этган шоирлар ичида Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1874 йй.) алоҳида ўринга эга. Тарихчи, таржимон ва шоир бўлган Огаҳийнинг 1832 йилда тузилган “Таъвизул ошиқон” (“Ошиқлар тумори”) девонидаги ғазаллари айниқса машҳурдир. Бу даврда шунингдек, Паҳлавон Равнақ, Муҳаммад Ниёз Нишотий, Муҳаммад Хокисор, Табибий, Мунис, Комил Хоразмий, Комдон, Муродий каби шоирларнинг ижоди ривож топди. XVII-XVIII асрларда “Тўр ўғли” мажмуаси дostonлари ривожлантирилди, “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб ва Шохсанам”, “Сайёд ва Ҳамро”, “Санобар”, “Юсуфбек ва Аҳмадбек”, “Баҳром ва Дилором” каби дostonларнинг фольклор ва халқ оғзаки ижодидаги кўринишлари тараққий этди.

Бу даврда тарихнависликдаги илгарги анъаналар сақланиб қолди. Тарихий асарлар орасида Абулғозининг “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима” (“Туркманлар шажараси”) ўзбек тилида битилган муҳим тарихий асарлар ҳисобланади. Тарихнавислик анъаналарини кейинчалик Мунис, Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Баёний каби тарихнавислар давом эттирдилар.

XIX аср бошларида Муҳаммад Раҳимхоннинг буйруғи билан Шермуҳаммад Мунис (1778-1829 йй.) “Фирдавс ул-иқбол” (“Бахту саодат жаннати”) асарини яратди. Хива хонлигининг XVIII- XIX асрлар тарих



хақида қимматли маълумотлар берувчи бу асарни кейинроқ Оллоқулих топшириғи билан Муниснинг жияни Огаҳий давом эттирди ва 1872 йилгача бўлган воқеалар билан бойитди. Шунингдек, Хива хонлиги тарихига бағишланган асарлар орасида Баёний (1859-1923 йй.) нинг “Шажараи Хоразмшоҳий” асари ҳам қимматли ҳисобланади.

Хоразм Ўрта Осиёда ўзига хос услубларга бой бўлган меъморчилик мактабига эга воҳа ҳисобланади. Бу ҳудудда пайдо бўлган меъморий иншоотлар нафис безаклари, жимжимадор нақшлари билан Хоразм меъморчилик мактабининг ўзига ҳослигини кўрсатиб туради. XVIII- XIX асрларда Хива хонлигида кўплаб иншоотлар бунёд этилди. Айниқса хонликнинг пойтахтлари Урганч ва Хива шаҳарларида кўплаб саройлар, масжид ва мадрасалар, хонақолар, карвонсаройлар, ёпиқ бозорлар қурилган. Хивадаги меъморий ёдгорликлар асосан Ичан (ички) қалъада бунёд этилган. Хоннинг ёзги қароргоҳи бўлган Дишан (ташқи) қалъа ҳам нодир меъморчилик намунаси ҳисобланади.

Хонликдаги бошқа шаҳарлар – Янги Урганч, Ҳазорасп, Тошҳовуз, Янги Вазир, Шоҳаббоз, Гурлан, Хўжайли, Кўнғирот кабилар мудофаа деворлари билан ўраб олиниб, уларда ҳам кўплаб меъморий иншоотлар бунёд этилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, XVI – XX асрнинг бошларида мавжуд бўлган Хива хонлиги – Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихида, иқтисодий ва маданий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиб, жамият тараққиётининг минтақа ҳудудларидаги ўзига хос томонлари ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат ҳисобланади. Унинг тарихи Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисмидир.

Хива хонлари¹

1. Эрон шоҳининг ноиблари – 1510-1512 йй.
2. Элбарсхон – 1512-1537 йй.
3. Аванишхон – 1537 й (бир неча ой).
4. Шайбоний Убайдуллахон – 1537-1538 йй. (бир неча ой).
5. Ҳожимхон (Ҳожи Муҳаммадхон) – 1558-1593 йй.
6. Шайбоний Абдуллахон II – 1593-1598 йй.
7. Ҳожимхон – 1598-1602 йй.
8. Араб Муҳаммадхон – 1602-1623 йй.
9. Исфандиёрхон – 1623-1643 йй.
10. Абулғозихон – 1643-1663 йй.
11. Анушахон – 1663-1687 йй.
12. Арангхон (Эранг, Эрнак) – 1688-1690 йй.
13. Шоҳниёзхон – 1690-1707 йй.
14. Араб Муҳаммад – 1707-1715 йй.
15. Шерғозихон – 1715-1728 йй.
16. Элбарсхон – 1728-1740 йй.
17. Нодиршоҳ (Эрон шоҳи) – 1740 йй.

¹ Сагдуллаев А. С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи..., 253 б. Қисман ўзгартиришлар киритилди.




- 18. Абулғозихон II – 1741-1747 йй.
- 19. Таибхон (Каипхон) – 1747-1757 йй.
- 20. Темур Ғозихон – 1757-1763 йй.
- 21. Тавкахон – 1763 йй. (бир неча ой)

Хива қўнғиротлари сулоласи

- 22. Муҳаммад Амин иноқ – 1763-1790 йй.
- 23. Аваз иноқ – 1790-1804 йй.
- 24. Элтўзархон – 1804-1806 йй.
- 25. Муҳаммад Раҳимхон I – 1806-1825 йй.
- 26. Оллоқулихон – 1825-1842 йй.
- 27. Раҳимқулихон – 1842-1845 йй.
- 28. Муҳаммад Аминхон – 1845-1855 йй.
- 29. Абдуллахон – 1845 йй. (беш ярим ой – 20 март-27 август)
- 30. Қутлуғ Муродхон – 1855 йй. (тўрт ярим ой).
- 31. Сайид Муҳаммадхон – 1856 -1864 йй.
- 32. Муҳаммад Раҳимхон II (Ферўз) – 1864-1910 йй.
- 33. Сайид Исфандиёрхон – 1910-1918 йй.
- 34. Сайид Абдуллахон – 1918-1920 йй. (амалда Жунаидхон)

Хива хонлигидаги олий даражали унвонлар ва мансаблар.¹



¹Сагдулла

бекистон тарихи..., 254 б.




6-§.Сўнги ўрта асрларда қорақалпоқлар (сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт)¹

Тадқиқотчилар милоддан аввалги VI асрга оид Бехистун ёзувларида эслатилган сака тиграхаудаларни (чўкқи қалпоқли саклар) ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудида яшаган қабилалар деб ҳисоблайдилар. Манбаларга кўра, милоднинг VI-VIII асрларида Орол денгизи атрофларида бижанак ва ўғўз этник гуруҳлари шаклланади. Тадқиқотларга кўра, бижанак қабилалари қорақалпоқларнинг аждоди ҳисобланади. Қорақалпоқ халқи шакллана бошлаган VIII-X асрларда Орол атрофи Кердер вилояти деб юритилган. Муғул босқини натижасида Амударё тўғони бўзиб ташлангач, Кердер вилояти сувсиз қолади ва бу ердаги қорақалпоқларнинг бир қисми Волга ва Урал дарёлари бўйларига, Сирдарёнинг юқори оқимларига кўчиб кетадилар.

Ўрта асрларга (X-XII) оид рус манбаларида қорақалпоқлар “черные клобуки”, маҳаллий манбаларда эса “қора бўркли” номи билан тилга олинади. “Қорақалпоқ” этнонимининг қачон пайдо бўлганлиги номаълум. Ҳар ҳолда 1598 йил Абдуллахон II томонидан Сиғноқдаги муқаддас Зиёвиддин мақбарасига берилган ёрликда қорақалпоқлар шу ном билан тилга олинган. Кейинги давр манбаларига кўра XVI асрда қорақалпоқларнинг айрим гуруҳлари Волга, Урал, Эмба дарёлари оралиғида, шунингдек, Бухоро хонлиги ҳудудларига ўрнашадилар. XVII асрдан бошлаб то XVIII аср ўрталарига қадар қорақалпоқлар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими бўйлаб жойлашиб, кичик жуз қозоқлари билан қўшничиликда яшайдилар. Бу даврда улар ҳам иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қозоқ хонларига тобе бўлганлар. Уларнинг бошқаруви қозоқ султонлари кўлида бўлган.

Қозоқ ҳукмдори Тавкахон (1680-1718 йй.) ҳукмронлиги даврида қорақалпоқларни унинг ўғилларидан бири бошқарган. 1694 йилдан бошлаб Тавкахоннинг ўғли Табурчак султон қорақалпоқларга бош

¹ Ушбу параграфни ёзишда “История Узбекистана”. Коллектив авторов. Ташкент, Фан.1993, китобидан кенг фойдаланилди. (291-316 б.б.)




бўлган бўлса, 1709 йилдан Табурчакнинг ўғли Каип султон улар бошчилик қилган. 1722 йилдан бошлаб қорақалпоқлар хони Эшмухаммадхон бўлади. Кейинроқ эса, XVIII асрнинг 30-40-йилларида қорақалпоқлар Кичик жуз хони Абулхайр тасарруфига ўтадилар.

Қорақалпоқлар қозоқ хонларига ҳар йили кўп миқдорда ғалла, 2000 тагача отлик сарбозлар бериб туришлари, қозоқларнинг рус чегаралари, Бухоро ва Хивага ҳарбий юришларида иштирок этишлари лозим бўлган. Шунингдек, улар ўз ҳудудларидан ўтган карвонлардан қозоқ султонлари учун бож олганлар.

XVIII асрнинг биринчи чорагига келиб савдо–сотиқнинг ривожланиши натижасида қорақалпоқларнинг Бухоро ва Хива билан алоқалари кучайиб, бошқирдлар, улар орқали эса Россия билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилади. 1721 йилга оид манбада “қорақалпоқлар Бошқирдистон (Башкирия)га кўплаб келадилар..., шунингдек, бошқирдлар..., қорақалпоқларга дўстлари билан келадилар ва ҳар йили бир ой ёки уч ҳафтадан бир-бирлариникида яшайдилар” дея маълумот берилади. Шунингдек, бу даврда турли ҳудудларда яшаётган қорақалпоқлар орасида бирлашишга интилиш ҳаракати бошланиб, Сирдарё қорақалпоқларининг Зарафшон воҳаси ва Хоразм қорақалпоқлари билан алоқалари йўлга қўйилади. Буларга асосий сабаб – жунғорлардан кутилаётган ҳужум хавфи эди. Шунинг учун ҳам 1721 – 1722 йилларда Россия ҳукумати билан қорақалпоқлар ўртасида элчилар алмашинган эди. 1723 йилда жунғор ҳукмдори Цеван Рабдон кўшинлари Қозоқ хонлиги ерларига бостириб кирдилар. Жунғорларга қаршилик кўрсата олмаган қозоқларнинг катта қисми турли томонларга тарқалиб кетдилар. Қорақалпоқларнинг бир қисми Сирдарёнинг юқори оқимлари бўйлаб Тошкент ва унинг жануби-ғарбига, бир қисми эса Сирдарёнинг қуйи оқимига, Орол бўйларига кетиб қолдилар. Биринчи гуруҳ жунғорларга, иккинчи гуруҳ эса Кичик жуз қозоқларига тобе бўлиб қолдилар.

XVIII асрнинг 30-40-йиллари бошларида қорақалпоқларнинг Россия билан элчилик алоқалари яна йўлга қўйилди. 1743 йилда Маман бий бошчилигидаги қорақалпоқ элчилари Петербургда Россия ҳукмдори Елизаветанинг “ҳомийлик” ҳақидаги ёрлиғини олдилар. Бундан ғазабланган кичик жуз қозоқлари хони Абулхайр ўша йили Орол бўйи қорақалпоқларига ҳужум қилиб, уларни талон тарож қилади. Абулхайрхоннинг ҳужуми қорақалпоқларнинг Жонидарёга ҳаракатларини кучайтирди. 1746-1747 йилнинг қишида қорақалпоқлар Ўрта жуз қозоқ ҳукмдори Аблай султон ҳужумига дучор бўладилар.

Қозоқ хонлари ва султонларининг ҳужумларига дош беролмаган Оролбўйи қорақалпоқларининг бир қисми Сирдарёнинг юқори



оқимларига кетиб қолишга мажбур бўладилар. Асосий қисми Эрали жануби-ғарбга томон, Хива хонлиги чегараларига, Қувондарё ва Жонидарё оралиғидаги ҳудудларга ўрнашадилар.

1748 йилда Ўрта жуз султони Бароқ ўзининг тарафдорлари ёрдамида Абдулхайрни ўлдиради. Абдулхайрнинг ўғли Нурали хон деб эълон қилинади. Аммо, унинг ҳокимиятини барча Кичик жуз қабул қилмади. Йирик зодагонлар султон Ботирни хон дея эътироф этганлари боис, кичик жуз икки ҳокимликка бўлиниб кетди. Шунингдек, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги кўчманчиларга бошчилик қилаётган Абулхайрнинг яна бир ўғли Эрали султон ўзини акаси Нурали султондан мустақил ҳисоблар эди.

1762 йилда султон Эрали Сирдарё бўйларида қолган қорақалпоқлар устига юришлар қилиб уларни Жонидарё ва Орол мулкларига кўчишга мажбур қилади. XVIII-XIX аср бошларида бутун Қувондарё ва Жонидарё ҳавзалари қорақалпоқларнинг мулклари эди. Бу ерда улар Оролбўйи ўзбеклари ва қорақалпоқлари билан нафакат сиёсий иттифокда бўлдилар, балки этник жиҳатдан ҳам аралашиб кетдилар. Улар иттифокчиликда козоқ хонлари ва султонлари, Хива хонларига қарши курашлар олиб бордилар.

Бу даврда қорақалпоқлар **бийлар Маслаҳатлари** орқали бошқарилган. Ҳар бир қабила уюшмасига йирик ер мулки ва чорва эгаси бўлган **бийлар** бошчилик қилган. Бир қанча қабила ва уруғлар бирлашмаси **ўн тўрт уруғни (он тор уру)** манғит уруғи бийлари бошқарган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қорақалпоқлар ва Хива ҳукмдорлари ўртасида курашлар авж олди. Муҳаммад Амин иноқ Хива хонлиги марказий ҳокимиятини кучайтириш сиёсатини олиб бориб, қорақалпоқларни хонликка бўйсундиради. Хива хонлигида Муҳаммад Амин иноқ ва унинг ўғли Аваз иноқ ҳукмронлигида қорақалпоқлардан сохта хонлар (Ортиқғозихон, Ёдгорхон, Абулғозихон IV, Абулғозихон V) сайланган. Шунга қарамадан қорақалпоқларнинг Хива ҳукмдорларига қарши курашлари узоқ йиллар давом этди. Муҳаммад Амин иноқ кейинчалик эса, Муҳаммад Раҳимхон I даврларида қорақалпоқларнинг қолдовли уруғи бошлиғи Ойдўстбийга қатор имтиёзлар берилди. Аммо, бу ҳам натижа бермай Ойдўстбий охир оқибат Хива хонига қарши қорақалпоқларни кўзғолонга кўтарди. Аммо, бу кўзғолон шафқатсизларча бостирилди.

XIX аср қорақалпоқларнинг ижтимоий тизимида уруғ – қабилачилик анъаналари сақланиб қолган эди. Қорақалпоқлардаги ижтимоий табақаланиш натижасида бир томонда бойлар, йирик ер эгалари, йирик чорвадорлар, иккинчи томонда эса бойлар кўлида ишлаб




кун кўрувчи камбағал фуқаролар ажралиб турган. Хоразмда қорақалпоқларга ерлар хон томонидан қабила ва уруғлар фойланиши учун берилган бўлса-да, аслида энг яхши ерлар уруғ ва қабила бошлиқларига тегишли бўлган.

Қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларда Хива хонлигида мавжуд бўлган ер эгалигининг уч тури –давлат (хон) ерлари, йирик ер эгаларининг мулк ерлари, диний муассасаларга тегишли бўлган вафқ ерлари сақланиб қолган. Қорақалпоқларда бийлар, оталиқлар, беглар беги, бойлар, савдогарлар, қози, раис, мироблар, ҳарбий бошлиқлар (ботирлар) ҳамда уламолар –муллалар, эшонлар, охунлар қабилар йирик ер эгалари ҳисобланган. Деҳқонлар асосан кам ерли бўлиб, уларнинг ерлари бир –икки танобдан ошмаган. Кам ерли ёки умуман ерсиз деҳқонлар давлат, мулк ва вафқ ерларидан фойдаланиб, бунинг эвазига ҳосилнинг маълум қисмини ер эгаларига берган ёки ер эгасига ишлаб бериш мажбуриятини бажарган. Ерсиз қорақалпоқ деҳқонларининг кўпчилиги Хоразмнинг жанубига, ўзбеклар ва туркманлар бойларининг ерларига ишлаш учун борганлар.

Энг яхши яйлов ерлари, кўллар, қамишзорлар қорақалпоқ зодагонларига тегишли бўлган. Барча ерлардан фойдаланиш улар ихтиёрида бўлиб, сувдан фойдаланиш ҳам бундан мустасно эмас эди. Қорақалпоқ жамиятида ижтимоий табақаланиш чорвачилик хўжалиқларида ҳам кўзга ташланади. Амалдорлар ва руҳонийлар йирик чорва эгалари бўлган. Улар бир неча минглаб чорва молларига эгалик қилганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар қорақалпоқлардаги асосий маъмурий мансаблар уруғ бошлиғи **бий, жузбасы (юзбоши), махрам (закот йиғувчи), мироб, қози, раис** қабилар эди. Улардан асосийси бий бўлиб, бийлар ўз қабила ёки уруғларидан хон хазинасига солиқлар йиғиш, уруғ ёки қабила ичидаги можароларни ҳал қилиш, жумладан, ер - сув муносабатлари ва жиноий ишларни ҳал этиш вазифаларини бажарганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бийларнинг ҳуқуқлари чегараланади. Хива хони Сайид Муҳаммадхон қорақалпоқларнинг бошқарув тизими учун кўшимча иккита ноиб, олтита оталиқ, иккита беглар беги ва битта оғабий мансабларини жорий этди. Булар орасида **оғабий** энг юқори мансаб бўлиб, қолганлари унга бўйсунганлар. Қорақалпоқлардаги бошланғич маъмурий бирлик –**овуллар** бўлиб, уларни жамиятнинг ҳукмрон табақалари вакиллари бўлган **оқсоқоллар кенгаши** бошқарган. Қорақалпоқларнинг асосий маъмурий маркази Амударёнинг ўнг қирғоғида Чимбой, чап қирғоғида эса, Кўнғирот бўлган.



Қорақалпоқлар бүйсундирилганидан сўнг уларга ҳам хонликда солиқ, тўлов ва мажбуриятлар жорий этилди. XIX аср бошларидан бошлаб, қорақалпоқлар ҳали янги ерларга жойлашиб, ўзлаштириб олмаганликларига қарамай Хива хонлари маҳсулот тўловларини талаб қила бошладилар. Ундан ташқари доимий йиллик солиқ (20 минг тилла ҳажмида) **салғут-кесма** солиғи жорий этилди. Энг оғир мажбуриятлардан бири қорақалпоқлар хон қўшинларидаги 2 минг аскарни боқишлари ва қўшин учун навкар бериш эди. Шу билан биргаликда аҳоли ариқ ва каналлар қазиш ҳамда тозалаш ишларига (ҳашар) жалб этилган.

Хива хонлари қорақалпоқларни бүйсундирганидан сўнг (XIX асрнинг бошлари) уларнинг Хоразмда, Амударёнинг ҳар иккала қирғоғида жойлашуви жараёни асосан тугалланади. Чап қирғоқ қорақалпоқлар Қўнғирот ва Хўжайли оралиғида, Шуманай канали хавзасида жойлашган бўлсалар, ўнг қирғоқ қорақалпоқлар Кўкўзак, Кечитли каналлари, Амударё бўйларида, Кушканатав этакларида жойлашадилар.

XIX аср бошларида қорақалпоқларнинг иқтисодий аҳволи анча оғир эди. Янги ерларга жойлашган бу аҳоли ерларни ўзлаштириш учун, даштни ҳосилдор ерларга айлантириш учун суғориш тизими яратиши лозим эди. Бу эса албатта катта куч, меҳнат ва вақт талаб этар эди.

Амударё хавзасидаги қорақалпоқларнинг асосий хўжалик тури деҳқончилик эди. XIX асрнинг биринчи чорағида бу ерда учта қорақалпоқ деҳқончилик воҳалари: Қалликул, Кушканатав ва Кегейли шаклланади. Чап қирғоқ Амударё шаклланган Қалликул воҳаси Ловдин, Шанглибасув, Шуманай, Қиёт –Жарган каналларидан сув олган. Ўнг қирғоқ Амударё, ҳозирги Чимбой шаҳрининг шимоли ғарбида шаклланган Кушканатав воҳаси Амударёнинг табиий ирмоғи Қорабайлидан сув олган. Хитой ва қипчоқ қабилаларининг ерлари бўлган бу воҳа XIX асрнинг биринчи ярмида қорақалпоқларнинг муҳим деҳқончилик воҳаси эди.

XIX асрнинг ўрталарига келиб қорақалпоқлар жойлашган худудларда яна иккита –Чимбой ва Қўнғирот хўжалик туманлари шаклланади. Бутун XIX аср давомида қорақалпоқлар хўжалик ҳаётининг асосини қуйидаги бешта – Чимбой, Давқара, Таллиқ, Қўнғирот, Хўжайли каби хўжалик туманлари ташкил этган эди. Таъкидлаш лозимки, бу хўжалик туманларидаги деҳқончиликнинг ҳолати Амударё суви билан боғлиқ бўлган. Табиат инжиқликларига қарамасдан (сув тошқини, қурғоқчилик, қишнинг эрта ёки кеч келиши) қорақалпоқлар деҳқончилик хўжаликларини ривожлантириб борганлар.



Қорақалпоқ хўжаликларида ерга хўкиз қўшилган омов ва мов билан ишлов берилган бўлиб, асосан, буғдой, шоли, жўхори, сули, каноп, беда, қовун, тарвуз, қовоқ, мош, нўхат каби маҳсулотлар асосан ички эҳтиёжлар учун етиштирилган.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Қўнғирот хўжаликларида пахта етиштириш йўлга қўйилган. Қорақалпоқ боғдорчилигида жийда, ўрик, шафтоли, олма кўплаб етиштирилган.


Аҳоли чорвачилигида йирик шоҳли ҳайвонларни кўпайтириш устунлик қилган. Уй чорвачилигида жуни, териси, сути ва гўшти учун кўплаб эчки ва қўйлар боқилган. Отлар кам боқилган. Туялар фақат бойлардагина бўлган. От ва туялардан юк ташиш ва чиғир айлантиришда ҳам ишлатилган. Хўжаликда балиқчилик ҳам ривожланган. Балиқчилар Орол, Қуванишдарё, Амударё ва Давкар, Қўнғирот, Қора Терен кўлларида тирикчилик қилганлар. Қорақалпоқлар деҳқончиликдан бўшаган куз ва қиш ойларида овчилик билан ҳам шуғулланганлар.

Қорақалпоқларда ҳунармандчиликнинг темирчилик, тикувчилик, тўқувчилик, косиблик, кулолчилик, заргарлик, дурадгорлик каби кўплаб турлари ривожланган эди. Деҳқончиликда бўлгани каби ҳунармандчиликда ҳам асосий маҳсулотлар ички эҳтиёж учун ишлаб чиқарилган. Кўпчилик усталар ўз овуллари учун маҳсулот ясаганлар ва улар меҳнати учун ғалла ва чорва олганлар.

Сўнгги ўрта асрларда Хива хонлигининг шимолидан ўтган савдо-карвон йўллари Чимбой, Хўжайли, Қўнғирот, Кўхна Урганч шаҳарларини Хива билан боғлаган. Ундан ташқари Хивани Казалинск билан боғлайдиган йўл Чимбой орқали ўтган. Повольже, Уралск, Оренбургдан Устюрт орқали Хивага келадиган яна бир йўл Қўнғирот яқинидан ўтган. XIX асрдан бошлаб Хива хонлигининг савдо алоқаларида қорақалпоқлар фаол иштирок эта бошлаганлар. Улар хонлик бозорларида буғдой, чорва ва балиқ маҳсулотларини сотиб, рус, Хива ва Бухоро маҳсулотлари (кундалик эҳтиёж моллари)ни харид қилганлар – Қорақалпоқларнинг Қўнғирот, Хўжайли Манғит, Чимбой, Шўрахон каби шаҳарларининг савдо-сотикдаги аҳамияти катта эди.

Сўнгги ўрта асрлар қорақалпоқ халқи маданияти оғир табиий шароит, Хива хонларига тобелик заминида бўлса-да, ўзига хос йўналишларида шаклланиб, раванқ топди. Қорақалпоқларнинг катта қисми Қўнғирот, Қиёт, Чимбой, Нукус, Қипчоқ, Манғит, Жанга қалъа, Ойдўст қалъа, Эрназар қалъа, Кўк ўзак, Эшон қалъа каби шаҳар ва қалъалар қорақалпоқ халқи томонидан яратилган маданий ва меъморчилик ёдгорликларининг маркази ҳисобланган.

Манбаларга кўра, қорақалпоқларда ёшлар саводини даставвал мактабларда чиқарганлар. Ушбу бошланғич мактабларда 5-6 ёшдан



бошлаб қабул қилинган ўқувчилар Қуръон ва Ҳадисларни ўқиш тиловат қилишни ўрганганлар. Мактабда саводини чиқарган ёшлар Хива ва Бухоро мадрасаларида, қорақалпоқларнинг Қоракум Эшон, Калила охун, Эгамберган охун, Ойибет эшон, Эшонқалъа мавзеларидаги мадрасаларда таълим олганлар.

Қозоқ маърифатпарвар олими Чўқон Валихонов ўз даврида “қорақалпоқлар саҳродаги биринчи шоир ва кўшиқчилар..., минглаб дostonлар, қиссалар, кўшиқларни қорақалпоқлар ёдда сақлаганлар” дея, бежизга айтмаган эди.

Дарҳақиқат, қорақалпоқларнинг қаҳрамонлик дostonлари қадимдан маълум. Улардан “Қирққиз”, “Алпомиш”, “Қўблан”, “Маст подшо”, “Эдигей” кабиларда қорақалпоқларнинг воқеаларга бой тарихи куйланади. Бу даврда қорақалпоқ халқида жирав-бахшичилик ривожланган бўлиб Жиен Жирав (1730-1784йй.), Шанкай Жирав (1814-1884йй.), Жисмурат Жирав (1836-1908йй.) кабилар машҳур эди. XIX аср қорақалпоқ шоирлари Жиен Жиравни “қорақалпоқ поэзиясининг отаси” деб атаганлар.

Қорақалпоқ машҳур шоирларидан бири Кунхўжа Иброҳим ўғли (Жисмурат, 1799-1830йй.) бўлиб, унинг умри муҳтожликда ўтган. Унинг “Ўроқчилар”, “Оқ қамиш”, “Чўпонлар” каби шеърлари машҳурдир. Ажиниёз Касибай ўғли (1811-1878йй.) ҳам қорақалпоқ халқининг машҳур шоирларидан биридир. Ажиниёз шеърларида ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари устунлик қилади. Шоирнинг “Бўзатов” дostonида қорақалпоқ халқининг бошқа юртларга мажбуран кўчиб кетиши куйланади. Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ (1827-1900 йй) қорақалпоқ классик адабиётининг машҳур намоёндаларидан биридир. Унинг ижодида қорақалпоқ халқининг XIX асрдаги ижтимоий – иқтисодий ҳаёти акс этган.

Шундай қилиб, 1873 йилда Россия ҳукумати билан тузилган Гандимиён шартномасига кўра, Хива хонлиги Россия вассалига айланди. Амударёнинг ўнг қирғоғида яшайдиган қорақалпоқлар ҳудудлари Россияга кўшиб олинди. Бу ҳудудларда Амударё бўлими ташкил этилди ва 1877 йилдан у Туркистон генерал –губернаторлигининг Сирдарё вилояти таркибига кўшилди. Қорақалпоқларнинг Амударёнинг чап соҳилида яшайдиган кам қисми 1920 йилга қадар яна Хива хонлигига тобе бўлиб қолди.

1.Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. Тошкент, Янги аср авлоди. 2006.

2. Худойқўлов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти. Тар.фан.номз.дисс. Тошкент. 2009.172 б.




3. Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳуқуқи. Тошкент, Адолат. 2007.
4. Бабаджонов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Ташкент-Токио, Янги нашр. 2010.
5. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи. Тошкент, Фан. 1996.
6. Холиқова Р.Э. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида Россия Бухоро муносабатлари тарихи. Тарих фан. док. дисс. Тошкент. 2005. 295 б.
7. Шерипов У.А. Хива хонлиги тарихи (1511-1920 йй.). Тарих фан. ном. дисс. Урганч, 2009. 174 б.
8. Хоразм тарихи. 1-жилд. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. Урганч, 1997.
9. Сабурова С. XIX аср ва XX аср бошида Хива хонлигининг давлат тизими. Тар. фан. номз. дисс. Тошкент. 2002. 180 б. Иловалари билан.
10. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал эгаллиги ва давлат тузилиши. Тошкент, 1959.
11. История Узбекистана. Колл-в. авторов. Ташкент, 1993.

9-МАВЗУ. ТУРКИСТОНДА ЧОР РОССИЯСИ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИДА ИДОРА УСУЛИ ВА БОШҚАРУВ

Сиёсий тарих. XVI асрнинг иккинчи ярмига келиб Россия подшолиги ўз ҳудудларини кенгайтира бориб Қозон, Аштархон (Астрахан) ва Сибир хонликларини босиб олди. Шундан сўнг рус подшоларининг Ўрта Осиё ҳудудларига қизиқиши кучая бошлади. Подшо ҳукумати бу ҳудудлар ҳақида маълумот тўплаш учун 1558 йил апрелида “Москва савдо компанияси” вакили Антони Женкинсонни Ричард ва Роберт Жонсонлар билан биргаликда 1589 йил сентябрига, 1620 йилда Иван Хохловни, 1669 йилда Б.А. Пазухин ва С.И. Пазухинларни, 1675 йилда В.А. Даудов бошчилигидаги элчиларни Бухоро, Хива, Самарқанд, Урганч ва Балхга жўнатган эди. Бу элчиларнинг асосий мақсадлари Ўрта Осиё хонликлари ва унга қўшни бўлган ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий аҳволи, халқаро алоқалари ҳақида маълумотлар тўплашдан иборат эди.

Аммо, Ўрта Осиё ҳудудларини босиб олиш учун тўғридан тўғри амалий ҳаракатлар XVIII аср бошларида, яъни, Пётр I ҳукмронлиги даврида бошланди. Манғишлоқлик туркман савдогари Хўжа Нафас орқали Амударё соҳили олтин қумларига бойлиги ҳақида хабарни эшитган Пётр I 1717 йилда князь Бекович-Черкасский экспедициясини 3000 дан ортиқ қўшин билан Хива хонлигига жўнатади. Аммо, бу экспедиция муваффақиятли чиқмай, унинг қўшинлари Хива хони Шерғозихон томонидан қириб ташланади.

Шундан сўнг Пётр I 1721 йилда Флорио Бевени бошчилигидаги элчиларни Бухорога жўнатади. Италиялик Россия жосуси Ф. Бевенига элчилик ниқобидаги ўз сафари чоғида иқтисодий ва географик аҳамиятга молик ерларни бухороликларга сездирмасдан эслаб қолиш, Каспийга




қўйиладиган катта-катта дарёлар ва мавжуд кемалар, шаҳарлар истеҳкомлар ҳақида маълумотлар тўплаш топширилган эди. Бундан ташқари Ф.Беневени Бухоро хонлиги қалъалари ва қўшинларининг умумий сони, армиясининг тузилиши ва аҳволи, бошқариш усули, Бухоронинг Эрон, Хива ва Туркия билан муносабатлари ҳақида тўла маълумот тўплаши ҳамда Россия билан Бухоро давлати ўртасида савдо-сотикни ривожлантиришда мавжуд имкониятларни аниқлаш билан бирга, Ўрта Осиё дарёларидаги олтин захиралари ҳақида маълумот тўплаши ҳам лозим эди. Ф. Беневени Бухорода уч йилдан ортиқ яшаб Бухоро ва Хива хонлигининг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиёт, табиий бойликлари ҳақида маълумотлар тўплаб 1825 йилда Россияга қайтади.

XVIII асрнинг биринчи чорагида кўчманчи қозоқлар Урал дарёси ва Каспий денгизидан Хива хонлиги чегарасигача бўлган ҳудудда Катта, Ўрта ва Кичик жузга бўлинган ҳолда яшар эдилар. Қозоқ султонлари ўртасидаги урушлар устига, қалмоқларнинг хужумлари қўшилиб, ўзаро қонли тўқнашувлар бўлиб турган. Ундан ташқари 1723 йилги очарчилик қозоқларни қийин аҳволга солиб қўйди. Ўзаро урушлардан чарчаган қозоқ султони (Кичик жуз) Абулхайрхон 1730 йилда Россияга мурожат қилиб, қозоқларни Россия ҳимоясига олишини сўради. XVIII асрнинг биринчи ярмида барча кўчманчи қозоқлар Россия тобелигига олинди. Россия ҳукумати ўзбек хонликларини босиб олиш мақсадида бутун XVIII аср мобайнида қозоқ жузлари яшаб турган ҳудудларда 150 га яқин катта ва кичик қалъалар қурдириб, плацдарм сифатидаги янги шаҳарларга (Омск, Семипалатинск, Уст-Каменогорск, Оренбург ва бошқ.) асос солдилар.

XIX аср бошларига келиб Европанинг баъзи давлатлари ўртасида ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашиб кетганлиги боис, 1806-1812 йилларда рус-турк, 1808-1809 йилларда рус –швед, 1805-1813 йилларда рус –форс, 1805-1812 рус-француз урушлари бўлиб ўтди. Бунинг натижасида Россия ҳукуматининг ўзбек хонликларига бўлган эътибори камайди. Николай I (1825-1855 йй.) рус тахтига ўтиргач вазият яна ўзгарди. Қозоқ даштларидаги ҳарбий истеҳкомлар воситасида Россия империяси Хива хонлиги ҳудудларига яқинлашиб кела бошлади.

Россиянинг ўзбек хонликларига нисбатан сиёсатини изчил амалга ошириш тарафдорларидан бири бўлган Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский подшо Николай I фармонида кўра 1839 йилда 5 мингдан зиёд қуролланган қўшин билан Хива хонлиги устига юриш бошлади. Аммо, йўлдаги оғир шарт-шароитлар рус қўшинларининг аҳволини қийинлаштирди. 1840 йилнинг бошларида Хива чегараларига етиб келган Перовский қўшинлари Хива хони Оллоқулихоннинг ўзбек, қозоқ ва туркманлардан иборат бирлашган қўшинлари томонидан тор –мор этилди.

XIX асрнинг ўрталарида жаҳоннинг йирик давлатлари ўртасида янги мустамлакалар учун кураш қизиқ кетган бир шароитда Россия империяси ҳам бу курашлардан четда қолмади. Шу жиҳатдан бу даврда Англия ва Россия манфаатлари Ўрта Осиёда тўқнашди. Россия империяси ҳукумати Англиянинг



Туркистон ва Каспий денгизининг шарқий томонларини эгаллаб олишид хавсираётган эдилар. Чунки Англия Афғонистон ва Ҳиндистон орқали ўзбек хонликлари билан савдо-сотик ва дипломатик алоқалар олиб борар эди. Англиянинг асосий мақсади хонликларни босиб олишга уринаётган Россиянинг режаларини барбод қилиш, ўзбек хонликларини Россияга қарши бирлаштириш ҳамда Ўрта Осиё бозорларини эгаллаш эди.


Англия ўз мақсадини амалга оширишни тезлатиш учун турли йилларда Стоддарт, Конолли, Бёрн, Арчи Тодд, Аббот, Шекспир, Иосиф Вольф каби кўплаб форс ва турк тилларини яхши билган жосусларни ўзбек хонликларига жўнатди. Шунингдек, Англия ҳукумати Туркия билан ҳамкорликда Ўрта Осиё давлатларини бирлаштиришга кўп ҳаракат қилди. Аммо, уларнинг барча ҳаракатлари зое кетди. Чунки, ўзбек хонликлари ўртасида низолар кучли эди. Ундан ташқари Россия ҳукумати ўзбек хонликларини бир-бирига қарши гиж-гижлатиш сиёсатини олиб борди.

Россия ҳукумати Ўрта Осиё ҳудудларини босиб олишдан кўпроқ манфаатдор бўлиб, бу манфаатдорлик босқинчилик ҳаракатларини тезлаштиришга ундар эди. Олимларнинг фикрларига кўра, қуйидаги сабаблар Россиянинг Ўрта Осиё хонликларини босиб олишни тезлаштирган эди:

1. Россиянинг енгил саноатини таъминлаб берувчи арзон хом ашё базасининг Ўрта Осиёда мавжудлиги.
2. Қрим уруши (1853-1856 йй.) туфайли Қора денгиз портларининг Россия кўлидан кетиши ҳамда унинг ўрнига Ўрта Осиё хонликларини эгаллаш ҳисобига тўлдириш. Ўрта Осиё орқали Эрон, Афғонистон, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларда Англиянинг таъсирини йўқотиб, бу давлатлар билан савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатиш.
3. Россиянинг Европа бозорлари билан рақобат қила олмаслиги сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулот учун Ўрта Осиё бозорларини эгаллаши лозим эди.
4. Россияда ўтказилган ер ислохотлари туфайли қашшоқлашиб қолган аҳолини кўчириб келтириш ҳамда уларни ер-сув билан таъминлаш.

Шунингдек, Англиянинг Ўрта Осиё бозорларига интилиши ҳам Россия ҳукуматини ташвишга солиб қўйган эди. Шу боис ҳам хонликларга бевосита чегарадош бўлганлигидан фойдаланган Чор Россияси ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. 1853 йилда Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский кўшинлари Қўқон хонлигининг стратегик аҳамиятга эга бўлган Оқмачит (ҳозирги Қизил Ўрда) қалъасини куч билан эгаллади. Қрим уруши туфайли тўхтаб қолган ҳарбий ҳаракатлар 1860 йилнинг ёзида яна жонланиб, полковник Циммерман бошчилигидаги рус кўшинлари Тўқмоқ, кейин эса Пишпак (ҳоз. Бишкек) қалъаларини эгалладилар.

1864 йилнинг май ойида Верний қалъасидан (1854 йилда Алмати овули ёнида руслар томонидан қурилган) йўлга чиққан полковник Черняев Авлиёота, Сузоқ қалъаларини, июл ойида Туркистон шахрини босиб олди. Шундан сўнг Чимкент шаҳри қамал қилиниб, бу ерда рус кўшинлари Қўқон саркардаси Алимқул Амирилашкар зарбаларига дуч келдилар. Аммо, ҳарбий-



техник жиҳатдан устунликка эга бўлган Черняев кўшинлари 22 сентябр Чимкентни эгаллашга эришдилар. 1864 йилнинг октябрида Черняев кўшинлари Тошкентга ҳужум бошладилар ва шаҳарнинг шарқидаги Дарвишак копқа деган жойда мағлубиятга учрадилар.


1864-1865 йилнинг қишида Черняев Тошкентга юриш учун ҳарбий таёргарлик кўриб, ўз кўшинларини Сибир ва Оренбургдан етиб келган курол-яроғ, кўшимча ҳарбий кучлар билан тўлдирди. 1865 йил 28 апрелда Черняев Чирчиқ дарёси бўйидаги Ниёзбек қалъасини эгаллаб, бу ердаги Тошкент шахрини сув билан таъминлаб тутувчи тўғонни бўзиб ташлади. Тошкент мудофаасини ташкил этишда Алимкул саркарданинг хизматлари катта бўлди. 8 май куни Алимкул катта лашкар билан Қўқондан етиб 9 май куни руслар билан жангга киришди. Аммо, Алимкул қаттиқ ярадор бўлиб, ҳалок бўлгач тошкентликлар орасида саросималик бошланди. 1865 йил 15 июн куни Тошкент забт этилди.

Шундан сўнг Чор Россияси кўшинларининг ҳарбий ҳаракатлари Бухоро амирлигига қаратилди. 1866 йилда олиб борилган босқинчилик урушлари натижасида (генерал Романовский бошчилигида) амирлик ҳудудлари эгаллана бошланди. 1866 йил май ойида Эржарда бўлган жангда амир Музаффар енгилиб Жиззахга қочди. 19-22 май кунлари бўлган жанглардан сўнг Романовский кўшинлари Хўжандни эгалладилар. Октябр ойида Ўратепа ва Зомин босиб олинди. Жиззах шаҳри учун қаттиқ жанглар бўлиб 11-18 октябр кунлари бу шаҳар ҳам босқинчилар томонидан эгалланди.

1868 йил 1 май куни фон Кауфман бошчилигидаги рус кўшинлари амирликнинг йирик шаҳарларидан бири бўлган Самарқандга юриш бошладилар. Чўпонота тепалигида бўлган жангда амир кўшинлари мағлубиятга учради ва 2 май куни Самарқанд шаҳри эгалланди. Амир Музаффар асосий кучларни тўплаб Самарқанд томон юрди. Кауфман ҳам катта кучлар билан Бухорога томон ҳаракатланди. 2 июн куни Зирабулоқда ҳар иккала кўшинлар ўртасида жанг бўлиб амир мағлубиятга учради.

Амир Музаффар ва Кауфман кўшинлари Зирабулоқда урушаётган бир пайтда Шаҳрисабз ва Китоб беклари Жўрабек ва Бобобек ҳамда амирнинг ўғли Абдумалик тўра бошчилигида Самарқандда қолдирилган рус кўшинларига қарши кураш бошланди. Аммо, Кауфман зудлик билан Самарқандга қайтиб бу ҳаракатни бостирди ва Самарқандни талон-тарож қилишга буйруқ берди. 1868 йил 23 июнга келиб, чорасиз қолган амир Музаффар Туркистон генерал –губернатори фон Кауфман билан сулҳ тузишга мажбур бўлди ва Россия императорининг вассалига айланди. Бу сулҳга кўра, Бухоро амири Россияга катта миқдорда товон пули (125 минг тилла) тўлаб, Россия ҳукуматининг розилигисиз ташқи алоқалар олиб боришдан маҳрум бўлди ва Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги ерлар, Самарқанд ва Каттақўрғон Россия таркибига киритилди.

Шунга қарамасдан, амирдан норози бўлган кучлар чор ҳукуматига қарши урушни давом эттирдилар. Амирнинг катта ўғли Абдумалик тўра, Жўрабек, Бобобек ва Султон Содик кучлари бирлашиб Кармана, Қарши ва



Чироқчи бекликларини эгалладилар ҳамда Амдумаликни амир деб эъл қилдилар. 1868 йилнинг кузида амир Музаффар ўз ўғлига қарши фон Кауфмандан ҳарбий ёрдам сўради. Унга жавобан амир ҳузурига генерал Абрамов бошчилигидаги қўшинлар жўнатилди. 1868 йил 21 октябрда бўлган жангда Абдумалик Тўра бошчилигидаги қўшинлар мағлубиятга учради.

1872 йилнинг охирида Россия ҳукумати Хива хонлигига қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлашга жиддий қарор қабул қилди. Хивага қарши Оренбург, Манғишлоқ, Красноводск ва Кавказ округи қўшинлари ҳам жалб этилди. 1873 йилнинг баҳорида 12 мингдан ортиқ қўшин ва 56 та тўп-замбаракларга умумий қўмондонлик Кауфман зиммасига юклатилиб, Хива хонлигига юриш бошланди.

Хива ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон II масалани тинч йўл билан ҳал этишга уриниши беҳуда кетгач, ҳарбий кенгаш чақириб, мудофаа режаларини тузади ва душман истилочиларига қарши кучларни сафарбар этади. Аммо, кучлар ва ҳарбий тайёргарлик нисбати тенг эмас эди. 1873 йил 18 май куни Амударё бўйларидаги қаттақ жанглардан сўнг Хазорасп эгалланди. Шундан сўнг рус қўшинлари Қўнғирот, Хўжайли, Манғит қалъаларини эгаллаб 29 май куни Хивага кириб келадилар. Хон Измиқшўр тарафдаги туркман овулига қочиб кетади. У Хивага қайтиб келгунига қадар хон саройидаги қимматбаҳо буюмлар ва 300 та нодир қўлэзма асарлар Петербургга жўнатилди.

1873 йил 12 августда Хива яқинидаги Гандимиён қишлоғида фон Кауфман билан Муҳаммад Раҳимхон ўртасида сулҳ шартномаси (“Гандимиён шартномаси”) имзоланди. Бу шартномага кўра, Амударё қуйи оқимининг ўнг қирғоғидаги ерлар Россия ихтиёрига ўтди. Рус кемаларининг Амударё бўйлаб сузишлари учун барча имкониятлар яратилди. Рус савдогарлари хонлик ҳудудида эркин савдо қилиш, Амударёнинг чап қирғоғида савдо омборлари куриш ҳуқуқини олдилар. Хива хонлиги Россиянинг руҳсатсиз ташқи алоқалар олиб боришдан маҳрум этилиб, вассалга айланди. Хонлик зиммасига 2.200 минг сўм товон тўлаш (20 йил муддатга) мажбурияти юклатилди. Россия савдо-саноатчилари Хива хонлигида бож ва мажбуриятлардан озод этилиб, уларга хонликда қўчмас мулк сотиб олишга руҳсат берилди.

Чор Россияси Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига қарши уруш олиб бораётган даврда Қўқон хонлигида чуқур сиёсий ва иқтисодий инқироз ҳукм сураётган эди. Чунки, 1868 йил 13 февралда Кауфман ва Қўқон хони Худоёрхон ўртасида шартнома имзоланган бўлиб, шу пайтгача Россия босиб олган ҳудудлар империя тассаруфига ўтган эди. Орадан кўп ўтмасдан бундай вазият Фарғона водийсида Худоёрхонга қарши норозилик ҳаракатларини келтириб чиқарди. Бу ҳаракатнинг катта қисмига ўзини Қўқон хони Олимхоннинг набираси Пўлатхон деб эълон қилган Мулла Исҳоқ Ҳасан ўғли бошчилик қилди (Наманган ва унинг атрофларида). Худоёрхоннинг обрўли амалдорлари Исо Авлиё, Абдурахмон офтобачи, хоннинг укаси, Марғилон ҳокими Султон Муродбек, хоннинг ўғиллари Насриддинбек (Андижон ҳокими), Муҳаммад Аминбеклар Пўлатхон томонга ўтиб кетадилар. 1873 йилга келиб қўзғолон бутун Фарғона водийсини қамраб олган эди. Ўша йили




Худоёрхон кўзғолончиларни қисман мағлуб этган бўлса-да, аҳвол ўзгармади. 1875 йилнинг ўрталарига келиб кўзғолончилар Ўш, Наманган, Андижон, Асака, Марғилон шаҳарларини эгалладилар. Хонликдаги норозилик ҳаракатларининг бундай тус олиши Россия ҳукуматини саросимага солиб қўйди. Шу боис ҳам полковник М.Д.Скобелев кўзғолонни бостириш учун Туркистон ўлкасига юборилди. Бу орада Худоёрхон Кауфмандан ёрдам сўраб мурожаат қилди. 1875 йилнинг ёзида Худоёрхон Хўжанд орқали Тошкентга қочиб кетди. Кауфман Худоёрхоннинг 40 та аравадаги мол-мулкини мусодара қилиб, ўзини Оренбургга сургун қилди.

Ҳали Худоёрхон Қўқондан чиқиб кетмасидан олдинроқ унинг катта ўғли Насриддинбек Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги гуруҳ раҳбарлигида Қўқон хони деб эълон қилинди. Янги хон Россия билан муносабатларини яхшилаш мақсади борлигини билдириб фон Кауфманга мактуб йўллаган бўлса-да, амалда Россия ҳукуматининг босқинига қарши куч тўплашга киришган эди. Шу мақсадда Насриддинбек Бухоро амири ва Тошкентнинг нуфузли кишиларидан бири бўлган Саидазимбойга ёрдам сўраб нома жўнатади. Аммо Бухоро амри ҳам, Саидазимбой ҳам ўзларига юборилган номаларни Кауфманга топширадилар. Насриддинбекнинг ҳаракатлари пучга чиқди. Ундан ташқари, Худоёрхон қочиб кетгач айрим гуруҳлар Насриддинбек, айримлари эса Пўлатхон томонга бўлиниб кетдилар.

Қўқон хонлигидаги халқ ҳаракатлари ҳамда Худоёрхоннинг қочиб кетиши натижасида юзага келган оғир вазият рус босқинчиларига қўл келди. 1875 йил август ойининг бошларида Қўқон хонлиги қўшинлари Тошкент томонга (Қурама тумани) юриш бошлади. Бунга қарши Кауфман ҳам катта қўшин билан қарши ҳужумга ўтди. 22 августда Маҳрам қалъаси (Хўжанддан Қўқонга юриш йўлида) рус қўшинларининг ғалабаси амалда хонлик тақдирини ҳал қилди. 26 август куни Кауфман Маҳрамдан Қўқонга йўлга чиқди. Насриддинбек Кауфман билан келишув йўли билан бориб 1875 йил 22 сентябрда у билан шартнома имзолади.

Насриддинбекнинг Кауфман билан келишуви халқнинг яна кўзғолон кўтаришига сабаб бўлди. Бу сафар ҳаракатнинг маркази Андижон бўлди. Пўлатхон атрофига тўпланган нуфузли амалдорлар Андижоннинг Бўтақора қишлоғида уни хон деб эълон қилдилар. 1875 йилнинг охирига қадар Андижон, Наманган, Балиқчи шаҳарларида қаттиқ жанглар бўлиб, улар қўлдан-қўлга ўтиб турди. Қўқоннинг ўзида ҳам кўзғолон кўтарилиб, Насриддинбек қочиб кетди. Пўлатхоннинг Кауфман билан музокаралар олиб бориш ҳаракати зое кетди. 1876 йил 28 январда Пўлатхон Олой водийсида сўнгги кучлари билан тор-мор этилди. Пўлатхон қўлга олиниб, 1 март куни Марғилонда осиб ўлдирилди. Насриддинбек ва Абдурахмон офтобачи Тошкентга жўнатилди. 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнига Фарғона вилояти ҳарбий губернаторлиги ташкил этилди. Генерал М.Д.Скобелев Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори этиб тайинланди.

Чор Россиясининг бундан кейинги асосий ҳарбий ҳаракатлари туркманлар яшайдиган ҳудудларни босиб олиш билан боғлиқ бўлди. 1877



йилда Каспий ортининг Ахалтака воҳасидаги Қизил Арват рус қўшинлари томонидан эгалланди. 1881 йилда Скобелев бошчилигидаги рус қўшинларининг ниҳоятда даҳшатли қирғинидан сўнг Кўктепа қалъаси, ундан сўнг Асхабад (Ашхобод) шаҳри эгалланди. 1884 йилда рус қўшинлари Марв воҳасини ҳам босиб олдилар. Босиб олинган ҳудудларда Каспийорти вилояти тузилиб, у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди.


Шу тариқа Чор Россияси 20 йилдан зиёдроқ давом этган босқинчилик урушлари натижасида жуда катта ҳудудлардан иборат бўлган Ўрта Осиё хонлиқларини босиб олди. Россия империяси босиб олинган ҳудудларининг чегараларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш чораларини ҳам кўрди. 1881 йилда янги Россия ва Россия-Эрон ўртасида, 1885-1887 йилларда Россия-Афғонистон, 1895 йилда Помирдаги чегаралар белгиланди.

Чор Россиясининг мустамлака бошқарув усули. Россия империяси босиб олинган ҳудудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва бошқариш учун мустамлакачиларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган мустаҳкам бошқарув тартибларини жорий этиш учун барча чора-тадбирларни кўрдилар. Чунки бошқарув тизими Россия ҳукумати учун жуда муҳим бўлиб, босиб олинган жойларда мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда асосий таянч ҳисобланган.

Тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, Туркистон маъмурияти империянинг бошқа ўлкалари бошқарувидан ўзининг кескин ҳарбийлашгани билан алоҳида ажралиб туради. Россия ҳукуматининг Туркистон ўлкаси учун 1865-1916 йиллар оралиғида ишлаб чиққан ҳамда амалга тадбиқ этилган ўнта қонун лойиҳалари (1865, 1867, 1871, 1873, 1882, 1884, 1886, 1908, 1912, 1916 йиллар) да ва уларнинг моддаларига адлия, молия, ҳарбий, ички ишлар ва бошқа вазирликлар киритган ўзгаришларда ана шу ҳолат ўз аксини топган.

Тошкент шаҳри босиб олинганидан сўнг 1864-1865 йилларда босиб олинган ҳудудларда Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида (1865 й.) ҳарбий-лашган маъмурий бошқарув тартибларига асосланган **Туркистон вилояти** ташкил этилиб, унга генерал-майор М.Г.Черняев губернатор этиб тайинланади. Туркистон вилоятини бошқариш учун 1865 йил 6 августда “Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги Муваққат Низом” қабул қилиниб, унга мувофиқ ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти ҳарбий губернатор кўлида бўлимларга бўлиниб, уларни бўлим бошлиқлари бошқарган. Бўлим бошлиғи бир вақтнинг ўзида бўлим ҳарбий коменданти ҳам ҳисобланган. Бўлим бошлиқларига маҳаллий аҳоли устидан назорат қилувчи ва рус амалдорларидан тайинланадиган бошқарувчилар бўйсунган. Шунингдек, бу “Низом” га кўра, Туркистон вилояти губернатори, “бий, оқсақол, раис ва қози лавозимидаги туб жой аҳоли вакилларини эгаллаб турган лавозимига тасдиқлаш, бўшатиш, алмаштириш ваколатига эга бўлган”.

Маҳаллий аҳоли устидан назорат қилувчи бошқарувчиларнинг вазифалари жойларда тинчликни сақлаш, карвонлар хавфсизлигини таъминлаш, ўрмон, сув иншоотларини кўриқлаш, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги жанжалларни ҳал қилиш, аҳолига солиқ ва мажбуриятларни



белгилаш, уларни ўз вақтида ва ўз миқдорида тўлашни назорат қилиш назорат натижаларини бўлим бошлиғига етказишдан иборат бўлган. Маҳаллий аҳолининг ўтроқ ҳаёт кечирувчи қисмида суд ишлари бўйича қозилар чиқарган ҳукмлар ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланиши лозим бўлиб, қозиларнинг чиқарган ҳукмларини ҳарбий губернатор ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлган. Кўчманчи аҳолининг бий судлари маҳаллий аҳоли бошқарувчиларининг рухсати билан ўтказилган. Бий судларида ишлар одат қоидалари асосида кўрилган.

1865 йилдаёқ Россия императори Александр II нинг фармони билан Оренбург ва Ғарбий Сибир генерал-губернаторликлари ҳамда Туркистон вилояти турмуш тарзи ва умумий аҳволини ўрганиш учун “Дашт комиссияси” тузилиб, Ўрта Осиёга жўнатилади. Ушбу комиссиянинг вазифаси босиб олинган ҳудудлардаги шароитни ўрганиш ҳамда уларни қандай бошқариш ҳақида низом тузиш учун маълумотлар тўплашдан иборат эди. Комиссия ўз иш жараёнида босиб олинган ерлардан қуйидаги қоидаларга асосланган ҳолда фойдаланишни белгилаб берган эди:

1. Ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини бир қўлда тўплаган ҳолда ўлкани бошқариш.

2. Сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган барча ички ишларни бошқаришни ерли аҳолининг хулқ-атвори ва урф-одатларини ҳисобга олиб, маҳаллий аҳоли кўлига топшириш.

3. Маҳаллий бошқармада, унинг қонун ва урф-одатларида мавжуд бўлган давлат манфаатларига зиён етказувчи барча нарсаларни бутунлай тугатиш.

4. Имконияти борича судни маъмуриятдан батамом ажратиб қўйиш.


Кўриниб турибдики, “Дашт комиссияси” нинг асосий вазифаси мустамлакачиликка асосланган ўлка бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган эди. Бу “Комиссия” томонидан ишлаб чиқилган “Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш ҳақидаги қоидалар лойиҳаси” бўйича Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорда қуйидагилар қайд этилган эди:

1. Лойиҳада кўрсатилган ҳудудларда Еттисув ва Сирдарё вилоятлари таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилсин.

2. Генерал-губернаторга ўлкани бошқариш учун лойиҳада назарда тутилган штатлардан келиб чиққан ҳолда, бошқариш учун амалдорлар олишга имконият берилсин.

3. Генерал-губернаторга лойиҳада кўрсатилган ерларда, ўлкадаги маҳаллий шароит, тузем (маҳаллий) халқларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сўнгги марта қонуний тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун унинг қисмлари бўйича ва яхлит ҳолда ўзининг хулосасини бериш топширилсин. Унгача лойиҳада кўрсатилган ҳолатларни асос сифатида қабул қилиб, ўлка тузилиши учун фавқулодда муҳим ва фойдали деб ҳисобланган ҳамма чораларни кўриш топширилсин.

Тадқиқотларга кўра, Туркистон вилоятининг Оренбург генерал-губернаторлиги таркибида бўлиши вақт ўтиши билан турли муаммоларни



келтириб чиқарган эди. Шунинг учун ҳам Туркистон вилоятининг ўзбек жойлашганлиги, вилоят маъмурияти вакиллари сонининг камчилиги генерал-губернаторлик билан боғланишга, унинг кўрсатмаларини ўз вақтида бажарилишига салбий таъсир кўрсатаётганлиги империя ҳукмрон доиралари ўртасида Туркистон вилоятини Оренбург генерал-гебернаторлигидан алоҳида ажратиш масаласини кун тартибига қўйган эди. 1867 йилда Петербургда Туркистон бошқаруви бўйича тайёрланган “Низом” лойиҳаси махсус комиссия томонидан муҳокама қилиниб, унда Оренбург генерал-губернаторлигидан алоҳида бўлган Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади. 1867 йил 11 апрелда Александр II томонидан комиссия таклифи маъқулланиб, 11 июлда Жанубий Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилганлиги тўғрисида фармон эълон қилинади. Биринчи генерал-губернатор қилиб фон Кауфман тайинланади.

Янги ташкил этилган ушбу маъмурий бирлик даставвал 2 та – Сирдарё ва Еттисув вилоятларини ўз ичига олган эди. Архив манбаларининг маълумот беришича, чор ҳукуматининг 1867 йилги манифестига кўра, Кауфманга “ўлкани бошқариш учун керакли ва зарур деб ҳисобланган барча тадбирларни маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқи берилиб, сиёсий, чегаравий ва савдо ишларини ҳал қилиш, қўшни мамлакатларга уларнинг Россия билан ўзаро алоқаларига тегишли музокаралар олиб бориш ва битимлар имзолаш, ўзаро келишувга эришиш ва қарорлар қабул қилиш учун ишончли вакилларни жўнатишда чекланмаган ваколатлар берилди”.

1867 йилги “Низом” лойиҳасида Туркистон ўлкасининг Россия ҳарбий вазирлиги таркибида бўлиши, ўлка ҳарбий ҳокимият орқали бошқарилиши, генерал-губернатор ўлкада жойлашган кўшинга кўмондонлик қилиши, бошқарувнинг қуйи бўғинига ерлик аҳоли вакиллари сайлов орқали сайланиши, ўлка бошқарувини Россия империясидаги мавжуд бошқарув тизимига яқинлаштириб, кейинчалик ўлкани империянинг ажралмас бир қисмига айлантириш, ўлканинг маъмурий – ҳудудий бўлинишида эса империянинг сиёсий, иқтисодий ва стратегик мақсадларидан келиб чиқиб иш тутилиши кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқотчиларнинг (С.Тиллабоев) таъкидлашича, Россия империяси Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларида ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлашни биринчи даражали вазифа ҳисоблангани учун ҳам бошқарув соҳасида дастлаб катта ўзгаришларни амалга оширмаган. Юқори органлар назоратида бўлган қуйи бошқарув органлари, солиқ тизими сақлаб қолинган. Қуйи бошқарувнинг дастлаб сақланиб қолинишига асосий сабаб маҳаллий аҳолининг ички ҳаётига дастлабки даврда кескин аралаштириш ва аҳолининг турмуш тарзига катта ўзгаришлар киритиш салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин эди. Ундан ташқари, янги босиб олинган ерларда ҳали қаршилик ва норозилик ҳаракатлари давом этаётганлиги, бошқарув тизимида фаолият олиб бораётган ўз одамлари бўлмаганлиги, маҳаллий



шароитни тўлиқ билмаслик кабилар ҳам анъанавий бошқарув тизими маълум муддат сақлаб қолишга мажбур қилган.

1868 йилда империя Министрлар Кенгаши томонидан Туркистон генерал-губернаторига икки йил ичида янги “Низом” лойиҳасини тайёрлаб тақдим қилиниши тўғрисида кўрсатма берилади. 1871 йилда фон Кауфман раҳбарлигида Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида “Низом” лойиҳаси тайёрланиб тақдим этилсада, муҳокамада тасдиқланмай қайтарилади. Ушбу лойиҳа 1873 йилда қайта ишланиб, иккинчи мартаба Министрлар кенгашига жўнатилади. Аммо, бу сафар ҳам “Низом” лойиҳасида камчиликлар мавжуд бўлиб, “қоникарсиз, ер масаласи тартиблари эса сиёсий жиҳатдан хавфли” бўлганлиги туфайли 1874 йилда тасдиқланмай, қайтарилади. Аммо, шунга қарамасдан ушбу “Низом” лойиҳасидаги тартиблар 1876 йилда янги ташкил этилган Фарғона вилоятига жорий этилади.

1882 йил 8 майда императорнинг Туркистон генерал-губернаторлигини тафтиш қилиш тўғрисидаги фармони эълон қилинади. Тафтиш ишларига раис қилиб “Дашт комиссияси”нинг собиқ раиси, махфий маслаҳатчи Ф.К.Гирс тайинланди. 1883 йилда Гирс тафтиш ишларини тугаллаб, императорга генерал-губернаторлик ва унга қарашли ташкилотларнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, “Ўлкани бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳаси”ни кўшиб тақдим этди.

1884 йил 21 январда император Александр III нинг кўрсатмаси билан Давлат Кенгаши аъзоси, генерал-адъютант, граф Н.Игнатъев раислигида “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомнинг қайта ишланган сўнгги лойиҳасини ишлаб чиқиш” бўйича комиссия ташкил қилинади. Чоризмнинг олий доиралари томонидан тузилган ушбу комиссиянинг асосий вазифаси – “Ўлкани Россияга қатъий қарам қилиб қўйиш мақсадлари ва уни бошқаришда харажатларни камайтириш, даромадларни эса оширишга, шунинг билан бирга, фуқароларни бошқариш талабларига ва жойларнинг шарт-шароитларига тўғри келадиган низом” тузилишини амалга оширишдан иборат эди.

Россия императори томонидан “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” 1886 йил 12 июнда тасдиқланган бўлсада, маъмурий тизим бўйича эътирозлар давом этди. Аммо, император Туркистон ўлкасида собиқ генерал-губернаторлик бошқарувининг асосий тамойилларини сақлаб қолган ҳолда унга баъзи ўзгаришлар киритди. Умуман олганда, Туркистон ўлкасида Россия империяси ҳукмронлик қилган йилларда қонун лойиҳалари доимо тўлдирилиб, ўзгартирилиб турилди. Чунки подшо Россиясининг қонун лойиҳалари Туркистонни Россия империясининг марказлашган бошқарув тизимига киритиб, уни рус буржуазияси ва дворян-помешчиклар мулкига айлантиришга қаратилган эди.

Туркистон генерал-губернаторлигини бошқариш бўйича дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқишда “ҳарбий вазият” омили ҳал қилувчи бўлган. Бундай ҳужжатлар чоризмнинг Ўрта Осиё хонликларининг янгидан-янги ҳудудларини босиб олиши муносабати билан вужудга келган ва айнан шунинг




учун ҳам доимо “муваққат” ёки “вақтинчалик” характерга эга бўлган. Мисол учун, “Сирдарё ва Еттисув вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом” (1867 й) “тажриба тариқасида” уч йил муддатга жорий қилинган бўлиб, 20 йил давомида амал қилган. “Зарафшон округини бошқаришнинг вақтинчалик қоидалари” (1868 й), “Амударё бўлимни бошқаришнинг вақтинчалик қоидалари” (1874 й) ва “Фарғона вилоятини бошқариш бўйича вақтинчалик Низом” (1876 й) тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин (Н.Абдурахимова).

Туркистон ўлкасининг маъмурий-худудий бошқаруви. Аҳолиси. Россия империяси Ўрта Осиё хонликларини босиб олганидан сўнг бу худудларда кўп асрлардан буён шаклланиб, мавжуд бўлиб келган, ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг диний ҳамда маҳаллий хусусиятларини ўзида акс эттирган бошқарув тизими ўрнига империя манфаатларига хизмат қилувчи бошқарув тартиблари ўрнатилди. Маълумки, 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, унинг генерал-губернатори ўз қўлида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини бирлаштирган. Генерал-губернатор бир вақтнинг ўзида подшо ноиб, ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, Еттисув казак қўшинлари атамани, бош миращаб ва бош прокурор вазифаларини ҳам ўтаган. Генерал-губернатор император томонидан тайинланган ва вазифасидан озод этилган бўлиб, у ҳарбий вазирга бўйсунган.

Туркистон генерал-губернаторлиги бошқарув тизими марказий, вилоят, уезд (туман), участка (волост), шаҳар, қишлоқ ва овул бошқаруви шаклларида иборат эди. Генерал-губернаторлик дастлабки ташкил этилган пайтда иккита – маркази Тошкент бўлган Сирдарё ва маркази Верний (Олмаота) бўлган Еттисув вилоятларидан иборат бўлган. Сирдарё вилояти худудига аосан илгари Туркистон вилоятига тегишли бўлган ерлар ва Қўқон хонлигининг босиб олинган шимолий худудлари кирган. Еттисув вилояти эса Семипалатинск вилоятининг Сергиопол, Копал ва Алатавск округи худудлари ҳамда Туркистон вилоятининг бир қисмидан иборат худудларда ташкил этилган.

Сирдарё вилояти маъмурий жиҳатдан Казалинск, Перовск, Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Тошкент, Хўжанд, Жиззах уездларига бўлинган бўлса, Еттисув вилояти Сергиопол, Копаль, Верний, Иссиқкўл ва Тўқмоқ уездларига бўлинган. Россия ҳукумати янгидан босиб олинган ерлар ҳисобига Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига қўшимча маъмурий – худудий бирлик ташкил этиб борган. Жумладан, 1868 йилда Бухоро амирлигига қарашли босиб олинган ерларда маркази Самарқанд бўлган Зарафшон округи, Хива хонлигига қарашли ерларни босиб олиш ҳисобига 1874 йилда маркази Петро-Александрович (Тўрткўл) бўлган Амударё бўлими, 1876 йилда Қўқон хонлиги худудларида маркази Янги Марғилон (Скобелев, Фарғона) бўлган Фарғона вилояти ташкил этилган эди.

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурий-худудий жиҳатдан Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Фарғона ва Каспийорти (Закаспий) вилоятлари ҳамда Амударё бўлимидан иборат эди. Вилоятлар уездларга бўлинган бўлиб, улар қуйидагилар эди: **Сирдарё**




вилояти – Авлиёта, Казалинск, Қурама, Перовск, Туркистон, Чимкент, Тошкент шаҳри марказ сифатида генерал-губернаторга бўйсунган; Амударё бўлими ҳам Сирдарё таркибида бўлган; **Еттисув вилояти** – Верний, Копал, Жаркент, Лепсин, Пишпек, Пржевалск, Тўқмоқ; **Фарғона вилояти** – Андижон, Қўқон, Марғилон, Наманган, Ўш, Чуст ва Чимён; **Самарқанд вилояти** – Самарқанд, Каттақўрғон, Хўжанд ва Жиззах; Каспийорти (**Закаспий**) **вилояти** – Манғишлоқ, Красноводск, Ашхобод, Тажан ва Марв уездлари.

1. Марказий бошқарув¹




2. Вилоят бошқаруви

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб..., 195-199 бб.




3. Туман бошқаруви





4. Шаҳар бошқаруви

а) туман шаҳарлари идораси





б) Тошкент шаҳри идораси





5. Қишлоқ бошқаруви





Вилоятлар бошқаруви¹ ҳарбий губернатор ва вилоят бошқармаси томонидан амалга ошириб борилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳарбий губернатор ҳарбий ва ҳарбий фуқаролик хусусиятига эга бўлган. Ҳарбий губернатор қошида амалдорлар ва вилоят бошқармаси мавжуд бўлиб, вилоят **бошқармасига** ҳарбий губернаторнинг ёрдамчиси раислик қилган. Бу ёрдамчи ҳарбий губернатор билан келишилган ҳолда император ёрлиғи билан вазифасига тайинланган ва озод этилган. Ҳарбий губернатор бўлмаган пайтларда унинг вазифасини ёрдамчиси бажарган.

Вилоят бошқармаси учта бўлим – фармон берувчи, хўжалик ва суд бўлимларидан иборат бўлган. Бўлим бошлиқлари генерал-губернатор томонидан тайинланган ҳамда вазифасидан озод этилган. Уездларни **уезд бошлиқлари** идора қилган. Улар генерал-губернатор тавсиясига биноан олий ёрлиқ билан вазифасига тайинланган ва озод этилган. Уезд бошлиқлари маъмурий ва полиция вазифасини бажарган ҳамда қонунлар ижроси устидан назорат қилган.


Маҳаллий бошқарув **кўчманчи аҳолини бошқариш** ва **ўтроқ аҳолини бошқаришга** бўлинган. Ҳар бир уезддаги кўчманчи аҳоли **вилоятларга, волостлар** эса **овулларга** бўлинган. Волост (бўлис)лар – волост бошқарувчилари, овуллар эса **оқсоқоллар** томонидан бошқарилган. Вилоят бошқарувчилари ва унга номзодлар ҳарбий губернатор томонидан, овул оқсоқоли ва унга номзодлар уезд бошлиғи томонидан тайинланган. Волост бошлиғи полиция ва маъмурий ҳокимиятни амалга оширган. Ўтроқ аҳолини бошқариш қишлоқларда маъмурий ва полиция ваколатларига эга бўлган оқсоқоллар томонидан амалга оширилган. Ўтроқ аҳоли уездларда волостларга, волостлар эса қишлоқ жамоалари (оқсақолликлар)га бўлинган.

1886 йилги “Низом” га кўра, Туркистон ўлкасини бошқариш куйидагича бўлинган:

1. Бош бошқарма.
2. Турли тармоқларнинг алоҳида қисмларини бошқариш.
3. Маҳаллий маъмурий бошқарув: вилоят – уезд – волост – қишлоқ.
4. Суд бошқаруви.

Туркистон генерал-губернатори ҳузурида Кенгаш, махсус топшириқларни бажариш учун амалдорлар, таржимон ва девонхона мавжуд бўлган. Кенгаш ваколатларига барча қонунчилик масалалари, генерал-

¹ Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи..., 196-199 бб.



губернатор топширган вазифаларни кўриб чиқиш кирган. Аммо у, ўлка умумий бошқариш бўйича маслаҳат овозига эга бўлган.

Уезд бошқаруви бўйича **Амударё бўлими** алоҳида мақомга эга бўлган. Амударё бўлими бошлиғи уезд бошлиғи мақомига эга бўлиб, маъмурий ва полиция бошқаруви унинг ихтиёрида бўлган. Бўлим бошлиғи ҳузурида ёрдамчи ва девонхона мавжуд бўлган.

Волост бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчилари аҳоли томонидан уч йилга сайланган ҳамда ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланган. Волост бошқарувчилари суд ҳукмларини ижро этган, аҳолининг келиб-кетишини назорат қилган ҳамда солиқларнинг ўз вақтида йиғилишини таъминлаган.

1867 йилги “Муваққат Низом” га кўра, Туркистон ўлкасининг суд ва полиция тизими – **ҳарбий суд, империянинг умумий қонунлари асосида суд ва халқ судидан** иборат бўлган бўлса, 1886 йилги “Низом” га кўра, уларга ўзгартиришлар киритилиб, қуйидагича бўлган: **судлов палатаси, округ судлари, кўшимча мировой (сулҳпарвар) судьялар, фахрий мировой судьялар.**

Маҳаллий аҳолининг судлари алоҳида тартибга асосан тузилиб, **халқ судлари** деб номланган. Халқ судлари алоҳида рус судларига тегишли ишлардан ташқари содир этилган ишларни, бирор халқ судига тегишли бўлган ҳамда рус ҳужжатлари асосида бўлмаган фуқаролик ишларини кўриб чиққан. Халқ судлари – халқ томонидан сайланиб кўйилган **бийлар** томонидан амалга оширилган. Улар ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланган. Ўтроқ аҳоли учун **қози судлари** амал қилган бўлиб, улар аҳоли томонидан сайланган ҳамда ҳарбий губернатор томонидан тасдиқланган.

Туркистон ўлкасида вилоят ва уезд (туман) бошқармалари шаҳарларда жойлашган. Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Ашхобод, Чимкент, Жиззах, Каттакўрғон кабилар мавқега эга бўлган асосий шаҳарлар эди. Шаҳарлар ичида генерал-губернаторликнинг сиёсий, маъмурий ва маданий маркази бўлган Тошкент шаҳрига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, 1865 йилда генерал – майор Романовский рус зобитлари ва амалдорлари учун шаҳарнинг шарқий қисмидан жойни танлади ва қисқа муддат (1866-1868 йй.) рус аҳолиси яшайдиган “Янги шаҳар” барпо этилди.

1868 йил 27 февралда Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисмида ҳарбий – халқ бошқармаси тузилиб, статистик маслаҳатчи Россицкий унинг бошлиғи этиб тайинланди. Ушбу бошқарманинг дастлабки қарорига кўра Тошкентнинг “Янги” қисмида қуйидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилди:

1. Режа тузиш, уй қуришга ер ажратиш, кўча ва майдонлар барпо этиш.
2. Солиқлар ва турли тушумларни тартибга келтириш ҳамда ундириш, шунингдек, шаҳарнинг даромад ва харажатлар сметасини тузиш.
3. Шаҳар ирригация тизими ва ободончилигини бошқариш.

Маълумки, 1870 йилда Россиянинг ички губернияларида “Шаҳар низоми” қўлланила бошланган эди. Сирдарё вилояти бошқармасининг умумий раёсати 1872 йилда Тошкентда ҳам ушбу низомни қўллаш масаласини кўтариб чиқди. Шунга кўра, “Шаҳар низоми” ни мустамлака бошқарув маъмурияти



манфаатларига мос равишда ўзгартириш, кўшимчалар киритиш асосида Тошкентда жорий этиш учун лойиҳа тайёрланди. Ушбу лойиҳа махсус комиссия томонидан атрофлича муҳокама этилган бўлса-да, бу масала 1877 йилдагина ҳал бўлди. Таъкидлаш лозимки, Россия империясида шаҳарга оид иккита низом (1870, 1892 йй.) қабул қилинган бўлиб, улар Туркистон ўлкасининг Тошкент ва Верний (Алмати) шаҳарларидагина қўлланилиб, бошқа шаҳарларга жорий этилмаган.

1877 йилда **Тошкент шаҳар Думаси** ташкил этилиб, Сирдарё ҳарбий губернатори бошчилигида махсус ҳайъат тузилади. Ҳайъат сайловчилар рўйхатини тузиш, шаҳар жамоатчилик бошқарувига сайлов ўтказиш бўйича иш олиб борди. Сайловда 25 ёшга тўлган, шаҳарда кўчмас мулки бўлган рус фуқаролари, савдо ва косибчилик гувоҳномалари бўйича шаҳар солиғини тўлайдиган, қарзлари бўлмаган ва судланмаган шахслар иштирок этишлари мумкин бўлган. Думада овоз берувчилар сони 72 кишидан ошмаслиги керак эди. Уларнинг учдан бир қисми маҳаллий аҳоли, қолгани эса “Янги шаҳар”да истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари бўлиши шарт эди.


Сайловлар тўрт йилда бир марта бўлиб ўтган ва унда асосан савдогарлар, йирик саноат корхоналари ҳамда уй эгалари иштирок этган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, янги ташкил этилган Дума биринчидан, шаҳарни мустамлакачилар қўлида сақлаб туришни, иккинчидан, Думага сайланган маҳаллий аҳоли вакилларини ҳокимият таянчига айлантиришни мақсад қилиб қўйган эди.

Генерал – губернатор томонидан тайинланган Тошкент шаҳри бошлиғи бир вақтнинг ўзида Дума раиси ва шаҳар ҳокими (ҳоким тўра) вазифаларини ҳам бажарган. Шаҳар ҳокими вазифасини турли йилларда қуйидаги шаҳар бошлиқлари бажарганлар:¹

1. В.Ю.Мединский – 1874-1877 йй.
2. Е.Т.Пукалов – 1877-1883 йй.
3. С.Р.Путинцев – 1884-1890 йй.
4. А.Т.Тверитинов – 1891-1898 йй.
5. И.А.Ладигенский – 1898-1901 йй.
6. В.Ф.Киселёв – 1901-1904 йй.
7. В.Н.Рибушин – 1904-1905 йй.
8. С.Р.Путинцев – 1905-1907 йй.
9. Н.Г.Маллицкий – 1907-1917 йй.

Туркистондаги мустамлака бошқаруви 1898 йилгача “ҳарбий-халқ бошқаруви”, ундан кейин эса “маъмурий полиция бошқаруви” деб аталган бўлса ҳам унинг моҳияти мазмунан ўзгармаган. Барча ваколатлар аввало, генерал-губернатор, қолаверса, у бошчилигидаги рус маъмурияти қўлида тўпланган бўлиб, Россия империяси Ўрта Осиёда ўзбек давлатчилиги ва бошқарувининг барча кўринишларини бутунлай йўқотиш ва русча идора

¹ Исмоилова Ж. XIX асрнинг биринчи ярми..., 22-23 бб.



узулини қатъий жорий этиш бўйича изчил фаолият олиб борди. Маъмур бошқарув тизими ана шу мақсадга қаратилиб, бунинг учун барча чоралар кўрилган эди.

Туркистон ўлкасида 1867 йилдан 1917 йилгача ўн бешта генерал – губернатор ҳукмронлик қилган бўлиб¹, улар қуйидагилар эди:

1. К.П.Кауфман – 1867-1882 йй.
2. М.Г. Черняев – 1882-1884 йй.
3. Н.О. Розенбах – 1884-1888 йй.
4. А.Б.Вревский – 1889-1898 йй.
5. С.М. Духовский – 1898-1901 йй.
6. Н.А. Иванов – 1901-1904 йй.
7. П.Н. Тевяшов – 1904-1905 йй.
8. Д.И. Суботич – 1906 йй.
9. Н.И. Гродеков – 1907-1908 йй.
10. П.И. Мищенко – 1909 йй.
11. А.Б. Самсонов – 1909 -1913 йй.
12. Флуг, Мартсон ва Ерофеевлар – 1913-1916 йй.
13. А.Н. Куропаткин – 1916-1917 йй.

Чор Россияси маъмурлари ўзларининг Туркистондаги мустамлакачиликка асосланган мақсадларини кенг қўламда амалга ошириш учун ўлкани руслаштириш сиёсатида алоҳида эътибор берганлар. Маълумотларга кўра, Туркистонда очилган давлат муассасалари, судлар, банклар ва бошқа ташкилотларда иш юритиш фақат рус тилида олиб борилган. Маҳаллий аҳоли (асосан бойлар, савдогарлар, қозилар ва оқсоқоллар) нинг болаларини рус тилига ўргатиш учун рус – тузем мактаблари очилган. Бундан кўзланган асосий мақсад чоризм маъмуриятига садоқатли амалдорларни тайёрлаш ва келажакда “сиёсий аҳамиятга эга бўлмаган бошқарув ишларигагина маҳаллий аҳолини жалб қилишдан ” иборат эди.


XIX асрнинг охирларига келиб Туркистон генерал-губернаторлигининг умумий майдони 1.738.918 кв.км.ни ташкил этган. 1897 йилги биринчи Бутунроссия аҳолини рўйхатга олишнинг тўла бўлмаган маълумотларига кўра, Туркистон генерал-губернаторлигининг бешта вилояти аҳолиси қуйидагича эди:

1. Каспий бўйи вилояти – 383 минг киши.
 2. Самарқанд вилояти – 860 минг киши.
 3. Сирдарё вилояти – 1.478 минг киши.
 4. Фарғона вилояти – 1.572 минг киши.
 5. Еттисув вилояти – 988 минг киши.
- Жами – 5.281 минг киши¹.

Россия статистика бошқармасининг 1914 йилда тўплаган маълумотларига кўра бу кўрсаткич 6.492.604 кишидан иборат бўлган. Юқоридаги

¹ Тиллабоев С. Туркистон ўлкасининг ..., 13-б.

¹ Мусаев Н. Туркистонда саноат ..., 11-б.



маълумотлардан кўриниб турибдики, Туркистон генерал-губернаторлигини учта вилояти (Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона) да аҳоли зич яшаган.

Туркистон аҳолисининг умумий миқдорида ўзбеклар, козоқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар ва қорақалпоқлар кўпчиликти ташкил этган. Фоиз ҳисобида улар қуйидагича бўлган:


Ўзбеклар	35,7
козоқлар ва қирғизлар	44,66
Туркманлар	4,98
Тожиклар	6,73
Қорақалпоқлар	2,26
Руслар	3,75
бошқа халқлар	2,15

Ўлкадаги рус, украин ва белорус аҳолисининг сони 1897 йилда 197.240 киши бўлган бўлса, 1911 йилда уларнинг сони 406.607 кишига етган. Бундан ташқари, Туркистон аҳолисининг этник таркибини татарлар, бошқирлар, грузинлар, арманлар, латишлар, литваликлар, поляклар, қошғарликлар, уйғурлар, таранчилар, форслар, хиндлар, курдлар, афғонлар каби халқлар ҳам тўлдирганлар.

Туркистон генерал-губернаторлигининг қишлоқ жойларида маҳаллий аҳолининг 86 фоизи, маҳаллий бўлмаган аҳолининг 17 фоизи яшаган бўлса, шаҳарларда маҳаллий аҳолининг 14 фоизи маҳаллий бўлмаган аҳолининг эса 83 фоизи яшаган. Шаҳар аҳолисининг улуши Тошкент, Қўқон, Верний, Андижон, Самарқанд, Марғилон каби йирик савдо-саноат ва маъмурий-сиёсий марказларда нисбатан юқори бўлган.

Туркистон Россия тожидаги бебаҳо жавоҳир эканлигини қайта-қайта таъкидлаган чоризм маъмурлари, кўрилатган чора-тадбирлар ўлкада мустақамланиб олиш учун етарли эмаслигини билиб, бу ерга Россиянинг марказий районларидан “ортиқча” нотинч аҳолини кўчириш сиёсатини олиб бордилар. Чоризм турли йўللар ва воситалар билан маҳаллий халқларнинг ерларини рус мужиклари фойдасига мусодара қилишга уринди. Ерга солиқлар миқдорини ҳаддан ташқари ошириб юбориш ана шундай воситалардан бири бўлди. Натижада аҳоли ўз ерларини сотишга ёки ундан бутунлай воз кечишга мажбур бўлди.

Россиядан Туркистонга “ортиқча” аҳолини кўчириш чоризм учун бу ерда стратегик жиҳатдан мустақамланиб олиш, мустамлакачилик тартибларини ўрнатиш, ўлкада таянч пунктларини кучайтириш учун зарур эди. Дастлаб русларни Туркистонга кўчириб келтириш сиёсати мажбурий амалга оширилган. Кейинчалик, ихтиёрий кўчиб келувчиларнинг сони тобора кўпайиб борган. Расмий маълумотларга кўра, кўчиб келганларнинг 43,1 фоизи мол-мулксиз, 37,8 фоизи пулсиз эдилар. Кўчиб келган деҳқонларга ўртача 38,8 сўм миқдорда пул берилган.




Марказий Россиядан Туркистонга доимий яшаш учун кўч келувчиларнинг сони йилдан – йилга кўпайиб борди. Жумладан, манбаларга кўра 1875 йилдан 1890 йилгача Туркистонга 1300 та оила кўчирилиб, 19 та рус қишлоғи пайдо бўлган бўлса, 1891-1892 йиллар Россияда очарчилик кучайган вақтда бу қишлоқларнинг сони 25 тага етди. XIX асрнинг охирида ўлкада 116 та рус посёлкалари қурилиб, уларда 70.745 киши яшаган бўлса, XX аср бошига келиб, Туркистондаги рус аҳолисининг сони 197.420 кишига етган.

Туркистон ўлкасида русийзабон аҳолига жуда кўплаб имтиёзлар берилган бўлиб, бундай имтиёзлар маҳаллий аҳолига тегишли бўлмаган. Рус мустамлакачилик тартиблари, идора услуби ва руслаштириш сиёсатидан норозилик қўйи маъмурият сайловларида очикдан – очик сиёсий чиқишлар шаклида намоён бўлди. Мустамлака шароитидаги миллий ва синфий тенгсизлик ҳамда рус ишчиларининг имтиёзлари ва уларнинг маҳаллий ишчилардан кескин фарқланувчи ҳукмрон мавқеи, чоризмнинг руслаштириш сиёсати, кўчириб келтирилган рус аҳолисига маҳаллий аҳоли ерларининг бўлиб берилиши миллий – озодлик ҳаракатларига сабаб бўлган эди.

Миллий озодлик ҳаракатлари. Туркистон ўлкасида империя маъмурларининг мустамлака сиёсатига қарши ҳаракатлар (турли кўриниш ва миқёсларда) Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олаётган пайтлардаёқ бошланган бўлса-да, улар шафқатсизларча бостирилиб борилди. 1873-1876 йиллар Қўқон хонлигидаги Пўлатхон бошчилигидаги қўзғолондан сўнг ўлканинг бир қанча ҳудудларида халқ оммасининг норозилик ҳаракатлари бўлиб ўтди.

Россия империяси босқинига қарши ҳозирги Ўзбекистон ва Қирғизистон республикаларининг тоғли ҳудудларида “Олой маликаси” номи билан машҳур бўлган Қурбонжон додхоҳ 1876 йилнинг охирига қадар босқинчиларга қарши курашиб келган. Унинг қўшинларига қарши юборилган генерал Скобелев бошлиқ рус қўшинлари қўзғолончиларга қарши ҳаракатларда енгилганлиги боис, мустамлакачи маъмурлар Қурбонжон додхоҳ билан сулҳ тузишга мажбур бўлдилар. Ана шундай ҳаракатлардан яна бири 1878 йилда Мингтепа (Анджон) да Етимхон бошчилигида бўлиб ўтган исён дир. Бу исёндан сўнг Фарғона вилояти генерал-губернатори вилоятдаги маҳаллий аҳолидан ғайриқонуний солиқ ундирувчиларни ишдан олиб ташлашга мажбур бўлган. 1885-90 йилларда Анджоннинг Қўрғонтепа уездида Дарвешхон тўра бошчилигидаги халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. Аммо, бу ҳаракатлар рус маъмурлари томонидан шафқатсизларча бостирилди.

“Вабо исёни” номини олган 1892 йилги Тошкент қўзғолони XIX аср охиридаги муҳим ҳаракатлардан бири бўлди. Бу қўзғолон кўплаб тарихий адабиётларда ўлкада вабо касали тарқалиши олдини олиш учун бўлган ҳаракат деб таърифланган бўлса-да, аслида бу қўзғолон Россия империясининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат бўлиб, мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган миллий озодлик курашининг бир босқичи эди.




1898 йил май ойида Андижонда мустамлакачи маъмурларнинг зулми қарши яна бир озодлик ҳаракати бўлиб ўтди. Андижоннинг Мингтепа қишлоғида бошланган бу кўзғолон тарихда “Андижон кўзғолони” деб ном олган бўлиб, унга Мухаммадали Эшон – “Дукчи Эшон” бошчилик қилди. Мустамлакачилар кўзғолонни шафқатсизларча бостириб, унинг раҳбарини дорга осган бўлсаларда, Фарғона водийсининг Асака, Қува, Шаҳрихон, Ўш, Марғилон каби шаҳар ва қишлоқларида норозилик ҳаракатлари кенг ёйилди. Аммо, рус кўшинлари барча ҳаракатларни ваҳшийларча бостирдилар.

XX асрнинг бошларига келиб ўлкадаги халқ ҳаракатлари янги босқичга кўтарилди. Айниқса, 1900-1903 йилдаги иқтисодий инқирозлар ўлкадаги маҳаллий аҳолининг аҳволига салбий таъсир этиши деҳқонларнинг омавий норозиликларига сабаб бўлди. Ана шундай норозилик ҳаракатларидан бири 1904-1907 йилларда Самарқанд вилоятида бўлиб ўтди. Бу ҳаракатга рус мустамлакачилари орасида “Намоз ўғри”, халқ орасида “Намоз ботир” деб ном олган Намоз Пиримқулов бошчилик қилган. Бу ҳаракат Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Каттакўрғон, Жиззах ва Хўжанд уездларида кенг тарқалиб, генерал-губернатор маҳкамаси Намоз ботир операцияси учун махсус кўшимча маблағ ажратганлиги бу ҳаракат рус маъмурларини анча ташвишга солганлигидан далолат беради.

Биринчи жаҳон урушининг иқтисодий асоратлари меҳнаткаш аҳоли бўйнида оғир юк бўлиб турган вақтда 1916 йил 25 июнда Николай II нинг “Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районларида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида” фармони (мардикорликка олиш) эълон қилинди. Ушбу фармонга кўра Сибир, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Кавказорти халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 400 минг киши сафарбар қилиниши режалаштирилган эди.

Туркистон генерал-губернаторига ушбу фармонни зудлик билан амалга оширилиш буюрилиб, Сирдарё вилояти зиммасига 87 минг, Самарқандга 88 минг, Фарғонага 50 минг мардикор юбориш вазифаси юклатилди. Натижада 1916 йилнинг 4 июлида савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган Хўжанд шаҳрида, ундан кейин Самарқанд, Жиззах, Каттакўрғон, Тошкент, Кўкон, Андижон уездларида норозилик ҳаракатлари авж олди. Бу ҳаракатларнинг энг йириги Жиззахда бўлиб ўтди. Тарихда “Жиззах кўзғолони” деб ном олган бу ҳаракатга Назирхўжа Эшон бошчилик қилган. Даҳшатли тус олган ушбу кўзғолонни бостириш учун Туркистон генерал-губернатори Жиззахга икки ярим минг кишилик жазо отрядини юборди. Аёвсиз қирғинлар эвазига кўзғолон шафқатсизларча бостирилди.

Хуллас, чор Россияси мустамлакачилари Ўрта Осиё ҳудудларини босиб олганларидан сўнг улар зулмига қарши норозилик ҳаракатлари доимий давом этиб турди. Миллий озодлик ҳаракатлари даставвал маҳаллий халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётидаги тенгсизлик ва адолатсизликка қарши стихияли норозилиги сифатида шаклланиб борди. Кейинроқ эса,



бундай ҳаракатлар чоризм мустамлакачилигига бутунлай барҳам бериш, ян мустақил Туркистон давлатини барпо этиш ғоялари билан боғланди-ки, бундай ғояларнинг шаклланиши ва ёйилишида жаидлар алоҳида жонбозлик кўрсатган эдилар.

Хулоса қилиб, айтиш мумкинки, чор Россияси мустамлакачилиги даври Ўрта Осиё давлатларининг ҳаёти, сиёсати, иқтисодиёти, ижтимоий тузуми ва давлатчилигидаги муайян ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Чор Россиясининг ҳарбий истилоси оқибатида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари забт этилди.
2. Ҳокимиятнинг мустамлакачиликка асосланган тузилмасини ўрнатилиши оқибатида Қўқон хонлиги бутунлай тугатилди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ярим мустамлакага айланди.
3. Чоризмнинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонунчилик ташкилотлари пайдо бўлиб, Россия савдо, саноат ва молия капитали ҳукмронлиги ўрнатилди.
4. Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги маҳсулот айирбошлашни кенгайтириш, мустамлакачилик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда минтақанинг иқтисодий тузилмасида аниқ ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган янги иқтисодий шароитларнинг яратилиши оқибатида ўлка Россиянинг арзон хом ашё базасига айлантирилди.
5. Минтақа халқларининг миллий-маънавий манфаатлари ҳамда кадриятлари поймол этилди, уларнинг энг оддий ҳақ-ҳуқуқларига менсимаслик кайфияти билан қаралиб, улар оммавий равишда асоратга солинди.


Вассал Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг сиёсий тузуми¹.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлигида қуйидаги учта мураккаб ижтимоий ва сиёсий вазиятнинг вужудга келганлигига алоҳида эътибор бериш лозим: 1. Бухоро амирлиги XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида ўзининг ижтимоий-сиёсий аҳволига кўра ўзига хос хусусиятларга эга эди. 2. XIX аср II ярмидан бошлаб ҳукм суриб келаётган Россия империясининг ҳукмронлиги амирликнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётига кучли таъсир ўтказди. 3. Амирлик ва Россия давлатлари ўртасида 1868 ва 1873 йилларда тузилган шартномалар билан Бухоро амирлигининг давлат мустақиллигига барҳам берилди.

1873 йилнинг 28 сентябрида Россия ва Бухоро давлатлари ўртасида “**Дўстлик шартнома**” си тузилди. Ушбу шартномада Бухоро ва Россия давлатларининг чегаралари белгиланиб, қуйидагилар алоҳида қайд этилган эди:

- Рус ва Бухоро кемаларининг Амударё бўйича ҳаракати аниқлаб қўйилди;
- Бухоро амирлигининг барча шаҳар ва қишлоқларида рус савдогарларининг эркин ва очиқ фаолият кўрсатиши, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш Бухоро ҳукумати зиммасига юклатилди;

¹ Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ..., 199-207 бб.



-Рус ва Бухоро амирлиги фуқароларининг Россия империяси ҳамда Бухоро худудида уй, боғ, ер майдонларини сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқлари белгиланди;

-Рус фуқароларининг Россия ҳукумати рухсати билан Бухоро амирлиги худудида юриши мумкинлиги, Бухоро ҳукумати Россия империяси худудида жиноят содир этганларни дарҳол топшириши қайд этилди;

-Ўзаро алоқаларни сақлаб туриш учун Бухоро ҳукумати ўз вакилларини Тошкентда тайинлаши ва уни маблағ билан таъминлаши, шунингдек рус ҳукумати Бухорода ўз вакилини тайинлаши ва уни маблағ билан таъминлаб туриши таъкидланди.

Ушбу шартномага мувофиқ Бухоро худудида қул савдоси таъқиқлаб қўйилди, хориждан сотишга олиб келинган қуллар эгаларидан тортиб олиниб, озод қилиниши белгилаб қўйилди. Бу шартноманинг 1888 йил 23 июнда қабул қилинган Қўшимча қоидалар Баённомасида кўрсатилишича, Рус фуқаролари Бухоро худудида ер, уй, боғ сотиб олиши Бухоро худудида амал қилинган қонунга кўра, аввал **Қўшбеги** томонидан сўнгра **Сиёсий агент** томонидан тасдиқланиши лозим бўлган. Бу акт сиёсий агент тасдиғидан сўнггина кучга кирган.

Чор ҳукумати ва унинг сиёсий агенти мамлакат ички маъмурий бошқаруви, маънавий ҳолати ва шу қабилага аралашмаган.

Бухоро амирлигида давлат бошлиғи ҳам, диний раҳномо ҳам амир ҳисобланган. Амирлик мерос тариқасида ҳукмронлик қилаётган амирнинг катта ўғлига қолган ва фақат алоҳида ҳоллардагина мерос ҳуқуқи бошқа фарзандларига ўтган. Амир ўзбекларнинг **Манғит сулоласига** мансуб бўлиб, давлат бошқарувида асосан шу сулолага таянган. Юқори мансабларни асосан шу сулола вакиллари эгаллаб келганлар.

Бошқа мусулмон давлатларида бўлганидек, амирлик ҳокимиятини чеклашга қаратилган махсус институтлар бўлмаса-да, унинг деспотик ҳатти-ҳаракатларини чеклаб турувчи диний ва ахлоқий омиллар мавжуд бўлган. Амир чекланмаган ҳокимият соҳиби бўлиб кўринса-да, унинг фаолияти ва ваколатидан ҳам устун “Каломуллоҳ” (“Худонинг сўзи”), яъни “Қуръони Карим” турган. Бу эса Ғарб олимлари илгари сурган “шарқ деспотизми” тушунчасининг етарли асосланмаганлигини кўрсатади. Бухоро амирлигида ҳам давлат хазинаси амир хазинасидан ажратилмаган.

Бухоро амирлигининг давлат бошқаруви икки қисмдан иборат бўлган. **Биринчиси**, амир саройининг хизмати бўлса, **иккинчиси** бевосита давлат бошқаруви ҳисобланган.

Саройда қуйидаги аниқ вазифалар мавжуд бўлган:

Удайчи – уларнинг вазифасига доим амирнинг ёнида бўлиш, унга иш юзасидан маълумотлар бериб туриш, шунингдек, Петербург ва Туркистон генерал-губернатори қошидаги элчихоналарда алоҳида топшириқларни бажариш кирган;

Шиғовул – шахсий адютантлар;

Мирзо, мунший – амирнинг шахсий котиблари;



Мирзо- мушриф – амирнинг иккинчи даражали котиблари;

Меҳмонхона амалдори (меҳмонхудой) – амир меҳмонхонаси ходими;

Девонбеги – даромад, харажат ва хўжаликни бошқарувчи мансабдор шахс;

Мирохурбоши – отлар, анжом ва ҳаракатланиш қисмларини бошқарувчи шахс;

Миршаббоши – полиция қисмини бошқарувчи шахс;

Жамоат – меҳмон кутиш ва йиғилишларда иштирок этувчи шахслар;

Юртчи – амирнинг чиқишларида олдинга чиқиб йўл очиб борувчи шахс;

Шогирд-пеша – амирнинг махсус фармонлари битилган почтани етказиб бериш билан шуғулланганлар ва алоҳида топшириқларни бажариб турганлар;

Саркарда – қабила бошлиқлари, собиқ беклар ҳам тайинланганлар, улар Бухоро навқарини бошқарганлар;

Маҳрамлар – яқин шахсий ҳимоячилар;

Фаррошбоши, шарбатдор, офтобачи (ювиниш асбобларининг мутасаддиси), **баковул-ошпаз, шабгард** (тунги қоровуллар) ва бошқалар;


Маъмурий бошқарувни махсус ташкил этилган қуйидаги тўртта марказий орган амалга оширган: давлат девонхонаси, молия-солиқ органи, диний суд органи ва назорат органи.

Давлат девонхонаси бошқарув органи сифатида амалдорлар таркибини тўлдириш, уларни алмаштириш, Россия сиёсий агенти ва маҳаллий (жойлардаги) амалдорлар билан ёзишмалар олиб бориш, чет эл маҳсулотларидан солиқ йиғиш ишларини бошқариш билан шуғулланган. Девонхонани мамлакатнинг бош вазири **Қўшбеги** бошқарган. Амир мамлакатда бўлмаган пайтларда давлат бошқаруви унинг қўлида бўлган.

Иккинчи бошқарув **молия-солиқ органи** бўлиб, маъмурий бошқарув органи ҳисобланган ва уни **Девонбеги** бошқарган. Девонбеги лавозими Қўшбегидан кейин иккинчи ўринда турган. Бу орган мамлакатда солиқ йиғиш, хазинанинг даромад ва харажатларини ҳисоблаш билан шуғулланган. Унинг қошида мирзолар, шогирдпешалар, меҳмонхона амалдорлари, закотчилар, мирохурбоши, шарбатдор, маҳрамлар, навқарлар (300 нафарга яқин) ва қуйи хизматчилар бўлган. Барча амалдорлар Девонбеги томонидан лавозимига тайинланган ва амир томонидан унвон берилган.

Учинчи маъмурий бошқарув **диний суд органи** ҳисобланиб, уни амирнинг бош дин пешвоси **Қозикалон** бошқарган. Бу орган суд ишлари, нотариал вазифалар, дин вешволарига боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ва ўқув муассасаларининг фаолиятига раҳбарлик қилган. Унинг қошида мирзолар (иш юритувчилар), қозилар, муллаи азимлар (тергов ишларида жалб этиладиган вакиллар), девонбеги (хўжалик юритувчи шахс), мирохурбоши, маҳрамлар ҳамда қуйи хизматчилар фаолият кўрсатган. Мазкур мансабдорларни Қозикалон тайинлаган ва вазифасидан озод қилган.

Тўртинчи маъмурий назорат органи **Раис** қарамоғида бўлиб, унинг ваколатига қонунларнинг бажарилиши, ахлоқий софлик, диний эътиқодни ҳимоя қилиш ҳамда бозорларда тош-тарози ва ўлчов бирликларининг аниқлиги устидан назорат қилиш кирган. Унинг қошида мирзалар, раислар



(топшириқларнинг бажарилишига мутасадди амалдор), маҳрамлар, девонбе (хўжалик бошқарувчиси), мирохурбоши ва қуйи хизмат вакиллари фаолият кўрсатган. Барча амалдорларни Бош Раиснинг ўзи тайинлаган. Бош Раис бевосита амир ва Қози калон олдида жавоб берган.

Амирлик 27 та бекликдан иборат бўлиб, улар орасида Қарши беклиги тахт вориси ва Бухоро беклиги Қушбегининг ўзи томонидан бошқарилган. Қолган бекликларни эса бевосита амир томонидан тайинладиган ва лавозимидан озод қилинадиган беклар бошқарган.

Ҳар бир бекликда солиқ ва йиғимни йиғиш учун алоҳида мансабдор шахслар мавжуд бўлиб, улар девонбегига бўйсунганлар. Закотчилар маҳаллий беклардан мустақил иш олиб борганлар. Улар девонбеги томонидан лавозимга тайинланиб, амир томонидан унвон берилган.

Ҳар бир бекликда қози, нотариус, терговчи фаолият кўрсатган. Қози маҳаллий бекдан мустақил иш юритган. У фақат Қозикалонга бўйсунган. Қози маҳаллий маъмурий органлар томонидан қонунларнинг бажарилиши юзасидан назорат олиб борган. Беклик қозилари бекликнинг бош шаҳарларида яшаганлар. Беклик қозисининг ҳузурида турли мансабдор шахслар мавжуд бўлганлар.

Ҳар бир беклик **амлоқдорларга** бўлиниб, уларни маъмурий – полиция ва солиқ йиғиш вазифаларини бажарувчи амалдорлар бошқарган. Уларнинг ҳузурида маҳаллий оқсоқоллардан ёрдамчилар ва махсус топшириқларни бажариш учун амалдорлар бўлган.

Шарқий Бухоро беклигининг бошқарув тизими бошқа бекликларникидан бир мунча фарқ қилган. Уларда амалдорлардан ташқари тожик аҳолиси яшайдиган худудларда “**шоҳлик**” мавжуд бўлиб, шоҳ амалдор вазифасини бажарган (Масалан: Помирда Парпишо, Салимшо ва ҳоказо). Шоҳ маҳаллий тожик аҳолиси томонидан уруғ зодагонлари орасидан сайлаб қўйилган ва беклар томонидан тайинланган.

Қишлоқ ёки **овуллари мингбошилар** бошқарган. Бир уруғ-қабилага мансуб бир неча қишлоқ ва овуллар **оқсоқолларга** бўйсунган. Улар маҳаллий аҳоли томонидан сайланиб бек томонидан тайинланган. Тожик қишлоқлари эса аҳоли томонидан сайланадиган **арбоблар** томонидан бошқарилган. Кўчманчи аҳолини эса ўзлари томонидан сайлаб қўйиладиган **Элбеги** бошқарган. Оқсоқоллар тергов ва турли ишларда бекларнинг топшириқларини бажарганлар ва амалдорларнинг ёрдамчилари ҳисобланган.

Амлоқлар бошлиғи **амалдор** бўлиб, у маъмурий полиция ва солиқ ундириш функцияларини бажарган. Бухоро армияси сарбозлари амир ва бекларнинг шахсий кўриқчилари ҳам ҳисобланган. Армияни махсус тайинладиган тўпчибоши бошқарган ва кўшин таъминотига ҳам мутасадди бўлган. Унинг ҳузурида девонхона ва алоҳида хизматчилар бўлган.

Амирликнинг давлат бошқарув органлари тўғрисида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу органлар ва мансабдор шахсларнинг ваколатлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ҳеч қандай ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлмаган. Улар амир томонидан чиқариладиган махсус



нормалар асосида тайинланганлар. Ушбу фармонларда лавозим эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Бу эса давлат бошқарувида ноаниқликни, ўзбошимчаликни ва бошқа ноўрин ҳаракатларнинг содир этилишига олиб келган.

XIX асрнинг II ярмидан бошлаб Хива хонлиги устидан Россия ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу “Россия ва Хива ўртасидаги 1873 йил 12 февралда тузилган Дўстлик шартномаси” асосида тартибга солинди.

Давлат бошлиғи хон ҳисобланган. У мерос тариқасида қолдирилган.

Россия кўшинларининг Хивада бўлган вақтида хонга фақат суд ҳокимиятигина бўйсинган. Ҳокимият эса етти кишидан иборат махсус девонга топширилган. Уларнинг тўрт нафари генерал-губернатор томонидан тайинланган. Шартномага биноан Хива хони кўшни давлатлар билан ҳар қандай ташқи алоқаларни ўрнатиш, шартномалар тузиш ва ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга ҳақли бўлмаган. У Туркистон генерал-губернатори билан фақат Амударё бўлими орқали алоқа қилиши мумкин бўлган.

Давлатда хондан кейинги муҳим мансаб **кўшбеги** ва **меҳтар** ҳисобланган. Кўшбеги мамлакатнинг жанубий қисмидан солиқ йиғиш билан шуғулланса ва бошқарса, меҳтар мамлакатнинг шимолий қисмига мутасадди бўлган ва асосан молия ишлари билан шуғулланган.

Девонбеги – давлат девонхонасини (канцеляриясини) бошқарган.

Мансабдорларга вазифаларнинг бўлиб берилиши шартли равишда мавжуд бўлиб, аслида эса хоннинг хоҳишига боғлиқ бўлган. Масалан: Бош вазир лавозимини гоҳ кўшбеги, гоҳ меҳтар ва гоҳ девонбеги эгаллаган.

Маъмурий-худудий жиҳатдан Хива хонлиги йигирмата бекликка ва иккита ноибликка бўлинган. Бекликларни ҳокимлар, ноибликларни ноиблар бошқарганлар.


Хонликнинг пойтахти Хива ва унинг атрофидаги туманлар алоҳида округни ташкил қилган ва уларни хоннинг ўзи бошқарган. Суд ҳокимияти бутунлай мусулмон руҳонийлари қўлида бўлган.

1873 йилдаги битимга мувофиқ Хива хонлигида суд ҳокимияти хон қўлига топширилган. Унинг муовини олий судья (қози калон) ва қози аскар бўлган.

Жойларда суд ҳокимияти қозилар қўлида бўлган. Шаҳарлар ва бекликларда иккита қози бўлган. Бири суд ишларини муҳокама қилса, иккинчиси, яъни қози-раис мусулмон шариати қоидаларининг бажарилишини назорат қилган.

Кўчманчи аҳоли – қозоқлар ва қорақалпоқлар ўртасида суд ишлари **оқсоқоллар** ёки **оқсоқоллар кенгаши** томонидан **урф-одат** бўйича, туркманларда қавлиёт, қозоқ ва қорақалпоқларда **одат** асосида муҳокама қилинган. Баъзи ҳолларда кўчманчи аҳолига нисбатан суд ишларини ҳам мансабдорлар кўрганлар.

Олий босқич суд органини қози калон бошқарган, унинг ваколатига ҳукумат жиноий, фуқаро ишларини муҳокама қилиш кирган. Бундан ташқари



у яна хонлик пойтахти Хива шаҳрида аҳоли томонидан содир этилган жиноат ва фуқаро ишларини ҳам кўрган.

Ўлим жазосига маҳкум этилиши мумкин бўлган барча жиноий ишларни ҳам қозикалон муҳокама қилган. Рус аҳолисига алоқадор ишларни рус жиноий ва фуқаровий судлари кўрган. Суд процесси айблов хусусиятига эга бўлган. Ҳар қандай иш жабрдийданинг аризасига биноан кўзғатилган. Оммавий айблов процесси мавжуд бўлмаган.

Судлов ишлари оғзаки олиб борилган, ҳеч қандай қайднома (мажлис баённомаси) ёки ёзув асосида олиб борилмаган. Иш ошкора тарзда муҳокама қилинган. Ҳукм, одатда, қози томонидан ўша мажлиснинг ўзидаёқ ўқилган.

Жадидларнинг миллий давлатчиликни тиклаш ҳақидаги ғоялари ва амалий фаолияти.¹

“Жадид” сўзи арабча сўз бўлиб, “янги” деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам янгилик ва ислоҳатчиликка интилувчи, тараққийпарвар миллий зиёлилар тарихда “жадидлар” деган ном олганлар.


Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг намояндалари мазкур ҳаракат вужудга келган дастлабки пайтлардаёқ фақат маърифатпарварлик ғояларини илгари суришмаган. Жадидларнинг ижтимоий қарашларида сиёсий масалалар, хусусан, давлатчилик ғоялари муҳим ўрин тутди. Жадидлар XIX аср охири XX аср бошларидаёқ, яъни ҳаракат вужудга келган дастлабки йиллардан бошлаб Туркистонда миллий давлатчиликни қайта тиклаш ҳақидаги ғояларни илгари сурганлар ва уни амалга ошириш учун интиланлар.

Жадидлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, улар Туркистонни обод ва мустақил кўришни орзу қилдилар ҳамда шу йўлда фидойиларча курашдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш; газета ва журналлар чоп этиш; ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат куриш.

Жадидчилик ҳаракатининг асосий ғоя ва мақсадларини умумлаштирган ҳолда қуйидагича кўрсатиш мумкин: Туркистон ўлкасини ўрта асрларга хос қоқоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият куриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий кўшин тузиш.

Туркистонда миллий давлатчиликни тиклаш ва уни амалга оширишда йирик тараққийпарварлар Маҳмудхўжа Бехбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Мунаввар Қори муҳим роль ўйнадилар. Хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий

¹. Ушбу бўлим т.ф.н., доц. М.М. Ҳайдаровнинг материаллари асосида ёзилганлиги боис, М.Ҳайдаров ушбу бўлимга муаллифлик ҳуқуқига эга.




XX аср бошларидаёқ Туркистонда давлат бошқаруви келгусида қанда бўлиши лозимлиги ҳақидаги қарашларини ишлаб чиқиб, уни амалиётга жорий қилиш учун фаол интилди. Мисол учун, Маҳмудхўжа Бехбудий 1907 йилда чақирилган Россиянинг 3-Давлат Думасида кўриб чиқиш учун унинг қошидаги Мусулмон фракциясига топширган “Бехбудийнинг Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси”ни топширган.

Бехбудий ушбу лойиҳасини “таклиф”, “таклифнома” деб атайти. Бу фикр Бухбудийда 1905 йил 17 октябрда Россия империясида эълон қилинган машҳур Манифестдан кейин пайдо бўлган. Давлат Думаси ҳақидаги фикрлар амалга оша бошлаши билан Бехбудий ўз ғояларини амалга оширишга киришган. Таклифнома билан кўшиб жўнатилган ҳужжатлар орасида Бехбудийнинг 1907 йил 24 апрелда 2-Давлат Думаси ва 1907 йил 3-Давлат Думаси мусулмон фракцияси аъзоларига ёзган иккита хати ҳам сақланиб қолган.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, 1906 йилдан бошлаб мухторият масаласи Россия мусулмонлари сиёсий доираларида асосий муҳокама мавзуси бўлган. Бу давр воқеаларининг бевосита гувоҳи ва билимдонларидан бири Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг кейинчалик ёзишича, Россия 1 ва 2-Давлат Думасининг энг қизғин масалаларидан бири “мухторият ҳаракати” бўлган. Ҳатто Санкт-Петербургда 1905-1907 йилларда татар тилида нашр қилинган “Улфат” газетасининг муҳаррири, машҳур Абдурашид қози Иброҳимов (1857-1944) мухторият ҳақида маҳсус бир рисола ҳам ёзган.

Аслини олганда, Бухбудий ва бошқа тараққийпарвар жадидлар томонидан илгари сурилган миллий мухторият тушунчаси Туркистон ўлкасининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига интилиш эди. Мухторият бошқаруви мустақиллик томон қўйилган дастлабки қадам эди. Шунинг учун ҳам Россия империяси маъмурлари, кейинчалик демократик Россия республикаси (1917 йил баҳори ва кузи) ва совет Россияси раҳбарлари хусусан, 1917 йил октябрда ҳокимият тепасига зўравонлик йўли билан келган большевиклар партияси вакиллари миллий мухторият тушунчасига қарши жон-жаҳдлари билан курашдилар.

Бехбудий лойиҳасининг “Туркистон қозилари хусусинда” номли 7-қисмида қозихоналар фаолияти қандай бўлиши хусусида муҳим фикрлар мавжуд. Бехбудий ислом дини тарихи ва қонуншунослигини мукаммал эгаллаган йирик уламо (у Самарқандда муфтий лавозимида ҳам фаолият кўрсатган) сифатида бу хусусда ўз фикрларини баён қилади. Хусусан, Бехбудий томонидан билдирилган қозихоналарда иш кўриш ва барча ҳужжатларни ёзиш туркистонликларнинг она тили- туркий (ўзбек) тилида олиб борилиши, лозимлиги ҳақидаги фикри муҳим аҳамият касб этади. Лойиҳанинг “Мулкий маҳкамалар хусусинда”, “Вақфлар хусусинда”, “Умумий мактаблар”, “Сув ва ерлар хусусинда” номли қисмларида кўплаб демократик эркинликларларни жорий қилиш талаб этилади. Чиновниклар (амалдорлар) ҳуқуқларини чеклаш (7-банд), мактабларнинг она тилида бўлиши (18-19 бандлар), Туркистон ўлкасига муҳожирлар (аслида Россия



марказидан юборилган рус мужиклари ва бошқа келгиндилар келтирилишини тўхтатиш (24-банд) шундайлардан эди. Тарихий манбаларда келтирилишича, 1915 йилга қадар Россиянинг марказий ҳудудларидан 2 млн. рус “муҳожири” Туркистонга келтириб жойлаштирилган.

Махмудхўжа Бехбудий ўзининг давлатчилик қарашларини жаид матбуотида эълон қилган кўплаб мақолаларида ҳам ошкора тарзда баён қилган. 1906 йил 11 октябрда “Хуршид” газетасида босилган “Хайрул умури авсатуҳо” (“Ишларнинг яхшиси ўртачасидур”) номли мақоласида у социалистик таълимотни ва уни Россияда амалга оширишга уринган большевиклар партиясини кескин қоралаб чиқди. Бехбудий ўз мақоласида Россиядаги мавжуд сиёсий партияларни қуйидаги гуруҳларга бўлади:


1. Буйрукратияи мустабид фирқаси (мутлақ монархия - ҳукумат партияси).
2. Машрутаи авомия (конституцион демократлар - кадетлар партияси).
3. Иштирокиюни оммавиюн (халқ социализми - социал - демократлар партияси).
4. Русия мусулмонлари иттифоқи.

Бехбудий мақолада социал-демократлар (меньшевиклар ва большевиклар) ҳамда социал-революционерлар (эсерлар) партияси фаолиятига салбий муносабат билдириб, улар мавжуд тузумни инқилобий йўл (революция) орқали ўзгартиришга ҳаракат қилаётганликларини айтиб, бу ҳолат келгусида Россия жамиятида мисли кўрилмаган талафотлар юз беришига сабаб бўлишидан огоҳлантиради.

Бехбудий сингари жаидчилик ҳаракатининг асосчиси, кримлик машҳур Гаспринскийга ҳам ўз фикрларини фақат 1905 йилдан кейин сал эркинроқ айтишига имконият туғилди. Гаспринскийнинг 1907 йили “Таржимон” газетасида босилган “Туркчилик” мақоласида миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тарбиялаш асосий мақсад қилиб олинган эди.

И.Гаспринский Туркистон халқи ҳаётини ўрганиш ва туркистонликларни Россиядаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга тортиш учун анча ишларни қилди. У 1893 ва 1908 йилларда 2 марта Туркистонга келиб, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа шаҳарларда бўлди. Санъатшунос олим С.Аҳмедовнинг ёзишича, Гаспринскийнинг маърифатпарварлик ғоялари Туркистоннинг барча тараққийпарвар зиёлилари билан бир қаторда Бухоро амири ва Хива хони томонидан ҳам юксак баҳоланган. Бухоро амири Абдулахадхон (1857-1910) Боғчасаройда бўлган чоғида 1893 йили И.Гаспринский билан учрашиб, уни III даражали “Нишони науги юлдузи Бухоройи шариф” олтин ордени билан, “Таржимон” газетаси ходимлари ва унинг оиласини турли совғалар билан мукофотлаган. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II-Ферўз (1844-1910) эса 1896 йили ўз вакили орқали Боғчасаройга қимматли совғалар юбориб, Гаспринскийга ташаккур билдирган.

Д.Алимованинг ёзишича, “Жаидлар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар, вужудга келаётган рус сиёсий партиялари дастурларини ўргандилар. Лекин миллий менталитетнинг ўзига хос хусусияти



бўлган ўзбек халқининг тинчликсеварликка, босиқликка мойиллигидан кел- чиқиб, улар тинчлик йўли билан, жамоатчиликнинг мурожаатлари, Давлат Думасидаги оммавий баҳслар ва бошқа легал воситалар билан подшо ҳокимиятидан ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ён беришга эришишга интилдилар”

Олимларнинг фикрича, Жаидлар концепциясининг таркибий қисмини Туркистондаги барча халқларни бирлаштириш муаммоси ташкил этади. Жаидлар ўзларининг келажакдаги давлат тузумини барча миллатларнинг бирлиги асосида тасаввур этардилар. Бу ҳақида Беҳбудий шундай деганди: “Биз жорий этган қонунлар яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ва умуман барчанинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Агар биз Туркистон мусулмонлари биргаликда ислохотлар ўтказишни истасак, бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, рухонийлар ва олимлар миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак... Агар бизни мустамлакачилик қонунлари билан бошқараётган эканлар, бунинг сабабчиси, аввало, ўзимизнинг ноиттифоқлигимиздир”.

Россия Феврал демократик инқилоби арафасида, Туркистон жаидчилиги етук сиёсий ҳаракатга айланди. Агар Биринчи жаҳон урушидан кейин жаидлар парламентар монархия учун курашган бўлсалар, Феврал инқилобидан кейин Туркистон жаидларининг “тараққийпарварлар” оқимини ташкил қилган радикал қисми анча кенг қамровли, бир қатор сиёсий талабларни илгари сурди. Улар қаторига маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтириш, ўлкани бошқариш юзасидан асосли ислохотлар ўтказиш, ўлкага Давлат Думасидан аҳоли сонига қараб ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, чоризмни конституцион тўзум билан алмаштириш кабилар киради.

Жаидчилик ҳаракати фақат маданий ҳодиса бўлиб қолмасдан, у аввало сиёсий ҳодиса ҳам эди. Жаидлар ўз фаолиятида давлат ва унинг қурилишидан тортиб, жамият ва унинг маънавий ҳаётигача бўлган барча масалаларни қамраб олишган. Жаидларнинг давлат ва жамият ҳақидаги қарашларида қуйидаги икки масала: ўзбек халқини дунёнинг маърифатли миллатлари даражасига кўтариш ҳамда Туркистоннинг ўз мустақиллигига эришуви каби масалалар муҳим ўрин тутди. Тарихдан маълумки, жаидлар, бир томондан, Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб бордилар. Иккинчи томондан, улар Туркистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун интилдилар. Бу кураш жаидчилик мафқурасининг асосини ташкил қилади. Туркистонга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси, унинг келажакдаги ҳақида ташвишли ўйлар, Ватаннинг тараққиёт йўллари режасини тузиш, Шарқ ва Ғарб анъаналарини бирлаштириш жаидларни курашга ундаган муҳим омиллар ҳисобланади.

Беҳбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Чўлпон, Мунаввар Қори ва бошқа тараққийпарвар зиёлиларнинг асарларида жаидлар миллий ғоясининг асоси – Туркистондаги барча маҳаллий халқларни бирлаштириш ғояси эди. Бу ҳолни Беҳбудий қуйидагича кўрсатган эди: “Агарда биз Туркистон мусулмонлари



хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бугундан ислоғот иттифоққа қадам қўйсак, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламоимиз бирлашиб, дин ва миллат, ватан ривожига учун хизмат этсак, шунда биз бошқаларга қарам бўлмаймиз”.


Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари ўзларининг муҳолифлари саналган айрим жоҳил уламоларнинг нотўғри қарашларини (тафаккур кучи билан соғлом фикр юритиш натижасида) асоссиз эканлигини исботлашга ҳаракат қилганлар. “Қадимгилар” деб ном олган айрим уламолар жадидларни “кофирлик”да, ислом динидан қайтганликда ноҳақ айблар эдилар. Ҳолбуки, жадид тараққийпарварларининг аксарияти кечаги ислом уламолари бўлиб, улар ислом динини бузиш учун эмас, балки унга кириб қолган айрим бидъат ва хурофотлардан ислом динини тозалаш учун, ислохотларни тадрижий равишда амалга ошириш учун курашга аҳд қилган эдилар.

Таниқли жадид зиёлиси Абдурауф Фитрат “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилгон мунозараси” (қисқача “Мунозара”) асарида бундан бир асрдан кўпроқ аввал -1909 йили қуйидаги сўзларни ёзган эди: “Ислом бизнинг динимиздир, ислом бизнинг шарафимиз, ислом бизнинг саодатимиздир. Ислом бизнинг сарафрозлигимиз боиси, ислом осойишталигимиз сабабчисидир. Исломни бизга Пайғамбаримиз омонат топширганлар... Бас бу қадар ғафлат ва танбаллик, беҳабарлик ва жоҳилликда ўтирганимиз. Бу дини мубинимизнинг нобуд бўлишини, бу муқаддас ватанимизнинг поймол этишини камоли шарафсизлик билан қабул қилганимизни на шариат, на урф-одат қабул қилмайди. Балки олам оқиллари, жаҳон жамият бандалари бизни лаънат қилиб, инсоният йўлидан четда ҳисобламоқдалар”.

Хуллас, ўзбек халқининг мазкур илғор зиёлилари Туркистондаги идора усули, бошқарув шакллари, давлатчилик назарияси ва амалиёти билан фаол шуғулландилар. Ёш бухороликлар, Ёш хиваликлар, Тараққийпарварлар (улар архив ҳужжатларида Ёш сартлар деб ҳам аталган) партиялари, Турк Адами Марказият (Федералист) фирқаси, “Шўрои Исломия”, “Шўрои Уламо”, “Турон”, “Иттифоқи Муслимин” ва бошқа жамиятларнинг дастурларида давлатчилик масалаларига алоҳида эътибор берилган эди. Бу ҳолат жадидчиликнинг аллақачон маърифатдан сиёсатга томон йўл тутганлигини билдирибгина қолмасдан, балки жамиятни тубдан ўзгартириш, юрт мустақиллигига эришиш учун кураш бошланганлигини ҳам англатар эди.

Жадидларнинг давлатчилик қарашларини таҳлил қилиш жараёнида Бутунроссия ва Туркистон мусулмонларининг турли съездлари (қурултойлари) ҳамда уларда қабул қилинган резолюция ва қарорларга тўхтаб ўтмасликнинг иложи йўқ.

1905-1907 йилларда Россияда бўлган биринчи рус революцияси жараёнида 1905 йил 17 октябрда император Николай II томонидан фуқароларга сўз, матбуот ва жамиятлар тузиш эркинлигини бериш тўғрисидаги манифест қабул қилинди. Октябрь манифести сифатида тарихга



кирган ушбу манифест қабул қилингандан кейин бутун Россияда мусулмонлар, жумладан, туркистонликлар ҳам фаоллашдилар.

Россия империяси ҳудудида яшовчи барча мусулмон халқлари бир жамият атрофига уюшиш мақсадида Бутунроссия мусулмонлари қурултойини ўтказиш учун ҳаракат қилдилар. 1905 йил 15 августда Нижний Новгород шаҳри атрофидаги Ока дарёсида турган “Густав Струве” пароходида ярим яширин ҳолатда Бутунроссия мусулмонларининг I съезди бўлди. Унда туркистонликлар ҳам иштирок этдилар. Мазкур съездда қабул қилинган резолюцияда айтилишича, мўлжалланган мақсадни амалга ошириш учун жойларда мусулмонлар съезди раҳбарлик қиладиган ўз мажлисларини тузиши лозим.

1906 йил 15-23 январда Санкт-Петербургда бўлган Бутунроссия мусулмонларининг II съездида Бутунроссия мусулмонлар иттифоқининг Устави қабул қилинди. Дастлабки съезддан фарқли равишда бу анжуман ошкора тарзда Россия империясининг пойтахтида жамоатчилик кўз ўнгида бўлиб ўтди. Бутунроссия мусулмонлари иттифоқининг Уставида (уни тайёрлашда Муса Бигиев фаол иштирок этди) мусулмонлар иттифоқини ташкил қилиш йўл-йўриқлари кўрсатилди. Уставда ёзилишича Россия империяси губернияларида мусулмонлар яшовчи ҳудудлар 16 та районга ажратилади. Бу районларнинг ҳаммасида район кенгашлари тузилади. Бу кенгашлар умумий йиғилишда сайланган кишилардан иборат бўлади.


Бутунроссия мусулмонларининг III съезди 1906 йил 16-21 августда Нижний Новгород шаҳрида бўлиб ўтади. Бу съездда партия программаси қабул қилинади. 20 августда 15 кишидан иборат партия Марказий Комитети сайланади.

Марказий Комитет таркиби ушбу 15 кишидан ташқари яна 5 аъзога кўпайтирилиши, улардан 3 нафари Боку, Елизаветополь, Эриван губернияларидан мусулмонлардан сайлов асосида аниқланиши, Туркистон ва Оренбургдан эса биттадан вакил киритилиши белгилаб қўйилди.

1914 йил 15-25 июнда Санкт-Петербургда Бутунроссия мусулмонларининг IV съезди бўлиб, унда 30 нафар делегат қатнашди. Россия марказида бўлиб ўтган ушбу съездда М.Бехбудий ва бошқа туркистонликлар делегат сифатида иштирок этдилар.

1917 йилдан бошлаб Туркистондаги мусулмонлар қурултойларида, жадидлар партиясининг фаолиятида янги давр бошланди. Феврал инқилобидан сўнг ўзбек, татар ва қozoқлар бирлашишга аҳд қилдилар ва “Турон” уюшмаси заминида “Шўрои Исломия” жамиятини тузишди. Мазкур жамият тузилишида Мунаввар Қори, Абдувоҳид Қори Абдурауфқориев, Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев) муҳим роль ўйнашди. 1917 йил 14 мартда иш бошлаган бу жамият қишлоқ ва шаҳарларга тарғиботчилар юбориб, озодлик, тенглик ҳақида тушунтириш олиб бориш, сайлов тўғрисида маълумот бериш билан шуғулланди.

“Шўрои Исломия” нинг ташаббуси билан 1917 йил 16-22 апрелда Бутун Туркистон мусулмонларининг I қурултойи чақирилди. Қурултой



иштирокчилари бир қанча масалалар қаторида Туркистон ўлкасининг давл
мақоми масаласини ҳам муҳокама қилдилар. Бу қурултойда Туркистон ўлка
мусулмонлари Марказий Шўроси (Краймуссовет) – Миллий марказни ташкил
этишга қарор қилинди. Миллий Марказга раис бўлиб Мустафо Чўқай, унга
ўринбосарлар қилиб Ислон Шоахмедов, Аҳмад Заки Валидий ва Убайдулла
Хўжаев сайланди. Бу эса ташкилотларни бирлаштириш билан бирга миллий
озодлик ҳаракатини ягона изга солиб, ташкилий жиҳатдан марказлаштирар
эди.

Туркистон мухторияти муаммоси миллий озодлик ҳаракатининг барча
ҳаракатлантирувчи кучлари манфаатларини туташтирган асосий нуқта бўлди.
1917 йил ёзида Бутунроссия Таъсис Мажлисига сайловлар арафасида
туркистонлик тараққийпарварлар ўзларининг сиёсий партияларини тузиш
заруриятини англаб етишди. Тараққийпарварлар “Турон” маърифий
жамиятини демократик тамойилларга асосланган партияга айлантириш
ғоясини илгари сурдилар. Тарихчи С.Аъзамхўжаевнинг ёзишича, етарли
партиявий иш тажрибаси бўлмаган туркистонлик ислохотчилар намуна
сифатида “Мусовот” демократик партияси дастуридан фойдаланганлар.
Туркистонликлар таклифига биноан тайёргарлик ишларини ўтказиш учун
Тошкентга 1917 йил июли бошларида “Мусовот” партиясининг таниқли
фаолларидан уламо Абулқосим Аминзода, журналист Пири Мурсилзода,
муаллим Муҳаммадамин Афандизодалар таклиф этилди. 4 июл куни Уламо
жамияти уларнинг шарафига Тошкентда ифторлик ташкил қилди.

Турк федералистлар партияси (Мусовот) дастури билан Туркистондаги
ушбу партиянинг маромномаси солиштирилганда бу ҳолат яққол кўринади.

1917 йил 1-11 майда Москвада бўлган Бутунроссия мусулмонларининг I
қурултойи берган тўртки натижасида мухторият масаласи янада
жиддийлашди. Москвада бўлган қурултойда кўзонлик Мулла Камолиддин
қози домудла Раҳмонберди ўғли қатнашиб, Россия мусулмонлари Шўроси
аъзолигига сайланган. 1917 йил 12-14 июлда Скобелев (ҳозирги Фарғона)
шаҳрида бўлиб ўтган Мусулмон ташкилотларининг қурултойида дастурий
масалалар кўриб чиқилди. Унда “Турк Адами Марказият (федералистлар)
фирқаси”нинг дастури (маромномаси) ва 22 моддадан иборат низоми
(низомномаси) қабул қилинди.

Турк Адами Марказият (Федералистлар) фирқасининг маромномаси 9
қисмдан иборат бўлиб, яхлит олганда демократик жамиятнинг асосларини
ифода этган. Биринчи қисм “Давлат ва мухторият ташкилоти” деб номланган.
Унда фирқанинг ўз олдига қўйган мақсади қуйидагича кўрсатилган:

1. Русияда маҳаллий ва миллий адами марказият (федерация) асоси
узра халқ жумҳурияти ташкил этмокдур.

2. Фирқа Туркистон, Қирғизистон, Қофқоз ва Бошқирдистон
қитъалари (ўлкалари) учун ва бошқа миллий ва маҳаллий мухторият, Идил
бўйи ила Қрим тоторлари учун ва бошқа, Русияда яшайдурғон турк қавмлари
(халқлари) учун миллий мухторият талаб қиладур.



3. Мухториятли қитъаларда очиладурғон мажлис мабъуссон (депутатлар палатаси)маҳаллий идораларга ва бошқа бутун ташкилотга сайланадурғон аъзолар умумий, баробар, ёширин ва бевосита сайлов усули ила сайланадур...

4. Юқорида мазкур барча мухториятли қитъалар марказий ҳукумат ила ватан мудофааси, пул чиқармоқ, бож ва хорижий ҳукуматлар ила муносабатда бўлмоқ хусусларида алоқа ва иртиботини (боғлиқликни) муҳофаза қилур.

5. Мухториятли қитъалар дохийий масъалалар (идорий, молий, шаръий, маданий, адлий ва маориф ишлари) да мустақилдур.

6. Ҳар бир мухториятли қитъанинг марказида, қонун ясайдурғон бир мажлиси мабъусон ва ул қонунни ижро қиладурғон бир хайъати вукало (вакиллар хайъати) бўлур.

Юқоридаги иқтибослардан кўринадики, Россиянинг усули идораси ҳам, Туркистоннинг давлат тузуми ҳам қўшма халқ жумхурияти бўлмоғи керак. Туркистондаги усули идоранинг хусусияти ҳақида Турк Адами Марказият (федералист) фирқасининг нашри бўлган “Турк эли ” газетаси шундай ёзган эди: “Ўзига хайрихоҳ миллатлар ила бирлашкан ҳолда турклик бешиги бўлғон Туркистонга миллий –маданий ва ҳам ерлик мухторият (федератсия) олмоқдур”

Маромномада энг дадил кўтариб чиқилган моддалардан бири, бу тил масаласидир. Тил ҳар бир миллатнинг биринчи ва асосий белгиси тарзида намоён бўлиши боис фирқа маромномасида ҳам бунга катта эътибор қаратилган.

Хуллас, фирқа ўз маромномасида илгари сурган жамият тузуми демократик тарзда бўлиши кўзда тутилган. Бу ҳолат айниқса маромноманинг “Мухториятли қитъаларда аҳлият (фуқаролик) ҳуқуқи” деб номланган 4-қисмида ёрқин кўзга ташланади. Унда аҳоли қайси дин ва қайси мазҳабда бўлишидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги; фуқароларга виждон эркинлиги берилиши, биронта дин ёки мазҳаб ҳукумат томонидан бошқаларига нисбатан устун қўйилмаслиги; ҳар бир фуқаро ўз фикрини айтиш, матбуот ёки бошқа нашр воситалари орқали баён этиш ҳуқуқига эгаллиги; фуқароларнинг юзага келадиган муаммоларини ҳал қилиш учун йиғинлар ўтказиш, жамиятлар тузишга ҳуқуқли бўлиш, бунинг учун ҳеч кимдан рухсат сўрамоқға эҳтиёж йўқлиги”; шахс эркинлиги, оила муҳофазаси дахлсиз бўлиши, тегишли маҳкамаларнинг қарорисиз биронта ҳам фуқаронинг уйига бостириб кириб тинтув ўтказиш, хат ва китобларини текшириш мумкин эмаслиги каби моддалар акс этган. Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида асосий эътибор давлат тузилишини барпо этиш, қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун чақирилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқаруви ва суди механизмларини ишлаб чиқишга қаратилди. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган ва конституцион жиҳатдан қафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш – устувор мақсад қилиб белгиланди.



Хулоса қилиб айтганда жадиждларнинг миллий давлатчиликни тиклаш ҳақидаги ғоялари ва уларнинг амалий фаолияти Ўзбекистоннинг янги тарихида муҳим аҳамият касб этади. XX аср бошларида Туркистон тараққийпарварлари мавжуд тузумни ислоҳ қилиш, халқимизни ривожланган миллатлар даражасига кўтариш учун муҳим ишларни амалга оширдилар. Хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар Қори, Файзулла Хўжаев сингари атоқли сиёсат арбоблари Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги истибдод ва зулмга қарамай ўзларининг давлатчилик ғояларини амалга ошириш учун курашдилар. Туркистоннинг усули идораси қандай бўлмоғи керак, деган саволга тараққийпарварлар ўша давр шароитидан келиб чиққан ҳолда маданий – миллий мухторият идора усулини мақбул топдилар. Туркистон ўлкасида 1917 йил баҳоридан бошлаб мухториятчилик ҳаракати ўзининг янги босқичига қадам қўйди.

Таянч сўзлар

Мустамлака бошқарув усули, Бекович-Черкасский экспедицияси, Катта, Ўрта ва Кичик жуз, таянч қалъалар, Англия рақобати, инглиз жосуслари, Оқмачит қалъаси, Верний қалъаси, Эржар жанги, Зирабулоқ жанги, Гандимиён шартномаси, Пўлатхон кўзғолони, Туркистон генерал-губернаторлиги, “Муваққат Низом”, ҳарбий ва фуқаролик ҳокимияти, ҳарбий комендант, бий, оқсоқол, раис, қози, бошқарувчи, “Дашт комиссияси”, тафтиш тўғрисидаги фармон, “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом”, маъмурий-худудий бўлиниш, марказий бошқарув, вилоятлар, уезд (туманлар) лар, участка (волост) лар, шаҳар, қишлоқ, овул бошқаруви, вилоят бошқармаси, ўтроқ ва кўчманчи аҳолини бошқариш, ҳарбий кенгаш, девонхона, судлов палатаси, мировой судьялар, қози судлари, Тошкент шаҳри бошқаруви, Тошкент шаҳар Думаси, Дума сайловлари, миллий озодлик ҳаракатлари, жадиждчилик.

Савол ва топшириқлар

1. Чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиш учун дастлабки ҳаракатлари ҳақида гапириб беринг.
2. Ўрта Осиё масаласида Россия-Англия рақобати ҳақида нималарни биласиз?
3. Россиянинг Ўрта Осиё хонликларини босиб олишини тезлаштирган сабаблар нималардан иборат эди?
4. Тошкент босқини ҳақида гапириб беринг.
5. Бухоро амирлигининг вассалликка айлантирилишини гапириб беринг.
6. Хивадаги рус босқини ҳақида нималарни биласиз?
7. Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги “Низом” ларнинг туб моҳияти нимада эди?
8. Қўқон хонлигининг тугатилиши ҳақида сўзлаб беринг.



9. Мустамлака бошқарув усули ҳақида нималарни биласиз?
10. Туркистондаги маъмурий-ҳудудий бошқарув ҳақида маълумот беринг.
11. Туркистондаги марказий ва вилоят бошқаруви ҳақида маълумот беринг.
12. Туркистондаги туман ва қишлоқ бошқаруви ҳақида гапириб беринг.
13. Тошкент шаҳар Думаси ҳақида нималарни биласиз?
14. Миллий – озодлик ҳаракатлари ҳақида сўзлаб беринг.
15. Жади́дларнинг миллий давлатчилик ғояларининг моҳияти нимада эди?

Мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. Тошкент. Академия. 2011.
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент. Шарқ. 2000.
3. Шамсутдинов Р., Каримов Ш., Убайдуллаев Ў. Ватан тарихи. 2-китоб. Тошкент. Шарқ. 2010. (Лотин алифбосида).
4. Тиллабоев С.Б. Туркистон ўлкасининг маъмурий бошқарув тизимида маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки. Тошкент. Фан. 2008.
5. Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов Н. Ўзбекистон тарихи. 1-қисм. Тошкент. 2002.
6. Юнусова Х. Тошкентда 1892 йилги халқ кўзғолони. Сариёғоч. 1998.
7. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. Тошкент. Фан ва технология. 2004.
8. Мусаев Н. Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихидан (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент, Молия-иқтисод, 2011.
9. Иргашев Ф.Р., Абдурахимова Н.А. Мустамлакачилик сиёсати ва Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи. – Тошкент, Академия. 2005.
10. Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. Тошкент. Фан. 2006.
11. Абдурахимова Н.А. Ўзбекистон Россия империяси таркибида. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент. Шарқ. 2001. 128-149 бб.
12. Бехбудий. Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси // Жаҳон адабиёти. 2003. Август. Б.146-156.
13. Ислам в Санкт-Петербурге. Энциклопедический словарь. Выпуск 3. Москва-Ни́жний Новгород.: Медик. 2009.
14. Аҳмедов С. Тарихий ҳақиқат // Исмоил Гаспринский ва Туркистон. Тошкент. Шарқ. 2005.
15. Алимова Д. Жади́дчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Жади́дларнинг давлатчиликка оид қарашлари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент, Шарқ. 2001. Б.149-171.




10- МАВЗУ. ТУРКИСТОНДА СОВЕТЛАР ҲУКМРОНЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ. СОВЕТЛАР ОЛИБ БОРГАН МУСТАБИД СИЁСАТ

1-§. Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

1917 йил 27 февралда Петроградда демократик инқилоб ғалаба қозониб, Россия императори Николай II тахтдан ағдариб ташланди. Бу инқилоб Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Хусусан, Туркистон жадидлари, зиёлилари ва ислом уламоларининг ташаббуслари билан 1917 йил мартада “Шўрои Исломия”, 1917 йил июнида “ Шўрои Уламо”, 1917 йил июлида “Турк Адами Марказияти” (“Турк федералистлари партияси”), 1917 йил сентябрда “Иттифоқи муслимин” каби сиёсий партиялар тузилди.

1917 йил 7 апрелда Петрограддаги Муваққат ҳукумат қарори билан Н.Н. Шчепкин раислигида Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети тузилди. Аммо, 1917 йилнинг апрел ва сентябр ойларида бўлиб ўтган Бутунтуркистон мусулмонларининг I ва II қурултойлари Туркистон Мухторияти ташкил этиш



ғоясини илгари суриб, ҳокимиятни ишчи, солдат ва деҳқон депутатлар Советларига беришга қарши чиқди. 1917 йил 20 сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг сиёсий тузумини белгилаш эди. Ўша даврдаги манба тили билан айтганда “Қурултой... Туркистон Мухториятини тайин этишга жазм қилди”. Қурултой мухториятга “Туркистон Федератив Республикаси” деган номни қуйиб, парламент республикаси асосида тузилажак бўлғуси давлат тузумининг бош тамойил ва меъёрларини белгилаб берди. Афсуски, бу режалар амалга ошмади.

1917 йил 25 октябрда (янги сана билан 7 ноябрда) В.И. Ленин бошчилигидаги большевиклар (коммунистлар) Петроградда Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни зўравонлик билан эгалладилар. Тошкент шаҳрида 28 октябрда бошланган қурултой тўқнашувлар 1 ноябрда Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитасини қамоққа олиш билан якунланди. Туркистон большевиклари ўлкадаги бутун ҳокимиятни қўлга олиш учун шафқатсиз курашга киришдилар. Демократик кучлар эса бу ҳолга қатъий норозилик билдирдилар.

1917 йил 13-17-ноябр кунлари Тошкентда бўлиб ўтган шаҳар ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг Туркистон ўлка съезди қатнашчилари ҳокимиятни тўлалигича большевиклар қўлига ўтишига кескин қаршилик кўрсатишди. Съезд ҳокимият масаласига оид қуйидаги резолюцияни қабул қилди: “Туркистонда ҳокимиятни ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари қўлига ўтиши билан ҳокимият масаласидаги мунозара шундай хулосага келди:

1.Россия инқилоби кўтарган халқнинг озодлиги, тенглиги, дўстлиги шиорлари остида Туркистон аҳолисининг 98 фоизини ташкил этувчи, 10 млн. сонли мусулмон аҳолиси миллий-маданий ўз-ўзини бошқаришнинг барча ҳуқуқларига эга;

2.Мусулмонларининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва умуминсоний тараққиётга бўлган қизиқиши Қуръон ва Шариат қонунларидан ўзгача бўлиши мумкин эмас. Мусулмонлар инқилоб натижасида қўлга киритган ҳуқуқларни амалга оширар экан Россиядаги сиёсий партияларнинг биронтаси таркибида фаолият кўрсатиши ва уларнинг партиявий курашларида қатнашиши мумкин эмас. Лекин, Россия фуқаролари билан умумий жамият манфаатларини ҳисобга олиб мамалакатни Таъсис мажлисига олиб борувчи ҳокимиятни қўллаб-қувватлаши мақсадга мувофиқдир;

3.Бутун Россия доирасида ҳокимият қандай тузилишидан қатъий назар мусулмонлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини маҳаллий шароитни яхши билган, мусулмонларнинг урф-одатлари ва яшаш шароитлари билан яхши таниш бўлган, халқнинг ҳоҳиш иродасига кўра янгича ҳаёт тартибларини жорий қила оладиган кишилардан иборат маҳаллий ҳокимият орқали амалга оширишлари мумкин. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият биринчи навбатда мусулмон вакилларидан, маълум миқдорда бошқа сиёсий ташкилотларда фаолият кўрсатувчи, лекин мусулмонларга хайрихоҳ бўлган вакиллардан ташкил топиши керак;



4. Ҳокимиятни маҳаллий аҳоли манфаатлари учун тасодифий ва беғо бўлган ҳарбийлар, ишчилар ва деҳқон(крестьян)ларнинг майда гуруҳлари кўлидагина тўпланиб қолиши демократик принципларга мос эмас ва маҳаллий аҳолини ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги эркин ҳаракатларига кафолат бера олмайди.

1917 йил 15-22 октябр кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўлка ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг III съездида 15 кишидан иборат ҳукумат- **Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети** тузилди. Унда 8 та ўрин сўл эсерларга, 7 та ўрин большевиклар билан максималистларга берилиб, ҳукумат таркибига туб аҳоли вакиллари билан битта ҳам вакил киритилмади. ХКС раиси лавозимини Ф.Колесов эгаллади.

Туркистонда ҳокимият большевиклар кўлига ўтиши билан ўлкада Муваққат ҳукуматнинг барча бўғинлари тугатилиб, ўрнига аввало жазо органлари ва совет бошқарув тизими ўрнатилди.


Туркистон ХКС 1917 йил 28 ноябрда ўлкада қизил гвардия бўлинмаларини тузиш ҳақида қарор қабул қилади. Бу бўлинмалар Совет тузуми ва большевикларга қарши кўтарилган дастлабки онгли чиқишларни бостиришда фаол иштирок этди.

Туркистон ХКС 1917 йил охирларида ўз қарори билан “Шўрои исломия” ва бошқа маҳаллий демократик ташкилотларни тарқатиб юборди. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари кейинчалик Туркистон Мухторияти ҳукуматига кўшилдилар, айримлари истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий раҳнамолик қилдилар. “Шўрои Уламо” ташкилотининг Тошкент шўбаси фақат 1918 йил 13 майда ёпиб қўйилди.

Туркистон ўлкаси ХКС ўзининг тузилиши ва бошқарув аппаратлари жиҳатидан тубдан фарқланувчи ҳукумат эди. Туркистон ХКС таркибига кирган 15 та комиссарлик ўлкадаги бошқарув ишларини бутунлай қамраб олган бўлиб, бошқарув тизимининг фарқли томони шунда эдики, Туркистон ХКС ташкил топган пайтдаёқ Россиядаги Марказий ҳукуматни тан олди. Чунончи, Туркистон ХКС раиси Ф.Колесов Петрограддаги ХКС номига юборган телеграммада қуйидагича таъкидлаган эди: “Комиссарлар Совети ўз олдида сизнинг ҳамма декретларингизни амалга ошириш вазифасини қўйди... Бизнинг тўла-тўқис қўллаб қувватлашимизни ҳисобга олишингизни сўраймиз”.

Тадқиқотчиларнинг (Қ.Ражабов, М. Ҳайдаров) фикрича, Туркистон ўлкаси янги ҳукумати ўша куннинг ўзида (1917й. 23 ноябр-Э.Б.) аҳолига қилган мурожаатида ҳам ўзининг асл мақсадларини яшириб ўтирмади. Мурожаатда ҳам телеграммада бўлгани каби қуйидагиларга алоҳида урғу берилган эди: “Халқ Комиссарлари Совети марказий ҳокимиятнинг барча декретларини оғишмай амалга оширади ва ўз фаолиятида съезднинг ...қарорларига амал қилади. Бу топшириқларни бажариш йўлидаги ҳар қандай қаршилик советлар томонидан кескин чоралар кўриш билан кутиб олинади”.

Тадқиқотчилар тўғри таъкидлаганларидек, Туркистон ХКС ўз фаолиятининг биринчи кунларидан бошлаб совет сиёсатини амалга



оширишга, Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаттиқ астойдил киришди. Барча маҳаллий советларга зудлик билан қизил гвардия тузишга киришиш таклиф қилинди. Ўлка комиссарлиги таркибида бўлган ва бошқарувда асосий рол ўйнайдиган ҳарбий, ташқи савдо, шунингдек, почта, телеграф ва темир йўллар бошқаруви масалалари бутунлай Россиядаги тегишли идораларга бериб қўйилиши оқибатида Туркистон ХКС ижрочи органга айланиб қолди. Марказдан юборилган барча масъул ходимлар, турли комиссия ва ташкилотлар ўз сиёсатларини қўғирчоқ органга айланган ўлка ХКС орқали юритдилар.

2-§. Туркистон Мухторияти.

1917 йил октябр-ноябр ойларида Тошкент ва Қўқонда юз берган воқеалар Туркистонда ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг кучайишига сабаб бўлди. Қўқон шаҳрида 1917 йил 26-28 ноябр кунлари Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Демократик мусулмон зиёлилар талаби билан Туркистон аҳолисининг европалик қисми вакиллари ҳам қурултойда тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок этдилар. Қурултойнинг 27 ноябр куни қабул қилинган қарорида шундай дейилади: “Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади”.

28 ноябрда ташкил топаётган давлатнинг номи аниқланиб “Туркистон Мухторияти” деб аталадиган бўлди. Бутунроссия Таъсис съезди чақирилгунга қадар ҳокимият тўла равишда Туркистон Муваққат Кенгаши ва Туркистон Халқ (Миллий) Мажлиси қўлида бўлиши ҳақида қарор қабул қилинди. Муваққат кенгаш аъзоларидан 12 кишилик ҳукумат тузиладиган бўлди. Қурултой жараёнида Туркистон Миллий Мажлиси 32 кишидан иборат қилиб сайланди. Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати таркибига мухториятчилик ҳаракатининг фаол иштирокчилари, жумладан, қуйидагилар ҳукумат аъзолари бўлдилар:


1. **Мухаммаджон Тинишбоев –Бош вазир, ички ишлар вазири**, 2-чақириқ Давлат Думасининг аъзоси, Муваққат ҳукумат Туркистон комитетининг аъзоси, темир йўл муҳандиси.

2. **Ислон Султон Шоаҳмедов (Шагиахмедов) –Бош вазир ўринбосари**, Бутунроссия Мусулмонлари Кенгаши Марказий кўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

3. **Мустафо Чўқай-ташқи ишлар вазири**, Муваққат ҳукумат Туркистон комитетининг аъзоси, Туркистон ўлка Мусулмонлар Шўросининг раиси, ҳуқуқшунос.

4. **Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев) –ҳарбий вазир**, Бутунроссия Мусулмонлар кенгаши Марказий кўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

5. **Ҳидоятбек Юрғули (Юрали) Агаев –ер ва сув бойликлари вазири**, агроном.



6. Обиджон Маҳмудов –**озик-овқат вазири**, Қўқон шаҳри думасини раис ўринбосари, жамоат арбоби

7. Абдурахмон Ўрозаев –**ички ишлар вазирининг ўринбосари**, ҳуқуқшунос.

8. Соломон Абрамович Герцфельд –**молия вазири**, ҳуқуқшунос.

Муваққат ҳукумат таркибига кириши лозим бўлган қолган 4 ўрин европалик аҳоли вакиллари орасидан номзодлар кўрсатилиши учун уларга ажратилди.

Қурултой тугагач, 1 декабрда Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати аъзолари (барча 8 киши) имзолаган махсус Мурожаатнома эълон қилинди. Ушбу Мурожаатномада Туркистондаги барча аҳоли: ирқи, миллати, дини, жинси, ёши ва сиёсий қарашларидан қатъий назар, улар яқдиллик ва ҳамжихатликка даъват этилган эди. Шунингдек, Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Миллий давлатчиликнинг қарор топишини жўшқин муборакбод этиб, матбуотда таниқли маърифатпарварлар, диний, жамоат ва сиёсат арбоблари бирин-кетин чиқишлар қилиб, Мухториятни табрикладилар. Ўша пайтда чоп этиладиган “Улуғ Туркистон” газетаси саҳифалари Қўқон, Самарқанд, Тошкент, Каспийорти вилоятидан Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватловчи хабарлар билан тўлиб тошган эди.

Янги ҳукумат фаолияти фақат Қўқонда ёки Фарғона водийсида эмас, балки бутун Туркистон минтақасида яшаётган туб ер аҳолиси томонидан қизғин қўллаб-қувватланганлиги боис, Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа муддат ичида халқ орасида катта эътибор қозонди. Шунинг учун ҳам маърифатпарвар Фитрат Мухторият эълон қилинган тунни “Миллий лайлатулқадримиз” деб атади.

Халқ оммасининг қизғин қўллаб-қувватлашидан илҳомланган Мухтор ҳукумат вакиллари жадал фаолият бошладилар. Дастлабки кунлардан бошлаб Миллат мажлиси томонидан тасдиқланган қонунлар эълон қилиниб, янги ҳукумат давлат Конституциясини тайёрлаш учун таниқли ҳуқуқшуносларни жалб этди. Бир нечта ҳукумат газеталари ўзбек, қозоқ ва рус тилларида нашр этила бошланди. Шунингдек, ҳукумат миллий қўшинни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратди. Ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев иштирокида ўтказилган кўрик-парад вақтида аскарлар сони 2000 нафарга етган. Бундан ташқари Қўқонда Эргаш кўрбоши раҳбарлик қилган икки мингга яқин миршаблар ҳам бор эди.

Янги ҳукумат иқтисодий соҳада 30 миллион сўм миқдорида ички заём чиқаришни йўлга қуйди. Чунки газеталарни нашр қилиш, мухторият қўшинларининг таъминоти ҳамда ҳукуматнинг ички харажатлари учун маблағ зарур эди. Шунингдек, янги ҳукумат аъзолари очлик гирдобида қолган Туркистон аҳолисига Оренбург орқали ғалла келтириш муаммосини ҳал қилиш учун ҳам амалий қадамлар ташлади.

Аммо, умумхалқ томонидан қўллаб-қувватланган Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан маъқулланмади. 1917 йил 13 декабрда Тошкентнинг эски шаҳар аҳолиси “ Мухтор Туркистон учун” шиори остида




тинч намойиш ўтказдилар. Тошкент шаҳар советидаги большевиклар шаҳарда қуролли куч билан тартиб ўрнатишга буйруқ бердилар. Натижада тинч намойиш қатнашчилари ўққа тутилиб, 16 киши ҳалок бўлди.

Шунга қарамасдан, Мухторият ҳукуматини қўллаб-қувватлаш давом этаверди. Хусусан, 1917 йил 26-30 декабр кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари I фавқулодда қурултойининг ҳам асосий масаласи Туркистон мухториятига муносабат масаласи эди. Бутун Туркистон ўлкасидан 200 яқин вакиллар қатнашган ушбу қурултой 30 декабрда Туркистон мухторияти ҳукуматини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Туркистон ўлкаси Халқ комиссарлари Советига ишончсизлик билдириш ҳақида қабул қилган декларациясида қуйидаги фикрлар бор эди: “Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети барча аҳоли айниқса, мусулмонлар хоҳиш-истакларининг ифодачиси эмаслиги; Туркистон ўлкаси халқлари иродаси икки қурултойда мухторият эълон қилинганида ифодаланганлиги; Туркистонда ягона ҳукумат органи бутун мусулмонларнинг қурултойида ташкил топган ва мусулмон ишчи, аскар ва деҳқонларнинг қурултойида тўлдирилган Туркистон Мухторияти ҳукумати эканлигини эътиборга олиб, Мусулмон ишчи, деҳқон ва аскарлар қурултойи Туркистон Халқ Комиссарлари Советига ҳокимиятни дарҳол Туркистон Мухторияти ҳукумати ва Миллат Мажлисига топширилсин деб истак билдиради”.

Таъкидлаш лозимки, янги давлатчилик барча миллий гуруҳларнинг мутаносиблиги принциплари, умумдемократик ва миллий кадриятларнинг ўзаро уйғунлиги асосида барпо этилган эди. Юқорида қайд этилганидек, Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати аҳолини озик-овқат ва кундалик эҳтиёж маҳсулотлари билан таъминлаш, ўз молиявий жамғармасини яратиш, турли-туман сиёсий партиялар ва ҳаракатлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифаларини ҳал қилиш юзасидан қизгин ҳаракатларни амалга ошира бошлаган эди. Совет ҳокимиятидан фарқли ўлароқ, Туркистон Мухторияти ҳукумати қонуний асосда ташкил этилган эди. Туркистон Мухторияти ҳукумати кенг мусулмонлар оммаси ва демократик кайфиятдаги европалик аҳолининг ваколатини олган эди. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, Туркистон Мухторияти ўз тақдирини ўзи белгилаган халқ республикаси эди.

Аммо, ўлка большевиклари Туркистон Мухторияти ҳукуматига катта хавф деб қарадилар. 1918 йил 19-26 январ кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг фавқулодда IV съездида Мухториятга бутунлай салбий муносабат билдирилди. Ушбу съезд Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қамокқа олиш ҳақида қарор чиқарди. Съезд большевиклар фракциясининг Туркистон Мухторияти тўғрисидаги резолюциясини қабул қилди. Ушбу резолюцияда Туркистон қонуний ҳукумати мунофиқларча “қорагуруҳчилар тўдаси” деб аталди. Бу ҳам етмагандек, бу съезд большевикларнинг тазйиқи остида қонуний кучга эга бўлган, туб ерли аҳоли манфаатларининг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиққан



Ўлкадаги илк демократик ва халқчил ҳукумат- Туркистон Мухторияти устидан шафқатсиз ҳукм чиқарди.

1918 йил 30 январда Туркистон ХКС Мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатлар бошлади. Туркистон большевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг “Дашноқцутюн” партияси аъзоларидан тузилган бешафқат қуролли дружиналаридан ҳам кенг фойдаландилар.

31 январ куннинг иккинчи ярмида бошланган жанглар бир неча кун давом этди. Қон тўқилишини олдини олиш мақсадида музокаралар олиб бориш ҳаракатлари натижа бермади. 1918 йил 19 февралда Қўқон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Туркистон Мухторияти ҳукумати большевикларинг қонли ҳужумлари натижасида ағдариб ташланди. Ҳукумат бошлиғи Мустафо Чўқай шаҳарни тарк этиб, яширинишга мажбур бўлди. Вазирларнинг айримлари ҳалок бўлди, айримлари қўлга олинди. Даҳшатли жанглар ва талон-тарожлар натижасида 10000 қўқонлик ўлдирилди.


Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ағдарилиши туркистонликлар томонидан Россиянинг Туркистонга нисбатан тажовузқорона режалари мавжудлигининг янги далили сифатида қабул қилинди ва улар қўлларига қурол олиб ўз Ватанларини босқинчилардан ҳимоя қилишга отландилар. Бу билан Туркистонда советларга қарши истиқлолчилик ҳаракатига асос солинди.

3-§. Туркистон Автоном Совет Республикаси (Туркистон Республикаси)

Туркистонда ҳокимиятнинг фақат ишчилар ва европалик миллат вакиллари қўлида бўлиб қолиши ўлкадаги барча демократик кучларнинг ҳукуматга бўлган ишончсизлигини кучайтириб юборди. Бунга қарши Марказдаги большевиклар ҳукумати чекка ўлкалар, шу жумладан Туркистонда ҳам “советча асосдаги автономия” ўрнатишга қаттиқ киришди. Бу вазифани амалга ошириш учун Москвадан кўплаб партия ва совет ходимлари Туркистонга жўнатилди. Жумладан, П.А. Кобозев Ўрта Осиёнинг фавқулодда комиссари қилиб юборилди.

1918 йил 20апрел-1май кунлари Тошкентда Туркистон ўлкаси Советларининг V съезди бўлиб ўтди. Унда “пролетар демократияси”га тегишли тамойиллари бўйича танлаб олинган 251 депутат (шундан 120 таси туб миллат вакиллари) иштирок этди. Съезд кун тартибидаги асосий масала Туркистонда Совет мафқурасига асосланган большевикча автономия яратиш бўлди.

Советларнинг V ўлка съезди ўзининг марказий ҳокимиятга тобелигини очиқ намоён этиб, Москвага совет Россияси сиёсий раҳбариятининг “барча инқилобий шиорлари ҳаётга қатъий тадбиқ этилиши” таъкидланиб телеграмма жўнатди. Бунга жавобан В.И. Ленин ва И. Сталин зудлик билан жавоб телеграммаси йўлладилар. Унда қуйидаги сўзлар бор эди: “...совнарком сизнинг советлар асосидаги ўлкангиз автономиясини қўллаб-қувватлайди. Биз сиз бошлаган ишларни ёқлаймиз ва бутун ўлкани советлар тармоғи билан



коплайсиз, мавжуд советлар билан тўлиқ алоқада бўласиз деб тўлиқ ишонамиз”.

Съезд делегатлари Ленин ва Сталиннинг кўрсатмалари асосида 1918 йил 30 апрелда “Россия Совет Федерацияси **Туркистон Совет автоном республикаси**” ҳақида Низомни қабул қилди. Ушбу Низомда Туркистонда давлат қурилиши асослари, унинг ҳудуди, олий қонунчилик ва ижроия органлари, маҳаллий органлар тузилиши, вазифалари ва уларнинг совет Россияси билан ўзаро муносабатлари белгилаб берилди. Ушбу Низом Туркистонда автоном республика тузилганлигини қайд этиб, унга мувофиқ, Бухоро ва Хивадан ташқари, Туркистон ўлкасининг географик чегараларидаги бутун ҳудуд Россия совет федерациясининг **Туркистон Совет Республикаси** деб эълон қилинди.

“Низом”да Туркистон Республикаси автоном равишда бошқарилиб, “ўз хатти-ҳаракатларини Россия Совет Федерацияси марказий ҳукумати билан мувофиқлаштиради”, деб қайд этилди. Съездда “марказий ҳукумат билан ўзаро муносабатларни белгилаш учун” беш кишидан иборат комиссия ташкил этиш ва Москвага юборишга қарор қилинди.

Съезд совет Туркистонининг қонун чиқарувчи олий органи - Марказий Ижроия Комитети (Тур ЦИК)ни сайлади. 36 кишидан иборат бу комитетнинг ярми большевиклар, ярми сўл эсерлар (18 тадан) эди. Ушбу комитет советлар съездлари оралиғидаги даврда ўлкада олий ҳокимият вазифаларини бажарувчи олий қонунчилик органи бўлди. Туркистон МИК раиси қилиб Марказдан ҳукуматнинг фавқулодда комиссари П.А.Кобозев (ҳамраис қилиб А.Салькин) сайланди. Шунингдек, Туркистон ХКС таркибига 16 киши (9 та большевик ва 7 та сўл эсер) киритилди. Маҳаллий миллат вакилларида тўрт киши – С.Жўрабобоев, С.Юсупов, Ш.Остонбоев ва С.Азимбоевлар Туркистон МИКга сайланиб, С.Турсунхўжаев соғлиқни сақлаш халқ комиссари сифатида ҳукумат таркибига киритилдилар.

1918 йил 17-25 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон большевикларининг ўлка конференцияси Туркистон коммунист-большевиклар партиясининг I съезди деб номланди. Ўлкадаги коммунистик гуруҳлар ушбу съездда илк марта ташкилий жиҳатдан расмийлашиб, Россия КП (б) таркибидаги Туркистон Компартиясига асос солдилар. Съездда 7 кишидан иборат Марказий комитет сайланиб, унинг таркибига маҳаллий коммунистлардан Низомиддин Хўжаев ҳам киритилди. “Темир қонун”, “пўлатдек кучли интизом”, “диктаторлик ваколатлари” каби синфий хислатларни ўзида мужассамлаштирган Туркистон КП Россия КП (б)га бўйсунар эди. Туркистон коммунистлари Марказ берган ҳар қандай топшириқларни сўзсиз ижро этишлари натижасида Туркистон ўлкасининг Россияга сиёсий ва иқтисодий қарамлиги мустаҳкам асосларда шаклланди.

Туркистон автоном республикаси советларининг VI фавқулодда съезди 1918 йил 5-14 октябрда ғоявий қурашлар жараёнида кечган бўлса-да, унда Туркистон МИК махсус комиссияси томонидан тузилган Туркистон автоном Республикасининг **конституцияси** муҳокама этилди ва тасдиқланди. Янги



ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тузумни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган ушбу конституция Туркистондаги қуйидаги Халқ комиссарликларини қонун кучи билан мустаҳкамлади: ташқи ишлар, ҳарбий ишлар, ички ишлар, адлия, меҳнат ва ижтимоий таъминот, маориф, почта ва телеграф, темир йўл, деҳқончилик, озиқ-авқат, давлат назорати, миллатлар ишлари, халқ хўжалиги Марказий кенгаши.


Конституцияга кўра, ишчи, солдат ва деҳқон депутатларнинг советлари Республика маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланиб, Туркистон автоном Республикасининг таркибида 5 та: Сирдарё, Еттисув, Фарғона, Каспий орти, Самарқанд вилоятлари мавжуд бўлган. Съездлар орасида вилоят (область) ижроия комитети давлат ҳокимият органи бўлиб ҳисобланган. Марказда ва жойларда инқилобий комитетлар (ревком) ҳам тузилиб, улар назорат ва ревизия (тафтиш) қилиш, кенгашларни тарқатиб юбориш каби ваколатларга эга бўлганлар. Вилоят кенгашлари ва ижроия комитетлари қошида бошқарув, ҳарбий, адлия, меҳнат ва ижтимоий таъминот, халқ маорифи, молия, почта ва телеграф, ер-сув, озиқ-овқат, давлат назорати, соғлиқни сақлаш, коммунал совет каби бўлимлар очилган.

Конституцияга кўра, вилоятлар уездларга, волост, шаҳар, қишлоқ ва овулларга бўлинган. Уезд, шаҳар советлари ўзларининг ижроия комитетлари ва бўлимларига бўлинган. Қишлоқ ва овул ижроия комитетлари эса ўз бўлимларига эга бўлмаган.

Россиянинг Туркистондаги сиёсий ҳукмронлиги, биринчидан, ўлкада советча асосдаги автономиянинг ўрнатилиши билан жорий этилган бўлса, бу жараённинг иккинчи босқичи, давлат бошқаруви асосий вазифаларининг марказий федерал ҳукуматга топширилишини конституция йўли билан расмийлаштирилиши бўлди. Зеро, Туркистон Республикаси Конституциясининг 7-боб, 30-§ иловасида ёзилишича, мудофаа, ташқи алоқалар, почта-телеграф, денгиз ишлари, темир йўллар, божхона, савдо-сотик, саноат ва молия масалалари марказий федерал ҳукумат ихтиёрида қолдирилган эди.

Ачинарли томони шунда эдики, маҳаллий аҳолининг катта қисми ўлканинг давлат тузилишини белгилаб берувчи асосий ҳужжат билан ҳеч бўлмаганда умумий тарзда ҳам таниша олмади. Сабаби, у маҳаллий тилларда эълон қилинмаган эди. Ушбу ҳужжатда советларга хос “ўз тақдирини ўзи белгилаш” Туркистондаги маҳаллий аҳолининг мустамлака ҳолатини ўзгартирмади. Давлат ҳокимият органларининг таркиб топган тузилмасида, уларни шакллантиришнинг тор синфий томонли шароитида улар ҳар қандай автономиянинг асосий негизи бўлган ҳуқуқдан-миллий-худудий бирлик аҳолисининг давлат ҳокимиятини мустақил амалга оширилиши ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга эмас эдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган “совет автономияси” ўз моҳиятига кўра миллий-худудий бирлик эди.

1919 йилнинг март ойида Туркистон республикаси советларининг Фавқулодда VII съезди бўлиб ўтди. Унга қадар 1918 йил 10 августда (V ўлка съездида) Миллий ишлар халқ комиссарлиги бўйича махсус Низом



қабул қилинган эди. Ушбу Низомга кўра, Миллий ишлар ҳақ комиссиясида статистика, ташкилий-ташвиқот ва маданий оқартув бўлимлари ташкил қилинган эди. Аммо, Туркистон ҳукумати аъзоларидан Казаков, Успенский, Салькин кабилар Туркистон МИК қошидаги миллий ишлар секциясини тарқатиб юборишни сўраб VII съездга лойиҳа тақдим этдилар. Улар мазкур секцияни “миллатчиликнинг бир кўриниши” сифатида баҳоладилар.


Шунга қарамасдан, миллий масаладаги мураккаб вазиятни ҳисобга олган РКП (б) МК 1919 йил 3 июлда “Ҳокимиятга мутаносиб вакиллик тўғрисида” деган қарор қабул қилишга мажбур бўлди. Ушбу қарорда Туркистон маҳаллий аҳолисининг партияга мансублиги шарт қилиб қўйилмасдан, уларни мутаносиб равишда давлат қурилиши ишларига кенг жалб қилиш зарур деб кўрсатилиб, маҳаллий аҳолининг мол-мулкани мажбурий равишда давлат ихтиёрига олишни (реквизиция) тўхтатиш вазифаси ҳам қўйилган эди. Туркистон республикаси ҳукумати бу қарорни яширишга ҳаракат қилган бўлса-да, шов-шувлардан сўнг уни эълон қилишга мажбур бўлдилар. Аммо, ушбу қарор бўйича эътиборга молик бирор-бир амалий иш қилилмади.

Советлар тузуми Туркистондаги бошқарувни ташкил этишда катта бюрократик аппаратнинг пайдо бўлишига замин яратган эди. Бироқ, тадқиқотчиларнинг фикрича, большевикларнинг кадрлар масаласидаги сиёсати нафақат миллий соҳада, балки уқувсизлиги билан ҳам ажралиб туради. Мисол учун, давлатнинг масъул лавозимларида мутлақо саводсиз одамларнинг ишлаши табиий ҳол эди. Бу ходим большевиклар манфаатини ҳимоя қилиши кифоя эди. Ундан ташқари, Туркистондаги олий ҳокимият – Туркистон МИК, ҳукумат – Туркистон ХКС, ғоявий раҳнамо – Туркистон КП каби ўлка бошқарувида муҳим аҳамиятга эга бўлган ташкилотлар маҳаллий аҳоли ихтиёрида бўлмаган. Тадқиқотларга кўра, Туркистон ХКС ва Туркистон Иқтисодий Кенгашидек юқори ваколатли органларда ўзбеклар ишламаган. Ўлка бошқарувидаги барча йирик ташкилотлар, комиссарликларнинг миллий таркиби умумий кўрсаткичларда қуйидагича эди¹:

Миллати	Сони	Фоиз ҳисобида
Руслар	3,166	78,1
Бошқа европалик аҳоли	623	15,5
Ўзбеклар	132	3,3
Қирғизлар	34	0,8
Туркманлар	4	0,1

1919 йилнинг 8 октябрида В.Ленин Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссия (Турккомиссия) тузиш тўғрисидаги қарорини имзолади. Бу комиссия таркибига Ш.З.Элиава – раис, М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев, Я.Рудзутак, Ф.И.Голошейкин, Т.И.Бокийлар

¹ Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи..., 55-56 бб. Муаллиф томонидан жадваллаштирилди.




кирдилар. Ушбу комиссия жуда катта ваколатларга эга бўлиб, жумладан Бутунроссия МИК ва ХКСнинг ваколатига, Туркистон худудларида ва кўшни давлатларда уларнинг номидан иш кўриш ҳуқуқига, РКП (б) МК номидан республикада олий партия назорати ва раҳбарлигини амалга оширишга, ўлка партия ташкилотларини тарқатиб юбориш, фавқулодда съездлар ва конференциялар чақириш ҳамда партия МК қарорларини қатъий бажаришга қаратилган бошқа чора-тадбирларни кўриш ҳуқуқларига эга эди. Ушбу комиссиянинг асосий мақсади – маҳаллий аҳоли манфаатлари йўлида ишлаш эмас, балки Туркистонда совет ҳокимиятининг мавқеини мустаҳкамлаш, империявий марказ билан ленинча раҳбариятнинг гўё “стратегик тўғри йўлини бузган”, янги ҳокимиятнинг мақсад ва моҳиятларини “бузиб” кўрсатган маҳаллий арбоблар фаолиятини назорат қилиш ҳамда улар ўртасидаги масофани узоклаштиришдан иборат эди.

Туркистон комиссияси амалда минтақадаги барча партия, совет, хўжалик ва партия ташкилотларига раҳбарлик қилиб, Марказдаги большевикча сиёсатни қатъий равишда амалга оширишга киришди. Турккомиссия ўлкадаги бутун ҳокимиятни тўлалигича ўз қўлида тўплаб, фақат марказ манфаатларини амалга оширувчи “давлат ичидаги давлат” вазифасини бажарди.

Совет ҳокимиятининг Туркистон республикасида ҳаётга татбиқ этган декрет ва қарорлари маҳаллий халқларни мустамлакачилик асоратида тутиб туриш учун хизмат қилган эди. Хусусан, Бутунроссия МИКнинг 1920 йил 10 апрелдаги “Туркистон Совет Социалистик Республикаси тўғрисидаги” қарорида, 1921 йил 11 апрелдаги “Туркистон Совет Социалистик Республикасини таъсис этиш тўғрисидаги” декретда, РКП (б) МК 1920 йил 19 июнда қабул қилган “Туркистон Республикаси тўғрисидаги” Низомда, умуман, РКП (б) томонидан эълон қилинган кўплаб декретлар, чақириқлар, мурожаатномаларда кўзда тутилган халқларга эркинлик бериш, ўз тақдирларини ўзлари белгилаш, ажралиб чиқиб мустақил давлат тузиш ҳуқуқи ўрнига Туркистон ўлкасига ярим ҳуқуқ ва эркинликлар бериш, уни Россия таркибидаги автоном республика шаклида сақлаш сиёсати изчиллик билан амалга оширилди. Туркистон ўлкаси мустамлакачиликнинг янги “совет” шаклига айланди.

Совет ҳокимиятининг Туркистонда олиб борган мустамлака бошқарув сиёсати ҳамда марказлаштириш ҳаракатлари ТСР бошқарув органларида фаолият кўрсатаётган миллий раҳбар ходимларнинг кучли норозилиklarига сабаб бўлди. Миллий коммунистлар ўлкадаги большевиклар сиёсатига очикдан очик қарши чиқа бошладилар. Миллий раҳбар ходимларнинг норозилик кайфиятларини юзага чиқишида 1919 йил мартда тузилган ўлка Мусулмонлар бюроси (Мусбюро) муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, Қайғусиз Отабоев, Юсуф Алиев, Абдулла Раҳимбоев, Санжар Асфандиёров, Назир Тўрақулов, Иномжон Хидиралиев каби кўплаб миллий раҳбар ходимлар Турор Рисқулов раислигидаги Мусбюро атрофида бирлашган эдилар.



1920 йил январ охирларида Мусбюронинг III конференцияси бўлган. Ушбу конференцияда Туркистондаги урта партиявий ташкилот – ТКП Ўлка комитети, Мусбюро ва ажнабий коммунистлар партияси ягона коммунистик партияга бирлаштирилди. Конференция қарорида “Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси” деб расмий номланган ушбу партия кенг меҳнаткашлар оммасининг партияси бўлиши, РКП (б) МКга нисбатан вилоят (ўлка) комитети ҳуқуқларидан фойдаланувчи ва унга бўйсунувчи ўз МК томонидан бошқарилиши керак эди. Шунингдек, конференцияда Т.Рисқулов томонидан Туркистон Совет Республикаси номини ўзгартириб, уни **Туркистон республикаси** деб аташ таклиф қилинганда бу таклиф конференция иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Таклиф этилган Турк республикасига ТСР дан ташқари қўшни миллий республикаларда (ҳоз. Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон давлатлари) яшовчи туркий халқлар кириши керак эди. Т.Рисқулов ўз маърузасида Туркистон республикаси Конституциясини қайта кўриб чиқиш, мусулмонларнинг алоҳида армиясини тузиш ҳамда қизил армиянинг мусулмон бўлмаган барча қисмларини Туркистондан олиб чиқиб кетиш масаласини ҳам кўтарган эди. Т.Рисқуловнинг ушбу ғоялари ТКПнинг V ўлка конференцияси (1920 йил январ) да ҳам маъқулланди. Мусбюронинг III конференцияси “Туркистон мухторияти ва Конституцияси ҳақидаги резолюция” қабул қилди. Ушбу ҳужжатда қуйидаги таклифлар бор эди¹:

1. Беш вилоят – Сирдарё, Етгисув, Фарғона, Самарқанд, Каспийорти вилоятларидан иборат Туркистон қирғиз, ўзбек, қорақалпоқ, қипчоқ, таранчи, татар, дунган ва бошқалардан иборат туркий халқлар (шунингдек, тожик, келиб чиқиши турк бўлмаган маҳаллий яҳудийлар ҳамда бошқа четдан келган рус, армени, яҳудийлар) мамлакатидир.
2. РСФСР Конституциясининг 2-моддасига мувофиқ, Туркистон мухтор республикаси миллий совет республикаси ҳисоблансин, унда ўз тақдирини ўзи белгиловчи маҳаллий халқ туркий халқлардир. Шу туфайли ҳудудий мазмун касб этувчи “РСФСР Туркистон Республикаси” номли “РСФСР Турк республикаси” деб ўзгартирилсин.
3. Совет Турк республикаси ўз давлат фаолияти ва Конституциясини маҳаллий аҳолининг тарихий, иқтисодий турмуш талабларига жавоб бера оладиган асосда қуриши лозим.
4. Туркистоннинг беш вилояти ўртасидаги географик чегаралар тўсиқ ҳисобланмасин.
5. Туркистон Республикаси Советларининг VI съездида тасдиқланган Конституцияси қайта кўриб чиқилсин..., маҳаллий ҳаётга мувофиқ келадиган, РСФСР меҳнаткашлари ва эзилган халқлари ҳуқуқлари Декларацияси асосидаги янги Конституция ишлаб чиқилсин.

¹ Ражабов Қ., Хайдаров М. Туркистон тарихи..., 69-70 бб.



6. Эзилган халқлар меҳнаткашларини байналмилал жипслаштириш манфаатларини кўзлаб, туркий халқларни татар, қирғиз, бошқирд, ўзбекларга ажратиб бўлиб ташлаш ва алоҳида майда республикалар тузиш учун интилишларга коммунистик ташвиқот йўли билан барҳам берилсин...

Т.Ризқулов Москвага, РКП (б) МК ва В.Ленин номига бир неча марта радиограмма орқали хабар юбориб бу резолюцияни тасдиқлашни сўради. Аммо, ушбу резолюция Турккомиссия томонидан кескин қораланиб, Т.Ризқулов ва унинг тарафдорлари “миллий оғмачилик”да айбланиб, уларга “пантуркист” тамғаси босилди. 1920 йил 8 мартда РКП (б) нинг махсус қарори билан “Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси ва Турк республикаси” тузиш ҳақидаги қарор ноқонуний равишда рад қилинди. Т.Ризқуловнинг Москвага, Ленин хузурига шахсан бориб “Туркистонда давлат қурилиши тўғрисидаги Низом” лойиҳасини тақдим этиши ҳам самарасиз тугади.

1920 йилнинг июн ойида Турккомиссия таркибидан РКП (б) Туркистон бюроси (Туркбюро) ажралиб чиқди. Туркбюро партия ташкилотлари фаолиятини назорат қилиб, Турккомиссиянинг издоши сифатида минтақада Марказнинг мустамлакачилик сиёсатини олиб борди. Туркбюро фаолиятини 1921-1922 йилларда Я.Рудзутак, А.Июффе, С.Гусев бошқардилар. 1922 йил май ойида Туркбюро РКП (б) томонидан Ўрта Осиё бюроси қилиб қайта тузилди.

1920 йилнинг ёзидан бошлаб Туркистон республикасида вазият кескин ўзгарди. Т.Ризқулов ҳамда унинг тарафдорлари ҳукуматдаги масъул лавозимларидан истеъфога чиқдилар. Ҳокимият тепасига эса Турккомиссия ва Туркбюронинг хоҳиши билан ҳисоблашадиган шахслар келдилар. Фақат Марказнинг кўрсатмалари билан иш олиб борадиган Турккомиссия Туркистондаги бутун ҳокимият органларини ўз қўлига олиб, республикада янги совет мустамлакачилик тизимини ўрнатишга ҳаракат қилдилар ва афсуски бунга эришдилар. Натижада Туркистон иккинчи марта Россиянинг хом ашё базасига айланди.

Большевиклар ўрнатган совет режими Туркистон халқларига нафақат мустақиллик, ҳатто миллий мустақилликни ҳам бермади. Мустақиллик осонликча қўлга киритилмаслигини англаб етган миллий ватанпарварлар қўлга қурол олиб большевиклар ва босқинчи қизил армияга қарши истиқлолчилик ҳаракатини бошлаб юбордилар¹.

Туркистон Мухториятининг қонга ботирилиб тугатилиши истиқлолчилик ҳаракатининг бутун Фарғона водийсида бошланишига туртки бўлди. Бу кураш 1918 йил феврал ойининг охирларида бошланган эди. Шу йилнинг март ойига келиб Фарғона водийсида бир-биридан мустақил равишда 40 дан зиёд кўрбоши дасталари фаолият кўрсатган. Март ойининг охирларида Фарғонадаги Бачқир қишлоғида Фарғонадаги бутун кўрбошларининг биринчи Қурултойи чақирилиб, унда Катта Эргаш кўрбоши бутун истиқлолчилик

¹ Истиқлолчилик ҳаракати ҳақидаги маълумотлар т.ф.д.Қ.Ражабов материаллари асосида берилди.



ҳаракатининг бошлиғи қилиб сайланди ва унга “Амир ал-муслимин” унво берилди. Унинг ўринбосарлари қилиб Мадаминбек ва Шермуҳаммадбеклар тайинланди.

Бу ҳаракатнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи-деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, хунармандлар ва косиблар бўлган. 1918 йилнинг ўрталарига келиб, Фарғона водийсида тахминан юзга яқин кўрбошилар ўз дасталари билан қизил армияга қарши кураш олиб бордилар. Бу гуруҳларда 15.000 йигит бор эди. 1919 йилнинг ёзи ва кузида Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати ўзининг энг юқори чўққисига чиқди.

Бу пайтда истиқлолчилар сафига рус крестьянлари армиясининг К.Монстров бошчилигидаги Жалолободда турган кўшинлари қўшилдилар (2 сентябр). Сентябрнинг бошларида истиқлолчилар Жалолобод ва Ўш шаҳарларини эгаллаб, Андижонни қамал қилдилар. 1919 йил 22 октябрда Помир этакларидаги Эргаштом овулида бўлган истиқлолчилар анжуманида Мадаминбек бошчилигидаги Фарғона муваққат мухторият ҳукумати тузилди. Ҳукумат таркибига маҳаллий аҳолидан 16 киши, европалик аҳолидан 8 киши киритилди. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи ва Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг Олий бош қўмондони этиб сайланди.

1919 йилнинг кеч кузига келиб Мадаминдек қўл остидаги 30.000 га яқин, Шермуҳаммадбек қўл остидаги 20.000, Катта Эргаш кўрбошининг 8.000 минг йигитлари қизил армияга қарши жанглар олиб борди. Бу учта лашкарбоши водийдаги жанговар ҳаракатларни йўналтириб турдилар.

1920 йил 3 майда Фарғона водийсидаги бутун кўрбошилар ва тинч аҳоли вакиллари Олтиариқ туманидаги Ғойибота қишлоғида ўзларининг навбатдаги қурултойини ўтказдилар. Бу қурултойда Шермуҳаммадбек бошчилигида Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти ёки Туркистон муваққат ҳукумати тузилди. Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, ҳукумат таркибига 6 киши киритилган бўлиб, улар қуйидагилар эди: Шермуҳаммадбек-ҳукумат раиси ва Олий бош қўмондон; Муллажон Қори – хавфсизлик нозир; Акбаржон Эшон – Шайхулислом; Абдусалом Қори – ҳукуматнинг бош котиби; Назиржон – молия вазири; Мулла Ҳожи Ниёзмахсус ишлар нозир. Ундан ташқари, 14 кишидан иборат ҳарбий идора маҳкамаси ҳам тузилади.

1922 йилнинг 15-20 апрелида Самарқанд шаҳрида, яширин ҳолатда Туркистон мусулмонларининг 2-қурултойи бўлиб ўтди. Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Каспийортдан нуфузли кўрбошилар иштирок этган ушбу қурултойда Туркистон-турк мустақил ислом жумҳуриятининг Муваққат Конституцияси қабул қилинди.

Боймирза Ҳайитнинг берган маълумотларига кўра, қурултойда Фарғона водийси истиқлолчиларининг йўлбошчиси Шермуҳаммадбек катта маъруза қилади. Қурултой сўнгида 7 бўлим ва 36 моддадан иборат резолюция (Муваққат Конституция) қабул қилинди. Бу ҳужжат Туркистон ўлкасидаги Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Етгисув, Каспийорти вилоятлари ҳамда Амударё бўлими эндиликда, Туркистон турк-мустақил ислом жумҳурияти



таркибига киритилганлигини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Унда ҳукумат таркиби 15 кишидан иборат бўлиши белгилаб қўйилди. Ушбу 15 киши орасидан мамлакат Президенти, Вице-президенти ва Бош қотиб сайланиши ҳамда бу уч кишидан иборат Ижроя Қўмита тузилиб, улар пойтахтда доимий равишда ишлаши кўзда тутилган эди. Ҳукуматнинг 5 та аъзоси Фарғона вилоятидаги Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон, Ўш туманларининг ҳарбий бошлиқлари этиб тайинланадиган бўлди. Қолган 7 киши эса – ҳарбий, ташқи ишлар, ички ишлар, почта ва телеграф, диний ишлар, молия, адлия, транспорт вазирлари қилиб тайинланишлари лозим эди. Аммо, бу ҳукумат 1922 йилнинг охирига келиб тарқалиб кетди. Чунки ҳукумат аъзолари ўзларига топширилган вазифаларни бажариш ўрнига жанглarda иштирок этишга мажбур бўлган эдилар.

Истиқлолчилик ҳаракати 1920-1924 йилларда Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам авж олди. Бухорода Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор, Давлатмандбек, Анвар пошо, Жабборбек каби қўрбоши ва йўлбошчилар, Хоразмда Қурбон Мамед Сардор Жунаидхон, Мадрайимбой, Саъдулла бола, Шокир бола, Мавлонбек кабилар бу ҳаракатга бошчилик қилдилар.


4-§. Хива хонлигининг ағдарилиши. Хоразм Халқ Совет Республикаси.

1914 йил август ойида Хоразм жадидлари Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигида “**Ёш хиваликлар**” партиясини туздилар. Бу ташкилот дастурининг асосини мавжуд тузум доирасида ислохотлар ўтказиш, мактаб-маориф ишини яхшилаш, хон ҳокимиятини чеклаш каби масалалар ташкил этар эди. 1915-1916 йилларда Хива хонлигининг истибдодига қарши Жунаидхон бошчилигидаги туркманларнинг кўзғолонлари бўлиб ўтди.

Туркман, ўзбек, қozoқ аҳолисининг мавжуд тузумга қарши курашини “Ёш хиваликлар” партияси раҳбарлари фаол қўллаб-қувватладилар.

1917 йил феврал инқилобидан сўнг Хива гарнизонидаги солдатлар ҳам худди Россиядаги каби ўз советларини ташкил этдилар. Бу ҳукуматга қасамёд қилиш учун Хива шаҳрида рус аскарлари тўпландилар. Бу вазиятдан фойдаланган “Ёш хиваликлар” ҳарбий отряд бошлиғи полковник Мерзляковдан ёрдам сўрадилар. Мерзляковнинг қўллаб-қувватлаши билан “Ёш хиваликлар”нинг қатта гуруҳи Хива хони саройи олдида тўпландилар. Улар номидан Полвонниёз Ҳожи Юсупов ва Назир Шоликоровлар Асфандиёрхон хузурига кириб хондан давлатни конституция асосида бошқариш, хоннинг айрим мулозимларини улар қўлига топширилишини талаб қилдилар.

Россиядаги сиёсий воқеалар, чор ҳукуматининг ағдарилиши ва Хивада рўй бераётган воқеалардан хавфсираган хон Ёш хиваликлар талабларини қабул қилишга мажбур бўлди ҳамда улар томонидан тайёрланган манифестга имзо чекди. Етти пунктдан иборат манифестнинг биринчи пунктида шундай сўзлар бор эди: “... мен Хива хони Саид Асфандиёр Баҳодирхон... менинг содиқ фуқароларимга “**Идораи маршрут**я” бердим, токи улар ўзлари



хохлаганча мамлакатни шариатга мувофиқ ҳам замон тақозосига мувофиқ идора қилсинлар. Чунончи, ўзлари хохлаганча фуқароларнинг маслаҳати билан сайлов қилиб, ҳукумат ишларига ўзлари хохлаган одил одамларни тайин қилсинлар”.


1917 йил 6 апрел куни бу манифест Хивадаги арк майдонида кўп минг кишилиқ халққа ўқиб эшиттирилди. Мамлакатни бошқаришда янги тузилган идораси “Идораи маршрутия”га Ёш хиваликлардан Полвонниёз Ҳожи Юсупов ва Ҳусайнбек Муҳаммадмуродовлар сайландилар.

“Идораи маршрутия” ни ташкил этишга эришган Ёш хиваликларнинг ўз дастури бўлиб, ўз даври талабларига жавоб берувчи бу дастур хон истибдод тузумини тугатиш, Хива вилоятини Туркистон билан бирлаштириш, хонлар, беклар, қозилар, шахзодалар қўлидаги ортиқча бойликни халқ мулкига айлантириш, йирик заминдорлар қўлидаги ортиқча мулкларни камбағалларга бўлиб бериш, вақф ерларидан тушадиган маблағлар ҳисобидан халқ маорифини ривожлантириш, болаларни бепул ўқитадиган мактаблар очиш, касалхоналар қуриш, аҳолининг камбағал қисмига хон томонидан тортиб олинган ерларни қайтариб бериш, йўллар ва кўприклар қуриш, мажбурий ишларни бекор қилиш каби талабларни илгари сурган.

Аммо, Ёш хиваликлар ҳукумати узоқ мавжуд бўлмади. Асфандаёрхон Хива гарнизони бошлиғи генерал Мирабдалов, нуфузли рухонийлар ва Жунаидхон ёрдамига таяниб 1917 йил 23 майда “Идораи маршрутия” ни тарқатиб юборди. Ташкилотнинг Ҳусайнбек Матмуродов ва бир қанча аъзолари зиндонга ташланди. Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Назир Шоликоров, Бобо Охун Салимов, Жуманиёз Султонмуродов, Бобожон Якубов ва бошқалар Тўрткўл, Чоржўй, Тошкент каби шаҳарларга қочиб кетдилар.

1918 йилнинг январда полковник М.Зайцев бошчилигидаги рус кўшинлари Хивадан жўнаб кетдилар. Бу вазиятдан унумли фойдаланган Жунаидхон дарҳол ўз қуроли кучлари билан Хивани эгаллади. Амалдорларнинг норозилигидан чўчиган Жунаидхон Асфандиёрхонни тахтда қолдирди. Аммо, ҳокимият бутунлай Жунаидхон қўлига ўтди. 1918 йил 30 сентябрда Жунаидхон хон саройида давлат тўнтариши уюштирди ва Асфандиёрхон тахтдан ағдарилиб, 1 октябр куни қатл эттирилди. 3 октябр куни Асфандиёрхоннинг акаси Саид Абдуллахон хонлик тахтига ўтирган бўлсада, амалдаги бошқарув Жунаидхон қўлида қолди.

Жунаидхон Хива хонлиги ҳудудида большевиклардан мустақил бўлган давлатни сақлаб қолишга ҳаракат қилди. 1918 йил ноябр ойида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларда ташкил этилган совет ҳукуматига қарши Жунаидхон бир неча марта муваффақиятсиз урушлар олиб борди. 1919 йил апрел ойида совет ҳукумати билан Жунаидхон ўртасида Тахта шартномаси тузилди. Аммо, бу вақтинчалиқ келишув бўлиб, унга ҳар иккала томон ҳам амал қилмадилар. Бу пайтда Тўрткўлда Жуманиёз Султонмуродов раҳбарлигида Ёш хиваликлар партиясининг қўмитаси тузилган бўлиб, уларнинг сони Хива хонлиги ҳудудидан қочиб ўтганлар ҳисобига кундан кун кўпаяётган эди.



1919 йилнинг ёзига келиб, Амударё бўлимида сиёсий аҳвол ан кескинлашди. Амударё бўлимнинг шимолий қисмида, Заир деган аҳоли яшайдиган пунктда қозоқ атамани Фильчев ҳамда йирик қорақалпоқ феодали Хон Махсим бошчилигида Совет ҳукуматига қарши чиқишлар бўлиб ўтди. Атаман Фильчев отрядини қуролсизлантириш ҳамда Чимбой советини мустаҳкамлаш учун юборилган А.Христофоров бошчилигидаги 17 та фавқулодда комиссия ва 80 кишилиқ қуролли аскарлар 1919 йил 14 августда кириб ташланди. Нукус, Заир, Мўйноқ орасидаги ерлар эгалланиб, бу ҳудудларда атаман Фильчев бошлиқ ҳукумат тузилди. Жунаидхон бу ҳукуматни дарҳол тан олди.

Бу даврга келиб Ёш хиваликлар, туркман уруғлари орасида Қўшмамедхон, Ғуломалихон каби уруғ сардорларининг Жунаидхон билан зиддиятлари кескинлашиб кетган эди. Совет ҳукумати бу ҳолатдан унумли фойдаланди. 1919 йил 25 декабр куни Амударё бўлими кўшинларининг большевиклар бошчилигидаги жанубий отряди Амударёнинг чап қирғоғига ўтиб, Н.Шейдаков бошчилигида Тўрткўлдан Нукус йўналиши томон ҳужум бошлаб 29 декабрда Хўжайлини эгалладилар. 1920 йил 7 январ куни Кўхна Урганч большевиклар томонидан эгалланди. Шунингдек, қизил аскар кўшинлари 14 январда Пурси, 16 январда Илонли, 18 январда Тошҳовуз шаҳарларида совет ҳокимиятини ўрнатиб, 1 феврал куни Хива шаҳрига кириб келдилар. Жунаидхон кўшинлари ҳам тор-мор қилинди. Жунаидхон қолган-кутган йигитлари билан чўлга чекинди. 2 феврал куни сўнгги Хива хони Саид Абдулхон тахтдан воз кечди.

Хива хони тахтдан туширилгач, хонликда бутун ҳокимият беш кишидан иборат муваққат инқилобий ҳукумат (ревком) қўлига ўтди. Ҳукумат раиси – Жуманиёз Султонмуродов, Бобо Охун ва Жалол Охун Салимовлар – олий руҳонийлар вакиллари, Қўшмамадхон Сапаев ва Муллаўроз Ҳожимуҳамедовлар – ҳукумат аъзоси қилиб тайинландилар. 1920 йил 9 апрелда муваққат инқилобий ҳукумат таркибига тармоқлар билан шуғулланувчи нозирликлар ташкил этилди. Шайхутдин Ҳасанов – **харбий нозир**, Полвонниёз Ҳожи Юсупов – **давлат назорати нозир**, Эшчон қори Жабборқулов – **халқ хўжалиги нозир**, Мулла Бекжон Раҳмонов – **халқ маданияти ва маорифи нозир**, Бобо Охун Салимов – **адлия нозир** қилиб тайинландилар. Шунингдек, **давлатни бошқариш, суд ва адлия ишлари** қайта кўриб чиқилди. Ҳукуматнинг махсус қарори билан Олий инқилобий суд ва адлия нозирлиги ташкил қилинди. Олий инқилобий судга Олимжон Акчурин раис, Қўшмамадхон Сапаев ва Бобо Охун Салимовлар аъзолар этиб тайинландилар. Умумжиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун халқ суди ташкил қилиниб, унга Абдулвоҳид Қориев раис бўлди.

Хива шаҳрида ташкил қилинган махсус милиция бошқармаси тартиб-интизомни сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш ишлари билан шуғулланиб, унга Назир Шоликоров раислик қилди. Муваққат инқилобий ҳукумат фармонида биноан, қийноқ, уриб азоблаш ва ўлим билан боғлиқ барча жазолар бекор қилинди.



1920 йил 26-30 апрел кунлари Хивада Бутунхоразм халқ вакилларининг биринчи курултойи бўлиб ўтди. Курултойда иштирок этган 200 та вакилнинг 80 таси туркман аҳолиси вакиллари эди. Курултойда Хива хонлиги худудида Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганлигини эълон қилиб, ХХСР конституцияси, давлат герби ва байроғини тасдиқлади.

ХХСРнинг биринчи **Конституциясида** давлат тузуми масаласига алоҳида бўлим ажратилди. Унда давлат олий ҳокимият ва бошқарув органлари, маҳаллий органларни ташкил этиш тартиби, тузилиши, уларнинг ваколатлари белгилаб берилди. Республиканинг энг муҳим ишларини ҳал қилиш олий ҳокимият органи бўлган Умумхоразм халқ вакиллари курултойига тегишли деб топилди. Республикани бошқариш курултой томонидан сайлаб қўйиладиган ва унинг олдида ҳисобот берадиган, 15 та аъзодан иборат **Халқ Нозирлари кенгаши** зиммасига юкланди.


Шунингдек, биринчи Конституцияда ХХСР нинг мудофаасини ташкил этиш, вақф ишлари, хорижий фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати, актив ва пасив сайлов ҳуқуқлари, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қиладиган шахслар, сайлов тартиби, иқтисодий сиёсат тўғрисида, хон ва хон авлодларининг мулки тўғрисида, республиканинг байроғи ва герби масалалари мустаҳкамланди.

Конституция ХХСР нинг барча фуқароларига жинси, касби ва миллатидан қатъий назар сўз, матбуот, мажлис ўтказиш, ташкилотлар тузиш ҳуқуқлари берилганлигини эълон қилди.

Курултойда янги ҳукумат таркиби қуйидагича сайланди:

1. Полвонниёз Ҳожи Юсупов – ХХСР ХНКнинг раиси;
2. Жуманиёз Султонмуродов – ХНК раисининг биринчи муовини;
3. Қўшмамадхон Сапаев – ХНК раисининг иккинчи муовини;
4. Бобо Охун Салимов – адлия нозири;
5. Бекчон Раҳмонов – маориф нозири;
6. Эшчон (қори) Жабборқулов – халқ хўжалиги нозири;
7. Матпанбой Мадрахимов – молия нозири;
8. Худойберган Девонов – давлат назорати нозири;
9. Ризо Шокиров – ҳарбий нозир;
10. Назир Шоликоров – ички ишлар нозири;
11. Шомурод Баҳши – соғлиқни сақлаш нозири;
12. Фуломалихон Баҳодир – ижтимоий таъминот нозири;
13. Ҳаким Бобожонов – зироат (қишлоқ хўжалиги) нозири;
14. Абдулвоҳид Қориев – адлия нозири муовини;
15. Ўроз Хўжамуҳаммадов – ташқи ишлар нозири.

ХХСР раҳбарияти ўз конституциясига биноан мустақил давлат сифатида иш олиб боришга ҳаракат қилди. Конституцияга биноан янги давлат қуйидаги 22 та туманга бўлинган эди: Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешариқ, Хонқа, Янги Урганч, Гурлан, Қипчоқ, Манғит, Қиличбой, Моноқ, Тошҳовуз, Пўрси, Хўжайли, Кўхна Урганч, Қўнғирот, Хива, Илонли, Ғазовот, Шовот, Хитой, Қўшқўпир.




1920 йилнинг апрели охири ва май ойининг бошларида ушбу туманларнинг туман советлари тузилиб, уларнинг ҳар бирида 5-7 кишидан иборат кенгаш аъзолари сайланди. 14 та ўзбеклар яшайдиган, 5та туркманлар яшайдиган ва учта қozoқлар ҳамда қoraқалпоқлар яшайдиган туманларда советлар сайланиб, ҳар бир туман маҳаллаларида оқсоқоллар сайланди.

1920 йил 28 майда Хоразм коммунистик партиясининг биринчи Бутунхоразм конференцияси бўлиб, унда янги партия ташкил этилганлиги эълон қилинди. Унинг раиси қилиб А.Акчурин сайланди. Бироқ, кўп ўтмай у бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ХКП МК раиси қилиб Ж.Султонмуродов сайланди. Шунингдек, айнан шу пайтдан бошлаб марказдан келган вакилларнинг кўрсатмаси билан Хоразмда кўппартиявийлик таъқиқланди.

XXСР ХНКга Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошлиқ ҳукумат таркибига асосан, “Ёш хиваликлар” партиясининг аъзолари кирган бўлиб, улар мамлакатда демократик тузумни ўрнатиш, мустақил давлатни барқарорлаштириш борасида катта ишларни амалга ошира бошладилар. Мисол учун, Бобо Охун Салимов раислигидаги XXСР делегациясининг уч ой давомида Москва ва Петроград шаҳарларида бўлиб, 1920 йил 13 сентябрда РСФСР билан XXСР ўртасидаги иқтисодий-сиёсий шартноманинг имзоланиши ана шундай ишлардан бўлди. 24 моддадан иборат иттифок шартномаси ва 15 моддадан иборат иқтисодий битимда РСФСР ҳукумати XXСР мустақиллиги ва дахлсизлигини тан олди. Россия империяси даврида рус капиталистлари томонидан Хива хонлиги ҳудудида қурилган барча банклар, заводлар, фабрикалар, савдо корхоналари ва бошқалар XXСР нинг мулки деб белгиланди. Бу ҳужжатга асосан XXСР мустақил давлат ҳисобланиб, совет Россияси билан ўзаро тенг ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка келишиб олинди.

Амалда эса, XXСР ҳукумати раҳбарлари олиб борган мустақил сиёсат марказдаги большевик раҳбарлар ва XXСР ҳудудидаги совет раҳбарияти вакилларига ёқмади. Чунки, Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошлиқ ҳукумат хусусий мулк, вақф ерлари, диний муассасаларни тарқатиб юбориш ўрнига уларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилган эдилар. XXСР нинг Конституциясида ҳам хусусий мулк эътироф этилган эди. Совет ҳукуматининг Хоразмдаги вакиллари ХНК ҳукуматига қарши ҳатти-ҳаракатларни авж олдирдилар. Бунинг натижаси ўларoқ, XXСР да коммунистлар олиб борган сиёсат маҳаллий кадрлар, зиёлилар ҳамда мустақил фикрга эга бўлган шахсларни йўқотишга қаратилди. XXСР мавжуд бўлган атиги 5 йилга яқин муддат ичида республика ҳукумати – ХНК ва Хоразм МИК раислари ўн марта алмаштирилгани ҳам юқоридаги фикрни исботлайди.

1921 йил 15-23 май кунлари II Бутунхоразм советлари вакилларининг қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда XXСР МИК қошида етти кишидан иборат махсус туркман бўлими ташкил этилди. Унга Мулла Ўроз Хўжамуҳаммедов раҳбар бўлди. Ушбу бўлимнинг асосий вазифаси туркманлар яшайдиган




ерлардаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, миллий, маданий масалаларни уруғлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва уни яхшилаш, меҳнаткаш халқ фаоллигини ошириш, улар яшайдиган ҳудудларда деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш, ҳунармандчиликни тараққий эттириш ҳамда улар маданиятини оширишдан иборат эди.

Шунингдек, қурултойда ХХСР Конституциясига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. Олдинги Конституциядан фарқ қилган ҳолда ушбу Конституцияда Қурултой ва Хоразм МИКнинг ваколатлари мустаҳкамланди. **Умумхоразм қурултойи ва МИК ваколатларига** – ХХСР Конституциясини қабул қилиш; чегараларни ўрганиш, ўзгартириш ва ХХСР га тегишли ҳудудлар доирасини тасдиқлаш; ХХСРда пул, оғирлик ўлчовларини белгилаш ва ўзгартириш; чет мамлакатлар билан алоқалар олиб бориш; уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилиш; қарз олиш, божхона, савдо ва молия шартномаларини тузиш; ХХСР ҳудудида халқ хўжалигининг умумий режаларини белгилаш; давлат бюджетини ўрнатиш; умумдавлат қонунчилиги, суд тузилиши, фуқаролик, жиноий суд юритиш ва бошқа қонунчиликни амалга ошириш; умумдавлат солиқ ва йиғимлар ўрнатиш; ХНК аъзоларини лавозимига тайинлаш ва озод қилиш; ХНК раисини тасдиқлаш; Хоразм фуқаролигини олиш ва йўқотиш; республика ҳудудида хорижий фуқароларнинг ҳуқуқлари тўғрисида қарорлар қабул қилиш; ҳар қандай масалани ўзларининг хоҳишларига кўра кўриб чиқиш ва ҳал қилиш киритилган.

Хоразм республикаси тузилган дастлабки ойлардан бошлаб ундаги ғоявий – сиёсий вазият кескинлашиб борди. “Ёш хиваликлар” ҳукумати ва демократик кайфиятдаги кучлар маҳаллий шароитни тушунган ҳолда аҳолининг урф-одатлари ҳамда кадриятларига мос ҳолда иш олиб бордилар. Аммо, марказдан жўнатилган қизил армия ва унинг бошлиқлари, коммунист большевиклар ХХСР даги ижтимоий-иқтисодий ҳаётга мутлақо салбий таъсир кўрсатдилар. Улар қонунга хилоф равишда республиканинг ички ишларига аралашдилар ҳамда маҳаллий шароит, халқ оммасининг кайфияти ва хоҳиш иродасини умуман ҳисобга олмай инқилобий чора-тадбирларни, советлаштириш сиёсатини амалга оширдилар.

Шунга қарамасдан, республиканинг кўплаб маҳаллий раҳбар кадрлари мустақиллик учун, адолатсизликка қарши ғоявий кураш олиб бордилар. Мисол учун, 1923 йил баҳорида ХХСР савдо саноат нозири К.Нуруллаев Москвада РСФСР билан бўлаётган музокараларда ХХСР фойдасига қатъийлик кўрсатгани учун учун Хоразмга чақирилиб, қамоққа олинди. 1923 йилнинг ёз ва кузида Совет Россиянинг кўрсатмалари асосида Хоразм республикасида туб ислохотлар амалга оширилиб, октябр ойида ХХСР Совет Социалистик Республикасига айлантирилди.

Хулоса қилиб айтганда, инқилобдан кейин пайдо бўлган ХХСР, кейинчалик ХССРнинг қисқа муддатли фаолияти мураккаб ва зиддиятларга тўла вазиятда кечди. Республиканинг ички ишларига аралашилар, маҳаллий раҳбар кадрларга ишончсизлик, маҳаллий шароитларни ҳисобга олмасдан иш



кўриш, марказнинг кўрсатмаси билан ҳали тайёр бўлмаган ўлка “социалистик республика” деб эълон қилиш каби ўта жиддий хатоликлар Хоразмнинг мустақиллиги, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожига катта зарар етказиб, Хоразмни советлаштириш жараёнини янада тезлаштирди.

5-§. Бухоро амирлигининг ағдарилиши.


Бухоро Халқ Совет Республикаси.

Ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида пайдо бўлган “Ёш бухороликлар” партияси 1910 йилдаёқ ўзларини алоҳида ташкилот сифатида эълон қилган эдилар. Бухородаги жадиличлик ҳаракатидан ўсиб чиққан Ёш бухороликларнинг фаолияти 1917 йилга келиб анча кучайган эди. Шу йилги феврал инқилоби Бухоро амирлигига ҳам таъсир этмасдан қолмади. Март ойининг бошларида Янги Бухоро, Термиз, Чоржўй ва Каркида ишчи, солдат ва деҳқон советлари тузилди. Бундай шароитда “Ёш бухороликлар” мавжуд монархия тузуми доирасида демократик ислохотлар ўтказиш, конституцион монархияни ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимиятини чеклаб қўйиш тарафдори бўлдилар.

Демократик кучларга таянган “Ёш бухороликлар”нинг қатъий талаблари асосида Бухоро амири Саййид Олимхон 1917 йил 7 апрелда мамлакатда ислохотлар ўтказиш тўғрисида фармон чиқарди. Ушбу ислохотда амирликдаги ўрта асрлар бошқаруви тизимига ўзгартиришлар киритиш, амалдорларни сайлаб қўйиш тизимига ўтиш, амирлик пойтахтида амалдорлар, савдогарлар ва диндорлар таркибида шаҳар хўжалиги, халқ таълими ва соғлиқни сақлашни бошқариш учун мажлис тузиш, шариатни адолатни амалга оширувчи ва солиқларни муқобиллаштириб турувчи ягона ҳуқуқ сифатида эътироф этиш, аниқ давлат бюджети ўрнатиш, савдо-сотиқни ҳар томонлама ривожлантириш, аниқ фанларни ривожлантириш кабилар кўзда тутилган эди. Аммо, бу ислохот амалда жорий этилмади.

1917 йил 9 апрелда жадиждлар Бухоро шаҳрида ислохотларни ҳаётга тадбиқ этишни талаб қилиб намоийш ўтказдилар. Аммо, намоийшчилар амир ҳукумати томонидан тарқатиб юборилди ва “Ёш бухоролик”ларнинг кўпчилиги жазоланиб, таъқиб остига олинди. Бу воқеалардан сўнг, 14 апрелда амир Олимхон ислохотлар ўтказишни рад этди.

Октябр инқилобидан сўнг совет Россияси билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб кетди. Туркистон Республикасининг большевиклардан иборат раҳбарияти Бухоро амирлигининг мустақиллигини расман тан олишига қарамай, амалда унинг ички ишларига доимий равишда аралашиб турди. Бу пайтга келиб “Ёш бухороликлар” партияси ичида турли гуруҳларнинг мавжудлиги, қарашларининг хилма-хиллиги туфайли партиянинг ягона дастурини тузишга эҳтиёж пайдо бўлди. “Ёш бухороликлар” партиясининг марказий комитети бу вазифани 1917 йил ноябрида Фитратга топширди. Абдурауф Фитрат томонидан тайёрланган “Ёш бухороликлар” партиясининг **Дастури** 1918 йил январида партиянинг



марказий комитети томонидан тасдиқланди ва ислохот лойиҳаси сифати эълон қилинди.

Ушбу дастурда Бухоро амирлигида конституцион монархия ўрнатиш, Бухоронинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мустақиллигини таъминлаш, маданий тараққиётга эришиш, деҳқончилик ва солиқ тизимига алоҳида эътибор қаратиш, Бухорода замонавий армияни ташкил этиш, икки йиллик мажбурий ҳарбий хизматни жорий этиш, давлат ҳисобидан мактаблар ва олий ўқув юртлари очиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган эди. Шунингдек, ушбу лойиҳада Бухорода 10 та нозирликдан иборат Нозирлар Шўроси тузиш таклиф этилди.

Туркистон ХКС Бухоро амирлигига қарши зимдан кураш олиб борди, амир ҳукуматини куч билан ағдариб ташлашга уринди ҳамда большевиклар шу мақсадни кўзлаб бухоролик жадиждарни қўллаб-қувватладилар. 1918 йил март ойида Туркистон ўлкаси ХКС раиси Ф.Колесов бошчилигидаги қизил аскарлар Бухоро шахрига ҳужум уюштирдилар. Ушбу ҳужум муваффақият билан тугамаган бўлса-да, Бухородаги сиёсий тузумни ўзгартириш учун ҳаракатлар тўхтамади. Саййид Олимхон эса Бухоро жадиждарини кучли таъқиб остига олди. Натижада бухоролик жадиждар Самарқанд, Тошкент ва Москвага жўнаб кетишга мажбур бўлдилар.

1920 йил 13-14 июнда “Ёш бухороликлар” партиясининг Туркистон Марказий бюроси бирлашган конференциясида Файзулла Хўжаев тузган **Дастур** қабул қилинди. Ушбу дастурда амирликни куч билан ағдариб ташлаш ва Бухорони Демократик халқ республикаси деб эълон қилиш талаби қўйилди. “Ёш бухороликлар” йирик бойлар қўлидаги ерларни мусодара қилиш, бепул бошланғич таълим жорий этиш, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандлар саноати, ички ва ташқи савдонинг аҳволини яхшилаш йўлида амалий чора тадбирлар кўриш зарурлигини таъкидлаган эдилар.

1920 йилнинг 2 сентябрида М.Фрунзе бошчилигидаги қизил армиянинг шафқатсиз ҳужумларидан сўнг амирликнинг пойтахти Бухоро шахри босиб олинди ва Амир Олимхон тахтдан ағдарилди. Шундан сўнг, қизил армия амирликнинг барча бекликларини бирин-кетин эгаллаб, амирликка бутунлай барҳам берди.

1920 йил 14 сентябрда Халқ Нозирлар Шўроси, Бухоро муваққат инқилобий қўмитаси ва Бухоро Компартияси МК нинг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 9 кишидан иборат Абдуқодир Муҳиддинов раислигида Бутунбухоро инқилобий қўмитаси ва 11 кишидан иборат республика ҳукумати – Файзулла Хўжаев раислигидаги **Халқ Нозирлар Шўроси** тузилди. Бухоро Халқ Нозирлари Шўросининг таркиби қуйидагича эди:

Файзулла Хўжаев – раис, хорижий – **ташқи ишлар нозири**;

Қори Йўлдош Пўлатов – **маориф нозири**;

Мухтор Саиджонов – дохилия – **ички ишлар нозири**;

Усмонхўжа Пўлатхўжаев – **молия ишлари нозири**;

Нажиб Хусаинов – **давлат назорати нозири**;

Юсуф Иброҳимов – **фавқулодда комиссия нозири**;



Мукамил Бурхонов – **адлия нозир**;
 Баҳовуддин Шаҳобуддинов – **ҳарбий ишлар нозир**;
 Абдулқодир Муҳиддинов – **ер-сув ишлари нозир**;
 Мирзо Муҳиддин Мансуров – **савдо ва саноат ишлари нозир**.


1920 йилнинг 6-8 октябр кунлари Бухородаги Ситораи Моҳи Хосада Бутунбухоро халқ вакилларининг I қурултойи чақирилиб, унда **Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)** тузилганлиги эълон қилинди. Бу республика давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик ҳокимияти эди. Қурултой давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи бўлган Бухоро инқилобий кўмитаси ва дастлабки ҳукумат таркиби бўлган Бухоро Халқ нозирлар Шўросини ўзил-кесил тасдиқлади. Уларнинг ваколат муддати II қурултойгача ўзайтирилди.

1920 йил октябрда БХСР билан Россия ўртасида муваққат ҳарбий-сиёсий битим тузилди. 1921 йил 4 мартда эса ҳар иккала давлат ўртасида Иттифок шартномаси имзоланди. Ушбу шартномалар ёш Бухоро давлати арбобларининг мустақил сиёсат юритишга қаратилган ҳаракатлари фаолиятини маълум даражада чеклашга олиб келди. Чунки, иттифок шартномаси мустақил Бухоро давлати ҳудудида совет кўшинлари сақланишини қонуний қилиб асослаб берди. Бу эса Россиянинг БХСР ички ишларига ҳарбий жиҳатдан қуролли аралашуви эди.

Бухоро Халқ Совет Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши (1920-1924 йй.)

№	Вилоятлар	Туманлар ва кентлар
1	Бойсун	Бойсун, Дарбанд, Қумқўрғон
2	Қарши	Бешкент, Косон, Чим
3	Бухоро	Вобкент, Боёвиддин, Гиждувон, Қорақўл
4	Ғузор	Ғузор, Тангатушар, Янги, Қамаш
5	Кармана	Зиёвиддин, Кармана, Хатирчи
6	Нурота	Қўшрабат, Нурота, Наймантопди
7	Сариосиё	Сариосиё, Юрчи, Қоратоғ
8	Шахрисабз	Китоб, Чироқчи, Шахрисабз, Яккабоғ
9	Шеробод	Термиз, Шеробод, Калиф
10	Гарм	Гарм, Дарвоз, Жиргитол, Хаид, Қалъаи Лабиоб
11	Душанбе	Ҳисор, Душанбе, Файзиобод, Яван, Янгибозор
12	Кўлоб	Кўлоб, Мўминобод, Ховаланг
13	Кўрғонтепа	Кобадийён, Кўрғонтепа, Сарой
14	Карки	Қизилоёқ, Карки, Халоч, Хожамбоз
15	Чоржўй	Денов, Чоржўй, Саёт, Фароб

1920 йилнинг кузида Бухоро Халқ Республикасида дастлабки маъмурий-ҳудудий бўлиниш ўтказилиб, у вилоятлар, туманлар, кентлар ва қишлоқларга ажратилди. Республиканинг пойтахти Бухоро шаҳри муҳим сиёсий-маъмурий



марказ бўлиб, бу ерда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини иқтисодий маданий ривожланишини бошқарувчи барча ташкилотлар тўпланган эди. Таъкидлаш жоизки, Бухоро республикасидаги маъмурий-ҳудудий бўлиниш ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга қараб тез-тез ўзгариб турган. Мисол учун, БХСР да 1922 йилда 7 та, 1923 йилда 8 та, 1924 йилда 15 та вилоят мавжуд эди.

1924 йил 1 октябрда Бутунбухоро МИК қарори билан Бухоро республикасида маъмурий-ҳудудий бўлиниш қайта ўтказилиб вилоятлар ўрнига қуйидаги 5 та округлар тузилди:

1. Зарафшон округи – Бухоро, Кармана, Нурота вилоятлари;
2. Қашқадарё округи – Қарши ва Шахрисабз вилоятлари;
3. Сурхондарё округи – Шеробод, Термиз, Бойсун, Қарлук, Қободиён, Қўрғонтепа туманлари;
4. Туркман (Амударё) округи – Карки ва Чоржўй вилоятлари;
5. Шарқий Бухоро округи – Кўлоб, Бойсун, Сарисийё, Гарм, Душанбе, Қўрғонтепа вилоятлари.

Бухоро республикаси Афғонистон давлати, Хоразм республикаси ва Туркистон АСР билан чегарадош бўлиб, унда мустақил давлатчиликнинг Конституция, байроқ, герб, пойтахт, миллий валюта, қўшин каби белгилари мавжуд эди. Республикада 1921 йил 11 мартда ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинган.


БХСР нинг олий органи Умумбухоро қурултойи ҳисобланган. Умумий МИК олий назорат органи сифатида Бухоро Республикасининг ҳукумати Халқ Нозирлар Шўроси устидан ҳам фаолиятни амалга оширган. Халқ Нозирлар Шўроси давлат бошқарувининг олий органи бўлиб, ижро-фармойиш соҳасида кенг ваколатларга эга бўлган. Маҳаллий ҳокимият органлари **вилоят, туман, кент** халқ шўроларининг кенгашлари ва уларнинг ижроя қўмиталаридан ташкил топган.

БХСРдаги қишлоқ, овул доирасидаги маҳаллий ҳокимият қишлоқ ва овул аҳолисининг умумий йиғилиши орқали амалга оширилган. У **оқсоқол** томонидан чақирилган ва оқсоқол **қишлоқ, овул** аҳолиси умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланган.

1921 йил 18-23 сентябрда Бутунбухоро халқ вакилларининг II қурултойи бўлиб ўтди ва унда **БХСР Конституцияси** қабул қилинди.

Кириш, 16 та боб, 5 та бўлим ва 79 моддадан иборат ушбу конституция БХСР фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Унда давлатни идора этиш учун халқнинг барча вакиллари иштирок этиши алоҳида таъкидлаб қўйилди, хусусий ва савдо эркинликлари ўз ифодасини топди.

Конституция БХСР ҳудудида яшовчи барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқлар берди. Конституцияга кўра, БХСРнинг олий органи – Бутунбухоро халқ вакиллари қурултойи бўлиб, у ҳар 2000 сайловчига бир вакил сайланадиган 350 аъзодан иборат эди.



Қурултой ҳар йили бир марта чакирилар, унда республика конституциясини қабул қилиш ва унга ўзгартиришлар киритиш, ҳукуматнинг ҳисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўрилар эди. Конституцияга кўра, қурултойлар ўртасида қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи олий орган Бутунбухоро МИК ҳисобланиб, Халқ Нозирлар Шўроси давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий орган сифатида ўз вазифасини сақлаб қолди. Халқ Нозирлари Шўроси таркибига раис ва халқ нозирлари кирган. Халқ нозирликлари – адлия, ички ишлар, ҳарбий ишлар, маориф, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот, савдо ва саноат, молия, деҳқончилик, давлат назорати таркибида ташкил этилган.

Қ.Ражабов тадқиқотларига кўра, БХСРнинг ҳудуди 182,2 минг км² бўлиб, 1920 йилда аҳолиси қариб 3-3,5 млн., 1922 йилда 2,8 млн. киши бўлган. Бухоро республикасида асосан 65% ўзбеклар, шунингдек, 14% тожиклар, 9% қозоқлар, 7% туркманлар, 1,1% форслар ва бошқа халқлар яшаганлар.

БХСРда 1920 йил сентябрида бошлаб миллий валюта муомалага киритилиб, 1922 йил охирида пул ислоҳоти ўтказилган бўлса-да, 1923 йил ёзидан бошлаб миллий валюта Россия рублига алмаштирилди.

БХСР ҳукумати жамиятни демократик тарзда янгилаш учун солиқ тизимини ислоҳ қилди. Амирлик давридаги турли солиқ ва ўлпонлар бекор қилинди. 1921 йил 26 ноябрда Бутунбухоро МИК “БХСРдаги давлат солиқлари тўғрисида қонун” қабул қилиб, унга кўра, 5 та солиқ тури – ушр (ҳосилнинг ундан бир қисми), закот (чорванинг қирқдан бир қисми), ҳунармандчилик устахоналари учун солиқ, савдогарлардан божхона солиғи, турли ҳужжат ва шартномалар тузилганда махсус солиқ олинадиган бўлди.

Россиядаги большевистик ҳукумат БХСР ҳукуматига доимий равишда тазйиқ ўтказиб келди. 1923 йил 3 июнда Москвадан келган бир гуруҳ комиссия БХСР ҳукумати ишларидан қоникмаётганлиги ҳамда “социалистик ўзгаришларни” жадаллаштириш лозимлигини таъкидладилар. Бухоро ҳукуматида коммунистларнинг таъсири тобора кучайиб бориб, ҳукумат таркиби “тажрибали совет ходимлари” билан тўлдириб борилди. Натижада 1924 йил 18-20 сентябрда бўлиб ўтган Бутунбухоро халқ вакилларининг V Қурултойида БХСР **Бухоро Совет Социалистик Республикаси**га айлантирилди. БССРнинг тузилиши коммунистлар томонидан сунъий тарзда амалга оширилган ҳодиса бўлди. Оқибатда тараққиётнинг демократик йўли инкор этилиб, “социалистик йўналиш” танланди. 1924 йил ноябрида БССР тугатилиб, унинг ҳудудлари ЎзССР ва ТССР таркибига киритилди.

Таянч сўзлар.

Шўрои Исломия, Шўрои Уламо, Муваққат ҳукумат, Туркистон комитети, қурултой, Халқ Комиссарлари Совети, марказий ҳокимият, Туркистон мухторияти, Миллий мажлис, Туркистон ўлка мусулмонлар шўроси, Туркистон Республикаси, ўлка конференцияси, Туркистон конституцияси, Миллий ишлар халқ комиссарлиги, “Совет автономияси”, Туркистон КП, Турккомиссия, Туркистон Республикаси тўғрисидаги низом, Мусбюро, “Идораи маршрутга”, Амударё бўлими, Фавқуллода комиссия,




Муваққат инқилобий ҳукумат, ХНК, Бутунхоразм советлари, БХСР, бухороликлар”, демократик кучлар, Халқ Нозирлар Шўроси, муваққат ҳарбий-сиёсий битим, Бухоро Конституцияси, БССР.

Савол ва топшириқлар.

1. Россиядаги 1917 йил инқилобларининг Туркистонга таъсири ҳақида гапириб беринг.
2. Туркистон Мухторияти ҳақида нималарни биласиз?
3. Туркистон Республикаси (ТАСР) ҳақида маълумот беринг.
4. Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилишининг туб моҳияти нимада эди?
5. “Ёш хиваликлар” фаолияти ҳақида гапириб беринг.
6. Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳақида маълумот беринг.
7. “Ёш бухороликлар” фаолияти ҳақида гапириб беринг.
8. Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳақида фикр билдириб беринг.

Мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. Тошкент. Академия. 2011.
2. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Тошкент. Университет. 2002.
3. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Тошкент. Маънавият. 2000.
4. Голованов А.А. Туркистонда совет давлатчилиги қарор топиши ва унинг оқибатлари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент. 2001. 203-219 бб.
5. Хоразм тарихи. II жилд. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. Урганч, 1997. 13-75 бб.
6. Раҳмонов К. Бухоро совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида. Тошкент. “Абу Матбуот Консалт”. 2012.
7. Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики. Ташкент. Из-ва АН ЎзССР. 1955.
8. Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. Тошкент. Фан. 2006.
9. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент. Шарқ. 2001. 185-203 бб.



12 – Мавзу. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги: давлат қурилиши ва бошқаруви.


Ўзбекистонда Президент Институтининг жорий этилиши. Собик Иттифоқ Республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозими жорий этилган эди. Давлат бошқарувининг Президентлик Институти 1990 йилнинг 24 мартда “Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (асосий қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” қонун билан жорий этилган эди. Ўз ССР Олий Совети ўн иккинчи чақириқ биринчи сессиясида И.А Каримов Президент этиб сайланди. Ўша сессияда қилинган маърузада И.А Каримов шундай деган эди “...Бугун юзага келган вазиятда Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.Республикада яқка бошлиқ лавозимининг жорий этилиши Иттифоқ миқёсида бўлганидек, қонунлар ва давлатнинг бошқа қарорларини ижро этиш омилларини мустаҳкамлашга, демак, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллатлараро ва бошқа соҳаларда қайта қуриш жараёнларини тезлаштиришга кўмаклашиши шубҳасиздир”.

1991 йил 29 декабр ва 2000 йил 9 январда тўғридан-тўғри умумхалқ сайловлари муқобиллик асосида ўтказилиб, унда И.Каримов Президент этиб сайланди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясига мувофиқ Президент – ҳокимиятлар бўлиниши принципиغا риоя қилинишида давлат механизми учун **энг муҳим институтдир**.

Маълумки, “президент” атамаси латинча “*praesidens*”, сўздан олинган бўлиб, айнан таржимаси “олдинда ўтирадиган” деган маънони беради. Бу тушунча конституциявий-ҳуқуқий маънода давлат бошлиғини англатади. Ҳозирги кунда дунёдаги 130 дан ортиқ давлатларнинг ҳокимият тизимида президентлик институти мавжуд. “Президент” атамаси ўзининг ҳозирги маъносида 1787 йилги АҚШ конституциясида мустаҳкамланиб, АҚШда президентлик жорий этилганидан бошлаб ишлатилиб келинмоқда¹.

Президентни давлатнинг марказий бошқарув органлари тизимида тутган ўрни давлат бошқарувининг шаклига боғлиқ. Агар мамлакатда давлат бошқарувининг парламентар республика тури ўрнатилган бўлса, у ҳолда Президент фақат давлат бошлиғи вазифасини бажаради ва у ижро ҳокимиятига раҳбарлик қила олмайди. Шунинг учун ҳам бошқарувнинг парламентар республика шаклида Президент давлат органлари тизимида марказий ўринни эгалламайди. Бошқарувнинг Президентлик республикаси шаклидаги давлатларда эса Республика Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади. У давлат бошқарув органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди.

¹ Дунё тарихидаги биринчи Президент АҚШ президенти Жорж Вашингтон бўлиб, у 1789 йил 30 апрелдан ушбу лавозимни бажариб бошлаган.



Давлат бошлиғи сифатида Президент давлат ҳокимияти бошқарувчи органларида етакчи ва мувофиқлаштирувчи рол ўйнайди. Президент давлат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг Олий вакилликни амалга оширади. Давлат бошлиғи ўзида у ёки бу ҳокимият тармоғини эмас балки, давлат ва бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини намоён этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-боби “Ўзбекистон Республикаси Президенти” деб номланади. Бу боб 9 та моддадан иборат бўлиб, уларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий мақомлари ва ваколатлари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **конституциявий ваколатлари** унинг фаолиятидаги қуйидаги йўналишларда яққол намоён бўлади:


1. Ўзбекистон Президенти фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафили бўлиб, Президент инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг узлуксиз ишлаши учун шахсан жавобгар, бирор сабаб билан ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар амалга оширилиши бузилган ҳолларда тегишли чоралар кўришга мажбур.

2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафили бўлиб, Президент ўз фаолияти давомида барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ўз конституциявий мажбуриятларини зарур даражада бажаришларини таъминлайди.

3. Президент давлат бошлиғи сифатида халқаро муносабатлар соҳасида муҳим ваколатларга эга бўлиб, у мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш юритади. Президент халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг вакили бўлиб, музокараларда Ўзбекистон номидан қатнашиши, Республиканинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаши мумкин.

4. Президент Олий Мажлисга ҳар йили ички ва халқаро аҳвол хусусида маълумотнома тақдим этади. Унинг маълумотномаси норматив ҳужжат ҳисобланади. Бу ахборот сиёсий хусусиятга эга бўлиб, мамлакатни ривожлантиришнинг дастурий принциплари ва стратегик вазифаларини ўз ичига олади.

5. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг ижроя ҳокимиятини тузиш билан боғлиқ ваколатлари ҳам мавжуд. Президент Бош вазир номзодини Олий мажлис палаталарига киритади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади ҳамда бу масалаларни Олий мажлис сенатининг тасдиғига киритади. Президент вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига қўяди. Президент ўз қарори билан Конституция, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳатти-ҳаракатлар содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини лавозимидан озод этишга ҳақли. Миллий хавфсизлик ва давлат назорати органларини ташкил қилар экан, Президент уларнинг раҳбарларини тайинлайди.



6. Президент Олий мажлис сенатига Конституциявий суд раиси аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалик суди раиси ва аъзоларига номзодларни тақдим этади. Президент вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик суди судьяларини тайинлайди. Президентнинг тақдимига биноан, Олий мажлис сенати Марказий Банк бошқаруви раиси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлайди.

7. Президент Республика давлат ва бошқарув Олий органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Президент Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, буни Олий мажлис палаталарининг тасдиғига киритади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти қонунларни имзолайди. Президентнинг имзоси бўлмаса, қонун кучга кирмайди. Бу давлат бошлиғининг анъанавий функцияси бўлиб, қонунга мажбурий куч беради ва қонун чиқарувчилик жараёнини якунлайди.

9. Фақат Президентгина бутун Республика ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этишга ҳақли. Лекин, Президент бундай қарорни қабул қилишда эркин эмас.


10. Президент Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. У Қуролли Кучларнинг Олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади. Хавфсизлик кенгашини тузади, унга раҳбарлик қилади, Олий ҳарбий унвонларни беради. Мудофаа вазири амалда бевосита Президент раҳбарлигида ишлайди.

11. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг давлат бошлиғи сифатидаги ваколатларига фуқаролик ва сиёсий бошпана бериш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш, афв этиш тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ва гуноҳидан кечишни амалга ошириш кабилар ҳам киради.

Президент Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатини фақат Конституцияда аниқ белгиланган ҳоллардагина тарқатиши мумкин. Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб, ҳамда уларни ижро этиш юзасидан мамлакатнинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар-фармонлар, қарорлар, фармойишлар чиқаради. Республика Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хабарномаси” ва Республика газеталарида расман эълон қилинади.

Мустақиллик декларацияси. Ушбу декларация Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган иккинчи сессиясида қабул қилинди. Ундан сал олдинроқ, яъни, 16 июн куни Ўзб. КП МКда иқтисодий мустақиллик хусусида махсус кенгаш бўлиб, унда И.А. Каримов мустақилликни қисқа ва лунда қилиб асослаб берган эди. Мамлакатда юзага келган мураккаб вазиятда, деган эди И.Каримов, реал ҳаётга таяниш, умумий,



мавҳум ҳамда баландпарвоз сўзларга асосланиб эмас, конкрет шароит, реал имкониятларга амал қилиш энг муҳим ишдир. Асосийси эса оёқда маҳкам туришимиз, халқ билан доимий равишда маслаҳатлашишимиз, унинг ҳаётини яхшилаш учун аниқ-равшан йўллارни излашимиз ва топишимиз керак.

Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш калити – Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир.

Мустақиллик Республикага ўз халқининг фаровонлигини яхшилашдек ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш, вужудга келтирилган имкониятлар ва ресурсларни тўлалигича мустақил равишда режалаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда ўз халқининг фаровонлиги йўлида ва ўзаро фойдали негизда марказ билан, бошқа Республикалар ва хорижий мамлакатлар билан ўз муносабатларини мустақил ўрнатиш имкони беради.

Мустақиллик Декларацияси.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети:

ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари,

ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи,

ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда,

Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда,

халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб,

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг **Давлат мустақиллигини** эълон қилади.

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги Республиканинг ўз ҳудудидаги барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.


2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқдир.

4. СССР Олий Советида қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.

5. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегишли барча масалалар киради.

6. Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тан олади ва ҳурмат қилади.



7. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.

8. Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади.

9. Қорақалпоғистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси мустақиллигини, Мухтор Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Қонуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпоғистон ЛССР манфаатларини ҳимоя қилади.

10. Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва қурилишини белгилайди.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик беради.

12. Ушбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш учун асосдир.

*Ўзбекистон ССР Олий Советининг
1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган
иккинчи сессиясида қабул қилинган*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТЎҒРИСИДА


Ўзбекистон ССРнинг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ушбу қонунни қабул қилди.

1-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатдир.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва худуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз хоҳиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.



5-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси Давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Суверен Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир.

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

8-модда. Давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан, Иттифоқ қармоғида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фондлари ҳамда ўзга мол-мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари, республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш республика қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, Иттифоқ қармоғида бўлиб келган давлат корхоналарини акцияли жамиятларга айлантириш, уларни мулкнинг бошқа шаклларига ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.


10-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида олтин, бошқа қимматбаҳо металллар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил амалга оширади ҳамда назорат қилади, ўз олтин захирасини яратади.

Ўзбекистон Республикаси СССРнинг олтин захирасида, олмос ва валюта жамғармаларида уз улушига эга.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга ҳақли.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинган солиқлар ва йиғимлар Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушади.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўрнатади, улар билан мухтор



вакиллар айирбошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конверсия қилинадиган валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа заҳираларни, айирбошланадиган валютани сотади ва сотиб олади.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳолда Республика фуқаролиги жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, миллатидан, элатидан, ижтимоий келиб чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъий назар, бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари республикадан ташқарида ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўладилар.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йулини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.


Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлигини ва мустақиллигини эътироф этади. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқлилиқ асосида улар ўртасидаги икки томонлама шартномалар ва битимлар воситасида қурилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида эркин чиқиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Мустақил Ўзбекистонда ҳокимиятлар бўлиниши. Жаҳон давлатчилиқ ва демократик тараққиёти тажрибасидан маълумки, ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйган ҳар бир жамиятда давлат ҳокимиятини ташкил этиш ҳокимиятлар бўлиниши назариясига асосланиши керак. Чунки бундай принцип юз бериши мумкин бўлган суистеъмолликни олдини олишнинг ишончли воситаси сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қураётган Ўзбекистон ҳам ўз давлат органлари идоралари тизимини ҳокимиятлар бўлиниши асосида ташкил этган.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан бўлган ҳокимиятлар бўлиниши назарияси Ўзбекистон Конституциясининг 11 моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг **қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига** бўлиниш принципларига асосланади”, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳокимиятларга бўлиниш принципининг амалга оширилишида “бир-бирини тийиб туриш ва ўзаро мувозанатда ушлаш” тизимининг самарали ишлаши жуда муҳим бўлиб, бу тизимнинг ҳуқуқий асослари Асосий Қонунда мустаҳкамланган. Унда ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи ваколатига кирувчи масалалар доираси аниқ



чегараланиб, кўрсатиб берилган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни – Олий мажлис, ижро этувчи ҳокимиятни – Вазирлар маҳкамаси, суд ҳокимиятини – судлар амалга оширади.


Таъкидлаш лозимки, илмий доиралар ва кундалик ҳаётда оммавий ахборот воситалари ҳақида баъзан мустақил тўртинчи ҳокимият тармоғи сифатида фикр юритилади. Аммо, оммавий ахборот воситаларини бундай ифода этиш қандайдир расмий ҳокимиятни билдирмайди. Шунга қарамадан, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантиришда ўта муҳим рол ўйнайди ва улкан аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасидаги **давлат идоралари** давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ягона тизимини ташкил этади. Ўзбекистон фуқаролари давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширар экан, сайловлар ва ўз вакиллари орқали давлат органларини шакллантиришга таъсир кўрсатиши мумкин. Конституцияга мувофиқ (99 модда), “Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар(туманга бўйсунувчи шаҳарлар, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилиқ қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар”.

Олий мажлис ва унинг фаолияти. “Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғрисидаги” Қонун лойиҳаси 1993 йил 4 сентябрда матбуотда эълон қилинди. Республикадаги кўплаб етакчи олимлар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар унинг муҳокамасида иштирок этдилар. Натижада мазкур Қонун лойиҳасига бир қанча ўзгартиришлар киритилди. 1993 йил 28 декабрдаги Олий кенгашнинг ўн тўртинчи сессияси “Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунни қабул қилди. Олий мажлисга биринчи сайловлар 1994 йил 25 декабрда бўлиб ўтди. Биринчи турда 205 та депутат, қолган икки турда (1995 йил 8 ва 22 январ) 45 та депутат (жами 250 та) сайланди.

Олий мажлис - Ўзбекистон Республикасининг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи ҳисобланади. У икки палатадан иборат бўлиб, қуйи палата – **Қонунчилик палатаси**, юқори палата – **Сенат** деб номланади. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 120 нафар депутатдан иборат. Қонунчилик палатасини иши палата барча депутатларнинг профессионал доимий фаолият кўрсатишига асосланади. Қонунчилик палатасининг ваколат муддати – беш йил. Ваколат муддати тугагач, у янги Қонунчилик палатаси иши бошлагунига қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради. Ўзбекистон Республикасининг сайлов қунига қадар 25 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Республика фуқароси Қонунчилик палатасининг депутати бўлиши мумкин.

Сенат – ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланиб, сенаторлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли



билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан темирлик миқдорда – 6 кишидан сайланади. Юқори палатанинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Олий мажлис таркибида 12 та қўмита ва 4 та доимий комиссия мавжуд.

Қўмиталар:

1. Бюджет, банк ва молия масалалари.
2. Қонунчилик ва суд – ҳуқуқ масалалари.
3. Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар.
4. Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат.
5. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа.
6. Иқтисодий ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари.
7. Ижтимоий масалалар ва бандлик.
8. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари.
9. Атроф – муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш.
10. Матбуот ва ахборот.
11. Мудофаа ва хавфсизлик.
12. Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари.

Доимий комиссиялар:

1. Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти.
2. Оила ва аёллар муаммолари.
3. Ёшлар ишлари.
4. Норматив – ҳуқуқий атамалар.

Парламентнинг ваколатлари қуйидаги тарзда уч гуруҳга ажратилади:

Биринчи гуруҳ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунлари ҳамда қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
3. Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
4. Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йуналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият тармоқлари тизимини ҳамда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш;



6. Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;

7. Бож, валюта ва кредит ишларини қонун йули билан тартибга солиш;

8. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;

9. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йули билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;

10. Туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини қабул қилиш;

12. Давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа давлат бошқарув органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларининг номзодларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланади;

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;

17. Ўзбекистон Республикаси ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасига хужум қилинганида ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганида уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

20. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

21. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар қоида тарихида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 78-модда).

Иккинчи гуруҳ, Қонунчилик палатасининг қуйидаги мутлақ ваколатларини қамраб олади:

1. Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;



2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

3. Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

4. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 79-модда).

Учинчи гуруҳ, Олий Мажлис Сенатининг қуйидаги мутлақ ваколатларини ўзида мужассам этган:

1. Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судини сайлаш;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Олий Судини сайлаш;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик судини сайлаш;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг раиси ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;


8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш;

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш;

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш;



13. Регламентни ҳамда ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатани тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш;

14. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Сенат қарорларини қабул қилиш (Ўзбекистон Республикасининг Қонституцияси, 80-модда).


Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан мансабдор шахсларни Сенат томонидан сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тартиби Сенат Регламентида белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг умумий ва ҳар икки палатанинڭ алоҳида иш тартиблари мамлакатимизнинг Асосий қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламенти, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги низоми билан белгиланади.

Қўмиталар ва комиссияларнинг ҳал қилиши лозим бўлган масалаларининг кўлами жуда кенг бўлиб, Олий Мажлис мамлакатимиз ҳаётига доир бўлган, халқимизни ташвишлантирадиган барча масалалар билан шуғулланади.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг фаолияти. Ўзбекистон Республикасида ҳукумат “Вазирлар Маҳкамаси” деб номланган бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги” Қонунга биноан, у Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинڭ самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиснинг қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимиятдир.

Ҳукумат – давлат бошқарувининг олий органи бўлиб, давлат бошқарув шаклининг қандай бўлишидан қатъий назар ҳар қандай давлатнинг олий ижроя органи ҳисобланади. Ҳукумат Конституция ва қонунлар асосида мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади, жамоат тартиби ва миллий хавфсизликни таъминлайди, давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳамда Қуролли кучларга умумий раҳбарлик қилади. Ҳукуматнинг шаклланиш тартиби, мазкур давлатда мавжуд бўлган бошқарув шаклига боғлиқ ҳолда ўрнатилади ҳамда турли давлатларда турлича номланади. Мисол учун, АҚШда – Маъмурият, Англияда ва Туркманистонда – Министрлар Кабинети, Франция ва Италияда – Министрлар Кенгаши, Хитойда - Давлат Кенгаши, Россия ва Тожикистонда – Ҳукумат, Японияда – Кабинет ва ҳок.

Ўзбекистонда Вазирлар Маҳкамаси Президент, Олий мажлис ва судлар билан бир қаторда ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш асосида амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимиға ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви тузилмаларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан ишлашини таъминлайди. Вазирлар маҳкамаси қонун билан белгилаб қўйилган ўз таркибиға эға. Унға кўра, Вазирлар Маҳкамаси таркибиға Бош вазир, унинг



биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар давлат кўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари киради.

Конституцияга биноан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унги раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Президент томонидан шакллантирилади. Президент Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Олий мажлис палаталарига тақдим этади. Ушбу масала аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади. Бош вазирни лавозимидан озод қилиш Президент ваколатига киради. Вазирлар маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимига кўра, Президент томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги **Вазирлар Маҳкамасининг раёсати** фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг ижро ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этишига доир ваколатларига қуйидагилар киради:


1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамасининг аъзолигига номзодларни тасдиқлаш учун Президентга тақдим этади.
2. Вазирлар Маҳкамаси Республика қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.
3. Ўзбекистоннинг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида қуйидаги фаолият соҳаларини келтириш мумкин:

- маъмурий-сиёсий соҳасидаги фаолият;
- иқтисодиёт соҳасидаги фаолият;
- ижтимоий-маданий соҳасидаги фаолият;

Маъмурий – сиёсий соҳадаги ваколатлар:

1. Республика бошқарув тузилмасини такомиллаштиради.
2. Республика вазирликлари, давлат кўмиталари, идоралари, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади.
3. Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради.
4. Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат бюджетида бўлган давлат бошқаруви бошқа органларининг марказий аппарати ходимларининг сони ва уларга сарфланадиган маблағлар миқдорини белгилайди.




5. Вазирликлар, давлат кўмиталари раисларининг ўринбосарларини, бошқармалар ҳамда давлат бошқаруви бошқа органларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозига тайинлайди ва лавозимидан озод қилади.
6. Хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралари хайъатлари аъзоларини, шунингдек, Ҳукумат томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари аъзоларини тасдиқлайди.
7. Ўзбекистоннинг давлат хавфсизлиги ва мудофаа кудратини ошириш, давлат чегараларини кўриқлашни таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади.
8. Давлат бошқарув органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда Республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, катта авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради.
9. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади ҳамда уларни бажариш чора-тадбирларини кўради.

Иқтисодий соҳадаги ваколатлар:

1. Иқтисодий жараёнларни бошқариш, мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиялаштиришдан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт- шароитлар яратиш.
2. Хўжалик юритишнинг янги шакллари-концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бирлашмалар, турли уюшмалар ва бошқа ана шундай ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади, халқ хўжалиги ва аҳоли талабларини қондиришдан келиб чиқиб, улар фаолиятини йўналтиради ва мувофиқлаштиради.
3. Ўзбекистонда пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашади, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорининг белгиланган кафолатларини ва ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора – тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.
4. Республика бюджетини, шунингдек, мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш истиқболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади.

Ижтимоий-маданий соҳадаги ваколатлар:

1. Фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади.
2. Фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради.



3. Соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида давлат бошқаруви, хўжалик ва ижтимоий – маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари ҳал этилади. Мажлислар йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Уларни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш тартиби тўғрисидаги” қарори билан белгиланади. Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида муҳокама этиш учун масалалар вазирлар, давлат кўмиталарининг раислари, идоралар, корпорациялар, компаниялар, концернлар, уюшмаларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, улар бўлмаган ҳолларда уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан киритилади.

Давлат бошқарувида судларнинг роли. Ҳар бир давлатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам одил судлов органлари тизими маъмурий-худудий тузилмаларда ташкил этилган ҳамда судлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини ривожлантириш жараёнида корхона ва ташкилот, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат натижасида келиб чиқадиган масалаларни белгиланган худудий бирликлар миқёсида кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик суди билан шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат”, деб белгиланган. 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида” ги қонуннинг янги таҳририга кўра, юқорида санаб ўтилган суд тизимига ўзгартиришлар киритилиб, судлар ихтисослаштирилди. Яъни, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари жорий этилган.

Ўзбекистондаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда суд органларининг таъсири кучли бўлиб, бу жараёни давлат номидан кафолатлайди. Суд органлари Конституция ва қонунларда белгилаб берилган фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини миллатларнинг тенглиги тамойиллари асосида амалда қўлланилишини назорат қилади. Шунингдек, суд органлари мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ишлаб чиқариш муассасаларида, давлат идораларида, жамоат бирлашмаларида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини мулк шаклидан қатъий назар ҳимоя қилинишини таъминлайди.



Суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсат партиялардан, жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.


Ўзбекистон Республикаси **Конституциявий суди** Конституциявий назорат бўйича суд органи ҳисобланиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради. Бу суд ҳуқуқий муҳофази қилувчи қонунларни, қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг бошқа ҳужжатларини Конституцияга зид деб топиш ва уларни ҳаракатдан тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлган махсус орган ҳисобланади. Конституциявий суд қуйидаги ваколатларга эга:

1. Олий Мажлис қабул қилган ҳужжатларни, Президент фармонларини, Ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларини, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларини ва бошқа мажбуриятларини Конституцияга мослигини аниқлайди.
2. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади.
5. Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.
6. Конституциявий суд Олий Мажлистеда қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси **Олий суди** фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Олий суд қонунда кўрсатилган процессуал шакл ва тартибда умумий юрисдикцияли судлар, шунингдек, ҳарбий судлар фаолияти устидан ҳам судлов назоратини амалга оширади. Ундан ташқари Олий суд, қуйи судларнинг маълум ишлар бўйича йўл қўйган хато ва камчиликларини тузатиш мақсадида улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асосли эканлигини текшириш йўли билан уларнинг фаолиятини назорат қилади.

Олий суд - Олий суд раиси, унинг ўринбосари ва ўринбосарлари, судлов ҳайъатлари раислари, Олий суд судьяларидан иборат таркибда иш олиб боради. Суд фаолиятининг катта қисми судлов ҳайъатлари зиммасида бўлади. Олий судлов ҳайъатлари фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича, ҳарбий ишлар бўйича ҳайъатлар ҳисобланиб, улар таркиби Республика Олий суди Пленуми томонидан тасдиқланади.

Олий суд фаолиятини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш Олий суд раиси зиммасига юклатилган. Олий суд раиси умумий юрисдикцияли судларнинг барча ҳукм ва бошқа қарорларига қонунда белгиланган тартибда протест бериш ҳамда улар ижросини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.



Иқтисодий соҳада, турли мулк шакллариغا эга ташкилотлар, идоралар, корхоналарни бошқариш жараёнида, шунингдек, тадбиркорлар орасида вужудга келадиган муносабатларда юзага чиққан баҳсларни ҳал қилиш **Олий хўжалик судлари** тизими томонидан амалга оширилади. Хўжалик судларининг асосий вазифалари – ташкилотлар ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни тўғри ва бир хилда қўллаш, иқтисодий муносабатларда қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонунчиликнинг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланишга шароит яратишдан иборат.

Олий хўжалик суди фаолиятининг асосий тамойиллари – қонунийлик, хўжалик судьяларининг мустақиллиги, суд ва қонун олдида ҳамманинг тенглиги, томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги, иш юритишда ошкоралик, суд муҳокамасининг бевосита ва узвий амалга оширилиши ҳисобланади.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳуқуқий ҳужжатлари хўжалик судининг тўхтамаи, қарори, ажрими барча давлат органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳамда бошқа органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бажарилиши шарт ҳисобланади.

Вазирликлар ва давлат бошқарувининг бошқа идоралари. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг муҳим ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бўлган **Вазирликлар** давлат бошқарувининг ихтисослаштирилган марказий органлари ҳисобланади. Давлат бошқарувининг бу ташкилий – ҳуқуқий шакли умумдавлат миқёсида фаолият юритадиган, қоидага кўра, ижтимоий ҳаётнинг муайян бир тармоғига раҳбарлик қиладиган ижро этувчи – фармоиш берувчи орган ҳисобланади.

Вазирликка ҳукумат аъзоси бўлган мансабдор шахс – Вазир бошчилик қилади ва у вазирликка топширилган тармоқнинг ривожланиши ҳамда вазирликнинг фаолияти учун Вазирлар маҳкамаси олдида шахсан жавобгар бўлади. Вазирлик жамиятдаги муайян тармоқнинг яқкабошчилик асосида бошқариладиган давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Вазир тармоқнинг ривожланиши ва тармоққа доир давлат сиёсати олиб боришга шахсан жавобгар ҳисобланади. Вазирлик қошида Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, вазирлик тизимидаги кирувчи раҳбар ходимлардан иборат ҳайъат тузилади.

Тармоқ ривожланишининг долзарб масалалари ҳайъатнинг ҳар ойлик мажлисларида муҳокама этилади. Муҳокама натижалари бўйича ҳайъат қарори Вазирнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Давлат кўмиталари ҳам давлат бошқарувининг марказий ихтисослаштирилган органларига киради. Давлат кўмиталари давлат бошқарувининг ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий шаклини ташкил этса –да, уларнинг ташкил топиш, фаолият юргизиш, бўйсунуш, мақом ҳамда функциялари нуқтаи назаридан Вазирлик бошқаруви билан қатор умумийликларга эгадир.



Тармоқлараро хусусиятга эга бўлган давлат кўмиталарининг фаолиятида асосан мувофиқлаштириш ва тартибга солиш функциялари кенг ўрин эгаллайди. Давлат кўмитасига раҳбарлик унинг раиси томонидан амалга оширилади. Кўмита раиси бош вазирнинг тақдимига мувофиқ Президент томонидан тайинланади ва вазифасидан озод этилади. Давлат кўмитасининг ички фаолиятига доир буйруқ, йўриқнома ва кўрсатмалар раис томонидан чиқарилади ва у кўмита томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Агентликлар, Кўмиталар, Марказлар ва Инспекциялар – Республика давлат бошқарувининг ижро этувчи – фармойиш берувчи фаолияти олиб борадиган ихтисослашган функционал бошқарувни амалга оширадиган марказий идораларидир. Ушбу махсус идоралар ҳукумат томонидан хўжалик ва маданий тармоқларида ташкил этиладиган ташкилий-ҳуқуқий бошқарув шакллари ҳисобланади. Мазкур марказий бошқарув идоралари мамлакат ҳаётининг муҳим бир тармоғи бўйича давлат бошқарувини олиб борадилар ва шу тармоқ бўйича қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлайдилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятининг ташкил этиш Конституция, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари “Иш тартиби” ва бошқа меъёрий қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилади. Маҳаллий ижро ҳокимияти деганда Ўзбекистонда ташкил этилган **вилоят, туман, шаҳар ҳокимияти** тизими тушунилади. Маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи маҳкама ҳокимнинг раҳбарлиги остида ишлайди. Вилоят ҳокимлари, Тошкент шаҳар ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим муоммоларини муҳокама қилиш учун ҳоким ҳузурида Маслаҳат Кенгаши тузилади. Бу Кенгаш таркибига ҳоким, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, котибият бошлиғи киради. Маслаҳат Кенгаши таркибига ҳокимнинг қарорига мувофиқ халқ депутатлари Кенгаши аъзолари ва бошқа ташкилотлардан бўлган вакиллар ҳам кириши мумкин.

Конституцияга биноан, маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига қуйидагилар киради:

- қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;
- худудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;



-норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Конституцияга ва қонунларга эътибор келмайдиган ваколатларни амалга ошириш.

Вилоят, туман ва шаҳар ижроя ҳокимиятига **ҳоким** бошчилик қилади. Ҳоким Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосари ва ўринбосарларга эга бўлади. Маҳаллий ижроя ҳокимияти органлари **бошқармалар, бўлимлар ва бўлинмалардан** иборат бўлиб, уларнинг тузилиши ва ташкил этилиш тартиби, фаолият юритиш асослари Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади. Ҳокимнинг фаолиятини тўғри ташкил этишда ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари фаолиятини ташкил этиш ўта муҳимдир.


Туман таркибидаги шаҳар ва шаҳарчаларда Кенгашлар тузилмайди. Шаҳар таркибидаги туман ҳокими шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳар таркибига кирувчи туман ҳокимлари шаҳар ҳокимини расмий вакили ҳисобланади ва унга ҳисоб бериб туради. Туманлар таркибига кирувчи шаҳар ҳокимларининг тайинланиши ҳам шу тартибда амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари. 1993 йил 2 сентябрда бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг ўн иккинчи чақириқ учунчи сессиясида “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди бу ҳужжат **қишлоқ, шаҳарча ва овуллар** таркибида тузиладиган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг тузилиши ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларга кўмаклашадилар. Улар ўз ҳудудларидаги ижтимоий-хўжалик вазифаларни ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Республика раҳбарияти ва ҳукуматининг қарорларини бажариш мақсадида фуқароларни бирлаштиради. Конституцияда белгилаб қўйилганидек, “шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда **фуқароларнинг йиғинлари** ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раис (оқсоқол)ни унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади”.

Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишилган ҳолда заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йиғини шунингдек, халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки шу ҳудудда яшаётган фуқароларнинг учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Юқорида эслатилган Қонунда фуқаролар йиғини **раиси (оқсоқол)** ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби белгиланган бўлиб, уларни фуқароларнинг йиғини (йиғилиши) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда сайлайди.



Фуқаролар йиғинларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолини яримдан кўпроғи иштирок этган тақдирда йиғинлар ваколатли деб ҳисобланади, вакиллар йиғилишлари эса вакилларнинг камида учдан икки қисми келганда ваколатли ҳисобланади. Фуқаролар йиғини (йиғилиши)ни олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғинни раис (оқсоқол) ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очик овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз бериш билан қабул қилинади.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз-ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар бажаришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирликлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
8. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
9. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
11. Ўзбекистон Республикаси Фавқулотда вазиятлар вазирлиги
12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат кўмиталари.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат кўмитаси
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси
3. Ўзбекистон Республикаси Монополидан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитаси
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилувчи кўмитаси
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси
10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича Давлат кўмитаси

Давлат бошқаруви тизимидаги агентликлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги
2. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги



3. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
4. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
5. Ўзбекистон “Ўзкоммунхизмат” агентлиги
6. Ўзбекистон автомобиль ва дарё траспорти агентлиги
7. Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги
8. “Ўзархив” агентлиги
9. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги.

Давлат бошқаруви тизимидаги Марказлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини муофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Сифат” Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология маркази.

Давлат бошқаруви тизимидаги инспекциялар.

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси
6. Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси
7. Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси.

Таянч сўзлар.

Президент Институту, давлат бошлиғи, Президент ваколатлари, Мустақиллик Декларацияси, Мустақиллик асослари, Ҳокимиятлар бўлиниши, қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият, суд



хокимияти, Олий мажлис-парламент, Қонунчилик палатаси, Сенат, Қўмиталар, Доимий комиссиялар, Спикер, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳукумат, Бош Вазир, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Вазирликлар, Агентликлар, Қўмиталар, Марказлар, Инспекциялар, Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хокимлар, бошқармалар, бўлимлар, бўлинмалар, ўзини-ўзи бошқарув органлари, қишлоқ, шаҳарча ва овуллар.

Савол ва топшириқлар

1. Ўзбекистонда Президент Институтининг жорий этилиши ҳақида гапириб беринг.
2. Ўзбекистонда Президентининг ваколатлари нималардан иборат?
3. Мустақиллик Декларацияси ҳақида нима биласиз?
4. Мустақил Ўзбекистондаги ҳокимиятлар бўлинишига изоҳ беринг.
5. Олий Мажлис ва унинг фаолияти ҳақида гапиринг.
6. Парламентнинг ваколатлари ҳақида сўзлаб беринг.
7. Вазирлар Маҳкамаси ва унинг фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
8. Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ҳақида гапириб беринг.
9. Судлар ҳақида маълумот беринг.
10. Конституциявий суд ҳақида гапиринг.
11. Олий суд ҳақида маълумот беринг.
12. Олий хўжалик суди ҳақида нима биласиз.
13. Вазирликлар ва давлат бошқарувининг бошқа идоралари ҳақида маълумот беринг.
14. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида маълумот беринг.

Мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент, Ўзбекистон. 2012.
2. Давлат қурилиши ва бошқаруви. Муаллифлар жамоаси. Тошкент. Академия. 2007.
3. Худойбердиева В. Давлат бошқаруви органлари тизими ва маъурий ислохатлар. Тошкент. 2005.
4. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: президентлик институти. Тошкент. ТДЮИ. 2002.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент-Ўзбекистон. 2012.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2003, 23-сон



Глоссарий

- Аворизот – фавкўлоддаги харажатлар учун тўпланадиган йиғим.
- Авқоф – масжид ва мадрасаларнинг вақф хўжалиги билан шуғулланувчи.
- Ажам – араб халқлари ва мамлакатларидан ўзга юрт ва халқлар.
- Азархурра – оташпарастлар сиғинадиган муқаддас олов, ўт.
- Айл – Амир Темур асқарий қисмларининг ўн нафарли бўлинмаси.
- Айлбоши - ўн нафарли асқарий бўлинманинг кичик зобити аскарбоши.
- Аккор – коранда, қишлоқнинг зироаткор аҳолиси.
- Амид ул-мулк – давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари вазири.
- Амир ул-умаро – амирлар амири, бош саркарда.
- Анимизм – руҳ ва жонга ишониш; ота – боболар руҳига сиғиниш.
- Ариз – Қўшин таъминоти билан шуғулланувчи вазир.
- Арк – ички қалъа, ҳукмдорнинг шаҳар ичидаги қўрғон – саройи, қароргоҳи.
- Аркбеги – подшо қароргоҳининг бошқарувчиси.
- Атрабон – оташпарастлик ибодатхонасининг руҳонийси, оташгоҳ хизматчиси.
- Ахриман – зардуштийлик динининг зулмат, очлик, уруш, ўлим, гуноҳ ва барча ёвўзликлар.
- Ахурамазда - зардуштийлик динининг бош тангриси, ёруғлик, фаровонлик, сиҳат – саломатлик, тинчлик ва барча эзгуликлар худоси.
- Банд – Тошлардан бино қилинган сув омборининг тўғони; сув омбори; тўғон.
- Банно – ғишт терувчи бинокор.
- Бантак – қўл.
- Барзикор – қўшчи, зироаткор, қишлоқнинг меҳнаткаш аҳолиси.
- Барид – кирим.
- Барот - ижарага олиш.
- Бек – эл-юрт, вилоят ҳокими.
- Бегор – жамоат ишларига сафарбар этиш; ҳашар.
- Бий – уруғ қабила оқсоқоли.
- Бож – савдогарлардан олинадиган солиқ.
- Боргоҳ – подшоҳ саройидаги қаср, қабулхона.
- Босқоқ – муғуллар ҳокимлик қилган XIII-XIV асрлардаги маҳаллий ҳоким.



Буронғор – кўшиннинг ўнг қаноти.
Бурж – шаҳар ва қалъа деворлари ва миноралари.
Бурғу – карнай.
Бўдун – чорвадор аҳоли; қора бўдун – қора, оддий халқ.
Вазир – девонхона бошлиғи.
Вазкиром – солиқ йиғувчи, молия ходими.
Вағн – ибодатхона.
Вағнпат – ибодатхона рухонийси.
Вағнзе – ибодатхона ер ва мулклари.
Висоқбоши – тўрт нафарли аскарый гуруҳ бошлиғи; чодир бошлиғи.
Дапирпат – котиб, элчи, саркотиб.
Дебо – товланувчи нафис ипак мато.
Девон – вазирлар маҳкамаси.
Девонбеги – вазирлар маҳкамасининг бош маъмури.
Дехнишин – ўтроқ, қишлоқ аҳолиси.
Дехқон – илк ўрта асрларда “қишлоқ ҳокими”, ер эгаси.
Дигир – чархпаррак ва чиқирларга ариқдан ёки чиқир хандакдан сув ботиргич кўза.
Динор – бир мисқол (4,8гр) оғирликда зарб жтилган олтин ёки кумуш танга.
Довул – катта ноғора.
Доруға – ҳарбий маъмур.
Доруғона – доруғалар фойдасига олинадиган тўлов(солиқ).
Дуданг – ҳосилнинг олтидан икки ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.
Дўлоб – чархпаррак; қудуқдан сув чиқарадиган чарх.
Ём – жом, савдо йўлларидаги қўноқ.
Жизья- ислом динига ўтмаганлардан олинадиган жонбоши солиғи.
Жомеъ – масжид – жума кунлари жамоат номози ўқиладиган катта масжид.
Жория – чўри.
Жувонғор – кўшинининг сўл қаноти.
Жуйбон – сув тақсимловчи мироб.
Зобитона – киримни ҳисобловчи молия ходими учун олинадиган тўлов (солиқ).
Закот – чорвадан олинадиган солиқ; тўпланган бойликдан даромад солиғи.
Зарбхона – чақа ва тангалар зарб этиладиган устахона.
Изофа – захира қисм.
Илми арўз – поэтика.
Илм ҳайъат – астрономия.
Ихшид – илк ўрта аср вилоят ҳокими, хон ёки амир авлодлари.
Иқтоъ,иқтаъ – йирик мансабдорга ҳадя этилган ер ва мулк.
Кадивар – илк ўрта асрларда йирик ер эгаларига қарам бўлган зироаткор қишлоқ аҳолиси; чорикор.
Кай ёки қава – паҳлавон, ботир йўлбошчи (ҳукмдор).
Калавачи – ип йигирувчи.
Калон – XIII асрдаги ер солиғи.



Канбул – кўриқчи аскарый бўлима.
Карбос – бўз; пахта ипидан тўқилган мато.
Кашоварз – илк ўрта асрлардаги озод кўшчи, зироаткор.
Каҳҳол – кўз табиби.
Кешик - XIII асрда муғуллар кўшинидаги заҳира қисм; гвардия, гуруҳ.
Кибор – аслзода улуғ кишилар.
Кориз – ер ости сув иншооти.
Корикор – хизматкор.
Кофия – араб тили морфологияси.
Кошин – сирли, рангдор, қурилишдаги сопол безак.
Коҳ – сарой, ички қалъа, арк, ўрда.
Коҳин – ибодатхона хизматчиси.
Коропластика – маъбудаларнинг сопол хайкалчалари.
Куҳандиз – ҳукумдор қароргоҳи, акропол, пойтахт.
Кўрагон – хон куёви.
Кўшк – истехкомли баланд кўрғон.
Лабиринт – танбур, далон, дарвоза олди истехкоми (адаштирувчи йўлак).
Лавҳ – ёзув тахтаси, ёзув курсичаси, ёки курси.
Лак – юз минг.
Лаҳм – ер ости йўли.
Лойқоқ – сел лойқалари қопланган майдон.
Мадраса – олий диний имгоҳ.
Мажус – оташпараст.
Мажусий – оташпарастлик диндори.
Манглай – илғор гуруҳ.
Меш – сув ёки қимиз олиб юрадиган тери халта ёки тўрва, саноч.
Мирихазора – минглик ҳарбий бўлинманинг амири (сардори).
Мироб – сув хўжалиги бошқарувчиси.
Миробона – сув солиғи.
Миррих – Зардўштилардаги уруш, жанг ва ғалаба тангриси.
Мои сардарахт – боғ ва дарахтзорлардан олинадиган солиқ.
Мўзорий – кўшчи, зироаткор, экин экувчи.
Мулк - ҳусусий ер.
Мулки вақф – мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ер-мулк, хайрли ишлар учун ажратилган мол – мулк.
Мулки девоний – давлат ерлари.
Мамлакаи хос – давлат мулклари.
Мусаллас – ўзум ёки майиздан тайёрланган ширин шароб, май, хаома.
Мустафий – марказий ҳокимят девонхонаси дафтардор ҳисобчиси; молия вазири.
Мухассилона – солиқ йиғувчилар учун тўлов.
Муҳраш – чит ва матоларга гул босувчи.
Мухтасиб – тош – тарозу, нарх – наво ва мафкура назоратчиси.
Мушриф – сарой иш бошқарувчиси.



Муқтоъ ёки иқтидор – иқтоъ ер ва мулкларига эга бўлган ер эгаси.
Муҳораба (махораба) – жанг, уруш, ҳарбий тўқнашув.
Муҳрдор – девонхонанинг муҳр сақловчиси; муҳр босувчи, муҳр соҳиби.
Наус – оташпарастрлар хилхонаси, остадонлар сақланадиган мазор-қўрғон.
Наф – шаҳар ва қишлоқ аҳолиси.
Нафтандоз – нефтли ва пиликли кўзачаларни ирғитадиган палахмон, ҳарбий мослама.
Намозгоҳ – ийд ибодатлари ўқиладиган масжид; ийдгоҳ.
Нова (нов) – сув ташлағич тарнов; сув ташлағич.
Нохид – Зардуштийлардаги ҳосилдорлик ва фаровонлик маъбудаси.
Остадон (оссуарий) – сопол тобутча.
Оташгоҳ – муқаддас ўчоқ; ўтхона, оловхона.
Оҳангар – темирчи.
Пайза – Муғуллар даврида имтиёзли шахсларга бериладиган ёрлик.
Пайкон – камон ўқи ёки найзанинг тош, суяк ёки метали учи.
Палахмон – тошотар; ҳарбий қурол.
Пандус – кўтарма йўл.
Парчин – сирланган ранг–баранг ғишт парчалари.
Пойкор – кичик мироб; қишлоқ мироби.
Рабод – ташқи шаҳар, карвонсарой.
Раис – шаҳар ҳокими.
Раъдандоз – ўт отғич; ҳарбий қурол.
Риёзиёт – математика.
Савқўлжайш – стратегия.
Садок – ўқдон.
Садокхона – камон ва ўқдонлар омбори.
Сардоба (обдон) – пишиқ ғишдан қурилган гумбазли ҳовўз; сувхона.
Саришумор – жонбош солиғи.
Саррожлик – эгар ва жабдуқ ясовчи устахона.
Сатрап – вилоят ноиб (аҳамонийлар ва антик давр).
Сатрапия – маъмурий бўлим, вилоят (аҳамонийлар ва антик давр).
Стратег – мудофаа ва қўшин вазири (антик давр).
Саҳронишин – саҳройи, туяқаш.
Соҳибқирон – кунчиқиш ва кунботиш эгаси, жаҳон эгаси, жаҳонгир, адолат соҳиби.
Соҳиби жамоа – ҳосил миқдорини белгиловчи маъмур учун йиғиладиган тўлов.
Соҳиби муаййид – мактубот ва ахборот вазири.
Соҳиби шурот – ҳарбий вазир.
Суворий – отлиқ аскар.
Суюрғол – олий табақа зодагонларига инъом қилинган ер-мулк.
Таважжухоти хорижий – фавқўлоддаги харажатлар солиғи.
Тамға – савдо божи; савдогарлардан олинадиган солиқ.
Таноб – 200-250 кв м ҳажмдаги ер майдони.



Тарбият ул-жайш – ҳарбий тактика.
Тиркаш – камондан ўқ ўзадиган нишон туйнуғи.
Тотем – уруғ ёки қабила жамоалари сиғинадиган ҳайвон, ўсимлик ёки жисм.
Тотемизм – тотемларга сиғиниш.
Тоқ ёки Тим – усти ёпиқ бозор ва ҳунармандчилик растаси.
Тудун – турк ҳоқонлигининг вилоят ҳокимликларидаги вакили, вилоят ҳокими.
Туман – ўн минглик ҳарбий қисм.
Туман оғаси – ўн минглик аскарӣ қисм амири, қўмондон.
Туғро – давлат нишонаси, рамзи, герб.
Устурлоб – астраномия асбоби.
Ушр – ҳосилдан 10% ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.
Фармондор – бошқарувчи.
Фарна – Зардўштийлардаги бахт ва толе худоси.
Фулус – майда мис чақа.
Хабаргир – хабарчи, айғоқчи, кузатувчи.
Хазора – минглик аскарӣ бўлинма.
Хандақ – мудофаа иншооти, зовур.
Харажу мараж – бошбошдоқлик, ўзбошимчалик, бебошлик.
Хатиб – дин пешвоси.
Хаттот – китоб ва рисоалар кўчирувчи котиб.
Хвабу – вилоят ҳокими, йирик ер эгаси.
Хватов – ҳоким.
Хирож – ҳосилнинг 25-33% ҳисобида олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи;
XV асрда бу солиқ “мол” деб юритилган.
Хонашумор – ҳар хонадондан олинадиган жонбоши солиғи.
Хонақоҳ – ғарибхона, мусофирхона.
Хонбанди (конбанди) – сув омбори, катта ҳовўз.
Хоқон ёки қоғон – ҳуқумдор, подшо.
Хубби – Зардўштийлардаги сув худоси, сув маъбудаси.
Хушун – юз нафарлик ҳарбий бўлинма.
Хушунбоши – юзлик бўлинма зобити;
Чилангар – темирчи.
Чилангарлик – темирчилик.
Чиқир – туя ёки хўкиз кўшиб айлантириладиган сув кўтаргич иншоот.
Чокар – ҳарбий дружина, кўнгиллилар тўдаси.
Чокардиза – чокарлар қалъаси, турар жойи.
Чорикор – ҳосилдан 25% олиш ҳисобига ишловчи ёлланма кўшчи зироаткор.
Чоҳпар – ўра.
Шайхулисом – дин ва илм пешвоси.
Шаҳристон – ички шаҳар.
Шод – Ўн минглик лашкар бошлиғи.
Шулен – XIII асрда олинган озиқ-овқат солиғи.
Элоқ – кичик юрт, кичик мулк.



Этногенез – халқ ва элатларнинг келиб чиқиши.

Ябғу ёки жабғу – эл-юрт ҳокими, маҳаллий ҳоким.

Ясовул – соқчи.

Ясоқлар – Чингизхон жорий этган қонун-қоидалар тўплами.

Ўлпон – ер солиғи.

Ўрдугоҳ – қўшин лагери тўхтайдиган қўноқ; подшо қароргоҳи.

Ўтлоқ ва сувлоқ – яйловлардан олинадиган солиқ.

Қабо – устки кийим, ёпинчик.

Қайр – дарё, анҳор ёки шоҳариқ бўйларидаги табиий намли ерлар.

Қам – шаман, кўк тангрига сиғинувчилар эътиқоди.

Қаср – сарой, олий ва ҳашаматли бино.

Қопчур – муғуллар даврида чорвадан олинадиган солиқ.

Қорахон – буюк ҳокон.

Қутвол – давлат қурилиши бошлиғи, саркори, қалъа ва қўрғон соқчиси, қароргоҳ назоратчиси.

Қўрғон, қўрғонча – аирофи баланд пахса девор билан ўралган дарвозали истехком.

Қўш – бир жуфт хўкиз билан ҳайдаладиган ер майдони.

Ғози – дин ҳомийси, дин йўлида курашувчи.

Ғозий – ғолиб.

Ғувокор – савдогар (илк ўрта асрлар)

Ғул – мунтазам қўшин.

Ҳайлбоши – суворийлар амири, ўнлик амири.

Ҳожиб – ҳарбий бошлиқ.

Ҳожиб ул-бўзрук – қўмондон

Ҳожиб ул-хужоб – бош қўмондон.

